ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ МАРКАЗИ

НОДИРЖОН АБДУЛАҲАТОВ

НОН КИТОБИ

Фарғона - 2026

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЎК: 930.2:664.6
КБК: 88.5
А 15
НОДИРЖОН АБДУЛАҲАТОВ.
А 15 Нон китоби. Фарғона: 2026. **“Classic”** нашриёти- 2026 466-б.
ISBN: 978-9910-277-55-9

Масъул муҳаррир:
Тарих фанлари доктори, профессор
ИКРОМИДДИН ОСТОНАҚУЛОВ
Тарих фанлари доктори, профессор
Тақризчилар:
ЗАФАР НАЖМИДДИНОВ
Тарих фанлари номзоди, доце
ИНОМЖОН ТЕШАБОЕВ
Психология фанлари фалсафа доктори (PhD)
ВОҲИДХОН ҚОДИРОВ
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

Фарғона вилояти педагогик маҳорат маркази методик кенгашининг ***27.01.2026*** *йилдаги* ***№1*** *сонли қарорига асосан чоп этишга тавсия этилган***.**

Ушбу монографияда тириклик манбаи ва муҳим маданий-маънавий қадрият ҳисобланган нон феномени, унинг инсоният цивилизацияси тарихи ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни ва ижтимоий-фалсафий, этномаданий аҳамияти атрофлича таҳлил қилинган. Тадқиқотда тарихий-қиёсий, этнографик ва манбашунослик усуллари асосида нон билан боғлиқ миллий анъаналар, маросимлар ва қадриятларнинг трансформацияси ёритилган.

Нашр натижаларидан таълим тизимида, тарих, тарбия, этнология, маданиятшунослик, педагогика, психология ва турдош ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича илмий изланишлар олиб боришда, ўқув-услубий манба ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш тавсия этилади. Монография соҳа мутахассислари, тадқиқотчилар ҳамда миллий қадриятлар тарихига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

7678

УЎК: 930.2:664.6
КБК: 88.5
ISBN: 978-9910-277-55-9
© Н.Абдулаҳатов.
“Classic” нашриёти- 2026

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҚАДДИМА

Ушбу китоб очлик йилларининг азоб-уқубатларини бошидан кечирган ва бир бурда нонга зорликда дунёдан ўтган ватандошларимиз хотирасига бағишланади.

Инсон хотирасида айрим туйғулар борки, улар йиллар ўтса-да қалбдан ўчмайди. Айниқса, ота-она билан боғлиқ хотиралар инсон маънавий оламининг энг нозик қатламларини ташкил этади. Баъзан бир ҳид, бир сўз ёки тандирда пишган ноннинг тафти инсонни болалик йилларига қайтариб, қалбида соғинич ва меҳр туйғуларини уйғотади. Шу маънода нон нафақат ризқ-рўз тимсоли, балки миллий хотира ва маънавий қадриятларнинг муҳим белгиси сифатида намоён бўлади. Бинобарин,

“Болаликка чипта сотинглар,
Мен дадамга салом айтаман.
Онам, яна кулча нон ёпар,
Сизларга ҳам олиб қайтаман”

каби мисралар болалик хотираларимиз, ота-она меҳри ва миллий муҳит билан боғлиқ ички кечинмаларимизнинг бадиий ифодасидир.

Жадид адабиёти намояндаларидан бири Абдулҳамид Чўлпон ўзининг Кеча ва кундуз асарида миллий тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратади. Асарда маърифатпарварлардан бири қуйидаги фикрни билдиради:

“Ибтидоий тарбияни рус мактабларидан бошлаб бўлмайди, уни миллий мактабларда бериш керак. Илгари миллий ҳиссини ўстириб, ўз миллатини танигандан кейин бошқа илмларни эгаллаш лозим”.

Ушбу фикрлардан англашиладики, инсон камолоти аввало оила ва миллий муҳитда шаклланади. Болаликда эшитилган насиҳатлар, дастурхон атрофида айтилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳикматлар ва миллий урф-одатлар инсоннинг бутун ҳаётига таъсир кўрсатади.

Назаримда Чўлпон айтган миллий ҳисни оиламизда шаклланишида болалик кезларимда отажоним Урайимжон Абдулаҳад охунд ўғлининг дастурхон атрофида бизга айтиб берган нон ҳақида ҳикояларию онажоним Сабохон Мамадали қизининг "Иллоё уйинг тўла нон бўлсин" дея қилган дуоларининг ҳам ўзига ўрни хос бўлгандек. Чунки, уларнинг нон билан боғлиқ насиҳатлари биз фарзандлар учун бир умрга сабоқ бўлиб қолди ва бу ўз навбатида мазкур китобимни ёзишимга етарли асос бўлди.

Ўзбек халқининг турмуш тарзида нон муқаддас неъмат сифатида қадрланган. Тандир атрофидаги муҳит, кулча нон ҳиди ва дастурхон маданияти халқ маънавиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Нонга бўлган ҳурмат фарзанд тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутган.

Хорижда яшаб қайтган инсоннинг, "Мен яшаган мамлакатда шароит жуда яхши эди. Бироқ уйимиздаги тандирда ёпилган нонни жуда соғиндим", деган фикри инсон қалбида миллий муҳит ва Ватан туйғуси қандай сақланишини кўрсатади. Чунки инсон учун Ватан тушунчаси кўпинча болалик хотиралари билан боғлиқ бўлади.

Шу маънода таниқли адибнинг "Ватан нимадан бошланади? Тандир бошида илк бор ейилган кулча нондан...", деган фикри чуқур маънавий мазмунга эгадир. Нон бу ерда нафақат озуқа, балки миллий ўзлик, болалик, она меҳри ва Ватан рамзи сифатида талқин қилинмоқда.

Китобда нонни шунчаки озиқ-овқат маҳсулоти эмас, балки инсоният цивилизациясининг "энг буюк кашфиёти" сифатида талқин қилишдан бошланади. Унда ноннинг қадри, унга бўлган эҳтиром, шунингдек, ўзбек халқининг маънавий ҳаётида тутадиган ўрни тарихий хотиралар ва урф-одатлар воситасида очиб берилган. Китобда "нонкўрлик" тушунчасига алоҳида бўлим ажратилгани нонга бўлган муносабат

www.ziyouz.com kutubxonasi

ахлоқий мезон сифатида қаралганини кўрсатади. Китобда нонвойлик касби сифатида шаклланган миллий маданият атрофлича ёритилган. “Нонвойлик рисоласи” орқали соҳанинг маънавий-ахлоқий ва касбий қоидалари, устоз-шогирд анъаналари таҳлил қилинган.Марғилон нонвойлари ва тандирчилар меҳнатига алоҳида тўхталиб ўтилгани, ҳудудий (хусусан, Фарғона водийси) нонвойчилик анъаналари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари чуқур ўрганилганидан далолат беради. Мазкур тадқиқотда ҳам оғзаки хазина (эртаклар, ривоятлар, мақол ва ҳикматлар), ҳам ёзма ёдгорликлар интеграция қилинган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарига мурожаат қилингани нон билан боғлиқ истилоҳлар, туркий халқларнинг этнографик илдизлари XI аср манбалари асосида илмий асосланганини англатади. Ушбу асар нон маданияти, этнографияси, лингвистикаси ва фольклорини ўзида жамлаган яхлит, мукаммал ва маънавий-тарихий қимматга эга манбадир.

Хулоса қилиб айтганда, нон ўзбек халқининг маънавий ҳаётида нафақат ризқ-рўз, балки миллий хотира, оила тарбияси ва маънавий қадриятларнинг муҳим тимсоли ҳисобланади. Болаликда ота-онадан эшитилган насиҳатлар, тандир нон ҳиди ва дастурхон атрофидаги муҳит инсон қалбида миллий ҳисни шакллантиради.

Шу боис миллий тарбия масаласида оила муҳити, миллий қадриятлар ва халқнинг маънавий меросини асраш муҳим аҳамият касб этади. Нон ҳақидаги хотиралар эса инсонни доимо ўз илдизлари, ота-онаси ва Ватани билан боғлаб турувчи маънавий кўприк вазифасини бажаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭНГ БУЮК КАШФИЁТ

Одатда, ижтимоий тараққиёт биринчи навбатда жамиятнинг техника-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, моддий-турмуш даражалари билан баҳоланади. Бу соҳаларнинг, таъбир жоиз бўлса, такрор ва кенгайтирилган тарзда қайта ишлаб чиқилиши инсоният ҳаётининг гарови бўлиб, улар инсоният цивилизациясининг маънавий-инсоний муносабатлар такомиллашувига бевосита дахлдордир.

Агар инсоният тарихига назар ташланса, унинг тараққиёти энг аввало, ақл-тафаккурнинг ривожи билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Лекин, замонавий тараққиёт инсоннинг ҳаёт тарзини қулайлаштириш ва осонлаштириш йўлида эришган ютуқлари маълум маънода унинг маънавий қашшоқлашувига ҳам омил бўлмоқда. Ҳозирги замон кишиси тобора бир ўлчамли, "оммавий маданият" истеъмолчисига айланиб бормоқдаки, бу унинг асл инсоний моҳиятидан бегоналашувига олиб боради.

Бугунги глобаллашув ва ахборот асрида инсон ҳаёти анча қулайлашган бўлса-да, "оммавий маданият" таъсирида маънавий қадриятларга бефарқлик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш долзарб вазифага айланмоқда. Ана шундай қадриятлардан бири — нонга бўлган эҳтиромдир.

Оламнинг гултожи саналмиш инсоннинг энг характерли хусусияти, албатта, маънавий-ахлоқий фазилати билан ўлчанади. Кишилик жамияти мавжудлигини таъминлайдиган, уни ташкил этувчи одамларни миллати, ирқи, жинсидан қатъи назар, бирлаштириб турадиган нарса ҳам асл инсоний фазилатдир. Уларни кашф қилишнинг ҳожати йўқ, тарихда ўтган алломаларнинг меросини кўздан кечириш кифоя қилади. Уларнинг аниқ ва лўнда, жўяли айтилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўткир фикрлари ҳаёт томчилари янглиғ руҳимизга сингиб, турмушимизни яхшилашга хизмат қилаверади[1].

Дунёдаги барча махлуқотлардан улуғ ва мумтоз саналган инсон ўзининг шарафли номига муносиб бўлиши масаласи инсоният тараққиётининг барча босқичларида биринчи даражали иш деб ҳисобланган. Барча давр шоир, олимлари, мутафаккирлари жамият аъзоларининг юксак ахлоқ соҳиби, фозилу комил кишилар бўлишлари учун жидду жаҳд кўрсатганлар. Улар кишилар сифатини яхшилаш мақсадида одоб-ахлоққа доир кўплаб ўлмас асарлар яратганлар. Неча асрлар муқаддам инсон тарбия борасида улар ёзиб қолдирган нодир асарларни ўқир эканмиз, ёшу қарини, бой ва камбағални, султон ва гадони, жоҳилу доно учун бирдек қадрли бўлган нон тўғрисидаги айтган пурмаъно ҳикматлари барчамизни тафаккур қилишга ундайди. Донишманд Аристофан айтганидек, "Умуминсоний ва миллий бадиий-фалсафий қадриятлар хазинасидан баҳраманд бўлган ҳар бир инсон учун миллий ифтихор, шу билан бирга, бошқа халқларга нисбатан толерантлик бегона бўлмайди. Узоқ асрлар мобайнида яшаб келаётган доноларнинг нон ҳақидаги ҳикматлари ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди".

Машҳур олим Эйнштейндан "Инсоният тарихида энг буюк кашфиёт нима?" деб сўраганларида олим ҳеч ўйлаб ўтирмай "Нон" деб жавоб берган эди. Шу сабабдан табиатшунос олим К.А.Тимирязев: "Бўрсилдоққина пишган буғдой нонни синдириб ейилаётганда, мана шу маҳсулот инсоният донолигининг буюк кашфиётларидан бири эканлиги ҳамманинг ҳам эсига келавермайди", деб ёзган эди[2].

Дарҳақиқат, нон шундай буюк кашфиётки, унинг ўрнини бошқа бирор егулик таом ўрнини боса олмайди. Улуғ олим, дин ва давлат арбоби Алихон тўра Соғуний айтганидек: "Одам боласининг қилган минг турлик ҳунар-тадбирлари,

[1]Донолар пандлари. Афоризмлар, қикматлар, латифалар [Матн]: тўпловчилар: И. Эгамбердиев, А. Ҳайдаров. – Т.: Clobal books, 2017.-Б. 3-4.

[2] Маҳмудов К. Қизиқарли пазандалик. – Т.: Ўқитувчи, 1987. –Б.25.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар куйга солиб ўқиган байти-ғазаллари эрса вақти келар экан, бир парча нон олдида бош эгишга мажбур бўлади”[3].

Дарҳақиқат, ҳар қандай тансиқ таом ҳам агар нон бўлмаса татимайди. Шу сабабдан халқимизда: “Уйингда бошқа таом бўлмаса бўлмасин, бироқ бир бурда нонинг бўлсин” деган мақол қадимдан машҳурдир.

Тарихда ўтган мутафаккирлар инсонни комилликка етакловчи асосий омил сифатида ахлоқ ва маънавиятни эътироф этганлар. Нон ҳақида айтилган ҳикматлар эса инсонни меҳнатсеварлик, сабр, қаноат ва шукроналикка чорлайди. Қадимдан дастурхон атрофида кексалар томонидан айтилган нон ҳақидаги ҳикоя ва насиҳатлар ёш авлод қалбида меҳнатга ҳурмат ва ризққа эҳтиром туйғусини шакллантирган. Нонни ўпиб кўзга суртиш, уни ерга ташламаслик, ушоқларини ҳам териб олиш каби одатлар халқ педагогикасининг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади.

Маълумотларга кўра инсон ўзи учун керакли энергия манбаининг деярли ярмини айнан нондан олар экан. У бош мия ва мушакларга зарур бўлган қувватнинг тенгсиз манбаи ҳисобланади. Шундай нон ҳақида қанча кўп билсак шунча кам. Шу сабабдан ривожланган айрим мамлакатларнинг мактабларда махсус “Нон дарслари” ташкил қилинган.

Чунончи, ахборот асри деб аталмиш йигирма биринчи асрда ёшлар маънавий-ахлоқий дунёсини юксалтиришда “Нон дарслари”ни тарбиявий аҳамияти сезиларли даражада ўсиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Зеро Жан-Жак Руссо айтганидек: “Одамлар ҳамиша ўз фаровонликларига интиладилар, аммо уни нимада эканлигини ҳамиша ҳам кўравермайдилар”. Шу сабабдан бундай дарсларда ноннинг одамларнинг кундалик турмушидаги ўрни, нон турлари, нонинг пайдо бўлиши тарихи, нон ҳақида ҳикоялар, нон

[3] Алихон тўра Соғуний. Туркистон қайғуси. I-II қисмлар/Нашрга тайрловчи Қутлуғхон (Эдиқут) Шокиров. – Т.: Шарқ, 2020. –Б.96.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақида фильмлар намойиш этилади. Энг муҳими мазкур дарсларда ўқувчилар нон инсонларга берилган буюк неъматлардан бири эканлигидан хабардор қилибгина қолмай, уларни нонни қадрлашга, уни исроф қилмаслик кераклиги ҳақида тушунчалар берилади.

“Нон дарслари”да бошланғич синфларда нон билан боғлиқ савол-жавоблар ташкил қилинса, юқори синфларда ўқувчилар нон ҳақида иншолар ёзадилар. Бундан мақсад турмушда ҳеч зориқмай, бир бурда нон деб юзи сарғаймаган, силласи қуримаган бугунги кун ёшларини гўзал ахлоқ-одобли, илм ва ҳунарли, меҳнаткаш, собир, қонеъ, инсофли, диёнатли, саховатли, ҳалол, меҳр-шафқатли, мулойим, ширинсўз, камтар, кишиларга хайрихоҳ, кечиримли бўлишга, дунёга ортиқча хирс қўймасликка, нафсни тийишга, ота-онани қадрлаш кабиларга даъват этилади.

“Нон дарслари” ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги боис йилдан йилга мактабларда бундай махсус дарс соатларига алоҳида эътибор берилиб, таълимнинг устивор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда.

“Нон дарслари”нинг асосий мақсади — ёшларда нонга нисбатан эҳтиром, меҳнатга муҳаббат ва исрофгарчиликка қарши муносабатни шакллантиришдан иборат. Бу дарсларда:

- ноннинг пайдо бўлиш тарихи;
- турли халқларда нонга муносабат;
- нон ҳақидаги ҳикоя ва ривоятлар;
- фильм ва саҳна кўринишлари;
- иншо ва баҳс-мунозаралар ташкил этилади.

Айниқса, бошланғич синфларда савол-жавоб ва амалий машғулотлар, юқори синфларда эса ижодий ишлар ва иншолар ўқувчиларнинг маънавий тафаккурини бойитишга хизмат қилади.

Бу жараёнлар орқали ёшлар:

- меҳнатсеварлик;

www.ziyouz.com kutubxonasi

- қаноат;
- инсоф;
- диёнат;
- саховат;
- меҳр-шафқат;
- камтарлик;
- ота-онани қадрлаш;
- ҳалоллик каби фазилатларга тарбияланади.

Ўз вақтида атоқли адиб Чингиз Айтматов (1928–2008) ҳам бу масалага жиддий ёндашиш зарурлигини таъкидлаб ўтган эди: “Назаримда, бу масалага батафсил тўхташ лозим. Чунки ҳеч кимга сир эмас, табиатни қандай қилиб асраш, очликдан, урушлардан, техникавий тараққиёт келтириб чиқарадиган кулфатлардан ҳимояланиши тўғрисида бош қотиришдан аввал маънавий маънода инсон қандай қилиб инсон бўлиб қолажагини, нафақат ақл-идрокли мавжудот шаклида эмас, балки ҳис қиладиган, виждонли инсон қандоқ бўлиши кераклигини билмоқ керак. Маълум даражада ҳайвонларнинг ҳам ақли бор. Виждон ва ҳис-туйғу фақат инсонга хос хусусиятдир. Энди Ғарбдаги инсонпарвар файласуфларнинг нуқтаи-назарини қўллаб-қувватлаган ҳолда айтмоқчиманки, бошимизга ёғилиши мумкин бўлган мисли кўрилмаган ҳалокат – бу фақат атом, иссиқлик қуввати каби инсонни (балки, жамики тирикликни) Ер юзидан жисмонан йўқотиб юборадиган хатаргина эмас, айни чоғда инсониятнинг инсонийликни таг-томири билан маҳв этиб юборишга қодир бўлган даҳшатли ҳалокат ҳам рўй бериши мумкин”[4].

Болалик кезларимизда дастурхон атрофида жамул жам бўлиб, катталарнинг киши юрак бағрини эзиб юборадиган даражада таъсирли нон тўғрисидаги ҳикояларини мароқ билан тинглар эдик. Ва ҳар гал бундай ҳикояларни эшитиб

[4] Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг оҳи зори (Аср адоғида айтилган истиғфор) // Тарж: Н.Боқий, Ё. Хўжамбердиев. – Т.: Шарқ, 1998. –Б.124-125.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлгач, барчамиз ўз олдимиздаги нон бўлакларни ўпиб кўзимизга суртар эдик. Агар нонни исроф қилсак танбеҳлар эшитардик.

Болалигимизда ушбу танбеҳларни эшитиб ўсиб-улғайдик. Фақат ёшимиз бир жойга етиб, сочимизга оқ оралаган дамлардагина ўша пурмаъно сўзларнинг қанчалик ҳақиқат эканлигини тушуниб етдик[5]. Ажабо, кексаларимиз нақадар доно, ақлли бўлишган экан. Бу ҳақда Саййид Мубашширхон Косоний (1928-1995) шундай ёзган эди: "Онам бир пайтлар суви қочган нонларни офтобда қуритиб, бўз халтага солиб қўярдилар. Мен буни тушунмай дер эдим: "Она, ҳозир тузуккина тирикчилик ўтказаётган бўлсак, бу қаттиқ нонларни нима қиласиз? Эчкиси бор қўшниларга олиб чиқиб берайлик". Волидам айтардилар: "Болам, сенга нима оғирлиги бор, бир кунимизга яраб қолар, ахир?" Қийинчиликлар нималигини яхши биладиган онамнинг бу ҳикматли сўзлари сира ёдимдан чиқмайди"[6].

Хулоса қилиб айтганда, нон инсоният ҳаётида нафақат моддий эҳтиёж, балки юксак маънавий қадрият сифатида ҳам муҳим ўрин тутади. Нонга ҳурмат — меҳнатга ҳурмат, инсон қадрига эҳтиром демакдир. Шу сабабдан ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда "Нон дарслари" муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги ахборот ва глобаллашув даврида инсон маънавиятини асраш, ёшларни инсонийлик руҳида тар-биялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Нон ҳақидаги халқ ҳикматлари, мутафаккирлар мероси ва миллий анъаналар ана шу юксак мақсадга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар ноннинг фақатгина биологик ва моддий эҳтиёж манбаи эмас, балки жамият

[5] Абдулаҳатов Н., Азимов В. Эл ва ер фарзанди. – Т.: Шарқ, 2008. –Б. 6.

[6] Саййид Мубашширхон Косоний. Бир умрдир дарбадар мулки жаҳон кезмоқдаман ("Хотираларим" китобидан бўлаклар). Китобнинг қўлёзма нусхасидан фойдаланилди. 53-54-бетлар. Бунинг учун муаллифнинг фарзанди Саййид Маҳмуд Косонийга ўз миннатдочилигимизни билдирамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънавияти, халқ педагогикаси ва умуминсоний қадриятларнинг марказий феномени эканлигини ёритиб берган пухта илмий-педагогик ва фалсафий-этнографик концепциядир.

Маълумотларни манбашунослик, социология, педагогика ва фалсафа йўналишлари бўйича тизимлаштириб, қуйидаги асосий йўналишларда таҳлил қилиш мумкин:

1. Фалсафий ва социологик таҳлил (Технократия ва бегоналашувга қарши суянч).

• Инсониятнинг моддий-техник ютуқлари ошиши билан унинг маънавий қашшоқлашуви, "бир ўлчамли истеъмолчи"га айланиши ва асл инсоний моҳиятдан бегоналашуви (технократик деградация) таъкидланади.

• **Чингиз Айтматов концепцияси:** Ч. Айтматовнинг радиоактив ёки жисмоний ҳалокатдан кўра "**инсонийликни таг-томири билан маҳв этувчи маънавий ҳалокат**" хавфлироқ экани ҳақидаги фикри келтирилади.

• **Ахлоқий иммунитет:** Нонга бўлган эҳтиром ва у билан боғлиқ қадриятлар айнан мана шу маънавий бегоналашувга қарши туришда жамият учун маданий ва ахлоқий суянч ролини ўйнайди.

2. Илмий-ғоявий ва цивилизацион таҳлил ("Энг буюк кашфиёт").

• А. Эйнштейн ва К. А. Тимирязев томонидан ноннинг "инсоният донолигининг энг буюк кашфиёти" сифатида эътироф этилиши — уни о Oddий озиқ-овқат даражасидан ақл-тафаккур ва тафаккур маҳсули даражасига кўтаради.

• **Алихон тўра Соғуний концепцияси:** *"Инсоннинг минг турли ҳунар-тадбири ва шеърияти бир парча нон олдида бош эгишга мажбур"* деган фикр орқали моддий ва руҳий ҳаёт мутаносиблигида ноннинг экзистенциал устунлиги асосланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Халқ педагогикаси ва этно-психологик таҳлил.

Матнда миллий тарбия тизими ва оилавий маросимчиликда ноннинг тарбиявий доминант эканлиги аниқ мисолларда кўрсатилган:

- **Тарбиявий табулар ва одатлар:** Нонни ўпиб кўзга суртиш, ушоғини тергизиш, тескари қўймаслик ва исроф қилмаслик каби одатлар — шунчаки муносабат эмас, балки ёш авлодда меҳнатга, ризққа ва инсон қадрига эҳтиромни шакллантирувчи **халқ педагогикасининг амалий инструментлари**дир.
- **Авлодлар хотираси ва тажриба:** Саййид Мубашширхон Косонийнинг волидаси билан боғлиқ хотираси (қотган нонларни йиғиш) очлик ва қийин-чиликларни кўрган авлоднинг ресурслардан оқилона фойдаланиш, шукроналик ва қаноат бўйича бебаҳо ҳаётий сабоғини намоён этади.

4. Педагогик ва концептуал таклиф: "Нон дарслари"

Матнда илгари сурилган энг муҳим амалий-инновацион ғоялардан бири — таълим тизимига "Нон дарслари"ни интеграция қилиш мазмунидир:

Йўналиш / Тилсим	Мазмуни ва мақсади	Шакилланадиган фазилатлар
Бошланғич синфлар	Савол-жавоблар, нон ҳақида ҳикоя ва ривоятлар, визуал ва амалий машғулотлар.	Меҳнатсеварлик, қаноат, инсоф, диёнат, ҳалоллик.
Юқори синфлар	Ижодий иншолар, фильмлар таҳлили ва баҳс-мунозаралар.	Нафсни тийиш, ота-онани қадрлаш, саховат, камтарлик, исрофга қарши иммунитет.

Ушбу маълумотлар "Нонга муносабат — жамиятнинг маънавий ва ахлоқий даражасини белгиловчи бош мезон" деган илмий-педагогик концепцияни очиб беради. Таклиф

www.ziyouz.com kutubxonasi

этилаётган "Нон дарслари" бугунги ахборот ва глобаллашув даврида ёшларнинг маънавий қаддини асраб қолиш учун муҳим амалий аҳамиятга эга.

Бинобарин, мактабларда “Нон дарслари”ни (ёки махсус интеграциялашган тарбиявий соатларни) ўтказиш замонавий педагогика талаблари, дидактик тамойиллар ва миллий этнопедагогика қоидаларига тўлиқ мос келади.

Педагогика нуқтаи назаридан бу жараён шунчаки назарий билим бериш эмас, балки “қадриятларга асосланган таълим” **(Values-based Education)** ва “**амалий-ҳиссий ўрганиш” (Experiential Learning)** тамойилларининг ёрқин намунасидир.

1. Педагогик талабларга мослиги (Дидактик таҳлил).

Кўргазмалилик ва аёнийлик тамойили: Педагогикада абстракт тушунчалардан (масалан, “меҳнатни қадрлаш”, “шукроналик”) кўра, ўқувчи ушлай оладиган, ҳис қиладиган ва кундалик ҳаётда кўрадиган реал объект (нон) орқали тарбия бериш бир неча баробар самаралироқдир.

Фанлараро интеграция: “Нон” мавзуси бир вақтнинг ўзида бир нечта фанлар кесишмасида мукаммал педагогик интеграцияни ҳосил қилади:

- *Тарих ва этнография:* Ноннинг пайдо бўлиши, миллий анъаналар ва маданият.
- *Биология ва география:* Буғдой етиштириш, ўсимликларга ишлов бериш ва биоэнергетика.
- *Иқтисодиёт ва экология:* Ресурслардан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик (Zero Waste) ва экологик маданият.
- *Адабиёт ва санъат:* Нон ҳақидаги ривоятлар, ҳикоялар ва иншолар ёзиш орқали нутқ ҳамда тафаккурни ривожлантириш.
- **Ёш хусусиятларини ҳисобга олиш:** Бошланғич синфларда савол-жавоб ва эртак-ривоятлар (ўйин технологиялари) орқали, юқори синфларда эса мунозара ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

иншолар (интерактив ва мулоҳазакор методлар) орқали ёшга мос тарзда ўтказилиши педагогик психология талабларига мутлақо жавоб беради.

2. Ёшлар тарбиясида Ноннинг психологик ва маънавий аҳамияти.

Нон — тарбия тизимида **“маънавий суянч” ва трансформер педагогик инструмент** ролини ўйнайди:

- **Меҳнатга ва инсон қадрига ҳурмат:** Ноннинг дастурхонга келгунча босиб ўтадиган мураккаб йўлини (деҳқон, комбайнчи, диёр/диёрчи, новвой меҳнати) англаш ўқувчида жамиятдаги ҳар бир меҳнат аҳлига нисбатан самимий ҳурмат туйғусини шакллантиради.
- **Исрофгарчиликка қарши иммунитет (Истеъмолчилик психологиясини жиловлаш):** Ахборот ва тўқлик асрида ёшларда пайдо бўлаётган “ҳамма нарса тайёр ва осон эришиладиган” деган нотўғри тушунчани синдиради. Нон ушоғини ҳам қадрлаш кўникмаси ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш маданиятини пайдо қилади.
- **Шукроналик ва қаноат фазилати:** Нонга бўлган ҳурмат инсонда мавжуд неъматларни қадрлаш, қаноатли ва камтар бўлиш сингари ижтимоий-эмоционал кўникмаларни (SEL - Social-Emotional Learning) шакллантиради.
- **Тарихий ва авлодлараро хотира:** Нон билан боғлиқ оилавий ҳикоялар, уруш ва очлик йилларидаги хотиралар, ота-она ва кексаларнинг насиҳатлари ёшларда миллий ўзликни англаш ва оилавий қадриятларга содиқликни кучайтиради.

Мактабларда “Нон дарслари”ни ёки шу йўналишдаги тарбиявий соатларни тизимли йўлга қўйиш — инсонпарварлик педагогикасининг ажралмас қисмидир. У ёшларни қуруқ ваз-насиҳатлар билан эмас, балки ҳаётий ва муқаддас қадрият — Нон воситасида **комил, ҳалол, меҳнаткаш ва виждонли инсон** қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОН ҚАДРИ

— Қайғу нима, эй одам?
— Қайғу ҳам ширин армон.
— Бахт нимадир, эй одам?
— Бахт бир бурда қора нон.

Муҳаммад Юсуф

Башарият тарихи азалдан ризқ ва тирикчилик атрофида шаклланган. Инсон ҳаётининг энг асосий эҳтиёжи бўлган озуқа, айниқса нон, жамият тараққиёти ва маънавий дунёқарашининг муҳим қисмига айланган. Шу боис дунё халқлари маданиятида нон нафақат кундалик истеъмол маҳсулоти, балки муқаддас қадрият сифатида ҳам улуғланган. Дарҳақиқат тонишмандлар айтишганидек, башарият тарихи бир бурда нондан, унинг атрофидаги саргардонликдан бошланади[7].

Ўзбек халқининг маънавий меросида ҳам нонга нисбатан юксак эҳтиром шаклланган. “Ноннинг ушоғини босма”, “Нон урсин”, “Нон ҳаққи” каби иборалар халқ тафаккурида ноннинг муқаддаслигини англатади. Айниқса, кекса авлоднинг ерда ётган нон ушоғини олиб ўпиши ва уни юқори жойга қўйиши халқ маънавиятидаги юксак эҳтиром намунасидир. Одатда ҳозирги кунимизда ҳам мўйсафидлар “Ноннинг бурдасини ёки ҳатто, ушоғини ерда кўриб қолганда, уни “увол” деб дарҳол ердан олиб ўпадилар, сўнгра оёқ остидан бирор четга, масалан деворнинг ковагига солиб қўядилар.

Бундай пайтларда улар “Ноннинг ушоғи ҳам нон, уни босган нонкўр бўлади”, дея ёшларга танбеҳ берадилар.

Ислом манбаларида ризқ Аллоҳ таоло томонидан инсонга берилган неъмат сифатида талқин қилинади. Ривоятларда Микоил алайҳиссалом барча махлуқотларга ризқ етказиш вазифаси билан масъул эканлиги таъкид-

[7] Қори-Ниёзий Т.Н. Ҳаёт мактаби (Эсдалик лавҳалари). – Т.: Фан, 1970. –Б.41.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланади. Шу боис бир бурда нон ортида улкан меҳнат, барака ва илоҳий ирода мужассам деб қаралган. Китобларда айтилганидек, “Фаришталар ичинда тўрт нафар улуғ фаришталарга пайғамбарлик даражасини берди. Булар— Жаброил, Микоил, Исрофил, Азройил алайҳимуссалом-дурлар. Тамом махлуқларга ризқ тайёрлаш иши Микоил алайҳиссалом вазифасидур. Ҳар бир банданинг ейдирган бир парча нони олтмиш қўлдан ўтиб, унинг оғзига тушадур. Биринчиси Микоил, энг охиргиси нонвой, деган сўзнинг ҳақиқати шулдур. Банда ўз ризқини топишда ҳарна ўзи билган, қўлидан келган ҳамма сабабларини қолдирмай қилишга Аллоҳ таоло тарафидин буйрулмишдур”.

Саодат йўлининг энг улуғ ва энг сўнгги раҳбари, пайғамбарларнинг саййиди ва охиргиси, сарвари коинот, Оллоҳ таолонинг энг севгили қули ва элчиси ҳазрати Муҳаммад Мустафо солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёти давомида бирон марта нонни тўймаганлиги, умрининг сўнгги кунларида ҳатто арпадан бошқа ейдиган таоми бўл-маганлигидан воқиф бўлганимизда ноннинг қадри нақадар улуғ эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Бу ҳақда Марғилон шаҳрида яшаб ўтган уламо, шариат ва тариқат илмлари билимдони, нуктадон воиз Абдуллоҳ махдум Марғилоний (1895-1994) мавъизаларининг бирида шундай деган эди: “Ёшимиз юзга борибди, лекин нима амал қилдик. Гарчи қочиб юрган бўлсак-да, Жаноб ҳазрат каби арпа нонини емадик”[8].

“Ал-жомиъ ас-саҳиҳ” да шундай ривоят қилинади: “Қатода ривоят қиладилар: ”Биз Анаснинг уйида бўлдик, унинг ҳузурида нонвойи ҳам ўлтирган эрди. Шунда Анас: ”Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолога рўпара бўлгунларига қадар ҳам на юмшоқ нон ва на қайнатилган қўй гўшти емаганлар!” — деди”. Анас

[8] Раҳматуллоҳ Файзуллаевнинг “Мехробдан таралган садолар”. 214-бет. Китобининг қўлёзма нусхасидан фойдаланилди. Бунинг учун муаллифга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:”Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг на тақсимчада овқатланганларини ва на нонлари юмшоқ бўлганини ва на хонтахтада овқатланганларини сира ҳам билмайман!”[9].

Тасаввуф аҳли нонни нафақат жисмоний озуқа, балки руҳий тарбия воситаси сифатида ҳам талқин қилган. Хожа Аҳмад Яссавий “Девони ҳикмат” асарида Пайғамбар алайҳиссаломнинг очлик ва қаноатдаги сабрини улуғлайди. Шунингдек, Шайх Худойдод каби машойихлар қарилик чоғларида ҳам арпа нони билан кифояланганлари ривоят қилинади.

Орифлар султони шайх Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари “Девони ҳикмат”да айтади:

Ўн саккиз минг оламга сарвар бўлган Муҳаммад,
Ўттуз уч минг асҳобға раҳбар бўлғон Муҳаммад.
Ялонғочу очлиққа қаноатлиғ Муҳаммад,
Осий, жофий умматга шафоатлиғ Муҳаммад.

Алихонтўра Соғуний “Тарихи Муҳаммадий” китобида бу ҳақда шундай ёзган эди: “Оиша онамиз:

– Расулуллоҳ вафот бўлгунларича уч кун бирдек сурункасига буғдой нонга тўйганимизни билмаймиз. Тилло танга, жонлик-жонсиз ҳеч бир нарса бизга мерос бўлиб қолгани йўқ. Расулуллоҳ меним уйимда ўз қучоғимда туриб жонлари узилди. Шу куни бир озгина арпадан бошқа ейдиган ҳеч нарса йўқ эди, – дедилар.

Расулуллоҳ:

– Маккaнинг қумтошларини олтин қилиб менга тенгладилар. Ё раббим, бир куни тўқ, бир куни оч бўлганим яхшидур. Оч бўлган кунларим сенга ёлворурман. Тўқ бўлдим эрса, сенга ташаккур қилурман.

Онамиз Оиша айтади:

[9] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.Учинчи жилд. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам), Тошкент., Қомуслар бош таҳририяти, 1997. –Б.334. .**www.ziyouz.com** kutubxonasi.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Бирор ойлаб уйимизда ўт ёқиб, қозон қайнамаган кунларимиз кўп бўлур эди. У вақтда нон ҳам йўқ, қуруқ хурмо бўлиб, ундан еб устидан сув ичар эдик. Расулуллоҳнинг тўшак ёстиқлари эрса меш теридан ясалиб, ичига хурмо қипиғи тўлдирилмиш эди. Эланган оқ буғдой нонни, ўтлаган семиз қўй этини умр ичида кўрмадилар. Қорин тўйдириб таом емадилар, кечаси оч ётиб, яна кундузи рўза тутар эдилар. Қайси бир кунлари Расулуллоҳга раҳмим келиб йиғлар эдим. Орқаларига ёпишган қоринларини силаб:

– Ота-онам сизга фидо, ё Расулаллоҳ, дунё ноз-неъматларидан бироз фойдалансангиз нима бўлур? — дедим.

Анда ул зот:

– Эй Оиша, ўтган пайғамбар биродарларим мундан ҳам қаттиқчиликларга чидаб юриб, Парвардигор олдига бордилар. Уларга Аллоҳ кўп ҳурматлар кўрсатиб, улуғ неъматлар ато қилди. Энди мен шуларнинг аҳволини билатуриб дунёдан лаззатланишга ҳаё қилурман, — дедилар".

Бу ҳақда "Ал-жомиъ ас-саҳиҳ" да шундай ривоят қилинади: "Анас разияллоҳу анҳу бир куни Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларига арпа нон ва думба ёғи олиб борибдилар. Ўша куни Жаноб Расулуллоҳ Мадинадаги бир яҳудийга темир(қалқон) совутларини гаровга қуйиб, ундан аҳли аёллари учун арпа уни олган эрканлар. Анас разияллоҳу анҳу (бир неча кун бурун) пайғамбаримизнинг: "Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонида бир сиқим буғдой ҳам, бир дона дон ҳам қолмади", — деганларини эшитибдилар"[10].

Бу ҳақда Тимоти Ж. Уинтер (Абдулҳаким Мурод) "XXI асрда Ислом" номли асарида қуйидагиларни келтиради: "Улар Имом Ғаззолийнинг "Иҳйа улум уд-дин" — "Диний

[10] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Иккинчи жилд. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам), Тошкент., Қомуслар бош таҳририяти, 1997. –Б.5.**www.ziyouz.com** kutubxonasi.

www.ziyouz.com kutubxonasi

илмларни жонлантириш” асарининг 19-китобидан олинган парчалардир. “Аллоҳнинг расули кишиларнинг энг ҳалим табиатлиси, шунинг баробарида жасури ва адолатпарвари эди...

Ул зот очлик туфайли белига тош боғлаб юрар эди. Ул зот келтирилган овқатни ер, ейиш мумкин бўлган бирор таомни қайтармас эди. Мабодо, хурмони нонсиз келтиришса, қайтармас, қовурилган гўшт бўлса ҳам ер эди; агар дағал арпа нон бўлса ҳам, асал ёки бошқа бирор ширин нарса бўлса ҳам ер эди; мабодо, нонсиз фақат қатиқ бўлса ҳам қаноат қилгувчи эди”.

“Ул зот камбағаллиги ёки зиқналиги учун эмас, балки бошқаларни ўзидан устун қўйгани учун Аллоҳ билан учрашишдан олдин қаторасига уч кун, ҳатто, арпа нон ҳам емади”[11].

Тасаввуф адабиётида нон инсон меҳнати ва ҳалол ризқ рамзи сифатида намоён бўлади. Шу сабабли арпа нони кўпинча риёзат ва нафсни енгиш белгиси сифатида талқин этилган.

Ҳазрати Азизон (Шайх Худойдод) (1461-1532) қарилик чоғларида ҳам қаттиқ риёзатни ихтиёр қилар, арпа нон ва арпа ош билан кифояланар эдилар. Айтар эдилар, агар сафарда халқ зиёфатга таклиф қилмаса эди, мен пайғамбаримиз аҳволларига мувофиқ доим арпа нонни ихтиёр қилар эдим. Чунки арпа нони нафсга қаршидур[12].

Дарҳақиқат нон деган сўзнинг замирида ҳаёт мазмуни бор. Бинобарин, нон – тирикчилигимиз манбаи, ҳаётимиз зийнати, фаровонлигимиз манбаи, ҳаётимиз зийнати, қувончимиз асоси. Барча халқларнинг мақол ва маталларида, эртак ва афсоналарида нон беқиёс улуғланади.

Шарқ адабиётида нон ҳаёт, барака ва инсон қадри билан боғлиқ ҳолда тасвирланган. Умар Хайём қаноатни инсон

[11] Тимоти Ж. Уинтер (Абдулҳаким Мурод). XXI асрда Ислом. – Т.: Шарқ нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2005. -Б.61.

[12]Каттаев К., Каттаева Г.Қадимий китоблар таржимаси. – Т.: Qaqnus, 2020. -Б. 238

www.ziyouz.com kutubxonasi

бахтининг асоси сифатида талқин қилар экан, бир бурда нонни ҳам инсон учун етарли неъмат деб баҳолайди:

Кимники бор эса бир бурда нони,
Ўзига яраша уй-ошёни,
На биров унга қул, на у бировга,
Шод бўлса арзийди — шудир жаҳони.

Ўнг ва сўлга ёзилиши ва ўқилиши жиҳатидан бир хил бўлган нон сўзи бу форсча نان атамасидан олинган бўлиб, хамирдан пишириладиган егулик маъносини англатган13.

Нон қадим-қадимдан дунё халқларида улуғланиб, инсоннинг кундалик истеъмолида муқаддас, азиз ҳисоб-ланган неъмат.

Нон турли таомларга қўшиб ёки ўзи ейилади. Археологик маълумотларга кўра, бошоқли ўсимликлар донларини пишириб истеъмол қилиш миллоддан 10—15 минг йил муқаддам бошланган деб тахмин қилинади. Бу даврларда олов кашф қилинган бўлиб, донни пишириб ейишга имконият туғилган. Дастлаб, бошоқ чўғда думбул қилиниб, сўнг бошоқ ичида қовурилиб, пишган дон уқаланиб, истеъмол қилинган. Нон қадимдан инсонлар учун асосий озиқ-овқат маҳсулоти бўлганлиги боис унга бўлган ҳурмат, уни қадрлаш борасида аҳоли орасида, айниқса, Ўрта Осиёнинг ўтроқ халқларида қадимдан ўзига хос иззат-эҳтиром муносабати шаклланган.

Дарҳақиқат, нон қадимдан қадрланган ва барча оила турмуш маросимларининг табаррук муқаддас неъмати бўлган. Барча таомлар ичида меъдага тегмайдиган таом бу нондир. Чунки, ҳар қандай таом ҳам қайта ейилганда меъдага уради. Аммо нон ҳеч вақт жонга тегмайди. Ўтмишда улуғларимиз ўзларини гўшт-ёғдан ўзларини тийган бўлсалар ҳам, нондан юз ўгирмаганлар. Атоқли адиб Чингиз Айтматов

[13] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б.57.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Сомон йўли” қиссасида ёзганидек: “Янги буғдойнинг нонига оғзи текканда ҳар қачон ҳосиятли таом тотгандек бўламан. Кўринишда қора бўлса ҳам, хамири юмшоқ йўғрилган янги нон унча кўпчиб пишмагани билан унинг думбул таъмига ва қуёш, ер, тутун анқиган тансиқ ҳидига нима етсин!”.

Шу сабабдан ўзбек оилаларида фарзандлар болалик давриданоқ нонни эъзозлаш, уни исроф қилмаслик руҳида тарбияланган. Нон ҳеч қачон оёқ остига ташланмаган. Нонни ҳатто увоғини босиш оғир гуноҳ ҳисобланган. Фаридиддин Аттор айтганидек:

Неъматим ошсин десанг уст-устига,
Нон ушоғин сочма оёқ остига.

Нон тўғрилик рамзи сифатида улуғланиб, беозор, мулойим инсонларни “Кўнгли ундек оқ, феъли нондек юмшоқ одамлар” деб эъзозлаб келганлар.

Дастурхонга тортилган нон оила бошлиғи томонидан синдирилган. Нонни пичоқ ёки бошқа кесувчи буюмлар билан ушатиш ушбу муқаддас неъматга ҳурматсизлик сифатида баҳоланган. Мотам маросимидан ташқари деярли барча маросимларга келган меҳмонлар ўзлари билан нон олиб борганлар ва ўз навбатида, ушбу тунгунларда нон олиб қайтганлар. Шаҳарларда новвойлар кўп бўлганлиги учун бирон бир кишини зиёрат қилмоқчи бўлганлар учун, йўл-йўлакай тўртта нон олиб кириб йўқлаш одат тусига айланиб қолган. Қишлоқларда аёллар зиёрат мақсадида махсус нон ёпганлар. Ҳар бир хонадонда кундалик турмушда истеъмол қилинадиган егуликлар ичида нонга алоҳида эътибор қаратилган. Уйида нонни бўлгани кўнгли ҳам тўқ бўлган. Чунки тирикчиликни ўтказиш энг зарури нонни кифоя деб билганлар, шу билан қаноатланганлар, шукур қилганлар. Мадиналик бир мўминдан сўрабдилар:

– Фақат нон ва хурмо билан қандоқ тирикчилик қилиш мумкин?

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Нон билан хурмо бўлиб турибди-ку, – жавоб берган экан мўмин киши. Низомий Ганжавий айтгандек:

Қўлингни силка-ю боқма жаҳонга,
Қаноат айлагин битта қоқ нонга!

Эҳтимол ўрта асрлардаги айтилган ушбу мисралар XXI асрда яшаётган инсонларга эриш туюлса керак. Бироқ айнан яқин ўтмишда ҳам фалокат туфайли ер юзининг олис бир нуқтасида ёлғиз қолиб кетиб, узоқ муддат очликка азобига дучор бўлган инсонлардан кейинчалик ҳаёт ҳақиқати тўғрисида сўралган вақт улар инсон ҳаёти учун бир бурда нон кифоя эканлигини таъкидлаб ўтганлар:

Ё раб на дур бу кашмокаши дарди эҳтиёж,
Инсоннинг эҳтиёжи ки бир луқма нонидур!

Тарихдаги очарчиликлар, урушлар ва ижтимоий қийинчиликлар инсонга нонниng ҳақиқий қадрини англатган. Жанубий Кореянинг собиқ президенти Ли Мён Бак қамоқдаги ҳаёти ҳақида ёзар экан, бир томчи сув ва бир дона нўхатнинг ҳам инсон ҳаёти учун нақадар қадрли эканини таъкидлайди:

“Аммо қамоққа тушгач, пессимизм ва опти- мизм-нисбий тушунчалар эканлигини англадим.

Қуйида туриб ўзини юқорироқдагилар билан тинмай солиштираверадиган киши пессимист. Ўз мавқеини бошқа кўпчиликникига қараганда юқорироқ санайдиган киши эса - оптимист. Агар қамоқдаги ҳаётга озод киши нуқтаи назаридан қаралса, ҳеч қандай умид йўқдек туйилади. Лекин қатл қилишга олиб кетилаётган киши учун бундай ҳаёт мусаффо ва самимий кўринади. Мен ҳар куни ўзимдан беш қадам нарида девор бўйлаб юриб, қатлгача қолган кунларини санаётган маҳбусларни кузатиб, ўзимнинг ўтмишга муносабатимни ўзгартира олдим-тушкунликдан чиқиб уни қадрлай бошладим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна инсонда омон қолишнинг чексиз имконияти жо қилинганлигини синаб кўрдим. Дастлабки кун- ларда, эрталаб ювиниш учун бериладиган бир неча томчи сув билан ҳатто қўлимни ҳам ювa олмасдим.

Лекин бир ой ҳам ўтмай, бу сувни ювинишга бемалол етказа оладиган бўлдим.

Овқатимиз бир неча дона нўхати бўлган арпа бўтқаси эди, бу менга ҳақиқий таҳқирлаш бўлиб кўринарди. Лекин бир неча кун нўхатсиз бўтқа беришди. Ўшанда бадантарбия қиларканман (бир кунда бадантарбия учун 10 дақиқа вақт бериларди) менда умуман куч қолмаганлигини ҳис этдим. Ҳаёт учун бир томчи сув ва бир дона нўхат ҳам шунчалик қадрли экан. Ўшанда мен инсон омон қолиши учун унчалик кўп нарса керак эмаслигини тушундим.[14]

Бир киши Тинч океанида эвакуация қайиғида 21 кун қолиб кетади. 21-кун уни қутқарувчилар топиб қутқаришади. Шундан сўнг у Америка журналларининг бош меҳмонига айланиб қолади. Чунки ҳамма унинг океандаги ҳаётига қизиқарди. У билан суҳбат олиб борган журналист ва ёзувчилардан бири бу машҳур Дейл Карнеги эди. Дейл Карнеги Ричен Беккер исмли бу киши билан учрашувга келганида, унинг биргина саволи бор эди:

- Мана шу океандаги 21 кун ичида сиз англаган энг катта ҳақиқат нима?

Ричен Беккер:

- Мен англаган энг буюк ҳақиқат шу: Агар ейишга бир бурда нон, ичишга бир стакан ширин сувингиз бўлса, ҳаётда ҳеч нарсадан шикоят қилишга ҳаққингиз йўқ[15].

Ричен Беккернинг мазкур фикри инсон эҳтиёжларининг асл моҳиятини очиб беради. Бу ғоялар инсонни қаноат, сабр ва шукрга ундайди. Зеро, замонавий истеъмолчилик му-

[14] Ли Мён Бак. Мўъжиза содир бўлмайди. – Т.: “ZUKKO KITOBXON” нашриёти, 2021.79-Б.80.

[15] Оилам билан ҳар кун бир ҳаёт дарси ўрганамиз / нашрга тайёрловчи: Меҳинбону Муҳаммадиева. -Т.: Sano-standart, 2017. –Б.119.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳитида инсон кўпинча ҳақиқий бахтнинг соддаликда эканини унута бошламоқда.

Шу сабабдан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов қуйидаги мисраларни битган эди:

Шукрона айт аввал парча нон учун,
Сўнг қултум сув учун шукрона такрор.
Чунки бу оламда, яширмоқ нечун,
Сенга шуларни ҳам кўп кўрганлар бор.

Сергей Шишковскийнинг “Меҳрибон одамлар” хотирасида 1990-йиллардаги ижтимоий қийинчиликлар, очлик ва инсон меҳрибонлиги таъсирчан тасвирланган. Муаллиф икки кунлик очликдан сўнг новвойхонага бориб, у ердаги оддий инсонларнинг меҳри ва саховати туфайли тирик қолганини ёзади.Ушбу хотирада нон инсон ҳаётини сақлаб қолувчи восита сифатида эмас, балки меҳр-оқибат ва инсонийлик рамзи сифатида намоён бўлади. Новвойхонадаги аёллар ва қоровулнинг беғараз ёрдами инсонпарварликнинг юксак намунасидир. Мазкур воқеа жамиятда моддий бойликдан кўра инсон меҳри ва ҳамдардлиги муҳимроқ эканини англатади.

“Бу ҳаётимдаги энг даҳшатли йиллардан бири эди. 1993 йил эди. 1992 йил январь ойида онам вафот этди. 1993 йил март ойида дўстим Серёжа вафот этди, мен ишонган ва мен ўзимдан ҳам кўпроқ ишонадиган одам. Дўстларим қўлдан келганча ёрдам беришди, лекин ҳақиқат шундаки, уларнинг ўзлари ҳам мендан яхши ҳолатда эмас эди.

Мен тафсилотларни тасвирламайман, мен буни айтаман – “очлик” нима, мени ўзим жуда яхши биламан. Бир куни кечқурун очлик мени шу қадар ночор аҳволга солиб қўйдики, уйда ичгани ҳатто қуруқ чой ҳам йўқ. Ҳеч нарса сотиб олишга пул ҳам йўқ эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир амаллаб ғижимланиб кетган кўйлагимни кийиб, кўчага чиқдим. Атрофга нажот излагандек тикилдим. Мен узоқ вақт қанча ўйланмай қаерга боришни ҳам билмас эдим. Шунга қарамай нонвойхонага боришга қарор қилдим. Нон цехи уйимиздан унчалик узоқ эмас эди. Об-ҳаво ҳам мени ҳолатимга ўхшарди – шамол эсиб, бироз ёмғир ҳам ёғмоқда эди.

Мен оёқларимни аранг кўтариб новвойхонанинг кириш эшигига бордим ва тақиллатдим. Кекса қоровул деразадан қаради ва сўради:

- Нима хоҳлайсан?

Мен унга самимий жавоб бердим:

- Нон... иложи бўлса нон, озгина бўлса ҳам.

Чол мени ҳолатимни кўриб раҳми келди ва индамай эшикни очиб, мени ичкарига киритди. У нон цехининг ёруғ деразаларига ишора қилиб деди:

- Ўша ёққа бор, ўғлим, нон керак деб айт.

Мен кетдим. Қанчалик яқин борганим сари, янги, иссиқ нонниng ҳиди янада кучайди.... Икки кундан бери ҳеч нарса емаган одам учун нон ҳиди нималигини тушунасизми? Бу ҳолатимни тил билан таъриф қила олмайман. Нон цехи эски эди, шиша блоклардан ясалган деразалар порлаб турарди. Шиша блокларнинг бир қисми синган, ичкарига қарадим – мендан ярим метр нарида нонлар конвейер бўйлаб гўёки сузиб кетаётган туюларди... Мен деразадан узоқлашиб, цех эшигигача қисқа зинапоядан чиқдим. Иссиқлик юзимга тегди. Нон цехи шовқинли, иссиқ ва ёруғ эди. Аёллар эса оқ халат ва қалпоқчаларда ишладилар, кимдир катта хамир аралаштириш машиналарига ёнилғи қуйди, кимдир конвейердан тайёр нонни олиб ташлади, кимдир унни идишларга солди ... Кекса аёл мени кўриб сўради:

- Нима истайсан, ўғлим?

Ўшанда туман босган кўзойнагимни жон ҳолатда артишга уриндим. Совуқ қотган бармоқларим менга итоат қилмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ниҳоят кўзойнакни бир амаллаб артиб тақдимда илтижо тарзда сўрадим:

- Иложи бўлса нон. Илтимос...

Аёл бу сўзимни эшитиб,

- Нега у ерда турибсан? Ҳеч бўлмаганда ичкарига киргин! Пальто ҳам мени совуқдан сақланмагани учун ичкарига исиниш учун кирдим. Бир неча аёл бир эмас, учта нонни қўлимга тутганини ҳеч қачон унутмайман. Нонлар исссиқ, жуда ҳам иссиқ эди. Мен чидай олмадим, бир четини узиб, чайнай бошладим. Ҳузур билан нон едим ва раҳмат айтдим:

- Раҳмат, раҳмат! Кампир менга сездирмаслик учун юз ўгириб, кўз ёшларини артди. Лекин барибир унинг кўз ёшларини кўрдим. Кейин у менга қаради ва деди:

- Ўғлим, келавер. Агар нон керак бўлса, яна албатта келгинг.

Оғзимдаги нонim билан ғўлдираб раҳматимни айтдим. Сўнг уларга таъзим қилиб, жўнаб кетдим. Кекса қоровул мени кўчага чиқарди:

- Ўғлим, агар бирор нарса бўлса, мен сени ўтказиб юбораман, албатта келгин.

Ва мен икки ярим нонни кўкрагимга маҳкам босиб, уйга қайтдим. Иккитасини уйга олиб кетдим.

Мен бошқа нонвойхонага бормадим. Ўша пайтдан бошлаб менинг ишларим кескин яхшиланган учун эмас, балки бу ажойиб одамларнинг меҳрибонлигини суиистеъмол қилишнинг иложи бўлмагани учун.

Энди новвойхона аллақачон бузиб ташланган, унинг ўрнида – “янги ҳашаматли бинолар” қад кўтарган. Аммо ҳар сафар бу кўча бўйлаб юрганимда кекса қоровулни ҳам, ўша совуқ ноябрь оқшомида мени очликдан қутқарган ажойиб, ширинсўз ва меҳрибон аёлларни ҳам эслайман.

Мен эса уларнинг исмларини ҳам танимаганим учун ўзимни ўзим танбеҳ қиламан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин ҳаммасини эслайман. Ва мен ҳеч қачон унутмайман”. [16]

Нон инсоният цивилизацияси тарихида энг улуғ неъматлардан бири сифатида қадрланиб келган. У нафақат тирикчилик манбаи, балки маънавий тарбия, қаноат, меҳр-оқибат ва инсонийлик тимсолидир. Ислом таълимоти, тасаввуф қарашлари, мумтоз адабиёт ва халқ анъаналарида ноннинг улуғланиши инсон ҳаётининг мазмуни ҳалол меҳнат ва шукр билан боғлиқ эканини кўрсатади. Замонавий жамиятда ҳам нонга эҳтиром, исрофдан тийилиш ва қаноат туйғусини ёш авлод онгига сингдириш муҳим маънавий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки бир бурда нон қадрини англаган инсон ҳаёт қадрини ҳам чуқур ҳис этади.

Юқорида келтирилган маълумотлар — ноннинг ўзбек халқи ва умуминсоний цивилизация тарихидаги ўрни, ижтимоий-маънавий, диний ва манбашунослик аҳамиятини ёритиб берган пухта тузилган **илмий-этнографик ва оммабоп мақола (ёки бўлим)** ҳисобланади.

Ушбу маълумотларни манбашунослик, этнография, филология ва социология нуқтаи назаридан тизимлаштириб, қуйидаги асосий йўналишларда илмий таҳлил қилиш мумкин:

1. Текстологик ва манбашунослик таҳлили.

Муаллиф ўз фикрларини қуруқ мулоҳазалар билан эмас, балки хилма-хил ва ишончли манбалар базасига асосланган ҳолда баён этган:

Исломий-ҳадисшунослик манбалари: Имом ал-Бухорийнинг *”Ал-жомиъ ас-саҳиҳ”* тўпламидан келтирилган ҳадислар (Пайғамбар алайҳиссаломнинг арпа нони билан кифояланган, совутини яҳудийга гаровга қўйиб ун олгани)

[16]https://www.facebook.com/groups/242428877504932/user/100010670404139/?__cft__[0]=AZXD575Yid1txeDTy0E1eX4bTLmWJmYGz11fuNBeYCd2S8ymxUdilAVK47UIiiVqjWn3T635uUtSAW7c0E4JuoSBtSU9LAjXOjKp-RCnG4YGscCWTzjiVz8dHptvIKa3HSPua4CjGHqdiRdTprqR3L7esF65mNTlpYDGBvA-D5lL9CIXXV-E5tJl3VD2IuJrbok&__tn__=%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали ноннинг камтарлик ва қаноат белгиси экани диний нуқтаи назардан асосланган.

Тасаввуфий ва тарихий манбалар: Аҳмад Яссавийнинг *"Девони ҳикмат"*, Алихонтўра Соғунийнинг *"Тарихи Муҳаммадий"*, Имом Ғаззолийнинг *"Иҳйа улум уд-дин"*, шунингдек, Марғилонлик Абдуллоҳ махдум мавъизалари ҳамда К.Каттаевнинг манбалари орқали тасаввуф аҳлининг (масалан, Шайх Худойдоднинг) нафсни жиловлашда арпа нонини танлаши руҳий тарбия воситаси сифатида очиб берилган.

Замонавий ва хорижий манбалар: Жанубий Кореянинг собиқ президенти *Ли* Мён Бак, Дейл Карнеги (Ричен Беккер билан суҳбат) ҳамда Сергей Шишковскийнинг хотиралари келтирилиши мавзунинг фақат миллий ёки диний чегарада қолиб кетмай, **умуминсоний феномен** эканини исботлайди.

2. Этнографик ва лингво-семиотик таҳлил.

Матнда ўзбек халқининг кундалик турмуши ва маросимчилигида ноннинг рамзий вазифалари аниқ кўрсатилган:

Лингвистик келиб чиқиши: Форсча *нан* (نان) сўзининг этимологияси ва унинг палиндром хусусияти (ўнгдан ҳам, чапдан ҳам бир хил ўқилиши) сўзнинг семантик жозибасини оширади.

Маросимий ва оилавий одатлар: Меҳмондорчиликда дастурхонга тўртта нон билан бориш, нонни пичоқ билан эмас, қўлда ушатиш, оила бошлиғининг нон синдириши каби одатлар жамиятдаги ижтимоий иерархия ва ҳурмат қоидаларини белгиловчи регулятор вазифасини ўтайди.

Табулар (тақиқлар): "Ноннинг ушоғини босма", "Нонни тескари қўйма" каби қарашлар аслида гигиеник ва маданий нормаларнинг халқ орасида муқаддаслаштирилган шакли (апотропеик вазифаси) ҳисобланади.

3. Социо-психологик ва экзистенциал таҳлил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу маълумотларнинг энг таъсирли қисмларидан бири — очлик, қаҳатчилик ва оғир синовлар пайтида ноннинг инсон психологик ҳолатига кўрсатадиган таъсиридир:

Экзистенциал эҳтиёж: Ричен Беккер ва Ли Мён Бакнинг қамоқхона ҳамда океандаги синовлари орқали инсонга яшаш учун аслида жуда кам нарса — *бир бурда нон ва бир қултум сув* кифоя эканлиги ҳақидаги фалсафий хулоса илгари сурилади.

С. Шишковский хотираси (1993 йил): Нонхонага борган оч инсон ва новвой аёлларнинг меҳрибонлиги тасвирланган лавҳада нон шунчаки озиқ-овқат эмас, балки **инсонийлик, меҳр-оқибат ва ҳамдардлик рамзи**га айланади. Бу воқеа материал бахтдан кўра маънавий суянчнинг устунлигини кўрсатади.

4. Адабий-поэтик синтез.

Муаллиф фикрни мустаҳкамлаш учун турли давр ва йўналишдаги шоирларнинг мисраларидан унумли фойдаланган:

Муҳаммад Юсуф ва **Умар Хайём:** Бахт ва қаноатнинг бир бурда нонга боғлиқлиги.

Фаридиддин Аттор: Нон ушоғини исроф қилмаслик ахлоқи.

Низомий Ганжавий ва **Абдулла Орипов:** Шукроналик туйғуси ва қаноатнинг инсон шаънини сақлашдаги роли.

Чингиз Айтматов ("Сомон йўли"): Ноннинг меҳнат, қуёш, ер ва ҳаёт ҳиди билан йўғрилган эстетик ва эмоционал образи.

Ушбу маълумотлар "Нон — инсоният цивилизация-сининг моддий ва маънавий коди" деган марказий ғоя атрофида жипслашган. Матнда диний, тарихий, фольклор, бадиий ва мемуар манбалар жуда мутаносиб равишда уйғунлаштирилган. Нон ҳақида мазкур маълумотлар ёшлар тарбиясида қаноат, шукроналик ва исрофгарчиликнинг олдини олишга қаратилган муҳим маънавий-ахлоқий манба бўлиб хизмат қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОН БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАР

Нон инсоният тарихида нафақат асосий озиқ-овқат маҳсулоти, балки маънавий ҳаёт, диний эътиқод, урф-одат ва маданий қадриятларнинг муҳим рамзи сифатида шаклланган. Айниқса, Марказий Осиё халқлари, жумладан, Фарғона водийси аҳолиси ҳаётида нон муқаддас неъмат сифатида улуғланган. Ўзбек халқининг турмуш тарзи, оилавий муносабатлари, меҳмондорчилик анъаналари ва маросимларида нон билан боғлиқ кўплаб удум ва расм-русумлар сақланиб қолган. Жумладан, водий қипчоқларида келинни куёвникига кузатишда унинг бошига нон қўйиб локи боғлаш одати бўлган. Хоразмда нон бўлаклари тумор қилиб тақилган ва нон учун хамир тайёрлаб қўйилган ерга (масалан, тандир олдига) жин, парилар яқинлашмайди, деб қарашган[17].

Ёши улуғларнинг таъкидлашларича, нон бор жойга турли инс-жинслар ва ёвуз кучлар яқинлашмас экан"[18]. Шу боис ёмон кўздан, ёвуз кучлардан асровчи восита сифатида, янги туғилган чақалоқ ёки хатна қилинган боланинг ёстиғи остига бошқа қатор магик хусусиятга эга буюмлар билан бирга нон қўйилган. Болани бешикка солганда, ёстиғи остига кулча нон қўйиш одати хусусида яна шуни айтиш мумкинки, бу одат “боланинг ризқи бутун бўлсин” деган маънони ҳам ифодалар экан.

Хоразмда нон ёпиш учун қурилган янги тандирни қиздириш учун дастлаб сигирнинг тезаги ёқилган. Чунки айнан сигир тезаги биринчи марта тандирга ёқилса, ушбу уйда нон мўл-кўл бўлиб, тўкин-сочинлик бўлади, деган қараш мавжуд эди[19].

---

[17] Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. С. 225.

[18] Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. –Б.215.

[19] Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. С. 311.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Водий қипчоқларида ётадиган ерда нон еб бўлмайди. Агар ётоқда нон ейилса киши ёмон туш кўриб тушида алаҳсираши мумкин, деб ҳисобланган [20]. Демак, юқоридаги фикр-мулоҳазалардан нон ўзбеклар орасида энг тансиқ ва калорияли таом тарзида, Шунингдек, энг муқаддас ва илоҳий неъмат сифатида ҳам эъзозланганини кузатиш мумкин. Қолаверса, маҳаллий халқ орасида нон турли бало-қазоларни, ёмонликларнинг олдини олувчи зиён-заҳматдан даф этишнинг энг кучли воситаси ҳисобланган.[21] Шу сабабдан нон билан боғлиқ қатор расм-русумлар ва урф-одатлар бажарилган.

Ўзбек мумтоз адабиёти ва халқ ижодида нонни улуғловчи кўплаб шеър ва ҳикматлар учрайди. Профессор Маҳмуд Ҳасанийнинг “Нонимиз хор бўлмасин” шеърида ноннинг қадри, уни исроф қилмаслик ва фарзандларга нон эҳтиромини ўргатиш ғояси илгари сурилган.

Нонимиз хор бўлмасин

Эй биродарлар, келинглар, нонимиз хор бўлмасин,
Оқибат авлодимиз нон излабон зор бўлмасин.
Болаларга ёшлигидан ўргатинг нон қадрини,
Чун ушоқни ҳам ейишда болада ор бўлмасин.
Йўл топинг, ҳаттоки қотган нонни ҳам тутсин азиз,
Шўрвага солиб емоқликда кибр ёр бўлмасин.
Нонни эъзозланг[22], деди, пайғамбари охир замон,
Бу ҳадисга ҳеч кишида зарра инкор бўлмасин.
Кимки нонни хор қилса, оқибат хорлик топар,
Тўйимизда нонимиз исрофи бисёр бўлмасин.
Махдумо, исроф қилманг[23], деб буюрди Ҳақ ўзи,
Ушбу исрофдан савоблар бори бекор бўлмасин.

[20] Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти”, 2007. –Б. 215.

[21] Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. –Б.190.

[22] Акримул хубза (Нонни азиз тутинглар. Ҳадиси шариф).

[23] (Енглар, ичинглар, исроф қилманглар.Ояти карима).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Водий ўзбеклари ва тожиклари орасида кенг тарқалган одатга биноан қизнинг ота-онасидан розилик аломатлари олингач, йигит томон бир неча кундан сўнг, кўпинча совчиларнинг учинчи марта келишларида алоҳида дастурхон ва совға-саломлар қилиб келадилар.

Дастурхон атрофида ҳар икки томон тўй тўғрисида маслаҳатлашадилар. Шундан сўнг даврадагилар орасидан кекса ёшли, кўп фарзандли, бир никоҳли киши йигит ва қиз тақдирининг мустаҳкам боғланиши ҳақига дуои фотиҳа ўқиб, қўлига қиз томонидан дастурхонга қўйилган ва йигит томонидан олиб келинган нонлардан биттадан олиб жуфт қилади ва нонни юза тарафига қаратиб тенг қилиб синдиради. Ушбу удум ўзбекларда нон синдириш, деб номланган. Нон синдириш удуми тожикларда ҳам кенг тарқалган[24].

Кекса ёшли онахонларимизнинг таъкидлашларича, нон тирикликнинг энг буюк неъматидир. Унаштирилаётган ёшларнинг нондай азиз бўлиб, ўз қадр-қимматларини йўқотмасин деган ният ушбу удумда мужассамлашган. Нонни жуфт синдиришда эса "Нон синдириш" удуми серпуштлик ғояси билан боғлиқдир. Л.Я. Штернберг эса нон синдириш удумини қадимги афсунгарлик кўринишлари билан боғлайди. Ушбу маросим ҳар икки томон ўртасида қариндошчилик ришталари боғланганлиги рамзи ҳисобланган.[25]

Қадимдан диёримизда она юртнинг ҳимояси учун жанггоҳларда душман билан юзма-юз жанг қилган қаҳрамонлар, табаррук одамлар, меҳмон-измонлар нон-туз билан кутиб олинган. Нон офату-балолардан сақлагувчи восита сифатида узоқ сафарга чиққанда олиб юрилган, оналар ўғлини ҳарбий хизматга жўнатаётганда ризқ-насибаси узилмасин деб, ёш

[24] Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков.По материалам конца XIX- начала XX века. – Л.: Наука, С. 123.

[25] Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти", 2007. –Б.216.

www.ziyouz.com kutubxonasi

болаларни суннат қилдираётганда серфарзанд, сердавлат бўлсин деб, албатта нон тишлатганлар ва уйнинг тўрига илиб қўйилган[26].

Қадимда "Нон урсин" деб қасам ичган одамга унинг ашё – далили бўлмаса ҳам ишонганлар; нонни оёқ ости қилган хору-зор ва кўр бўлади дейишади; меҳмонга борганда нон олиб борилади; уйга меҳмон келса, дастурхонга, энг аввало, нон қўйилади.

Нонни тескари қўйиб бўлмайди, тескарасидан тишланмайди. Нондек азиз бўлсинлар, бир-бирларига нондек иссиқ кўринсинлар, деган ниятда келин-куёвларга нон-туз тутадилар; турмушга чиқмаган қизларга бахти очилсин деб деб, тўй нонидан едирадилар. Дарстурхонда кимки, тишлоғини қолдирса, касалликка чалинишидан огоҳ этганлар.

Дарҳақиқат, Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманида истиқомат қилган ижодкор уламо, нақшбандия тариқати муҳиби, халқ табобати билимдони ва амалиётчиси, миллий-маданий меросимизни ўзига хос тарзда авайлаб сақлашга интилган беғубор ва самимий инсон Суярхон тўра Исохон тўра ўғлининг (1927-2007) насиҳатларидан бирида шундай деган эди: "Дастурхонда тишлоқ нонларингизни қолдирманглар, қилтомоқ бўласизлар"[27]. Бу фикр халқнинг нонга нисбатан эҳтиромини янада ёрқин намоён этади.

Нон қадимдан инсонлар учун асосий озиқ-овқат маҳсулоти бўлганлиги боис, унга бўлган ҳурмат, уни қадрлаш аҳоли орасида, айниқса Марказий Осиёнинг ўтроқ халқ-

---

[26] Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (Сурхон вохаси мисолида). – Т.: YANGI NASHR, 2010. –Б. 35.

[27] Бу ҳақда қаранг: Останақулов И., Абдулаҳатов Н., Тошқулов А. Бир умр достони (Суярхон тўра ҳаётномаси) – Т.: Mumtoz soz, 2013. – 200 б; Останақулов И., Абдулаҳатов Н., Тошқулов А. Ёзёвонлик Суярхон тўра. - Т.: Turon Zamin Ziyo, 2014. -184 б; Назиров М., Абдулаҳатов Н., Файзуллаев Р. Маҳбубий табобати // Абу Муҳаммад Маҳбубий Марғилоний. Тибб ул-маҳбуб ҳубб ул-матлуб. – Т.: Наврўз нашриёти, 2016. –Б. 3-11; Абдулахатов Н. Муминов А. Суйар-хан-тура // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том II.Москва, Наука – Восточная литература. 2018. – Б. 344.345; Абдулахатов Н. Теолог-ханафит Суйар-хан-тура Маргилани // I Международный форум "Богословское наследие мусульман России": I том: сборник научных докладов конференций, г. Болгар, 13–19 октября 2019 г.Казань: ИД "МеДДоК", 2020. – Б.38-52.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларида одоб-ахлоқ нормаси даражасига кўтарилган. Чунончи Ислом динида нон устига пичоқ, туздон каби нарсаларни қўйиш, нон бўлакларини қолдириб, янгисини синдириш, пичоқ ва қўлни нон билан тозалаш, нонни бир қўл билан синдириш макруҳ амаллардан саналган[28].

Ҳусайнхон Абулхайрхон ўғли – Мушкин Тошкандий (1904-1976) қуйидаги мисраларни битган эди:

Барча неъматлар ичида бебаҳо нон, деб билинг;
Бу азиз инсон учун нонни ширин жон, деб билинг.
Бехабар бўлманг ушоғи ерга токи тушмасин;
Донаи бир нон ушоғин танга дармон, деб билинг.
Нонни ҳурмат этса ҳар ким меҳри ихлоси билан,
Соф виждонлик, гўзал, покиза инсон, деб билинг.
Нонни таҳқир этса ҳар ким зўр хато қилган бўлур,
Мужмалу муҳмал ўзи, албатта нодон, деб билинг.
Ҳар киши нон қадрини билмасдин исроф айласа,
Оқибат корида қилган кун пушаймон, деб билинг.
Бўлса дастурхонда, ҳар жойда ушатган бурдаси,
Қайта синдурмоқни инсоф узра нуқсон, деб билинг.
Ёр-дўстлар, нондаги олий шарофатни десам,
Нонни сув бирлан еганда оби ҳайвон, деб билинг.
Кеча-кундуз Ўзбекистонда фаровон бўлди нон,
Мушкин айтур: Халқимизни марди майдон, деб билинг[29].

Нон билан боғлиқ яна қанчадан-қанча удумлар бор. Уларнинг ҳаммасида ҳам инсон ҳаётининг безаги – нон улуғланади. Одамзод буғдойни кашф қилиб, ундан нон тайёрлаб ейишни ўрганганига неча минг йиллар бўлди. Қадимий даврларда одамлар табиатда тайёр ўтларни, мева-чеваларни еб умр кечирганлар. Кўп йиллар ўтиб, тўйимли ва таъмли бўлган буғдой нони пайдо бўлганидан бошлаб нон

[28] Макруҳ амаллар // "Ҳилол" ойлик электрон журнал.2012.8-сон. Б.16-17.
[29] Ҳусайнхон Мушкин Тошкандий. Меҳригиё. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –Б. 139-140.

www.ziyouz.com kutubxonasi

одам боласининг ризқу-рўзига айланган. Ўша даврлардаёқ нон юқори баҳоланган, қадрланган.

Буғдой бир қарасангиз уруғлиқ, бир томондан чорва ҳайвонлари учун озуқа. Ҳар иккала кўринишда ҳам ҳеч қандай қадрга эмас маҳсулот кўринишидадир. Лекин...

- офтоб тиғида ўсган бошоқдаги буғдой ваниҳоят етилди;

- буғдой тегирмонга ташланиб тошни зарбасига чидаб ун ҳолатига келди;

- унни нонвойлар олиб сув билан аралаштириб муштлаб хамир кўринишига келтирадилар;

- сўнгра оловда тобланга чўғ тўла тандирга ёпдилар, шу тарзда оташда қизариб нон бўлиб пишди.

Абдураҳмон Жомий айтади:

“Бошингга мусибат тушдими, сени қийнашдими, дилингни оғритишдими, хафа бўлма. Бошоқни буғдой бўлиши учун ерга улоқтирдилар, буғдой бўлгач, ун бўлсин дея, тегирмонда янчдилар, ун бўлгач, нон бўлсин дея, оловда тобладилар, нон бўлгач, тишлари билан эздилар. Эзилгинки, жонланасан, жон бахшида этасан”.

Қиссадан ҳисса шуки, нон азиз бўлиши учун дастлаб тегирмон тошининг зарбига, сўнгра нонвойни муштига ваниҳоят тандирни оташига чилаб “нон” деб аталувчи буюк таом кўринишида азиз неъматлар қаторидан жой олди. Сўфи Оллоҳёр айтганидек:

Нонни икром айламоқ эрмиш адаб,
Беадаблик қилмағил эй ҳақ талаб.
Нонни синдурғил яна қўйган замон,
Нон хуруш деб интизор этмак ёмон.
Нонга боқмағил ҳақорат кўз била,
Демагил беҳуда нонға сўз била.
Демагил бу яхши эрмиш бу ёмон,
Бу демоқликдин кўрарсан кўп зиён.
Келса нон бир қўл билан синдурмағил,
Нон азиздур хорлик келтурмагил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нонни сарпўш айлама ҳар зарфга,
На дедим солғил қулоқ бу ҳарфга.
Барчаси ҳақ неъматидур шукрин айт,
Еб ичиб тинмай Худони зикрин айт.

Шу сабабдан қадимги Мисрда нон қуёш ва олтин билан бир қаторда турган. Шу боис “Қора нон – гадойнинг жаннати” деган нақл бежиз пайдо бўлмаган. Уни “қуёш”га, ”олтин”га таққослаганлар. Ҳозирги кунда ҳам ҳиндулар нонни барча “барча таомларнинг онаси” деб улуғлайдилар[30].

Қадимги Миср донишмандларидан бири: “Сиз дунё- даги барча неъматлар орасида нимани юқори баҳолай- сиз?” — деган саволга: “Мен донни, нонни юқори баҳолайман. Нон — барча неъматларнинг султони”,— деб жавоб берган экан.

Мисрда вояга етган қизларга совчи келганида аввало куёвнинг касбини сўраганлар. Агар куёв ғаллакор деҳқон ёки новвой бўлса, уни дарров куёв қилганлар.[31]

Эътибор берган бўлсангиз, ҳар куни календар варағини йиртаётиб ундаги мана бундай Ө белгига кўзингиз тушади. Шумер иероглифларида бу белги “РА” деб аталган бўлиб, қуёш маъносини англатган. Кейинчалик нон ҳам худди шу белги билан ифода этиладиган бўлган. Қуёш ва нонни бир хил рамзий белги билан ифодалаш ҳар иккаласи ҳам ҳаётнинг асосий омили деб билинганлигидан бўлса керак. Қуёш бўлмаса нон етиштириб бўлмайди, нон бўлмаса кун кўриб бўлмайди[32].

2021 йилда археологлар Туркиянинг Чаталхюк номли мавзесида қадимги топилмалар аниқланганлиги тўғрисида ҳақида хабар беришди. Вайрон қилинган печнинг ёнидан улар дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, буғдой, арпа ва нўхатдан иборат бўлган бир уюм қолдиқларни топдилар. Кейинги таҳлиллар шуни кўрсатдики, бу хамиртурушли,

[30] Юсупов Э., Исмоилов Ф. Инсон баркамоллиги. –Т.: Ўзбекистон, 1990. –Б.215-216.
[31] Тиббиёт хазинасидан. – Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, 1992. -Б.96.
[32] Маҳмудов К. Қизиқарли пазандалик. – Т.: Ўқитувчи, 1987. –Б.29..

www.ziyouz.com kutubxonasi

аммо пиширилмаган нон қолдиқлари бўлиб, тахминан 8 600 йил олдин тайёрланган. Бу ҳақда Нежмиддин Эрбақон университети матбуот хизмати хабар берди.

Чаталхюк милоддан олдинги машҳур энг қадимги аҳоли яшаган масканлардан бири бўлиб, тахминан милоддан аввалги 7100-5600 йилларга тўғри келади. Неолит даврига оид ушбу қадимий ёдгорлик британиялик тадқиқотчи Жеймс Меллаарт томонидан аниқланган эди.[33]

Марказий Осиёнинг ўтроқ халқларида қадимдан ўзига хос иззат-эҳтиром муносабати шаклланган нонга "Авесто"да деярли бир боб бағишланган, деҳқончиликнинг энг қимматбаҳо маҳсули сифатида таърифланган. Жумладан, зардуштийларда дрвана — оқ нон маздопарастлар маросими чоғида илоҳ Сурушга ниёз келтирилган.

Сувли суюқ таомлардан ташқари илоҳларга тортиқ қилинадиган барча таомлар — гушт, мева, нон ва бошқалар Авеста луғатида "мазда" дейилган.[34]

Яснанинг 3—8- готлари "Суруш дравна" деб номланади. Ясна, 11-гот, 3-бандда эса "дравна" мутлақ қурбонлик ёхуд назр-ниёз маъносида истифода этилган. Авесташунос Баҳор шундай ёзади: "Дрвана супра ва нон бўлиб, зардуштийларнинг диний маросимларидаги воситалардан бири саналган. Хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, буғдой унидан тайёрланган бу нон — дрвана жаҳон устуворлигининг рамзидир. Дрвананинг ҳалқага монанд шакли ер шарини ҳалқадек ўраб олган Албурс тоғининг рамзи. Ноннинг юзи, кенглиги, сатҳи қуёш рамзи; мутлақ ҳалоллик ва поклик билан яратилганлиги эса ойга ишора; супра устига қўйилувчи уч дона хушбўй чўн эса — эзгу сўз, эзгу амал ва

[33]https://l.facebook.com/l.php?u=https%3A%2F%2Fnplus1.ru%2Fnews%2F2024%2F03%2F06%2Fancientread%3Ffbclid%3DIwAR3_eMv5wgXrPad8O4UsXtslXnc3LalQ8cpJZNX1E1jE5iAj82pglIQMZwg&h=AT2O2qCMZqMmGIi3ia92BVykK89AptqW6Wbgv5YpTjtO14h2X_siwlp5lg0FcrDOZFsS4s7yMAkMuvs06Lqp9YeLA4T7zL0oxq-DeopI9GpwdXEjvIArTYfQyHDt98DzKM37&__tn__=-UK-R&c[0]=AT1Yg6SEfYM1P7KZ7fzBUSflRpF1OxzV5v8uM2Edgng9TBepmSktscZs64rjDeEYS3lqE1zV6UjUF4vfbtwPEGrWogQwi7reSX5Ow8dnai0Stkv_gST1jh4691QMlwh9OUJ8XiZqP0Or_VerrxeHyLu22YPyaaossLxnHGfdsW1H0namTVinxUfimDqioH2b29WfQNy86n6BwPO_BIvim27qvbpr5_RwLE2pWac

[34] Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Т., 2001. -Б. 320.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эзгу ният. Сув — яшиллик, мева, дарё эса яйлов ва ўрмонларнинг рамзи саналган[35].

Вақтлар ўтган сари нон бутунлай эзгуликнинг рамзига айланди:

- Нон қуёш рамзи;
- Нон ҳалоллик, поклик рамзи;
- Нон тинчлик, хотиржамлик рамзи;
- Нон барака, мўл-кўлчилик рамзи;
- Нон серпуштлик рамзи;
- Нон ишонч, умид рамзи;
- Нон дўстлик рамзи;
- Нон аҳиллик рамзи;
- Нон саховат, сахийлик рамзи;
- Нон ризқ рамзи;
- Нон улуғлик рамзи;
- Нон садоқат, вафодорлик рамзи;
- Нон меҳр-оқибат рамзи;
- Нон шукроналик рамзи;
- Нон сабр-қаноат рамзи;
- Нон тўғрилик, ростлик рамзи;
- Нон ишонч рамзи;
- Нон миллийлик рамзи.

Нон — фақат озиқ-овқат эмас, балки тарих, маданият ва маънавиятда кучли рамзларга эга. Ҳар бир рамз халқнинг ҳаёт, меҳнат ва ахлоқ тушунчалари билан боғлиқ.

1. Ҳаёт ва барқарорлик рамзи:

•Нон инсон учун асосий озиқ-овқат, ҳаётнинг давомийлигини таъминлайди.

•Тушунча: “нон бор жойда ҳаёт бор”

•Мисол: Француз инқилоби, Россия февраль инқилобида нон танқислиги жамият қўзғолонига олиб келган.

2. Меҳнат рамзи:

[35] Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси...-Б. 320.

www.ziyouz.com kutubxonasi

•Нонни тайёрлашда қишлоқ аҳолиси ва деҳқон меҳнати акс этади.

•Шунинг учун нон — меҳнат, оғриқ ва салоҳият рамзи сифатида қаралади.

•Мисол: “Меҳнат билан пиширилган нон — қадрли” деган халқ мақоли.

3. Хурмат ва қадрият рамзи:

•Нонга ҳурмат қилиш — исрофсизлик, эҳтиром ва ахлоқ рамзи.

•Халқ қўшиқлари ва мақолларда нонга ҳурмат қилиш зарурлиги кўп марта таъкидланади.

4. Оила ва бирдамлик рамзи:

•Хонада нон борлиги — оила фаровонлиги, меҳр ва тинчлик рамзи.

• “Хонада нон бор жойда бахт бор” — ўзбек халқ урф-одати.

5. Табиат билан боғлиқ рамз:

•Қадимда нон Қуёш, Ер ва сув билан боғланган.

•Дондан тайёрланган нон — табиат меҳнати ва инсон меҳнати натижаси сифатида қўшилади.

6. Маданий ва ритуал рамз:

•Нон айрим маросимларда: туй ва меҳмондорчиликда саодат ва эҳтиром рамзи сифатида берилган.

•Мисол: “нон ва туз” — меҳмондорлик рамзи.

Нон — озиқ-овқатдан ташқари:

•Ҳаёт, меҳнат, оила, фаровонлик, қадрият ва маданият рамзи.

•Халқнинг ахлоқ ва урф-одатини акс эттиради.

•Марказий Осиёда ва бутун дунёда нон қадри жуда юксакдир.

1. Марказий Осиё халқларида нон:

•Ҳаёт, оила, меҳнат, фаровонлик, қадрият рамзи.

•Тушунча: Нон — оиланинг асосий ризқи, меҳнат натижаси, оила ва меҳмондорлик рамзи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисол: “Нон ва туз” — меҳмондорлик, “хонада нон бор жойда бахт бор”

2. Россия ва бошқа славян халқларида:

•Рамзлари: меҳр, меҳмондорлик, бахт ва фаровонлик рамзи.

•Тушунча: Нон ва сув — оиа фаровонлиги рамзи.

•Мисол: Россияда маросимларда туз билан нон меҳмон учун берилган.

3.Европа халқларида:

•Рамзлари: ҳаёт, озодлик ва барқарорлик.

•Тушунча: Франция инқилобида нон — халқ учун ҳаёт ва адолат рамзи бўлган.

•Мисол: *“Бе нон яшамаслик”* деган қўзғолонлар.

4. Италия ва қадимги Рим маданиятида:

•Рамзлари: қўшнилик, бирдамлик, ижтимоий муомала.

•Тушунча: Римда нон — аҳолига бериладиган бепул озиқ-овқат (annona), ҳокимият ва аҳолининг боғлиқлиги рамзи .

•Мисол: “Nummus panis” – нон ва пул бир-бири билан боғлиқ

5. Япония ва Хитой халқларида:

•Рамзлари: меҳнат, табиат, хушҳоллик.

•Тушунча: Дон ва нон — қишлоқ ҳаётининг барқарорлигини кўрсатади.

•Мисол: Рис билан тайёрланган нон (mochi, baozi) — байрам ва маросим рамзи.

6. Ҳиндистонда:

•Рамзлари: фаровонлик, соғлиқ ва меҳнат.

•Тушунча: Нон ва дона — бахт ва оила фаровонлиги рамзи.

•Мисол: Чапати ва роти — оила учун асосий ризқ, бадалсиз меҳмондорлик рамзи.

7. Мусулмон маданиятида (Яқин Шарқ ва Туркистон)да.

•Рамзлари: озиқ-овқатга ҳурмат, садоқат, меҳр ва жамият боғланиши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

•Тушунча: Нон — меҳмондорлик ва маънавий қиймат рамзи.

•Мисол: “Нон ва сувни исроф қилма” – Қуръонда ҳам таъкидланган.

8. Африка халқларида:

•Рамзлари: ҳаёт, жамоатчилик, меҳнат натижаси.

•Тушунча: Нон (маисдан тайёрланган) — жамиятнинг бирдамлигини ва меҳнатни қадрлаш рамзи.

•Мисол: Маросимларда нонни ерга ташламаслик — қадрият рамзи.

9. Америка қадимий халқлари (ҳиндулар)да:

•Рамзлари: ҳаёт, табиат ва рухий боғланиш.

•Тушунча: Қўлда тайёрланган нон ва дон — Ер ва Қуёшга ҳурмат рамзи.

•Мисол: Маисдан тайёрланган нон — маросимларда руҳий энергия рамзи.

Хулоса қилиб айтганда, нон ўзбек халқи, айниқса Фарғона водийси аҳолиси маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутган муқаддас неъматдир. У нафақат инсоннинг кундалик озиқ-овқати, балки меҳнат, ҳалоллик, барака, меҳр-оқибат ва миллий қадриятларнинг муҳим рамзи ҳисобланади.Нон билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар халқнинг асрлар давомида шаклланган маънавий тажрибасини, диний-ахлоқий қарашларини ва маданий меросини ўзида мужассам этган. Шу боис нонга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш нафақат миллий анъана, балки инсон маънавиятининг муҳим мезони сифатида ҳам қадрланади.

Ўзбек халқи қадимдан нонга беқиёс ҳурмат билан қараган. Фарзандларини нонга бўлган ҳурмат руҳида тарбиялаган. Бу ҳақда шарқшунос олим, профессор Маҳмуд Ҳасаний шундай мисраларни битган:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нон васфи

Иштаҳадан бугун банд кетди,
Нон қидириб Самарқанд кетди.

Қидирсанг гар лаззатни конин,
Қидир унда Самарқанд нонин.

Намангонда бордир бир патир,
Ҳар тишлами оламга татир.

Андижон нонини шу бугун қидир,
Самарқанд нонини туну кун қидир.

Тожикларда бордир чапати,
Ким емаса, ейди шапати.

Лочирага чийра[36] бўлмагин,
Табиати тийра[37] бўлмагин.

Ёқимли бўй атирда бордир,
Атирдамас, патирда бордир.

Лаззатга интилмоқ жонга ярашар,
Чиройга интилмоқ нонга ярашар.

Обинон иззати дилларда бордир,
Патир нон лаззати тилларда бордир.

Қуёшга ўхшатиб ёпилади нон,
Чунки у қуёшдек фазилатга кон.

Нон бўлмаса жон бўлмас,
Жон бўлмаса нон бўлмас.

Одамнинг хизмати жон билан бўлар,

[36] Чийра бўлмоқ -чиранмоқ.
[37] Тийра - хира, кир

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дастурхон иззати нон билан бўлар.

Одамнинг ҳаёти жонсиз бўлмайди,
Дастурхон ҳаёти нонсиз бўлмайди .

Одамнинг хизмати жон билан бўлар,
Меҳмоннинг иззати нон билан бўлар.

Нонинг бўлса олам гулистон,
Нон бўлмаса олам зимистон.

Одам борки, нонгадир муҳтож,
Нон демагин, жонгадир муҳтож.

Нон бўлмаса ҳаётинг хароб,
Олам бари кўзингга сароб.

Уйда бўлса буғдою нонинг,
Бало келса омондир жонинг.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўзбек халқининг маънавий ҳаётида нон алоҳида ўрин тутади. Халқ тасаввурида нон — ризқ-рўз, барака, меҳнат ва ҳаёт рамзи ҳисобланган. Шу боис халқимиз азалдан нонни эъзозлаш, уни исроф қилмаслик, дастурхон тўрига қўйиш каби одатларни муқаддас қадрият сифатида сақлаб келган. Нонга бўлган ҳурмат нафақат турмуш тарзида, балки халқ оғзаки ижоди, ривоятлар, шеърият ва диний-ахлоқий қарашларда ҳам ўз аксини топган.

Ривоятларга кўра Мирзо Улуғбек Самарқанд атрофида юрганда, йўл ёқасида ётган бир бурда нонни кўриб қолади-да, отдан тушиб, уни қўйнига солади. Унинг ёнидагилардан бири: “Султоним, нега бизга буюрмай, ўзингиз отдан тушдингиз” деб сўраганида Улуғбек: “Нонни дастлаб мен кўрдим, уни ердан олишни бировга буюриш нонга нисбатан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳурматсизлик бўларди. Нон олдида менинг султонлигим, мартабам ҳечдир", – деб жавоб берган экан"[38].

Ўзбек оилаларида фарзандлар кичиклигиданоқ нонни эъзозлаш руҳида тарбияланган.

Нон устига пичоқ, туздон каби нарсаларни қўйиш, нон бўлакларини қолдириб янгисини синдириш, пичоқ ва қўлни нон билан тозалаш, нонни бир қўл билан синдириш сингари ярамас одатлар қаттиқ қоралаган. Инсонларини дилини оғритган, кўп ситамлар ўтказган кимсаларни бўлса, "Дастурхони нон кўрмасин" деб дуойибад қилганлар.

Оилада фарзандлар болалик давриданоқ нонни эъзозлаш, уни исроф қилмаслик руҳида тарбияланган. Дастурхонга тортилган нон оила бошлиғи томонидан синдирилган. Нонни пичоқ ёки бошқа кесувчи буюмлар билан ушатиш нонга бўлган ҳурматсизлик сифатида баҳоланган. Нон ўтроқ аҳолида алоҳида нон сандиқларда, яримкўчманчи ва яримўтроқ аҳолида эса жундан тўқилган махсус нон халталарда сақланган[39]. Бу ҳақда Мушкин Тошкандий қуйидаги мисраларни битган эди:

Қўйса бўлмас ҳар нечук неъматни ҳам нон устина
Нонни қўймаклик раводур тандаги жон устина.
Нонни ҳурмат айламак лозим эрур, эй ёшлар,
Келса баркашда ярашгай яхши меҳмон устина.
Халқимиз тун-кун ҳалол меҳнатни қойил қилдилар,
Ёғди нон ёмғур каби бу Ўзбекистон устина.
Кўча-кўйда кўз қамашди хилма хил нонни кўриб,
Ҳар маҳал дармон бўлур жисм ичра дармон устина.
Қайда бўлса ишга моҳир эл, тўлуғ меҳнат қилиб,
Мўлу кўл бўлди фаровонлик фаровон устина.
Юрту элни ҳар йили нон бирла обод этгали,
Бу вазифа халқ учун юкланди деҳқон устина.

[38] Буюклар ибрати / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Нодирбек Абдулаҳатов, Ниҳола Пўлатова. – Т.: Tamaddun, 2013. –Б.40.

[39] Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. –Б.122-124.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шул умидим, Мушкиний, беҳуда исроф ўлмағай,
Аҳти меҳнат сочди нон тухмин биёбон устина[40].

Шоир нонни инсон жони билан тенглаштириб, унинг муқаддаслигини бадиий талқин этади.

Халқ хотирасида қаҳатчилик ва очарчилик йиллари энг даҳшатли синов сифатида сақланган. “Қимматчилик бўлсин, аммо қаҳатчилик бўлмасин” деган нақл ҳам ана шу ҳаётий тажриба маҳсулидир. Қаҳатчилик йилларида нон ҳаёт-мамот масаласига айланган.

Ривоят қилишларича, Довуд алайҳиссалом бир ғорга кирди ва у ерда ўлиб ётган киши бошида бир лавҳага кўзи тушди. Унда бундай деб ёзилган экан: “Мен фалончиман, минг йил подшоҳлик қилдим, мингта шаҳар барпо этдим, ҳарамимда мингта маъшуқа тутдим, мингта қўшинни мағлуб этдим. Шундай замон бўлдики, нон келтиргани бир халта дирҳам (кумуш) чиқардим. Нон йўқ экан. Сўнг бир халта динор (олтин) чиқардим – нон йўқ экан. Кейин бир халта гавҳар чиқардим – нон яна йўқ. Охири шу гавҳарни майдалаб оғзимга солдим-да, ўша жойимда тиришиб ўлдим. Ким тонгда уйғонса-ю, бир дона нони бўлса ва ўзини ер юзини энг бой одами деб санамаса, Оллоҳ унга ҳам худди меникидек ўлим раво кўрсин”[41].

Муҳаммад ибн Юсуф Ал-Асбаҳоний емишларини бир нонвойдан сотиб олишга одатланмас эканлар. Бунинг сабаби сўралганда у зот: “Эҳтимол сизлар мени таниб қолиб, ҳайбатланиб нонни арзонроқ қилиб беришингиз мумкин, унда мен дини билан кун кўрадиганлардан бўлиб қоламан”, – деган эканлар[42].

Ривоят қилишларича, Абул Ҳасан Антокийнинг ҳузурида бир гал ўттиздан ортиқ киши жамланади. Ўша куни ҳузурларида фақат етти кишигагина етадиган нон бор эди,

[40] Ҳусайнхон Мушкин Тошкандий. Меҳригиё. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. – Б.138-139.

[41] Тоиров М. Поезддаги бир ўзбек // “Тафаккур”, 2013. № 4. –Б. 45.

[42] “Танбеҳул муғтаррин” Абул Мавоҳиб Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ибн Али ал-Ансорий аш-Шаъроний (898/1493-973/1595) Дорул маърифа – Байрут. 2004. –Б.21.

www.ziyouz.com kutubxonasi

холос. Уни дастурхонга синдириб, чироқни ўчириб қўядилар ва ёйиш учун дастурхонга ўтирадилар. Дастурхонни йиғиштирганларида нонлар ўшандайича турганини кўрадилар. Улар шериклари ейишини истаб бирорталари нондан олмаган эканлар.

Байт:

Ганж ду пора нону, далкау ҳузур,
Боқи ҳама сарбасар хаёласт ва ғурур.

Мазмуни:

Икки пора нон гавҳардир, кўҳна либос ҳузур,
Қолган ҳаммаси бошдан оёқ хаёлу, ғурур.[43]

Халқимизда "Қиммат бўлса ҳам қаҳатчилик бўлмасин", деган ажойиб бир нақл бор. Уни биз ҳар гал дуога қўл очган ёши улуғ кишилардан эшитиб келганмиз. Чунки улар ҳаётда айнан қаҳатчилик нима эканлигини ўз бошларидан ўтказганлар ва кўрганлар. Шу сабабдан шоира Дилшоди Барнонинг (1800-1906) шеърларидан бири айнан "Нон бер" деб аталган:

Замона подшосисан, раиятларга сен нон бер,
Фақирга нон учун ун ғамлашиб, омборига дон бер.
Олий вақф эгасининг қўлидан бир қисм ерларни,
Ҳақиқий эгаси — деҳқонга топширмоққа фармон бер.
Умид кўзи билан сенга фақир эллар қараб тургай,
Уларни ноумид қилма, яшашга яхши имкон бер.
Фақир бўйнидаги сиртмоқини бир йўлаб ўқ бўлсин,
Тириклик чоғларида сен унинг жисми аро жон бер.
Дема сардору мансабдор, уларга ҳам суянма кўп,
Ҳамиша камбағаллар ҳақ-ҳуқуқини фаровон бер.
Умидим шул эрур: султон карам қилсин фақирларга,
Уларга бу ғазалхон ҳурмати эрк бирла дармон бер.
Манам Дилшод амир олижаноблик анласа дерман,

[43] Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий таворихи муттақадимин ва муттаахирин / Форс тилидан Назрулло Йўлдошев таржимаси. – Б.: "Бухоро" нашриёти. 2003.- Б. 114.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Керакки яхши ном қолсин, ёзишга унга девон бер.[44]

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қаҳатчилик сўзи шундай изоҳланади: “Қаҳатчилик – уруш ёки бирор табиий офат натижасида ёки экин-тикин битмай қолганлиги сабабли ҳамма нарса камчил ва қиммат бўлган пайт, очарчилик”. Демак қаҳатчилик бу очарчилик демакдир.

Очарчилик – қандай даҳшатли ҳодиса! Бундай пайтларда ярим қадоқ нон ҳаёт-момот вазифасини ўтайди.

Тарихчи Муҳаммадҳакимхон Тўра айтганидек “Ўша пайтда бир дона зоғора нон топилгудек бўлса, мингта Шом кабоби ва Рум палови ўрнига ўтарди.

Байт:

Як парча нони қоқ ва як шалғами хом,
Беҳтар зи ҳазор оҳувони ваҳши.

Мазмуни:

Бир парча қотган нон ва бир хом шолғом,
Мингта ёввойи кийик гўштидан яхшироқ.[45]

Мазкур мисраларда очарчилик даврида энг оддий озуқанинг ҳам улкан қадрга эга бўлиши ифодаланган.

Ўтган асрнинг 20-30 йилларида юртимизда юз берган очарчилик натижасида аҳоли ўсимлик илдизлари, кунжара каби соғлиққа зарарли бўлган нарсаларни ҳам истеъмол қилишга мажбур бўлиб, очликдан бевақт кўз юмиш ҳоллари кундан-кунга ортиб борган эди. Ўтирган жойида очликдан шишиб ўлганларнинг сони кундан-кунга кўпайган. Бундай оғир вазиятни шоир Завқий ўзининг “Қаҳатлик” номли шеърида яққол ифодалаб берган эди. Унда ноннинг йўқлиги бутун жамият учун фожиа сифатида талқин қилинган:

---

[44] Дилшод. Танланган асарлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.- Б.93.

[45] Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих / Форс тилидан таржимон, муқаддима, изоҳлар муаллифи: Шодмон Воҳидов. - Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. – Б.369.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаҳатлик бўлди бу Фарғонамизда,
Топилмас парча нон вайронамизда.
Паямбар бўлса нон, ош – авлиёдур
Яна очлик давосиз бир балодир[46].

Ҳабибулла Қодирий ўзининг "Қодирийнинг сўнгги кунлари" номли хотира қиссасида бу ҳақда шундай ёзади:

"Бизда қимматчилик ва қаҳатчилик" деган сўзлар бор: қимматчиликда бозорда озиқ-овқат бор-у, лекин уни сотиб олиб, ейишга халқда ақча йўқ бўлади. Қаҳатчиликда эса, халқда ақча бор, лекин бозорда ҳам, уйда ҳам егулик топилмайди.

Жосият бибим ҳикоя қилар эдилар: қайси бир йил (хон замонларида бўлса керак) Тошкентда қаҳатчилик бўлган экан. Халқ ҳатто сомон сувоқларини кўчириб донини аж-ратиб еган экан. Шунда оломон:

Олтин-кумуш тош экан,

Арпа уни ош экан,

Деб ўзи олтин-кумуш бойликларини Жанггоҳ (ҳозирги Пушкин номли боғ ўрни)га келтириб ташлаган эканлар"[47].

Халқимизда қадимдан нон, тандир, хамир, сурпа билан боғлиқ турли қарашлар мавжуд бўлган. Буни кимдир ирим дейди. Кимдир эса шунчаки эскилардан қолган одат деб тушунади. Бизнингча, бу қарашларнинг замирида аслида оиладаги турмуш тарзи, ахоқ-одоб, гигена, яъни покизалик, нонга бўлган ҳурмат билан боғлиқ қарашлар ётса керак.

- ҳомиладор аёл ёқилаётган чўпнинг учини ҳам тандирга синдириб ташлаш керак. Акс ҳолда ўша аёлни кўз ёриши қийин кечар экан;

- тандирда нон ёпилаётганда уйни супуриб бўлмайди - уйдан барака қочади;

---

[46] Завқий. Ажаб замона.Шеърлар / Тўпловчилар А.Мадаминов, А.Турдиалиев. – Т.: Шарқ, 2003. –Б.98-б.

[47] Қодирий Ҳ. Қодирийнинг сўнгги кунлари // "Ёшлик", 1989. № 5. –Б.52.

www.ziyouz.com kutubxonasi

- тандир учун биттадан ортиқ кўсов қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда хонадондаги бўйи етган қизнинг турмуши бузилади;

- тандирга ёпилаётган нонни санаб бўлмайди. Акс ҳолда тушиб кетади;

- тандирга нон ёпаётганнинг орқасида туриб бўлмайди. Акс ҳолда нон тушиб кетади;

- тандир ва ўчоққа синдирилган ўтинни ўнги билан тиқилса иши ўнгидан келади;

- нонни ёпаётиб "қайнонамни нони" деб ёпилса тандир ҳам қайинонадан қўрқиб нонни яхши пиширар экан;

- тахта ўқловни тикка қилиб бўлмайди. Оила аозоларидан бирон кишига зиён етади;

- сурпани ҳадеб ювиб бўлмайди. Уйдан барака кетади;

- хамир қилишаётган вақтда уни идишга ўртасидан олиб бўлмайди. Акс ҳолда барака кетади;

- хамир қориш пайтида хамир бўлакларини атрофга сочилиши меҳмон келаётганидан дарак беради.

- хамир қораётганда тоғорани охиридан ўзи томонга қаратиб хамир қориш давлатни чақиришдан далолат беради;

- нонни тескари қилиб бўлмайди. Ризқи қирқилади;

- нонни дастурхонга тоқ қўйиб бўлмайди. Чунки азада нон тоқ қўйилади;

- дастурхонда тишланган ёки синдирилган нонингиз қолса бахт яъни ризқингизни қолдирган бўласиз;

- нонни тескари қўймаслик керак уйда кўнгилсизлик юз беради;

- ноннинг ўртасини еб бўлмайди. Ҳаётда ўртанчага уйланиш ёки турмушга чиқар экан;

- нони бир қўллаб синдириб бўлмайди;

- сафарга чиқишда ўзи билан нон ёки нон бўлагини олсангиз сафарингиз омадли бўлади;

- нонни икки жойидан ёки икки нонни тишлаб қўйса демак меҳмон келади;

www.ziyouz.com kutubxonasi

- нонни ёриб ажратиб еб бўлмайди. Оилада ота-она ўртасида жанжал бўлади;

- сафарга кетаётганларга нон тишлатилади. Яна соғ саломат қайтиб келиб нонни ейиш насиб қилсин деб;

- меҳмондорчиликка борганда дастурхонга тузалган нонни аввал ёши улуғ киши синдириши лозим.

Ривоятларда саховат ва инсонпарварлик ғоялари ҳам нон орқали талқин қилинади.

Келтирадиларки. - бир гадой катта ва ҳашаматли бир дарвозага келиб хайр-садақа сўрайди. Уй эгаси унга озгина ноннинг ушоқ(майда)ларини чиқариб беради. Бошқа куни гадой кетмон ва болтани ўзи билан олиб келиб, у дарвозани бузига ҳаракатига тушади. Уй эгаси чиқиб айтадики, "нима учун менинг дарвозамни бузаяпсан?". Гадой айтадики "дарвозангни садаққангга лойиқ қилиб ўтказ ва сенинг ато қилганинг (садақанг) Дарвозангга лойиқ эмас. Сенинг дарвозанг жуда ҳашаматли ва бузург(катта), сенинг шуҳрат ва шонинг азимдир. Сенинг номинг пок, ғаффурдир, мартабанг ал вужуди ал икромдир сенинг назарингда дунё дарёлари бир қатра сувдир. Сенга ўхшаган шуҳратпарастларни Худойи таолло кечирсин", деб гадой кетмон ва болталарини олиб кетади.[48]

Ушбу тақдим этилган матн нон ва у билан боғлиқ этнографик, фольклор ва диний-ахлоқий қарашларни ўзида мужассам этган бой манбадир. Матнни илмий-этнографик, филологик ва манбашунослик нуқтаи назаридан тизимлаштириб, қуйидаги асосий йўналишларда таҳлил қилиш мумкин:

1. Магик ва мифологик қарашлар (Апотропеик ва продуцирлик функциялари).

Этнографияда нонга нафақат озиқ-овқат, балки **апотропеик** (ёвуз кучлардан ҳимоя қилувчи) ва **продуцирлик**

[48] Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий таворихи муттақадимин ва муттаахирин / Форс тилидан Назрулло Йўлдошев таржимаси. – Б.: "Бухоро" нашриёти. 2003.- Б.23.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(унумдорлик, серпуштлик келтирувчи) восита сифатида қаралган.

Ҳимоя (сақловчи) вазифаси: Тезак билан янги тандирни қиздириш, бешикка ёки чақалоқ ёстиғи остига нон қўйиш, Хоразмда нонни тумор қилиб тақиш каби удумлар тотемистик ва анимистик эътиқодлар қолдиғидир. Нон бор жойга "инс-жинслар яқинлашмайди" деган қараш неъматнинг муқаддаслиги ва ёвузликни даф этувчи кучига бўлган ишончдан келиб чиққан.

Серпуштлик ва барака: Водий қипчоқларида келиннинг бошига нон қўйиб локи боғлаш ёки унаштиришдаги "нон синдириш" маросими ризқ-роҳат, серпуштлик ва оилавий жўрликни таъминлашга қаратилган маросимий ҳаракатдир.

Тақиқлар (Табулар): "Ётоқда нон еб бўлмаслик", "тандир ёпилаётганда уй супурмаслик", "нонни тескари қўймаслик" ва "бир қўллаб синдирмаслик" каби тақиқлар аслида нонга бўлган юксак эҳтиром ва гигиеник одатларнинг маданий-ижтимоий нормага айланган шаклидир.

2. Диний ва диний-тарихий генезис (Авестодан Исломгача).

Матнда нон культининг тарихий эволюцияси аниқ манбалар асосида кўрсатиб берилган:

Зардуштийлик даври: "Авесто"даги *дравна* (оқ нон) тушунчаси ва Яснанинг "Суруш дравна" готлари ноннинг қадимги шарқ хатти-ҳаракатларида глобал рамз (ер, қуёш, ой, эзгулик) бўлганини кўрсатади. Дрвананинг шакли ва устига қўйиладиган уч чўп зардуштийликнинг асосий триадаси — *эзгу сўз, эзгу амал ва эзгу ният*га ишора қилган.

Исломий одоб ва манбалар: Ислом маданиятида нонни азиз тутиш, уни исроф қилмаслик, устига оғир ёки номуносиб буюмлар (пичоқ, туздон) қўймаслик ва "нонни икром қилиш" бўйича одоб қоидалари манбаларда макруҳ ва савобли амаллар мезони билан асосланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Манбашунослик ва лингво-поэтик таҳлил

Матнда келтирилган фольклор ва мумтоз адабиёт намуналари нон мавзусининг бадиий ва маънавий талқинини очади:

Ёзма манбалар ва поэзия: Мушкин Тошкандийнинг "Барча неъматлар ичида бебаҳо нон, деб билинг", Маҳмуд Ҳасанийнинг "Нонимиз хор бўлмасин", "Нон васфи", Сўфи Оллоҳёр, Жомий ҳамда Дилшоди Барнонинг шеърий мисралари ноннинг ижтимоий-маънавий қийматини оширишга хизмат қилади.

Тарихий ва ривоят шаклидаги манбалар: Мирзо Улуғбекнинг ерда ётган нонни ўзи олиб қўйиши, Довуд алайҳиссалом ҳақидаги қаҳатчилик ривояти, Суярхон тўра ва Муҳаммад ибн Юсуф Ал-Асбаҳонийнинг ўгитлари жамиятдаги ахлоқий-маънавий тарбиянинг муҳим пойдеворини ташкил этади.

4. Қаҳатчилик ва очликнинг социо-маданий хотираси.

Матнда қаҳатчилик (очарчилик) йилларининг халқ хотирасидаги ўрни ва бу синовларнинг нонга бўлган муносабатни шакллантиришдаги роли алоҳида ўрин тутади:

- Завқийнинг "Қаҳатлик" шеъри ва Ҳабибулла Қодирийнинг "Қодирийнинг сўнгги кунлари" хотира-қиссасидаги гувоҳликлар жамиятда озиқ-овқат танқислиги инсонларнинг қадриятлар тизимини тубдан ўзгартиришини кўрсатади ("Олтин-кумуш тош экан, арпа уни ош экан").
- Тарихий манбалар (Муҳаммадҳакимхон Тўра ва б.) қаҳатчилик пайтида оддий қотган нон ёки шолғомнинг энг тансиқ таомлардан устун қўйилишини ҳаётий ва аччиқ ҳақиқат сифатида исботлайди.
- **5. Семиотик ва кросс-маданий қиёслаш (Нон — глобал рамз сифатида).**

Матннинг энг қимматли қисмларидан бири — ноннинг турли халқлар маданиятидаги рамзий маъноларини семиотик таҳлил қилишдир:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Халқлар / Маданиятлар	Ноннинг асосий рамзий маъноси	Мисоллар ва ритуаллар
Марказий Осиё (Ўзбек, Тожик ва б.)	Ризқ-рўз, оилавий бахт, меҳмондорчилик, саховат, поклик.	Нон синдириш, сафарга чиққанда нон тишлатиш, дастурхонга аввал нон қўйиш.
Славян халқлари	Меҳр, меҳмондорчилик ва фаровонлик.	Меҳмонларни "Хлеб-соль" (нон ва туз) билан кутиб олиш.
Европа (Франция, Италия, Қадимги Рим)	Ҳаёт, адолат, ижтимоий тенглик ва озодлик.	"Annona" (Римда бепул нон тарқатиш), Француз инқилобидаги нон талаблари.
Осиё (Япония, Хитой, Ҳиндистон)	Барқарорлик, байрам ва оилавий ризқ.	Мочи, баоцзи (шоли/ун нонлари), чапати ва роти.
Америка ва Африка туб аҳолиси	Руҳий боғланиш, Ер ва Қуёшга ҳурмат, жамоа бирдамлиги.	Маисдан тайёрланган нонлар ва уларни ерга ташламаслик одати.

Тақдим этилган матн нон мавзуси бўйича **комплекс этнографик ва фольклоршунослик тадқиқоти** учун тайёр манба ҳисобланади. Унда нонга бўлган муносабат шунчаки озиқ-овқат истеъмоли эмас, балки:

Ижтимоий регулятор: Маросим ва удумлар орқали оила ва жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи восита;

Ахлоқий норма: Исрофгарчиликнинг олдини олувчи, камтарлик ва шукроналикни шакллантирувчи омил;

www.ziyouz.com kutubxonasi

Авесто давридан то ҳозиргача ўзбек ва қўшни халқларнинг этно-маданий қиёфасини белгилаб берувчи асосий рамзлардан бири сифатида намоён бўлади.

НОН БИЛАН БОҒЛИҚ ХОТИРАЛАР

Бечораман, дея ўкинма иним,
Сенга ўхшаганлар дунёда бисёр.
Бир парча нон учун, ўтсин деб куним,
Томирдан қонини бергувчилар бор.

Абулла Орипов.

1921–1922 йиллардаги очарчилик дастлаб Россиянинг Волгабўйи ҳудудларида бошланди. Уруш, иқтисодий инқироз ва озиқ-овқат сиёсати оқибатида юз минглаб одамлар очликка маҳкум бўлди. Айрим манбаларда одамлар ит, мушук ва турли ёввойи ҳайвонларни ейишга мажбур бўлгани қайд этилади. Ота-оналар фарзандларини боқиш имкони бўлмагани учун уларни кўчага ташлаб кетган ҳолатлар ҳам кузатилган.[49]. Шу тарзда оч одамлар оломони Ўрта Осиёга нон излаб йўлга чиқади. Уларнинг кўпчилиги Қозоғистоннинг сўнгсиз чўлларида ўлиб кетган. Аммо манзилга етиб келганларга ҳам осон бўлмаган.

1919 йили Туркистонда нон тақчиллиги қарийб 100 миллион пудни ташкил қилди. Туркистон буғдойзорларининг шиддат билан қисқариши ҳамда Россиядан пахта эвазига келадиган дон ҳажмининг камайиб кетиши бунинг сабаби эди. 1916 йили Россия ички губернияларидан Туркистон пахтаси эвазига 22 миллион пуд дон етказилган бўлса, 1917 йили бу кўрсаткич 1,9 миллионни ташкил этди, 1919 йилда эса ҳеч нарса олиб келинмади. Туркистоннинг ўзида ўша йили фақат 5,3 миллион пуд нон тайёрлаб қўйилган эди. Йил ҳисобида бир кишига бир неча ки-

[49] Расулов А. Саховат саҳифалари // “Тафаккур”, 1994. № 4. –Б. 88.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лограмм нон тўғри келарди, холос. Натижада Туркистонни мисли кўрилмаган очарчилик қамраб олди, 1,2 миллион киши унинг қурбони бўлди.[50]

1928 йилдан бошлаб СССРда оммавий коллективлаштириш сиёсати амалга оширилди. Давлат деҳқонларнинг ер-мулки ва чорвасини тортиб олиб, уларни колхозларга бирлаштиришга киришди. "Қулоқ" деб аталган бой ва ўртаҳол деҳқонлар сургун қилинди, қамалди ёки қатл этилди. 1931 йилга келиб бу сиёсат ўзининг ҳалокатли оқибатларини кўрсата бошлади. Қишлоқларда меҳнат унумдорлиги пасайди, дон ҳосили кескин камайди. Шунга қарамай давлат режаси камайтирилмади. Аксинча, маҳаллий ҳокимиятлар аҳоли қўлидаги охирги донгача мусодара қилди. Айниқса, Украина, Қозоғистон ва Россиянинг марказий ҳудудларида очарчилик даҳшатли тус олди. Украинадаги "Голодомор" натижасида қарийб 4 миллион киши ҳалок бўлгани қайд этилади. Қозоғистонда эса расмий маълумотларга кўра 1 миллион 250 минг, норасмий манбаларга кўра 3–4 миллионга яқин инсон ҳалок бўлган.

Бу ҳолат Ғайрат Йўлдош томонидан тайёрланган мақолада ўз аксини топган.

"1928 йилда СССРда коллективлаштириш бошланади. 4-5 йил давом этган бу жараёнда аввал бойларнинг, сўнг ўртаҳолларнинг ерлари ва мол-мулклари тортиб олинади. Уларнинг ўзи қулоқ деб аталиб, сургун қилинади, ўлдирилади ва қамоқхоналарга жўнатилади.

Масалан, ўзбекистонликлар кўпроқ Сибир томонларга ва Украинага сургун қилинган. Коллективлаштириш пайтида сургун қилинган инсонларга орадан қарийб 20 йил ўтгандан сўнг, 1948 йилда уйларига қайтишга рухсат берилади. Бироқ бу пайтда уларнинг аксарияти ўлиб кетганди.

[50] Саламов Ш. Ғоялар жанги XIX-XX аср Туркистон ва Жанубий Кавказ.. – Т.: "Истиқлол нури", 2017.- Б.97.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1932 йилга келиб СССРнинг катта ҳудудларида жамоа хўжаликларини тузиб бўлишади. Жараёнларда миллионлаб одам ўз юртидан сургун қилинади, бошқалари қамалади, ўлдирилади.

Шундан сўнг мислсиз очарчилик содир бўлади. Айниқса, Украина, Россиянинг марказий ҳудудларида ҳамда Қозоғистон шимолида кучли очарчиликлар содир бўлади ва оқибатда миллионлаб инсонлар ўлиб кетади.

1928 йилдан бошлаб ўтказилган коллективлаштириш 1931 йилга келиб ўзининг салбий оқибатларини кўрсата бошлайди. Қишлоқларда яшаётган миллионлаб инсонлар сургун қилингач, қолган одамларда ҳам совет ҳукуматига нисбатан кучли нафрат уйғонади.

Ахир кимга ҳам ер-мулки ҳамда уйидаги чорва моллариниг тортиб олиниши ва колхозга қўшиб юборилиши ёқарди. Шу сабабли 1931 йилда мамлакат бўйлаб мўлжалдаги ғалла ҳосили олинмайди.

Боз устига, ўша йили ҳосилнинг катта қисми кузда экиш учун олиб қўйилади. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият вакиллари режани бажариш баҳонасида деҳқонлар қўлидаги барча донни тортиб олади.

Маҳаллий ҳукуматларнинг режани камайтириш ҳақидаги илтимоси Москва томонидан рад этилади. Масалан, қозоғистонликлар 1931 йилда Сталиндан буғдой тайёрлаш режасини 75 миллион пуддан 50 миллионгача туширишни сўрайди, аммо Сталиндан “мунозара қилмаслик ва ишлаш керак”лиги бўйича жавоб олади.

Худди шундай ҳолат Украина билан ҳам юз беради. 1932 йилда Украина коммунистик партияси раҳбарияти ҳам Москвага режани бироз камайтиришни илтимос қилади. Бироқ Сталин бунга ҳам рози бўлмайди, аксинча, давлат мулкига зарар етказиш ва бошқа ишларга бефарқ қарашни аёвсиз жазолаш бўйича қарор қабул қилинади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўша илтимосдан сўнг Украинада халқни аёвсиз жазолашга ўтишади ва колхоз мулкини “талон-торож қилиш”да айблаб, кўплаб одамларни ҳибсга олишади. Уларнинг асосий қисми қамалади, 2 110 киши эса ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Оқибатда 1932 йил баҳорига чиқиб мамлакатнинг турли ҳудудларида очарчилик бошланади. Очарчилик икки йил давом этади ва 1933 йилда ҳам миллионлаб егулик топа олмаган одамлар ҳалок бўлади.

Жумладан, Украина, Белоруссия, Россиянинг марказий ҳудудлари, Шимолий Кавказ, Урал, Волгабўйи, Жанубий Урал, Жанубий Сибир ва Қозоғистонда (Қозоғистон ўша пайтда РСФСР таркибида бўлган) мислсиз очарчиликлар юзага келади. Оқибатда мамлакат бўйлаб бир неча миллион одам ҳалок бўлади.

Жумладан, Украинада содир бўлган очарчиликда қарийб 4 млн, Қозоғистонда эса расмий маълумотларга кўра 1 млн. 250 минг, норасмий маълумотларга кўра 3-4 млн. одам ҳалок бўлади.

Қозоғистонда содир бўлган очарчиликда асосан республиканинг марказий, ғарбий, шарқий ва шимолий қисмида яшовчи одамлар нобуд бўлади. Қозоғистон жанубида яшовчи одамлар эса Ўзбекистонга қочиб келиб жон сақлаб қолади.

Норасмий маълумотларга кўра, ўшанда Ўзбекистонга ярим миллиондан 1 миллионгача одам нон қидириб келган ва уларнинг асосий қисми очарчилик йиллари тугагач ўз юртига қайтиб кетган. Уларнинг бир қисми Ўзбекистонда яшаб қолган.

1932-1933 йилларда Белоруссияда расмий маълумотларда 67 минг, норасмий маълумотларда бир неча юз минг, Россиянинг турли ҳудудларида эса 2-3 миллион одам нобуд бўлгани айтилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Очарчилик содир бўлган жойлар экин экиб ҳосил олиш бўйича энг унумдор тупроқларга эга ҳудудлар эди. Коллективлаштириш учун олиб борилган аёвсиз кураш ва кескин сиёсат бутун бошли қишлоқ хўжалигини издан чиқаргани учун ўша жойларда одамлар егулик топ олмай қолади.

Брокгауз энциклопедиясида эса очарчилик йилларида СССРда 4 миллиондан 7 миллионгача одам ҳалок бўлгани ва уларнинг асосий қисмини украиналиклар ташкил этиши айтилади.

Очарчилик муаммоси табиийки Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаган. Собиқ совет давлатининг таниқли арбобларидан бўлган Турор Рисқулов шундай ёзган эди: “Туркистондаги очарчилик чоризм эксплуататорлик фаолияти қолдирган мерос ва маҳаллий хўжалик юритиш шаклларининг қолоқлиги туфайлидир”.

Ўша пайтда Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа республикаларида ҳам одамлар нобуд бўлган. Бошқа ҳудудлар билан солиштирганда ўлганлар сони кам бўлгани учун асосий урғу Россия, Украина ва Қозоғистондаги очарчиликка урғу кўп берилади.

Октябр инқилобига қадар ҳам пахтага кенг ер ажратилиб, ғаллани Россиядан ташиб келтиришга асосланган иқтисод инқилобдан кейин жиддий етишмовчиликка учрайди. Пахтанинг харид нархлари камаяди, ғалланинг баҳоси эса кескин ошиб кетади.

Вазият ўта қалтислиги туфайли 1933 йил мартида Ўзбекистон компартияси бош котиби Акмал Икромов Сталинга телеграмма йўллашга мажбур бўлади. Унда ғалла муаммоси ҳал қилинмас экан, пахта етиштиришга ҳам путур етиши ҳақида гап боради.

Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳудуд аҳолиси шу пайтгача истеъмол қилишга ўрганмаган картошка,

www.ziyouz.com kutubxonasi

помидор каби сабзавотларни ҳам ея бошлайди ва энди улар овқат рационига қатъий кириб боради.

Шу билан аҳвол ўн йиллар давомида ўнгланмайди ва оғир вазият Иккинчи жаҳон урушига уланиб кетади. Қатор ҳудудларда очарчилик ҳатто Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам бир неча йил давом этган.

Умуман олганда Ўзбекистонда 1950-1955 йилларга келиб одамларнинг қорни нонга тўя бошлаган. Унгача уруш тугаган бўлса ҳам унинг асоратлари бўлган.

Шунингдек, Москва мамлакатнинг вайрон бўлган ғарбий қисмини қайта тиклаш баҳонасида Ўзбекистонда етиштириладиган маҳсулотларнинг охирги донасигача ташиб чиқиб кетган".[51]

Очарчилик ва нон мавзуси адабиёт ҳамда кино санъатида ҳам чуқур акс этган. Бу ҳақда Мулло Йўлдош Хилватий "Нон" радифли ғазалида шундай сатрларни битмиш:

Ғалла кам бўлди, жаҳонга бўлди пур ғавғои нон,
Кимни кўрсанг, излашурлар ҳар тараф маъвои нон.
Аксари мардум матоу рўзғорин сотдилар,
Қўлга келтирмоқ учун нақдинан савдои нон.
Пахта жамъин ип эшиб сайёдлар тўр этдилар,
То илинтиргайлар айлаб ҳийлалар анқои нон.
Илгари ҳар тоза нонлардин ададсиз бор эди,
Эмди ҳеч ерда кўрунмас кўзга қотқон қора нон.
Эй, Карими корсоз, эткил карамким, тутмасун
Ошёни тухми анқо ичра бора-бора нон.

Нон ҳақидаги фильмларда очлик, инсон қадри ҳамда виждон ва раҳм-шафқат чуқур ифодаланган. Масалан, "Modern Times" фильми. Ушбу фильм бош қаҳрамони Чарли Чаплин. Фильм сюжети **о**члик, меҳнат, камбағаллик мав-

[51] https://www.facebook.com/profile.php?id=100081790042134&__cft__[0]=AZUoWrQDxFcJi-e40V4A8eLYsO_w83SQb-4FJ3Y2qKkmNvAEpyQsDOSvgYp00AbtneVtuIRqdMm10rLyHfxXteDkl4nrFRExd-Ajxnbrhc0UTRSu4S6M64DGTjpgiZXMID9JciKNvBvUk8F5g5RelJJS3OfhYlZc_fwM6gVVziWXmQ&__tn__=-UC%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

зусида бўлиб, инсонларни бир бурда нон учун кураши тасвирланган. “**The Grapes of Wrath” (1940) – ушбу фильмда** катта депрессия даврдаги очлик ва он — инсон қадри ва адолати намойиш этилган.

“The Breadwinner” (2017, анимация) – мазкур фильмда Афғонистонда қиз боланинг оиласини боқиши ҳикоя қилинади ва фильмда нон — масъулият ва жасорат рамзи сифатида эътироф этилган.

Шу кунга қадар нон тўғрисида турли фильмлар суратга олинган. Масалан, 1929 йилдаги “Хлеб” (Нон) фильмида совет қишлоқларидаги очлик, ер ва нон учун кураш ҳақида ҳикоя қилади. Костантин Паустовский (1892-1968) асари асосида суратга олинган “Горячий хлеб” фильмида нонга ҳурмат, виждон ва кечирим ғояси илгари сурилган.

Бу фильм СССРда 1973-йилда суратга олинган, режиссёр — Ирина Гурвич. Фильм қисқа метражли анимация (мультфильм) сифатида эски қишлоқдаги воқеаларни тасвирлайди ва Паустовскийнинг машҳур ҳикоясига жуда яқин экранлаштирилган ҳисобланади. Унда асосан Филька ва от ўртасидаги воқеа, ноннинг қадри ва инсоннинг маънавий ўзгариши кўрсатилган. Асарнинг бошқа бир версияси ҳам мавжуд, у 1987-йилда ҳам суратга олинган. режиссёр — Роман Ширман. Бу ҳам К. Паустовский ҳикояси асосида суратга олинган лентадир, унда воқеалар янада драматик тарзда баён қилинади. Сценарий муаллифи: Виктор Олъшанский. Асосий актёрлар: Алёша Пичугин, Георгий Дрозд, Мария Виноградова.

Фильм воқеалари қишлоқда, қаҳратон қиш пайтида бўлиб ўтади. Урушдан кейинги оғир йиллар, очлик ва қашшоқлик одамлар ҳаётига қаттиқ таъсир қилган давр тасвирланади. Шу шароитда нон — энг улуғ, энг қадрли неъмат сифатида гавдаланади.

Фильмнинг асосий қаҳрамонларидан бири юқорида айтиб ўтилганидек Филька исмли бола. У қўпол, бепарво ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз қилмиши оқибатини ўйлаб кўрмайдиган бола сифатида кўрсатилади. Унинг қалбида ҳали меҳр-шафқат ва жавобгарлик туйғулари тўлиқ шаклланмаган.

Қишлоқ четида ярадор, қари от яшайди. Бу от уруш пайтида жуда кўп азоб чеккан, энди эса қишлоқ аҳли уни навбат билан боқиб туради. От заиф, оч ва ҳоли жуда оғир.

Бир куни Филька қўлида иссиқ нон бўлган ҳолда от олдига келади. От оч бўлгани учун нонга яқинлашади. Аммо Филька беэътиборлик билан, ҳазиллашаман деб, нонни отга бермай, ерга улоқтиради. Бу ҳаракат нафақат отни, балки табиатни ҳам гўё ҳақорат қилгандек бўлади.

Шу пайтдан бошлаб қишлоқда қаттиқ совуқ, бўрон ва қаҳратон қиш бошланади. Тегирмон музлаб қолади, сув юрмайди, одамлар ун тортиб ололмайди. Қишлоқни очлик хавфи қоплайди. Одамлар бу балони Фильканинг қилмиши билан боғлай бошлайдилар: нонга нисбатан ҳурматсизлик қилинди, деб ҳисоблайдилар.

Филька аввал бу гапларга ишонмайди. Лекин вақт ўтиши билан уни виждон азоби қийнай бошлайди. У ўз қилмиши учун қаттиқ пушаймон бўлади. Отнинг ҳолати, қишлоқ аҳлининг азоби унинг қалбини титратади.

Ниҳоят, Филька ўз айбини англаб етади. У қишлоқдагилар билан бирга музни ёриб, тегирмонни ишга туширишга ҳаракат қилади. Қаҳратон совуққа қарамай, одамлар меҳнат қиладилар. Филька ҳам бу оғир ишда сидқидилдан қатнашади.

Энг муҳим лаҳзада Филька отдан кечирим сўрайди, унга иссиқ нон олиб келиб, меҳр билан узатади. Шу пайтдан кейин табиат ҳам гўё юмшайди: бўрон тўхтайди, совуқ чекинади, тегирмон ишга тушади. Қишлоққа яна ҳаёт қайтади.

Фильм Фильканинг маънавий камолоти билан якунланади. У қўпол боладан меҳрибон, жавобгар инсонга айланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Баллада о хлебе” (Нон ҳақида баллада) фильмида уруш йилларида ноннинг қадри, яъни бир бурда нон — бутун ҳаёт қиймати эканлиги кўрсатилган. “Баллада о хлебе» асарининг муаллифи — Роберт Рождественский. У машҳур совет шоири бўлиб, мазкур шеър (баллада)да уруш йилларида ноннинг қадри, очлик, сабр-тоқат ва инсон матонатини таъсирли образлар орқали ифода этган. Асар адабиётда ҳам, мактаб дарсликлари ва саҳнавий қироатларда ҳам кенг тарқалган. Шунингдек, **“Слово о хлебе”** номли қисқа метражли мультфильм ҳам бор. Ушбу мультфильм **1971 йилда** суратга олинган, режиссёри **Иван Аксенчук** бўлиб, унда шеър ва тасвирлар орқали нон ҳақидаги маънавий тушунчаларни акс эттирилган.

“Живые и мёртвые” (Ўликлар ва тириклар) фильмида очлик, фронт ортидаги инсонларнинг оғир ҳаёти ҳамда нон — тирик қолиш воситаси эканлиги таъкидланади.

Ёзувчи А. С. Неверовнинг (1886-1923) “Тошкент – нон шаҳри” романи асосида яратилган шу номдаги бадиий фильмда очлик ва чарчоқдан тинка-мадори қуриган Миша Додоновнинг зўр-базўр Тошкенга етиб келиши ва бу ерда беихтиёр сотувчи аёлнинг нонини олиб қўйиб, шоша-пиша ея бошлашган ҳолати ҳали-ҳануз кечагидек ёдимизда. Гарчанд режиссёр Шуҳрат Аббосов томонида суратга олинган “Тошкент – нон шаҳри” бадиий фильмини томоша қилганимизга ярим аср ўтган бўлсада, ундаги нон билан боғлиқ тасвирларни сира унутиб бўлмайди.

“Тошкент – нон шаҳри” фильми совет даври кино санъатида ижтимоий-фалсафий йўналишдаги муҳим асарлардан бири сифатида баҳоланади. Фильмнинг сценарий асоси Тошкент – нон шаҳри Александр Неверовнинг “қисса”си мотивларига таянади. Режиссёрлик талқини Шуҳрат Аббосов томонидан амалга оширилган бўлиб, асарнинг асосий ғояси 1920-йилларда Волгабўйида содир бўлган очарчилик фожиаларини тасвирлашга қаратилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фильмнинг марказий мавзуси – инсоннинг очарчилик шароитидаги яшаш учун кураши, ижтимоий адолатсизлик ва миграцион ҳаракатлардир. Асарда Волгабўйи, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудлари кесишмасидаги тарихий воқеликлар бадиий реконструкция орқали акс эттирилади. Муаллиф хотираларига кўра, ижодий гуруҳ Россиянинг Оренбург, Самара (аввалги Куйбишев), Нижний Новгород (Горький) ва Саратов ҳудудларида натура излаш ишларини олиб борган. Бу жараён фильмнинг ҳужжатли реализмга яқин услубда яратилишига сабаб бўлган.

Ижодий гуруҳнинг асосий вазифаларидан бири – тарихий муҳитни ишончли реконструкция қилиш учун мос табиий объектларни топиш бўлган. Оператор Хотам Файзиев ва рассом Э. Калонтаров иштирокидаги экспедициялар қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради: кенг географик қамров (Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон); оғир иқлим шароитлари (қишнинг қаттиқ совуқлари, қор бўронлари); темир йўл инфратузилмаси орқали ҳаракатланиш; маҳаллий аҳоли билан интервью ва хотираларни йиғиш.

Айниқса темир йўл саҳналарини суратга олиш жараёнида махсус рухсатномалар талаб этилиши, тепловоз кабинасида суратга олиш каби техник жиҳатлар фильмнинг реалистик эстетикасини кучайтирган. Фильмда рус ва ўзбек актёрларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Танлов жараёнида “Мосфильм” студияси актёрлари ҳам иштирок этган.Асосий болалар роллари – Миша Додонов ва Серёжа образлари – фильмнинг драматик марказини ташкил этган. Айниқса, болалар билан ишлаш жараёнида юзага келган мураккабликлар (психологик тайёргарлик, иқлим шароити, меҳнат шартномалари) ижодий жараённинг реал муаммоларини очиб беради.

Фильмда очарчилик мавзуси фақат тарихий воқелик эмас, балки инсон ва жамият муносабатларининг фалсафий талқини сифатида намоён бўлади. Тошкент шаҳри “нон

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳри” тимсолида инсонпарварлик, меҳмондўстлик ва ижтимоий қутқарув маркази сифатида тасвирланади. “Тошкент нон шаҳри” фильми нафақат бадиий асар, балки кино тарихидаги муҳим ҳужжатли манба сифатида ҳам қимматлидир. У орқали ХХ аср бошидаги ижтимоий фожиалар, инсон сабри ва ҳаёт учун кураш мавзулари чуқур бадиий ифода этилган.

Фильм ижодий жараёни эса совет даври кино санъатидаги экспедицион кино ишлаб чиқариш модели, коллектив ижод ва техник чекловлар билан боғлиқ мураккаб тизимни яққол кўрсатиб беради.

(Бу ҳақда Ҳотам Файзиевнинг мақоласи илова қилинади).

Физика математика фанлари доктори, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мансурхон Тоиров бу борада қуйидагиларни келтиради:

“Ушбу ҳикояни ёзишга жазм қилганим 50 йилда гўё ёвуз империя даврида тўкин сочинлик бўлганмишу халққа тортиладиган лагандаги ош устидаги гўшт салкам бир килоча келармиш. Ушбу сўзларини тасдиғига жаллод сталин давридаги реклама учун олинган бир суратни асос қилиб олибдиларда бетиним фейсбукда ғишинглаб жовраётирлар. Суратда лагандаги устидаги бир килоча гўштли ошни бир қиз қатор ўтирган дўппилик эркакларга тарқатаётир. Бу рекламага юртимиздаги ҳозирги даврдаги бир аравача лақмалар ишонганига хайрон қолдим. Эмишки у даврда тўкин сочинлик бўлганмишу, ҳозир юртимиз мустақиллиги йилларида одамлар ночор холдамиш. Советпараст, рублнинг қулларининг у суратни кўргач куни туғди дея беринг.

Мен туғилиб 4 ёшга етганимда олинган сурат бўлади у сурат. Бизнинг ҳовли ҳозир “Парвона” дея аталувчи маҳаллада бўлиб эшигимиз катта кўчага қараган эди. Сквердан Қўйлиққа олиб борувчи у катта кўча у даврларда Куйбишев шоссеси дея аталарди. У катта кўчага у даврларда машина арава юриши учун катта катта тошлардан бош оёқ терилгани

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун шосее дея аталганди ҳамда унга ўзбек халқининг жаллодларидан бири Куйбишев номи берилганди.

Ўша 50 йили бир куни соат 12 ларда чамаси катта кўчага чиқдимда ўйнаб юрган катта кичик болларга қўшилиб олдим. Қўйлиқ бозори бизнинг ҳовлимиздан тўрт бекат наридаги манзилда жойлашганди. Ўртоқларим билан ўйнаб юриб Қўйлиқ бозори томон юз метрча юриб боргандик пастқам бир ерда бир оила давра қилиб ўтирганини кўриб қолдик. Шунда ёши катта болалардан бири ўша одамлар давра қилиб ўтиришган ерда кеча бир эшак ўлиб ётганди, буни кўрилар у бечоралар ўша эшакни гўштини хомлигича еб ўтиришибди деди. Мана орадан 74 йил ўтган бўлсада, ўша манзара ҳамон кўз олдимдан кетмайди.

Уруш йиллари ҳамда 46, 47 чи йилларидаги очарчиликларда ўша Куйбишев шосесида очидан ўлиб ётган одамлар беҳисоб бўлганини онамлардан кўп бора эшитгандим. Қўйлиқ ёнидаги ҳовлига кўчиб борилгач, нон дўкони онамга топширилади. Кўп ўтмай уруш бошланиб, нондан азиз нарса бўлмай қолади. Ҳамма ерда очарчилик, қаҳатчилик. Онам ўша дўконда ишлаган кезлари ҳар куни бир аравакаш билан нон олиб келгани тегирмонга борар экан. Нега новвойхонага эмас, билмадим. Балки тарози тегирмонда бўлгандир. Онам нон олиб келгани кетаётганда, ҳар куни уни 50 — 60 самарский ўраб борар экан. (Самарскийлар — ҳарбий хизмат ёшига етмаган, кўпчилиги етим-есир ўспирин болалар). Тегирмонда нонни ўша болалар аравага ортишаркан. Сўнг яна аравани ўраб олиб, нон дўконигача кузатиб келаркан. Кейин яна қўлма-қўл қилиб нонни дўконга туширишар экан. Онам тегирмонга бориб, аравада нон келтириб юрган кезлари ғилдирагига тош кириб арава ағдарилиб кетади. Ўшанда ер билан битта бўлиб сочилиб ётган ноннинг барини болалар териб, аравага жойлайди. “Ўшанда биттаям нон йўқолмаган эди”, деб онам ўша болалардан миннатдор бўлиб эсларди. Нон олгани

www.ziyouz.com kutubxonasi

келган халойиқ дўкондан ўн метрча нарида, самарскийлардан ҳайиқиб, сабр қилиб тураркан. Онам дўконнинг дарчасини очгач, энг аввал ҳалиги самарскийлар навбати билан дарчага келар экан. Онам ҳар бири 6 кг чиқадиган икки-уч нонни бурдалаб, ўша болаларга берар экан... Сўнгра халойиқ навбати билан нон оларкан. Улардан сўнг 50—60 гадойлар навбати билан келаркан. Уларнинг қўлига бир бурда ноннинг устига тўкилган нон ушоқларидан бир ҳовуч солиб узатаркан...

Буни қарангки, шунча одамга нон тарқатгандан сўнг ҳам яна бир нечта нон дўконда қолар экан... Уларни ярим кечаси ҳовлимиздаги ўспиринлар уйимизга келтиришар экан. Ўша йиллари (ҳовлимизда эри урушга кетган кўпгина қариндошларимизнинг хотинлари, бола-чақаси яшаркан. Онамнинг "Бир ўрин солганда ўттиз жонга ўрин солардик, бир кир ювганимда ўн кирсовунда кир ювардим, у кирсовунлар сизлар ишлатадиган совундан ҳийла катта бўларди", дегани ҳамда қўллари билан ўша кирсовун ҳажмини кўрсатгани ёдимда...

Қўйлиқ ота қабри минорасининг чап томонида онамларнинг нон дўкони бўлган. Онамларнинг айтишларича Қўйлиқ ота қабри минораси атрофидаги каттагина майдон панжара билан ўралган. Ўша икки томондаги панжара ичини уруш йиллари экскаватор билан катта чуқур хандақ қилиб қазиб қўйганларда кўча-кўйда очликдан, совуқдан тиришиб ўлиб қолганларни жинси, миллати, ёши, динидан, ирқи, юртидан қатъий назар машиналарда, аравалларда судраб олиб бориб ўша хандаққа ташлашган, эртасига яна уларнинг устига қолган мурдаларни ташлай берганлар. Машинада судраб олиб боришга жазм қилишлик ҳайдовчининг бир ўзини ўликни кўтариб машина борти ичига жойлашга қуввати етмаганидан бўлган, чунки машина ҳайдовчисининг ўзиям оила аъзолариям оч бўлганда. У хандақлар минг минглаб очликдан ҳалок бўлган одамлар кўмилиб тўлгач сал

www.ziyouz.com kutubxonasi

наридан яна ўшандай катта хандақ қазиб ўша хандақка очликдан ўлганларни судраб олиб бориб ташлайберганлар. Ким ҳам у пайтларда рўйхат тузардию ҳисоб-китоб олиб борарди дейсиз.

Собиқ иттифоқдаги энг қаттиқ очарчиликлар:

1.Волга минтақасида очарчилик (1921-1922)

2.Собиқ иттифоқнинг барча ҳудудларидаги очарчилик (1932-1933)

3.Қозоғистондаги очарчилик (1919-1922)

4.Қозоғистонда очарчилик (1932-1933) Малый Октябр

4. Украинадаги очарчилик (1932-1933)

5. Украинадаги очарчилик (1946-1947)

6. Молдовада очарчилик (1946-1947)

“Кичик Октябр”— Қозоғистон ҳокимиятининг 1926-1927 йиллардаги маҳаллий миллий элиталарни бостириш ва республика ҳаётида маъмурий-иқтисодий назоратни кучайтиришга қаратилган сиёсий йўналишининг номи. Болшевиклар кўчманчи аҳоли устидан ҳеч қандай таъсир кучига эга эмас эдилар, бу эса мамлакатнинг марказий районларидаги ишчилардан фарқли ўлароқ, товарларни тақсимлашнинг марказлашган тизимига эга эмас эди. Болшевикларнинг вилоятдаги асосий таянчи озчилликни ташкил қилган қозоқ зиёлилари бўлган. Марказий ҳокимият Қозоғистонни потенциал вафодор бўлмаган ҳудуд, унинг раҳбарияти эса ишончсиз деб ҳисоблаган. Марказий ҳокимият қозоқ уруғлари қўлида бўлган чорва моллари бўйича ҳам маълум режалар тузган. Қозоқларнинг муҳим қисми кўчманчи турмуш тарзини олиб борган. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, овул хўжаликларининг атиги 23%игина турғун ҳаёт кечирган халос. "Простор" адабий журнали бош муҳаррири Валерий Федорович Михайлов:

...Яна бир нарса. Негадир даҳшатли очарчилик деганда дарҳол 30-йиллардаги очарчиликни назарда тутамиз. Аммо

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу Қозоғистондаги иккинчи очарчилик эди. Биринчиси 1919-1922 йилларда бўлган. Шунинг учун тадқиқотчилар ушбу муаммо билан шуғулланганда, уни биринчи ва иккинчи даврларга бўлишлари керак. Биринчи очарчилик ҳам даҳшатли эди. Бу жанубий минтақага кўпроқ таъсир қилди, гарчи Қозоғистоннинг барча аҳолисига у ёки бу даражада таъсир кўрсатди. Агар 30-йилларда, турли маълумотларга кўра, 1,5 миллиондан 2 миллионгача одам ўлган бўлса, биринчи очарчиликда - бир миллионга яқин одам ҳалок бўлган. Шундай қилиб, қозоқлар атиги 10-15 йил ичида ўз аҳолисининг ярмини йўқотдилар. Жаҳон тарихи бундай катталикдаги фожиани билмайди. Ва ҳар бир қозоқ бу фожиани билиши ва эслаши шарт.

1925 йил кузида Филипп Исаевич Голошчекин Қозоқ Автоном Совет Социалистик Республикаси Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби бўлди. Голошчекин 1925 йил декабр ойида Қизил-Ўрдага келганидан сўнг, Қизил-Ўрдадаги партия конференциясида нутқ сўзлаб, у келишидан олдин Қозоғистонда Совет ҳокимияти йўқлигини айтди. У ўз баёноти билан ўзидан олдингилар қилган ишларни бекор қилиб, нолдан бошлаш кераклигини таъкидлади. 1927 йилги Октябр инқилобининг 10 йиллигига Голошчекин иккита асар ёзди - "Қозоғистон Октябр шарҳида" ва "Совет ҳокимиятининг 10 йили" бу ерда фавқулодда вазиятни кучайтириш зарурлигини асослаб, том маънода уруш ғоясини, қишлоқда фуқаролар уруши бўлишига чақирди. Голошчекин Сталинга мактуб йўллаб, у ерда Қозоғистонда "Кичик Октябр инқилоби"ни ўтказиш зарурлигини асослаб берди ва бу воқеага рухсат беришни сўради. Кейинги қадам қозоқларнинг ўтроқ ҳаётга оммавий ўтказиш бўлди. Бу воқеалар маҳаллий коммунистларнинг норозилигига сабаб бўлишини яхши билган Голошчекин ўз фикрига қўшилмаган партия етакчилари билан кураш бошлади. 1926 йилдаёқ С. Садвакасов ва С. Хўжановлар “миллий оғиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликда” айбландилар. С. Сейфуллин, М. Мурзагалиев, Н. Нурмаков, С. Мендешев ва бошқалар қатағон қилинди. Уларнинг кўпчилиги республикадан чиқариб юборилди. Ж. Султонов, С. Садвақасов, Ж. Мйнбойев эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилди. 1928 йил охирида Голошчекиннинг сиёсий рақибларини, жумладан А.Байтурсинов, М.Дулатов, Ж.Аймауйтов, М.Жумабоевни ҳибсга олиш бошлади. Орадан икки йил ўтиб, М.Тинишпайев, Ж.Дўсмуҳамедов, Х.Дўсмуҳамедов ва бошқа кўплаб миллий зиёлилар вакиллари қамоққа олинди.

Голошчекин 1926-1927 йилларда ўзининг "Кичик Октябр" ғоясини амалга оширишни бошлади.

Казнархозучет раҳбари Мухтор Саматов ўз хабарида Қозоғистон аҳолиси 971 минг кишига қисқарганини маълум қилди. Маълум бўлишича, совет раҳбарлари очарчиликдан аҳоли йўқотишларини атайлаб кам баҳолаган. 1937 йилги аҳолини рўйхатга олиш охирида Сталин аҳоли сонининг ўсиши ўрнига аҳолининг қисқаришини аниқлади. Сталин аҳолини рўйхатга олиш натижаларига ғазаб ва ишончсизлик билдирди ва унда қатнашганларнинг барчасини "халқ душмани" деб эълон қилишни буюрди. Биринчи бўлиб қатл этилганлар орасида Мухтор Саматов ва унинг бевосита бошлиғи, Бутуниттифоқ хўжалик ҳисоби бошқармаси бошлиғи Иван Кравал ҳам бор эди. Бундан ташқари, Қозоғистонда истисносиз барча вилоят ва туман хўжалик ҳисоби бошлиқлари отиб ташланди - гўё улар атайлаб аҳолини камайтирдилар ва шу билан СССР душманлари қўлига ўйнадилар. Коллективлаштириш даврида чорвачилик катта зарар кўрди: 1928 йилдан 1932 йилгача қорамоллар сони 6 миллион 509 минг бошдан 965 минг бошга, қўйлар сони 18 миллион 566 минг бошдан 1 миллион 386 минг бошга, отлар 3 миллион 616 минг бошдан 416 минг бошгача камайди, туялар 1 миллион 42 минг бошдан 63 минг бошгача камайди. "Советларга қарши ташкилот аъзоси бўлган, Бутуниттифоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Коммунистик партияси (болшевиклар) Марказий Қўмитасига қарши курашган ва пиёдалик билан шуғулланган фош қилинди ..."

Собиқ иттифоқдаги очарчилик (1946-1947) йиллар мобайнида юз берган - уруши тугаши натижасида юзага келган Чор Россиясидаги очарчилик (1891-1892) билан солиштирганда Собиқ иттифоқ ҳукумати томонидан очарчиликнинг олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар самарасиз бўлган дея ҳозир қаралади. Очлик ва унга ҳамроҳ бўлган касалликлар натижасида, турли ҳисоб-китобларга кўра, 1,5 миллиондан кўпроқ (балки ўн баробардир, Сталиндан қўрқиб 1,5 миллион сони келтирилганини назардан қочирмаслик керак.) одам ҳалок бўлди. Уруш оқибатлари туфайли мамлакат қишлоқ хўжалигидаги инқирозга (ишчилар, техника ва отларнинг етишмаслиги, Украина ва Қора ер минтақасидаги кўплаб қишлоқларнинг вайрон бўлиши ва бошқалар) юз тутади. Урушдан кейин қишлоқ аҳолисининг меҳнатга лаёқатли эркаклар сони 1931 йил даражасида бўлиб қолди, уруш йилларида қишлоқ хўжалигига техника деярли етказиб берилмаган, отлар сони урушгача бўлган даражанинг 45% ни ташкил этган. Уруш йилларида маҳсулот ишлаб чиқариш 40% га камайди, чорва моллари сони 30-йилларнинг охирига нисбатан кескин камайган; 1946 йилдаги ноқулай об-ҳаво шароити (Собиқ Иттифоқнинг Европа қисмининг бир қатор минтақаларида даҳшатли қурғоқчилик, шарқда эса узоқ муддатли ёғингарчилик ўша йил ҳосилининг ҳалокатли камайишига олиб келди. Жаллод Сталин 1947 йилда АҚШ томонидан Маршал режаси доирасида Иккинчи жаҳон урушидан жабрланган Европа давлатларига таклиф қилинган иқтисодий ёрдамдан аблаҳларча воз кечди;

Собиқ иттифоқ халқи очликдан қирилаётган бир пайтда ғаллани чет элга экспорт қилиш, шу орқали сиёсий мақсадларга эришиш йўлини тутди; фуқароларини озиқ-овқат

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан таъминлаш жуда қониқарсиз бўлишига қарамай, янги уруш бошланиши ваҳимаси билан шошилинч стратегик дон захирасини яратила бошланди; иш ҳақини пасайтирилди ва нархлардар кескин ортди шу билан бир вақтда аҳолига солиқ юкиям оширилди.

Собиқ иттифоқдан 1946-48 йилларда озиқ- овқат экспорти: дон 1, 7 миллион тона бўлган, халқ эса очликдан қирила берган.

1946-1947 йиллардаги очарчилик ҳақидаги маълумотлар биринчи марта Собиқ иттифоқда 1988 йилда "Деҳқонлар тарихи" китобида нашр этилган ҳамда гўё фақат ҳалокатли қурғоқчилик ва уруш оқибатлари унинг сабаблари сифатида кўрсатилган. В.Ф.Зима эса ўз монографиясида очарчиликнинг асосий сабаблари совет ҳокимиятининг сиёсати бўлганига қатор далиллар келтирилган. Захиралардаги донлар ҳеч қандай тарзда ишлатилмаган натижада дон сақлаш учун яроқсиз бўлган омборларда дон шу қадар ёмонлашдики, уни қайта ишлашга яроқсиз бўлган. Умуман олганда Собиқ иттифоқ бўйлаб миллионлаб тонна ғалла бутунлай хароб холга келган, миллионлаб одамлар эса оч эди.

Совет иқтисодиётининг урушдан кейинги инқирози (саноатнинг конвертация қилиниши ва Совуқ урушнинг бошланиши билан боғлиқ) одамларнинг турмуш даражаси паст бўлишига олиб келди ва уларни очлик ёқасига олиб келди. Ишчиларнинг иш ҳақи деярли икки баробарга камайди. 1946 йилдаги озиқ-овқат тақчиллиги давлатнинг деярли бутун қишлоқ аҳолисини (100 миллион киши) озиқ-овқат рационидан чиқариб ташлашига олиб келди, улардан фақат ўзларининг ёрдамчи хўжаликлари ҳисобига яшашлари талаб қилинди. Колхозларда ғалла харидларини максимал даражада ошириш тўғрисидаги кўрсатмалар туфайли ғаллада иш кунлари учун тўлов тўхтатилди (Қора ер минтақасидаги колхозларнинг ярмидан кўпи одамларига дон

www.ziyouz.com kutubxonasi

бермади), берганлариям жа кўп бўлса кунига 1 кг. дан ортиқ дон берди холос. Фермер хўжаликларининг 30 фоизида меҳнат учун нақд пул тўлови йўқ эди, шунинг учун у ердаги одамлар ҳам пулга озиқ-овқат сотиб ололмадилар. Шу билан бирга, 1946 йил сентябр ойида давлат дўконларида нон нархи (рацион карталарида чиқарилган маҳсулотлар учун рацион нархлари) икки баравар оширилди. Шу билан бирга, 1945 йилнинг кузида фронтда ҳалок бўлганлар ва жангларда ногирон бўлиб қолганларнинг оилаларига қишлоқ хўжалиги солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинди ва солиқни ўз вақтида тўлаш катта миқдорда жарима ёки чорва молларини мусодара қилиш билан таҳдид қилинди. Бошқа нарсалар қаторида, 1947 йил феврал-май ойларида очарчиликнинг энг юқори чўққисида, аҳоли ўртасида навбатдаги давлат заёмларини мажбурий жойлаштириш содир бўлди. Одамларнинг давлат органларига оилаларини очликдан қутқарадиган пулларни қайтаришни сўраб бўлган мурожаатлари деярли ҳар доим жавобсиз қолган. Ўша йиллардаги нисбатан яхши ҳолат мудофаа корхоналари ишчилари, полиция ходимлари, саноат ва ҳукумат раҳбарлари учун озиқ-овқат таъминотида бўлди. Шаҳарларни таъминлаш учун мўлжалланган дон захиралари 1946 йил баҳорида тугади. Очлик авж олганлиги муносабати билан алоҳида вилоятлар раҳбарияти давлат захираларидан ғалла чиқаришни сўради, аммо илтижо рад этилди, у заҳираларидаги донларнинг аксарият қисми эса чириб кетди.

1947 йилнинг баҳорига келиб Собиқ иттифоқда дистрофия ташхиси қўйилган беморлар сони бир неча миллионлаб бўлди. “Септик тонзиллит” (қор остида қолган йиғилмаган донни истеъмол қилиш натижасида юзага келадиган камқонлик) ва очлик, суррогатлар истеъмол қилиш (нон таркибидаги аралашмалар миқдори 40% га етди) ва ҳоказолар билан боғлиқ бошқа касалликлар билан касалланиш ҳам кўпайди. Болалар ўлим ўта юқори даражага

www.ziyouz.com kutubxonasi

етди. Собиқ иттифоқда 46, 47 йиллардаги даҳшатли очарчилик туфайли каннибализм ҳолатлари рўй бера бошлади, айтайлик Украина ССР ҳудудида 1947 йил январдан июнгача 130 та одамхўрлик ва 189 та ўлик ейиш ҳолатлари қайд этилган расман рўйхатга олинган, аслида эса юз, минг баробар кўп бўлган бўлиши эҳтимоли катта бўлган.

Очарчиликдан, асосан, қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимояланган қатламлари (кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, қариялар) даҳшатли даражадаги зарарлар кўрдилар. Шу билан бирга, 1946-1947 йилларда ошқозон-ичак тракти юқумли касалликларининг портловчи ўсиши (дизентериядан ўлим 1945 йилга нисбатан 1946 йилда 2,5 бараварга, 1947 йилда еса 6,9 бараварга, септик тонзиллит мос равишда 2,4 ва 4,8 мартага кўпайган). - мос равишда 1,8 ва 3,4 баравар, тиф ва сил касалликлари тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги, ўсимлик манбалари ўрнини босувчи маҳсулотларни истеъмол қилиш билан бевосита боғлиқ. Ошқозон-ичак касалликлари биринчи навбатда болаларга таъсир кўрсатди, улар учун улар енг катта хавф туғдирди. Бу касаллликлар 1947 йилда энг кенг тарқалган касалликлар бўлиб, шифохоналарда вафот етган болаларнинг кўпчилигининг ўлимига сабаб бўлган. Сталинград шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳужжатлари шуни кўрсатадики, 1947 йилда ўлганлар орасида болалар улуши 41% га етган. 1947 йилда Қуйи Волга бўйида чақалоқлар орасида чақалоқлар ўлими 1946 йилга нисбатан 1,8 баравар юқори бўлган. Умуман олганда, Собиқ иттифоқда 1947 йилда ўлганлар сонининг ўсиши 1946 йилга нисбатан 44,8% кўп бўлган.

Маҳаллий партия ва совет ишчилари, колхоз раисларининг ғалланинг бир қисмини колхоз эҳтиёжлари учун қолдиришга ва режа бажарилгунга қадар колхозчиларга иш кунларига беришга уринишлари кўпинча “давлатга қарши фаолият” сифатида баҳоланган. 10 мингдан ортиқ колхоз

www.ziyouz.com kutubxonasi

раҳбарлари дон сотиб олиш режасини етарли даражада қатъийлик билан бажармаганликда ёки уни яширганликда айбланиб, қамоққа ҳукм қилиндилар. "Дон қароқчилари" ҳам қатағонга учраган (қаранг: "Учта бошоқ тўғрисида" ги қонун). Очлик қўрқуви жиноятчиликнинг мисли кўрилмаган ўсишига олиб келди (1946-47 йилларда 400 мингга яқин киши нон ўғирлагани учун судланган) ва натижада ГУЛАГларда меҳнатидан текинга фойдаланувчилар сони кескин кўпайишига олиб келди. Бир қатор ҳудудларда давлат дон харидлари қуролли қаршиликка учради, йирик шаҳарларда фуқаролик итоатсизлигига чақирувчи варақалар тарқатила бошланди. Қоидабузарликлар сони сезиларли даражада ошди ва махсус дистрибюторлардан олинган ёки ўғирланган маҳсулотлар қайта сотиладиган озиқ-овқат қора бозори ривожланди. Аҳолининг рўйхатга олиниши ва миграцияси устидан назоратнинг заифлашишди. Собиқ иттифоқ шаҳарларида тиланчилик фақат 1950-йилларнинг ўрталарида бошланган. Урушдан кейинги вайронагарчилик билан бир қаторда, аҳолининг қишлоқлардан чиқиб кетиши Собиқ иттифоқида қишлоқ хўжалигининг узоқ муддатли пасайишига олиб келган омиллардан бири бўлди. Қишлоқ хўжалигининг урушдан олдинги ишлаб чиқариш даражаси фақат 1950-йилларнинг ўрталарида тикланди, яъни бизнинг ушбу мақоладаги суратдаги қизимиз лагандаги ош устига икки муштдек келадиган гўштни қўйиб тарқатиши мутлақо ҳақиқатдан узоқ эди. Ушбу сурат ўн миллионлаб бегуноҳ одамларнинг жаллоди грузин Сталинни буюк доҳий, халқлар отаси дея кўкларга кўтариш режасини амалга ошириш йўлидаги большевиклар тўқиган миллионлаб найранглардан бири эди дея баралла айта оламиз".[52]

[52]https://www.facebook.com/groups/246149995752425/user/100000901102963/?__cft__[0]=AZX210ZqHWJXiTBWN4CYgAm4XYD8-EuUhYkNc6vOL5q9bs2iVWK8rhLV2XqTyRDWYyhqZZFQS4iAM9MNVAVraY3RgwmyzHQcxZXHG1_8Ka4VR19uCwb2-l-XXVYOHJtgWOkQYy2zcl1bvwB0sjyvB4m-&__tn__=%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

XX асрда Совет Иттифоқи ҳудудида юз берган очарчиликлар инсоният тарихидаги энг даҳшатли гуманитар фожиалардан бири ҳисобланади. Бу фожиаларнинг асосий сабаблари табиий офатлардан кўра кўпроқ сиёсий қарорлар, зўравон иқтисодий сиёсат ва марказлашган бошқарув тизими билан боғлиқ эди.

Очарчилик миллионлаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлди, халқларнинг демографик ва маънавий ривожига улкан зарар етказди. Шу билан бирга, бу фожиалар инсонларни ноннинг ҳақиқий қадрини англашга мажбур қилди. Нон халқ хотирасида нафақат озуқа, балки меҳнат, виждон, сабр ва ҳаёт рамзи сифатида сақланиб қолди.

Бугунги кунда ушбу тарихий воқеаларни холис ўрганиш, қурбонлар хотирасини ёд этиш ва келажак авлодга тарих сабоқларини етказиш муҳим аҳамият касб этади.

Нон ва СССР: танқислик, мафкура ва очарчилик йиллари

Инсоният тарихида нон нафақат озиқ-овқат маҳсулоти, балки ижтимоий барқарорлик, иқтисодий сиёсат ва сиёсий мафкуранинг муҳим унсури сифатида намоён бўлган. Айниқса, совет даврида нон давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, аҳолини бошқариш ва оммавий истеъмол маданиятини шакллантиришнинг асосий воситаларидан бирига айланган.

СССРда “нон муқаддас” деган шиор кенг тарғиб қилинган бўлса-да, унинг ортида чуқур иқтисодий инқироз, доимий танқислик ва режали иқтисодиётнинг тизимли муаммолари яширин эди. Давлат аҳолини сифатли ва хилма-хил маҳсулотлар билан таъминлай олмаган шароитда нон энг арзон ва оммавий озиқ-овқат сифатида асосий ўринни эгаллади. Совет иқтисодий моделида асосий мақсад аҳолини минимал калория билан таъминлаш эди. Бу вазифани бажариш учун энг қулай маҳсулот нон ҳисобланган. Давлат томонидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

буғдой ва ун маҳсулотлари қаттиқ субсидия қилингани сабабли нон деярли арзон нархда сотиларди.

Режали иқтисодиёт шароитида гўшт, сут маҳсулотлари, пишлоқ, балиқ ва ширинликлар каби маҳсулотлар доимий танқис бўлган. Ана шу ҳолатда нон аҳолининг кундалик рациондаги асосий озиқ манбаига айланди. Шу боис совет тарғиботи нонни “ҳаёт манбаи”, “меҳнат рамзи” ва “барака тимсоли” сифатида идеаллаштирди.

Аслида эса, бу ҳолат иқтисодий етишмовчиликни яшириш усули эди. Чунки давлат аҳолини сифатли ассортимент билан таъминлай олмасди. СССРда озиқ-овқат маҳсулотларининг аксар қисми тақчил эди. Колбаса, гўшт, консерва, импорт маҳсулотлари ёки ширинликлар кўп ҳолларда талон тизими орқали ёки махсус дўконларда тарқатиларди.

Шу сабабли кундалик турмушда “нон билан ейиш” маданияти шаклланди. Масалан:

- гўшт кам бўлса — нон кўпроқ қўшиларди;
- колбаса юпқа кесилиб, нон қалин қилинарди;
- шўрва ва таомлар нон билан “тўлдириларди”.

Бу ҳолат “соғлом овқатланиш” эмас, балки танқисликка мослашиш шакли эди. Нон аҳолининг оч қолмаслигини таъминловчи энг муҳим маҳсулот бўлиб қолди.

Совет режали иқтисодиётида асосий кўрсаткич маҳсулот ҳажми эди. Нон эса ҳисобот учун энг қулай маҳсулот саналган:

- оғирлиги катта;
- ташиш осон;
- калорияси юқори;
- оммавий ишлаб чиқариш мумкин.

Шунинг учун давлат миллионлаб тонна нон ишлаб чиқариш орқали аҳолини маҳсулот билан таъминлаш режаларини формал бажариб келган. Аммо бу рақамлар аҳолининг ҳақиқий турмуш даражасини акс эттирмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Совет пропагандаси “ҳамма тенг яшаган” деган ғояни илгари сурган бўлса-да, амалда жамиятда катта тафовут мавжуд эди. Қуйидаги маҳсулотлар оддий аҳоли учун деярли етиб бўлмас даражада бўлган:

- сервелат ва қиммат колбасалар;
- увилдириқ;
- импорт пишлоқлари;
- денгиз маҳсулотлари;
- коньяк ва чет эл маҳсулотлари.

Бу маҳсулотлар асосан:

- “Берёзка” дўконлари,
- махсус пайоклар,
- партия элитаси,
- “блат” (таниш-билиш)

орқали тарқатиларди.

Оддий халқ эса навбатларда соатлаб туриб, асосан нон ва картошка билан чекланарди.

XX асрнинг 20-йилларида Туркистон ўлкаси, айниқса Фарғона водийсида юз берган очарчилик халқ бошига улкан мусибат олиб келди. Миллий озодлик ҳаракати ва сиёсий беқарорлик, урушлар, иқтисодий инқироз ҳамда озиқ-овқат сиёсати аҳволни янада оғирлаштирди.

Собиқ СССРда нон оддий озиқ-овқат маҳсулотидан кўра кенгроқ маъно касб этган. У иқтисодий танқисликни яшириш, аҳолини минимал даражада таъминлаш ва ижтимоий барқарорликни сақлаш воситаси бўлиб хизмат қилган.Совет мафкураси нонни муқаддаслаштирган бўлса-да, амалда у иқтисодий ночорлик, маҳсулот танқислиги, режали иқтисодиёт самарасизлиги рамзига айланди.

Фарғона водийсидаги очарчилик воқеалари эса совет иқтисодий сиёсатининг инсон ҳаёти учун қанчалик оғир оқибатларга олиб келганини кўрсатади. Шу билан бирга, халқнинг ўзаро ёрдам, саховат ва хайрия анъаналари жа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

миятнинг маънавий таянчи бўлиб қолганини ҳам намоён этади.

ХХ асрнинг биринчи чорагида миллий озодлик, миллий истиқлол учун курашган сиймолардан бири Заҳириддин аълам Қосимов ўша очарчилик йилларини “Тарихда қора саҳифа" деб атаган ва очарчиликнинг қўрқунчли манзарасини тасвирлаб шундай ёзган эди: “Сўнг чоқларда Фарғонадаги очлик тўғрисида унча-мунча ёзилмоққа бошласа-да, лекин очликнинг даҳшати ва аҳволнинг оғирлиғи олдида ул ёзилғонлар ҳеч каби кўрунодир... Кўчкунчиларнинг кўпи Андижон орқали ўтганларидан Андижон шаҳри ва айниқса, қочоқларнинг манзиллари бўлғон “Муҳаммадия” жомеъи бир қиёмат ҳолиға айланар экан. Қочоқлар жомеъдан кўчиб кетар экан, ёш болаларига нон бериб, алдаб, ўзлари чиқиб кетаётқонда эслик болалари эргашиб йиғлар ва мунда жуда қизғонч бир кўриниш ҳосил бўлур экан. 25 июлда Андижон истансасида бир оқсоқол чол йиғлаб нон сўраб юрган. Юриб-юриб тополмоғоч, осмонға қараб: "Эй Худо мундан ҳам ортиқ қийнамоқдан нима қасдинг бор?" деган ҳолда йиқилиб, жон берган. Бу воқеани кўрган менинг дўстимдир”[53].

Бу ҳақда тарихчи олимлар Абдулла Расулов ва Нурилло Режаббоев қуйидаги маълумотларни келтирадилар:

“Фарғона водийси уездларидаги аҳвол жуда оғир эди. Хусусан, Андижонда 1917 йилнинг кузига келиб аҳоли учун ун ва нон маҳсулотлари қолмаганлигидан фақир фуқаролар кўчалар-да ҳар куни нон кутганлар. Андижон шаҳрининг катта бозори Шуша йўли бўйида 700 нафардан зиёд болалар, қариялар ва мусофирлар нон сўраб тиланганлар. Шаҳарлик Азимҳожи исмли бир саховатли киши оч аҳолига такса[54] баҳосида нон бериб турганлиги келтирилади[55]. 1917 йилнинг

[53] Сирожиддин Аҳмад. Икки империя асоратида. II жилд. - Т.: Info Capital Group, 2018. –Б. 79-80.

[54] Такса-бу қатъий баҳо, нарх белгилаш Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учиннчи жилд. – Тошкент.: Ўз МЭ, 2007. – Б. 646.

[55] Туркистонда очарчилик, қаҳатчилик, ют: тарихий публицистик нашр / Нашрга тайёрловчи: Х.Қодирий. –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2021.- Б. 37-38.

www.ziyouz.com kutubxonasi

декабрь ойида Андижон шаҳрида савдогар бойлар тарафидан мискинларга ёрдам бериш учун "Жамият манфаат алмуслимин дорул ожизин" махсус миллий ташкилот тузилиб, қисқа муддатда 60 минг сўм маблағ йиғилган. Жамият вакиллари ҳар куни бева-бечоралар учун имкон даражасида таомлар тайёрлаб беришни йўлга қўйган[56].

Озиқ-овқат танқисли сабабли, жойлардан қайғули хабарлар ҳам келиб турган. Масалан, 1918 йилнинг бошларида Наманган уездига яқин Тўрақўрғонда Орзиқул исмли одам хотини ва тўрт нафар боласи билан очликдан шишиб вафот этганлиги ва бундай ҳолатларни кўчаларда ҳам кўплаб учратиш мумкинлиги келтирилади. Шунингдек, 1918 йилнинг баҳорида Марғилон уездида ҳар куни юздан ортиқ ёш болалар вафот этганлиги таъкидланади. Шаҳарда бундай ҳолатларга маҳаллий бойлар ва уламоларни ёрдам қилмаганликлари, шаҳар думаси аъзоларининг аксарияти бойлардан эканлиги, бу хусусда дума керакли чора кўрмаганлиги ҳамда шаҳар Озиқ-овқат қўмитасида 2000 пуд ғалла бўла туриб, очларга ёрдам берилмаганлигини келтирилади. Дард устига чипқон каби, худди шу вақтда Наманганда вабо тарқалиб, ҳар куни ушбу касалликдан 100 - 120 нафардан одамлар вафот этганлар. Шаҳарнинг бой табақаси бу борада арзигулик ишларни амалга оширмаганлар. Аммо шаҳар бойларининг бири (бой табақанинг энг маблағи камроғи) Мулла Муҳаммад Дилибоев ҳар бир кишига 3 сўмдан 5 сўмгача закот ҳисобидан пул тарқатган[57].

Очарчилик йилларида жойлардан турли хил хабарлар келиб турарди. Айрим ҳолларда зиддиятли маълумотлар ҳам учраб турган. Масалан, Чустда очларга ёрдам берилмаганлиги тўғрисида ёлғон хабар тарқалган. Аслида, Чустдаги бир гуруҳ ёш кўнгиллилар очарчиликка қарши

[56] Абдуллаев Д. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи (XIX аср иккинчи ярми -XXI аср бошлари). -Тошкент.: "INNOVATSIYA-ZIYO", 2019.-Б.79.

[57] Туркистонда очарчилик, қаҳатчилик, ют: тарихий публицистик нашр / Нашрга тайёрловчи: Х.Қодирий. –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2021.- Б. 67,84-85,87,89.

www.ziyouz.com kutubxonasi

курашиш учун 1918 йилнинг 15 мартида, “Очларга ёрдам қўмита”сини ташкил қилдилар. Улар маҳаллий бойлардан хайрия қилинган 90020 сўмни савдога киритиб, тушган фойдадан 5 мингдан ортиқ камбағаллар таъминотини уюштирганлар.

Худди шундай саъй-ҳаракатлар Андижон уездида ҳам амалга оширилган. Шаҳар уламолари етакчилари жоме масжидида бой ва ўзига тўқ шаҳар вакилларини тўплаб, очарчилик сабабли берадиган закотларини бева-бечораларга ёрдам учун сарф этиш ва буни шариатга мувофиқ эканлиги хусусида фатво берадилар. Хайрия сифатида йиғилган маблағни қишлоқлардан келтириладиган ғаллани қатъий нархда сотиб олишга ҳам сарфлаш масаласи кўрилган. Жойларда очларни овқатлантириш йўлида ташкил этилаётган турли хил жамиятлар фаолиятига, совет ҳокимияти томонидан уларнинг мустақил иш юритишига тўсқинлик қилганлар. Масалан, 1918 йилнинг ёз ойларида Марғилонда очарчиликнинг кучаюви натижасида бир гуруҳ ёш савдогарлар бозор майдонида “Жамияти хайрия”ни ташкил этиб, шаҳарнинг тўрт даҳасига қозон осиб, очларни овқат билан таъминланган. Оч ва қаровсиз ёш болаларга мактаблар ҳам ташкил этилган. Ушбу жамиятнинг фаолиятини шаҳар думасидан уч нафар вакил орқали текширув ишларини олиб борилган. Аммо мазкур текширув туфайли жамият тезда, номаълум сабабларга кўра, тарқалиб кетади. Шундан кейин, очликдан ўлганлар сонинг кўпайиши натижасида жамият аъзолари яна янгидан уюшиб, ёрдам беришни давом эттирган[58].

Озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислиги сабаб, оч аҳоли томонидан новвойхона ва ошхоналарни талаганликлари туфайли, мавжуд аҳволнинг оғирлашиб бориши жойларда турли жамиятлар очиб, муаммони камайтиришга ҳаракат

[58] Туркистонда очарчилик, қаҳатчилик, ют: тарихий публицистик нашр / Нашрга тайёрловчи: Х.Қодирий. –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2021.- Б. 42, 102, 110.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилганлар. Масалан, Қўқон шаҳрида 1918 йил ёз фаслида очарчилик сабаб аҳолининг ўзига тўқ қатлами “Закот ва хайриёт” номидаги жамият очдилар ва шаҳарнинг 16 жойида қозон осиб, ҳафтада бир маротаба “палов” ва қолган кунлари гўшт, ёғ ва мошдан таом тайёрлаб, эҳсон қилганлар. Бундай саъй-ҳаракатлар Тошкент ва ўлканинг турли шаҳарларида ҳам ташкил этилиб, муҳтож ва бева-бечораларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва таом билан таъминлаб турилган[59]...

Фарғонадаги очарчилик даҳшати кундан-кунга ортиб борди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, Фарғона вилоятидаги соғлиқни сақлаш муассасаларидан 75 фоизини бекитиш ҳолатига келиб қолди. 1922 йил 21 июндаги маълумотларга қараганда, Фарғона вилоятидаги касалхоналарда беморларга озиқ-овқат бериш имконияти қолмади. Шунингдек, касалхонани иситиш, ёритиш учун ўтин, керосинлар бериш мутлақо тўхтатилган ва ўз навбатида бу касалларни қабул қила олмаслик ҳолатига олиб келган. Айни пайтда, медицина ёрдамини олишдан вилоятга келтирилган ва шу ерда яшаётган, очарчиликка мубтало бўлганлар маҳрум бўлганлар...

Туркистон МИҚ ҳузуридаги очарчилик оқибатларини тугатиш Марказий қўмитаси раиси ўринбосари Мессер 1923 йил июнида БМИҚ ҳузуридаги очарчилик оқибатларини тугатиш Марказий қўмитасига ҳамда Туркистон МИҚ раиси И.Хидирлиевга юборган ҳисоботида, расмий статистик маълумотларга кўра, 1923 йил 1 июнида Фарғона вилоятида очлар сони 387018 нафарни ташкил қилганлигини билдирган. Ушбу ҳисоботда қайд этилишича, “...очлар миқдорини аниқ ҳисоблашни, қуролли қаршилик ҳаракати сабабли, келтиришнинг имконияти йўқ... Амалда Фарғонадаги очлар сони анчагина кўп ва бу 500000 минг нафарга етиб боради. Фарғона вилоятидаги очарчилик кундан-кунга кўплаб болалар,

[59] Туркистонда очарчилик, қаҳатчилик, ют: тарихий публицистик нашр / Нашрга тайёрловчи: Х.Қодирий. –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2021.- Б. 39

www.ziyouz.com kutubxonasi

аёллар, кексаларни ўз қамровига тортиб, қур-бонлар сонини кўпайтириб юборди". 1923 йил 10 июлида Фарғона вилоятида очарчилик оқибатларини тугатиш қўмитасидан Туркистон МИҚ раҳбариятига юборилган телеграммада, очлар аҳволи жуда аянчли эканлигини таъкидлаш билан бирга, "1 июнга қадар ҳамма озиқ–овқат маҳсулотлари тугатиб бўлинган. Болаларга иссиқ овқат беришни 10 кун аввал тўхтатилган ...қуруқ озиқ-овқат маҳсулотлари ...икки кунга етади, буни ҳам тарқатиш 13 июндан тўхтатилади, чунки [озиқ-овқат йўқ]" – дейилган. Фарғонадаги очарчиликни барҳам топтиришда Марказ жуда сусткашлик билан фаолият юритган. Чунки Марказда ҳамон Фарғонадаги очарчилик ўз кўламига кўра, Волгабўйидаги очарчилик даражасида эмас, деган фикрда эдилар. Шунинг учун бўлса керак, 1923 йил 31 июлидаги Т.Рисқуловнинг маълумотига кўра, Москвадан ажратилган 100 минг пуд қора буғдой ҳам ўз вақтида Фарғонага етказилмаган. Оқибатда, очлар ўлими яна кўпайиб кетган.[60]

Бундай ҳолатларга гувоҳ бўлганлардан яна бири Абдулҳамид Кўчар ўз хотираларидан шундай ёзган эди "Колхоз ва совхоз мутасаддилари халқни "ўлмас овқат" учун ишлатар эди. Уйда оч-наҳор кутиб ўтирган болаларига бир парча нон олиб бориш умидида қон йиғлаган инсонларнинг қор-ёмғирли совуқ ҳаволарда "2 кг. кепакли қора ун" олиш учун кунлаб узун навбатда турганини кўрардим. Озиқ-овқат тарқатишга масъул бўлган коммунистларнинг, агар ҳушлари келмаса, "эртага кел!" деб озор беришлари, дабдурустдан озиқ-овқат тарқатишни тўхтатишларига нисбатан ҳеч нарса деёлмасдан, бўм-бўш қўллари билан уйларига қайтаётган чорасиз одамларни кўрган сайин ақлдан озмаслик мумкин эмасди"[61].

[60] Расулов А.. Режаббоев Н. Туркистонда очарчиликка қарши кураш (1917-1924). – Т.: "Javohir-ilm-nashr", 2025. 105-108, 122.

[61] Абдулҳамид Кўчар. Қуллиқдан ҳурликка.- Т.: Muharrir, 2019. –Б.11.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаётий шарт-шароитлар ва муҳит айрим ҳолларда инсонни шафқатсизлик кўчасига бошлаб киради дейдилар. Дарҳақиқат, иккинчи жаҳон уруши йилларида очарчилик, сўнгра қимматчилик, вайронагарчилик, шаҳарларда, қишлоқларда бузғунчиликлар, ўғирликлар, одам ўлдиришлар, чайқовчиликлар авж олиши табиий ҳолдир. Уруш вақтларида мамлакат ичкарисида юқорида айтилган қимматчилик, очарчилик, ўлимлар, вайронагарчиликлар, оталар болалардан, болалар эса ота-оналаридан, қариндош-уруғлардан кечиб кетишлар бўлган. Одамлар урушдан аввал ғамлаб қўйган ом-борларидаги ғаллаларинию озиқ-овқатларини, мол-қўйларини гоҳ солиққа тортиш, гоҳ мажбурий равишда тортиб олишлар, фронтга жўнатишлар оқибатида ҳамма тенг бўлиб қолган эди.[62]

Уруш аҳолининг одатий турмуш тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Дастлабки кунларданоқ Ўзбекистонда ҳам, бошқа республикаларда ҳам халққа сотишга мўлжалланган озиқ-овқат ва саноат моллари фонди қисқартирилди, коммунал хизмат ёмонлаша бошлади. Республикага эвакуация қилинган аҳолининг етиб келиши муносабати билан уй-жой муаммоси кескин бўлиб қолди. Электр энергияси, ёнилғи таъминотидаги узилишлар транспорт ва коммунал хўжалик ишига салбий таъсир кўрсата бошлади.

Уруш ҳар бир уйга, ҳар бир оилага кириб бориб, одамларни оғир синовларга, йўқчилик ва азоб-уқубатларга маҳкум этди. Жуда катта ҳудудлар душман томонидан босиб олиниб, экин майдонлари, чорва моллари бош сони кескин камайиб кетиши, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг умумий аҳволи ниҳоятда ёмонлашуви озиқ-овқат таъминоти масаласида мисли кўрилмаган қийинчиликлар келтириб чиқарди.[63]

---

[62] Шамсутдинов Р. Ўзбекистон халқининг буюк ғалабага қўшган ҳиссасига доир (1941 - 1945 йиллар). - Тошкент: Akademnashr, 2020. -Б.408.

[63] Хотира китоби. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1995.- Б.39-40.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон, хусусан, Фарғона водийси аҳолиси ҳаётида чуқур иқтисодий ва ижтимоий инқироз даври сифатида намоён бўлди. Уруш нафақат фронт ҳудудларида, балки мамлакат ичкарисида ҳам оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Очарчилик, қашшоқлик, меҳнат ресурсларининг танқислиги, солиқ сиёсати ва мажбурий давлат топшириқлари аҳоли турмуш тарзини тубдан ўзгартирди. Бу жараёнлар инсонларнинг маънавий-руҳий ҳолатига, оилавий муносабатларга ва анъанавий ҳаёт тарзига ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

АҚШлик тадқиқотчи олима Марианна Кампга кўра иккинчи жаҳон уруш йилларидаги очарчилик аввалги очарчилик йилларидан узоқ вақт давом этгани билан ҳам фарқланган: “Респондентлар маҳсулотларнинг аксарият қисми фронтга жўнатилганини ай-тишади. Шаҳарларда озиқ-овқат тақчил бўлган. Боз устига, шаҳарларда Совет Иттифоқининг бошқа ҳудудларидан эвакуация қилинганлар сони ҳам кўп бўлган. Колхоз ва совхозларда эркак ишчи кучи, трактор, ёқилғи кабилар етишмас эди ва бу ҳолат узоқ йиллар давом этган. Бироқ, ўша даврда қурғоқчилик бўлмаган. Шунинг учун ўз томорқасига эга бўлган қишлоқ аҳолиси шаҳарликларга нисбатан тўқроқ бўлган, деган мантиқий хулоса қилиш мумкин. Бизнинг респондентлар асосан қишлоқларда истиқомат қилишган. Мазкур даврда ўзбекистонликлар ўзларига ёт бўлган янги маҳсулотлар, яъни буханка нон, маккажўхорининг Кавказдан эвакуация қилинган аҳоли келтирган янги навидан тайёрланган нон еб кун ўтказишган”.[64]

Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат ва саноат моллари камайиб кетди. Аҳолининг аҳволи кескин ёмонлашди. Шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш “чипталар” бўйича амалга оширила бошланди. Ишчилар ва

[64] https://www.uzanalytics.com/tarix/7277/

www.ziyouz.com kutubxonasi

хизматчилар кунига фақат 400-500 гр. паст навли нон оларди, қарамоғдагилар эса, юқоридаги миқдордан 1,5 баробар камроқ олишарди. Аҳолига гўшт, балиқ, ёғ, ёрма, макарон сотишда ҳам меъёрланган тақсимот жорий қилинди. Меъёрланган тақсимот қишлоқ аҳолисига умуман тадбиқ этилмаган. қишлоқ меҳнаткашлари меҳнат кунларига оладиган натура (маҳсулот билан) тўлови ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобига озиқ-овқат билан таъминланишлари лозим эди. Лекин бу маҳсулотлар жуда чекланган миқдорда эди. 4 йил уруш мобайнида колхозлар деҳқонларга амалда пул тўламаганлар ва меҳнат кунларига ниҳоятда кам миқдорда маҳсулот берганлар. Уруш туфайли қийин ва оғир шароитда қолганига қарамасдан кўчириб келтирилганларга, ярадор ва ногиронларга, фронтга кетганларнинг хотинлари ва болаларига кўрсатган ғамхўрлиги ўзбек халқининг бирлик ва қардошларча дўстликка инсонпарварлик билан интилишининг ёрқин тимсоли, улкан ахлоқий куч-қудрати ва ҳақиқий самимий олижаноблигининг чин маънодаги исботи бўлди.

Бу ҳақда атоқли тарихчи олим Ҳамид Зиёев шундай ёзган эди: “Ўзбек халқи иккинчи жаҳон урушида фашистларни тор-мор этишга молини ҳам, жонини ҳам тикди. Топган битта нонини тўртга бўлиб, бир бўлагини ўзига, қолган учтасини бевосита фронтга, сўнг республикага кўчириб келтирилганларга, фронтга кетганларнинг оилаларига, ҳарбий госпиталларга, фашистлардан озод қилинган жойларга берди. Айни пайтда бир миллиондан ошиқ фарзандлари фашистларга қарши жангларда мардонавор курашди. Улардан бир неча юз минг киши ҳалок бўлди ва жароҳатланди. Ўзбеклардан тузилган “рабочий батальон”лар Россиянинг турли жойларида фронт учун фидокорона меҳнат қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бевосита жангларда 27000000 кишининг ёстиғи қуриган, бошқа сабаблар билан 30000000 киши нобуд бўлган иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқига ҳам беқиёс катта талафот келтирди. Минглаб аёллар бева, болалари етим қолди. Қанча-қанча ота-оналар фарзандлари доғида ва қайғу-аламда куйиб бу дунёдан кўз юмдилар. Уруш йилларида қилинган чегараси йўқ харажатлар халқни ғоят қашшоқлаштирди. Одамларнинг деярли ҳаммаси эски ва ямалган кийимларда юриб, озиб-тўзиб, ранги заъфарон бўлиб кетганди, кўчаларда оёқ яланг юрганлар кўп эди. Қанчадан-қанча одамлар очлик ва касалликдан ўлди.

Уруш ўзбек халқини бор-йўғидан айирди, кўрпа-ёстиғи, бошқа рўзғор анжомлари қуриди, уй-жойи харобага айланди.

У вақтларда деярли ҳамма уйларнинг томи ҳар йили сомон сувоқ қилинарди. Эркаклар урушга кетгач, томлар сувоқсиз қолиб, қор эриган ва ёмғир ёққанда уйга чакка ўтиб кетарди. Қишлоқларда очарчилик ва касаллик авжига чиқиб, кўп одамларнинг ёстиғини қуритди. Аёлларнинг умри меҳнатда чириб, кўпи роҳат нималигини билмай дунёдан ўтди. Болалар орасида ҳам ўлим кўп учрарди. Уруш вақтида орттирилган қийинчилик ва азоб-уқубатлар шўро давлатининг эътиборсизлиги орқасида тамомила бартараф қилинмади. Айниқса, уруш ногиронларининг қадр-қиммати ўрнига қўйилмай, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Кўчаларда кесилган қўл ёки оёғини ҳамда жароҳатланган бошқа жойини очиб тиламчилик қилаётган ногиронларни кўрганман. Урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳам етарли даражада ёрдам берилмади.

Хуллас, уруш йилларида машаққатли меҳнат ва азоб-уқубатдан бошқа нарсани кўрмаган одамларнинг кўпчилиги қайғу-алам билан дунёдан кўз юмиб кетди. Уруш қатнашчиларининг талай қисми ҳам ёруғ кунларни кўрмади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, ота-боболаримиз бутун

www.ziyouz.com kutubxonasi

инсоният бошига тушган офатни мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар ва талафотлар ҳисобига бартараф қилишга улкан ҳисса қўшиб, тарихда ўчмас из қолдиришди".[65]

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Фарғона водийси аҳолиси мислсиз иқтисодий ва маънавий қийинчиликларни бошдан кечирди. Очарчилик, меҳнат мажбуриятлари, оғир солиқ сиёсати ва ижтимоий таназзул халқ турмушига чуқур таъсир қилди. Бироқ шундай оғир шароитда ҳам аҳоли меҳнатсеварлик, сабр-тоқат ва ўзаро ёрдам каби қадриятларни сақлаб қолди. Бу давр хотиралари нафақат тарихий воқеликни, балки халқнинг маънавий матонати ва яшаш учун курашини ҳам ёрқин акс эттиради.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Фарғона вилоятида очарчиликка қарши қишлоқларда аҳоли ўз томорқаларига арпа, ловия, мош экдилар. Шунингдек, энг тўйимли сабзавот ва полиз экинлари, мевалар ичида тут, ўрик, жийда ва бошқаларга эътибор берилди.

Далалардаги ёввойи жийдалар ҳам одамларни жонига ора кирган. Бироқ бу ҳамма жойда ҳам бўлавермаган. Бу ҳақда Салимжон Ҳамроқулов шундай ёзади:

"Одамлар 3-4 ойлаб оила, бола-чақасини кўрмай ишлаган. Қишлоқда қолган 70-80 ёшли кексаларгина қишлоқнинг оғир-енгилидан хабардор бўлиб туришган. Халқ оч- юпун, егулик кам, касал кўп, ҳафта оралаб хонадонларда аза, ўрагани кафан, кўмгани эркак йўқ. Қишлоқ кексалари эшак аравларда майитни Қораёзибобо қабристонига олиб бориб, бир амаллаб кўмиб келишган. От-уловлар фронтга жўнатилган, далада асосан хотин-қизлар ва ёш ўқувчилар, кечаю кундуз ер текислаш, машъалалар ёқиб ер чопишар эди. Ёз ва куз ойларида иш янада кўпаяр, даладаги пахтага ишлов бериш, уни териш, қуритиш, қанорларга солиб, аравларга юклаб заводга топширишни шу аёллар ва болалар бажарар эди. Кундузи пахта териш, кечалари ой-

[65] Зиёев Ҳ. Тарихнинг очилмаган саҳифалари. – Т.: "Меҳнат" нашриёти, 2003. – Б.193-194.

www.ziyouz.com kutubxonasi

динда буғдой, шоли, мош, беда, оқ жўхори, макка сўталарни йиғиштириш ҳам шулар бўйнида эди. Уруш йиллари Давлатботир қишлоғида 6 та бригада бўлиб, ҳамма ёшлар ва аёллар 3-4 соатгина мизғиб олишар эди холос. Шу вақтларда Қўқон шаҳрига қанд заводи қуриш учун асбоб-ускуналар келган. Заводга маҳсулот етказиб бериш ўта зарур бўлиб, ҳамма бригадаларда қанд лавлаги экилган. Уруш йиллари ҳамманинг уйи дала эди. Меҳнат эвазига хар куни 200 грамм курмак аралаш қора нон, шоли қипиғи аталаси, қўшчиларга бир чўмич, аёлларга ярим чўмич курмак атала бериларди. Ажриқ томирлари ковлаб олиниб, қуритиб, ўлмас овқат қилиб ейишарди. Одамларнинг ранги очликдан, уйқусизликдан, қаттиқ меҳнат азобидан оқариб, ҳатто кўкариб кетарди. Ўз чорвоқларида етиштирилган маҳсулотлари ҳам ўзларига тегмас, солиқ ҳисобидан олиб қўйиларди.

Ҳар бир хўжалик 40 кг. гўшт, 40 дона тухум, 4 кг. сариёғ, 1 дона тери, ҳарбий солиқ, ҳарбий заём, даромад солиғи, суғурта, ўзаро йиғим солиғи ҳисобидан колхозга ўтказилар эди. Солиқни ўз вақтида тўламаса, мол-қўйими, товуғими, янги кўрпа-тўшагими, уйидаги кигизими солиқчилар томонидан давлат ҳисобига ўтказилиб, фронтга жўнатиларди. Одамлар солиқни ўз вақтида тўлаш учун янги қурган оғилларини, дарвозахоналар, уйларининг эшик-дераза-ларини, устун- тўсинларни сотишга мажбур бўлган. Ўша қийинчилик, очарчилик даврида ҳам содда халқни алдаб, улардан олинган нарсаларни фронтга деб, уйига олиб кетган муттаҳамлар ҳам бўлган".[66]

Бу ҳақда атоқли тарихчи олим Ҳамид Зиёев шундай ёзган эди: "Камина ўтган асрнинг 50 йилларида пахта теришга чиққанимда ногирон ва ширакайф собиқ, колхоз раиси билан суҳбатлашганимда, у "Дилимни бир ёзиб олай", дея ўтмишдаги воқеалар ҳақида гапириб берди: "Сиз урушда қатнашганингизда жуда кўп азоб-уқубатларни

[66]Ҳамроқулов С. Яйпан: ҳаёт ва тақдир. – Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - Б.98-99.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошингиздан кечиргансиз, албатта. Аммо биз деҳқонлар ҳам мисли кўрил-маган қийинчиликларни кўрдик. Аввало, одамлар фронтга олингандан кейин қишлоқ ва колхозлар ҳувиллаб, эркак зотига зор бўлинди. Туғилиш эса жуда камайиб кетди. Кексалар, аёллар ва болалар очликдан тинкаси қуриб, ҳолдан тойиб, зўрға юрардилар. Шунга қарамай, улар колхоз ва совхозларда асосий ишчи кучи эдилар. Кўп хонадонларда қора қозон қайнамай, ҳўл мева, қиш ва баҳорда кўпроқ қуруқ, мевалар, жухори, жухори унига қовоқ аралаштирилиб тайёрланадиган зоғора нон истеъмол қилинган. Аммо кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўл эмас эди. Чунки деҳқончилик маҳсулотларининг асосий қисми дав-латга ва фронтга берилиб турилди. Боғларда ҳосил етилаётганида райкомнинг биринчи котиби, раислар, парт-комлар, прокурор, хавфсизлик комитети ва милиция вакил-лари иштирокида мажлис ўтказилиб турарди. Райкомнинг биринчи котиби қаттиқ овоз билан: “Раислар! Ҳосилнинг талон-тарож қилинишига йўл бермай, уни имкони борича охиригача йиғиштириб, давлат ва фронтга топшириш шарт. Акс ҳолда ҳаммангиз халқ душмани сифатида қамаласизлар, сўнг ўлимга маҳкум қилинасизлар“, дерди. Буни прокурор тасдиқлаб турарди. Биз бечоралар қўрқиб ва титраб, қандай бўлмасин топшириқни адо этишга муккадан тушардик. Оғир ҳаётни кўриб турсак ҳам колхозчиларни уришиб ва дўқ қилиб ишлатардик.

Ҳатто дардга чалинган ва ёши улуғларни ишлашга мажбур қилардик. Улар очлик ва кучсизликдан ерга йиқи-лардилар. Барча очликдан ўзини мевали дарахт ва токзорларга урарди.

Шу боис бу ерларга соқчиларни қўярдик. Бу иш қилиняптими ёки йўқми, буни райком вакили текшириб турарди. Чунки райкомлар деҳқончилик маҳсулотларини топшириш бўйича мажбуриятни бажаришлари шарт эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғларда ҳосил йиғиштирилаётганида ҳам назоратчилар кузатиб туришарди. Ҳосилнинг ҳаммаси давлат ва фронтга бериши шарт қилиб қўйилган эди. Бу вазифадан амаллаб қутилганимиздан кейин госпиталларга, болалар уйларига, касалхоналарга, шаҳардаги қашшоқлашган оилаларга ёрдам беришимиз талаб қилинарди. Колхоз омбори анча бўшаб қолганлиги учун хонадонлардаги мевали дарахт ва токларнинг ҳосили зўравонлик билан тортиб олинарди.

Биласизки "Қаттиқ тўкилса юқи қолади, сут тўкилса нима қолади" деган нақл бор. Боғлар ҳосилга кирганида одамлар турли йуллар билан фойдаланиб, бироз бўлса-да, қаддиларини ростлардилар". [67]

Фарғона вилояти Учкўприк тумани Раҳматилло қишлоғида истиқомат қилган 1910 йилда туғилган Иззатой Каримованинг турмуш ўртоғи Ҳамидилло Каримов 1942 йилда фронтга рабочий батальонга олиб кетилган. Иззатой далада меҳнат қилган. Уларнинг икки фарзанди очлик азобига чидай олмай турли ўт-ўланлар ва данак чақиб еб охир оқибат ич қотиш натижасида нобуд бўлганлар. Ҳамидилло фронтдан қайтиб келмаган. Фарзандларидан жудо бўлиб, ёлғиз қолган Иззатой умрини охиригача эрини кутиб яшаган ва 1969 йилда вафот этган. Уни қўшни қишлоқдаги Биролди қабристонига дафн этишган.[68]

Маълумотларга кўра, Фарғона вилояти Охунбобоев тумани Қумтепа қишлоғида Мулла Холматжон Нурматов (1908-1996) иккинчи жаҳон уруши вақтида колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Юқорида келтириб ўтилганидек, иккинчи жаҳон уруши йиллари шакар ишлаб чиқариш давлат аҳамиятига эга бўлган вазифалардан эди. Шунинг учун Фарғона вилоятининг кўплаб жамоа хўжаликларининг маълум бир қисмига қанд лавлаги экилган. Мана шу қанд

[67] Зиёев Ҳ.Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон уруши даврида. – Т.: "Таълим нашриёти" МЧЖ, 2015. - Б.40-41.

[68] Дала тадқиқотлари. 2025 йил. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Раҳматилло қишлоғида истиқомат қилувчи Норматов Хуррамжондан (1976 йилда туғилган) ёзиб олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лавлагиси одамларнинг очарчиликдан сақлаб қолган омиллардан бири бўлиб тарихга кирди. Дала қозонларига лавлаги солиб қайнатиб пиширилган.[69]

Колхозчиларнинг барчасига маълум миқдорда пишган лавлагини фақат далада истеъмол қилишга берилган. Ҳеч кимга уйига олиб кетишга қоровуллар рухсат бермаганлар. Олиб кета-ётганда қўлга тушса жазоланганлар. Бир дона лавлаги 5-6 кг.дан 14-15 кг.гача оғирликда бўлган. Бригадир диёнат соҳиби Мулла Холмат камбағал, кўп болали оилаларга уйига битта ёки иккита лавлагини яширинча олиб кетишга рухсат берганлар. Шундай қилиб ўша вақтда кўплаб оилаларни очликдан ўлиб кетишларини олдини олган. Бинобарин бир дона лавлагини бир оила икки – уч кун истеъмол қилишган.[70]

Таъкид жоизки, уруш вақтида оилаларни бор-будини тортиб олган ҳукуматнинг солиқ сиёсати урушдан кейин ҳам давом этган. Ўша оғир кунларни гувоҳи бўлган фарғоналик адиб Омонжон Ҳошимов қуйидагиларни ёдга олади: “Урушдан кейинги йиллар қийин кечди. Очлик, юпунлик, жудолик бир келса, ҳаммаси келар экан. Далада асосан аёллар ишлайди. Тушликда бир маҳал атала бўлади. Биз ҳам ёғоч от миниб борамиз. Қозоннинг қирмочи қизлар ўртасида талаш. Фозилжон ота Тожибоев бригадир, Норинисо онамиз ошпаз. Юздан ортиқ ёш яланг аёллар, Маткарим, Абдуҳомид, Мўсажон, Раҳмонжон, Нурматжон, Райимжон, Юнусжон ака каби ҳарбий ёшга етмаган ёшлар, асосан қўшҳўкиз ва кетмон билан деҳқончилик қиладилар.

Одамлар уйида моли (агар бўлса), томорқаси ҳисобига яшайди. Иш ҳақига заём ёзади. Солиқлар жондан тўйдиради. Хўжалик ер солиғидан ташқари моли бўлса гўшт, сарёғ, солиқ, қўйи бўлса жун солиғи, боғи бўлса мева солиқ, товуқ

[69] Фарғоналиклар иккинчи жаҳон уруши даврида [**Биринчи китоб]** Фарғона - “Classic”-нашриёти-2025. -Б.62

[70] Абдулаҳатов Н., Ҳожисолиев Қ., Эргашев А., Ҳожисолиев Ҳ. Қумтепа тарихидан. – Фарғона: “Klassic”нашриёти, 2023. -Б.266-269.

www.ziyouz.com kutubxonasi

боқса тухум солиғи солинар, бу солиқлар халқнинг тинка-мадорини қуритган эди. Мадалиев деган молия агенти бор. Ҳамма ундан азроил хабарини эшитгандай эшигини беркитади, қочади. Қочолмасанг молинг, қўйинг ёки уйдаги кўрпа- тўшагингни судраб безор қилади. Боқувчиси, бош эгаси, фарзандидан жудо бўлганларнинг доғи устига чипқон, ана шундай шароитда тонг саҳардан ким кул, ким гўнг олиб далага чиқади. Бўлмаса, ишга қўймайди. Тушликдаги ата-ладан маҳрум бўлади. Хуфтонда уйга қайтилади. Маҳаллада камдан- кам мўридан тутун чиқади. Чунки қайнатгудай нарсанинг ўзи йўқ. Яхшиям шаҳар яқин, туни билан нон олиш учун (керзадаги) магазинда навбат олиш керак. Бир от қўшилган усти темир қопланиб, 2-3 тадан қулф солинган аравада нон келар, ҳар бир одамга бир донадан, катталиги кир совундай буханка сотилар эди. Етмаганларга хамир берилар, шуни бир кунликка етказиш керак эди".[71]

Бу ҳақда атоқли тарихчи олим Ҳамид Зиёев шундай ёзган эди: "Менинг отам Мулла Зиё ва онам Зебинисо новвойчилик билан шуғулланиб, унни, кўпинча, насияга Сидиқ акадан олиб туришган. Бу саховатли киши отамнинг мулла бўлганлиги ва яхши хулқи учун жуда ҳурмат қилиб, ёрдамини аямаган. Ҳатто ундан ун олиб новвойчиликни уддалай олмаган кишилардан қарзини хам ундирмай, кечиб юборган ҳолатлар бўлганлигини эслайман. Урушдан кейинги йилларда Сидиқ ака билан суҳбатлашганимда у шундай деди: "Домла, хўп даҳшатли кунларни кўрдим. Тегирмоним атрофида очликдан сулайиб ётган кишилар, айниқса, болаларни кўриб, ич-ичимдан эзилиб кетардим. Бир куни тегирмоннинг эшиги атрофида бир аёл ва иккита 8 — 10 ёшлардаги болани ётиб олиб, ерга сочилган унни ялашаётганларини кўриб жуда ачиндим. Дарҳол уларни ўрнидан турғазиб, кексаларга бериладиган шилпилдоқ билан меҳмон қилдим.

[71] Ҳошимов О. Бир болангман, Бешболам. – Ф.: "Фарғона", 2007. – Б.23-24.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Онаси: “Карточкани йуқотганлигимиз орқасида 4 кундан бери ҳеч нарса емадик“, деди. Болалар оч қорингa кўп еса бўкади деб, уларга озгина бериб, қолган шилпилдоқни рўмолга ўраб бериб юбордим. Бир куни, — деб сўзини давом эттирди Сидиқ ака, — тегирмонга нон излаб келган, лекин тиламчилик қилишга улгуролмай жон берган беш кишининг ўлигини кафансиз ўз кийимида дафн этдим.

У вақтларда шаҳарда касалхоналар жуда оз ва ёмон жиҳозланган бўлиб, тиббий ёрдам жуда паст даражада эди. Турли касалликлар кенг тарқалиб, одамлар уй ёки кўчаларда ўлиб қолаверганлар. Шундайлардан бири, она ўз боласини бағрида қучоқлаб ўлиб ётганини эшитган эдим”.[72]

Ушбу тақдим этилган тарихий манбалар ва оғзаки тарих (oral history) гувоҳликлари **Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда (1941–1950-йиллар) Ўзбекистонда, хусусан Фарғона водийсидаги ижтимоий-иқтисодий, этно-деографик ва маънавий-руҳий кризис** жараёнларини очиб берувчи қимматли академик материалдир.

Манба матнлари академик нуқтаи назардан қуйидаги асосий концептуал йўналишлар бўйича манбашунослик ва социологик таҳлилга тортилади:

1. Тил ва тилсизлик (Совет тоталитар апарати ва очарчилик сиёсати).

Тақдим этилган манбаларда тоталитар давлатнинг уруш баҳонасида қишлоқ аҳолисини ва ички ресурсларни аёвсиз эксплуатация қилгани яққол кўринади:

“Фронт учун” шиори ортидаги мажбурий тўловлар: Ҳар бир хўжаликка солинган мажбурий маҳсулот солиқлари (40 кг гўшт, 40 дона тухум, 4 кг сариёғ, жун, мева ва ҳ.к.) ва пул солиқлари (ҳарбий заём, суғурта) аҳолининг реал имкониятларига умуман мос келмаган.

[72] Зиёев Ҳ.Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон уруши даврида. – Т.: “Таълим нашриёти” МЧЖ, 2015. - Б.120-121.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мажбурлов ва репрессив механизм: Мадалиев сингари молия агентлари ва Райком котибларининг “халқ душмани сифатида отиш” таҳдиди остида ишлаши — маҳаллий аҳолини мулк ва озиқ-овқатдан маҳрум этишга қаратилган эди. Солиқни тўлай олмаган оилаларнинг эшик-деразалари ва тўсинларини сотишга мажбур бўлиши давлатнинг “солиқ геноциди” сиёсатидан далолат беради.

Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги асимметрия: АҚШлик олима Марианна Камп кузатганидек, шаҳарда “чипта” (карточка) тизими жорий этилган бўлса, қишлоқ аҳолисига бу тизим умуман тадбиқ этилмаган. Қишлоқликлар фақат томорқа, даладаги ноқонуний ёввойи ўсимликлар (ажриқ томири, жийда) ва далада тарқатиладиган атала ёки лавлаги ҳисобига омон қолган.

2. Социо-демографик ва гендер фожиаси

Уруш фронтга барча меҳнатга яроқли эркакларни олиб кетгани сабабли, жамиятнинг ижтимоий тузилмаси тубдан ўзгарди:

“Аёллар ва болалар микро-жамиятлари”: Қишлоқлардаги асосий меҳнат юки (пахта, буғдой, қанд лавлаги етиштириш) тўлиқ хотин-қизлар, кексалар ва болалар чекига тушди. Суткасига 3-4 соатлик уйқу, туни билан ишлаш, очлик ва оғир меҳнат аёлларнинг саломатлигини барбод қилди.

Болалар ва кексалар ўлими: Иззатой Каримованинг икки фарзанди очлик ва ножўя овқатланиш (данак, ўт-ўлан) оқибатида нобуд бўлгани — очликнинг биологик ва демографик фалокатини акс эттиради.

Демографик ва оилавий инқироз: Урушдан қайтмаган эркаклар сабабли ёлғиз қолган аёллар ва етимлар қатлами шаклланди, туғилиш кўрсаткичи кескин тушиб кетди.

3. Этно-адаптацион ва этно-антропологик омиллар. Аҳолининг мисли кўрилмаган очарчилик шароитида омон

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолиш (survival mechanics) усуллари ҳам этнографик жиҳатдан диққатга сазовор:

Диверсификация ва муқобил озуқалар: Хотин-қизлар ва деҳқонлар анъанавий экинлардан ташқари арпа, мош, ловия, хусусан қанд лавлагиси, ажриқ томири, шоли қипиғи аталаси ҳамда кўча нони — “буханка” каби илгари истеъмол қилинмаган янги озуқа турларига мослашишга мажбур бўлишган.

Лавлаги феномени: Мулла Холматжон Нурматов сингари бригадирларнинг ҳаётини хавфга қўйиб, камбағал оилаларга уйига лавлаги олиб кетишга рухсат бериши — тоталитар тизим ичида маҳаллий жамоавий (этик) қадриятларнинг сақланиб қолгани ва “ички қаршилик/ҳамжиҳатлик” сифатида одамларни ўлимдан сақлаб қолганини кўрсатади.

4. Диний-маданий ритуалларнинг вақтинчалик таназзули ва ижтимоий бегоналашув.

Очарчилик ва тинкаси қуриш даражаси шунга олиб келдики, халқнинг асрий маросимлари издан чиқди:

Кафансиз ва жанозасиз дафн муаммоси: Эркак ишчи кучи ва кафанлик йўқлиги сабабли, вафот этганларни қишлоқ кексалари эшак аравада олиб бориб “бир амаллаб кўмиб келиши”, Сидиқ аканинг тегирмон ёнида очликдан ўлганларни кафансиз ўз кийимида дафн этиши — анъанавий дафн ритуалларининг минималлашишига ва деструкциясига олиб келди.

Ногиронларга ва қашшоқ оилаларга мамлакат муносабати: Ҳамид Зиёев таъкидлаганидек, уруш ногиронлари ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига давлат томонидан эътибор берилмагани сабабли кўчаларда ногиронларнинг тиламчилик қилиши — совет ижтимоий таъминот тизимининг инқирозини исботлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таҳлилий Хулоса

Категория	Манбалар асосидаги тарихий факт ва хулоса
Иқтисодий омил	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қа скоростной йиғиб фронтга жўнатилиши, қишлоқда нон ва пуллик меҳнат кунининг умуман бўлмагани.
Ижтимоий омил	Эвакуация қилинганлар, ҳарбий госпиталлар ва фронт таъминоти туфайли маҳаллий аҳолининг бор-будидан маҳрум этилиши (Ҳамид Зиёев таъбири билан: "*топган битта нонини тўртга бўлиб, 3 тасини жўнатиш"*).
Маънавий-Ахлоқий омил	Шунчалик қашшоқлик ва сунъий зўравонликка қарамай, ўзбек халқининг инсонпарварлиги, сабр-тоқати, маҳаллий раҳбарларнинг (бригадир, новвой, тегирмончилар) хуфёна саховати эвазига жамиятнинг тўлиқ маънавий емирилишдан сақланиб қолгани.

Ушбу тадқиқот манбалари Фарғона водийси аҳолисининг Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳаётини **"Frontline Behind Frontline" (Фронт ортидаги иккинчи фронт)** сифатида академик қайта баҳолашга тўлиқ асос бўла олади.

Фарғона вилояти Бағдод тумани Макай қишлоғида Макайлик тўрам, яъни Саййид Сотиболдихон Сайдалихон тўра ўғли (1904-1980) иккинчи жаҳон уруши йилларда қишлоқ кенгашига раислик қилган. Унинг ҳаёти ҳақида ёзувчи Алишер Ибодинов "Макайлик сулола"номли китобини ёзган. Мазкур асарда иккинчи жаҳон уруши вақтидаги очарчиликнинг оқибатлари тўғрисида ҳам маълумотлар баён этилган:

"Саййид Сотиболдихон мироб сифатида эларо машҳур бўлгач, уни раҳбарлик лавозимларига таклиф қилишди. Иккинчи жаҳон уруши ўрталаридан бошлаб у киши Бағдод

www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоқ кенгаши раиси, жамоа хўжаликлари раҳбари бўлиб иш юритди.

Ўтган асрнинг 40-50-йиллари... Собиқ СССР халқи бошидан кечирган энг машаққатли, оғир, қонли даврлар... Бағдод қишлоғида темирйўл вокзали бўлгани учун оч-яланғоч одамлар кўпроқ шу томонга интилишарди. Бир бурда нон илинжида олис қишлоқлардан вокзалга етиб келганлар бу ерда ҳам аҳвол ўзларидагидан баттарлигини кўриб, янада умидсизликка тушар, топилса кунжара, топилмаса дала четларидаги шўра ўсимлигини ейишга мажбур бўлар эди. Вокзал атрофлари, йўл четларида ҳар тонг шишиб, очликдан ўлиб ётган одам ларни учратиш одатий ҳол бўлиб қолди.

Ҳар тонг ва ҳар кеч туман коммунал хўжалиги бўлимининг тўрт ғилдиракли от аравасида Дўстмат бува Бағдод маркази кўчаларини айланар ва албатта, у ер-бу ерларда очликдан ўлиб, қотиб қолган кишилар жасадларини топар эди. Жасадларни аравага юклаб, Мўйлабой қабристонига олиб борар, ўша қабристон четидаги қаровсиз, эски зовурга ўликларни ағдариб, устидан тупроқ тортиб юбораверар эди... Қанчадан-қанча ўлик шу тариқа кафансиз, жанозасиз ва ҳатто қабрсиз кўмиб ташланган. Охири Имом бува исмли кекса, художўй бир киши азбаройи савоб учун қишлоқ мозорида ана шундай ном-нишонсиз, бегона ўликларга уриниб-суриниб қабр кавлаб қўйишга азм қилди. Барча эркаклар уруш жангтоҳларида бўлганидан, очликдан ўлганларнинг жасадларини аёллар араваларга юклаб, ўша қабрларга олиб бориб кўмадиган бўлишди...

Далаларда хам эртаю кеч, иссиқ-совуқда асосан аёллар меҳнат қилар, уларнинг еб-ичиши ҳам кунжара еб ўлганларникидан фарқ этмас эди. Ўша даврларда колхозчи аёлларнинг асосий таоми ҳисобланган “Ярма“ ҳақида кексалар кўп эслашади. Одатда уч-тўрт нафар аёл дала шийпонларида қолиб кетган буғдой сомони, қолдиқ бошоқларини титиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кечгача бир-икки коса дон топишар, эртаси куни тонгда бу донни келида янчиб, сув тўла дошқозонга ташлашар ва у тушликкача қайнатилаверар эди. Вақт пешиндан оққанидан кейин ярма — янчилган буғдой қайнатмаси тайёр бўларди. Биргада ҳисобчиси белгиланган бир меҳнат нормасини бажарганга бир чўмич, икки меҳнат нормасини бажарганга икки чўмич ярма қуйдирарди. Бечора далачи аёлларнинг болалари ҳам ярма умидида оналарига эргашиб, далага чиқар ва онаизор ўз тегишини ҳам улар оғзига тутар эди... Оғир меҳнат, тўйиб овқат емаслик оқибатида даладаги аёлларнинг кўпи шомдан кейин қоронғида кўра олмас ва шапкўр бечоралар тунда бир-бирининг қўлидан тутиб, қатор тизилиб уйга қайтишар эди...

Ниҳоят, халқ бошига мислсиз кулфатлар солган уруш ҳам сўнгига етди. Ўн минглаб эр йигит хонадонларига қайтди. Минглаб ўзбек фарзандлари эса Оврўпа дала-даштларидаги қабристонлар, ўрмонлар ва чексиз ялангликлардаги номаълум қабрларда абадий қолиб кетди...

1947 йили жамоа хўжалигига раис этиб сайланган Саййид Сотиболдихон биринчи галда халқни тўйдириш мақсадида ҳали ишлов берилмаган майдонларни ўзлаштириб, у ерларга оқ жўхори эктирди. Ўз вақтида суғориш, маҳаллий ўғитни аямай солиш, меҳр билан парвариш қилиш туфайли жўхори мўл ҳосил берди. Давлатга топширилганидан ташқари ҳар бир колхозчи хонадонига ҳам етарли даражада жўхори дони тарқатилди. Ҳатто қўшни жамоа хўжаликларига ҳам катта миқдорда дон етказиб берилди. Ундан ортганини эса умумий йиғилиш қарори билан колхоз бозорида сотишга жазм этишди.

“Марғилон бозорида колхоз жўхорисини сотаётган эдик, — дея эслайди меҳнат фахрийи Мулла Усмон Зарипов. — Бирдан бозорга буюк қизиқчи Юсуфжон Шакаржонов ҳамроҳлари билан кириб келди. Қоплар тўла жўхори бошларига кўзи тушиб, шу томонга юрди. Жўхорининг қаердан

www.ziyouz.com kutubxonasi

келганини суриштирди. Бу томонларини аниқлаб олгач, бир бош жўхорини қўлига олиб, кўзларига суртди-да, йиғилган одамларга қараб:

- Эй халойиқ! — дея мурожаат этди. — Марғилонга Макайхон тўрам назар солибдилар! Иншаоллоҳ, энди серобчилик, тўқлик бўлади!

Саййид Сотиболдихон бошқарган йиллари бу жамоа хўжалиги ҳартомонлама ривожланди, юксалди". [73]

Очарчилик йилларини бошидан кечирган марғилонлик Турсунбой Ғойипов ўша мудҳиш кунлар тўғрисида қуйидагиларни ёдга олади:

"Отам катта уйда ихиллаб ётардилар. Кичик акам уста Абдулла отамнинг оғзига сув томизиш билан машғул. Икковлари ҳам очликдан, шўро касофатидан озиб-тўзиб кетишибди. Уларни тетиклаштирувчи нон ёки бирон мева ҳам йўқ, неча юз грамм нонни (ишлаганларга) забон қоғоз билан берардилар. Э, тарих бундай бағритошларни аввал сира кўрмаган бўлса керак. Халқ нима азобдаю, халқдаги олтинларни йиғиб оламан деб шўро неча жойда олтин магазини очган. У магазинларда ун, гуруч, қандлар кўзларни ўйнатиб қопларда тўлиб ётарди. Лекин... олтин қани, кимда бор? Бизда йўқ, озгина бўлганини ҳам унга алмаштириб битирган эдик. Отам узилдилар. Атроф мозористонга ўхшар, бирон қўшни кўринмас, бирон овоз эшитилмас эди. Жазирама иссиқ ёз, у кишини эски замбилга солиб ака-ука кўтариб шаҳар четидаги овлоқ ва хароб қабристонга томон олиб кетдик. Бирон гиёҳсиз, кенг, қақраган қабристонда қабрлар қаровсиз, кўпи ўпирилиб нураб ётарди. Отамни бир очиқ гўрга солиб устларига қўл билан тупроқ тортдик. На жаноза, на бирон дуо-фотиҳа ўқувчи бор, у киши жанозасиз кўмилдилар. Кейин акам Абдуллажон ҳам касал бўлиб оламдан ўтди. У кишини хам юқоридаги равишда биров билан олиб бориб кўмиб келдим...

[73] Ибодинов А. Макайлик бир сулола. – Т. : "Movarounnahr" нашриёти, 2012. – Б.30-32.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гангиб кўчага чиқдим. Қорин очган эди. Ўша жойга яқинроқда, кўприк устига қурилган чойхона, ошхона, гўш-куйдихона бор экан. Тўртта гўшкуйди сотиб олдим-да, столга ўтириб овқатлана бошладим (киссамда ўқитувчилик қилиб топган пулларимдан бор эди). Бир вақт ёнимга ориқ, кўзлари олайган бир йигит келди-да, еб турган овқатимга талпиниб оғзидан сўлаклари оқа бошлади. Эй... бу йигитни тўсатдан таниб қолдим! Ахир бу шоир Шокир Сулаймоннинг укаси Яҳё Сулаймон-ку. Марғилон хотин-қизлар техникумига талаба йиғиш мақсадида Боғдодга борганимда учратган эдим. Уч муаллим бир ҳужрада истиқомат қиларканлар. Замона оғир бўлишига қарамай улар мени нон-чой билан сийлаганлар. "Акангиз айтган ҳикоялардан айтиб беринг!" деб қўймай ҳикоя сўзлатган эдилар. Мана энди акаси қатағон қилиниб... қандай аҳволга тушибди. У мендан қолган гўшткуйдиларни ҳовлиқиб-ютоқиб чала-чулпа чайнаб ютиб, қаёққадир ошиқиб, кўздан йўқолди... Оҳ бечора — аҳволи жуда оғирга ўхшайди, лекин қандай ёрдам бера оламан? Ақлдан озмаган бўлса эди... Кейин билсам, уни "Халқ душманини укасисан, жўна бу ердан!" деб документларини ҳам бермай ишдан ҳайдашган экан. Соғлом илмли, ёш йигит хор бўлиб очликдан йиқилган вақтда кимлардир уни касалхона остонасига келтириб қўйишган, у ўша ерда қўл чўзиб "онажон, она...нон!" деганича қазо қилган"[74].

Ёзувчи, адабиётшунос олим Ортиқбой Абдуллаевнинг қаламига мансуб "Аччиқ мевалар" номли ("Шарқ юлдузи" 1992 йил, 2-сон) хотира эссени ҳам эслаб ўтиш лозим. Муаллиф 1932 - 1933 йилларда Хумсон қишлоғида ва атрофида бўлиб ўтган очарчилик-қаҳатчилик давридан батафсил ҳикоя қилади:

"...Гул ҳоланинг очарчилик йилларида иккита нораста ўғли бўлган. Эри Темир ака билан тоққа кетаётганларга қўшилиб, Дудисойга боришади ва бир неча кун олғи, ожит еб

[74] Ғойипов Т. Ўз юртида бегона. – Т.: Ёзувчи, 1998.- Б. 23.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кун кўришади. Ҳар куни тирикчилик, очликдан ўлиб кетишларига кўзи етган Гул хола йиғлаб-сиқтайди. Темир ака сал илгари буғдой ўғирлаб қўлга тушиб, юзи шувит бўлгани учун Хумсонга қайтишга унамайди. “Бор, кетсанг кетавер, биз тирикчилигимизни тоғда ўтказаверамиз”, - деб болаларини ҳам олиб қола-ди. Гул хола судралиб, тинка-мадори қуриб, шу кезларда Хўжакентда супуруғчилик қилиб юрган Ҳузур момомнинг олдига бир амаллаб етиб олади. Кўп ўтмай, тоққа гиёҳ излаб борган одамлар Дудисойнинг Угам дарёсига қўшилиш жойида, Мачиттош деб аталган катта тош ёнида, улкан ёнғоқ остида Темир ака икки ўғли билан ётганини кўришади. Бечоралар бир-бирининг пинжига кириб ғужанак бўлиб қолишган экан. Ён-атрофда Мирбува ҳамда яна бир неча хумсонликларнинг мурдаси... Жасадларни бир ерга йиғиб, устига тош қалаб қўйишади. (Бу фожиъалардан бехабар жияним Ҳамидулла - у ўрмонбеги бўлиб ишлайди - яқинда менга Дудисойда сочилиб ётган одам суякларини кўриб қўрқиб кетганини гапириб қолди.) Гул хола очарчиликдан омон чиқди. Бора-бора ғам-ғуссаларини унутгандек бўлди. Урушдан майиб бўлиб қайтган Азивой ака (асли Азизбой бўлса керак) билан турмуш курди. Аммо қайта фарзанд кўриш унга насиб этмади, бири икки бўлмай яшади. Хўрлиги келиб йиғлайди. Мудҳиш кунларини қарғаб ўзини овутади: “Боламни биттасини судраб бўлсаям олиб кетмайманми, мен қоқвош” - деб манглайига муштлайди бечора...”.[75]

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, Шарқ табобатининг машҳур олими Мўминжон Ҳаким Алиев[76]

[75] Туркистонда очарчилик, қаҳатчилик, ют: тарихий публицистик нашр / Нашрга тайёрловчи: Х. Қодирий. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2021. – Б.6.

[76] Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н. Мўминжон Ҳаким Марғилоний хотираларида Қарши таърифи // “Ўзбекистон тарихи фани ва илмий тадқиқотларидаги инновацияларни ўқув жараёнига жорий этишнинг долзарб масалалари” республика илмий-амалий конфрения материаллари. Қарши, 2019. – Б.222-223; Абдулаҳатов Н. Мўминжон Ҳаким Марғилоний хотираларида Бухоро меъморий ёдгорликлари // Бухорода ислом маданиятини модэрнизациялаш ва туризмни барқарор ривожлантириш истиқболлари” Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Бухоро. 2020. - Б.300-303; Абдулаҳатов Н.Бухоро амири

www.ziyouz.com kutubxonasi

(1884–1973) ўтган асрнинг 30-йилларида нон билан воқеалар хусусида шундай ёзган эди.

“1933 йили очарчилик бўлди. Мен оилам билан Самарқандда мединститутда... хирургияни ўргатур эдим... Илмий ходимлар учун алоҳида нон дўкони бўлиб, профессорлар неча юзлаб нонга навбатда турар эдилар. Ҳар бир илмий ходимга беш юз грамм нон берур эди. Беш юз грамм нонни ҳажми муштдек бўлиб, эланмаган қора. Қаттиқ сиқсангиз суви чиқарди. Оила аъзоларига бир яримларда гоҳи эллик граммдан нон берар эди. Бир кун ишдан чиқиб, мени профессорим ва хотуни ва қизи учовимиз нон дўконига бордик. Навбат олдик. Профессор хотуни орқасида профессор уни орқасида мен турар эдик. Олдимизда қирқ-эллик професорлар, илмий ходимлар турар эдилар. Оила аъзолари келсалар, алоҳида навбат эди.

Нохос олдидаги профессоримни... “тебе плохо” деган сўзини эшитган онда хотуни йиқилди. Дарҳол кўтариб олдик. Дўконни бир четига ўтқузуб рўмолчаларимиз билан елпидик. Очликдан йиқилган эди. Заводни пахта кунжарасини бир қадоқ (400 грамм) бир сўм эди. Мен аксар метўдистлар билан иш олиб борганимда, оғзимга ёнғоқдек кунжарани сўриб турар эдим. Ҳатто айтар эдим: “Агар яна арзончилик бўлиб қолса ҳам, бир пуд, икки пуд кунжара сақлай” деб (пуд 16 килло).

Биринчи май келар бўлди. Гап тарқалдики, “илмий ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига биринчи май учун оқ нон берар эмиш” деб. Апрелни 30 нчи куни дам олиш кунига тўғри келди. Эрталаб соат еттидан махсус нон дўконига югурдим. Тезроқ бориб навбатни илгаридан олай

табибининг хотиралари // “Ислом тафаккури”, (махсус сон) 2020. –Б.37-40; Абдулаҳатов Н Амир Олимхоннинг табиби // Тафаккур. Тошкент, 2020. – № 2. – Б. 91-95; Абдулаҳатов Н. Шифокор Мўминжон Ҳаким қисмати // Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллигига бағишланган “Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқи жасорати ва инсонпарварлиги – илмий кашфиётларда” номли халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент, 2020.-Б.42-48.

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб. Борсам бошқалар ҳам мендек фикр билан менда илгарироқ келганлар. Мен 150 кишидан кейин эдим. Нон ҳозир келар, ҳозир келар билан то қоронғу тушгунгача турдик. Неча киши профессорлардан беҳуш бўлиб ўтириб қолдилар. Бу орада неча бор магазин мудири нон заводига телефон қилди. Чиқиб навбатда турганларга “Ҳозир юборадирлар” деди.

Хулоса. Хуфтонда магазин мудири хабар берди: “нон соат бирларда келаркан. Эмди эрта билан берурман”, – деди-да дўконини беркитиб кетди.Биз бу ерда бир мунча мақсаддан четладик. Чунки бу хил ул вақтдаги аҳволдан хабардор бўлмай туриб, бизни бўлган ҳодисамиз унча қимматга эга бўлмас эди. Балки оддийгина иш бўлиб кўринади”.

Севимли ёзувчимиз Тоғай Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романида ўша даврдаги халқимиз кўргиликлари, дард-аламлари, фожиалари ҳақида сўз юритилиб, очарчиликнинг даҳшатли фожеалари, айниқса, бир парча нон билан боғлиқ воқеалар зўр маҳорат билан тасвирлаб берилган:

“Она бир эшакли ўткинчига кафтларини узатди.

— Мана шу қизалоқни олиб кетинг, катта бўлса, эшигингизни супуради! — деди. — Бир ҳовуч кепакка бераман, бир ҳовучгина!

Ўткинчи ўзини эшитмасликка олди. Бозор учун нарх-навони сўрамади. Бошли-кўзли болани сўраб-суриштирмади. Она ўнгга қаради, она чапга қаради. Бозорда ўзидан бошқа қолмади. Шунда, она боласига боқиб ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Боласига боқиб увв-увв йиғлади. Она энкайди. Бўйин эгди. Боласини бўйнига миндирмоқчи бўлди. Аммо боласи ўзини орқага олди. Йўқ, ишорасини берди. Шунда, она, боласини елкаларига қўйиб-қўйиб олди. Боласи овози борича йиғлади. Она ўнг гапирмади — чап гапирди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўчир, бозори касод! Ўчир, зоғора нон! Она энди боласини қулоқ-чаккаси аралаш қўйиб-қўйиб олди. Ниҳоят, таёқ ўтди. Боласи жонҳолатда турди. Жонҳолатда онаси елкасига осилди. Бўйнидан қучоқлаб олди. Она рўмоли учига тутиклик бир нимани қўлтиғига олди. Тугунни эҳтиётлаб-эҳтиётлаб қўлтиқлади. Ё пирим, дея, жойидан қўзғолди. Оёқлаётиб, қалқиб-қалқиб олди. Ўзини ўнглаб олди. Бир-икки қадам босди. Она елкасида бола, йўл олди. Она қўлтиғида тугун, йўл олди. Бола онаси бошини опичлаб борди. Овоз бериб, йиғлай, деди. Онасидан қўрқди. Онаси оёқларини чимчилаб олишидан қўрқди. Бола бор-йўғи инг-инг этиб борди. Барибир, она кўксида шалвираб боражак боласи оёқларидан ўйиб-ўйиб олди. Она ўнг гапирмади — чап гапирди:

— Ўчир, бозори касод! Сидирға ўтир, бозори касод, сидирға ўтир! Бола ингилламай қолди. Она ёлғизоёқ сўқмоқ бўйлаб юрди. Қишлоқни мўлжаллаб юрди. Қишлоқ бир қадам кўринса-да, хийла олис бўлди. Бир илон сўқмоқни кесиб ўтди. Она таққа тўхтади. Сесканиб олди. Ўзини орқага олди. Шунда, елкасидаги боласи кетига чалқайиб кетди. Кети билан йиқилиб тушай деди. Она боласини оёқларидан ушлаб қолди. Она ёқасини кўтариб, ичига “туф-туф” этди. Илон юрмиш ўт-ўлан шитир-шитир тингунича қимир-ламади. Жойида турди. Тағин йўлида давом этди.

Бола онасини бошини опичлаб-опичлаб олди.

— Эна, нон... — деди.

Она парво этмади. Бир маромда одимлади. Қош қорайиб борди. Она қадамини катта олди. Аммо қадами ўнгмади. Боши айланди. Кўз олди тебранди.

— Эна, но-он...

Элас-элас бир ит ҳурди. Ит кимга ҳурди? Ит нима-га ҳурди? Она оёқ илди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Ит менга ҳуряпти, менга! — дея ўйлади. — Ит бир нимани ҳидини олди. Ит нон ҳидини олди, нон. Ит ана энди чопиб келади!”

Она ит ҳуришини... боласидан кўрди.

“Болам нон-нон деяпти. Ит “нон” сўзини эшитди”, дея ўйлади.

— Нон дема-я, қирилиб кетгур! — дея, боласи сонини ўйиб-ўйиб олди. — Ана, ит келяпти, нон дема-я!

Боласини нафаси ичига тушиб кетди. Она тағин йўлида давом этди. Ит яна бир ҳурди. Она ана шунда ит бор тарафга қараб кетаётганини англади. Йўлини чап солишни ўйлади. Аммо сўқмоқ ёлғиз бўлди. Ўз оти ўзи билан, ёлғиз. Она: “Ит нон ҳидини олди-ёв. Чопиб келиб ёпишмаса-ёв”, дея ўйлади.

— Она, но-он...

Она йўлини сўқмоқдан чап солмоқчи бўлди. Беш-олти одим босди. Аммо оёқлари чирмовуқларга илашиб қолди. Ёввойи бедаларга илашиб қолди. Шундай кетса, оёқлари чалишиб йиқилишидан қўрқди. Ёмондан-ёмони... ўт-ўланлар ичида боягидай илонни босиб олишидан қўрқди.

Она яна қайтиб сўқмоққа тушди. Қўлтиқ тугунини маҳкамроқ босди.

— Эна, но-он...

Она елкаларини учирди. Боласини силкиб-силкиб олди. Жеркиб-жеркиб олди. Оёқларини шапиллатиб-шапиллатиб уриб олди.

— Нон дема! — деди. — Нонни отини атама!

Она ҳамон ҳадик билан қадамлади.

Ит ёпишади, дея ҳадиксиради. Кун ботиб борди.

Кунботар алвон-алвон шафақ бўлди. Ҳаводан салқинлик уфурди. Ҳаводан оқшом нафаси уфурди.

— Эна, но-он...

Ит тобора яқин бўла борди.

Она эҳтиёт учун... ит тараф қўлтиғи — ўнг қўлтиғи-дан тугунни олди. Авайлабгина... чап қўлтиғига қистирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўнгли хиёл ором олди. Дадил одимлади. Боласи ич-етини тирнаб зорланди:

— Эна, но-о-он, но-о-он...

Она итдан эллик-олтмиш қадам беридан ўтди. Батамом бемалол ўтди. Боиси, ит... боғлоқлик бўлди. Қош қорайиб-қорайиб қолди. Она кулбасига етиб келди. Ўчоқ бошида чўнқайди.

Боласи елкасидан сирғалиб тушди. Жойида ўтириб қолди. Ўрмалаб-ўрмалаб олди. Оёққа қалқди. Той-той юрди. Атак-чечак юрди. Тетапоя-тетапоя юрди. Оёқларини ёйди. Теварак-бошга сер солди: қаерларда нон бўлади?

Бола ана шу жойларни титкилади. Дастурхонни очиб қаради. Тўнтариқлик тобоқлар остини қаради. Ўроғлик супрани ёйиб қаради...

Онани энка-тенкаси қуриди. Энтикиб-энтикиб нафас олди. Ўзини ўнглади. Ўзига келди.

Сўғин, қўлтиғидан тугунни олди. Ўчоқ бошига ёйди: тугунда кафтдай зоғора нон бўлди!

Узалиб, обтовани олди. Жўмрагидан ерга икки том-чи томизди. Жўмракни оғзига қўйиб кўтарди. Кўтариб сув ичди. Энтикиб сув ичди. Зоғора нонни олиб... чаппа бурилди. Нонни катта-катта тишлади. Нонни катта-катта чайнади. Нонни кат-та-катта ютди...Зоғорадан ушоқ-да қолмади! Тағин... ўнг бурилди...

Боласи ҳали-ҳамон тобоқлар остидан... нон қидирди!

— Бери кел! — деди она. — Бери кел, мана нон! Бола ҳада-ҳалаб келди. Она боласини бағрига олди. Она боласи оғзига... кўкрак солди. Боласига кўкрак берди...

Ана шунда, она тилга кирди. Желаги ёқаси билан оғзини ушлаб тилга кирди.

— Бир норасидани товонига қолмайин деяпман-да, фирқа бова, — дея йиғлади. — Шугина норасида пешонамга сиғмаяпти!

— Шугина бир... гўдакни боқиб бўлмай қолдими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ-да, фирқа бова, йўқ-да. Хонумонимиз куйди! Биз куйиб-куйиб... кул бўлдик!

— Мирзахўжабойни гўдаги учун-а?

— Кунжара берсам, емаса нима қилайин? Зоғора нон отлиққа йўқ бўлса, нима қилайин?

— Бир бориб айтсангиз... қадамингиз кира тилайдими?

Ботир фирқа умид сувлари сепиб, умид сувлари сепиб кетди"[77].

Худо раҳмат қилсин энамиз Қумрихон Аҳмедова (1915 – 1991) болалигида бўлиб ўтган хотираларидан сўзлар чоғида кўзларидан дув-дув кўз ёшлари тўкиларди. Мана ўша хотиралардан бири: "Қишлоғимизга большовойларнинг аскарлари келиб, кўрганни отиб кета бошлади. Нон ёпмоқчи бўлиб, хамир қориган онам бояқиш укаларим ва мени қўлимиздан ушлаб, хамирни олиб жон ҳолатда яшириниш учун уйимиздан қочиб чиқди. Укаларим очликдан йўл давомида нон-нон деб йиғлаб бордилар. Мени қўлимда тугунчада хамир. Овлоқ жойга борганимизда ўша хамирни қуёшдан қизиган тошларга қўйиб, бизга чалпак қилиб берди"[78].

Ҳабибулла Қодирий ўзининг "Қодирийнинг сўнгги кунлари" номли хотира қиссасида 30-йиллардаги нон билан боғлиқ қуйидаги воқеани ёдга олади: "1934 йилнинг баҳори эди, йўлбошчимиз ўз фуқароларига озгина бўлса-да, раҳм-шафқат қилди, чоғи, "ҳаволар ёришиб" очликдан чиққан халқ аста жонлана бошлади. Энг зарури, дўконларда нон бемалол бўлиб қолди. Одамнинг қорни тўйса, кечаги очарчиликни унутади, дейишади. Лекин, баъзан қуйидагича кулгили ҳолатлар ҳам рўй беради: Қип-қизил ақиқдай пишган гижда нонларнинг дўконларда тахланиб турган боғ кўчамиздаги соддадил Турсунбой сўфи кўзларига ишонмайди. Бу нонларнинг эрта-индин яна йўқолиб кетишидан

[77] Бу ҳақда қаранг: Тоғай Мурод. Танланган асарлар. II жилд. Отамдан қолган далалар. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. Романлар. – Т.: Sharq, 2012.

[78] Абдулаҳатов Н. Нон ва тарбия масаласи.- Тошкент : Oltin meros press, 2020. –Б.62.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чўчийди-да, уйида боқиб турган ғунажинини шартта бозорга чиқариб сотади ва ҳамма пулига нон харид қилади”[79].

Фикримиз мисолини яна бир қуйидаги воқеа мисолида кўриб ўтсак. Риштонлик уламо Мирзо Хотам домланинг (1876-1958) фарзанди Мирзоаъзам ота шундай хотирлайди:

“1943-1944-йиллари отам билан ҳовлида иккаламиз қолган эдик. Очарчилик. Овқатланиш ва ҳатто ялайдиган нарса ҳам қолмади. Бисотимизда ҳеч нима қолмаган. Ёз фасли бўлганда тут пишиғидан бошлаб мева-чева бўларди. Тирикчилик қилиш мумкин эди. Ўша йиллари мен мактабда ўқирдим. Отам ҳам оч. Мен очликдан ўлаётгандек ҳис этардим ўзимни. Охири очликдан силлам қуриб ўлимни ҳис эта бошладим ва отамдан рози-ризолик сўраш мақсадида ҳолатимни баён эттим. Шунда отам, узоқ ўйланиб туриб: “Минор маҳалласида Ҳайдарали домла бор, биласанми", – дедилар.

– Ҳа, биламан.

– Уйларини ҳам биласанми?

– Биламан.

Кичкина гугурт қутисидай ўлчовда хат ёзиб, менга бердилар ва: "Шуни олиб бориб бергин-чи", дедилар.

Мен, отамдан егулик бирон нарса сўрасам менга иш буюришади, деб кўнглимдан ўтказдим. Хат араб ҳарфида ёзилгани учун ҳеч нимани тушунмадим. Хатни Ҳайдарали домлага олиб бориб бердим. Ҳайдарали домла хатни ўқиб иккита нонни рўмолчага ўраб қўлимга берди. Яна айтдики, йўлда бирор киши сўраб қолса, жавоб бермай уйларингга чоп!

Яхшиям домла айтганларидай ҳеч кимни саволига жавоб бермай уйга чопдим. Хурсандлигимдан бамисоли қушдек парвоз этиб уйга қандай етганимни ҳам билмайман. Уйга келиб: “Мана нон беришди” дедим отамга, хурсанд бўлиб. Иккаламиз нонни биттасини едик. Кўзим иккинчи нонда эди.

[79] Қодирий Ҳ. Қодирийнинг сўнгги кунлари // “Ёшлик”, 1989. № 5. –Б. 52.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отам иккинчи нонни эртага иккаламиз ейишимизни айтди. Қани энди эрта бўлсаю, иккинчи нонни ҳам есак. Вақт шунақа чўзилдики...

Кейин билсам Ҳайдарали домла ҳам домла ва ҳам нонвой эканлар. Бу воқеага 70 йилдан кўп бўлди. Аммо ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ҳар сафар оч қолсам ёки нонни кўрсам Ҳайдарали домлани ва у берган икки дона нонлари эсимга тушади. Ҳамон ёдимда.

Йиллар ўтиб, замонлар ўтиб, очарчилик йиллари ўтиб, умр ўтиб, қаридим. Ҳовлимизга неварамга совчилар келиб туришарди, шулардан бирлари жуда қаттиқ туриб олишди. Мен уларни танимайман. Суриштирсам бўлажак куёв Ҳайдарали домлани чеваралари экан. Мен суриштиришни тўхтатдим. Мен рози, неварамни бераман, дедим. Кампирим, ахир неварамизни катталари, бобоси ва энаси узоқда, бир оғиз уларни розилигини сўраш керак, деди. Улар рози бўлишадими, бўлишмайдими сўраб ўтирмаймиз, дедим. Кампирим ҳайрон! Шундай қилиб иккита нон ҳурмати неварамни узатдик.

Қуда-андалар яхши одамлар экан. Неварам ҳам фарзандлик бўлди. Ҳаммамиз хурсанд. Иккита нонниng қадр-қиммати инсон тақдирини ҳал этди. Ҳозирги вақтда бирор сабаб билан нон бозорига кириб қолсам, хурсанд бўлиб йиғлагим келади. Худога минг-минг шукр айтаман. Қарилик пайтимда шундай тўкин-сочин замонга етказганига шукрлар айтаман. Нон – муқаддас неъмат. Нондек азиз бўлинглар! Бу неъматни баҳоси олий ва чексиздир"[80].

Ушбу тақдим этилган хотиралар ва парчалар 1930–1940 йиллардаги совет тоталитар тизими, сунъий очарчилик (Каҳатчилик), шахс фожиаси ва этно-антропологик маданий кодлар контекстида ғоят қимматли тарихий-микросоциологик манбадир.

[80] Хатамов М. Отамни ёд олиб. – Н.: Наманган, 2015. –Б. 42.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Манбалардаги гувоҳликларни қуйидаги фундаментал академик йўналишлар бўйича таҳлил қилиш мумкин:

1. Совет давлатининг очарчилик сиёсати.

Турсунбой Ғойипов ва Мўминжон Ҳаким Алиевнинг хотираларида Тоталитар тизимнинг фуқаролар ҳаётига ва жисмоний омон қолишига бўлган шафқатсиз муносабати кўринади:

- **"Торгсин" (Олтин магазинлари) ва Давлат Монополияси:** Т. Ғойиповнинг аҳолида егулик йўқлиги, лекин "Олтин магазинлари"да ун ва қанд тўлиб ётгани ҳақидаги гувоҳлиги Совет давлатининг **"Торгсин" (Торговля с иностранцами)** тизими орқали очликдан қийналаётган аҳолининг охирги олтин ва тақинчоқларини мажбурий шилиш сиёсатини очиб беради.
- **Нон карточкалари ва сунъий тенгсизлик:** Мўминжон Ҳаким Алиев хотираларида академик ва илмий ходимларга бериладиган 500 граммли сифатсиз қора нон ва уларнинг оилалари учун бериладиган 50 граммлик нон тасвирланади. Ноннинг "забон қоғоз" (карточка/купон) орқали берилиши ва 1 май каби байрамлар олдидан одамларни соатлаб навбатга қўйиб беҳуш қилиш — жамиятни **тўлиқ қарам ва манипуляция қилинадиган ҳолатда ушлаб туриш** механизми эди.

2. Қатағон ва ижтимоий деградиция (Яҳё Сулаймон тақдири)

Яҳё Сулаймон (шоир Шокир Сулаймоннинг укаси) образи **"Халқ душмани оила аъзоси" (ЧСИР)** институтининг амалдаги даҳшатли оқибатини кўрсатади:

- **Ижтимоий Дискриминация ва очликдан ўлим:** Илмли, соғлом ўқитувчи йиғитнинг шунчаки қатағон қилинган акаси сабабли ишдан ва ҳужжатларидан маҳрум этилиши, Марғилон кўчаларида очликдан ақлдан озиш даражасида сотиладиган гўшкуйдига сўлаги оқиши ва сўнгги сўзи "онажон, нон..." бўлиб касалхона остонасида қазо

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиши — сиёсий қатағоннинг нафақат шахсни, балки унинг бутун оиласини жисмонан ва маънан йўқ қилишга қаратилганини исботлайди.

3. Баҳолу-Экзистенциал мезон: Ноннинг валютага ва маънавий категорияга айланиши

Уруш ва очарчилик йилларида нон оддий озуқа воситасидан **энг олий қадрият ҳамда ҳаёт-мамот мезонига** айланади:

Воқеа / Манба	Тарихий-Социологик ва Этнографик таҳлил
Ҳабибулла Қодирий (Турсунбой сўфи)	Нон бемалол бўлганда эртанги кунга ишончсизлик сабабли уйдаги ғунажинни сотиб, ҳамма пулига гижда нон харид қилиш — **психологик деформация (очлик фобияси)** ва келажак хавфсизлигини фақат нон билан ўлчаш коди.
Қумрихон Аҳмедова хотираси	Болишевиклардан қочиб, иссиқ тошда хамирдан чалпак ёпиш — **омон қолиш инстинкти ва оналик рефлексининг** энг юқори кўриниши.
Тоғай Мурод («Бу дунёда ўлиб бўлмайди»)	Бадиий психологизм: Онанинг боласини бир ҳовуч кепакка бера олмаслиги, ўзининг очликдан ўлишини билиб, боласидан яширинча зоғора нонни тишлаб ютгач, болага бўш кўкрак тутиши — **биологик мажбурият ва ахлоқий инқироз** ўртасидаги трагедия.

4. Антропологик Хотира ва рағбат категорияси (Мирзоаъзам ота ва 2 та нон воқеаси)

Риштонлик Мирзо Хотам домла ва Ҳайдарали домла (нонвой) ўртасидаги 1943–1944 йилги воқеа **этно-антропологияда ва оилавий хотирада (Family History)** ноёб феномен ҳисобланади:

- **Ишонч ва Социал капитал:** Фақат 2 та нон эвазига очликдан ўлимдан аранг омон қолган боланинг (Мирзоаъзам

www.ziyouz.com kutubxonasi

отанинг) 70 йил ўтиб ҳам бу яхшиликни унутмаслиги ва ўша нонвой домланинг чеварасига ўз неварасини ҳеч қандай суриштирувсиз узатиши — **“Ноннинг маданий ва маънавий қарзи”** концепциясини яратади.

• **Микротарихнинг оила тақдирига таъсири:** Икки дона нон 70 йилдан кейин икки хонадонни қуда-анда қилди. Бу маданиятимизда нонни шунчаки моддий буюм эмас, балки **инсонлар тақдирини боғловчи ва табаррук хотира мезони** эканини кўрсатади.

5. Тарихий детуманизация ва анъанавий ритуалларнинг минималлашуви.

Турсунбой Ғойиповнинг отаси ва акасини вафот этганда эски замбилда овлоқ қабристонга олиб бориб, **“жанозасиз ва дуо-фотиҳасиз”** очиқ гўрга кўмиб келишга мажбур бўлгани — сунъий очарчилик нафақат одамлар жисмини, балки асрий **диний-маданий ритуалларни (жаноза, кафанлаш, таъзия марсимларини)** ҳам вақтинчалик издан чиқарганини кўрсатади. Халқнинг асосий эътибори диний маросимга эмас, балки очликдан кейинги жасад бўлмасликка қаратилган эди.

Тақдим этилган ушбу хотиралар — Совет ҳокимиятининг Марказий Осиёда олиб борган ижтимоий-иқтисодий тажрибалари ва қатағонлари натижасида юзага келган **гуманитар фалокатнинг** жонли, даҳшатли ва шу билан бирга халқимизнинг ички маънавий матонатини намойиш этувчи муҳим ҳужжатли манбалар мажмуасидир.

Кекса педагог Қодиржон Ҳожисолиев бу ҳақда қуйидагиларни ёдга олади:

“Қумтепада[81] “Бедана тут” мевалар ичида баҳорда биринчи бўлиб пишар эди. Ушбу тутни оқариши билан еса бўлар эди. Шу сабабдан “Бачахўрак” дейиларди. Тутни иккинчи тури “Ҳаст тут” дейиларди. Қора ва оқ рангда бўлиб сер уруғ бўлгани учун бундай тут кам истеъмол қилинарди.

[81] Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги қишлоқ номи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бедана тутдан майиз, шинни, ҳолва тайёрланган. Очарчилик йиллари, айниқса 2-жаҳон уруши даврида одамларни қийинчиликлардан олиб чиқишда айнан шу тут озуқа ўрнини босган эди. Пишган вақтида тўйиб еб олинса, тўқ тутарди. Ҳатто тут еб рўза тутилган, ифторликка ҳам дастурхонларга тут териб қўйиларди. Уйида 2-3 туп бедана тути бор одамни "Бой одам" деб ҳисоблар эдилар.

Бизнинг катта эшикда, яъни Ҳожи Раҳмат опоқим ўтирган жойда катта тут бўларди. Деярли бир сотих жойни эгаллаган эди. Боболаримиз экишган бўлса керак. Ёзда тагида салқинларб ўтирардик. Ҳатто каровот ҳам қўйилиб ётиларди. Ўта ширин бўлганлигидан бу тутни "Қантак тут" дейишарди.

Ёз ойида дадамнинг фарғоналик жиянлари Ўлмас тоға, Мамажон тоға болалари билан келишиб "Тут сайли"ни ўтказишар эди. Барча қариндошлар тўпланиб ош дамлаб хурсандчилик қилиб кетишарди. Бу ажойиб анъана ҳар йили тут пишиғида давом этарди. Тут сайлига қўни-қўшнилар ҳам чиқишарди. Тут тагида катта чойшаб ёзилиб, шу чойшабга тут қоқиларди. Тўқилган тутларни мазза қилиб ейишгач, бир муддат гурунглашиб яйраб дам олишарди".

Абдулла Қодирийнинг набираси ёзувчи Хондамир Қодирий ўша даврдаги очарчилик тўғрисида қуйидагиларни келтиради:

"Уруш йилларидагиси ҳам оғир келди. Маҳалламизда қўшнимизни болалари баҳорда довуччани қозонга солиб қайнатиб еб, қорни коптокдек шишиб ўлар ҳолга келган эди. Одамлар нон топилмаганидан баргизуб, чучмома, саримсоқ ўтларни ковлаб илдизини ейишарди, айтишларича, бу ўтларни илдизидан ширин маза келар эмиш. Кимдир ўлса, ўликни устини ёпиб, кўча эшик тагига олиб чиқиб қўйишар эди. Ҳар куни мужук арава кўчаларни айланиб ўтиб, ўликларни мозорга олиб кетар эди. Гўрков Ҳайдар ака чуқур ковлаб жанозасини ўқиб, ялписига кўмар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Арпа-буғдой ош бўлур,
Олтин-кумуш тош бўлур.

Одамлар пулга эмас, бисотидаги олтин-кумушга арпа-буғдой сотиб олиб еди. Бу шиғир ўша замондан қолган....”

Дадам бошларидан кўп кунларни ўтказган бўлсалар ҳам бир нимадан нолиб гапирганларини ҳеч эслай олмайман. Лекин фурсати келиб: “Нон авлиё, ош пайғамбар” бўлган даврлар. Халқ болшавойлардан бундай кунларни вақти-вақти билан кўп кўрди. Юзлаб-минглаб қозоқ-қирғизлар тирик қолармикинмиз, деб Тошкентга қочиб келишган, еса бўладиган нарсани ҳамма бир-биридан яширар эди. Неча юзлаб одамлар Кўкалдош ёнида қўл чўзиб ўтиришар, касаллари ёки очликдан силласи қуриганлари ерда ётар эди, - деб 33 йилларни эслаб ўтган эдилар. Асомиддин тоғалари бир воқеани айтган эканлар: “Ҳидини сезибми, қайсидир ҳовли эгасини пойлаб туриб бир қозоқ йигити ўчоқ бошига югуриб борибди. Қозонни икки қўллаб азот юқорига кўтариб мошкичирини оғзига қуя бошлабди. Уй эгаси кўриб қолиб: “Тўхта, тўхта, ичинг куяди, сузиб бераман”, деб бақирса ҳам у ютоқиб ичаверибди ва тўсатдан қозонни аранг ерга қўйибдию, ўзи мукка йиқилиб, иҳраб-иҳраб жони узилган экан”.

Дадам ўз хотираларида оталарининг дўсти, пайвандчи боғбон Иноғом ота ҳақида эслаб ўтадилар. Иноғом отанинг набираларидан бири Шарофиддин ака буваларини, ўша даврда бўлиб ўтган воқеаларни эслаб шундай ҳикоя қилдилар:

“Мен 1937 йилда туғилганман. 1932 - 33 йиллардаги очарчиликни кўрмаганман, уруш пайтидагисини кўрдим. Отам баъзан урушдан олдин бўлиб ўтган очарчиликни эслаб хавотирга, ваҳимага тушиб рўзғорда нима бор, нима йўқлигини сўраб бизни тергаб қолар эдилар. Бизнинг ҳовли Тўқли жаллоб маҳалласида (ҳозирги Заргар маҳалла) бўлган. Дадамнинг айтишларича, ўша йилларда оддий одамларгина эмас, атоқли оилалар ҳам рўзғор ўтказолмай ёш-ёш бола-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини маҳалла гузарига чиқариб қўйишар экан. Болалар совуқ қотишса керак-да, уларни ҳаммаси бир-бирини пинжига суқулиб, тўдаланиб туришар экан. Уларни кўриб ўтаётган одамлар йиғламасдан ўта олмас экан. Ўладигани шу ерда ўлиб қолаверар экан. Ўлганини брушка (бричка) арава келиб олиб кетар экан, тирикларини бошқа бир аравага ўтқазиб етимхонага олиб кетишар экан.

Яна бир воқеани 1970 йилда ўз кўзим билан кўрдим. Ўшанда мени ГАЗ-21 "Волга" мошинам бор эди. Бир куни дадам билан Кўктеракдаги мол бозорига бордик. Ўша вақтда мошина ўғриси кўп эди. "Дада, сиз мошинада ўтириб туринг", деб бозорга кириб кетдим. Ишларимни битириб бир соатга яқин вақтда қайтиб чиқдим. Узоқдан дадамни йўл четидаги ўриндиқда ўз тенгилари қаторидаги бир киши билан гаплашиб ўтирганларини кўрдим. Дадам 1910 йилда туғилганлар. Яқинлашганимда кўрдим, ёнларидаги одамнинг ажин босган юзига кўз ёшлари оқиб, ҳиқиллаб йиғлар, чит рўмоли билан дам-бадам юзини артар эди. У одам саломимга алик ҳам олмади. Дадамга "хайр" деди-да, туриб кетди. Мен дадамдан "нима гап, у киши ким" деб сўрадим. Дадам у эски танишлари эканлигини айтдилар. 33-йилдаги очарчиликни эслаб қолдик. Эшитишича ўша очарчиликни Сталин уюштирган экан. Ўша йили шу одам беш яшар қизини "Зоғ ариқ"қа улоқтириб юборган экан. "Қизим эртаю кеч "нон, нон" дер эди. Нима қилишни билмай шу ишни қилганман", дейди. Сувнинг бўйида қизини кўтариб турганида "Ада, энди сиздан ҳечам нон сўрамайман, мени сувга ташламанг" деб зор йиғлаган экан. Сувнинг бўйига нега келишганини қизи сезган экан. Ўшандан бери кун-у тун мени тинчлигим йўқ, доим кўзимнинг олдида ўша қизим туради, қўли томоғимда ту- ради. Бунинг гуноҳи кимда? - дейди..."[82]

[82] Украина илмий тадқиқот институтларининг ахборотномалари Сталиннинг махсус равишда уюшдирган усули идораси"натижасида 1932-1933 йилда Украинада 3 миллион 917 минг 800, Россияда 3 миллион 264 минг 600, Қозоғистонда 1 миллион 258 минг 200, Волга бўйида 400 минг,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ойим эса уруш йилларини шундай эслайдилар: ҳали мактабга бормаган эканлар. Оталари емхонада бир нарсани карс-карс чайнаб ўтирар эканлар.

- Ада нима еябсиз, - деб қўллари билан оғзиларини очмоқчи бўлар эканлар, оталари эса қўллари билан оғизларини ёпиб карс-карс чайнай берар эканлар. Ойим кейинчалик ўйлаб кўрсалар карсиллаган нарса кунжара экан. Ойим, яна сал ўтиб оталари урушга кетиб, рўзғорда қийинчилик бошланганини, бир ака, икки укаларини қорни нонга тўймаётганини, беш ёшли кенжа укалари бир куни: "бугун палов еганимга 45 кун бўлибти, опа" деб бармоқ санаганини, "Агар йиғласа мана бу ҳолвайтарни оғзингда иситиб оғзига озгинадан солгин"деб йўргакдаги сингилларини қўлларига бериб, оналари ҳар куни чопон, керзовой этик кийиб бозорга - тирикчиликка чиқиб кетганларини эслаб қолар эдилар. Болаликдаги ана шу ночор турмуш, муҳтожлик, рўзғор ташвишлари кейинчалик онамни зўр бир саришта қилиб тарбиялаган эди.

Ўша кунларнинг таъсириданми, ойим:

"Оч ўлдирма, тўк, ўлдир

Қиш ўлдирма, ёз ўлдир" -

иборасини жойи келса такрорлар, доим эрта куздан қишнинг ғамини ўйлар, "ойдинда оёғим олти" (ўзларини сўзлари) деб бозордан қоплаб картошка, сабзи олиб келиб ўрани тўлдирар, пиёзни қопдан бўшатиб мўрчани чордоғига ёйиб қўяр, арқон ипга қатор тизиб сургўшт тайёрлар ёки биз болаларни кийими йиртилса, "жанда айб эмас, йиртиқ уят" деб ямоқ ҳам солиб, тикиб берар эдилар. Дадам эса ойимнинг бу ғайратига далда бўлиб: "Тўғри, кийимни ямаб кийса бўлади, ошқозонни ямаб бўлмайди" деб қўяр эдилар. Умуман бу саришта одат фақат ойимга эмас, мен кўрган-билган атрофимдаги ҳамма ўзбекларга хос эди.

Шимолий Кафказда 1 миллион одам очликдан ўлганлигини хабар бериб ўтади. Тадқиқотчилар бу рақамларнинг қатъий аниқ эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтадилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яҳё додам ҳам (ойимнинг оталари) баъзан урушда бўлиб ўтган воқеалардан гапириб қолар эдилар: “Уч ой бизни Самарқандда урушга тайёрлашди, кейин жангга кирдик. Жанг майдонига киришдан олдин бизни шундай огоҳлантиришди, окопдаги солдатларни ёнида туриб, улар айтган ишини қилар эканмиз. Агар солдат ўлса қуролини биз олар эканмиз. Мен тиркалган солдатга икки ойлардан кейин ўқ тегиб ўлди, кейин мен уни милтиғини олдим Энг даҳшатлиси урушга оч қоринда кириш. Оч қорингa кўзингга нима кўринади?... Бир куни рўта командири билан овқат қидириб кетдик. Икки кун тинмай йўл юрдик. На одам, на ҳайвон кўринди. Охири топдик, бир далада картўшка экилган экан. Шуни бир жойга тўдаладик, эҳтиётдан устини тупроқ билан кўмдик. Шундан кейин рўта командири: “Сен шу ерда қолиб шуни қоровуллаб турасан, мен бориб солдатлар билан қоп олиб келаман” деди. Мен айтдимки: “Ўртоқ командир, мен икки кундан бери ҳеч нарса еганим йўқ, совуқни қаранг, келгунингизча мен ўлиб қолсам керак, бунга ким тегади, атрофда одам ҳам, ҳайвон ҳам бўлмаса, сиз билан бирга бориб келай” дедим. У мени менсимагандай: “Йўқ, бу сенга буйруқ”- деди. Менинг ҳолим уни қизиқтирмади. У кетди. Мен шунда ўйладим: икки кун юриб борса, икки кун юриб қайтса, тўрт кунда мен борманми, йўқманми, буни ташлаб кетидан боролмасам, бирон жойга овқат қидириб кетолмасам.... Шунда турган жойимдан анча олислаб қолган эдики, бирдан ер портлади. Оёқ остида мина борлигини кўрмай босиб олган шекилли. Мен уни кўмдим. Турган жойимизга бориб бор гапни айтдим, ҳужжатларини бердим, от арава топиб, солдатларни бошлаб бориб картўшкани олиб келдик.....

Ойим айтган яна бир хотирани эслаб ўтсам дейман. Мен ва укам олдинма-кетин туғилганимизда қўлимиздан сув ичгани ойимнинг онаси (Шарифа буви)ни онаси (Назира буви)ни онаси Рухсора буви уйимизга паранжида келган

www.ziyouz.com kutubxonasi

эканлар. Ойимнинг айтишларича бошдан-оёқ ипакликлар кийган, соч ўримларини учига Николайнинг иккита тангаси осилган, бошларига қат рўмол ташлаган, кўзлари кўк, бўйлари баланд аёл эканлар. Рухсора буви биз ётган қўш бешикнинг қулоғини узун, кенг енглари ичидан ушлаб тебратган эканлар.

Дадамнинг талабалик пайтлари, уйимиздаги ночорликдан таъсир олибми, гапдан-гап чиқиб, Рухсора буви юқорида айтиб ўтилган очарчиликлардан ҳам илгари - инқилоб пайтида бўлиб ўтган очарчилик ҳақида гапириб, ўшанда айрим оналар болам кўлимда ўлмасин деб, чақалоқларини катта сувга оқизишганини кўрган эканлар...

Булар бўлиб ўтган очарчилик ҳақида менинг эшитганларим: у кунларни ўз кўзи билан кўрган бува-бувиларимиз ҳали юртимизда кўп. Ўша кунлар ҳамон уларнинг хотирасидан чиқмаган. Мен айтиб ўтган хотиралардан ҳам аламлироқ, фалокатлироқ ҳаёт воқеаларининг кўпини улар яхшироқ билишади".[83]

Иккинчи жаҳон уруши Ғарб давлатлари ўртасида, яъни Ўзбекистондан 3,5-4 минг километр узоқда бўлиб ўтишига қарамай, унинг қонли асорати фронт орти ўлкаларнинг ҳам турмушини издан чиқариб юборди. Ўзбекистонда уруш изтиробларини тортмаган оиланинг ўзи қолмади. Дарҳақиқат иккинчи жаҳон уруши Ўзбек халқига беқиёс катта талофат келтирди. Минглаб аёллар бева, болалар етим бўлиб қолдилар. Уруш йиллари чек-чегараси йўқ харажатлар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган солиқлар, дам олишга рухсат бўлмаган, 16-18 соатли меҳнат халқни шу даражада қашшоқлаштириб ҳолдан тойдирдики, буни тарифлашга қалам ожизлик қилади. Қумтепа қишлоғидан ҳам фронтга 102 нафар йигитлар сафарбар қилинди. Қишлоқда кексалар,

[83] Туркистонда очарчилик, қаҳатчилик, ют: тарихий публицистик нашр / Нашрга тайёрловчи: Х. Қодирий. – Т.: "Янги аср авлоди", 2021. – Б.8-11.

www.ziyouz.com kutubxonasi

аёллар ва ўсмирлар қолди холос. Даладаги эрта баҳордан бошланадиган иш то декабр ойининг охиригача давом этади. Эрта баҳорда далага гўнг олиб чиқиш, ер чопиш, чигит экиш ёки дон сепиш, суғориш, май-июн ойларида пилла қурти боқиш учун тут баргини кесиб келиш булар осон иш эмас. Барчаси қўл меҳнати. Барчасини аёллар ва ўсмир болалар бажаришини ҳисобга олсак бу яна ҳам мураккаблашади. "Ҳамма нарса фронт учун" деган шиорлар колхоз идорасининг пештоқига ва дала шийпонларига осиб ташланган. Ўша давр раҳбарлари, булар бригадирлар, табелчилар, колхоз раислари, солиқ йиғувчилари ва туман раҳбарларининг шафқатсизлиги, ўйламасдан қарор чиқариши ва фақат "менинг айтганим бўлади" дейишлари ҳаммасидан ошиб тушар эди. Ҳар бир хўжаликка 40 кг. дан гўшт ва тухум, сарёғ, қўй жуни солиғи солинган. Солиқ вақтида тўланмаса солиқчилар томонидан уйдаги мол, қўй, товуқ ва бошқа қўлга илинадиган буюмлар мусодара қилинган ва хонадон эгаси жаримага тортилган.

Ҳар бир бригаданинг дала шийпонида катта қозонда ялама (буғдой ёки макканинг янчилгани) еки ошқовоқ солинган овқат, лавлаги пишиғида қайнатилган лавлаги тайёрланар эди. Барча бригада аъзолари бир вақтнинг ўзида тушликка чиқишган. Бунинг учун колхоз раиси Тўйчи Ибрагимов Марғилондан Омон ака деган одамни чақирган. Бу инсон Марғилонда "Омон карнай" номи билан машҳур бўлган. Омон карнай ҳар куни эрталаб Марғилондан пиёда Қумтепага келган ва ҳозирга янги "Мўйи Муборак" қабристони ўрнида бўлган марказий дала шийпонига бориб, роса соат 13 00.да,шийпон томига чиқиб карнай чалган. Барча бригада аъзолари тушликка чиқиб овқатланиб, яна ишларига қайтишган. Омон карнай ҳам қорнини тўйғазиб яна Марғилонга пиёда кетган. Бу аҳвол ҳар куни такрорланар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Очлик ҳиси шунчалик даҳшатли эдики, ёш болалар ҳам бир бурда арпа нони учун, бир қошиқ ялама ёки бир дона лавлаги учун оналарининг ёнида меҳнат қилишган.

Бир куни қўшнимиз Дилбар ая уйимизга кириб онамдан мени бирга Марғилонга бориб келишимизни илтимос қилди. Фронтга кетиш навбати Қумтепадан бир неча йигитларга, шунингдек унинг эри Сўфи тоғага ҳам келган экан. "Сўфи тоғангни олдига Марғилонга укаларингни кўтариб кўрсатиб келсак" деди. Менга бир дона сомса ҳам бердилар. Жуда ширин экан. Қанд лавлагидан тайёрлаган экан. Ўзлари билан тўрт дона сомсани тугиб олдилар. Уч фарзанди билан Марғилон станциясига қараб пиёда йўлга тушдик. Гоҳ болаларни кўтарамиз, гоҳида уларни етаклаймиз. Шу аҳволда базўр Горчаковга етиб бордик. Вокзал биз каби яқинларини кузатгани чиққан одамлар билан лиқ тўла. Йигитларни ота-оналари билан хайрлашиш учун рухсат берилди. Бу кўришиш улар учун энг охиргиси эканлигини ҳеч ким билмасди. Сўфи тоға ҳам келиб болалари билан қучоқлашиб уларни бағрига босиб турди. Кўзларида ёш. Дилбар ая олиб борган тугундаги тўрт дона сомсани шу заҳоти Сўфи тоғани кўлига берди-да, "Йўлда еб кетасиз" деди. Ҳаммани вагонга чиқишлари тўғрисида буйруқ янгради. Яна қий-чув билан хайрлашиш бошланди. Бу хайрлашиш онгларини ҳар вақт эсласам юрагим орқага тортиб кетади. Чунки кўпларнинг дийдори қиёматга қолган эди.

Биз яна уч бола билан Қумтепага қайтиб келдик. Кўп ўтмай урушнинг асорати бизгача етиб келди. Озиқ-овқатнинг етишмовчилиги туфайли юртда очарчилик бошланди. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби Қумтепада ҳам одамлар нон топа олмагач очдан ўлиб қолмаслик учун турли кўкатларни ҳам, қорамолларга бериладиган кунжарани ҳам ея бошладилар. Дилбар ая ва уч нафар боласи ҳам кунжарадан кўпроқ истеъмол қилган бўлсалар керак, Мелибой, Бан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нобжон исмли ўғиллари ва бир қизи бирдан шишиб кетиб ўлиб қолдилар. Улардан сўнг Дилбар ая ҳам вафот этди".

Болалик кезларимизда уруш йиллари очлик азобини бошидан кечирган отахон ва онахонларнинг нон билан боғлиқ кўп хотираларини эшитган эдик. Уларнинг айтишларича бир бурда қотган нон бўлагини талашиб ҳатто баъзи болалар бир-бирини бурнини қонатган бўлсалар, нон ўғирларини ўласа ҳолатга келтириб калтаклашгача бориб етганлар. Бу ҳақда "Етим" рисоласининг муаллифи марғилонлик Бадриддин ҳожи Фозилжон ўғли шундай ҳикоя қилади:

"Ноннинг ўрнини босадиган, энг лаззатли таом дунёда бўлмаса керак. Шунинг учун аждодларимиз нонни ҳамиша ардоқлашган, азизу мукаррам билиб, кўзларига суртишган. Инсон яралибдики, қанчадан-қанча очарчилик, қаҳатчилик балоларига йўлиққан. Бу офатлардан бутун бир қабилалар, юртлар, мамлакатлар қирилиб кетган. Мен учун ҳам нонлан азизроқ таом дунёда йўқ. Бир воқеа кечагидай ёдимда.

Даҳшатли уруш йиллари эди. Марғилон шаҳрининг ҳозирги деҳқон бозори равоти олдида оломон бировни "уркалтак" қиляпти. Нима дейсан саватда тандирдан узилган пиёланинг оғзидек келадиган зоғора нонни нонвой бола бозорга сотгани олиб чиқаётган экан. Қорни оч, икки-уч кун оғзига туз тотмаган гадо саватга ташланиб, ҳовури чиқиб турган нонларни оғзига зўр бериб тиқарди. Нонвой эса додлаб, одамларни ёрдамга чақирарди. Оломон, ер бағирлаб нонни чайнамай ютаётган гадони тепкиларди, у эса калтакларга ҳам парво қилмай, бўғзидаги нонни ютиш билан овора эди. Охири "Бўлди урманглар, ўзи ўлиб қолади", — дейишди.

Мен бориб қарасам, гадо оғзидаги нонни тишлаганича ўлиб ётарди. Ана шу воқеани, бор ҳақиқатни, ҳозирги ёшларга айтсанг ишонмай кулишади. Гоҳида масхаралагандек бўлишади. Ахир, бу ҳаммаси ҳаёт ҳақиқати-ку! Ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаҳатчилик даврида бировнинг “қорним нонга тўйди” деганини эслолмайман. Менга ўхшаш бошпанасиз, етим, юпун болаларнинг нечтасини очлик ёстиғини қуритмаган?! Одамлар жон беришларида нон, нон ва яна нон, деб қазо қилганлари кўз ўнгимдан сира кетмайди. Кунжара еганлар, даладан, ер остидан чиққан ажриқ томирини қовуриб еганлар тирик қолмаган.

Шаҳарнинг деҳқонлар чойхонаси рўпарасида хамир сотиларди. Одамлар эрта саҳардан кечгача, ҳатто кечалари ухламай, навбатга турна қатор бўлишиб туришарди. Хамирни раҳматли Собир Мирзаев деган йигит сотарди. Навбатинг етганда рўмол ёки халтангни очиб турасан, капгир билан хамирни солади-да тарозида тортиб пулини олади. Хамир олиш навбатида тирбандликдан нимжон одамлар оёқ остида қолиб жон берганини кўрганман”[84].

Маълумотларга кўра Кютинен Даниел Иванович - нон заводида нонвой касбида ишлаган. 1942 йил иккинчи жаҳон уруши пайтида 59 ёшида иш жойида очликдан оламдан ўтган. Бошқалар учун нон ёпган, лекин ҳаттоки ушоғини ҳам емаган.

Шу ўринда 101 ўзбек нафар ўзбек жангчисини нон билан боғлиқ воқеасини келтириб ўтсак.

Голландиянинг Амерсфорт шаҳри ёнида ўрмонга ҳар йили юзлаб ёши улуғ инсонлар йиғилишиб, бу ерда иккинчи жаҳон уруши вақтида фашистлар томонидан шафқат-сизларча отиб ташлаб 101 нафар ўзбек аскарларнинг хотирасига бағишлаб, шамлар ёқадилар, Ўзлари танимаган ва билмаган инсонлар шарафига шу тарзда эҳтиром кўр-сатадилар. Хўш уларнинг бу даражада эҳтиромларига нима сабаб бўлган?

Голландиялик журналист Ремко Рейдинг изланишлари давомида “Амерсфорт” конецлагерида ҳалок бўлган ўзбек

[84] Бадриддин ҳожи Фозилжон ўғли. Етим. – Ф.: Фарғона, 1997. –Б.17-18.

www.ziyouz.com kutubxonasi

асирларининг жасорат ҳақида маълумотларни аниқлашга муяссар бўлади. Бу маълумотлар кейинчалик дунё юзини кўргач, миллионлаб инсонлар 101 ўзбек жангчисининг матонати ва жасорати олдида бош эгдилар.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида 1941 йилнинг кузларида фашистлар махсус поезд билан оккупация қилинган Голландияга 101 нафар ўзбек миллатига мансуб асирларни "Амерсфорт" деб аталувчи ўлим лагерига олиб келадилар. Бу ўлим лагерида оддий ўзбек асирлари Йозеф Геббелснинг сценарийсига кўра фашистлар армиясини жанговарлик руҳини кўтаришда муҳим рол ўйнаши лозим эди. Аммо унинг бу жирканч режаси ўша оддий 101 нафар ўзбек асирларининг буюк жасоратлари туфайли амалга ошмади.

Маълум бўлишича"Амерсфорт" конецлагерига олиб келинган 101 нафар ўзбек асирлари устидан "махсус назорат" ўрнатилган. Ўзбек асирлари очиқ майдонда худди қўрага ўхшаш жойда сақланиб, энг оғир ишларга жалб қилинган ва уларга деярли овқат берилмаган. Бу ҳам етмагандек тингмай калтаклаб турилган. Уларни шу тарзда одамийлик сийратидан маҳрум қилмоқчи бўладилар. Бошқа асирлар уларга худди ҳайвонга қилинган муносабатни кўриб ҳатто тааж-жубга тушганлар.

Маълум бир вақт ўтиб лагерга фашистларнинг бир гуруҳ казо-казо ҳарбийлари Германиянинг энг зўр кино тасвирчи ва режиссёрлари билан ташриф буюрадилар ва тўғри ўзбек асирлари томон йўл оладилар. Кўпдан бери режа қилган ва тасвирга олмоқчи бўлган кўриниш ваниҳоят тайёр бўлганидан кайфиятлари чоқ эди. Чунки ўзларини олий насаб деб ҳисобланган бу қонхўрларнинг қаршиларида неча ойдан бери доимий хўрлик ва азоблар остида эзилган, очликдан терилари суякларига ёпишиб қолган офтобнинг тиғидан юзлари қорайиб кетган афтоҳол асирлар турарди. Шу вақтда асирлар олдига машина келади. Унда ҳатто

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўқларни ҳам иштаҳани қўзғатувчи хушбўй иссиқ нонлар бор эди.

Аслида кўпдан буён кутилган ушбу қабиҳ режанинг айнан юқори нуқтаси ҳам шу нон билан боғлиқ эди. Нон очдан ўлаёзган асирлар устига ташланиб, уларнинг нон учун талаб тортишишлари, бир-бирини бир бурда нони деб қонларини ичишлари кутилганди. Агар шу тасвирлар олинса Буюк Рейхнинг машҳур фильмига айланиши кутилганди. Фильмни кўрган солдатда одамсимон бундай қаланғи-қасанғиларга нисбатан сира шафқат ҳисси қолмаслиги керак эди. Чунки Москва остоналаридаги мағлубиятининг аламига чидай олмаган Гитлер қудратли армиясини руҳиятини кўтаришга хизмат қиладиган тасвирлар олиниши борасида махсус топшириқлар берган эди.

Аммо вазият батамом акси бўлди. Нон асирларнинг ўртаси ташланган вақт, асирларнинг энг ёши келиб эҳтиётлик билан нонни олади ва уч марта ўпиб ораларидаги энг ёши улуғнинг қўлига таъзим қилиб топширади. Барча ўзбек асирлар шарқона одатга кўра бир давра бўлиб чордона қуриб ўтирадилар. Уларнинг ҳар бирга ушбу бир буханка нондан бир ушоқдан бўлиб тарқатилади. Асирлар кафтларидаги ушоққина нонни худди ўзбек паловини егандек шошилмасдан ҳузур билан чайнаб ютадилар ва барчаси Яратганга қайта-қайта шукрлар айтадилар.

Бир оз олдин " Бу ифлос махлуқчалар нон учун бир-бирини уриб ўлдириб, ажойиб тасвирларнинг гувоҳ бўлишига ишонган фашистлар бу ҳолатдан қаттиқ ғазабга тушадилар. Айрим тарихий маълумотларга кўра Геббелсни ўзи ҳам ўша воқеада иштирок бўлган. Ўзбек асирлари устидан ўтказилган тажрибаси омадсизликка учраганидан жаҳл отига минган Геббелс 101 нафар ўзбек асирларига шафқат қилинмай отиб ташланишига буйруқ беради. Унинг буйруғи бажарилиб, барча асирлар отиб ташланади.[85]

[85] Rustam Qobil BBC World Service, Amersfoort 9 May 2017.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Голландиянинг “Амерсфорт” концлагерида ҳалок бўлган 101 нафар ўзбек аскари воқеаси нацистлар ирқий назариясининг барбод бўлиши, ҳарбий антропология, кино-пропаганда ва жамоавий омон қолиш психологияси нуқтаи назаридан муҳим илмий-тарихий ҳодисадир. Нидерландиялик тадқиқотчи ва журналист Ремко Рейдинг (Remco Reiding) изланишлари орқали дунёга машҳур бўлган бу воқеани қуйидаги илмий концепциялар асосида таҳлил қилиш мумкин:

1. Нацистларнинг ирқий доктринаси ва пропаганда тажрибаси.

Гитлер Германиясининг идеологияси “аририйлар”нинг устунлиги ва бошқа халқларни “Untermensch” (инсондан паст мавжудот) сифатида таснифлашга асосланган эди.

• **“Молотов фронти»дан кейинги руҳий инқироз:** 1941 йил кузида Смоленск ва Москва остоналаридаги қаршилик Вермахтнинг “блицкриг” (чақмоққор уруш) режасини чипакка чиқарди. Немис аскарлари ўртасида фронтдаги руҳий тушкунликни енгиш учун Геббелс бошчилигидаги пропаганда вазирлигига “одамсимон, ваҳший ва маданиятсиз асирлар” образини кўрсатувчи ҳужжатли фильм суратга олиш топшириғи берилади.

• **Эксперимент учун этнос танлови:** Марказий осиёлик (хусусан ўзбек) аскарлар ўзларининг ирқий антропологик кўриниши ва ташқи қиёфаси билан нацист кинорежиссёрлари учун “йиртқич асир” образини яратишга энг мувофиқ номзод деб топилган.

2. Маданий ва этнографик детерминизм (“Нон” семантикаси).

Воқеанинг кульминацион нуқтаси — очиқ майдонга ташланган бир буханка нон атрофида содир бўлган жараёндир. Бу ҳолат Нацистлар психологик модели ва Ўзбек этнокултурал коди ўртасидаги тўқнашувни кўрсатади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таҳлил мезони	Нацистларнинг кутиш модели	Ўзбек аскарларининг амалий реакцияси
Биологик хулқ-атвор	Экстремал очлик шароитида инстинктлар устун келиб, нон учун бир-бирини ўлдириш.	Жисм оч бўлса-да, ижтимоий ва маданий одатларни (“чордона қуриб ўтириш”, “ёши улуғга эҳтиром”) сақлаб қолиш.
Нонга муносабат	Шунчаки озуқа ёки ҳаёт учун кураш қуроли.	Табаррук неъмат: нонни ўпиш, пешонага суртиш, Яратганга шукроналик ва уни тенг бўлишиш.
Ижтимоий структура	Тўдалашиш ва жамиятнинг парчаланиши.	Иерархия, интизом ва субординацияни тиклаш.

3. Экзистенциал матонат ва идеологик мағлубият.

Нацистлар ўзбек аскарларини очлик ва қийноқлар орқали инсоний сийратдан чиқариб, “ҳайвоний даражага” туширишни мақсад қилган эди. Аммо, 101 нафар аскарнинг хатти-ҳаракати акс эффект берди:

- **Инсоний қадр-қимматнинг ғалабаси:** Очликдан териси суягига ёпишган асирларнинг нонни бўлишиб ейиши ва ёши улуғни ҳурмат қилиши уларнинг жисмонан асир, лекин **руҳан эркин ва маънан устун** эканини исботлади.
- **Тажрибанинг барбод бўлиши ва “Отиш буйруғи”:** Геббелс киностудияси кутган режа барбод бўлгач, бу мағлубиятни яшириш ва фактни йўқ қилиш учун 1942 йилнинг баҳорида (апрель ойида) 101 нафар аскарнинг барчаси Амерсфорт ўрмонида отиб ташланади.

4. Жамоавий хотира ва европадаги эҳтиром фактори.

Голландия аҳолисининг ҳар йили Амерсфортдаги “Rusthof” қабристонида ва ўрмонда шамлар ёқиб хотирлаши

www.ziyouz.com kutubxonasi

социологияда **“Жамоавий хотира” (Collective Memory)** ҳодисаси билан изоҳланади:

- **Одатий фронт хотирасидан универсал гуманизмга:** Голландияликлар бу 101 нафар ўзбекни ўз юртдоши ёки қариндоши бўлгани учун эмас, балки нацизм ва шафқатсизлик қаршисида инсонийлик шарафини сақлаб қолган буюк маънавий тимсол сифатида эъзозлайдилар.
- **Ремко Рейдинг феномени:** Тадқиқотчи томонидан олиб борилган архив изланишлари урушнинг номаълум саҳифаларини очади ва Марказий Осиё халқларининг Иккинчи жаҳон урушидаги глобал ғалабага қўшган маънавий ва жисмоний ҳиссасини халқаро даражада эътироф этилишига хизмат қилади.

Мазкур воқеа — инсон ҳар қандай ваҳшиёна ва экстремал шароитда ҳам ўз қадриятлари, эътиқоди ва миллий ўзлигини йўқотмасдан қолиши мумкинлигининг жаҳон тарихидаги энг ёрқин ва камёб саҳифаларидан биридир.

Ҳусайн Икромхон (1917-2005) Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ хотираларида худди шунга ўхшаш воқеани ҳикоя қилган: “Куннинг энг хурсандлик онлари, соатлаб тушимизга кирган бир бўлак азиз ноннинг лагернинг катта эшигидан ичкари кириб келган пайти эди. Кеч соат 5 бўлганида, йиғилиб блокдаги темир ойналар орқали катта эшикка қараб ўтирдик.

Юк араваси эшикдан киргани кўрилиши билан, блокда “Информация бюроси” ишга тушарди. Ҳар томондан: “Нон келди, нон келди!”, деб хурсандлик билан бақиришлар эшитиларди. Бу хушхабарни эшитиб, худди қоринлари тўйгандай ҳис қилганлар блок ичида рақс тушиб юришарди.

Блокда аввалдан рўйхатга олинган олти кишилик гуруҳларга биттадан нон бериларди. Бир киши нонни картон қоғоздан ясалган тарозида граммлаб бўлиб чиқарди. Ондан бир бўлак кесилар, қолган қисмлар шунга тенглаштириларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнг олти киши давра бўлиб ўтириб, гўё дастурхон ёзардик. 300–350 граммлик нонни олдимизга қўйиб, дуо кутиб ўтирардик. Биздан бир оз каттароқ бир ака бор эди. Унга Мухтор ака дер эдик. Бироз Қуръон таълимини олган эди. Унинг “Фотиҳа”сидан кейин нонни ҳатто бир ушоғи қолмагунича нонни чойга ботириб ейардик. Мухтор ака биз ва бизга тегишли уч гуруҳнинг маънавий раҳбари эди. Биз унинг айтганларига амал қилишга, хусусан, ноннинг битта ушоғини ҳам исроф қилмасликка қасам ичган эдик.

Мухтор аканинг дуоси, унинг йўлидан боришимиз, унга итоат қилишимиз ва берган ваъдамизга вафо қилишимиз — асирлик ҳаётимиздан, фақат тери ва суяк бўлиб қолган бўлсак ҳам, қутулишимизга ёрдам берди. 7–8 ойлик асирлик давомида Аллоҳ таоло бизга ҳар куни берган 300–350 грамм нон билан очликдан асраб турди.

Мухтор ака ҳар куни ухлашдан олдин бизга “Калимаи шаҳодат”ни такрорлатарди. Қатъий иродали, энг оғир кунларда ҳам умидини йўқотмаган инсон мақсадига етади, дерди. Блокда жуда кўп сигарета чекишадиганлар бор эди. Улардан кўпчилиги нонларининг 25–30 граммини сигаретага алмаштирардилар.

Асир тушган пайтда бошқалардан махорка (арзон тамаки) йиғиб, сумкасида сақлаган айёрлар шу тамакидан сигарета ясаб, блок ичида “сорок, сорок” деб юришарди. “Сорок” рус тилида “қирқ” деган маънони англатади. Газета қоғозидан узун сигарета ўраган айёр киши, хоҳловчига сигаретанинг 40 фоизини, яъни учдан бир қисмини ўлчашга рухсат берар ва эвазига 25–30 грамм нон оларди. Бу келишувни бир неча ой аввал 100–120 нафар аскарнинг командири бўлган одамлар ҳам қиларди.

Германияликлар кузда ҳосил йиғиш мавсумида поляк деҳқонларига ёрдам бериш баҳонасида асирларни лавлаги, қанд лавлаги ва картошка териш учун олиб кетишарди. Бундай ишларга чиққанлар ўша кунни ўзлари учун омад деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

биларди. Чунки оч одам қанд лавлагини хом еса ҳам, зарари йўқ деб ўйларди — ишлаётган жойида қорнини тўйдириб, қайтарди.

Бундан ташқари, ишга чиққан ҳар бир киши қайтишда қўлтиғи остига, ички кўйлагининг камарчасига жамлаб, ҳатто бўлакларга бўлиб оёғининг тиззасидан пастга боғлаб, бир-икки картошка ёки лавлаги олиб келарди.

КМГ эшигидаги назоратдан ўтказишга уринар эдилар. Бу "ўлжа"ларни ичкарига олиб кириш эшикда турган қўриқчиларнинг инсофига боғлиқ эди. Чунки эшикда турган немис аскарларининг баъзилари фақат "бошлиқ кўрсин" деб, жуда текширмасдан, юзаки қарар, бирор нарсани пайқасалар ҳам ҳеч нарса демай олиб киришга рухсат бериб қўяр эдилар.

Фашистлик ҳиссиёти кескин бўлганлар эса, асирларнинг устидан нима топишса тортиб олар, устларидан бир-иккита калтак уриб, сўнгра ичкарига қўйиб юборишарди. Асирлар "ўлжалар" билан ушланганликларида яхши калтак еб қолишлари мумкинлигини билардилар. Аммо очлик калтакдан бўлган қўрқувдан ҳам кучли эди. Даладан нима олиб келиб лагерга олиб киролганлар учун ўша кун ва кейинги кун байрам каби ўтарди.

Бизнинг блок эшигидан кирганда, узун коридорнинг охирида, ўнг томонда 15 квадрат метрлик бир хона бор эди. Бу хонанинг ичида катта ўчоқ (печка) бор эди. Немислар блокларни ўзлари иситмас эдилар, шунинг учун ишга чиққанлар ўтин олиб келиб, бу ерда ёқишса, аралашмасдилар. Ишга чиқиб, "ўлжа" келтирганлар, ўтин келтирганлар билан келишиб, картошка, лавлаги, шакар лавлагиси каби егуликларни пишириб, ўзаро бўлишиб, дўстларига ҳам берар эдилар.

Куз ҳосили йиғилиши тугаши билан, ўрмонда дарахт кесиш ва вагонлардан кўмир тушириш ишлари бошланарди. Қиш вақтига тўғри келган бу ишларга чиқишдан ҳамма қўрқарди, чунки кўплаб асирларнинг совуққа чидамли по-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йабзали ва кийими йўқ эди. Немислар бу иш учун ишчи йиғишга келганларида, ҳамма титрарди. Ҳафтасига икки-уч кун навбатма-навбат 50-60 киши ишга чиқарди. Айримлар ҳатто бир пиёла чой ичмасдан, нонушта қилмасдан, оч ҳолда чиқишарди. Исмлари ўқилганлар 30 дақиқа ичида тайёр бўлишлари керак эди. Ҳеч ким ишга чиқмай қолиши мумкин эмасди. Исми ўқилганлар орасида айримлар титраб қўрқар эдилар. У кириб, бошини девордан деворга урар, юракларни парчалаб ташлайдиган даражада қичқирарди. Бундайларни дарҳол блок ёнидаги изоляторга соларди.

Бундан ташқари, ўрмонга тушган биринчи қор орасида табассум билан ёш чимни еганлар ҳам бўлди. Улар ҳам дарахт ширасини ялаганлар каби жуда оғир азоб чекдилар, изоляторга тушганлар орасида фақат шифокорлар уларнинг ичакларини ювганларидагина ҳаёт сақлаб қолинган. Кейинчалик изолятордан келадиган чақириқлар тонггача давом этар эди. Ҳеч ким уларнинг оғриғини енгиллатадиган нарса бермасди, балким шундай дори ҳам бўлмас эди. Вақти-вақти билан медсестра ёки санитарлар келар эдилар. Улар касалларнинг оғриғини енгиллатиш учун сут ёки дорилар берар эдилар. Лекин бу нарсалар ҳам ёрдам бермас эди.

Чунки бу мажруҳлар тонггача буюмлар йиғлар эдилар. Бир марта изоляторда икки-уч киши бир вақтда бўлган ва тун яримидан сўнг уларнинг овозлари сустлашган. Чақириқлар тонгга яқин деярли бутунлай тўхтаган. Биз касалларнинг азобдан чарчаб ухлаб қолган деб ўйлаганмиз. Шундай кечаларда биз ҳам уйқусиз кечар эдик. Бир нечта дўст бирлашиб, дуо қилиб, Худодан ёрдам сўрар эдик. Гўёки биз ҳам улар билан бирга азоб чекиб турардик. Ҳатто баъзи дўстлар йиғлар эди. Эрталаб изолятордаги аскарлар ўлим уйқусига кетганлари ҳақида хабар тарқалди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айтишларича, нафсга мағлуб бўлган одам балога олиб келади. Нафсини назорат қилиш учун эса темир ирода ва сабр керак".[86]

Ҳусайн Икромхоннинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги немис концлагерлари (нацистлар асирлиги) ҳақидаги ушбу хотиралари ҳарбий антропология, омон қолиш психологияси (Survival Psychology), лагер социологияси ва диний-ахлоқий микро-тарих нуқтаи назаридан бебаҳо хужжатли манбадир.

Ушбу хотираларни қуйидаги академик йўналишлар бўйича таҳлил қилиш мумкин:

1. "Маънавий Ядро" ва Омон қолиш психологияси (Мухтор ака феномени).

Концлагерлар тадқиқотида (масалан, Виктор Франклнинг "Инсоннинг маъно излаши" асарида) очлик ва қийноқ шароитида фақат жисмоний бақувват аскарлар эмас, балки **ички маънавий ва ахлоқий устунга эга бўлганлар** омон қолгани исботланган.

- **Микро-жамият ва Алгоритмлаштириш:** Мухтор ака бошчилигидаги 6 кишилик гуруҳ шунчаки омон қолиш гуруҳи эмас, балки "**ижтимоий ва маънавий институт**" вазифасини ўтаган.
- **Нон ритуали ва исрофсизлик қасами:** 300–350 граммлик нонни граммлаб тарозида тортиб бўлиш, Мухтор аканинг "Фотиҳа"си билан нонни ушоғигача чойга ботириб ейиш ва исроф қилмасликка қасам ичиш — инсоннинг тушкунликка тушишига йўл қўймайдиган маданий-диний психотерапия (ритуал) вазифасини ўтаган.
- **Ирода ва нафс назорати:** Муаллифнинг *"тери ва суяк бўлиб қолган бўлсак ҳам қутулишимизга ёрдам берди"* деган хулосаси экзистенциал психологиянинг олий исботидир.

2. Лагер иқтисодиёти ва девиант маиший патологиялар.

[86] Hüseyin İkram Han Bir Türkistanlının 2. Dünya savaşi hatiralari. BEDİR, İstanbul. 1999. -Б.75-78.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Матнда лагер ичидаги яширин иқтисодиёт (“қора бозор”) ва очлик шароитидаги инстинктлар тўқнашуви аниқ тасвирланган:

Лагердаги ҳодиса	**Тарихий-социологик таҳлил**
Нонни тамакига алмаштириш («Сорок» феномени)	Қарамлик ва суст иродалилик индикатори. Тамакига қарам асирларнинг кунлик ҳаёт-мамот манбаи бўлган 25–30 гр нонини сигаретага алмаштириши — нафснинг жисмоний омон қолиш инстинктидан ҳам устун келишини кўрсатади.
Мақом ва статуснинг йўқолиши	Сўнгги нон бўлаги эвазига тамаки савдосига 100–120 кишилик собиқ командирларнинг ҳам аралашиши — экстремал шароитда илгариги ижтимоий статус ва ҳарбий унвонлар ўз аҳамиятини бутунлай йўқотишини кўрсатади.
“Ўлжа” ва Хавф коэффициенти	Лавлаги ва картошкани ички кўйлакка, оёққа боғлаб олиб кириш — асирлар учун очликдан ўлиш хавфи немис сокчиларининг калтагидан кўра кучлироқ (олий хавф) бўлганини исботлайди.

3. Биологик Инстинкт ва “Соматик инқироз” (Чим ва дарахт шираси ейиш).

Матндаги очликдан ўзини йўқотиб, биринчи қор остидан чим еганлар, дарахт ширасини ялаганлар ва изолятордаги ўлим манзаралари **психосоматик ва биологик трагедиядир**:

- **Очлик психози (Starvation-induced psychosis):** Инсон организми энг охирги очлик босқичига етганда, бош мия хом ўсимлик ёки еб бўлмайдиган нарсаларни ҳам озуқа сифатида қабул қилади (патологик биологик инстинкт).

www.ziyouz.com kutubxonasi

• **Изолятордаги чинқириқлар ва “Ўлим сукути”:** Очликдан ичаклари буралиб ўлаётган асирларнинг кечаси билан қичқириб, тонгга яқин жим бўлиб қолиши — немис концлагерларидаги тиббий ва гуманитар фалокатнинг, инсон жисмининг физиологик лимитлари тугашининг аччиқ тарихий ҳақиқатидир.

4. Диний ва ахлоқий гуманизм (Эмпатия ва Иймон).

Икромхон ва унинг дўстларининг изоляторда қий-налаётган дўстлари учун кечалари йиғлаб дуо қилишлари, Мухтор аканинг ҳар куни ухлашдан олдин “Калимаи шаҳодат”ни такрорлатиши — энг шафқатсиз нацистлар лагерида ҳам одамлар ўз эътиқоди ва одамийлигини сақлаб қолганини кўрсатади.

Мазкур хотиралар — “Нон — фақат озуқа эмас, балки инсонни иродали, сабрли ва инсонийлик қиёфасида сақлаб турувчи маънавий-экзистенциал ресурсдир” деган ғояни тарихий ва жисмоний жиҳатдан асослаб берувчи ноёб мемуардир.

Таъкид жоизки, ўзбек жангчиларининг нонга бўлган ҳурмати тўғрисида ўша даврда нашр қилинган матбуот саҳифаларида ҳам маълумотлар учрайди. Бу ҳақда 1944 йилда “Суворовчи” газетасида чоп этилган “Муқаддас бурч” номли мақолада шундай ҳикоя қилинади:

“...Ўзбек фарзанди – Ҳайдаров миллионлар қаторида ватанни мудофаа қилиш учун: “Ўзбек, жангга!” – дегандаёқ ўз арғумоғи жиловини тутган, “Мен тайёр”, – деб Сталинград, Москва бўсағаларида душманга қарши ҳамла қилган ўзбек йигитларининг биридир. Мана у бу сафар бу қишлоққа ҳам биринчи бўлиб бостириб кирди, душманнинг чекиниш йўлларини кесди. Немисларни тутдек тўкди ва уларнинг мустаҳкам таянч пунктини эгаллаб, маҳкамланиб, рота командири ўрнашган команда пункти – тепаликка қараб йўл олди. У ҳаддан ташқари шошилиб бораркан, Фросья кампир ҳам унинг орқасидан тез-тез юра бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рота командири кампирдан кўзини узмай Ҳайдаровга:

– 17 минутдан сўнг сизнинг отделениянгиз ўнг томондан ҳужумга ўтади, – деди.

– Мен тайёр, ўртоқ старший лейтенант, – Ҳайдаров кўкрагини баланд кўтариб жавоб берди.

– Ким у? – сўради рота командири тепалик қирғоғида турган кампирни кузатиб ва унга яқин борди.

– Хўш, онажон, хизмат.

Кампир севинчидан кўзига беихтиёр ёш олди, унинг ўпкаси тўлган, тили сўзга келмасди. У зўрғатдан:

– Қишлоғимизни озод қилганларингиз учун менинг совғам бу! – деди ва қўлидаги нонни бир чимдим туз билан узатди.

Старший лейтенант қаҳқаҳа уриб кулиб Ҳайдаровни ўз ёнига чақирди ва унинг елкасига қоқиб кампирга томон жипслашди.

– Қишлоғингизга биринчи бўлиб кирган қаҳрамонларнинг бири мана шу йигит, – деди.

Шошилиб қолган кампир Ҳайдаровдан кўзларини узмай унинг юзидан чўлп-чўлп ўпди:

– Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Бу яхшиликларингизни халқ асло унутмайди. Сизлар келгунга қадар бизларнинг юрагимизга чироқ ёқса ёримас, дилимиз хуфтон эди, мана бу нонни енг!

Ҳайдаров кампирнинг ингичка қўлларидан нонни олди ва пешонасига суртиб ўпди, узоқ қараб туриб:

– Онажон, ўзбеклар нонни ҳурмат қилади. Мурувватингизга қуллуқ. Ҳар қанча нон десангиз, халтам тўла, – деди ва таъзим билан нонни яна кампирга узатди-да: – Сизларни озод қилиш – кўп миллатли армиямизнинг бурчи... – деди”[87].

1944 йилги **“Суворовчи”** фронт газетасидан олинган ушбу мақола **уруш даври идеологияси, ҳарбий фронт**

[87] Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. – Т.: Akademnashr, 2017. - Б.139-140.

www.ziyouz.com kutubxonasi

матбуоти пропагандаси ва этнокултурал (миллий қадриятлар) коди ўртасидаги синтезни таҳлил қилиш учун муҳим тарихий-филологик манбадир.

Ушбу маълумотларни қуйидаги академик йўналишлар бўйича таҳлил қилиш мумкин:

1. Фронт Матбуоти ва "Совет ватанпарварлиги» идеологемаси.

Иккинчи жаҳон уруши даври оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси фронтдаги турли миллат вакилларини ягона ғоя атрофида жипслаштириш бўлган.

"Кўп миллатли армия бурчи концепцияси: Мақоладаги *"Ўзбек, жангга!"*, *"кўп миллатли армиямизнинг бурчи"* каби иборалар совет мафкурасининг "**халқлар дўстлиги"** ва **"умумий ватан мудофааси"** назариясини фронтдаги аскарларга сингдириш воситаси бўлган.

Стереотип ва қаҳрамон образи: Ўзбек жангчиси (Ҳайдаров) Сталинград ва Москва бўсағаларида тобланган, жасоратли ва ахлоқан мукаммал қаҳрамон сифатида гавдалантирилади. Бу фронт адабиётидаги типик "**совет қаҳрамони"** образининг этно-миллий хусусиятлар билан бойитилган шаклидир.

2. Ноннинг Сакрал (муқаддас) семантикаси ва "Нон-туз" ритуали.

Матнда славян маданиятига хос "нон-туз" (хлебосоль) билан кутиб олиш ва шарқона "нонни кўзга суртиш" ритуалларининг тўқнашуви ва уйғунлиги кўринади:

Маданий код	**Манбадаги ифодаси**	**Этно-антропологик таҳлил**
Славян анъанаси (Фросья кампир)	Озодкорни нон ва бир чимдим туз билан кутиб олиш	Миннатдорчилик, тинчлик, меҳмондостлик ва ҳаёт давомийлиги ифодаси.
Ўзбек	Нонни олиб	Нонни шунчаки озуқа эмас,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маданий код	Манбадаги ифодаси	Этно-антропологик таҳлил
этнокоди (Ҳайдаров)	пешонасига суртиш, ўпиш ва узоқ тикилиш	балки “**табаррук неъмат”** деб билиш. Пешонага суртиш — сакрал ритуал бўлиб, неъматни яратганга ва уни етиштирганга бўлган олий ҳурматни билдиради.

3. Ҳарбий этика ва жасорат психологияси.

Жангчи Ҳайдаровнинг кампирга нонни авайлаб қайтариб бериши ва *“Ҳар қанча нон десангиз халтам тўла... Сизларни озод қилиш — бурчимиз”* дейиши ижтимоий психология жиҳатидан икки муҳим жиҳатни очади:

Инсонпарварлик ва камтарлик: Аскар оккупацияда бўлиб очлик, қаҳатчиликдан азият чеккан тинч аҳолидан (кампирдан) нон олишни ахлоқий нуқтаи назардан ўзига раво кўрмайди. Бу совет аскарининг **“озодкор ва суянч”** образини мустаҳкамлайди.

Таъминот ва руҳий устунлик: Аскарнинг “халтам тўла” дейиши армия таъминотининг мустаҳкамлигини ва душман устидан маънавий-руҳий устунликни намойиш этишга хизмат қилган.

4. *Лингвистик ва стилистик хусусиятлар.*

1944 йилги матбуот тили ўзига хос ҳарбий-публицистик пафосга эга. Матндаги”*аргумоғи жиловини тутган”*, “*немисларни тутдек тўкди”*, “*юрагимизга чироқ ёқса ёримас”*каби иборалар халқ оғзаки ижоди ва миллий поэтикага яқин бўлиб, ўқувчига (аскар ва фронторти меҳнаткашларига) ҳис-хайрихоҳлик (эмпатия) уйғотишга қаратилган.

Бу манба — Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек аскарларининг нафақат жасорати, балки уларнинг миллий-маънавий дунёқараши (нонни муқаддас билиш одати) фронт пропагандасида қандай унумли фойдаланилгани ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳужжатлаштирилганини исботловчи қизиқарли тарихий-этнографик материалдир.

Уруш йилларида “Ош – пайғамбар, нон - авлиё” ибораси жуда машҳур бўлганлигини кексалардан кўп марта эшитганмиз. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов уруш йилларида ўтган даврини ёдга олар экан, бахтсиз кечган болалик, нон топса меҳрга, меҳр топса нонга зор бўлган йилларни қуйидаги сатрларни ёзган эди:

Урушнинг охирги йилин эслайман,
Биз саҳардан нонга навбат
олардик.
Бола эдик,
Уйқу элитиб баъзан,
Деворга суяниб ухлаб олардик.

Дўкон очилганда,
Жон кириб бизга,
Елкалардан ошиб интилар эдик.
Навбат узун эди, бўйимиз қисқа
Нон кам, халойиқ кўп,
Не қилар эдик?[88]

Дарҳақиқат болалик даври урушга тўғри келганларнинг ягона орзуси уруш тезроқ тугасаю, тўйиб-тўйиб нон ейиш бўлган.

Шоир Усмон Азим айтганидек:

“Орзу – баъзан бу тарзда бўлади:

кўнглингга ёқадиган автомобиль, кўп қават иморатли уч-тўрт ҳовли, Испаниёда вилла, Англиёдаги қадимий сарой, шаҳзода Ульямс иштирок этадиган базм, камида уч-тўрт миллиард евро, “яхта” деб аталган маишат кемалар, жазманликка фақат “дунёнинг энг гўзали” ва ҳоказо.

[88] Воҳидов Э. Сайланма. Иккинчи жилд. Шеър дунёси. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 200. –Б.59.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Орзу – баъзан бу тарзда ҳам бўлади:

Ватанни севиш, озодликка ишониш, ҳақиқатни таниш, бемалол йиғлаш, ҳеч бўлмаса, бир бор бозорда ўйланмай пул сарфлаш, йиқилганни суяш, кулгинг келса – кулиш, орзунинг ортидан кетиш, инсофни ҳар кун яратиб туриш, фақат имоннинг гапига кўниш, ҳалолни "ҳалол", ҳаромни "ҳаром" дейиш ва ҳоказо.

Орзу – яна бу тарзда ҳам бўлади:

бир парча нон,

бир парча нон,

бир парча нон,

бир парча нон…

Эсингдан чиқмасин, орзу шу тарзда ҳам бўлади.

Шу тарзда ҳам…

Эсингдан чиқмасин..."

Бу ҳақда ёзувчи Тоҳир Малик "Шайтанат" асарида шундай ёзган эди:

"Улар панжарага яқин ерда ўйнар эдилар. Ўзлари ўйин билан банд, кўзлари эса бир арава аранг сиғадиган кўчада бўларди. Шу кўчадан уларга нон олиб келишарди! Тош-бақани эслатадиган усти ёпиқ тўрт ғилдиракли арава кўриниши билан барчаларининг зимистон юракларига чироқ ёқилар, "Нон келяпти! Нон! Но-он!!" деган бахтиёр овозлар янграрди. Ҳар сафар уларнинг назарида арава кўпроқ нон келтираётгандай бўларди. Шу умид билан емакхонага киришиб, яна ўша ҳажмдаги бурда нонни кўришгач, "Нега кўпроқ олиб келмайди?" деб ўйлашар, энагаларининг "Сабр қилинглар болалар, уруш тугасин, тўйиб-тўйиб нон еймиз", деган гапларига ишонишарди. Уруш тугаса ҳам тўйиб нон ея олмаётган, ҳануз нон ташийдиган аравани кутаётган болалар сабрга кўникиб қолган эдилар".

Тарихдан маълумки, иккинчи жаҳон уруши вақтида қамалда қолган Ленинград халқининг ҳар бирига кунлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

озиқ-овқати кунжара ва кепакдан тайёрланган 125 граммдан иборат қора нон бўлган. Аммо шу нонга етиша олмай очликдан нобуд бўлганлар сони ярим миллиондан ошган. Булар Пискарёв биродарлик қабристонида дафн қилинган. Ёзувчи Михаил Стрыгинга кўра, аслида ўша йиллари Ленинградда очлик азобидан нобуд бўлганлар сони қариййиб 3 миллионга етар экан. Демак, ҳозирда арзимас бўлиб кўринган бир парча нон ўз вақтида инсонларнинг тақдирини ҳал қилинган.

2014 йил 27 январь куни Германия Бундестагида сўзга чиққан ёзувчи Даниил Гранин (1919-2017) бошларини эгиб, сукутда тинглаётган немис депутатларига Ленинград қамалининг даҳшатларини сўзлаб берганди:

"…Мен сизларга қамал давридаги ҳаётнинг китобларда деярли учрамайдиган, тасвирларда кам акс этган баъзи тафсилотларини айтмоқчиман. Биласизми, қамалнинг ҳақиқий даҳшати айнан шу майда тафсилотларда яширинган. Сувни қаердан олиш мумкин эди? Каналлар, Нева дарёси ёки соҳилларга яқин яшаганлар ўша ерларга боришар, музни тешиб, челаклар билан сув олиб келишарди. Тасаввур қилиб кўринг — бу челаклар билан тўртинчи, бешинчи қаватга чиқиш қандай азоб! Узоқроқ яшаганлар эса қор йиғиб, уни эритишарди. Қорни қандай эритиш мумкин? "Буржуйка" ларда — кичик темир печкаларда. Лекин уни нимада ёқиш мумкин эди, ўтинни қаердан олишарди? Мебелларни синдиришар, паркетларни бузишар, шаҳардаги ёғоч иншоотларни парчалашарди…

Уруш тугаганидан 35 йил ўтгач, — дея давом этди Гранин зални қамраб олган қабр сукутида, — биз беларус ёзувчиси Адамович билан тирик қолган қамал қурбонларини қандай яшаб қолганлари ҳақида сўраб чиқдик. Жуда таъсирли, шафқатсиз икрорлар бўлди. Онасининг кўз ўнгида боласи ўляпти. Уч ёшда. Она жасадни қиш пайтида дераза орасига қўяди. Ва ҳар куни ундан бир бўлакдан кесиб олиб, қизини

www.ziyouz.com kutubxonasi

боқади, ҳеч бўлмаса уни сақлаб қолиш учун. Қизи бу ҳақиқатни билмас эди. У 12 ёшда эди. Она эса ўлишга ҳам, ақлдан озишга ҳам йўл қўймади. Бу қиз улғайди. Мен у билан гаплашдим. У буни фақат йиллар ўтиб билди. Тасаввур қиласизми? Қамалдагилар ҳаёти нималарга айланганини бунга ўхшаш мисоллар билан яна кўп келтириш мумкин…”[89]

Пискарёв қабристонига қўйилган павильонларнинг биридаги ойнаванд жавонда қамал чоғида очликдан ҳалок бўлган Таня Савичеванинг кундалигининг нусхаси намойиш этилган. Ушбу кундалик бор йўғи 9 бетдан иборат бўлиб, ундан олти бетида бир оиладан очликдан жон берган олти кишининг ўлими ва куни қайд этилган холос: “1941 йилнинг 28 декабр куни Женя ўлди... 1942 йил 25 январь куни бувим ўлди... 17 мартда Лека ўлди, Вася тоға 13 апрелда ўлди. Онам 15 майда... Савичевлар ўлди, барчаси ўлди. Фақат Таня қолди”. Гарчанд кейинчалик Таняни қамалдан олиб чиқишган бўлсалар-да, қизча силласи қуриб, очликдан озиб-тўзиб бўлганди. У ўзига келмай вафот этган[90].

Ленинград мудофаасинннг иштирокчиси, Ю. Дворников бу ҳақда шундай ёзган эди: “Ленинград қамал ҳолатида. 195-танк бригадаси таркибида Ленинград мудофаасида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Кўриб-билган ва ўз қулоғим билан эшитган баъзи эпизодлар ҳақида сўз юритмоқчиман.

Жанглардан бирида душманлар снаряди танкимнинг башнясини пачақлади.

— Танкни тўхтатмай, тўғри Киров (собиқ Путилов) заводига йўл ол, уни ремонтдан чиқариб, дарҳол жанг майдонига қайт, — буюрди менга командирим.

---

[89]https://www.facebook.com/nadezda.lubarskaa.384346?__cft__[0]=AZbi3ooeF9pXuGRn-_vnF0n3pf5yjs0EySXYj8RLKEnp0ONubrUmm-Luajm_6C1oM_MEiCf4dSgAGI2ZU26OYHyLIjVNQlUy9PXuPUAZ7_oOMbjZTESLVOYWdf0pXCM5vT3lMr7y7VCm5JgwQLHckC58ZKPvViuKcZY6Gz8uO-g2NpuYfC70CBGnC2gsd7drxdJLQl8WTfAU7o8OR-K_6UKG&__tn__=-UC%2CP-R

[90] Я познаю мир. Санк-Петербург в вопросах и ответах. – М.: АСТ: Астрель, 2007. С.339-340.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўша вақтда фронт линияси бу заводдан атиги 4,5 километр масофада эди. Завод ишини давом эттирар — бузуқ танкларни пешма-пеш ремонт қилиб, фронтга жўнатарди. Гитлерчилар бу корхонанинг революцион хизматларини билишар ва уни вайрон этишга жон- жаҳдлари билан уринишарди. Завод территориясига 770 авиабомба ташлангани ва 4 мингдан кўпроқ снаряд отилганининг боиси ҳам шунда. Корхонанинг кўп цехлари култепа қилинган, бошқалари қор остида қолган. Бироқ, иш давом этарди.

Танкларни асосан 14-16 яшар ўсмирлар, ҳунар билим юртларининг талабалари ремонт қилишарди. Чунки корхона ишчиларининг бари халқ қасосчилари қисмларига жўнаган. Уруш бошланиши билан жонажон заводга ишга қайтган пенсионер қариялар ўша ёшларга бош-қош, устоз эдилар. Тўйиб овқатланиш имкониятига эга бўлмаган чол ва ўспиринлар қаҳратон совуқ ва узлуксиз отишмалар вазиятида танкларни ремонт қилиш билан банд. Бундай даҳшатли ҳолатни сира унутиб бўлмайди!

Кунига 125 граммдан нон олардик. Тағин қанақа нон денг?! Қора хамирга кунжара, озиқавий целлюлоза, яна соя чиқиндиси қўшилар, нонниng ҳидини ҳам сезмасдингиз.

Танкимни ремонт қилишаётган вақтда қамалдаги шаҳарни кўздан кечирдим, Мана, яна битта ҳайратомуз манзара. Ленинградликларнинг хоналари ўта совуқ. Бироқ, ҳеч ким боғ-роғлар ва парклардаги дарахтларни кесмайди. Тахта деворлар, ёғоч уйлар, мебель бузилиб ёқиладию, лекин бирор киши қўлига болта олиб дарахт кесмайди!

Деярли бардош бериб бўлмайдиган оғир вазиятга қарамай, шаҳар аҳлининг ғалабага, фашист газандалари оёқлари Ленинград тупроғини топташига йўл қўйилмаслигига ишончи комил эди. Бундан қўйидаги фактлар ҳам далолат беради:

Ленинградда аҳолининг томоша қилиши учун зоопарк тағин очилди, лекин бошқа ёпилмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таниқли композитор Дмитрий Шостакович қамал шароитларида ўзининг машҳур 7-симфониясини ёзди. Лозим бўлган пайтларда у ёнғинни ўчириш командаси ходимларининг либосини кийиб, Ленинград консерваторияси биносининг муз қоплаган томида тун бўйи навбатчилик қилар ва бинони душманнинг ёндирувчи бомбаларидан сақлар эди.

Ўсимликчилик институти биносининг ертўласида ғалла экинлари 100 мингдан ортиқ нави уруғлигининг нодир коллекцияси сақланарди.

Бу коллекция олимларнинг бир неча авлоди томонидан тўпланган ва бутун жаҳонда мислсиз эди. Институтни эвакуация қилиш имконияти бўлмагач, олимлар бу ғоят бой коллекцияни сақлаб қолишга аҳд қилдилар. Очарчиликка қарамай, олимлар уруғлик ғалла солинган идишлар ёнида кун сайин навбатчилик қилишарди. Бироқ, бирор киши ғалланинг бирор донасига ҳатто кўз олайтиришни ҳам хаёлига келтирмасди.

1941 йил декабрида институт ходими А.Я. Молибога, кўп ўтмай мойли экинлар бўлимининг ходими, ихтиёрида ўнларча пуд ерёнғоқ, кунгабоқар уруғлиги бўлган А.Г. Шукин очликдан ҳалок бўлишди. Шундай бўлди, лекин уруғликлар тўла сақланиб қолди".[91]

Ленинград қамали (1941–1944) ҳақидаги ушбу тарихий-ҳужжатли манбалар тўплами **гуманитар катастрофа, инсон психологиясининг лимитлари, фан этикаси ва маданий ўз-ўзини англаш (цивилизациявий бардош)** феноменларини таҳлил қилиш учун муҳим илмий материал ҳисобланади.

Ушбу маълумотларни бир нечта комплекс академик йўналишлар бўйича таҳлил қилиш мумкин:

[91] Снайперчи Одилов. – Ф.: "Фарғона", нашриёти, 2005. -Б.31-33.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Антропологик ва экзистенциал таҳлил: Маиший ва синовдаги этика.

Даниил Гранининг Бундестагдаги нутқи ва Таня Савичеванинг кундалиги қамалнинг **“майда тафсилотлари”** орқали инсон руҳияти ва жамиятнинг энг оғир гуманитар инқироз шароитидаги ҳолатини очади.

- **Психологик адаптация ва деформация:** Очлик ва совуқ шароитида жамиятнинг ахлоқий устунлари трансформацияга учрайди. Онанинг ўз боласини сақлаб қолиш учун вафот этган бошқа фарзанди жисмини манба сифатида ишлатиши — бу экзистенциал психологияда инсоннинг омон қолиш (survival mechanism) инстинкти ва ақлдан озиш чегарасидаги ўта оғир трагедиясидир.
- **Таня Савичева кундалиги — Тарихий хотира барометри:** 9 бетлик кундалик микро-тарих (micro-history) концепциясининг ёрқин мисолидир. Унда урушнинг глобал сиёсий миссияси эмас, балки алоҳида бир оиланинг босқичма-босқич йўқ бўлиб бориши фундаментал тарзда муҳрланган.

2. Ижтимоий ва Маданий Социология: “Дарахтлар ва зоопарк” парадокси.

Юрий Дворников хотираларида келтирилган айрим фактлар одамларнинг энг чекка қаҳатчиликда ҳам **маданий ва цивилизациявий нормаларни сақлаб қолганини** кўрсатади:

- **Шаҳар экологияси ва жамоат маданияти:** Қаҳратон совуқда уйларни иситиш учун мебель ва тахта деворлар бузилган, лекин парклардаги дарахтларга тегилмаган. Бу ҳолат жамият аъзоларининг шаҳарни келажакда яшайдиган, сақлаб қолиниши шарт бўлган “тирик организм” деб билганидан далолат беради.
- **Маданий ва морал инфратузилма:** Зоопаркнинг очиқ туриши, Д.Шостаковичнинг 7-симфонияси (Ленинград симфонияси) ва унинг ижро этилиши — уруш шароитида

www.ziyouz.com kutubxonasi

санъат ва психо-эмоционал суянчиқнинг нечоғлик муҳимлигини кўрсатади. Маданият бу ерда шунчаки вақт ўтказиш эмас, балки "душманга маънавий таслим бўлмаслик" инструменти вазифасини ўтаган.

3. Фан Этикаси ва Ватанпарварлик: ВИР (Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик Институти) Коллекцияси.

Н.И. Вавилов асос солган Ўсимликшунослик институти ходимларининг хатти-ҳаракатлари **илмий масъулият ва қаҳрамонлик** феномени ҳисобланади:

Илмий феномен	Манбадаги ифодаси	Аналитик таҳлил
Илмий генофондни сақлаш	100 мингдан ортиқ навли уруғлик коллекцияси	Олимлар бу уруғлар урушдан кейинги авлодларни ва қишлоқ хўжалигини қайта тиклаш учун ягона манба эканини англаган.
Фан этикасининг ғалабаси	А.Я. Молибога ва А.Г. Шукинларнинг тонналаб дон ва ёр-ёнғоқ ёнида очликдан вафот этиши	Жаҳон фан тарихида мисли кўрилмаган воқелик. Олимлар учун шахсий биологик омон қолишдан кўра инсониятнинг келажакдаги генетик фондини сақлаш устун қўйилган.

4. Меҳнат ва Фронторти Иқтисодиёти: Киров Заводи

Фронт чизиғидан 4,5 км масофада жойлашган Киров заводининг фаолияти уруш иқтисодиёти ва сафарбарлик (mobilization model) намунасидир:

• **Демографик ўрин алмашиниш:** Қарилар ва 14-16 яшар ўсмирларнинг оғир саноатда танкларни таъмирлаши —

www.ziyouz.com kutubxonasi

уруш шароитида демографик ресурс танқислиги ва ижтимоий ролларнинг кескин ўзгаришини кўрсатади.

• **Экстремал меҳнат шароити:** Суткасига 125 грамм аралашмали (кунжара, целлюлоза, соя) қора нон билан озиқланиб, бомбардимон ва совуқ остида меҳнат қилиш — инсоннинг физиологик имкониятларидан ташқаридаги ҳаракат бўлиб, у ғалабага бўлган ижтимоий эътиқод билан асосланади.

Бу тарихий ҳужжатлар тўплами фақатгина уруш ва қамал даҳшатларини эмас, балки энг оғир офатлар ва очлик шароитида ҳам инсонийлик, маданият, фанга садоқат ва ахлоқий тамойилларни сақлаб қолиш мумкинлигини исботловчи фундаментал тарихий-философик манбадир.

Шу сабабдан–Мушкин Тошкандий ўз ижодида нон мавзусига алоҳида эътибор қаратиб қуйидаги мисраларни битган эди.

Энг азизу мўътабар ҳар кимда бўлган бор нон,
Хонадонда бўлса ҳозир қанчалар тайёр нон.
Ҳар киши таҳқир этиб беҳуда исроф айласа,
Қўрқаман, бир бурдасига қилмагай, деб, зор нон.
Нон ушоғин ҳар киши чин қадру қимматлик, деса
Рўзғори ичра бўлгай хилма-хил бисёр нон.
Нонни ҳурмат айламасдан бўлса бепарво, кўринг,
Доимо умрида бўлгай топмагай душвор нон.
Кунлари бўлса, бировни уйида нон бўлмаса,
Кенг жаҳонни айлагай шаксиз кўзига тор нон.
Нони йўқларни билинг, албатта ёру дўсти йўқ,
Бу азиз инсон учун ҳар жойда дўсту ёр нон.
Боқса нонга чашми таҳқир билан ҳар ким агар,
Қилмагай сероб ани, кўрсатмагай дийдор нон.
Кеча-кундуз, ойу йил, соат ба соат, дам ба дам
Ўйласам, ёшу қарига то абад даркор нон.
Ноз-неъматларни нонсиз файзи бўлмас мутлақо,
Шону-шавкатсиз кўрингай бўлмаса бозор нон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эй гўзал ёшлар, ўғил-қизлар, бўлинглар эҳтиёт,
Ташламанг ҳаргиз оёғни остига зинҳор нон.
Оч эмасман, тўқлигимдан сидқ ила ҳурмат учун,
Қўлга ушлаб кўзга суртай ҳар куни минг бор нон.
Меҳру ихлос бирла, Мушкин, кеча-кундуз ўлтуруб,
Қанча ёзсам шунча камдур мадҳ этиб ашъор нон[92].

Маълумотларга кўра айрим ота-оналар юртда қаҳатчилик ҳукм сурган замонларда очликдан ўлиб қолмаслик учун чорасизликдан фарзандини нон эвазига бировга бериб ҳам юборганлар. Бу ҳақда Толмас Бўриев шундай ёзади: “Балоғатга етмаган қизчасини бир қоп унга алмаштирмоқ ниятида уйимнинг остонасига қадам ранжида қилган бу одам таклифини қабул қилмадим, аммо иложини топиб камбағал қўшнимнинг оиласи эҳтиёжи учун ёрдам сифатида тез-тез ун бериб турар эдик,-деди бир танишим.

Ана шундай замонлар ўтди… Шу воқеани эсласам, қўшнимнинг озғин қизчаси, совуқда қорайиб кетган томирлари кўриниб, терисига ёпишиб қолган ғадир-будур қўлли бу аёл кўз ўнгимда гавдаланади. Нон учун яшаётганимизни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, дегим келади…

Иккинчи жаҳон уруши пайтида ҳаёт-мамот учун кураш лаҳзаларида ўқотар қурол қанчалар муҳим бўлса, нон ҳам шундай керак эди,-деб ўз бошидан кечирганларини мароқ билан ҳикоя қилар эди уруш фахрийси, амаким раҳматли Сайдулло ака.

Ана шундай қалтис вазиятларда солдатларимизни, босқин ҳамда қамалда қолиб кетган барча аҳолини озиқ-овқат, биринчи навбатда нон ва қуритилган нон (сухари) билан таъминлашда қаҳрамонлик кўрсатган инсонларга мақтовлар бўлсин, дегимиз келади. Нонни оч қолганидан шошилиб еяётган солдатларни ҳужжатли киноленталарнинг кадрлари орқали томоша қилгандирсиз? Қор, лой, совуқ, портлашлар, ўқ отишлар, йиғи-сиғи, ярадор бўлиб, қийин

[92] Ҳусайнхон Мушкин Тошкандий. Меҳригиё. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. –Б. 137-138.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаёт хуружига тушиб қолиш, кўз ёши, ёлғизлик азоби – буларнинг барчаси ҳақиқат. Бундан кўз юмиб бўладими? Асло, йўқ!

Урушда нон асосий озиқ-овқат маҳсулоти бўлган. Жангда иштирок этганлар ўзлари жойлашган ҳудудларда нон етишмаётганлигини кузатишган. Маҳаллий ресурсларнинг етишмаётганлиги, фронт орқасидан нон ўз вақтида етиб келмаётганлиги фактларига бефарқ бўлмаган халқ шу қалтис вазиятларда ота-боболардан мерос қолган тажрибаларни такрорладилар. Поллар устига ғишт ҳамда лойдан қиздирилган печлар тайёрланиб, махсус нон пишириладиган жиҳозлар ўрнатишган. Бундай нон пишириладиган анъанавий печлар саккиз соатда қурилиб, тайёрланган. Саккиз ёки ўн соат вақт давомида бу печлар бир йўла қиздирилган ҳамда уларда бир вақтнинг ўзида 240 килограмм унни хамир қилиб нон тайёрланган. Катта фронт учун улкан хизмат қилган бу кичкина нонвойхоналар фаолиятида бир қиздиришида беш марта нон пишириб олинган.

“Ертўла ошхонаси” деб ном олган нонпазлик печлари ҳам иш берган. Уларда хлеб ишлаб чиқарилган. Бу нон маҳсулотлари ҳарбий бўлинмаларга ўз вақтида етказиб берилган. Ҳарбийларимиз нонсиз қийин аҳволда қолиб кетмасликлари учун туну кун нон тайёрланган. Катта шаҳарлардаги стационар нонпазлик корхоналари фаолияти таърифу таҳсинга лойиқ эди. Айниқса, қишлоқ ва посёлкаларнинг аҳолиси ҳарбийларимизга нон тайёрлашда инсонпарварлигу, ватанпарварликнинг юксак намуналарини кўрсатганлар. Улар нон учун ҳозирланаётган хамирларига картошканинг қайнатилганини эзиб, унга яна бошқа қўшимча сервитамин маҳсулотларни қўшиб йўғиришган ва фронт линияларига етказганлар. Аёлларнинг бу матонатини унутиб бўлмайди. 1941 йил Ладога кўли ҳамда Ленинградни қуршаб олган немис-фашист босқинчилари бу ердаги аҳолини қамалга олиб, азоб-уқубатга дучор этганлар. Аммо “Буюк ҳаёт

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўли” деб ном олган муз узра ҳаёт-мамот йўли бор эди. Бир юзу йигирма беш грамм қоп-қора, аммо муқаддас ва топилмас блокада нонини тишлаётган одамларнинг кўриниши аянчли эди. Инсон бу манзарани кўзда ёши билан эслайди. Ахир, фашистлар бу бечора халқнинг захирадаги озиқ-овқат маҳсулотларини, мол-ҳолини эшелон-платформаларга жойлаштириб, Германияга олиб кетишган. Музлаб ўлган қариялар, хотин-қизлар, болалар тақдири ана шундай оғир ва аламли бўлганлигини биламиз.

Немис-фашистлар босқинидаги шаҳар ва қишлоқлардаги госпиталларда ярадор ҳамшаҳарларимизга эса нон умуман берилмаган. Улар 2 қошиқ бўтқа билангина озиқланишган, холос. Нон ана шундай топилмас неъмат бўлган! Буни эслаб турсак ёмон бўлмайди. Фронт жабҳаларида нон ҳамиша бўлмаган. Оч қолиш ҳолатлари кўп кузатилган.

Оддий табиий шароитларда жанг қилаётган аскарларимиз нондан қийналаётган экан, асир тушган ватандошларимиз, концентрацион фашистлик лагерларида тутқунликда турган шахсларнинг нонлари масаласи қандай кечган экан? Бу саволга тарихий фактлар орқали жавоб топишимиз мумкин. Аввало, шуни айтиш лозимки, фашистлар инсонларни жуда ҳам қийин аҳволда қолдиришган. Асирлар сон-саноқсиз: уларни боқиш, ишлатиш – бир томон, уларнинг миллати ва саломатлигига кўра йўқотиб юбориш – иккинчи томон; тутқундаги инсонлар учун Германия империясининг озиқ-овқат таъминоти министрлиги “Остенброт” рецептини белгилаган экан. Шунга кўра, агар шуни нон деб аташ тўғри бўлса, рецептни ўқинг: қанд лавлаги эзилиб, сиқилиши натижасида олинган хом бўтқа 40 фоиз, тахта ва дарахтларнинг майдаланган қириндилари 20 фоиз, ҳар хил дарахтларнинг барглари ва сомонларнинг майдаланиб ун талқони ҳолатига келтирилган 40 фоиз номаълум таркибли аралашмалардан қўшиб, “нон” тайёрлаб беришган

www.ziyouz.com kutubxonasi

экан. Мана, инсоннинг таоми: буни тановул қилган одам ё шишиб ўлади ё азоб билан маълум пайтгача туриб, сўнг дунё билан видолашади. Айтиш жоизки, концлагерларда тутқунда турган инсонларнинг кўпчилигига бу “нон” ҳатто, насиб этмаган: уларни текинга ким ҳам боқади?”.

Болалик даврлари уруш йилларига тўғри келган ҳамюртларимиз хотирасида айнан нон билан боғлиқ воқеалар кўп тилга олинади. Бу ҳақда Салимахон Холдорова қуйидагиларни ёдга олади**:**

“Дадамнинг болалиги урушдан кейинги қаҳатчилик йилларига тўғри келган. У бошидан кечирган кунларни шундай хотирлайди.

– Уч ёшлигимда онам оғир касалликдан вафот этди. Отам тонг ёришгандан то қоронғу кечгача колхозда меҳнат қиларди. Бир кунлик оғир меҳнат эвазига кечга бориб колхозчиларга маккажўхоридан тайёрланган 2 дона кафтдеккина чавати нон бериларди. Бувим билан кун бўйи оч ҳолда эшикка термулиб ўтирардик. Отам кун ботганда базўр юриб ҳовлига кириб келар, қўлидаги чавати нонни биттасини бувимга, биттасини менга узатарди. Ўзи эса сандални бир четига ўтириб оч ҳолда бизни кузатарди. Мен ҳеч кимга қарамасдан, нонни шошиб-пишиб ғижимлаб оғзимга тиқардим. Барибир қорним тўймасди. Сандал устига ёпилган кўрпа ичига бошимни суқиб, хаёлга чўмардим: “Одамлар нонга тўядиган кунлар келармикин”.

Бир куни оч қолган итимиз нонни қўлимдан илиб кетди. Буни кўриб турган отам бирдан итни ушлаб, жон-жаҳди билан унинг оғзини очди. Ит нонни ерга ташлади. Дадам ерда ётган нонни олиб, менга берди. Мен ит сўлаги теккан нонни шошганча оғзимга тиқдим.

Дадамнинг бу ҳикоясини биз болалар нафасимизни ичимизга ютиб, ички бир изтироб билан тинглаганимиз ёдимда. **“Оҳ, нон-а, нон”.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

Очарчилик йилларида кўп аянчли воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган Нозихон бувим дастурхонга тўкилган нон ушоқларини қўллари титрабгина оғзига солар экан, “Оҳ, нон-а, нон”, – деб қўярди. Биз ҳайрат билан қараб турганимизни сезиб, “Эҳ болаларим-а, уст-бошингиз йиртилса, ямаса бўлади, аммо қоринни ямашнинг иложи йўқ. Бир замонлар бир бурда нонни деб одамлар не кўйларга тушган-а”, – деб қўшиб қўярди. Кунлардан бир кун бувим бўлиб ўтган бир воқеани сўзлаб берди:

– Очарчилик одамларнинг силласини қуритган йиллар. Ҳар куни маҳалладошларимиздан бири ёки бир нечтаси очликдан нобуд бўлгани ҳақида янги гап эшитардик. Маҳалламизда бир бадавлат оила яшарди. Нима бўлибди-ю, ана шу оиланинг катта бир оти нобуд бўлибди. Бой қўшниларга отни томорқанинг бир бурчагидаги дарахт тагига кўмдирибди. Бундан хабар топган кўп болали эр-хотинлар ярим тунда ўлган отни кўмилган жойидан тортиб чиқаришиб, уйларига олиб келиб сўйишибди ва гўштини оч қолган болаларига пиширириб беришибди. Болалар очлик балосидан омон қолишди-ю, кўп ўтмай болаларнинг онаси оламдан ўтди. Бу муштипар аёл тановул қилган от гўштидан ўлдими, ёки болаларига ҳаром луқма едирганига чидай олмай нобуд бўлдими, буёғи қоронғу, – дея оғир тин олиб дардли ҳикоясига якун ясади бувим.

Ҳа, оиламизда ноннинг азиз неъматлиги, унинг увоғини увол қилиш ҳам катта гуноҳ эканлиги мана шу тарзда онгимизга чуқур сингдирилган. Шунданми, биз опа-укаларнинг ортиқча ҳою-ҳавасларга тобимиз йўқ. Ҳалол меҳнат қилиб, ризқ топиш ва борига шукур қилиб қаноат билан яшаш бизнинг ҳаётий таомилимизга айланган. Бу ҳақда Махдум Восилий (1898-1979) қуйидаги сатрларни битган эди:

Одамизода – олами имкон,
Зарур нарсаси анга эрур нон.
Одамийни тириклиги нондур,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нон топишда бўлган одам хондур.
Фахр эмас танга билан тилла,
Нон бермаса недур, ани ўйла.
Нон ўрнини асло тилла босмас,
Нон агар бўлмаса – одам бўлмас.
Зар ғами нон қилур, на нон ғами зар,
Зарга нон берса, хуш бўлур гузар.
Нон кўплиги берур шавкати шоҳ,
Кимда нон кўп бўлса яримта кулоҳ.
Ҳар киши нони йўқ от тиласа,
Масалидур тошдан ҳаёт тиласа...[93]

Халқимизда бир бурда нонни ҳурмати билан боғлиқ кўплаб асотирлар ва ривоятлар мавжуд. Аммо яқин ўтмиш ҳаётимизда ҳам бундай воқеалар содир бўлган. Бу ҳақда таниқли адиб Лутфулло Маҳмуд ўзининг "Қайтар дунё" номли ҳикоясида шундай ёзади:

"Ота-онасидан 9-10 яшарлигида ажраган Ҳакимжон шаҳарга кетиб, ўғрилик қиладиган болалар гуруҳига қўшилиб қолди. Гуруҳнинг бир куни куни битди: тўдабоши қамалди, бир неча болани колонияларга жўнатдилар, қўлга тушмаганлар турли томонларга тирқираб кетдилар. Ҳаким-жон қишлоққа қайтгани қўрқди, у ер-бу ерда, пастқам жойларда яшириниб юрди. Кундузи кўчага чиққани юраги дов бермасди. Бир бурда нон анқонинг уруғи бўлиб кетган ўша кунларда қандай тирик қолганига ҳали-ҳали ақли етмайди.

Ахийри, очликдан, ташналикдан ҳоли қуриди, пак-касидан чиқиб, нима бўлса пешонадан, деганча "Чорсу" бозори томон кета бошлади. Ҳушида бор – йўқ, оёғини зўрға судраб борар эди. Бир маҳал қараса – бўлмайдиган, юргани

[93] Ал-Махдум ал-Восилий ал-Марҳаматий. Файзосор марҳаматдур (Девон). – Т.: Наврўз, 2005. – Б.62.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мажол қолмади, бу аҳволда ўзидан кетиб, йиқилиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бошини базўр кўтариб, ўзини икки қанотли кичикроқ дарвоза олдида кўрди. Бироз журъат қилолмай турди-да, чанқоқнинг, очликнинг зўри билан дарвозани оҳиста тақиллатди.

–Кимдир? – деган овоз эшитилди ичкаридан. – Ҳозир!

Бироз ўтгач, дарвозанинг бир қаноти очилиб, йигирма беш ёшлардаги кўҳликкина аёл кўринди. Унинг қошлари қаламда чизгандек ингичка, икки юзида ўзига жуда ярашган кулдиргичи бор эди.

- Опа, – деди Ҳакимжон тили зўрға айланиб. – Бир пиёла сув беролмайсизми? Жуда чанқадим.

Аёл, қошлари баланд кўтарилиб, кутилмаган меҳмонга бироз тикилиб турди-да, сўнгра бош ирғаб, ичкарига кириб кетди ва кўп ўтмаёқ қайтиб чиқди: унинг қўлларида оби нон ва бир косада оппоқ сут бор эди.

– Манг, ичиб олинг! – деди у.

Орадан йиллар ўтди. Ҳакимжон улғайди. Исм инсон тақдирини белгилайди деганларидек, ўқиб доктор бўлди, вақти етиб шаҳардаги йирик шифохоналардан бирида жарроҳлик бўлимни бошқара бошлади. Кунларнинг бирида у палаталарни айланиб юрар экан, хоналарнинг бирида, дераза остидаги ўринда ташқарига хомуш қараб ўтирган озғингина онахонга кўзи тушдию, юраги бир ҳовлиқиб кетди. Йўқ, янглишган бўлиши мумкин эмас, онахон ҳов неча йиллар аввал нон ва сут берган ўша аёл эди. Сочлари оқарибди, юзлари сўлинқирабди, лекин кулдиргичлари – ана, турибди. Докторнинг тикилиб турганини пайқаб, ҳа, укажон, дегандай қараган эди, ингичка қошлари пешонасига кўтарилдилар.

Ҳакимжон ўз хонасига қайтгач, ёрдамчи врачдан сўради:

–Еттинчи хонада ётган аёлни нима учун операция қилмаяпмиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

–Турмуш ўртоғи ўтиб кетган экан. Ўғлининг эса қўли калтароқ шекилли. Бир ҳафтадан ўтди, операция учун пул тополмай юрибди. Лекин, гап шундаки... Тезда чора кўрилмаса ҳар кори ҳол бўлиши мумкин.

–Хўш, нимага қараб турибмиз унда! Ҳозироқ тайёрланглар операцияга! Ҳаракат, ҳаракат!

–Бу ёғи нима бўлади?

–Ҳаракат!

Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди.

Онахон анча ўзига келиб, гаплашадиган бўлиб қолгандан кейин Ҳакимжон уни кўргани кирди.

–Дурустмисиз, опажон? Оғриқлар қолдими?

–Минг раҳмат, укажон! – деб миннатдорчилик билдирди аёл кўзларида лим-лим ёш билан. – Қўлингиз дард кўрмасин, илоҳим! Сиз мени нақд ўлимдан қутқариб қолдингиз!

–Соғайиб кетинг! Энди ҳеч касал бўлманг!

–Раҳмат! Фақат... Ўғлим иккаламиз хижолат бўлиб юрибмиз-да, доктор ука! Операция учун тўланадиган пулнинг ҳаммасини ҳали тополганимиз йўқ. Диққат бўлмай турасиз-да бироз... Илтимос!

– Сира хижолат қилманг! Операциянинг ҳақи тўланган.

–А? Нима деганингиз бу?

–Ҳа, опажон, тўланган. Операциянинг ҳақи бир коса сут ва нон билан тўланган.

Энди докторнинг кўзлари жиққа ёш билан тўлди.

– Вой, ўргилай, – деди аёл қошлари манглайига кўтарилиб.

– Раҳмат, опажон! Ўшанда сиз мени нақд ўлимдан қутқариб қолган эдингиз! ”.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОНКЎРЛАР

Йўлда ётса бир ушшоқ,
Бошоқ эмас нон-ушоқ.
Кўзга сурмадим, э воҳ,
Истиғфор, истиғфор.
Азим Суюн

Инсоният тарихи ва цивилизациясида нон нафақат озиқ-овқат, балки ҳаёт, барака ва ризқ рамзи сифатида қаралиб келинган. Айниқса, Шарқ халқлари, жумладан ўзбек халқи маънавиятида нон муқаддас неъмат сифатида эъзозланган. Халқимизда "Нонни эъзозлаган — элни эъзозлайди", "Нон увол бўлмасин" каби ҳикматли ибораларнинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас. Бироқ глобаллашув, истеъмолчилик психологияси ва моддий фаровонликнинг ортиши натижасида жамиятда неъматга нисбатан бефарқлик ҳолатлари кучаймоқда. Хусусан, нон ва озиқ-овқат маҳсулотларининг оммавий равишда чиқиндиларга ташланиши маънавий инқироз белгиси сифатида баҳоланмоқда.

Ҳолбуки айни шу вақтда дунёнинг бошқа бир бурчагида очликдан қорни шишиб кетган бола сув ичиб ухлашга ҳаракат қилаяпти. Бу ҳақда ижтимоий тармоқларда Муаззам Иброҳимова қуйидагиларни ёзиб қолдирди: "Сен ноннинг ярмини чиқиндига ташлаётганингда, кимдир ўша ушоқларни йиғиб фарзандига олиб кетяпти.

Энг ачинарлиси эса шуки, бугунги дунёда очликнинг сабаби озиқ-овқат етишмаслиги эмас. Адолат етишмаслиги.

БМТнинг сўнгги ҳисоботларига кўра, 2025 йилда ҳам дунёда тахминан 645 миллион киши очликда яшаган. Яна 2,1 миллиард одам эса етарли ва сифатли овқатга мунтазам эга эмас.

Болалар ҳақидаги рақамлар эса юракни титратади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дунёда 150 миллиондан ортиқ беш ёшгача бўлган бола ўсишдан ортда қолган. Миллионлаб болалар организмга керакли озуқани олмаётгани учун ақлий ва жисмоний ривожланиш имкониятини йўқотмоқда. Фақат ҳар уч боладан биттаси тўлиқ ва хилма-хил овқатланади.

Инсоният ҳар йили миллиардлаб тонна озиқ-овқатни чиқиндига чиқаради. Бир вақтнинг ўзида эса миллионлаб инсонлар бир бурда нон учун курашади.

Бу рақамлар иқтисодиёт ҳақида эмас.

Очлик — фақат қориннинг бўшлиги эмас. У мактабга бормаган бола, ўсмай қолган организм, ўчган орзу ва йўқотилган келажакдир.

Шунинг учун навбатдаги тушликда дастурхонингдаги таомга бир лаҳза бошқача нигоҳ билан қара.

Чунки сен учун оддий тушлик бўлган таом, дунёнинг қаеридир бир боланинг энг катта орзуси бўлиши мумкин.[94]

“Онажон, жаннатда нон борми? бўлса, у дунёга кетайлик...”

Бундан бир неча йил аввал ижтимоий тармоқларда тарқалган бир сурат бутун инсоният қалбини ларзага солган эди. Унда уруш ва очлик азобидан тинка-мадори қуриган бир гўдакнинг онасига қараб айтган саволи муҳрланганди: “Онажон, жаннатда нон борми? Агар бўлса, кетайлик...” Даҳшат! Бу шунчаки боланинг беғубор саволи эмас, балки замонавий дунёнинг виждонига отилган оғир нидо, исроф ва ҳашаматга кўмилган инсониятнинг юзига урилган аламли ҳақиқат эди. Оддий бола учун орзулар ўйинчоқлар, эртаклар ва ранг-баранг тасаввурлар билан тўла бўлади. Аммо уруш ва қашшоқлик исканжасида қолган бу гўдакнинг энг катта орзуси бир парча нон эди, холос. Унинг болаларча тасаввурида жаннат — портлашлар бўлмайдиган, кўз ёшлар

[94] https://www.facebook.com/muazzam.ibrohimova?__cft__[0]=AZYwuesP-3ziah9SBDhb1u-wAwYZPlPI6U6naJZiYL3U848YHDtMk8cE6UAPje1VrK6ZXwkYou5ERQgEFNAj76lZB0QWZWtqXm32_ovN84frEKy8YPUHPyemCE3UlCr8ict6anjeZVg626FVWdHlY2-peCNQTl9gw9HZGWr7XGix8dyAPOpbShp__F76veJGghkQHaf31ijC--7u0S1rvgge&__tn__=-UC%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

оқмайдиган ва инсонлар оч қолмайдиган ягона макон эди. Афсуски, бу фожиа шунчаки бир боланинг эмас, балки миллионлаб мурғак гўдакларнинг аччиқ қисматига айланиб бормоқда. Дунёнинг турли нуқталарида миллионлаб бегуноҳ болалар уруш оловлари, қаҳатчилик ва йўқчилик сабаб беғубор болалик бахтидан буткул маҳрум бўлишяпти. Инсоният қурол-яроғ ва вайронкор ҳарбий амбициялар учун миллиардлаб маблағларни сувдек сарфлаётган бир пайтда, қаердадир бир бурда нонга зор, оч-наҳор кўзлар мўлтираб турибди. БМТнинг Болалар жамғармаси ва халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг сўнгги даҳшатли ҳисоботлари буни яна бир бор тасдиқлайди: бугун қуролли тўқнашувлар оқибатида дунё бўйича 400 миллиондан ортиқ бола бошпана, озиқ-овқат ва сув каби энг оддий инсоний эҳтиёжлардан маҳрум ҳолда кун кечирмоқда. Уруш гирдобида қолган 48,8 миллион гўдак ўз уйини ташлаб қочишга мажбур бўлган ва сарсон-саргардонликка маҳкум этилган. Энг юракни эзувчи кўрсаткич эса — глобал миқёсда 45 миллионга яқин 5 ёшгача бўлган боланинг тўйиб овқатланмасликнинг энг оғир, яъни ҳаёт учун тўғридан-тўғри хавф солувчи шаклидан азият чекаётганидир! Ҳа, болаларнинг бегонаси бўлмайди. Дунёнинг қайси бурчагида яшамасин, ҳар бир маъсум гўдакнинг қисмати бутун инсониятнинг виждонига дахлдордир. Ахир, очлик ва бешафқат муҳтожлик инсон руҳиятини қай даражада эзиб, мажруҳ қилиши керакки, ҳали оқ-қорани танимаган мурғак гўдак бу фоний ҳаётдан умидини узиб, боқий жаннатдан паноҳ қидирса?! Зеро, ҳеч қандай уруш, ҳеч қандай сиёсат гўдакларнинг энг улуғ ҳуқуқини тортиб олишга ҳақли эмас: болалар болаликка ҳақлидир.[95]

Шундай экан унутманг нон — фақатгина истеъмол маҳсулоти эмас, у инсон меҳнатининг, елкадаги машаққатнинг ва

[95]https://www.facebook.com/groups/1862908104537064/user/100077079079847/?__cft__[0]=AZYSSH3Hc98zsak9JZzrB0-X0Uis3qOL4v-Buql4IPS0_9qL-mCKrj9nDmJmFABnkENDFeQR-klsSgE-gCtR1XtcdXRb4RjUswC3PQIo5vs_US3fA3hBcWmADBX6yv6aH0zo3XQvuNqsEobLFeHti_hYYoSWQ13UEUEHKM9tswuHhSKyYRQF48xahVp03G_TK9qjrwWwYDoweiayANtFo5-P&__tn__=%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

табиат неъматларига бўлган ҳурматнинг олий кўринишидир. Ҳаётда ноннинг қадрини англаш учун фақат фаровонлик етарли эмас. Дунёнинг айрим бурчакларида кечаётган оғир ижтимоий-иқтисодий шароитлар бу ҳақиқатни яққол кўрсатиб турибди. Масалан, Гаити каби қашшоқлик ҳукмрон ўлкаларда одамлар очликни енгиш учун лой, туз ва ўсимлик мойидан тайёрланадиган махсус "лой печенье"ларини истеъмол қилишга мажбур бўлмоқдалар. Бу аччиқ манзара бизга кундалик дастурхонимиздаги оддий иссиқ нон нақадар улуғ неъмат эканини, уни ҳеч қачон оддий ҳолат ёки одатий нарса сифатида қабул қилмаслик кераклигини қаттиқ эслатади. Бундай "таом" деярли ҳеч қандай зарур озуқа моддаларини ўз ичига олмайди ва соғлиқ учун хавф туғдириши мумкин. Бироқ, оддий озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш имконияти чекланган инсонлар учун бу омон қолиш йўлидаги мажбурий чорага айланган.

Бу ҳолат очлик, ижтимоий тенгсизлик ва дунёнинг айрим минтақаларида ҳамон сақланиб қолаётган озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг оғир оқибатларини акс эттиради. Бу тўқима ёки интернет мифи эмас, балки Кариб денгизидаги Гаити Республикасида содир бўлаётган аччиқ ижтимоий-иқтисодий воқеликдир.

. Гаитида бу маҳсулот маҳаллий креол тилида **"bonbon tè"** (яъни "яхши тупроқ" ёки "лой печенье") деб аталади. Ҳақиқатан ҳам у махсус тозаланган глина (тупроқ), ош тузи ва оз миқдорда ўсимлик мойи ёки ёғни аралаштириб тайёрланади. Бу маҳсулот оловда пиширилмайди, балки офтобда қуритилади. Гаити — ғарбий яримшардаги энг қашшоқ давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда озиқ-овқат нархларининг кескин ошиб кетиши, ишсизлик ва очлик туфайли айрим камбағал оилалар ва ҳомиладор аёллар қорин тўқлигини ҳис қилиш ёки очлик ачишини босиш учун мазкур лой печеньеларни сотиб олиб ейишга мажбур бўлишади. Тарихда айрим маҳаллий аҳоли бу тупроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

таркибидаги минераллар (хусусан, кальций) ҳисобига уни организмига қўшимча озуқа деб билган бўлса-да, шифокорлар бу кескин равишда ошқозон-ичак касалликлари, паразитлар ва оғир саломатлик муаммоларини келтириб чиқаришини таъкидлашган.

Бундай оламшумул муаммолар ва очлик манзаралари фонида бизнинг кундалик турмушимизда нонга бўлган муносабатимиз жиддий ўйлаб кўришни талаб қилади.

Минглаб инсонлар оддий озуқага зор бўлиб турган бир дунёда, нонни исроф қилиш, уни қадрига етмаслик ёки дастурхонда кераксиз равишда қолдириб юбориш катта гуноҳ ва ношукрликдир. Ноннинг қадри фақат унинг пул-қиймати билан ўлчанмайди; у ернинг меҳнати, деҳқоннинг пешона тери, ёруғ дунёнинг баракасидир.

Барча ақли расо, идрокли кишиларга маълум ва маъруфдирким, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, муътадиллик ва меъёр ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошишлик, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса ҳам ақлан ва ҳам шаръан қораланиб, улардан ҳазар қилишга буюрилган.

Аллоҳ таоло Ўзининг каломи Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: “Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди”.

Демак, силаи раҳм, хайр-эҳсон ва турли садақаларни беришда ҳам меъёрдан ташқари харажат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш Аллоҳ таоло томонидан ҳам ман этилган.

Мазкур суранинг қуйидаги бошқа бир ояти каримасида шундай марҳамат қилинади: **“(Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз".

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан: ***"Аллоҳнинг нозу неъматларидан хоҳлаганча еб-ичинглар, ҳайру эҳсон қилинглар, кийиниб ясанинглар, лекин исроф-гарчилик ва манманликка йўл қўймангизлар!"***

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: ***"Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам муътадиллик яхшидир"*** – дейилади.

Тежамкорлик тўғрисида эса Пайғамбаримиз (сав) ҳадисларида шундай марҳамат қилинади:***"Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайди"*** – деб таъкидланади.

Хайр-эҳсон ва зиёфат беришдан асосий мақсад муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш бўлмоғи даркорлиги тўғрисида Расули Акрам (с.а.в.) шундай деганлар: ***"Таомларнинг ёмони қорни очлар қолиб, қорни тўқлар чақирилган зиёфатдир".***

Очарчилик ва уруш йилларини бошидан кечирган халқлар ноннинг ҳақиқий қадрини яхши англайди. XX асрдаги урушлар, иқтисодий қамаллар ва қаҳатчиликлар миллионлаб инсонларни бир бурда нонга зор қилган. Суриялик ёзувчи келтирган мисолда Ироқдаги иқтисодий қамал йилларида одамлар ҳатто қора қотган нонни ҳам кўзга суртиб ейиш даражасига тушгани тасвирланади. Бу ҳолат инсон учун неъматнинг ҳақиқий қадри тўқчилик эмас, балки эҳтиёж пайтида англашилишини кўрсатади.

"Кечагидан қолган сарқит"

Ироқ аҳолиси тўқчиликда шу даражага етдики, дастурхонда ортиб қолган нарса борки, уни ахлатга ташлайдиган бўлишди. Ҳатто, уларда (الأكلات البايتة) "кечагидан қолган сарқит" атамаси ҳам пайдо бўлди. Аллоҳ таоло уларни ўн

www.ziyouz.com kutubxonasi

йил давомида иқтисодий қамал билан синаган эди, қора қотган нонни ҳам кўзга суртиб ейдиган бўлишди. Миллион нафар ёш болалар очлик ва касалликдан нобуд бўлдилар.

Қачонки мен ўз юртим Дамашқ ва унинг атрофидаги жойларда ҳам нонларни ахлатхоналарга ташлаб юборилаётгани, камбағал бир аёл қўлидан ерга тушиб кетган нонни олмай, бепарво ташлаб кетаётганини, яна бошқа бир кимса ерда ётган нонни олмай, аксинча уни оёғи билан тепалаб четга улоқтириб ўтганини ва ҳаттоки, бир киши оёқ кийимини оқ нон билан артиб ялтиратаётганини кўрганимда, ҳеч шаксиз бу халқ яқин вақтда ношукрлиги, неъматларни қадрламаётганлиги учун Аллоҳнинг ғазабига учраши аниқ эканлигини ҳис қилдим. Бизларни қора кунлар кутмоқда, ўшанда ахлатхоналарда ётган қотган нонларга зор бўламиз, дедим.

Ёзувчи сўзида давом этади: Отам раҳматли катта олим эдилар. У киши дастурхондаги янги нонни қўйиб, кечагидан қолганини ер эдилар. Қотган нонни сувда ивитиб ер, уни ташлаб юборишга йўл қўймас эдилар. Ошхонадаги товоқларда овқатлар қолиб кетган бўлса ёки болалар емай қолдириб кетган таомлари бўлса, уларни ташлаб юборишга ҳечам йўл қўймас эдилар. Аксинча, агар ортган таом ташлаб юборилганини кўрсалар жуда қаттиқ ғазабланар эдилар. Кўпинча, ўша қолиб кетган овқатларни ўзлари еб қўяр эдилар ва бундан ҳечам тортинмас эдилар. Неъматнинг озини ҳам, кўпини ҳам қадрига етадиган киши бўлганлар. Аллоҳ раҳмат қилсин у киши вафот этгунларича бирор марта ҳам қон босими кўтарилиши, юрак етишмаслиги, оёқ оғриши, қанд касаллиги ва бошқа шунга ўхшаш кўпчилик кекса одамлар шикоят қиладиган дард билан касалланмадилар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Аллоҳнинг неъматлари билан яхши қўшничилик қилинглар, зеро у

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирор оиладан кетиб қолса, қайтиб келмаслиги мумкин" деган ҳадисларини кўп такрорлар эдилар.

Модомики, сиз неъматлардан баҳраманд экансиз, огоҳ бўлинг, Раббингизни неъматини қадрланг, уни хорламанг. Акс ҳолда, унга зор бўласиз, бошингизга Аллоҳнинг балоси келади...[96]

Халқимизда азалдан бировнинг берган туз-намаги, нон тузи қадрини билмайдиган, яхшиликка ёмонлик қилувчи, тузини еб, тузлиғига тупурувчи кимсаларни нонкўр деб атайдилар. Нима учун нонни увол қилганларни шундай деб аташларига ҳеч эътибор берганмисиз? Чунки улар нафақат нонни увол қилган, балки ўз ўтмишига нисбатан ҳам нонкўрлик қилган бўладилар. Ахир ўша увол бўлган бир парча нонда очликдан нобуд бўлган минглаб гўдакларнинг ҳаққи бор. Аммо нонкўрлар буни қаердан билишсин. Афсуски, бизнинг даврларда ҳамма ҳам бир бурда ноннинг қадр-қимматига етавермайди! Шоир айтганидек:

Нон кесак устида[97], дердилар бир пайт,
Нон қадри қолмаган замон эди-да.
Дастурхонда, ерда тўкин эди нон,
Энди-чи, хўп ажаб замон келди-да.

Уволи тутдими ноннинг, билмадим,
Бугун нон сероб-у, анчайин қиммат.
Ғаллакор дон берар, сотар корчалон,
Бунда иллат борми ё бирор ҳикмат?

Шуйтиб, нон кесакнинг устидан тушди,
Тарихга айланар балки бу дамлар.

---

[96].ttps://www.facebook.com/groups/196732553713686/user/100010854212701/?__cft__[0]=AZVOq26aGyb4vGUGZ0hs2SLVGtgtfnljG_8BkVyzPaGsnfnUhOgsRQ__5OKpxL1ET43uL6r7rkh1L1uKXB6uW9mqVVqg9MzsH_2Xljm370wOTHf-L5tp_O2gC8rZgGba1dpw64icF_U3lB3GAhl-52PTJ_B-ntG01moECzR5ewbygc3sFf-2p8p1yrScOIE8KlYsiJrcPOeW1kn1EUPw8joYslS6kHHRj6ZG9VevVOdKmg&__tn__=%2CP-R

[97] Нон кесак устида -- нон мўл ва сероблигидан қадрсиз бўлган даврда одамлар шу иборани ишлатишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фалак бир айланиб, ноннинг ўрнида
Кесакнинг устига чиқди одамлар.

Ўткир Ҳошимовнинг “Увол” мақоласида ҳам нонни қадрламасликнинг аянчли оқибатлари жонли мисоллар орқали ёритилади. Айниқса, Ленинград қамали ва Иккинчи жаҳон уруши даврида бир бурда нон инсон ҳаётини сақлаб қолгани ҳақидаги хотиралар бугунги авлод учун катта ибратдир. Адибнинг: “Нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан”, деган хулосаси халқ тафаккуридаги чуқур ҳаётий ҳақиқатни ифодалайди:

“Саксонинчи йилларнинг бошида Ўзбекистон телевидениесида “Баҳс” деган кўрсатув бўлар эди. Бир сафар нон ҳақида баҳс қилдик. Кўрсатувда новвойлар, ошпазлар, ҳуқуқшунослар, талаба ёшлар иштирок этди. “Кимўзар” тўйларда қоплаб нон исроф бўлаётгани, ортиб қолган қозон-қозон ошлар сувга оқизилаётгани, чўчқахоналарга топширилаётгани, баъзи ноинсофлар дўкондан сув текинга ун олиб молини семиртираётгани, хуллас, шунга ўхшаш кўп армонли гаплар айтилди. Ўзим гувоҳ бўлган аянчли воқеа - кўпқаватли уйлар орасидаги майдончада ёш болалар ярим буханка суви қочмаган нонни “футбол” қилиб ўйнаётганини ҳам эсладик. Кўрсатувга икки мингга яқин хат келди. Томошабинлар нонни увол қиладиганлар кўпайиб кетганини афсус билан ёзишган эди.

Андижонлик иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси бўлган отахоннинг хати менга, айниқса, қаттиқ таъсир қилди. Хатнинг мазмуни қуйидагича эди. Сизлар кўп яхши фикрлар айтдингиз. Аммо бунақа хавойи гаплар одамларнинг бу қулоғидан кириб унисидан чиқиб кетади. Бундай иллатни йўқотишнинг иккита йўли бор. Бири - агар давлат нонтепкиларни, Худо одам учун яратган унни молига атала қилиб берадиган ноинсофларни, дабдабали тўйларда нознеъматларни оёқости қиладиганларни жазолаш тўғрисида

www.ziyouz.com kutubxonasi

қонун чиқарса. Иккинчиси – очарчилик бўлиб, нон деганда кесак ғирилласа! Бошқа йўли йўқ!

Орадан йиллар ўтди. Нонни копток қилиб тепадиганлар, ун билан мол семиртирадиганлар йўқ бўлди. Мамлакатимиз Президентининг имзоси билан тўй ва маъракалардаги исрофгарчилик, дабдабабозликни чеклашга қаратилган Фармон эълон қилинди. ЗАГСнинг ўзига куёв томонидан ўнта қора "Мерседес", келин томонидан ўнта оқ "Мерседес" миниб боришлар тийилган бўлса-да, шоҳона тўй қилувчилар, "миллионер" қўшнисидан қолса "қулоғини кесадиган", ўн йил йиғиб-терганини бир кечада совуриб, эртасига қозонини сувга ташлаб ўтирадиган "эррайим"лар ҳалиям учраб турибди.

Майли, ҳар кимни тўйга етказсин. Масаланинг бошқа томонини ўйлаб кўрайлик. Болалигимизда ота-онамиз, амма-холаларимиз "нонни увол қилган кўр бўлади, нонни тепганнинг оёғи синади, нонни ўнг қўлинг билан ол, нон ушлашдан олдин "бисмилло" дегин, ерда ётган нон бурдасини кўриб қолсанг, авайлаб кўзингга суртиб, покиза жойга олиб қўй", деган гапларни ҳар куни неча бор қулоғимизга қуйишар эди... Эслаб кўрайлик. Бизнинг ўзимиз яқин орада болаларимиз ёки невараларимиз билан нонни увол қилмаслик ҳақида бирон марта чин дилдан гаплашдикми?

Ёши улуғроқ авлоднинг эсида бўлиши керак. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ошхоналарда нон текин бўлди. Ростини айтганда бошқа маҳсулотлар масаласида ҳам тўкинчилик эди. Бу-ку яхши, аммо текин нарсанинг қадри бўладими ўзи? Айнан нонни текин қилиб қўйиш тўғри бўлдимикан? Нон текин бўлгани учун ҳам увол бўлди! Оёқ ости бўлди!

Дўконидан ел етмаганлар хор қила бошлади, нонни. Нонни! Ўша кезлари дам олиш учун денгиз бўйига борган эдим. Санаторий ошхонасида тўрт киши бир стол атрофида

www.ziyouz.com kutubxonasi

овқатланардик. Рўпарада ўтирадиган хомсемиз одамнинг хунук одати бор эди. Овқат еб бўлгач, лаб-лунжини бир бурда нон билан артиб, дастурхонга ташларди. Бу қилиғи ёлғиз менинг эмас, бошқаларнинг ҳам ғашига тегиб бўлган экан. Бир куни хомсемиз тағин оғзини нон билан артаётган эди, ёнимда ўтирадиган ёши улуғроқ киши кучи борича столни муштлади.

– Одаммисан, чўчқамисан? Нега тумшуғингни нонга артасан, олдингда салфетка турибди-ку! - деди-да, ошхонадан чиқиб кетди.

Ортидан чиқсам, ошхона рўпарасидаги гулзор олдида, ёғоч скамейкада бошини чангаллаб ўтирибди. Қон босими кўтарилган бўлса керак, юзи бўғриқиб кетибди. Қандайдир бефаросат деб бунчалик бўғилиш шарт эмаслигини айтиб, таскин бердим.

Сўнг хаёлимга келган саволни сўрадим:

– Сиз Ленинград қамалида бўлганмисиз? –Йўқ, мен москваликман, – деди у. – Уруш бошланганда ўн бир ёшда эдим. Отам ногирон – бир оёғи чўлоқ эди. Кўча супурарди. Ҳар куни пақирини тўлдириб, бурда-сурда нон олиб келарди. (Одамлар кўчага ёки ахлат қутисига ташлаб кетган нонларни...) Онамнинг фиғони фалакка чиқар, "Сен крахоборсан, Плюшкинсан", деб бақирар, отам эса нон бўлакларини артиб-тозалаб духовкада қизартириб оларди-да, бурчакдаги сандиққа солиб қўярди... Лоп этиб уруш бошланиб қолди. Аввалига тақчиллик унча билинмади-ю, аммо кўп ўтмай шунақанги қаҳатчилик бошландики!.. Шунда отам териб келган нонлар жонимизга оро кирди! Отам ногирон бўлгани учун урушга бормади. Уни қандайдир ҳарбий заводга ишга олишди. Бир куни онам тўрт-беш бурда сухарини тугунга ўраб, тунги сменада ишлаётган отамга олиб кетди-ю, қайтиб келмади. Кечаси билан қўрқиб йиғлаб чиқдим. Эртасига отам ишдан келиб онамни сўради. Кеча онам заводга бормаганини айтиб, чиқиб кетди-да, кечга

www.ziyouz.com kutubxonasi

томон ёмон хабар олиб келди. Қандайдир безорилар онамнинг қўлида нон борлигини билганми, хуллас пичоқлаб кетибди...

...Нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан, деган гап хўп ўйлаб айтилган. Етмишинчи йилларда хор қилинган нон саксонинчи йиллар охирида тортилиб қолди. Дўконлар эшигида "қадрдон" "очередлар пайдо бўлди...

Худога шукр, бугун ўлкамизнинг қайси бурчидаги қайси бозорга кирманг, бир-биридан чиройли нонни кўрасиз. Нонни санъат асари даражасига айлантириб юборган нов-войларимиз бор! Бироқ, бу уни увол қилиш мумкин деган маънони англатмайди. Нон қанча хор қилинса, шунча қимматлашиб кетиши мумкии. Дунёнинг бирорта мамлакатида, ҳатто бойлиги кўплигидан ёрилиб кетай дейдиганида ҳам ҳеч ким ҳеч кимга текинга нон бермайди! "Нон одамдан азиз бўптими" деган гапни кўп эшитамиз. Тўғри, одамзот - Худонинг энг мукаррам мавжудоти. Лекин нон одамдан азиз бўлиши жуда ҳам мумкин!"[98].

Ўткир Ҳошимовнинг "Увол" мақоласидан келтирилган ушбу парча маданий антропология, ижтимоий психология ва иқтисодий социология нуқтаи назаридан фавқулодда бой материалдир. Матнда инсоннинг неъматга бўлган муносабати, жамиятнинг фаровонлик даражаси ва тарихий травмаларнинг авлодлар хотирасидаги ўрни комплекс равишда ёритиб берилган.

Ушбу матнни қуйидаги фундаментал илмий йўналишлар бўйича таҳлил қилиш мумкин:

1. Тўкинчилик Парадокси ва "Биологик ресурс иқтисодиёти".

Иқтисодий психологияда **«Бепул маҳсулот қиймат-сизлиги» (Zero-Price Effect)** феномени мавжуд. Етмишинчи йилларда совет ошхоналарида ноннинг текин қилиб

[98] Ҳошимов Ў. Танланган асарлар. VI. – Т.: SHARQ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2012. –Б.413-416.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйилиши ва маҳсулотларнинг сунъий арзонлиги истеъмолчи тафаккурида психологик деформацияни келтириб чиқарди:

- **Қадрнинг сусайиши:** Инсон меҳнат эвазига ёки молиявий ресурс эвазига эришмаган нарсасини ижтимоий ва маданий жиҳатдан қадрламай қўяди. Матндаги "текин нарсанинг қадри бўладими ўзи?" деган риторик савол айнан шу бозор ва психология қонуниятига таянади.
- **Иқтисодий деформаторик хулқ:** Сув текин ун ва нонни чорвага атала қилиб бериш — нархлар марказлашган ҳолда сунъий пасайтирилганда ресурслардан нороционал фойдаланиш юзага келишини кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий индикатордир.

2. Экзистенциал Травма ва Тан олинган Хотира (Existential Memory).

Санаторийдаги москвалик отахон хотиралари **экзистенциал психология** ва **травма тадқиқотлари (Trauma Studies)** учун ёрқин мисолдир:

- **"Плюшкинлик" психологик феномени ва омон қолиш страгегияси:** Урушдан олдин кўчадан нон парчаларини тертиб, духовкада қуритиб сандиққа йиғган ота хатти-ҳаракати оила аъзолари томонидан "гипер-социопатик йиғимчилик" (крахоборлик) деб баҳоланган. Аммо уруш ва қаҳатчилик бошланганда бу "психологик деформация" оиланинг жисмоний омон қолишини таъминлаган ресурсларга айланди.
- **Рефлектор реакция:** Нафақахўр отахоннинг лабини нон билан артган кишига нисбатан кўрсатган кескин агрессияси (столни муштлаши, қон босими кўтарилиши) — бу шунчаки тарбиясизликка муносабат эмас, балки **Посттравматик стресс бузилиши (PTSD)** ва очликда онасидан айрилган болалик психозларининг қайта отилиб чиқишидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Этнопедагогика ва “Сўз орқали тарбия” инқирози

Матнда андижонлик отахон томонидан билдирилган фикр (*“бунақа хавойи гаплар одамларнинг бу қулоғидан кириб унисидан чиқиб кетади”*) ижтимоий педагогикадаги муҳим муаммони очади:

Тарбия усули	Муаммо ва психологик чекланиш
Оғзаки насиҳат ва «Баҳс» кўрсатувлари	Тўқлик шароитида ўсган авлод учун қуруқ сўзлар, оғзаки тақиқлар ички эътиқодга айланмайди (“когнитив бепарволик”).
Маъмурий-ҳуқуқий назорат (Фармон ва қонунлар)	Хулқ-атворни ташқи куч орқали чеклайди, лекин ички маънавий эҳтиёжни шакллантирмайди.
Тарихий тажриба (Очарчилик/Катализатор)	Энг шафқатсиз ва чуқур таъсир қилувчи омил. Инсон фақат йўқотганидан ёки таҳдидга учраганидан кейингина неъматнинг чин қийматини англаб етади.

Адиб томонидан келтирилган ота-оналарнинг *“нонни увол қилган кўр бўлади”*, *“нонни ўнг қўлинг билан ол”* каби маиший фольклор таъқиқлари — жамиятда асрлар давомида шаклланган **этно-жазо ва сакрал назорат механизми** бўлиб, у тўқлик даврида маънавий ритуалларни йўқотмаслик учун хизмат қилган.

4. Статус ва Кўз-кўз қилиш истеъмолчилиги (Conspicuous Consumption).

Матндаги “ўнта қора Мерседес”, “миллионер қўшнисидан қолса қулоғини кесадиган” “эррайим”лар образи социолог Торстейн Вебленнинг **“Кўз-кўз қилиш учун истеъмол қилиш”** назариясига тўлиқ мос келади.

Одамлар ўзларининг ижтимоий статусини (мақомини) намоён қилиш учун ресурсларни ва овқатни исроф қилишга, дабдабали маросимлар ўтказишга интиладилар. Адиб бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳолатни жамиятнинг маънавий инқирози сифатида талқин қилади: маданий савия ва тарихий хотира паст бўлган жойда тўқлик ва бойлик исрофгарчилик ва манманлик кўринишини олади.

Ўткир Ҳошимовнинг мақоласи — фақатгина нонга бўлган муносабат ҳақида эмас, балки жамиятнинг тарихий хотираси, ижтимоий масъулияти ва очлик травмаларидан тўқлик эгоизмига ўтишининг ахлоқий-философик таҳлилидир.

2023 йилдаги маълумотга кўра Тошкент шаҳрида бир кунда 3 тонна нон ахлатга ташланади. Шаҳар "Махсустранс" ишлаб чиқариш бошқармаси бош инспектори Исмоил Сагдуллаевнинг ЎзАга маълумот беришича, айни пайтда пойтахтда энг кўп чиқиндига ташланадиган маҳсулот бу — нон ва озиқ-овқат маҳсулотларидир. Бу маҳсулотларни йилдан-йилга чиқиндига ташлаш ҳолатлари ортиб бормоқда. Тошкент шаҳрида бир кунда 2 минг 300 тонна чиқинди йиғиб олинса, шундан 3 тоннага яқини нондан иборат.[99]

Дунёнинг машҳур интеллектлари агар инсонга чексиз озодлик берилса, ҳатто у ахлоқдан озод қилинса, дунёқараши ва ахлоқи шаклланиб улгурмаган ҳозирги ёшлар асрлар давомида тўпланган миллий қадриятларга тупуриб, анъаналар ва урф-одатлардан юз ўгириб, тубан, ҳайвоний эҳтиросларнинг қулига айланиб қолишлари хусусида кўпдан бери кенг жамоатчилик олдида чиқишлар қилмоқдалар[100].

Социолог Сухробхўжа Хидиров бу ҳақда шундай ёзади:

"Ижтимоий тармоқларда "Тошкент шаҳри чиқиндихоналаридан бир кунда 3,5 тонна нон ва нон маҳсулотлари йиғиб олинди", деган хабарни ўқиб, инсон беихтиёр ғамгин ўйланиб қолади. Бу рақам оддий статистика эмас. Бу — жамиятимизнинг маънавий қиёфасига тутилган ойна. Унда

[99] https://t.me/hayotiy_saboqlaar/9457

[100] Абдулаҳатов Н., Аҳмедова Н. Комиллик сари – Т.: NOSHIR, 2018.- Б.16.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фақат исрофгарчилик эмас, балки бефарқлик, ношукурлик ва қадрсизланиш акс этган.

3,5 тонна ноннинг чиқитга ташланиши — тўқликка шўхликнинг, неъмат қадрига етмасликнинг, маънавий ҳушёрликнинг сусайиб бораётганининг яққол далилидир. Нон — азалдан халқимиз учун муқаддас бўлган неъмат. Унга ҳурмат — ризққа ҳурмат, ризққа ҳурмат эса ҳаётга ҳурматдир.

Бу кўрсаткич фақат аҳоли хонадонларидан чиқарилаётган нон ҳақида. Хўш, тўйхоналар, ресторанлар, ошхоналарда увол бўлаётган нон-чи? У ерларда исроф қилинаётган неъматларнинг ҳажми-чи? Агар буни республика миқёсида тасаввур қилсак, рақамлар қандай манзарани намоён этар экан?

Биргина мисол. Миллий қадриятларимиз билан чамбарчас боғлиқ бўлган наҳор оши ёки тўй маросимларини олайлик. Бу — минг йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, халқимизнинг маънавий қиёфасини ифодаловчи анъанадир. Аммо айнан шу гўзал анъаналар бағрида, кўзга у қадар ташланмайдиган, лекин оқибати маънан жуда оғир бўлган бир одат шаклланиб қолган.

Дастурхон атрофига йиғилишимиз билан даврадаги ёши улуғ кимса “Бисмиллоҳ” деб, дастурхондаги нонни ушатади. Савол туғилади: ушатилган ноннинг қанчаси ейилади? Агар ошга келди-кети кўп бўлса, кейин келган меҳмонлар аввалгилар ушатиб кетган нон бўлакларини аксар ҳолларда истеъмол қилмайди. Хизматда юрганлар эса дарҳол янги нон тортиқ қилади. Натижада, аввалги ҳолат яна такрорланади: яна “Бисмиллоҳ”, яна ушатилган нон, яна увол…

Уламолар исроф ҳақида сўралганда: “Агар сен истеъмол қилаётган нонингнинг ушоғи дастурхонга тўкилса-ю, уни емай ташлаб юборсанг, бу исрофдир ва у гуноҳи азимдир», деб таъкидлаган. Энди бир лаҳза ўйлаб кўрайлик: тўй ва ҳашамлардаги бу каби одатларимиз қай даражадаги исрофга

www.ziyouz.com kutubxonasi

сабаб бўляпти? Бу бефарқлик қандай маънавий оқибатларга олиб келяпти?

Афсуски, оддий кўринган одатлар ортида қандай катта маънавий йўқотишлар ётганини англаб етмаймиз. Ҳолбуки, нонга бўлган муносабат — жамиятнинг маънавий даражасини кўрсатадиган энг аниқ мезонлардан биридир".[101]

Нон инсоният ҳаётида оддий озиқ-овқат эмас, балки барака, меҳнат ва ҳаёт рамзидир. Ислом таълимоти, халқ маънавияти ва тарихий тажриба инсонни неъматни қадрлашга, исрофдан сақланишга чақириб келади.

Бугунги кунда жамиятда нон ва озиқ-овқат маҳсулотларининг увол бўлиши маънавий инқироз белгиларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун: оилавий тарбияни кучайтириш; ёшларда миллий қадриятларга ҳурмат уйғотиш, тўй ва маросимларда исрофни чеклаш, оммавий ахборот воситалари орқали маърифий тарғиботни кучайтириш, нон ва ризқ қадри ҳақида диний-маърифий тушунчаларни кенг ёйиш муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, нонни қадрлаган жамият баракали, маънавий баркамол ва ижтимоий масъулиятли жамият бўлиб шаклланади.

Дарҳақиқат барча ақли расо, идрокли кишиларга маълум ва маъруфдирким, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, муътадиллик ва меъёр ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошишлик, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса ҳам ақлан ва ҳам шаръан қораланиб, улардан ҳазар қилишга буюрилган.

Аллоҳ таоло Ўзининг каломи Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

وَآتِ ذَا الْقُرْبَى حَقَّهُ وَالْمِسْكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا تُبَذِّرْ تَبْذِيرًا ۝ إِنَّ الْمُبَذِّرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيَاطِينِ وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِرَبِّهِ كَفُورًا ۝ (سورة الإسراء/26-27)

[101] https://t.me/Tafakkur3/11770

www.ziyouz.com kutubxonasi

яъни: **“Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди”.**

Демак, силаи раҳм, хайр-эҳсон ва турли садақаларни беришда ҳам меъёрдан ташқари ҳаражат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш Аллоҳ таоло томонидан ҳам ман этилган.

Мазкур суранинг қуйидаги бошқа бир ояти каримасида шундай марҳамат қилинади:

وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَى عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا مَحْسُورًا (سورة الإسراء/29)

яъни: **“(Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз”.**

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан:

" كُلُوا وَاشْرَبُوا وَ تَصَدَّقُوا وَ الْبَسُوا فِي غَيْرِ إِسْرَافٍ وَ لاَ مَخِيلَةٍ " (رواه أحمد و إبن ماجه)

яъни: ***“Аллоҳнинг нозу неъматларидан хоҳлаганча еб-ичинглар, хайру эҳсон қилинглар, кийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўймангизлар!”***

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса:

" أَلْقَصدُ خَيْرٌ فِي الأَمْرِ كُلِّهِ فِي الْغِنَى وَ الْفَقْرِ وَ الْعِبَادَةِ " (الجامع الكبير للسيوطى)

яъни: ***“Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам муътадиллик яхшидир”*** – дейилади.

Тежамкорлик тўғрисида эса Пайғамбаримиз (сав) ҳадисларида шундай марҳамат қилинади:

" مَا عَالَ مَنِ اقْتَصَدَ " (رواه أحمد)

яъни: ***“Тежимкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайди”*** – деб таъкидланади.

Қозоғистонлик журналистнинг ижтимоий тармоқларда ёзиб қолдирган ушбу сўзларини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз:

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Отам Шинибек 4 йил очарчиликда, фашистлар коц-лагери ва НКВД қамоқхонасида маҳбусликда ўтирган: “Отам айтар эди: “Очликдан омон чиққан одам бир кун келиб дастурхондаги нонниng бир ушоғини ҳам ташлаб қўймайди”, деган эди...

Ортиқча чуқурлашмасдан, ҳар йили кўриб турган ҳолатимни айтиб бераман...

Қозоғистонда машҳур бойвуччани қизининг ресторани бор. Тўй, дастурхон ва бошқа тадбирларни фақат бойлар ўтказади. Менинг яқин қариндошим шу ресторанда ишлайди. Баъзи овқатлар столда устида тегилмасдан қолиб кетади. Бироқ, ресторан бошқарувчиси у ерда ишлайдиганларга эътибор ҳам бермайди. Ҳар бир бурчакда камера ўрнатилган. Ресторан хизматчиларига бир бўлак мевани ҳам сотиб олишга рухсат берилмаган. Мен айтаман “Ундай бўлса, еб бўлмайдиган даражада кўп овқатни нима қилиш керак, охир-оқибат ушбу таомлар ҳам айниб қоладими? "-. “Йўқ, қолган овқатни тарозига тортиб, чўчқабоқар одамларга арзимаган пулга сотадилар” дейишди. Ишчи аёлларга беришгандан кўра чўчқалар истеъмол қилгани яхшироқ шекилли ...

Бизда тўйларда, кечки овқат учун ресторанга борадилар. Столга идиш қўйиш учун жой ҳам йўқ.... Хўрандалар таомланиб кетгач “Қолган овқатларни нима қиладилар?” Бу савол доимо миямда айланаверади. Баъзан оилавий ҳафталик овқатни 10-12 кишилик дастурхонга қўйишлари мумкин. Бунинг учун ҳеч ким ўйлашни ҳам хуш кўрмайдилар. Чунки биз очлик нима эканлиги билмай катта бўлдик...

Журналист касби тақозоси билан турли учрашувларга, фуршетларга борасиз. Баъзилар идишини турли ноз-неъматлари билан тўлдириши мумкин. Бироқ идишдаги таомнинг ярми шундай қолиб кетаверади. Бир бўлак товуқ, бир бўлак пирог, ярми тозаланган, иккинчи ярми мева... Ёки қаергадир борсам, онамнинг бунга қизиқиб, кўп овқат

www.ziyouz.com kutubxonasi

буюриб, охирида “оҳ, тўйиб кетди” деган сўзларини эшитаман. Ҳатто тўйсангиз ҳам, ширинликлар бор. Бир ёки икки қошиқ татиб кўрилгач, яна идишда қолиб кетади. Ва ҳеч ким бунинг оқибатини ўйлаб ҳам кўрмайди. Чунки биз очлик нима эканлигини билмаймиз..

— Хўш, овқатни соат нечада пиширасиз, соат нечада ичасиз? " - Ишдан кеч қолганимни билган бир одамнинг менга берган саволи. Мен “шўрвани мўл-кўл қилиб икки-уч кунга етадиган қилиб пишираман”, дедим. Шу тарзда баъзан таом пиширишга бўлган вақтни ҳам тежайди”, дейман... Бу жавобимни эшитгач суҳбатдошимни эснаси қотади ва “Э нима деяпсиз, халқимиз пиширилган овқат емайди, кунига янги овқат қилиш керак”, дейди. Орамизда ҳам шундай инсонлар бор. Чунки улар ҳеч қачон оч қолмаган...

“Қандай таом?”... Мени энг ёмон кўрган саволим шу. Чунки онам пиширган ҳамма нарсани ҳеч қандай изоҳсиз ейишим мумкин. Мен ҳеч қачон овқат ҳақида фикр билдирмайман, ҳатто бировнинг уйига борганимда ҳам. Демак, эҳтимол: “Оҳ, яна шўрвами?” Бундай мавол мени доимо ғазаблантиради. Биз ҳеч қачон оч бўлмаганмиз, шунинг учун бу ҳақда нимани ҳам гаплаша олардик ...

Буғдой донига зор бўлиб, қуриб кетган суякларни қайнатиб ичганларнинг руҳлари шод бўлсин. Очликдан жон берганларнинг жойлари жаннат жаннат боши бўлсин”.[102]

Кишилар эътиборини айнан шу мавзуга қаратиш лозим-лигини даъват этмоқдалар. Шу жиҳатдан қаралганда айниқса ёшлар тарбиясига доир кўрсатувлар ва эшиттиришлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бундан ташвишланган айрим кимсалар ёшлар мавзусига ҳаддан ортиқ эътибор берилмоқда деган фикрни ҳам айтмоқдалар. Биз бундайларга Луқмони ҳакимнинг жавобини келтириб ўтмоқчимиз.

[102] Facebook саҳифаларидан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Луқмони ҳакимдан:

— Насиҳатларингизнинг кўпи ёшларга оид бўлади, аммо ёши катталарга камроқ бўлади, бунинг сабаби нима?—деб сўрадилар.

Луқмони Ҳаким шундай жавоб берди:

— Боғбон ерни юмшатиб бир дарахт кўчатини ўтқазиб, унинг атрофини хас-хашакдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаб, керак бўлган вақтда сув бериб турса, умуман яхши диққат қилиб тарбияласа тез вақтда дарахт вояга етади, унумли, серҳосил бўлади.

Болани ҳам ёшлигидан бошлаб яхшилаб тарбия қилинса, гўзал ахлоқли, одобли этиб ўстирилса, у бола ўзига, ота-онасига бахт-саодат келтиради, жамиятнинг энг фойдали аъзоси бўлиб етишади. Шунинг учун мен ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият бераман, ваъз-насиҳатларимнинг кўп қисми ёшларга оид бўлади”[103].

Луқмони Ҳаким ҳикматларини келтиришимиздан мақсад шуки, айрим ҳолларда боболари бир бурда нон топа олмай очликда ҳаётдан кўз юмганларнинг авлодлари аждодларининг аччиқ қисматини унутиб, нонкўрлик қиладилар. Ёзувчи Неъмат Аминовнинг “Бир аср ҳикояти” асаридаги айнан шу ҳақда ибратли ҳикоя келтириб ўтилган:

“Ҳе, бу гардуни азалда одамларни бошидан нималар кечмаган! Уруш йиллари, айниқса, бизани Бухоро қишлоқларида очарчилик авжига чиққан эди. Чунки сув йўқ, шўр, ҳаммаёқ қурғоқчилик. Одамлар оч, кунжара, йўнғичқа ейишарди.

Бу эртак эмас, бизлар ўз бошимиздан кечирганмиз. Ўшанда дала бошида суюққина ёрма тайёрланарди. Овқатни энди сузиб, ҳар ким ўз корсонини олдига олгани- да, қишлоқдан чиққан Шоназар деган чолга “Ўғлинг ўлди”, деган хабар келувди. Шоназар “Ҳозир, ошимни ичиб бора-

[103] Оз-оз ўрганиб доно бўлур. Донишмандлар бисотидан ҳикоятлар, масаллар, ҳикматлар / Таржимон: Шорасул Зуннун. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Саидбек Ҳасанов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. –Б. 40.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман”, дея иссиқ ёрмадан икки-уч қошиқ ичди, овқат томоғидан ўтмади, ўқчий-ўқчий, “Во болам”лаб қишлоққа югургани эсимда... Тўхта, давомини эшит. Кеча Лабиҳовузда айланиб юриб, бир катга ўтириб, чой чақирдим. Ёнгинамдаги катда уч-тўрт улфат суҳбатлашиб, шашлик еб ўтирибди. Улардан бирови нон бўлаги билан сихнинг учини артиб, қорайган нон бўлагини хонтахтанинг четига қўя бошлади. Диққат билан тикилдим. Кимгадир монанд кетади. Бориб суриштирдим. Бу ўша Шоназар чолнинг кичик хотинидан бўлган ўғил экан... Унга уруш давридаги ўша воқеани айтиб берган эдим, ишонмади”[104].

Луқмони Ҳаким ҳикматларидан тортиб Неъмат Аминовнинг “Бир аср ҳикояти” асари ва қозоғистонлик журналистнинг шахсий кузатувларигача жамланган ушбу манбалар тўплами **тарихий хотира, авлодлар ўртасидаги когнитив уззилиш, маиший истеъмол маданияти ҳамда ижтимоий этнопедагогика** муаммоларини қамраб олади.

Ушбу матнни бир нечта комплекс илмий йўналишлар бўйича таҳлил қилиш мумкин:

1. Тарихий Хотира ва авлодлар узилиши (Generational Memory Deficit).

Тўқлик ва фаровонлик даврида ўсган авлод аждодлари бошдан кечирган очлик, уруш ёки қатағон даҳшатларини шахсий тажриба сифатида ҳис қила олмайди.

- **Сўнгги ҳикоядаги Шоназар чол ва унинг ўғли мисоли:** Чол учун овқат — фарзандининг ўлими хабари келганда ҳам ташлаб кетиб бўлмайдиган (чунки очликдан омон қолиш манбаи бўлган) муқаддас ресурс. Унинг ўғли учун эса нон — шунчаки кабоб сихни артадиган маиший “салфетка”.
- Бу ҳолат социологияда **“Тарихий травманинг учинчи авлодда йўқолиши”** деб аталиб, жамиятда моддий тўқлик

[104] Аминов Н. Бир аср ҳикояти (Темирчидан қолган тиллолар) – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2016. – Б. 21-22.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ортгани сари маънавий-тарихий масъулият сусайиб боришини кўрсатади.

2. Замонавий Истеъмолчилик Жамияти ва «Овер-Консьюмеризм» (Overconsumerism).

Журналист кузатган ресторанлар ва дастурхон безаш одатлари иқтисодиёт ва социологиядаги **“кўз-кўз қилиш учун истеъмол қилиш” (conspicuous consumption)** феноменининг ёрқин кўринишидир.

- **Ресторанлар ва “чўчқабоқарларга сотиш” амалиёти:** Ресторан маъмурияти томонидан ортган овқатни ишчи ходимларга беришнинг тақиқланиши капиталистик тизимдаги ортиқча назорат ва инсон омилидан кўра фойда/чиқинди логистикасини устун қўйиш метафорасидир.
- **Тўйлар ва “икки-уч кунлик овқат”га муносабат:** Фаровон жамиятларда таом манба сифатида эмас, балки **“статус ва обрў кўрсаткичи”** сифатида қабул қилинади. Шунга кўра, икки кунлик шўрвани ейиш ёки ортган овқатни тежаш — қашоқлик белгиси сифатида нотўғри талқин қилинади.

3. Ижтимоий Этнопедагогика ва Луқмони Ҳаким Концепцияси.

Матнда келтирилган Луқмони Ҳакимнинг ниҳол ва ёшлар тарбияси ҳақидаги қиёсламаси педагогика ва психологиядаги **“ижтимоий импринтинг” (эрта шаклланиш)** назариясига тўлиқ мос келади.

Аспект	Ёш авлод (Эрта тарбия)	Катта авлод (Кечикиб қилинган таъсир)
Аналогия	Эгилувчан, парваришга муҳтож ниҳол	Илдиз отган, қаттиқлашиб бўлган дарахт
Психологик	Қадрият ва одатларни	Дунёқараши ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аспект	Ёш авлод (Эрта тарбия)	Катта авлод (Кечикиб қилинган таъсир)
эластиклик	тез ўзлаштиради	одатларини ўзгартириши қийин
Педагогик мақсад	Исрофсизлик ва эҳтиром маданиятини сингдириш	Тарбиялаш эмас, балки хотирага чақириш

Педагогикада инсоннинг асосий ахлоқий устунлари ва ресурсларга бўлган муносабати айнан болалик ва ўсмирлик ёшида шаклланиши исботланган. Шу сабабли ёшлар ўртасида исрофгарчиликнинг олдини олиш медиа ва таълим тизимининг устувор вазифаси саналади.

4. Экзистенциал миннатдорлик ва ритуал психологияси.

Журналистнинг "ҳар қандай овқатни изоҳсиз ейиши" ва "овқат танламаслиги" — бу шунчаки одат эмас, балки отасининг НКВД, концлагерь ва очарчилик тажрибаси орқали оилага юқган "маънавий филтр"дир.

• Очликни кўрган ёки бу ҳақида оилавий хотирага эга бўлган инсонларда таомга нисбатан **"ритуал ҳурмат"** пайдо бўлади. Овқат танлаш, "яна шўрвами?" деб нолиш улар учун ахлоқий нуқтаи назардан ўтмишда очликдан вафот этганларнинг руҳига нисбатан ҳурматсизлик бўлиб туюлади.

Келтирилган манбалар — жамият тўқлик ва моддий фаровонлик даражасига етганида, тарихий хотира сусайиб, **"микроисрофгарчилик"** оддий маиший нормага айланиб қолиши мумкинлигини огоҳлантирувчи муҳим ижтимоий-философик ҳужжатдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дадахон Мадалихожа ўғли ва унинг “Нон азиздур” шеъри

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида яшаб ўтган Дадахон Мадалихожа ўғли (1911-1996). бир умр бинокор уста сифатида меҳнат қилган. Бироқ у ҳаётида нон нақадар улуғ неъмат эканлигини шеърий мисралар орқали фарзандларига насиҳат тарзида ёзиб қолдирган эди.[105]

ХХ асрнинг оғир ва мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлари орасида халқ маънавияти, меҳнат маданияти ва миллий қадриятларни сақлаб қолишда оддий инсонларнинг ўрни беқиёс бўлган. Ана шундай фидойи, меҳнаткаш ва маърифатпарвар инсонлардан бири Дадахон эшон ҳисобланади. Унинг ҳаёт йўли нафақат бир инсон тақдири, балки бутун бир даврнинг ижтимоий муҳитини ўзида акс эттирувчи муҳим манба сифатида аҳамият касб этади.

Дадахон эшон 1911 йилда Тўрақўрғон қишлоғида ўқитувчи оиласида таваллуд топган. Унинг отаси Маъдалихон эшон Қодирхон ўғли ўз даврининг маърифатпарвар зиёлиларидан бири бўлиб, машҳур жадид маърифатчиси Исҳоқхон Ибрат билан ҳамкорликда мактаб ташкил этиб, камбағал оилалар фарзандларини ўқитиш ишлари билан шуғулланган. Бу ҳолат Дадахон эшоннинг маънавий муҳитда тарбия топишига катта таъсир кўрсатган.

Бироқ унинг болалиги оғир синовлар билан кечди. Тўрт ёшида отаси Бухорога кетиб қолади. Чор ҳукумати таъқиблари ва оилавий қийинчиликлар туфайли онаси Рисолатхон фарзандларини боқиш учун турмуш шароитига мослашишга мажбур бўлади. Катта фарзанди Тўхтахон Косонсойга турмушга берилади, Рисолатхон эса Ахсидаги Бувохон ҳожига турмушга чиқади. Шу тариқа Дадахон 1919 йилдан Ахсининг Жанжал қишлоғида яшай бошлайди.

[105] Абдулаҳатов Н. Тошқулов А., Қодиров В. Файзиобод файзлари. – Т.: Kitobdornashr, 2019. –Б. 112.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бувохон ҳожи йирик савдогарлардан бири бўлиб, ер-сув ва боғларга эгалик қилган. У боғларда етиштирилган ўрик ва бошқа меваларни қуритиб бозорларда сотар эди. Дадахон ёшлигидан ҳалол меҳнат қилиб, савдо ишларида иштирок эта бошлайди. Улар от-аравада қуритилган ўрикларни Ҳақулобод бозорига олиб бориб сотишар, кейин эса гуруч харид қилиб Чуст бозорида савдо қилишар эди. Бу меҳнатлар Дадахоннинг ҳаётга бўлган муносабати ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантирди.

Дадахоннинг таълим олишига оила муҳитида катта эътибор берилмаган бўлса-да, у мустақил равишда илмга интилди. Мактабга қатнаб, қисқа муддат ичида кирилл алифбосини ўрганди. Отаси Маъдалихоннинг шоирлар даврасида қатнашиб юриши унинг адабиётга қизиқишини кучайтирди. Натижада Дадахон ғазал, рубоий ва турли шеърлар ёза бошлади.

1939 йилда Шимолий Фарғона канали қурилиши бошланганда у маданий тадбирларда иштирок этиб, меҳнаткашларни руҳлантириш ишларида қатнашади. Шу жараёнда у машҳур шоир Набихон Чустий билан учрашади. Дадахон ўз қораламаларини шоирга кўрсатиб маслаҳат сўрайди. Набихон Чустий унинг ижодий қобилиятини эътироф этиб, қофияга эътибор беришни тавсия қилади. Бу маслаҳат Дадахоннинг ижодий фаолиятига катта руҳий туртки бўлган.

1936 йилда у Мозоркўҳна қишлоғилик Ҳабибахонга уйланади. Оилада Раҳимахон ва Каримсахон исмли қизлар дунёга келади. Бироқ 1939 йилда онаси Рисолатхон эпидемия туфайли вафот этади. Дадахон шу йилларда дурадгорлик касбини ҳам ўрганиб, меҳнат орқали рўзғор тебратишни давом эттиради.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Дадахон ҳаётида алоҳида ўрин тутади. 1944 йилда у фронт хизматига жалб этилади. Дурадгорлик маҳорати сабабли “Рабочий батальон” таркибида Бекобод металлургия заводи қурилишига юбо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рилади. У ерда у юқори меҳнат унумдорлиги билан ажралиб туради. Қисқа вақт ичида меҳнаткаш ва ташкилотчи сифатида танилиб, бир нечта ёшлардан иборат бригада тузади. Улар пойдевор қуйиш, ғишт териш ва бошқа қурилиш ишларини юқори сифат билан бажариб, завод раҳбарияти эътиборига тушишади.

Меҳнатдаги фаоллиги учун уларга озиқ-овқатдан ташқари қўшимча мукофот пуллари ҳам берилган. Бригада аъзолари "Стахановчи бригада" сифатида танилиб, завод газеталарида уларнинг меҳнати мунтазам ёритиб борилган. Дадахоннинг меҳнатсеварлиги ҳатто унга давлат мукофоти бериш ташаббусига ҳам сабаб бўлган. Бироқ у фарзандлари тақдири ва оила ташвишини ҳамма нарсадан устун қўйиб, заводнинг очилиш маросимини кутмасдан Ахсига қайтиб кетади.

Уйига қайтгач, икки ёш қизининг оғир аҳволда эканини кўриб қаттиқ изтиробга тушади. Кейинчалик катта қизи Раҳимахоннинг қизамиқ касаллигидан вафот этиши унинг ҳаётидаги энг оғир мусибатлардан бири бўлди.

Урушдан кейин Дадахон колхозда ҳайдовчи, кейинчалик табелчи бўлиб ишлайди. У меҳнаткашларни рағбатлантириш мақсадида деворий газеталар чиқариб, илғор колхозчилар ҳақида шеърлар ёзади. Бу орқали жамоада меҳнатга ҳурмат ва маънавий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

1950 йилда у Муҳаррамхонга уйланади. Оилада Зоҳидхон, Воҳидхон, Зокирхон ва Назирахон дунёга келади. Фарзандларининг барчаси жамиятда муносиб ўрин эгаллаб, халқ хизматида фаолият юритганлари Дадахоннинг оилапарвар ва тарбиячи сифатидаги фазилатларини кўрсатади. Айниқса, Воҳидхоннинг "Халқ ўқитувчиси" унвони билан тақдирланиши ушбу оилада илм ва маърифат анъаналари давом этганини англатади.

Дадахон эшоннинг ҳаёти меҳнат, сабр-тоқат, маънавият ва инсонпарварлик намунаси сифа-тида аҳамиятлидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг ҳаёт йўли орқали ХХ аср ўзбек қишлоқ муҳити, меҳнат маданияти, оилавий қадриятлар ва маънавий муҳит ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин. Дадахон эшон нафақат меҳнаткаш инсон, балки халқ маънавияти ва адабий муҳитга дахлдор ижодкор шахс сифатида ҳам ёдда қолади.

“Нон азиздур”

Нон азиздур дўстларим,
Зинҳор уни хор айламанг.
Йўл аро қолса тушуб,
Олмаққа сиз ор айламанг.

Қолса ортиб ташмангиз,
Мўмиё айланг уни.
Нонни кўп исроф қилиб,
Дилга озор айламанг.

Келса меҳмон олдига,
Нон бўлмаса кўп хуш эмас.
Сиз бу ўзбек хислатини,
Хеч бир инкор айламанг.

Яхши деб билсангчи уни,
Турмуш фаровон нон билан.
Мол семурсун деб уни,
Ҳайвонга даркор айламанг.

Танга қувват кўзга нур,
Киргай ахир шу нондан.
Сиз паймол этиб ўтмоқни,
Зинҳор одат айламанг.

Экдилар дон, нон учун,
Сиз, биз каби инсон учун.
Дехқон аҳлин меҳнатин ҳам,
Асли бекор айламанг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яхши билгайсиз асли
Нонни мазасин сиз.
Нонни ҳурмат қилмаган,
Одамни ҳеч ёр айламанг.

Дадахон Мадалихожа ўғлининг “Нон азиздур” дидактик шеъри XX аср ўзбек жамиятининг этнографияси, халқ маданий-маърифий муҳити, меҳнат социологияси ва оилавий дидактикаси туташган нуқтада жойлашган муҳим манбадир.

Дадахон эшон профессионал шоир бўлмаса-да, унинг шеърида халқ оғзаки ижоди ва дидактик шеъриятининг фундаментал коидалари акс этган:

• “Мўмиё айланг уни” — Микроисроф ва ритуал тезкорлик:

Шеърдаги *“Қолса ортиб ташмангиз, Мўмиё айланг уни”* мисраси халқ психологиясида ноннинг фақат биологик озуқа эмас, балки “табаррук ресурс” сифатидаги мақомини кўрсатади. Халқ тиббиёти ва эътиқодида мўмиё — энг қимматли, даволовчи моддадир. Нон ушоғини мўмиёга тенглаштириш орқали муаллиф неъматга бўлган сакрал (муқаддас) муносабатни ифодалайди.

• Меҳнат иқтисодиёти ва деҳқон маданияти:

“Деҳқон аҳлин меҳнатин ҳам, Асли бекор айламан” мисрасида исрофгарчилик нафақат маънавий гуноҳ, балки инсон меҳнатини қадрсизлантириш сифатида талқин қилинади.

• Маиший нормалар ва чорвачилик табуси:

“Мол семурсун деб уни, Ҳайвонга даркор айламанг” мисраси ўзбек анъанавий жамиятидаги ахлоқий табуни очувчи муҳим деталь. Нонни чорвага бериш халқ дунёқарашида “неъматни хор қилиш” ҳисобланган, чунки нон инсон меҳнати ва ақлининг маҳсули сифатида жонли мавжудотлар ичида фақат инсонга аталган энг олий таом деб билинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дадахон Мадалихожа ўғлининг “Нон азиздур” шеъри — XX аср ўзбек халқ маънавиятининг кичик бир модели бўлиб, унда оддий меҳнаткаш инсоннинг дунёқараши ва миллий қадриятларни сақлаб қолишдаги роли тарихий-ҳужжатли тарзда ўз аксини топган.

Кўзга кўринмаган исроф

Қамалнинг қаҳратон қишида ленинградликларга бир кун учун 125 гр нон бўлаги берилар, айримлар уни қўлига олган заҳоти еб қўйиб кейин оч қолиб ўлиб кетар эди.

Бувимиз бизнинг овқатланишимизни қаттиқ назоратга олган эди. У барчамизнинг нон бўлакларини жавонга қулфлаб беркитиб қўяр ва куннинг аниқ соатларида ноннинг ушоқларини бериб турар эди.

Мен эса қорним очлигидан жавоннинг олдига турволиб соатнинг дақиқалари тезроқ юришини ўтиниб сўрар эдим. Бувимизнинг шу тартиб-интизоми бизни очликдан қутқарган эди.

Орадан йиллар ўтса ҳам ўша кунларнинг изтиробли онлари ҳамон кўз ўнгимда, исрофгарчиликка тоқат қила олмайман. Мабодо набирамнинг ликопчасида қолиб кетган овқатни кўрсам: “Ликопчангга ортиқча овқат солмагин, агар тўймасанг яна соласан”, дейман.

Набирамнинг бўлса жаҳли чиқади - арзимаган нарсага ҳам бувим аралашаверадими, дегандек қовоқларини уйиб олади.

Чунки набирам ликопчасида ортиб қолган биргина ушоқ инсон ҳаётини сақлаб қолиши мумкинлигини шунчаки англамайди...

Алиса Фрейндлих.[106]

[106].https://www.facebook.com/lochinbek.amanov?__cft__[0]=AZZFHxo66HkykbDSTMHUTMcbuPAPE0h7U58AGiVGzmTyX33AwWxHeltuBy2WVMsYd_JgPHkk4479P1zcTQRb3P6lQMiBVVwwxb2xcbtxcKJuaXHPCrOy-

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алиса Фрейндлихнинг хотиралари инсон руҳияти, авлодлар ўртасидаги фарқ ва тарихий хотиранинг шаклланиши нуқтаи назаридан жуда чуқур маънога эга. Ушбу матнни бир нечта илмий ва ижтимоий фанлар туташмасида таҳлил қилиш мумкин:

1. Психология ва Тарихий Травма (Historical & Generational Trauma).

Алиса Фрейндлихнинг нонга ва овқатга бўлган муносабати Ленинград қамалида шаклланган психологик феномен — *"очлик травмаси"* билан боғлиқ. Extreme (фавқулодда) шароитда омон қолган инсонларда таом ва ресурсларга нисбатан умрбод сақланиб қолувчи юқори эҳтиром ва "хавфсираш" туйғуси пайдо бўлади. Бундай инсонлар учун овқат шунчаки биологик эҳтиёж эмас, балки **"ҳаёт манбаи ва хавфсизлик кафолати"** саналади.

2. Когнитив узилиш ва авлодлар динамикаси (Generational Gap).

Матнда икки хил дунёқараш ва когнитив тажрибанинг тўқнашуви яққол кўринади:

- **Кекса авлод (Буви):** Рўзғордаги ресурсларни интизом ва қатъий назорат орқали тежаш тажрибасига эга. Улар учун бир ушоқ нон ҳам ҳаёт ва ўлим ўртасидаги чегарадир.
- **Янги авлод (Набира):** Фаровонлик ва тўқлик даврида ўсгани учун ресурсларнинг танқислигини тасаввур қила олмайди. Унинг учун ликопчада қолган овқат — "оддий маиший майда-чуйда".

Психологияда бу ҳолат "**қадриятлар узилиши"** деб аталиб, тарихий тажрибага эга бўлмаган авлодга катталарнинг хавотири "асоссиз талабчанлик" бўлиб туюлади.

59KKkdDdz4AOajqUoUC1ESMEPfLal3EyFqnJ1BQuEIkwBaGkO3ggW_Rl3W87GK3VxRVryilrpgXhy6MRDIXmTNEdKz9IVHzELmj&__tn__=-UC%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Нутрициология ва Микроисрофгарчилик (Micro-Waste Economics).

Бувининг “овқатни кам-камдан, тўймасанг яна солиб ейиш” ҳақидаги тавсияси ҳозирги замон табиий ресурсларни тежаш ва озиқ-овқат хавфсизлиги (Food Security) бўйича энг илғор концепцияларга тўлиқ мос келади.

• Дунёда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқатнинг учдан бир қисми айнан истеъмолчилар даражасидаги «майда исроф-гарчилик» (масалан, ликопчада ортиб қолган овқатларни ахлатга ташлаш) сабабли йўқотилади.

• Яъни, интизомли овқатланиш одати нафақат тарихий хотира, балки замонавий экологик маданиятнинг ҳам муҳим қисмидир.

4. Этнопедагогика ва маънавий тарбия.

Ўзбек ва шарқ этнопедагогикасида ҳам «ушоқни исроф қилмаслик» ва “нонни эъзозлаш” оилавий тарбиянинг фундаментал устунларидан бири ҳисобланади. Фрейндлихнинг хотираси шуни кўрсатадики, ҳаёт машаққатларини кўрган турли миллат ва маданият вакиллари учун нон қадри умуминсоний ва фундаментал ахлоқий мезонга айланади.

Алиса Фрейндлихнинг ушбу хотираси тарихий синовлар орқали шаклланган донолик ва интизомнинг оилавий тарбиядаги ўрнини очиб берувчи муҳим ижтимоий-психологик ҳужжатдир.

70 йилдан кейин ўқилган кундалик

У буни 8 ёшида ёзган эди. Дунё эса уни 70 йилдан кейин ўқиди.

1942 йилда қамал қилинган Ленинградда саккиз ёшли болакай Серёжа Мызников кундалик юритган. Уни ҳеч ким сўрагани учун эмас — шунчаки ёзган. Ойиси жуда жим бўлиб қолгани ҳақида. Энди нонни кичкинагина бўлакчада беришлари ва уни кўпроқдай туюлиши учун секин-секин ейиш кераклиги ҳақида. Бир куни йўқолиб қолган

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшнининг мушуги ҳақида — ўшанда ҳамма ҳамма нарсани тушунган, лекин ҳеч ким буни овоз чиқариб айтмаган эди.

Қамалдаги Ленинградда бундай кундаликлар жуда кўп ёзилган. Уларни болалар ҳам, катталар ҳам юритишган. Одамлар ёзишган, чунки атрофдаги ҳамма нарса буни ортиқча деб турганда, инсон бўлиб қолишнинг санапликча йўлларидан бири шу эди.

Қамал 872 кун давом этди. 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача. Тўпланган турли манбаларга кўра, 800 000 дан 1 200 000 гача одам ҳалок бўлган — ва уларнинг аксарияти бомбалардан эмас, балки очликдан вафот этган.

1941–1942 йилларнинг қишида ишчи учун кунлик нон меъёри 250 граммни ташкил этарди. Қолган ҳамма учун эса — 125 грамм. Бу атиги тўртгина тилим нон дегани. Бутун бир кунга. Одамлар дурадгорлик клейини, қайнатилган чарм камарларни, гулқоғозларни ёнишган — чунки уларнинг таркибида крахмал бор эди. 1942 йилнинг январь ойида шаҳарда ўлим кўрсаткичи ойига 100 000 кишига етди. Жасадлар кўчаларда ётарди — одамларга бефарқ бўлгани учун эмас, балки тирикларнинг уларни кўмишга мадори қолмагани учун.

Шунга қарамай, шаҳар ишлашда давом этди. Заводлар танклар ва снарядлар ишлаб чиқарарди. Олимлар тадқиқотлар олиб боришарди. Шоирлар шеърлар ёзишарди. 1942 йилнинг мартида Ленинград филармониясида Шостаковичнинг Еттинчи — «Ленинград» симфонияси ижро этилди. Оркестр созандалари очликдан шу қадар ҳолдан тойган эдики, баъзилари репетицияларни ўтирган ҳолда ўтказишарди. Концертга одамлар пахталик тўн ва валенкаларда келишди — залда иситиш тизими ишламасди. Ва улар мусиқани тинглашди.

Бу ҳикояда мени ҳар доим ҳайратга соладиган нарса ана шу. Фақатгина азоб-уқубатнинг кўлами эмас — бу ақлга сиғдириш қийин бўлган даҳшат. Балки одамлар ушбу дўзах

www.ziyouz.com kutubxonasi

ичида ҳам инсон бўлиб қолганидир. Кундаликлар юритишгани, болаларни ўқитишгани, мусиқа чалишгани. Бу қуруқ пафос ёки пропаганда эмас. Бу ақл билан изоҳлаш жуда қийин бўлган шунчаки ҳақиқат.

Болакай Серёжанинг кундалиги сақланиб қолган. Уни архивга қўшни аёл топширган — боланинг ўзи қамалдан омон чиқа олмаган. Охирги ёзув 1942 йилнинг февраль ойи билан саналанган. У ерда атиги биргина жумла бор: "Ойим бугун ўрнидан турмади. Мен бироз кутдим-да, нон олгани ўзим чиқиб кетдим".[107]

Серёжа Мызниковнинг кундалиги ва Ленинград қамали хотираларига асосланган ушбу матн тарих, психология, социология ва одам организмининг фавқулодда шароитлардаги биологияси туташган нуқтада жойлашган муҳим ҳужжатдир. Матнни қуйидаги илмий йўналишлар бўйича таҳлил қилиш мумкин:

1. Гуманитар экзистенциализм ва "Инсонийликни сақлаш механизми".

Психология ва философияда (хусусан, Виктор Франклнинг логотерапия таълимотида) экзистенциал омон қолиш концепцияси мавжуд: **экстремал очлик ва хавф шароитида инсон маънавий мақсад ёки кундалик маъно топсагина руҳан йиқилмайди.**

- **Кундалик юритиш ва санъат:** Очлик шароитида кундалик ёзиш, симфония тинглаш ва болаларни ўқитиш «арзимас машғулот» эмас, балки когнитив ва руҳий компенсация механизмидир. Бу хаос ва дўзах ичида инсоннинг ўз ички оламини тартибга солиш (саморегуляция) ва деградацияга учрамаслик усули бўлиб хизмат қилган.

2. Субъектив тарих ва "Кичик одам" феномени (Microhistory).

[107] https://www.facebook.com/heros.victoire1945?__cft__[0]=AZZqg7NzZayDB8wvYB-HTb31AgOvsBgybv8MVm-YWrGye5_tBe0p2tGNu8CGjdfYf5zCF-2q3xhTfq7CAbCVBP-kUuvAeXor9Zl6pFAGAnSi5re2-IZNnIzl7J_pzxEmi1iL99b3jKrmEbTmiiWUvDvR7546k1RYDzoed61X8UXNOIZuZerv7G5EJmvQPQIeb5NojwN_zxn4N4tsDz29dgA0&__tn__=-UC%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тарихшуносликда **«микротарих»** йўналиши мавжуд. Бунда йирик сиёсий-ҳарбий воқеалар (статистика, фронт хариталари) эмас, балки оддий шахснинг (8 ёшли Серёжанинг) шахсий кечинмалари орқали жамиятнинг чинакам манзараси ўрганилади.

• Серёжанинг кундалиги — уруш даҳшатининг статистикаси эмас, балки унинг бола кўзи билан ҳужжатлаштирилган реал психоэмоционал манзарасидир. Айнан шундай манбалар тарихий хотиранинг энг холис гувоҳликлари ҳисобланади.

3. Экстремал очлик физиологияси ва психологияси.

Тиббиёт ва биохимия нуқтаи назаридан, кунига 125 грамм нон (таркибида клей ва ёғоч қириндилари бўлган) одам организмининг базал метаболизмини (яшаб қолиш учун керакли минимал энергия) таъминлай олмайди.

• **Физиологик адаптация:** Очликнинг охирги босқичида организм ўз тўқималари ва азотли бирикмаларини ейишни (аутофагия ва дистрофия) бошлайди. Одамларда ҳаракат қилиш ва ҳатто ўликларни кўмишга мадор қолмайди.

• **Сублимация:** Краҳмал қидириб дурадгорлик клейи ва гулқоғозларни қайнатиш — очлик шароитидаги омон қолиш инстинктининг охирги чораларидир.

4. Ижтимоий аналог ва Табу феномени.

Мақолада қўшнининг йўқолиб қолган мушуги ҳақидаги эслатма ижтимоий психологиядаги **«жимлик келишуви»** (tacit agreement) феноменини кўрсатади.

• Очлик жамиятда ижтимоий табуларни (мушук ёки итларни ейиш) бузишга мажбур қилади. Жамият аъзолари ахлоқий инқирозни ва айбдорлик туйғусини енгиллаштириш учун бу каби воқеаларни “овоз чиқариб айтмаслик” ва “сукут сақлаш” тактикасини танлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Когнитив психология: Эмпатия ва драматик якун.

Кундаликнинг охирги жумласи (*“Ойим бугун ўрнидан турмади. Мен бироз кутдим-да, нон олгани ўзим чиқиб кетдим”*) болалар когнитив психологиясининг фожиасини очади.

• 8 ёшли бола онгида ўлим ҳодисаси пўлатдек совуқ, маиший воқелик сифатида қабул қилинади. Бола ота-онасининг вафот этганини психологик жиҳатдан тўлиқ англаб етмайди, аксинча, “онгнинг ҳимоя механизми” ишга тушиб, у шунчаки кундалик вазифасини (нон олишни) бажаришга рағбатланади.

Серёжа Мызниковнинг кундалиги — инсон физиологик жиҳатдан синган жойда ҳам, унинг маънавий ва ижтимоий мавжудот сифатидаги моҳияти қандай сақланиб қолишини кўрсатувчи фундаментал ҳужжатдир.

НОНВВОЙЛИК КАСБИ

Энг буюк мансабдур, нон ёпмоқлик ҳам.
Тўра Мирзо.

Ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятида нон алоҳида муқаддас қадрият сифатида эъзозланади. Асрлар давомида шаклланган новвойлик санъати нафақат озиқ-овқат тайёрлаш маданияти, балки халқнинг турмуш тарзи, меҳ-мондўстлиги, диний-ахлоқий қарашлари ва ҳунармандчилик анъаналарини ўзида мужассам этган муҳим маданий ҳодиса ҳисобланади. Нон ўзбек халқининг кундалик ҳаётида тирикчилик манбаи, барака рамзи ва муқаддас неъмат сифатида қадрланган. Шу боис новвойлик касби ҳам энг ҳурматли ва оммавий ҳунарлардан бири сифатида эътироф этилган.

Узоқ даврлар давомида, асрлар оша шаклланиб келган ўзбек новвойлик санъати энг ҳурматли ва кенг тарқалган касблардандир. Кўп асрлик тажриба хамирдан кўпгина

www.ziyouz.com kutubxonasi

маҳсулотлар турларини кашф этишга олиб келган. Масалан, Самарқанднинг ўзидагина фақат нон маҳсулотларининг *“нони осиёйи”*, *“нони пўлати”*, *“нони заргарони”* *“нони тафтон”*, *“нони обаки”*, *“нони кўлабоки”*, *“нони забони гав”*, *“нони тароқи”*, *“нони хаззин”* каби кўпгина турлари бўлган.

Дарҳақиқат, Самарқанд нонлари қадимданоқ Туркистон ўлкасида шуҳрат қозонган. Маълумотларга кўра, ўтмишда Регистон майдонига чиқишда мадрасалар қаторида жанубий томондан дўконлар жойлашган бўлиб, майдоннинг асосий қисмини нон сотувчилар эгаллаб, хилма-хил нонларни сотганлар. Нон сифатига кўра баҳоланиб, 1/3 дан 1 тангагача турган[108].

Нон энг олий меҳмондўстлик ва муқаддаслик рамзи бўлганлиги, асрлар давомида нонвойлар маҳоратининг ўсиши ва технологик усулларнинг такомиллашуви натижасида оби, гижда, патир ва ширмой Ноннинг ўнлаб хиллари яратилган. “Ўзбек нонлари” китобида нон тайёрлаш ва ёпиш усуллари ҳам баён қилиб берилган[109]. Улардан маълум бўладики, Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ўзига хос хилма-хил нонлар тайёрланади: Тошкент шаҳрида ўзига хос обинон, жайдари нонлар, седанали нонлар, Тошкент патири, юлдузча патир, гижда патир, гўштли патир, гўштли нон, ёғли патир, жиззали патир, пиёзли патир каби нонлар ёпилади. Чирчиқ воҳаси қишлоқларида ертандир ва еруҳчоқларда тайёрланадиган уй нонлари, обинон, ёнғоқ мағизли нонлар, лочира нонлар мазаси, тўйимлилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, хоразмликларнинг саватдек-саватдек (доира кенглиги 0,4—0,5 м нони ва патири, гўштли нони, обинонга ўхшаш чурраги, қорақалпоқларнинг нонлари ҳам ўзига хос шакл ва таъмга эга.

---

[108] Холиқулов Ш.Т., Қураҳмедов А.Э. XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд шаҳар савдосининг ўзига хос хусусиятлари // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари Тошкент — С.: Фан, 2007. -Б. 137

[109] Маҳкамов Г.М., Погосянц А.И., Свинкин С.Н. Ўзбек нонлари. – Т., 1961. – Б. 69.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фарғона водийсида тайёрланадиган нон номлари: оби нон, оби жимжима, уй нон, кулча нон, жиззали нон, гўштли нон, ёғли нон, чап-чап нон, гижда нон, оддий патир, ёғли патир, қашқар патир, ёғсиз патир, қатлама патир, тўй патири, лўлда патир, қўшалоқ ширмой, пайванд, оби хол олча гули, ширмой кулча, ширмон патир, кунгирали ширмой, кунжутли бозор нони, седанали бозор нони, байрам безакли нони ва бошқа Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида (Шаҳрисабз, Китоб) тайёрланадиган нон номлари: оби, яққафо, тахсаки, нони заргарон, хиндуги, фатири қашқари, ширмоли ду-жуфт, тафтон, тафтори ду без, нони тароқи, осиёий, пўлодий, жаззаин, кулчаи равғанин, оби жимжима, турфон, нони хаман, кулободди, забони гов, сохта ширмол, ширмоли седана пайванд, ширмоли оби холи олча-гули, нони саланг, лаваш, чуррак, давра, совғатин нақшин, уй нони, қўшалоқ барака кулча, куёв ширмой нон, паркуп нон, кунжутли оби нон, седанали оби нон, кунжутли патир нон ва бошқалар.

Ўзбек нонларининг турлари жуда кўп. Тандирга олов ёқилиб яхшилаб қиздирилади. Тандир тушгач, унинг деворига енглик кийган ҳолда рапида билан нон ёпиштириб пиширилади. Хонадонларда тайёрланадиган, энг кенг тарқалган ва оддий нон — оби нон, яъни уй нонидир. У қуйидагича тайёрланади: дастлаб тоғорага хамиртуруш солиниб ийланади ва туз билан эритилади, сўнгра оз-оздан ун ва сув қўшилиб хамир қорилади. Хамир тоғорада яхшилаб муштлаб ийлангач, усти ёпиқ ҳолда покиза дастурхонга (матога) ўраб иссиқроқ жойга қўйилади. Хамир кўпчигач, супрага олиниб, урвоққа аралаштирилиб, зувалачаларга бўлинади. Сўнгра зуваладан тахтача ёки супра устида нон ясалиб, унинг бетига баъзан кунжут ёки седана сепилиб, чекич урилади. Тандирга ёпишдан олдин ясалган ҳар бир нон рапидага қўйилиб, орқаси хўлланиб, аста-секин тандир деворига ёпиштирилади. Тандир нонга тўлгач, тандирдаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

чўғни ўртага тортиб, буғ ҳосил қилиш учун ёпилган ноннинг юзига сув сепилади. Кунжутли ва седанали нон, кўпинча, тўй-маъракаларда ёки бозорга атаб ёпилади.

Оби нон сингари пишириладиган гўштли ёки жиззали нон ҳам кенг тарқалган. Маълум вақт давомида кўпчиган хамир супрага ёйилиб, туз намаги маромида бўлган, майда қилиб тўғралган гўшт, карт думба, қизил қалампир ёйма хамирнинг устига солинади. Хамир ўралиб, ундан зувала-чалар ясалади ва одатдагидек нон ясаб тандирда пиши-рилади. Айрим жойларда майдаланган гўшт ёйилган хамир орасига “рулет” шаклида ўраб, ўралган хамирдан пичоқ билан зувалалар кесиб, нон ясалади. Ноннинг юзига чекич (хоразмча “тикач”) уриб, тандирга ёпилади.

Илгари деҳқонларнинг севимли нони бўлган зоғорани баъзан камбағал нони деб атаганлар. Зоғора нонни мак-кажўхори ёки оқ жўхори унидан, баъзан ошқовоқ сувига хамир қориб, зувала ясаб, тандирга ёпиб нон пиширганлар. Ҳар зоғора зуваласини ёйиб, ўртасини кўрсаткич бармоқ билан бир-икки см.га чуқурлаштирилган. Урвоқ учун буғдой уни ишлатилган. Ҳозир зоғора нон деярли йўқолиб кетган.

Буғдой етмаганлигидан ўтмишда камбағал оилалар жўхори, арпа ёки тариқ унидан ҳам нон ёпиб еганлар. Бу ҳақда Саййид Мубашширхон Косоний шундай ёзган эди: “Ўша йили чигиртка экинларни нобуд қилгани сабабли буғдой нони топилмас эди. Аммо жухори сероб бўлиб, ундан нон қилиб ер эдик”[110]

Ҳозиргача севимли нон турларидан патир жуда кенг тарқалган ва меҳмон дастурхонига қўйиш одат бўлган. Патир сутда туз ва хамиртурушни ивитгач, эритилган қўй ёғи ёки сариёғ қўшиб қорилади. Хамир бир оз тиндириб қўйилгач, оби нонникига нисбатан йирикроқ зувала узилади. Зувала-лардан нон ясалиб, юзига чакич урилади ва тандирга

[110] Саййид Мубашширхон Косоний. Бир умрдир дарбадар мулки жаҳон кезмоқдаман (“Хотираларим” китобидан бўлаклар). Китобнинг қўлёзма нусхасидан фойдаланилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёпилади. Патир Фарғона водийси ва Тошкентда ўртача доирасимон, Хоразмда катта юпқа доира шаклида катта рапидага ёйилиб тандирга ёпилган. Қашқари патир тўғралган пиёз аралаштирилган хамирдан ясалиб, юзига қатиқ суртилади ва рапидага ёйиб тандирга ёпилади.

Ўзбеклар орасида яна *гижда нон, қўшалоқ ширмой, ёғлик кулча, кўмач* каби нонлар ҳам пиширилган. Жанубий Ўзбекистондаги ва Тожикистондаги ўзбеклар товада ёки қизитилган тошда нон пишириб еганлар. Улар хамир-турушни иссиқ сутда ивитиб, эритилган қўй ёғи, сариёғ, майдалан- ган жизза аралаш кулчани тандирда, товада ёки қозонда пиширганлар. *Кўмач* ҳам шу тарзда қозон ёки товада пиширилган. Ўзбек нонлари юпқа-қалинлиги, доирасининг катта-кичиклиги ва ҳажми билан фарқ қилган. Айниқса, Хоразмнинг катта доирасимон сутли юпқа нонлари ёқимли таъми билан ажралиб туради. Қозонда пишириладиган ёғли, мазали *қатлама нон* ҳам кўп ерда тарқалган. Қатлама бир неча хилда бўлиб, уни ўқлов билан нафисроқ қилиб ёйиб, юзига эритилган қўй ёғи, сариёғ, маскаёғ ёки қаймоқ суртиб, ёйма ўқловга ўраб, узунасига кесилади ҳамда пичоқ билан бир неча қаватли тасмалар ҳосил қилинади. Тасмалар ғилдирак қилиб ўралиб, ўқлов билан нозик қилиб ёйилади, кейин товада пиширилади.

Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда новвойлик билан шуғул-ланувчилар бор. Катта шаҳарларда махсус новвойхоналар доимо ишлаб турган. Айрим дўкончилар бир неча тандирли ва ёлланма усталардан иборат новвойхоналарга эга бўлиб, ўз маҳсулотларини шу ерда ёки бозорга чиқариб сотганлар. Катта новвойхоналарда нонни эркаклар ёпган, уй шароитида аёллар ёпиб, эркаклар бозорга олиб чиқиб сотганлар.

Тарихда машҳур алломаларнинг айримлари нонвой-чилик қилиб кун кечирганлар. Бу ҳақда Абдулкарим ас-Самъоний (1113— 1167) “Насабнома” асарида шундай ёзади: “Ал-Хаббоз الخبّاز Нон пишириб, нон сотиб тирикчилик

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилганлари учун “Ал-Хаббоз” (Новвой) деган тахаллусни олганлар. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Хаббоз ар-Розий Рай аҳлидан бўлиб, Бухорода яшаган олимлардан. Бу кишидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳофиз, Абу Саъд Абдураҳмон ибн Муҳаммад ал-Астрободий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ал-Бухорий таълим олганлар”[111].

Ҳозирги вақтда хусусий новвойхоналардан ташқари катта-кичик нон заводлари ҳам мавжуд. Улар жамоаси нафақат миллий нонлар, турли хилдаги нон маҳсулотларини тайёрлайдилар[112].

Баъзан новвойлик қилиб нон қадрини ҳали ҳануз тушуниб етмаган кишиларни ҳам учратиб турамиз. Улар учун новвойлик касби ҳаётда вақтинчалик, тирикчилик ўтказишга мўлжалланган. Шунинг учун нон тайёрлашда ва уни сотишда ҳадеб ҳам озодаликка, ҳалолликка амал қилавермайдилар. Бундай кимсалар новвойликнинг нақадар улуғ касб эканлигини қаёқдан билсинлар?!

Чунки, айнан нонвой хонадонида таваллуд топган фарзандлар келгусида улуғ инсонлар бўлиб етишганлар. Масалан, Мавлоно Муқимийни отаси ҳам нонвой бўлган. Маълумотларга кўра Муқимий таваллуд топганларида оталари Мирзахўжа нонвой чақалоқни Соҳибзода ҳазрат ҳузурларига олиб кирган, ҳазрат қулоқларига азон чақириб, “Муҳаммад Амин" деб исм қўйиб берган эдилар[113].

Шу ўринда яна таъкидлаб ўтиш керакки, қадимда Туркистон заминида хусусан Марғилонда нонвойчилик соҳасида ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлган устоз-шогирд анъаналари, улар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, ҳунармандчилик билан боғлиқ урф-одат, маросимлар мавжуд бўлган.

---

[111] Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Насабнома (Ал-Ансоб). - Б.: Бухоро, 2003. –Б. 35.

[112] Жабборов И. **Ўзбеклар** (Анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). – Т.: Шарқ, 2008. –Б. 98-102.

[113] Муҳаммад Яҳёхон Хўқандий. Хўқанди латиф маноқиби. – Т.: Movarounnahr, 2018. –Б.387.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек маърифатпарвари ва муаррихи Исҳоқхон Жунайдуллохожа ўғли Ибратнинг “Фарғона тарихи” китобида, “Ажойиб ул булдон” (“Ажойиб шаҳарлар”) номли асарида келтирилган бир ҳикоя тўғрисида сўз юритиб, Марғинон атамасининг пайдо бўлиши тарихини қуйидагича изоҳлайди: Искандар “ақсойи” (узоқ) Шарққа борганда, Фарғона ерида “... деҳқони бодиянишин (даштликлар) уни “пешкаш” (тортиқ) учун нону туз ўрнига бисотларидаги товуқларни пишириб, …Искандарни қарши олган эканлар. Искандар: “Бу қандай тортуқ!” - деб сўраган экан, улар “мурғу нон”, яъни товуғу нон деб жавоб берган эканлар. Шу боис товуқ билан нон тортилган ўша жой Мағинон шаҳри исми бўлиб қолган экан” (Ибрат, 1992. 279 б.). Кейинчалик шаҳар авлодлар талаффузида Марғилон шаклида юритилиб кетган.

Бундай маълумотлар, шубҳасиз, нақлий ҳикоя бўлсада, бироқ унда қайд этилган “деҳқон”, “бодиянишин”, “нон” ва “мурғ” каби иборалардан рамзий тарзда бўлсада, Фарғона водийси, хусусан Марғилонсой воҳасининг табиати, аҳолисининг тили, ижтимоияти ва хўжалик ҳаёти умумий манзарасининг инъикоси, яъни акс ва садоси ўз ифодасини топган.[114]

Ўтмишда ҳар бир ҳунармандчилик соҳаси, жумладан нонвойликда ҳам ўзининг асосий Низоми - Рисолага амал қилиб фаолият олиб боришган.[115] Бинобарин, Рисоласи йўқ ҳунарманд яхши ҳунарманд ҳисобланмаган. Рисолада соҳага оид аҳлоқий, ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар шариат қонунларига асосланган ҳолда баѐн этилган. Жумладан, мазкур ҳужжатда технологик жараѐнлар, маҳсулотларнинг турлари, сифати, меҳнат қуроллари ва ҳунармандчиликнинг ушбу

[114] Муҳаммаджонов А.Р. Марғилон–Марғинон номининг маъноси ҳақида // “Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни” Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент-Марғилон Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти 2007. –Б.162.

[115] Атаджанова Д.Ш. Ремесленные уставы Средней Азии и Европы (XIV – начала XX вв.) // “Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар” Республика ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси материаллар тўплами. Тошкент. 2009. –Б.208.

www.ziyouz.com kutubxonasi

соҳасига оид турли хил урф – одат ва маросимлар батафсил ёритилади[116].

Изланишлар давомида Нонвойлик рисоласи тўғрисида қизиқарли маълумотларга дуч келдик[117]. Мазкур рисолада нонвойлик касбнинг нақадар улуғлиги ва мазкур касбнинг ўзига хос урф-одатлари ва пиру устозлари ҳақида маълумотлар баён этилган.

Нонвойлик рисоласида нонвойларни пири ҳазрат Жаброил алайҳиссаломдир эканлиги айтилади. Бизнингча бу маълумотлар XIV асрнинг бошларига тегишли Носируддин Бурҳониддин Рабғузий қаламига мансуб "Қиссаси Рабғузий" асари сингари қадимги адабий манбалардан олинган бўлса керак. Чунки "Қиссаси Рабғузий" бу ҳақда қуйидагилар баён

---

[116] Бу ҳақда қаранг: Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников. – Ташкент, 1912. – 59 с; Он же. О ремесленных цехах Средней Азии и их статутах-рисола // Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып. III. – Ташкент, 1928. – С. 354-357; Kassim A.M. Etudes sur les corporations musulmanes indo-persianes. 1. Risalei-Saqqai. II. Rissalei Sipahigari. III. Zamji-name // Revue des etudes Islamiques. Chapter II, Paris, 1913. – Pp. 249-272; Малов С.Е. Шаманство у сартов Восточного Туркестана // Сборник музея антропологии и этнографии им. Петра Великого при РАН к 80-летию академика В.В. Радлова. Т. V. Вып. I. – Петроград, 1918.– С. 1-15; Он же. Уйгурский торговый обрядник (рисале из Западного Китая) // Сборник статей по истории и филологии народов Средней Азии, посвященный 80-летию со дня рождения А.А. Семенова. – Сталинабад: 1953. – С. 139-144; Андреев С.М. Рисола кузнечного цеха из Северной Индии на языке «пушту» // Сборник в честь проф. А.Э. Шмидта Туркестанского Восточного института. – Ташкент, 1923. – С. 9-13; Самойлович А.Н. Кукольный театр в Туркестане // Материалы по этнографии. Т. III. Вып. 2. – *Л.*, 1927. – С. 53-57; Заходер Б.Н. Перевод сочинения Кази Ахмеда «Трактат о каллиграфах и художниках». – М.–*Л.*, 1947. – 200 с; Кузнецова Н.А. Ремесленные рисоле // КСИЭ. Вып. III . – М., 1949. – С. 90-94; Джаббаров И. М. Об ученичестве в ремесленных цехах Средней Азии в конце XIX начало XX в. // Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии. – М-*Л.*, 1959. – С. 81-88; Он же. Ремесло узбеков южного Хорезма в конце XIX в. начале XX в. // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. III. – *Л.*: Наука, 1971. – С. 121-146; Пещерева Е.М. Городское гончарное производство Средней Азии. – М-*Л.*: Изд-во АН СССР, 1959. – С. 358-360; Дарский Э. Среднеазиатский устав цеха живописцев // Проблемы востоковедения. – М., 1959. – № 3. – С. 106-110; Arnakis G.G. Futuwwa tradition in the Ottoman Empire: Akhi, Bektashi dervishes, and craftsmen. In journal of Near Eastern Studies, №.12, 1953.– Pp. 232-247; Гордлевский В.А. О футуввет-номе (справка) / Избранные сочинения. Т. I. Исторические работы.– М.: Изд-во Восточной литературы, 1960. – С. 307318; Сухарева О.А. Рисола как исторический источник // Источниковедение и текстология средневекового Ближнего и Среднего Востока. – М.: Наука, 1984. – С. 201-215; Centlivres P. Un bazar d' Asia Centrale. Forme et organization du bazar de Tashqurgan (Afganistan). Wiesbadn, 1972. – Pp. 166-177; Rye O., Evans G. Traditional pottery Techniques of Pakistan. – Smithsonian Institution press, Washington, 1976. – Pp. 189-193; Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. – Ташкент: Фан, 1976. – С. 26-29. Она же. Рисола как источник по истории техники и производственных отношений в позднефеодальной Средней Азии // Бартольдовские чтения. – М.: Наука, 1990.

[117] Бу ҳақда қаранг: Рисола-и нонвойилик // Туркестанская туземная газета. – Ташкент, 1901, № 26, 28, 29.

www.ziyouz.com kutubxonasi

этилган: “Жаннатдан буғдой уруғи олиб чиқиб бердилар – уч дона. Уни экдилар, кечгача ўсиб чиқди, ундан нон пиширдилар. Вақтики, қўлларига олган эдилар, тушиб юмалаб кетди, қувлаб кетдилар. Одам фарзандига ризқ кетидан югуриш шундан қолди. Ҳазрат Жаброил ўша нонни тутиб, уч ҳиссага бўлиб, икки ҳиссани Одамга, бир ҳиссани Ҳавога бердилар”.[118]

Қуйида “Туркистон вилояти газети”да 1901 йилда чоп этилган “Нонвойлик рисоласи”ни эътиборингизга ҳавол этмоқдамиз. Мақсадимиз нонвойликни касб қилган ҳар бир юрдошимиз ўз касбининг сир-асроридан воқиф бўлсинлар. Бу ҳақда Алихонтўра Соғуний шундай ёзимишлар: “Яна ривоятда шундоқ келибдур: Саҳобалардан бир киши вафот топди. Пайғамбаримиз уни узатиб, қабристонга келдилар. Майит (ўлик) қабрга қўйилгандан сўнгра лаҳад оғзига гўрков кесак терди. Булар орасида бироз жой очиқ қолганини Расулуллоҳ кўрдилар. Дарҳол шу жойга тўғри келгудек бир парча кесак олиб, унинг қўлига бердилар. Бу билан у тешикни беркит дедилар. Анда гўрков туриб:

— Ё Расулаллоҳ, бир оз кундан кейин бу қўйилган кесаклар ҳам тўкилиб кетар. Бунчалик кичик тешикларни тўсиб ўлтиришнинг ҳожати йўқдур, — деди. Анда Расулуллоҳ:

— Ҳар ҳунарманд ўз ҳунарини, ҳар ишловчи ўз ишини яхшилаб қилса, Аллоҳ уни дўст тутқайсен ҳам ўз ишингни яхшилаб қил, — дедилар. Расулуллоҳнинг шу юқорида айтган ҳикматли сўзлари ҳамма умматларига икки дунёда фойдаланиш учун етарлик насиҳатдур”.

Дарҳақиқат инсон қайси ишга қўл урмасин, уни пухта, чиройли ва мукаммал қилиши лозим. Шайх Муҳаммад Содиқ ҳазратлари айтганидек “Чала, сифатсиз, “биздан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида иш қилиш мусулмон инсонга мутлақо тўғри келмайди. Сифатсиз иш қилган одам

[118] Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Т.: “Mumtoz so`z”, 2009. –Б.23.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзича оз иш қилиб, кўп нарса топганга ўхшайди. Аслида эса у ўзига зарар қилган бўлади. Аввало, бировни алдаб олган маблағининг баракаси бўлмайди. Иккинчидан, бир-икки иш берувчини алдаганидан кейин, одамлар орасида унинг сифатсиз иш қилиши, алдамчилиги ҳақида нохуш гап тарқаб, ҳеч ким ишга айтмай қўяди. Охири хижолат ва надоматда қолади. Ишни пухта қилувчи эса сиртдан ютқизганга ўхшаса ҳам, аслида икки дунёда ҳам ютади. Одамлар орасида пухта иш қилиши ҳақида гап тарқалиб, ишга таклиф қилувчилар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетади. Ҳалоллиги учун ажр-савоб олади. Ўзи бой-бадавлат бўлади. Охиратда ҳам юзи ёруғ бўлади”[119].

Ўзбек новвойлик санъати халқнинг кўп асрлик турмуш тарзи, меҳнат маданияти ва маънавий қадриятларини ўзида мужассам этган бетакрор миллий меросдир. Нон нафақат озиқ-овқат, балки барака, меҳмондўстлик, ҳалоллик ва муқаддаслик рамзи сифатида қадрланган. Ҳар бир ҳудудда шаклланган нон турлари халқнинг этномаданий хусусиятлари ва маҳаллий анъаналарини акс эттиради.Бугунги кунда ҳам миллий новвойлик анъаналарини асраб-авайлаш, ноннинг қадрига етиш ва унинг маънавий аҳамиятини ёш авлод онгига сингдириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, нонни қадрлаган халқ меҳнатни, баракани ва инсон қадрини ҳам улуғлайди.

НОНВОЙЛИК РИСОЛАСИ

Марғилон шаҳридаги китоб дўконларидан бирида китобларни кўздан кечираётган чоғимиз ногаҳон “Нонвойлик ҳақида рисола борми?” деган савол қулоғимизга чалинди. Сотувчи “Йўқ” деб қисқа жавоб берди. Савол берилган томонга қарадик. Саволни берган йигит сотувчидан бу

[119]Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Т.: Hilol-Nashr, 2013. –Б.398.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жавобни эшитиши билан ташқарига қараб юрмоқчи бўлди. Шу онда у билан салом-алик қилдик ва нима учун айнан нонвойлик ҳақида рисола ҳақида истаётганлигини билмоқчи бўлдик. Йигирма етти ёшга кирган Одилжон Мўминов нонвойлик касби билан шуғулланиб келганлиги боис, нонвойлик касбига хос одоб меъёрларини билишни ният қилган экан. Ўша суҳбатдан сўнг қўлимиздаги мавжуд маълумотларни тўплаб ушбу рисолани тайёрлашга жазм қилдик

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Алҳамдулиллоҳи раббил оламин вал оқибату лил мутаққин вассолату вассаламу аъло расулиҳи Муҳаммад ва олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин.

Аммо баъд ҳазрати Имом Жаъфари Содиқ[120] ва раҳнамойи мувофиқ розияллоҳу анҳу андоғ ривоят қилибдурларким, бу рисола нонвойликни ҳазрати Жабройил алайҳиссалом Худойи таолонинг амри бирла келиб, ҳазрати Одам алайҳиссаломга таълим бердилар.

Агар сўрасаларким, нонвойлик фарзму ё вожибму ёки суннатму ва ё мустаҳабму?

---

[120] Жаъфар ас-Содиқ, тўлиқ исми Жаъфар ибн Муҳаммад Абу Абдуллоҳ (тахм. 700-765) - шиалиқдаги жаъфарийлик мазҳаби асосчиси, шиаларнинг 6-имоми. "Содиқ" лақабини тўғри сўз бўлганлиги учун олган. Мадинада туғилган. Жаъфар ас-Содиқ насаби ота томондан ҳазрат Алига, она томондан ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа. бориб тақалади. Жаъфар ас-Содиқ сиёсий фаолиятда мутлақо қатнашмаган, имомликка даъвогарлик ҳам қилмаган. У ҳокимият учун қуролли кураш олиб боришнинг душмани эди, ўз қариндошларининг (739-740 й.ларда Зайд ибн Алининг Куфада, 762 й. Муҳаммад ан-Нафс аз-Закийнинг Ҳижозда) чиқишларини қоралаган. Лекин диний фанлар (ҳадис, тафсир, фиқҳ)ни ўрганишда оилавий анъанани давом эттирган ва "мўтадил" шиаларнинг маънавий раҳбари бўлган. У фиқҳ ва илоҳиёт масалалари муҳокама қилинадиган мажлислар ташкил этган. Расулуллоҳ авлодлари (аҳди байт)нинг энг кўзга кўринган олимларидан бирига айланган. Жаъфар ас-Содиқ дин усулларини ишлаб чиққан. Унинг кимёга оид бир неча рисолалари бўлган. Ҳоз. баъзи мусулмон уламолари Жаъфар ас-Содиқ,"араб илмий анъанасининг отаси" деган фикр билдирадилар. Ҳазрати Жаъфар Содиқ (р.а.) "Жаннат ул-бақиъ" қабристонига, оталари Муҳаммад Боқир, Али Зайн ул-Обидийн ҳамда катта амакилари Имом Ҳасан ёнига дафн этилганлар. Жаъфар Содиқ (р.а.) силсила омонатини она тараф боболари ҳазрати Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан олганлар.Жаъфар Содиқ (р.а.) гўзал юзли, катта бошли, оқ танли ва қирмизи ёноқли киши эдилар. У киши кўпгина илмларда пешқадам эдилар. Жаъфар Содиқ (р.а.) кимё, физика ва ал-Жабр (Алгебра) илмларида тенги йўқ зот эдилар. Ал-жабр илмининг асосчиси, буюк олим Жобир ибн Ҳайён у зотнинг талабасидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жавоб айтғилким, Худойи таоло Жабройил алайҳиссаломга фармон қилди фарз бўлди. Ҳазрати Жабройил пайғамбарларга ваҳий олиб келди вожиб бўлди, пайғамбарлар ўткан пиру устозларга таълим бердилар суннат бўлди. Устозлар бизларга таълим бердилар мустаҳаб бўлди.

Агар сўрасаларким, буғдойни угурурда қайси оятни ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, "Сураи Фотиҳа" ва "Сураи Ихлос"ни ўқуб, савобини ҳазрати Одамдан то Хотами набийиндин ўткан пир устозларни руҳи покларига дуойи такбир қилмоқ керак.

Агар сўрасаларким, ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи ва салламгача нечча пири муршид ўтибдурлар?

Жавоб айтғилким: Етти юз минг уч юз ўттиз уч пири устоз ўтибдурлар. Ҳазрати Пайғамбарнинг вақтларида Хожа Суҳайл отлиқ бир саҳоба бор эдилар. Нонвойлик қилур эрдилар. Пайғамбар алайҳиссаломдин назар топкан эрди. Бир тандур нон ёпти. Нони вақтида пишмади, хамир турмади. Тандур ончунон қизиқ эрди. Хожа Суҳайл ҳайрон қолди, бу нечук аллomат деб. Расул акрам саллоллоҳу алайҳи ва салламга арз қилдилар: "Ё Расулуллоҳ! Тандурга нон ёпиб эрдим. Нечча соат ўтти нон пишмади. Ўт ҳам таъсир қилмади", дедилар.

Шул соат ҳазрати Жаброил етиб келдилар... Муҳаммадо Худойингиз салом айтди ва фаришталар дуруди бениҳоя юбордилар. Фармони Раббиял иззатдир: "Ҳабибимга дуруд айтсун. Токим дуруд айтмагунча нон пишмас", деб ғойиб бўлдилар. Бадазон амр қилдиларки: "Хожа Суҳайл токим дуруд айтгансиз".

Хожа Суҳайл ёндилар (қайтдилар). Тандур бошига келиб дуруд айтиб эрдиларки, нон пишти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кунлардан бир кун Он Ҳазрат саллоллоҳу алайҳи ва саллам Умму Салама[121] бирлан бир жойдан ўтиб борур эрдилар. Ногоҳ бир хумда бир нарса баланд бўлуб, гоҳи паст бўлуб жўш уриб (қайнаб) турадир. Умму Салама айдилар: "Ё Расулуллоҳ, бу тухум ичидаги тухуми бадён (арпабадиённи уруғи ширмонпазлар хамиртурушга қўшади. Ширмон чиройлик бўлиб ғул ташлайди) диндурким қайнаб пасти баланд бўладир дедилар".

Ҳазрат Пайғамбар амр қилдиларки: "Бул бадённи Хожа Нонвойга еткуринг хамирга қўшсун", дедилар. Алқисса, шул замон бодён сувини Хожа Нонвой нонга солдилар, ширин келди, хамир андин қолди.

Хожа Нонвойдан кейин Хожа Шамсга қолди. Алардин Муҳаммад кабобпазга қолди. Андан кейин Исмоил қандпазга қолди. Андан Маҳмуди каллапазга қолди. Андан кейин Хожа Юсуф Ҳамадонийга қолди. Андин кейин Убайд каллапазга қолди. Андан кейин бизларга қолди.

Агар сўрасаларким, нонвойлик кимдан қолди?

Жавоб айтғилким, ҳазрати Жаброий алайҳиссалом Одам алайҳиссаломга таълим бердилар. Ҳазрат Одам ҳазрати Шишга, ҳазрати Шишдан ҳамма устозларга ёдгор қолди.

Агар сўрасалар пешхон нонпўш кимдан қолди?

Жавоб айғилким, Хожа Шамсдан қолди.

Агар сўрасаларким, дасткоса кимдан қолди?

Жавоб айтғилким, Маҳмуд паҳлавондан қолди.

Агар сўрасаларким, куртайи кор (иш кийими) кимдан қолди.

---

[121] ***Уммул мўминин Умму Салама бинти Абу Умайя Махзумийя розияллоху анҳо. Исми:*** Ҳинд. ***Отаси:*** Абу Умайя ибн Муғийра Махзумий. ***Онаси:*** Отика бинти Омир Кинонийя. Миллати: ***араб. Қабиласи:*** Курайш (Бану Махзум уруғи). ***Насаби:*** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насаблари билан олтинчи боболари Килобда бирлашади. ***Туғилган йили:*** ҳижратдан аввалги 22-йил / мил. 601 йил март - 602 йил феврал ораси.***Туғилган жойи:*** Маккаи Мукаррама. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиққан йили: ***ҳижрий 4-йил, 25 шаввол / мил. 626 йил 29 март.*** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиққандаги ёши: ***26 ёш. Вафот этган санаси:*** ҳижрий 62-йил / мил. 681 йил сентябр - 682 йил август ораси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жавоб айтғилким, Ҳазрат Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)дан қолди.

Агар сўрасаларким, хамиртуруш кимдан қолди?

Жавоб айтғилким, Уста Аҳмади Румийдан қолди.

Агар сўрасаларким, хамирпеч кимдан қолди?

Жавоб айтғилким, Уста Аҳмади Балхийдан қолди.

Агар сўрасаларким, тандур пиширмоқ кимдан қолди?

Жавоб айтғилким, ҳазрати Иброҳим Халилуллоҳдан қолди.

Агар сўрасаларким, тандур пишурганда қайси оятни ўқимоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Сураи Фотиҳа” ва “Сураи Ихлос” ўқуб такбир айтмоқ керак.

Агар сўрасаларким, хамиргирлик кимдан қолди?

Жавоб айтғилким, Уста Пири Косонийдан қолди.

Агар сўрасаларким, хамирни очганда қайси оятни ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Ё аввал, ё охир, ё зоҳир ё ботин ва ҳува би-кулли шаъин аълим” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, хамирни тарозига солиб тортарда қайси оятни ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Фа-май яъмал мисқола зарротин хайрон яроҳ” демоқ керак. “Ва май яъмал мисқола зарротин шаррой яроҳ” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, нонвойликда неча нимарса вожибдур?

Жавоб айтғилким, олти нимарса вожибдур:

Аввал таҳороти бирла бўлмоқ.

Иккинчи рост сўзламоқ.

Учинчи шогирд бўлса, устозга ҳамиша одоб бирла турмоқ.

Тўртинчи ўтган пири устозларни билмоқлик.

Бешинчи олимлар бирлан ҳамсуҳбат бўлмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олтинчи ўн тангадан бир тангасини ожизларга, пири устозларни ҳақига садақа қилиб, дуойи такбир қилдирмоқ кераклик.

Агар сўрасаларким, нон пишургунча нима демоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Аллоҳумма ифатаҳ лана абвоба (роҳматика вал-футуҳа вал-давлата вал-касба” (Аллоҳим очгин, бизлар учун раҳмат эшигини ишимиз ва давлатимизга баракот бер) демоқ керак.

Агар сўрасаларким, куртайи кор (иш тўнини) киярда қайси оятни ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Қавлаҳу таъоло: Инналлазина оману ва амилус-солиҳоти инна лаа нузиъу ажра ман аҳсана амала. (“Албатта, иймон келтириб, яхши амаллар қилганларнинг — чиройли амал қилган кишининг ажрини Биз зинҳор зое қилмаймиз) шу демоқ керак.

Агар сўрасаларким, пўта (белбоғ) боғларда қайси оятни ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Қавлаҳу таъоло: ва янсуракаллоҳу насран азиза” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, бошга тоқия (дўппи)ни киярда қайси оятни ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Алҳамдуллиҳо раббил оламин” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, нонни олганда нима демоқ керак? Жавоб айтғилким, ё ҳу, ё ... демоқ керак.

Агар сўрасаларким, нон узганда нима демоқ керак? Жавоб айтғилким, Ё Аллоҳ, Ё Раҳмон демоқ керак.

Агар сўрасаларким, қўлга олган нима демоқ керак? Жавоб айтғилким, “Аллоҳума инни таваккалту алаллоҳ” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, нон пиширмоққа неча нимарса вожибдур? Жавоб айтғилким, аввал ҳамиша таҳорат бирла бўлмоқ.

Иккинчи намозхон бўлмоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчи олимлар бирла ҳамсуҳбат бўлмоқлиқ.

Тўртинчи мард сахий бўлмоқлиқ.

Бешинчи пирлар насиҳатларини тутмоғлиқ.

Олтинчи пири устозларнинг амрини тутмоғлиқ. Пиру устозни ғийбат қилмаслик.

Еттинчи хушхўшлиқ бирла харидорга етмоғлиқ.

Саккизинчи дўконга кирганда Аллоҳумма ифтаҳ лана абвобар-роҳматика вал-футуҳи вал-давлати вал-касби "Биз учун раҳматинг эшикларини, муваффақият (ғалаба) эшикларини, бахт-давлатни ва ризқ-касбни очгин демоғлиқ (дуо ўқимоқ).

Агар сўрасаларким, нон сотмоқлиғ кимдан қолди?

Жавоб айтғилким, ҳазрати Шуъайиб алайҳиссаломдан қолди.

Агар сўрасаларким, нон сотмоқда неча нимарса вожибдур?

Жавоб айтғилким, тўрт нимарса вожибдур.

Аввал дўконга чиққанда "Бисмиллаҳир роҳманир роҳим" демоқ керак.

Иккинчи пирларни ёд этмоқ керак.

Учинчи ҳамиша Ё Алим, ё Фаттоҳ демоқ керак.

Тўртинчи харидорга мулойимлик қилғай.

Агар сўрасаларким, нонни тахтага қўярда нима қилмоқ керак?

Жавоб айтғилким, Расули акрам саллоллоҳу алайҳи ва салламга дуруд айтмоқ керак.

Агар сўрасаларким, зувола тоблиқ кимдан қолди?

Жавоб айтғилким, Хожа Юсуф Ҳамадонийдан қолди.

Агар сўрасаларким, нонга сув сурарда нимани ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, "Субҳоналлаҳу валҳамдулиллоҳи" демоқ керак.

Агар сўрасаларким, зувола тобликда неча нимарса вожибдур?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жавоб айтғилким, аввал зуволани олганда “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” демоқ керак.

Иккинчи зуволани катта ва кичик қилмагай.

Учунчи зувалани туткунча беъмани сўзламагай.

Агар сўрасаларким, куртайи корни (нон ёпгучиларни) неча нимарса палид қилур?

Жавоб айтғилким, уч нимарса палид қилур.

Аввал ёлғон сўзламак.

Иккинчи шароб ичмак.

Учинчи зино қилмак.

Агар сўрасаларким, куртайи кор неча нимарса бирла пок бўлур?

Жавоб айтғилким, аввал Ҳазрат Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламга дуруд айтмоқлиқ.

Иккинчи толиби илмларға дўст бўлмоқлиқ.

Учинчи зинодан пок бўлмоқлиқ.

Агар сўрасаларким, Хожа Нонвойни (уста нонвойни) неча шогирдлари бор эрди?

Жавоб айтғилким, тўрт юз қирқ шогирдлари бор эрди.

Агар сўрасаларким, буғдойни ғалбирга солурда қайси дуони ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, ““Аллоҳумма ас’алука ё Аҳад, ё Раҳмон, ё Раҳим” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, буғдойни тегирмонга солганда қайси дуони ўқимоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Ё Сабур, ё Шакур, ё Ҳалим” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, дўконга кирган қайси оятни ўқумоқ керак? Жавоб айтғилким, “Рабанно золамно анфусано ва инлам тағфирлана ва тарҳамно ланакунанна миналхосирин бираҳматика ё арҳамар роҳимин” демоқ керак. (Роббимиз зулм қилдик нафсимиизга. Агар Сен кечирмасанг ва раҳм қилмасанг зарар қилгувчилардан бўламиз)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар сўрасаларким, дўконда чиққанда қайси оятни ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Таваккалту алаллоҳ” демоқ керак. Юзни қиблага қилиб такбир айтмоқлиқ. Андин кейин дуруд айтмоқликдир.

Агар сўрасаларким, устозлик қилмоқ кимдан қолди?

Жавоб айтғилким, ҳазрати Шоҳимардондан қолди.

Агар сўрасаларким, уста бўлдингму?

Жавоб айтғилким, “Алҳамдулиллоҳ уста бўлдим” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, кимни қошида уста бўлдинг?

Жавоб айтғилким, “Еру осмон ўртасида” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, қулоғингда нима бор?

Жавоб айтғилким, “Салоти қовмат. Бурнингда нима? Бўйи Муҳаммад. Оғизингда нима бор? Калимайи шаҳодат. Қўлингда нима бор? Хайри саховат бор” демоқ керакдир.

Агар сўрасаларким, илгак ёғочи қайдин пайдо бўлди?

Жавоб айтғилким, дарахт тубидин пайдо бўлди, ҳазрати Одам алайҳиссаломга ҳазрати Жабройил алайҳиссалом беҳиштдин олиб чиқиб бердилар.

Агар сўрасаларким, ун эларда қайси оятни ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Иннамо нутиъмукум ливажҳиллаҳи ло нуриду минкум жазоан вало шукуран” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, хамир қилурда қайси оятни ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Рабанно ифтаҳ байнано ва байна қавмино билҳаққи ва анта хойрул фотиҳин” демоқ керак...

Агар сўрасаларким, нон очарда қайси оятни ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Ҳасбуналлоҳ ва ниъмал вакил, ниъмал мавло ва ниъман насир” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, нон узарда қайси оятни ўқумоқ керак?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жавоб айтғилким, “Ё айюҳаллазина оману соллуу алайҳи ва саллиму таслима” (Эй имон келтирганлар, саловат ва салом айтинглар Пайғамбарга)демоқ керак.

Агар сўрасаларким, нонни ёпиб бўлуб қайси оятни ўқумоқ керак?

Жавоб айтғилким, “Раббано отини фиддунё ҳасанатан ва фил охирати ҳасанатан ва қино азобан нари” демоқ керак.

Эй дарвишлар ва устозлар нонвойлиқ мушкил ишдир. Ҳамиша дўконда ўткан пиру устозлар ҳозирдурлар. Дуо такбир қилиб, тавба ва истиғфор бирла бўлмоқ керак. Тандур бошида ҳар киши беодоблик қилса, ўлар вақтида тили тутилгай.

Агар сўрасаларким, уста нонвой дўконга кирган неча нимарса вожибир?

Жавоб айтғилким, олти нимарса вожибдир?

Аввало дуо қилмоқ.

Ҳар киши дўконда бўлса қилмаслик.

Учинчи одамларга шафқат қилмоғлиқ.

Тўртинчи ўрун тиламаклик.

Бешинчи устозлардин ҳар ишда рухсат тиламаклик.

Олтинчи устозларни панд-насиҳатларини англамоғлиқ.

Агар сўрасаларким, неча нимарса суннатдир?

Жавоб айтғилким, ўн икки нимарса суннатдир.

Аввал ўзини пок тутмоқлиқ.

Иккинчи дўкони бот (тез-тез) супуриб турмоқлиқ.

Учинчи номаҳрамдан йироқ бўлмоқ.

Тўртинчи одоб ўрганмоқ.

Бешинчи устозларни насиҳатларини қабул қилиб, бу рисола ичидаги панд-насиҳатларни англамоқлиқ.

Олимлардан дўст тутуб, иззати ҳурмат қилмоқ.

Еттинчи пиру устозлар ҳаққига дуойи хайр қилмоғлик.

Саккизинчи ишни покизалик билан қилмоғлиқ.

Тўққизинчи ҳар нимарсани қўлга олганда такбир айтмоғлиқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўнинчи инсоф бирла бўлмоғлиқ.

Ўн биринчи омонатга хиёнат қилмаслик.

Ўн иккинчи ўлган пири устозларни руҳи покларидан мадад истиноат тиламаклик.

Агар сўрасаларким, нонвойликда неча нимарса мустаҳабдир?

Жавоб айтғилким, беш нимарса мустаҳабдир.

Аввалга қиблага қараб бисмиллоҳни ўқумоқ.

Иккинчиси такбир айтмоқлик.

Ишга машғул бўлмасдан илгари мадад истиноат тиламаклик.

Тўртинчи пирларни ёд қилмоқлик.

Бешинчи яхшт ният била бўлмоқлик.

Ҳар устоз нонвой бу рисолани ичидаги фарз, вожиб, суннат ва мустаҳаб одобларини бажо келтирсалар тўрт пайғамбарни савобини топқайлар.

Агар сўрасаларким, тўрт пири комил кимдурлар?

Жавоб айтғилким, аввал Қул Хожа Аҳмад Яссавий. Иккинчиси Синайи Хуросон ҳазрати Имом Али Мусо Ризо. Учинчи пушти Кўҳистон ҳазрати Шоҳ Носир. Тўртинчи Пойи Ҳиндистон ҳазрати Шакар Ганжи вали турурлар.

Агар сўрасаларким, тўрт мазҳаб кимдурлар?

Жавоб айтғилким, “Тўрт пири мазҳаб аввал ҳазрати Имоми Аъзам кўфи сўфи раҳматуллоҳи алайҳи. Иккинчи ҳазрати Имом Шофеъий. Учинчи ҳазрати Имом Молик. Тўртинчи ҳазрати имоми Ханбал” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, тўрт пири мушфиқ кимдурлар?

Жавоб айтғилким, “Аввал падар, иккинчи модар, учинчи устози илм, тўртинчи пири шариат”.

Агар сўрасаларким, пири шариат кимдурлар?

Жавоб айтғилким, “Аввал ҳазрати Одам сафиюллоҳ. Иккинчи Нуҳи набиюллоҳ. Учинчи ҳазрати Иброҳим Халилуллоҳ, Чоҳарум ҳазрати Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳи ва салламдирлар”.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар сўрасаларким, тўрт пири тариқат кимдурлар?

Жавоб айтғилким, “Аввал ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ. Иккинчи ҳазрати Умар. Учинчи Ҳазрати Усмон. Тўртинчи ҳазрати Али турурлар”.

Агар сўрасаларким, тўрт пири ҳақиқат кимдурлар?

Жавоб айтғилким, “Аввал ҳазрат Жабройил, иккинчи ҳазрати Микоил, учинчи ҳазрати Исрофил, тўртинчи ҳазрати Азройил” демоқ керак.

Агар сўрасаларким, тўрт пири маърифат кимдурлар?

Жавоб айтғилким, аввал айтким Шоҳ Қосим Анвар, иккинчи ҳазрати Шамсиддин, учинчи ҳазрати Иброҳим Халилуллоҳ, тўртинчи ҳазрати Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳи ва саллам.

Агар ҳар устозики, рисола сақлаб, рисола бирла амал қилмаса, анга дўкон чиқармоқ, халифа солмоқ ва шогирд олмоқ ва такбир айтмоқ дуруст эмас. Ва ҳар соҳиб такбирики, бу рисолани ичидаги насиҳатларни билмаса, такбир айтмоғлиғи дуруст эмас. Ҳар устозики, кўриб билиб туриб бу рисолани дўконида сақламаса, ул устозни қароқчи дерлар. Дўконида рисоласи бор устозни, ҳар киши “Сан” деса, ҳақорат бўлур. Анинг учунким, Пайғамбар ҳазрати саллоллоҳу алайҳи ва саллам дер анга “Ал косибу ҳабибуллоҳ” (Косиб Аллоҳнинг дўстидир) дебдирлар. Агар рисоласи бўлмаса, ҳар қанча сўкса урса ҳақорат бўлмас. Ул устоз касбидан ҳар луқмайики ебдир ...”.[122]

Ушбу рисоласидан маълум бўлмоқдаки, нонвойлик касбида покизалик асосий шарт ва талаблардан бири бўлган. Дарҳақиқат бир нонвой бир кунда бир неча юз дона нон ёпади ва уни ўнлаб хонадонларда тановул қилинади. Агар у нонлар покизалик билан ёпилмаса, демак шунча хонадон аҳлининг луқмаси қандай бўлиши ўзингизга маълум. Бу ҳақда Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ўзининг “Тазкират ал

[122] Нонвойлик рисоласи. Муаллифнинг шахсий архивида сақланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

авлиё” асарида Имом Аҳмад тўғрисида қуйидаги ҳикоятни келтиради:

“Нақл қилибдурларким, Имом Аҳмад Бағдодда ўлтурур эрди, аммо Бағдоднинг таомини емас эрди. Ва айтур эрдиким, бу Бағдод заминини амирул муъминин Умар разияллоҳу анҳу ғозийлар учун вақф қилғон деб. Мўсул деган шаҳарга пул юбориб ошлиқ келтуруб рўзона қилур эрдилар. Имом Аҳмаднинг Шайх Солиҳ деган ўғли бир йил Исфаҳонда қози бўлуб эрди. Доим рўза тутар эрди ва кеча икки соатдин зиёда ухламас эрди. Ва саройининг олдида яна бир сарой бор эрди ва эшигини очиқ қўйди. Доим ўшал уйда ўлтурур эрдиларким, мабодо бир киши бир ҳожат учун келса, эшигини ёпиғлиқ топмағой. Ушбу янглиғ қозилиқни ўткориб эрдилар. Бир кун Имом учун нонға хамирмон йўқ эрди. Ўғли Шайх Солиҳнинг уйидин хамирмон келтуруб нонни пишириб Имомнинг олдиға келтурдилар эрса, Имом Аҳмад бир луқма нон ушотиб оғзиға еткизиб ёндурди. Ва сўрдиларким:

-Бу нонға на қилдингизлар?

Ва дедиларким:

-Хамиртурушни Солиҳнинг уйидин келтурдик ва ун бизнингдур.

Имом Аҳмад деди:

-Сақлаб қўйинг, агар бир сойил келса, элтиб бериб айтингларким, “Хамирмоя – Солиҳнинг ва ун -Аҳмаднинг, хоҳиш қилсанг олғил”. Ва қирқ кун ўтди сойил келмади. Ул нон бўй пайдо қилди эрса, олиб бориб дарёға ташладилар. Аҳмад билгичлардин балиқ 7 йил умр кўришини сўраб билди. Андин кейин Аҳмад 7 йилгача балиқ гўшти емади. Ва парҳезкорликда онча бор эрдиким, жамоанинг аросида бир кишининг сурмадони кумушдин бўлса, ул жамоанинг аросида ўлтурмоқни раво кўрмас эрди”.

Маълумотларга кўра ҳазрати хожа Ҳошим ҳазрати Махдуми Аъзам Даҳбедий авлодидан бўлиб, ўғиллари

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммад Аминхожа хожа Калонхожанинг (1517-1596) ўғиллари ҳисобланади. Бу ҳақда Комилхон Каттаев қуйидагиларни келтиради: “Носириддин Тўранинг маълумот беришларича, ҳазрати хожа Ҳошим ҳазрат Ғавсул Аъзам мартабалари ва ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мақомларига эришган. Кейинги шайхлар ҳамда даҳбедлик машойихлардан бирортаси ҳам бундай улуғ мартабага кўтарилган эмас. Ҳазрат хожа Ҳошим туғма валий бўлган эканлар. Болалигидаёқ у кишида кароматлар пайдо бўлган. Хонақога келган кишиларнинг пойабзалидан тарзларини ажрата билганлар. Бундан ортиқча даҳмаза келиб чиқмасин деган фикр билан у кишига бозордан шубҳали нон едирилиб, қобилияти тўхтатилганлиги хусусида ҳазрати Калонхожадан баён етиб келган”.[123]

Хожа Ҳошим болалик вақтида хонақоҳга келган зиёратчиларнинг калишларини “бу жаннати одам калиши, бу дўзахийнинг калиши”, деб ажратар экан. Шунда калиш эгалари ёш Хожанинг бу қилмишидан норози бўлган. Воқеани эшитган Хожа Калонхожа бир одамга, “Наввойхонадан нон сотиб олиб Хожа Ҳошимга едиргин”, дейдилар. Бегона луқмани еган ёш Хожа бу кароматни қилмай қўяди.[124]

Шу сабабдан севимли ёзувчимиз Тоҳир Малик ўзининг “Жиноятнинг узун йўли” номли асарида бу борада шундай ёзган эди: “Ҳали туғилмаган боланинг тарбияси ҳақида гапирилганда истаймизми истамаймизми, нафс ва луқмаи ҳалол ҳақида ўйлаб кўришимизга тўғри келади. Болани ҳалол йўл орқали топилган ош-нон билан таомлантирмоқликнинг афзаллиги ҳақида барча замонларда, барча жамиятларда, барча динларда таъкидланиб келинган. Ҳаром йўл билан, яъни, бировнинг ҳақига хиёнат қилиб, кимнидир

[123] Каттаев К. Тасаввуф алломалари. – Т.: Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. - Б.149.

[124] Каттаев к. Махдуми Аъзам тарихи ва мукаммал даҳбедийлар тариқати. – Т.: MASHHUR-PRESS, 2016. – Б.94.

www.ziyouz.com kutubxonasi

норизо этиб топилган ноннинг оқибат ҳалокат келтирмоғидан огоҳлантиришган. Биров бу таъкидларга, бу огоҳлантиришларга қулоқ тутган. Луқманинг ҳалоллигига қатъий риоя қилган. Бир эмас, ярим коса таом билан кифояланган, йилда уч-тўрт эмас, икки-уч йилда бир янги кийим кийган, сабрни ҳар нарсадан устун қўйган ва бунинг эвазига икки дунё саодатини топган. Бошқа бировлар эса, бу таъкид, огоҳлантиришларниназар-писанд қилмаган. Оқибатда ҳам жисмоний, ҳам руҳий азоблар билан "тақдирланган".

Шайх Абу Бакр Аббос айтур: Довуднинг уйига бордим. Кўрдиким, бир пора қуруғ нон илкида йиғлаб ўлтурубдур. Сўрдим:

-Эй Довуд, сизга на иш бўлди?

Дедиким:

Бу қуруғ нонни еголи олдим, билмасманким, ҳалолмудур ё ҳароммудур?

МАРҒИЛОН НОНВОЙЛАРИ

Ўзбек халқининг миллий маданиятида нон алоҳида муқаддас неъмат сифатида қадрланади. Айниқса, Фарғона водийсида, жумладан Марғилонда нонвойчилик нафақат кундалик эҳтиёжни таъминловчи касб, балки халқ маънавияти, ҳалол меҳнат ва поклик тимсоли сифатида шаклланган. Марғилон нонлари ўзининг таъми, пишириш услуби ва тайёрланиш маданияти билан қадимдан машҳур бўлган.

Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида тайёрланадиган нонлар бир-биридан фарқланади. Жумладан, Марғилон нонлари ҳам қадимдан ўзининг ажойиб таъми билан ажралиб турган.

Марғилон нонвойчилигида касб авлоддан-авлодга ўтиб келган. Суҳбатларда иштирок этган кўплаб нонвойлар ўз касбини отаси ёки бобосидан мерос қилиб олганини таъкидлайдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Масалан, Умарали нонвой етти ёшидан шогирдликка берилганини айтиб, нонвойчиликни мукаммал эгаллаш учун сабр ва меҳнат кераклигини таъкидлайди. Муҳаммадқодир нонвой эса эллик йиллик фаолияти давомида йигирмадан ортиқ устоз нонвойлар билан мулоқот қилганини қайд этади.

Устоз-шогирд анъанаси орқали нафақат нон ёпиш сирлари, балки:

- ҳалоллик,
- покизалик,
- меҳнатсеварлик,
- хушмуомалалик,
- сабр-тоқат каби ахлоқий фазилатлар ҳам ёш авлодга ўргатилган.

Суҳбатларда деярли барча нонвойлар поклик, ҳалоллик ва таҳоратни касбнинг асосий шартлари сифатида таъкидлаганлар. Уларга кўра:

- нонвой таҳоратли бўлиши;
- тарозидан урмаслиги;
- харидор ҳақига хиёнат қилмаслиги;
- хушмуомала бўлиши лозим.

Муҳаммаджон нонвой нонвойхонани “пирхона” деб атаб, тандирни меҳробга қиёслайди. Бу қарашлар нонвойчилик касби диний-маънавий қадриятлар билан чамбарчас боғланганини англатади.

Нонвойлар орасида ҳазрати Жаброил алайҳиссалом нонвойларнинг пири ҳисобланиши ҳақидаги қарашлар ҳам кенг тарқалган. Бу эса касбнинг муқаддаслик даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Марғилон нонвойлари билан боғлиқ суҳбатларда кўплаб ривоят ва ибратли ҳикоялар учрайди. Уларда асосан:

- нонни увол қилмаслик;
- меҳнатга ҳалол муносабат;
- ноннинг барака манбаи эканлиги;

www.ziyouz.com kutubxonasi

• жаҳл ва ёмон кайфиятнинг нонга таъсири каби ғоялар илгари сурилади.

Масалан, Муҳаммадамин нонвой келтирган ривоятда жаҳл билан қорилган хамирдан тайёрланган нонни авлиё инсон истеъмол қилмагани айтилади. Бу халқ тасаввурида ноннинг инсон руҳияти билан ҳам боғлиқ деб қаралганини кўрсатади.

Архив ҳужжатларида Марғилондаги машҳур нонвойлар “Уста нонвой” деб ардоқлаб келинганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, 1883 йилдаги Марғилон ҳокими Саййид Султон Муродбек мулкларини тавсифида марғилонлик Уста Файзи нонвой номи қайд этилган[125].

Таъкид жоизки, Фарғона водийсида, жумладан Марғилонда қадимдан “Уста” ибораси “Устоз” ибораси билан тенг қўлланиб келинган. Уста Файзи нонвойга ҳам бу ном аслида уни улуғ устоз бўлганлигидан далолат берган.

Мажруҳ тахаллуси остида ижод қилган табаррук зот Маҳмуджон домла Муҳаммадумар охунд ўғли Мажруҳ Ёзёвоний (1922-1994) ҳам халқ орасида “Уста” номи билан машҳур бўлган. Маҳмуджон домла Мажруҳга ҳам бу ном аслида уни улуғ устоз бўлганлигидан далолат берган[126].

Масалан, Ўзбек анъанавий театрининг йирик намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Юсуфжон қизиқ Шакаржоновни (1869-1959) ҳам халқ орасида “Уста” деб эъзозлаб келганлар. Ўзбекистоннинг хонлик, Россияга қарам бўлган даври ва собиқ советлар вақтида халққа хизмат қилган Юсуфжон қизиқ серқирра санъаткор бўлиб, созанда, қизиқчи, аскиячи, ҳикоячи, раққос, балетмейстерлик санъатларининг отахони сифатида санъаткорлар ўртасида катта обрўга эга бўлган. Ўлканинг турли шаҳарларида ижод қилган актёрлар, ҳофиз ва созандалар, аскиябозлар, дорбоз ва муаллақчилар турли вақтларда Марғилонга келиб Юсуф қизиқ мактабининг

[125] ЎзР МДА. Фонд – 1. Рўйхат №1. Йиғма жилд № 2524. 327- варақ.

[126] Абдулаҳатов Н. Мажруҳнинг мажруҳлиги // Исмоилов А. Алишер Бек. Уста Маҳмуджон Домла. – Т.: Наврўз, 2020. – Б.173.

www.ziyouz.com kutubxonasi

таълимотини олар ёки имтиҳондан ўтар ва ўз фаолиятларига фотиҳа олар эдилар.[127] Уни санъаткорлар ва бошқа кишилар бежиз "Уста" деб аташмаган.[128]

Бу ҳақда Муфаззал махсум Марғилоний Юсуфжон қизиққа бағишланган ўттиз икки мисрадан иборат таърих-марсия битган бўлиб, қуйида ундан бир парча келтириб ўтамиз:

Уста деб шуҳрат қозонди бул Юсуфжон устамиз,
Давримиз давронида устози даврон устамиз.
Шашмақому азқиё кўйида жонон устамиз,
Элу юрт йўлинда қурбон устамиз,
Марғилонни ифтихори бир қадрдон устамиз....[129]

Марғилондаги бир-икки аср олдинги нонвойлар тарихига доир маълумотлар нафақат маҳаллий тарихчилар, балки хорижлик тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, академик А.Ф. Миддендорф Марғилон ҳақида маълумотларни келтириш баробарида, 1882 йилда шаҳарнинг ўзида 62 та нон маҳсулотлари дўкони фаолият кўрсатганлигини ёзади.[130] XX асрнинг бошига келиб ушбу дўконлар сони янада ортиб борган.

Ғолиб Марғилоний[131] "Насаб" асарида ёзишича XX асрнинг 20 йилларида Марғилонда 300 дан ошиқ нонвой меҳнат қилган. Бу ҳақда шундай ёзади: "Воқеа шундай бўлган экан, Охунбобоев Шоҳимардонга дам олгани кетаётиб одатича Марғилонга келган, союз-қўшчи чойхонасида ўтир-ганида 300 новвой ариза кўтариб келишган, "Ота биз бола чақамиз билан бир ойдан бери оч қолдик, Фозилқори раҳбаримизни қамаб қўйди" дейишган". Бизнингча, ушбу

[127] Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. – Т.: Фан, 1968. – Б. 162.

[128] Абдулаҳатов Н. Ҳажв халқ хизматида // Тафаккур. Тошкент, 2019. – № 3. – Б. 122-124.

[129] Абдулаҳатов Н., Хожа Марғилоний. – Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2017. - Б 31.

[130] Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб., 1882. Прибавление X.

[131] Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н. Ғолиб Марғилонийнинг "Насаб" асари // "Ислом – тинчлик ва бағрикенглик дини" Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент – 2020. – Б. 86-92.

www.ziyouz.com kutubxonasi

маълумотда 300 нонвой аслида 100 дан ортиқ нонвойхонадаги нонвойлар ҳақида сўз бораётган бўлса керак.

Ушбу китобни тайёрлаш давомида ҳозирда Марғилон шаҳрида нонвойчилик билан шуғулланиб келаётган ҳамюртларимизга қуйидаги саволнома билан мурожаат қилдик.

Нон ва нонвойчилик касби ҳақида саволнома

1. Исми шарифингиз.
2. Туғилган йилингиз.
3. Яшаш манзилингиз.
4. Нонвойчилик билан неча йилдан бери шуғулланиб келасиз?
5. Нима учун айнан нонвойчиликни танладингиз?
6. Машҳур нонвойлардан кимларни биласиз? Нима учун улар машҳур бўлган?
7. Нонвойчиликнинг бошқа ҳунарлардан афзаллик жиҳатлари нимада?
8. Нон ва нонвойчилик билан боғлиқ қандай воқеалар ёки ривоятларни эшитгансиз.
9. Нонвойчиликни қандай ўзига хос одоблари бор?
10. Новвойларнинг пири ким?
11. Нонвой бўлишнинг қандай шартлари бор?
12. Нонвойлик бўйича ёшларга қандай маслаҳатлар берган бўлар эдингиз?

Қуйида нонвойлар томонидан ушбу саволномага берилган жавобларни ҳавола этмоқдамиз.

Каримжон нонвой

Аҳмедов Каримжон. 1946 йилда таваллуд топган. Марғилон шаҳар “Чорбоғ 23ª” уйда истиқомат қилади. Аҳмедов Каримжон нонвойчилик касби ҳақида шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейди: “1963 йилдан бери нонвойчилик билан шуғулланиб келаман. Ёшлик кезларимиз урушдан кейинги йилларга тўғри келиб, болаликдаги нонвойликка қизиқишимиз кейинчалик севган касбимизга айланди. Шу касб орқасидан рўзғор тебратиб, бола-чақа боқдим. “

Машҳур нонвойлардан Исмоилжон нонвой, Юнусжон нонвой ва яна кўплаб номи чиққан нонвойларни биламан. Бу касбнинг афзалликларидан сўз очсам, доимо иш билан банд бўласан, рўзғоринг бут, фарзандлар ҳам доимо иш билан банд бўлишади.

Нонвойликнинг ўзига хос одобларидан, аввало пок, таҳоратли ва ҳалол бўлмоқлик керак. Тўғри сўз, харидорнинг ҳақига сира хиёнат қилмаслик, яъни тарозидан тўғри фойдаланиши керак”.

Умарали нонвой

Ризаев Умарали Акрамович 1953 йил 28 майда таваллуд топган. Марғилон шаҳар Б.Марғиноний кўчаси №47 хонадонда истиқомат қилади. Умарали Ризаев нонвойчилик касби ҳақида шундай дейди:

“Нонвойчилик ота касбим бўлганлиги учун шу касбга меҳр қўйганман ва шу касбни танлаганман.

Нонвойчилик билан етти ёшимдан буён шуғулланиб келаман. Етти ёшга кирганимда отам раҳматлик устозим бўлмиш Холматжон амакимникига ширмонпазлик ҳунарини эгаллаш учун шогирдликка берган эдилар.

Марғилон шаҳрида уста нонвойлардан аввало ўзимни отам Мулла Акрам нонвой бўлганлар. Етмиш тўрт ёшларига қадар ширмонпазлик билан шуғулланиб, жуда улуғ ёш 104 ёшида оламдан ўтганлар. Отамиз нонвойчилик касбини тўлиқ эгалаганликлари боис уларни нонвойлар эъзозлаб “Уста” деб чақирашар эди. Ҳар хил нонларни тайёрланиш жараёнларини мукаммал билар эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Булардан ташқари отамизнинг сафдошларидан шаҳримизнинг Узун ҳовуз маҳалласининг бошланишида Тўхта бойичча исмли нонвой яшаб ўтганлар. Ҳозиргача нон ёпиб, қизиртириб олишда бу одамга тенглаша олмайдилар. Яна сафдошларидан шаҳар марказида жойлашган Деҳқон бозори ёнидаги "Абдулла Тўқай" кўчасида яшовчи Эргаш Чақатой исмли нонвой яшаб ўтган. Бу нонвой нон ясаши билан, яъни нонга шакл киритиши билан машҳур бўлган.

Ширмонпазликда 10 хилдан ортиқ ширмон турли бор. Ана шундай хиллардан уч-тўрт хил ширмон устаси шаҳримизнинг ҳозирги Нақшбандий кўчасида яшаб ўтган уста Миркўзи нонвой "Чуқур" кўчасидаги Акромшер нонвой эди.

Гиждапаз ширмончи Насриддин нонвой, уста Баҳром нонвой, Мулла Жўравой нонвойлар Марғилон нонларининг усталари бўлганлар. Улар етмиш-саксон ёшларигача шу касбларини тарк эмай нон ёпишда давом этганлар.Уларнинг машҳурликларини қуйидагича таърифлаш мумкин.

1. Аввало нон тайёрланиши жараёни учун биринчи бўлиб тунда "Орвез", яъни хамир қилувчи туриб хамир қорийди.

2. Иккинчи кўпган хамирни "Хамиргир", яъни "Зувалакаш" зувала қилиб бостиради.

3. Учинчи "Паркаш", яъни нонга шакл берувчи, нон ясовчи одам тинган зувалаларни нон шаклига келтириб беради.

4. Тўртинчи вазифани бажарувчи инсонни "Таг нон пўшчи" деб аталади, яъни бу одам ноннинг юз қисмига седана ёки кунжут сепиб нонга безак бериб, нон ёпувчига етказиб беради.

5. Бешинчи охирги жараённи "Нонпаз", яъни нонни ёпиб, уларни қизартириб узиб олувчи амалга оширади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нон тайёрлаш жараёнларини мукаммал билишгани боис юқорида исмлари келтирилган нонвойлар шаҳримизнинг машҳур нонвойлари бўлиб ўтишган.

Ҳар бир касбнинг ўзига хос афзалликлари бор. Аммо нонвойчилик касби орқали ўзга инсонларнинг шу қатори оилангиздаги яқинларингизнинг ҳам қорни тўқ бўлиши билан ажралиб туради.

Нонвойчилик билан боғлиқ кўп воқеаларни эшитганман ва уларнинг айримларига ўзим ҳам гувоҳ бўлганман.

Гўр аввал маҳалласида "Қизил меҳнат" жамияти томонидан очилган нонвойхонада бир сутка давомида, яъни 24 соат мобайнида 400 граммли оила нонидан бир тонна миқдорида унни нон қилиб тайёрлаб беришган.

Тўхта бойичча эса шундай нонпаз эдики, тандирни тагига, яъни оёғи остига гиламча тўшалган, пачал кавуш билан нон ёпарди. Ўша пайтларда тош кўмирда ўтлар ёқилиб, нон тайёрланган. Тандирдаги нонлар юзига сув сочиб туриб пиширириб олинган. Мана шундай жараёнда унинг оёғи остидаги гиламчага на сув томчилари ва на чўғ учиб тушмаган. Шу сабабдан гиламчаси доим озода, худди кечагина бозордан олиниб солингандек кўринар эди. Ана шундай маҳорат соҳиби бўлгани учун уни "Тўхта бойичча" деб таъриф қилганлар.

Отамиз Мулла Акрам нонвой ҳикоя қилиб айтиб берган воқеалардан бири шуки, 1939-1940 йилларда Москва шаҳрида очилган Бутун иттифоқ халқ хўжалиги виставкасига, яъни "ВДНХ"га Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги раҳбарларидан бири Йўлдош Охунбобоев томонидан отамиз Мулла Акрам нонвой ҳам таклиф қилинган. Отамизнинг зиммасига ушбу виставканинг "Ўзбекистон" павильонида ўзбек халқининг нонларини намойиш этиш вазифаси юклатилган. Шунда отамиз павильонда ўзбек нонларини ёпиб кўргазмга келган турли дунё халқ вакилларига намойиш этганлар. Ҳозирда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўша кўргазмада отамиз номига берилган рухсатнома оиламиз архивида сақланиб келинмоқда.

Нонвойчилик касби ўз-ўзидан доимо покликни талаб этувчи касб ҳисобланади. Чунки, нонни инсонлар истеъмол қиладилар. Шу сабабдан бу касб билан шуғулланувчи инсонларнинг ташқи қиёфаси, кийиниши ҳам унинг қалби ҳам пок бўлиши керак.

Нонвойларнинг пири Ҳазрати Жаброил алайҳиссалом ҳисобланади.

Нонвой бўлиши учун тандирнинг доимий ёниб турадиган оташига чидаш билан бирга одамларга иссиқ нонни кеча-кундуз етказиб бериш учун тунлари бедор, сабрли, жисмонан бақувват бўлиши лозим.

Нонвойчилик касби жуда шарафли касблардан биридир. Мана ҳозир ёшим етмишга яқинлашиб қолса ҳам, ўзимни руҳан, жисмонан тетик ҳис қиламан. Шу касбим орқали тўйлар қилдим, элга дастурхон тортдим. Фарзандларимни ўқитиб, уйли-жойли қилдим. Сира бошқа касбга ҳавас қилмадим. Отамнинг касбини давом эттириб сира кам бўлмадим. Яратганга беадад шукурлар бўлсинким, қаерга борсам, уста деб ҳурмат қилишади, дуо олишга интилишади.

Ушбу касбни танлаганлар сира афсус қилишмайди. Аввало оила тўқлиги учун ҳар куни етарли даромадга эга бўлибгина қолишмасдан доим ҳаракат қилганликлари учун жисмонан соғлом ҳаёт кечирадилар.

Нонвойчилик касби билан шуғулланиб келаётган ёшларимизга насиҳатим шуки, ишни тезроқ тугатай деб шошмасдан, ўз касбингизни пухта ўрганиш унинг сирларини эринмасдан ўрганишнинг пайидан бўлинглар. Ҳар доим покизалик ва ҳалолликка амал қилинглар. Шукур қилишни сира канда қилманглар. Чунки доим ишни Аллоҳга шукур келтиришдан бошлар эдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммадқодир нонвой

Махсудов Муҳаммадқодир Мирзамаҳмуджон ўғли. 1958 йилда туғилган. Марғилон шаҳар Б.Марғилоний № 177-уйда истиқомат қилади. Махсудов Муҳаммадқодир нонвойчилик касби ҳақида шундай дейди:

“12 ёшимдан шогирд нонвой бўлганман. Шу 50 йил мобайнида 20 дан ортиқ устоз нонвойларни кўрдим, улар билан вақти келганда яқиндан суҳбатлашиб, дуоларни олишга муяссар бўлдим.

Устозим Исмоилжон нонвой Чорчинор маҳалласидан. Ҳайдарали нонвой ва ўғиллари Маҳаммадали (1950 й.т.) Жўрахон Султонов кўчасидан. Эмин нонвой (1930 й.т.) Чорчинор маҳалласидан. Асқар қори нонвой (1945 й.т.) Каптарли мозор маҳалласидан. Қодиржон нонвой (1930 й.т.) Кунжай маҳалласидан. Сирожиддин нонвой (1930 й.т) ва унинг ўғли Зуҳриддин нонвой (1958 й.т.). Аббосхон халфа (1924 й.т.) Оролбўйи маҳалласидан. Ғофир нонвой (1948 й.т.) Сойбўйи маҳалласидан. Зокиржон нонвой (1948 й.т.) Машад маҳалласидан. Мухторжон нонвой (1930 й.т.) Б.Марғилоний кўчасидан. Парпи нонвой (1920 й.т.). Нонвой Шер тоға Чорчинордан (1920 й.т.). Зоҳиджон нонвой (1945 й.т.) Машад маҳалласидан”.

Муҳаммадамин нонвой

Муллабоев Муҳаммадамин Оллоҳбердиевич. 1964 йилда таваллуд топган. Марғилон шаҳар Чарағон маҳалла, Эҳтиром кўчаси № 25 уйда истиқомат қилади. Муллабоев Муҳаммадамин нонвойчилик касби ҳақида шундай дейди:

“Мен Муҳаммадамин Оллоҳберди ўғли 48 йил давомида нонвойчилик билан шуғулландим. Ҳозирда ёшларга, шогирдларга йўл бердик. Бу касбнинг афзалликларидан бири шундаки, кеча-кундуз Аллоҳнинг зикрида бўларкансиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунинг учун бу касбни танлаганман ва бунда сира афсус қилмайман. Чунки, устазода нонвой бўлиб етишдим.

Марғилон шаҳрида Аминжон элак, Оллоҳберди пақир, Жўрахон парчи, Ҳамиджон сингитиб деган машҳур устозлар нонвойлар яшаб ўтганлар.

Аминжон элак дегани - уста доим ун элаб берган.

Оллоҳберди пақир дегани – бир пақирлик сувда хамир қориган.

Жўрахон парчи дегани- нонга чиройли шакл берган.

Ҳамиджон сингитиб дегани – нонни доим сингитиб узгани учун шундай ном олган. Мазкур усталар Марғилон шаҳрининг ҳозирги Атлас фирмаси атрофида истиқомат қилганлар.

Бу касбни яна афзалликларидан айтгудек бўлсам, доим покиза, таҳоратда, ибодатлик бўлиб, ҳалолликда ҳалимлик билан касбингизни маҳкам ушлайсиз ва шу талабларга амал қилсангиз устозлик мақомига эга бўласиз. Худойим ҳамма нарсангизга барака беради.

Бу борада кўплаб ривоятлар эшитганмиз.

Айтишларича, азизлардан бирини олдига нон синдириб қўйибдилар. Аммо ул зот нонга қўл чўзмабди. Шунда “Нега нондан емайсиз?” деб сўрадилар. Ўша азизларимиз “Бу нон жаҳл билан қилинган экан” деб жавоб беришибди. Суриштириб билсаларки, нонвой хамир қилаётганида шогирдига “Сувни тезроқ олиб кел” деб жаҳл билан қаттиқ бақирган экан.

Айтишларича, замонасини олиму фозилларидан бири узоқ юртдан Марғилонга келибди. Ул зотни иссиқ нонлар билан меҳмон қилишибди. Меҳмонга Марғилон шу қадар маззали туюлибдики, гўё шу нонни еб кўкка учгандек ҳис қилибди ўзини. Шунда ул зот айтибдики: “Ҳай-ҳай бу нонни еган учиб кетадия”.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нонни тандирга ёпганда, нонпазни хаёли фақат тандирдаги нонида бўлиши керак, сира нонни куйдириб юбормасин.

Айтишларича бир савдогарни уч қизи бор экан. Савдогар сафарга кетишидан олдин қизларидан “Сизларга нима олиб келай?” деб сўраркан. Катта қизи “Менга зебзийнат олиб келинг” деса, иккинчи қизи “Менга кимхоб кўйлак олиб келинг” дебди. Учинчи қизи бўлса “Менга куйган нон” олиб келинг дермиш. Савдогар сафар чоғида икки қизини айтганларини олибди. Аммо кенжа қизи айтган куйган нонни топа олмабди. Йўлда карвонсаройда тунашибди. Карвонсарой эгаси унга чой-нон олиб келибди. Нонларнинг бирини орқаси куйган экан. Шуни емасдан олиб қўйибди. Савдогар эртаси куни йўлга чиқиб юра-юра уйига қайтибди. Икки қизи сўраган нарсаларини берибди. Кенжа қизини чақириб: “Қизим, куйган нонни топа олмадим. Аммо орқаси куйган бўлса ҳам олиб келдим” деб қизидан нима учун бундай нонни сўраганини сабабини билмоқчи бўлибди. Шунда қизи “Отажон сиз мусофирчиликда юриб ўша куйган нонни еганингизда оғир дардга чалиниб бемор бўлардингиз. Куйган нон ҳазм бўлмайди. Шунинг учун олиб келинг” деган эдим деб жавоб берган экан. Қиссадан ҳисса шуки, нонни куйдириб юборманг.

Нонвойликнинг шартлари ушбудир.

- покизалик;
- савдода ҳалоллик,
- харидорга хушмомилада бўлмоқлик;
- тўғрисўзлик;

доим зикрда юрмоқлик;

- устозлардан дуо олмоқлик.

-чаққонлик;

- меҳнатсеварлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммаджон нонвой

Рустамов Муҳаммаджон Жамолович. 1968 йилда таваллуд топган. Марғилон шаҳар Сўфи Оллоёр кўчаси №127 хонадонда истиқомат қилади. Рустамов Муҳаммаджон нонвойчилик касби ҳақида шундай дейди:

“Касбимизни нонвой деб атасалар-да, аслида бу сўз нонбой деб юритилади. Бу касбнинг ўзига хослиги шундаки, масалан, деҳқон, қурувчи ёки бошқа касбларга умрида бу соҳада меҳнат қилмаган одамни ҳам ёллаб ишлатса бўлади. Аммо нонвойчиликда буни қилиб бўлмайди. Айтишларича отамиз Одам алайҳиссалом ҳам фарзандларининг энг афзалини нонвойчилик касбига ўргатган экан. Одам алайҳиссаломга нонвойчиликни ўргатишда Жаброил алайҳиссалом устозлик қилган дейилади.

Шаҳримизда кўп машҳур нонвойлар яшаб ўтганлар. Исомиддин нонвой, Мулла Акром нонвой, Жўра ака нонвой, Холмирза нонвой, Асқарали ҳожи нонвой, Умарали нонвой, Юсуф нонвой, Муҳаммадмусо нонвой шулар жумласидандир. Улар уста нонвойлик даражасига етишларида аввало покизаликка қаттиқ риоя этганлар. Масалан, Мулла Акром нонвой замонасининг етук зотларидан бири бўлиб, нонвойлик дўконига - пирхонага киришда ҳар доим кавушларини ҳам алмаштириб кийганлар. Доим озода саришта сақлаган. Ҳар гал хамир қилганида хонани қайта-қайта тоза супириб олган. Гўёки хамиргир мисоли сўфидек. Хамир қилиндими, демак азон чақирилди. Энди жамоат келади. Имом нонпаз саналади. Нонпазни тандири қиблага қараган бўлиб, худди меҳроб мисолидек. Тандир сира қиблага тескари бўлмасин. Чунки тескари бўлса, тандирдаги ёқилган олов баракасиз бўлади.

Нонпаз терлаб турганда санчиқ туриб қолиши жуда осон. Шу сабабдан бошидаги белбоғи унга жуда керак бўлади. Пешонадаги белбоғи терлаган ҳолатида уни кўп

www.ziyouz.com kutubxonasi

нохушликлардан сақлайди. Чунки хамир қўли билан терини артмайди. Яна бир афзаллиги пешона ва орқа мияни иссиқ ва совуқдан сақлайди. Бош мия тандирга кирганда, қайноқ тандирдан чиққанда совуққа дучор бўлади. Бундай иссиқ-совуқларнинг кўзга ҳам таъсири бор. Ўтган улуғларимиздан устозимиз Исомиддин эшон дада (1892-2001) Марғилоннинг Чўғтерак (Жуфтерак ҳам дейилади) маҳалласида яшаб ўтган. Ўша устозимиз 93 ёшга киргунга қадар нон ёпганлар. Айтишларича, 2-жаҳон уруши даврида 5 йил давомида нон ёпмаган холос. Катта Фарғона каналини қазишда ҳам бетўхтов нон ёпган эканлар.

Тандир олдига келганида доим уч марта “Аллоҳу акбар” деб, сўнг уч марта таҳлил айтар экан. Устозларимиз икки кунлаб нон ёпганларида ҳам оқ яктакларига доғ тегмаган.

Аввалги устоз нонвойлар фақат сув билан нон ёпишган. Яъни икки қатор нон ёпгач сув сепилган. Тандир тўлдирилгач яна сув сепилган. Бироқ бир томчи сувни ҳам исроф қилмаганлар. Коржомаларига гард юқмаган. Оёқ остидаги гилам ҳўл бўлмаган. Бетаҳорат тандирга яқин келмаганлар.

Айтишларича, бир киши валийуллоҳлардан бирини ҳузурига бориб: “Қайдай қилиб Худога етишса бўлади. Менга йўлини кўрсатинг” деб сўрабди. Шунда ўша зот “Сиз кўча-куйларда, ахлатхоналарга ташлаб юборилган нонларни ҳаммасини тўплаб, шуларни истеъмол қилиб турсангиз, шоядки муродингиз ҳосил бўлса” дебди. У киши дарҳол бу ишга киришибди. Ҳатто ўзига ёрдам бериш учун хизмат-корини ишга тайинлаб, унга икки ҳисса кўпроқ ҳақ бера бошлабди. Хизматкор ҳар куни қаерда шундай ташлаб юборилган нонларни кўрса, уларни қопга тўплаб, хўжайинига элтар экан. Кунларда бир кун кўчама-кўча ташлаб юборилган нонларни териб юрса, тезакда ётган бир тўғрам нонга кўзи тушибди. Хизматкор нонни қўлига олиб ўйланиб қолиб ўз-ўзига: “Менга хўжайиним икки ҳисса ҳақ берса, келиб-келиб унга шу нонни олиб бораманми”, дебди-ю, ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғрам нонни ўзи ебди. Шу пайт ўзини худди қушдек ҳис қила бошлабди, оёғи ердан кўтарилиб, осмонга учибди. Яна ерга қайтиб қолган нонларни хўжайинига бергани келса, хўжайини: “Биз кутган насибани еб қўйдингизми” деган экан. Қиссадан ҳисса шулки, сира кулга, ерга тушган нонни хорламанг.

Қадимда икки нонвой яшаб ўтган экан. Бирини нонни ниҳоятда чиройли бўлган экан. Уни нонини олган одам синдиргиси келмай томоша қиларкан. Бироқ нонни еганда ҳамиша бир бўлак етмасдан қоларкан. Чунки, тарозидан бир бўлак хамирни уриб қоларкан. Иккинчисиники бўлса ўртароқ бўлса-да, тарозидан сира урмас экан. Унинг нонини еганлар доим “Барака топсин” деб дуо қиларканлар. Орадан йиллар ўтиб биринчи нонвойни қўллари қуриб қолибди. Иккинчиси эса барака топибди. Пиру бадавлат бўлибди.

Қиссадан ҳисса шуки, тарози тошини қўлингиз қалтирамай каттароқ қўйинг. Бу берилган лаҳзалар, умр такрор келмайди. Халқимиз нима деса ўша бўламиз.

Агар нонвойнинг отаси ўлиб қолган бўлса ҳам, нонни ёпиши керак. Пиширадиган нонни хамири ачиб қолса, буни гуноҳи оғир. Одамларга едирадиган нонни ҳалол едириш лозим. Чунки нонни қай ҳолатда тайёр бўлганидан бехабар одамлар уни олиб беморларга олиб борадилар, оила аҳлига едирадилар, сўнгра ибодат қиладилар.

Раҳматжон нонвой

Мадаминов Раҳматжон Аҳмадқул ўғли. 1952 йилда таваллуд топган. Марғилон шаҳар Баҳрин маҳалласи, Мустақиллик кўчасидаги 136[a] уйда истиқомат қилади. Мадаминов Раҳматжон нонвойчилик касби ҳақида шундай дейди:

“1970 йилдан 2000 йилга қадар нонвой касби билан шуғулландим. Бу касбнинг афзалликларидан бири доим уйингизда нон бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Марғилонда устозода нонвойлар ҳақида кўп эшитган бўлсак-да, ўзим таниган ва билганларимдан Худо раҳмат қилсин Мулла Ҳайдарали нонвой, Каримжон нонвой, Абдукарим нонвой, Мозортагидан устозим Асқарали қори ака, Нурмат охун, Чорчинордан Шерали нонвой, Машаддан Абдубанноб нонвой ва Нуриддин нонвой шулар жумласидандир.

Устозларимиздан эшитишимизга қараганда нонвойлик инсониятга берилган биринчи ҳунардир. Одамларга биринчи ризқ эрталабда нон бўлади. Нон ҳамма бандаларга Аллоҳ таоло томонидан берилган улуғ неъматлардан биридир. Шу сабабдан ун ва нон ушоқларини ҳам асло исроф қилмаслик лозим. Акс ҳолда уволи тутади.

Нонвойларни бири ҳазрат Жаброил алайҳиссаломдир. Ул зот отамиз Одам алайҳиссаломга буғдой экиб, ўстириб, ўриб, туйиб хамир қилиб тошга нон ёпишни ўргатди. Бу китоблардир мазкурдир“.

Камолиддин нонвой

Камолиддин нонвой 1959 йилда таваллуд топган. Марғилон шаҳри Жўрахон Султонов маҳалласи № 309 уйда яшайди. Нонпаз, паркаш, хамиргир, ориз, устоз Камолиддин нонвой нонвойчилик касби ҳақида шундай дейди:

“Нонвойчилик касбини танлашимга онамнинг оталари Мулла Ҳайдар Марғилон шаҳрида машҳур нонвой бўлганликлари сабаб бўлган.

Марғилонда машҳур нонвойлардан бобом Мулла Ҳайдар каби Узун ҳовуздан Сўфижон нонвой, Неъмат нонвой, Чуқур кўчадан Эмин нонвой, Ўрамдан Шокир нонвой, Машаддан Аббосхон нонвой, Қатағон маҳалласидан Турсунбой нонвой, Гўри аввалдан Маҳаммадали нонвой ва устозим Зойиржон нонвой айни вақтда Машад маҳалласида умргузаронлик қилиб келмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нонвойчилик касбининг бошқа ҳунарлардан афзаллиги ҳаммадан аввал уйғонишдадир. Бу касбга муҳаббат бўлмаса, уни пухта ўзлаштириб бўлмайди. Шу сабабдан ёшларга маслаҳатим шундан иборатки, аввало касбларингизга муҳаббатли бўлинглар. Ундан келадиган даромаднинг оз-кўпига шукр қилиб, касбларингизда бардавом бўлинг. Шундай қилсангиз, икки дунё саодатига эришгайсизлар, иншоаллоҳ".

Исломжон нонвой

Жўрабоев Исломжон. 1961 йилга Марғилон шаҳрида туғилган. Жўрабоев Исломжон нонвойчилик касби ҳақида шундай дейди:

"Нонвойга шоҳни ҳам гадони ҳам иши тушган. Бу шундай улуғ касбдир. Ушбу касбни танлашимда аввал қизиқиш сабаб бўлган. Кейинчалик унга меҳр билан ёндашдим.

Марғилонда мен билган машҳур нонвойлардан устоз Абдубанноб нонвой, Шокир нонвой, Неъматжон нонвой, Пўлатжон нонвой, Мўйдин нонвой. Улар шогирдларига нонвойчилик ҳунарини сирларини ўргатибгина қолмай, балки ҳаёт учун зарур бўладиган муҳим масалалардан ҳам сабоқлар берганлар".

Муҳаммадрўзи нонвой

Рустамов Муҳаммадрўзи 1968 йилда таваллуд топган. Марғилон шаҳар Сўфи Оллоёр кўчаси №127 ^{а} хонадонда истиқомат қилади. Рустамов Муҳаммадрўзи нонвойчилик касби ҳақида шундай дейди:

"Бобом Исомиддин нонвой бўлганлар. Бу мерос менга бобомдан ўтган. Нон неъматларни султони бўлса, нонвойчилик касбларнинг подшоҳидир. Бу касбнинг афзаллик жиҳатлари шундаки, тонг саҳарда бедорлиги субҳидамдан огоҳлиги билан бошқа касбдан ажралиб туради. Қоронғу тунни, зулматни кузатиб, ёруғлиқ оппоқ тонгни қуёш бобони

www.ziyouz.com kutubxonasi

кутиб олади. Бу Яратган Қодир Эгамнинг бу мўъжизасини ушбу касб эгаларигина ҳис қилади”.

Шукирилло нонвой

Аҳмадалиев Шукирилло. 1963 йилда таваллуд топган. Марғилон шаҳар Машад маҳалласи №7-уйда истиқомат қилади. Аҳмадалиев Шукирилло нонвойчилик касби ҳақида шундай дейди:

“Нон ёпишга қизиқишим сабабли 10 ёшимдан бери нонвойчилик билан шуғулланаман.

Марғилондаги Эмин нонвой, Хотам нонвой, Охун нонвой, Абдураим нонвойларни машҳур бўлишларига сабаб, ўз касбларига моҳир, ҳалол, покиза, эътиқодли инсонлар эканлигидадир. Айтишларича нонвойликнинг минг бир сири бор. Бошқа касблардан муҳим фарқи, доим покиза юриб, ширин уйқудан воз кечиб одамлар учун тонг саҳарда нон узишидир.

Нонвойчиликнинг хос одоблари ва шартлари: ёлғон гапирмаслик, хушмуомила бўлиш, тўғрисўзлик, покизалик, устозларга ҳурмат, тарозига хиёнат қилмаслик”.

Ҳасан нонвой

Каримов Ҳасанбой. 1966 йилда таваллуд топган. Марғилон шаҳар Имом Заҳириддин кўчаси № 48-уйда истиқомат қилади. Каримов Ҳасанбой нонвойчилик касби ҳақида шундай дейди:

“Нонвойчилик дунёдаги энг ҳалол касблардан биридир. Бунда ёлғон ишлатиб бўлмайди. Агар ёлғон ишлатса ўша кимсанинг асло косаси оқармайди. Агар ҳалол бўлсангиз топган пулингизда барака бўлади.

Марғилонда машҳур нонвойлар кўп. Ўзим таниган ва билганларимдан Эмин ака нонвой, Маҳкам ака нонвой,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зойиржон нонвой, Сурма опаларнинг ҳунарлари кучли бўлган.

Нонвойчилик соҳасида ҳам турли қизиқ воқеалар бўлиб туради. Бир гал айни тўйлар мавсумида дам олмай ишлар эдик. Чарчаганимдан туз ўрнига шакар солиб хамир қилиб қўйган эдим.

Ёшларга маслаҳатим уйқусизликка чидамасангиз, бу ҳунарни қилмаганингиз маъқул".

Одилжон нонвой

Арзибеков Одилжон Турсунович. 1972 йилда таваллуд топган. Марғилон шаҳрининг Мустақиллик кўчаси 245-уйда истиқомат қилади. Арзибеков Одилжон нонвойчилик касби ҳақида шундай дейди:

"Нонвойчилик касби билан 38 йилдан бери шуғулланиб келаман. Бу менинг ота касбим. Отам Турсунбой нонвой устозода нонвой бўлганлар. Яна Подшо Искандар маҳалласидан Ҳайдаржон опоқи, Турсунбой нонвой, Эргаш нонвой, Оролбўйи маҳалласидан Аббосхон нонвой, Гўри аввал маҳалласидан Муҳаммадали Юсупов устозода нонвойлардан бўлганлар.

Нонвойчилик касби катта масъулият талаб қилади. Бу касб эгалари бошқалардан ўзларининг хушмуомилалиги ва покизалиги билан ажралиб турмоқлари керак".

Юқорида келтирилган маълумотлардан, маълум бўлмоқдаки, Марғилонда нонвойлик касбидан машҳур бўлиб, халқнинг ардоғига сазовор бўлган инсонларнинг барчаси касбига бўлган садоқати туфайли, устозларининг олган дуолари шарофатидан "Уста" деган фахрли номга сазовор бўлдилар.

Ғолиб Марғилоний айтганидек, "Халқ ўз фарзандларини билади, мукофотлайди. Халқ мукофоти орден билан эмас, халқнинг дуоси, бу мукофот кишини икки оламда хор қилмайди. Мени кўп балолардан асраб қўллаган шу қоракўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

элимнинг дуоси. “Кўпни дуоси кўл”. Шунинг учун мен бир шеъримда ёзганман:

“Фахр эт ҳамиша Ғолиб, ўзбекни боласисан,
Куйлаб фазилатини, ҳуснини воласисан.
Оққан зилол сувини, ўйнар шалоласисан,
Ўзбек қизини ўрган, сочини толасисан.”

Машраб ҳам айтган: “Дуо талаб кишига, Соҳиби дуо учрар”.

Мен ҳамма вақт дуога ўч эдим, кўп соҳиб дуолардан дуо олдим”.

Марғилон нонвойлари билан қилинган суҳбатларда айнан нонвойчилик касбида, ҳалоллик ва покизаликнинг нақадар муҳим эканлиги кўп бор тилган олинди. Дарҳақиқат, Исломда поклик иймондан ҳисобланади. Нонвойларнинг бу қадар покликка эътибор беришларининг сабаби улар тайёрлаган нонларни шаҳарнинг барча аҳолиси истеъмол қилганлар. Покликда тайёрланган нон кишиларнинг нафақат жисмига балки руҳиятига ҳам таъсир кўрсатган.

Марғилоннинг ўрта асрларда ислом илмлари маркази сифатидаги шуҳрати барчага маълум[132]. Бу ердан етишиб чиққан фақиҳлар, муҳаддислар, муфассирларнинг илмий салоҳияти нафақат минтақа ва Мовароуннаҳр миқёсида, балки бутун ислом оламида эътироф этилган[133]. Марғилонда

---

[132] “Нафоҳат ул унс” ҳазрат Мавлавий Жомий. О.А. Порцев литографияси. Тошкент. 1915. – Б.200; Мусаев О. Абу Хасан ал-Маргинани – представитель арабоязычной поэзии Средней Азии XI века. СНТТГУ, №497. Востоковедение. Т., 1977. - С. 85-87; Ирматов Б.М. Основные источники сведений о Мавераннахре в “Муджам ал-булдан” Йакута. Общ. науки в Узбекистане. 1991. № 6. С. 45-48; Старр Ф.Утраченное Просвещение: Золотой век Центральной Азии от арабского завоевания до времен Тамерлана / Пер. с англ. Альпина Паблишер, - М.: “Интеллектуальная Литература”, 2017.С.52.

[133] Бу ҳақда қаранг: Саидов А.Х. Бурҳониддин Марғиноний – буюк ҳуқуқшунос (шариат ва ўзбек миллий маънавий-ҳуқуқий мероси тарихидан лавҳалар). – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ” нашриёт уйи, 1997; Ҳасаний М. Ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – 48 б; Қориев О. Ал-Марғиноний – машҳур фиққшунос. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000; Кариев А.А. Бурхан ад-дин ал-Маргинани и его место в истории фикха: Автореф. дис. … канд. ист. наук. – Т., 2001; Исҳоқов С. Бурҳониддин Марғиноний ва фиқҳ илми. – Т.: Адолат, 2000; Мўминов А. Мовароуннаμр уламолари: Ҳанафийлар // Шарқшунослик. – 1999. – № 9. – Б. 40-44; Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар) Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир даврнинг ўзида етмишдан ортиқ “Мавлоно” рутбасини олган алломалар яшаб ўтганлиги учун ҳам “Сундуқул орифийн”[134] – Оллоҳ таолони дили билан таниган – ориф зотлар макони деб таърифланган. ”Қомус ал аълом”да “Марғилон ўзининг уламолари, шоиру машойихлари ва қадимий осори атиқалари билан машҳур бўлган шаҳарлар жумласидандир”дея таъкидланади[135].

Ушбу маълумотларни келтиришимизнинг боиси, ана шу алломаларнинг буюклик даражасига эришишларида Марғилон нонвойларнинг ҳам ўзига хос хизматлари бор десак, янглишмаган бўлар эдик. Бинобарин, Марғилон заминида таваллуд тоган улуғларимиз, Марғилон нонни еб ўсиб улғайганлар, камолотга эришганлар.

Марғилон нонвойчилиги кўп асрлик миллий ҳунармандчилик анъаналарининг муҳим қисми ҳисобланади. Нонвойлар халқ орасида нафақат моҳир ҳунарманд, балки маънавият ва ҳалоллик тимсоли сифатида қадрланганлар. “Уста” мақоми уларнинг касбий маҳорати билан бирга ахлоқий камолотини ҳам ифода этган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики:

- Марғилонда нонвойчилик кучли устоз-шогирд мактаби асосида ривожланган;
- нонвойчиликда поклик ва ҳалоллик асосий мезон ҳисобланган;
- нон халқ маънавияти ва диний қадриятлари билан чамбарчас боғланган;

диссертация автореферати. Т., 2003. – 58 б; Жўзжоний А.Ш. Марғиноний ва унинг издошлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2000. – 56 б; Жўзжоний А.Ш., Юсупова Н.Ж. Бурҳониддин Марғиноний - Ўзбекистон фахри, -Т.; “Академия”, 2007. - 60 б; Бобожонов А. Ёқут ал-Ҳамавийнинг “Муъжам ал-булдон” асарида Фарғона ва фарғоналик олимлар // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент, 2007. - Б.162-168; Исломов З. “Китобу -л-ансоб”даги марғилонлик олимлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. №4. 2005. – Б. 176-178.

[134] Тожимуҳаммад Ҳожи Фозилжон ўғли, Муҳаммадамин Абдуҳаким Орифжон қори ўғли. *Дуррул* Орифийн. -Ф.: Фарғона, 1999. –Б. 4.

[135] Qomus al-a'lom, 6 jild. Istanbul, 1316(1898milodiy). - Б.4264.

www.ziyouz.com kutubxonasi

• Марғилон нонвойлари шаҳар маданий ҳаётининг муҳим қисми бўлган.

Шу боис, Марғилон нонвойчилиги анъаналарини ўрганиш ва асраб-авайлаш миллий маданий меросни сақлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Маҳмуджон нонвой

Ўзбекларнинг нонга эътибори ўзгача. Шунинг учун нон борасида кўпгина урф-одатлар шаклланган. Чунончи, дастурхонга нон албатта юз томони юқорига қаратиб ва жуфт қилиб қўйилади. Нонни катта ёшдаги кишилар, ёки уларнинг рухсати билан ёши кичик кишилар ушатиши, таом тортилганда биринчи бўлиб катта ёшдаги кишилар қўл узатиши шарт. Ўзбек элида тандирнинг ўрни бўлакча. Зеро нон – энг табаррук таом. У диёримизнинг ҳар бир гўшасида ўзига хос кўринишда бўлиб, ҳар қандай таом билан бирга тақдим этилади. Нон ҳаёт рамзи сифатида қабул қилинади.

Ўшда халқ фаровонлиги йўлида умр ўтказган Маҳмуджон нонвой 1910 йилда Хўжалар гузари даҳаси, Қорасув кўчасида туғилган.

Маҳмуджон нонвойнинг отаси Муҳаммадислом ота эл ичида Исломохун деб танилган. Маҳмуджон бу оиланинг тўртинчи фарзанди бўлиб, нонвойлик ҳунарини эгаллаган. Онаси Умринсо ая иболи, тақволи аёл эди.

Маҳмуджон нонвойнинг ҳовлисида 7 та тандир бўлиб, булардан 5 тасида эл талабига кўра оддий нон, 2 тасида эса ширмой нон ёпилган. Яна 4 та тандирда Шарқ қишлоғидаги Чинортагида элга нон ёпилиб турган. Барча нонвойхоналар дастлаб “Заготзерно”, “Дон жамғариш” корхонаси тасарруфида бўлган, сўнг туман матлубот жамиятига ўтказилган.

Ўзбеклар орасидаги халқона қарашга кўра буғдой, олма, қовун, анжир ва райҳон дастлаб жаннатда ўсган (аслида, исломий таълимот бўйича, барча ўсимликлар жаннат

www.ziyouz.com kutubxonasi

меваларидир). Шу боис, бу ўсимлик ва мевалар алоҳида эъзозланган. Айниқса халқ орасида ерга буғдой сепиш энг хайрли амаллардан бири саналган ва буғдой экилган майдонларни оёқости қилиш қораланган. Нон ҳеч қачон ерга ташланмаган, оёқ билан босилмаган.

Маҳмуджон ота нонвойчилик ҳунари билан машҳур бўлибгина қолмай, саховатли, элпарвар ва меҳмондўст инсон бўлган. Хонадонидан меҳмон аримаган. Ҳар қаердан дин арбоблари Ўшга ташриф буюрса албатта Маҳмуджон ота хонадонида бўлмай қайтмас эди. Бундай азиз меҳмонлар сарасига Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий Зиёвуддинхон Бобохонов, Қирғизистон мусулмонлари қозиси Мулла Мақсуд домла, андижонлик Ҳабибуллоқори домлаларни эслаб ўтиш мумкин.

Айтадиларки, Қирғизистон қозиси Мулла Мақсуд домлани ўша вақтдаги Қирғизистон раҳбари Турдиақун Усубалиев чақириб, марказдан диний бошқарма учун Фрунзе шаҳрида идора танлашни таклиф қилади. Қозидомла бунга жавобан, бундай идора Ўшда борлигини тушунтириб, таклифга рад жавоб беради. Айнан Маҳмуджон отанинг хонадони шундай идора эканлигини Турдиақун Усубалиевга уқтиради.

Меҳмонларга хизмат қилиш эса доим Маҳмуджон отанинг рафиқаси Саъдихон аянинг зиммасида бўлган. Саъдихон аянинг хизматларини алоҳида эсга олиб ўтиш лозим. Ўшнинг Қорасув кўчадаги хонадонда меҳмонлар учун деярли ҳар куни 3 маҳал қозон қайнаб турган. Шу хизматларнинг барчасида Саъдихон ая ўзининг юксак бардоши билан ўз эрига, қолаверса ўша табаррук зотларнинг ҳурматига сазовор бўлиб, улар меҳрини қозонган. Айниқса Мулла Мақсуд қози домланинг кўп дуоларини олган.

Саъдихон ая Маҳмуджон ота билан 47 йил бирга умр кечириш мобайнида, ҳар қандай қийинчиликларга бардош

www.ziyouz.com kutubxonasi

берган табаррук аёл бўлган. Меҳмонларга дастёрлик қилиш эса Маҳмуджон отанинг фарзанди Абдумутал ҳамда суюкли набираси Муҳаммаджон зиммасида бўлган. Муҳаммаджон бу вазифани сидқидилдан бажариб келган. Ўғли Абдумутал ҳожи 8 фарзандни тарбиялади. Ўш матлубот жамияти қошида анча йиллар ота касбини давом эттириш билан биргаликда қандолатчилик, новвотчилик ва яна бир қанча соҳаларда ҳам фаолият кўрсатиб, элга хизмат қилган.

Фарзандларининг эслашича, Маҳмуджон нонвой умрининг охирги кунларида хаста ва бедармон бўлишига қарамай, барча ёр-биродарларидан уйма-уй юриб розичилик олишга улгурган. Жанозасини ким ўқишини тайинлаган, элга жанозани хабар қилиш учун олдиндан одамларни тайёрлаб қўйган. Вафотидан бир неча кун олдин "Сармозор" қабристонида ўзи учун қабр қаздириб, ҳақиқий иморат мана шу эканлигини ёнидагиларга тушунтирган, сўнг Оқбура дарёси бошига чиқиб ғусл қилган. Уйга келиб, аввал садоқат билан бирга умргузарон қилган рафиқаси Саъдихон аядан ризолик олади, сўнг барча фарзандларига васиятини қилган.

Маҳмуджон нонвой 1979 йил рамазон ойида, "Қадр" кечасини ўтказиб, эртаси куни омонатини Оллоҳга топшириб, бу дунёдан кўз юмади. Жанозасини, васиятига мувофиқ, Андижондаги Девонабой масжидининг имоми Ҳабибуллоҳ қори домла ўқиди.

Маҳмуджон нонвойнинг невараси Муҳаммаджон ака бобосини меҳр ва ҳурмат билан эслайди:

– Бобом Маҳмуд нонвой вафот этганида мен 17 ёшли йигит эдим. Нонвойлик ҳунарининг сир-асрорларини айнан бобомдан ўргандим. У киши тандирга олов ёқишдан олдин албатта қўл очиб дуо қилар, "Ҳалол ризқ бўлсин, элга шифо бўлсин", деб ният қиларди. Нонни ерга туширмасликни, уни ҳурмат билан ушлашни қаттиқ уқтирар эдилар. "Нон – ризқ, ризқ эса Оллоҳнинг неъмати", деб кўп такрорларди. Шунинг учун нонни икки қўллаб олиш, юзини пастга қаратиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўймаслик, ушатганда ҳам эҳтиёт бўлиш кераклигини ўргатган.

Болалигимнинг энг ширин хотиралари – бобом билан тандир олдида ўтган дамлар. Тандир қизиб, нон ёпиш пайтида атрофга тарқалган иссиқ ҳид, хамирнинг кўтарилиши, ноннинг қизариб пишиши… буларнинг барчаси ҳалигача кўз олдимда. Бобом нонни тандир деворига ёпиштирганларида юзларида алоҳида нур пайдо бўларди. Гўё бу ишдан қалби ҳузур топарди.

У киши доим: “Ноннинг ҳиди — жаннат ҳиди”, дер эди. Бу гапни болалик ақлим билан оддий сўз деб ўйлардим. Вақт ўтиб англадимки, бобом нон орқали ҳалол меҳнатни, пок ризқни, инсонларга хизмат қилиш бахтини назарда тутган экан. Ҳар сафар тандир олдида турганимда, нон ҳиди анқиганда, бобомнинг овозлари гўё қулоғимда жаранглайди…

Муҳаммаджон ҳожи ака бугунги кунда бир дардни айтади:

“Ширмой нон” деган нонимиз бўлар эди. У ўзбекнинг нон турларидан бири бўлиб, ўзига хос усулда тайёрланадиган, хушбўй ва фойдали нондир. Ҳозир ширмой нон деярли йўқолиб кетди. Илгариги қўл меҳнати, сабр ва маҳорат ўрнини тезкорлик эгаллади. Бу нон айниқса Фарғона водийси ва Самарқанд томонларда машҳур. Унинг хамири оддий нондан фарқ қилади – тахминан 18 соат давомида тайёрланади. Нон шакллантирилганда чеккалари қалин, ўртаси эса юпқароқ қилиб чекилади ва тандирда ёпилади.

Хамир тайёрлаш жараёни ҳам ўзига хос: арпабодиён (анис) мис идишда тахминан 40 дақиқа қайнатилади. Қуритилган нўхат майдаланиб, шу дамламага қўшилади. Сўнг ун солиниб, хамир қорилади.

Бу нонга хамиртуруш солинмайди. Табиий дамлама ва маҳсулотлар ҳисобига хамир кўтарилади. Шу боис ширмой нон нафақат мазали, балки енгил ҳазм бўладиган ва шифобахш нон сифатида ҳам қадрланган…

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирда Маҳмуджон нонвойнинг авлодлари халқимизга ҳалол ва самарали меҳнатлари билан хизмат қилиб эл-юрт олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Маҳмуджон отанинг фарзанди Абдумутал ҳожи ота касбини давом эттириб, фарзандлари Муҳаммаджон бошчилигида 7 нафар оға-инилар шаҳримиздаги таниқли "Жети батыр" номи билан фаолият кўрсатаётган, кенг тармоқли хусусий корхонани бошқармоқдалар.

Одилжон Дадажонов[136]

НОН ВА НОНВОЙЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯТЛАР

"**Нон ва нонвойлар ҳақида ҳикоятлар"** мавзуси Шарқ халқлари, хусусан, Марказий Осиё маданияти, фольклори ва ёзма адабиётида жуда бой ва кўп қатламли анъанага эга. Бу шунчаки касб ёки озиқ-овқат ҳақидаги ҳикоялар эмас, балки **этнография, тасаввуф, ахлоқ ва ижтимоий ҳаёт**нинг туташган нуқтасидир.

Ушбу мавзу бўйича асосий таҳлилий ва маънавий йўналишлар:

1. Маънавий ва тасаввуфий мазмун (Касбнинг муқаддаслиги):

- **"Рисолаи нонвойлик" (Нонвойлар риштаси /рисоласи):** Шарқ ҳунармандчилик анъанасида ҳар бир касбнинг ўз "Рисола"си бўлган. Нонвойлик пири (раҳнамоси) сифатида Ҳазрати Одам алайҳиссалом ёки Иброҳим алайҳиссалом эъзозланган. Ҳикоятларда нонвойлик оддий маиший машғулот эмас, балки сув, олов, тупроқ ва ҳаво (тўрт унсур)ни бирлаштирувчи муқаддас бурч сифатида талқин қилинади.
- **Хамир ва олов ташбиҳи:** Тасаввуф адабиётида нонвойнинг хамир қориши, уни тандирга ёпиши ва

[136] https://oqbura.org/?cat=12

www.ziyouz.com kutubxonasi

пишириши инсон нафсини тарбиялаш, пишиб-етилиш (камолга етиш) жараёнига қиёсланади.

2. Фольклор ва халқ оғзаки ижодидаги ўрни:

- **Саховат ва барака тимсоли:** Масал ва ҳикоятларда нонвойлар кўпинча сахий, камтар, эҳтиёжмандларга берган бир парча нони билан элнинг дуосини олувчи камсуқум инсонлар сифатида тасвирланади.
- **Донолик ва адолат:** Кўплаб халқ ҳикоятларида (масалан, Афанди ёки подшоҳлар ҳақидаги ривоятларда) нонвой адолатли, ҳалол меҳнат билан кун кўрадиган, подшоҳ ва вазирларга тўғри сўзни айта оладиган доно образ сифатида намоён бўлади.

3. Тарихий ва этнографик аҳамияти:

- **Нон турлари ва нонвойлик сирлари:** Ҳикоятларда Самарқанд, Бухоро, Фарғона (Қўқон, Марғилон) каби қадимий шаҳарларнинг нонвойлик мактаблари, тандир созлаш санъати, хамиртуруш олиш усуллари ва нон турлари (патир, ширмол, обинон, гижда) ҳақида қимматли тарихий маълумотлар сақланиб қолган.
- **Шогирдлик ва устоз-шогирд анъанаси:** Ҳикоятларда нонвой устознинг шогирдга фотиҳа бериши, “дуо олиш” ва ҳалоллик аҳди алоҳида ўрин тутади.

4. Бадиий ва ижтимоий-фалсафий қарашлар:

- **Очлик ва тўқлик қарама-қаршилиги:** Уруш ва очлик йилларига оид ҳикоятларда нонвойхоналар инсониятни ҳаётга қайтарувчи “умид ўчоғи” сифатида гавдаланади. Нонвойнинг одамларга улашадиган меҳри ва нони инсоннинг ички гўзаллигини намоён этади.

“Нон ва нонвойлар ҳақида ҳикоятлар” XXI асрда, айниқса рақамли технологиялар, истеъмолчилик маданияти (консьюмеризм) ва тезкор ҳаёт тарзи авж олган даврда ёшлар тарбиясида жуда муҳим **педагогик ва маънавий-ахлоқий восита** бўлиб хизмат қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу ҳикоятларнинг замонавий педагогика ва ёшлар тарбиясидаги асосий аҳамияти қуйидаги 5 та йўналишда намоён бўлади:

1. Меҳнатни қадрлаш ва "тайёр маҳсулот" иллюзиясидан халос этиш.

- **Муаммо:** Бугунги ёшлар кўп ҳолларда маҳсулотнинг (шу жумладан ноннинг) тайёр ҳолда дўконда пайдо бўлишига кўникиб қолган ва унинг ортида турган оғир жисмоний ва фидокорона меҳнатни ҳис қилмайди.
- **Педагогик ечим:** Нонвойлик ҳикоятлари орқали деҳқоннинг буғдой экишидан тортиб, нонвойнинг иссиқ тандир олдидаги заҳматигача бўлган жараён тушунтирилади. Бу ёшларда меҳнатга ва меҳнаткаш инсонга нисбатан чуқур ҳурмат шакллантиради.

2. Истеъмолчилик психологиясига қарши шукр ва қаноат тарбияси.

- **Муаммо:** XXI аср ахборот ва маҳсулот моллиги даври бўлиб, ёшларда исрофгарчилик ва ҳар нарсани ортиқча истеъмол қилишга мойилликни оширмоқда.
- **Педагогик ечим:** Ҳикоятлардаги "бир ушоқ ноннинг қадри", очлик ва тўқлик синовлари ҳақидаги воқеалар ёшларга неъматларни қадрлашни, исроф қилмасликни ва қаноатли бўлишни ўргатади. Бу эса уларда эмоционал интеллект ва шукроналик туйғусини ривожлантиради.

3. Ҳалоллик ва касбий этика (устоз-шогирд анъанаси).

- **Муаммо:** Замонавий таълимда кўпинча фақат назарий билим берилиб, касбий ахлоқ ва масъулият четда қолиб кетади.
- **Педагогик ечим:** Нонвойлар ҳақидаги ривоят ва рисолаларда касбга ҳалоллик, поклилик, оғирчиликда ҳам сифатни бузмаслик каби ғоялар марказида туради. Шогирднинг устоз дуосини олиши, «туз-нон ҳаққи» тушунчалари ёшларга масъулиятли ва ҳалол мутахассис бўлиш дунёқарашини сингдиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Меҳр-оқибат ва ижтимоий масъулият (эмпатия).

• **Муаммо:** Виртуал дунё ва ижтимоий тармоқлар ёшларда жонли мулоқот ва эмпатия (бошқаларнинг дардини ҳис қилиш) кўникмаларини сусайтирмоқда.

• **Педагогик ечим:** Нонвойларнинг эҳтиёжмандларга, етим ва муҳтожларга бир парча нон улашиши ҳақидаги сюжетлар ёшларда саховат, меҳр-оқибат ва жамият олдидаги ижтимоий масъулиятни шакллантиради.

5. Миллий ва маданий идентиликни (ўзликни англаш) сақлаб қолиш.

• **Муаммо:** Глобаллашув шароитида миллий қадриятлар ва ўзига хос маданий кодларнинг йўқолиб бориш хавфи мавжуд.

• **Педагогик ечим:** Нон Шарқ маданиятида шунчаки овқат эмас, балки аҳдлашув, тинчлик, меҳмондостлик ва оила муқаддаслигининг тимсолидир. Нон ҳақидаги ҳикоятлар ёшларга ўз миллий илдизларини, урф-одатларини англаш ва фахрланиш имконини беради.

Замонавий таълимда қўллаш усуллари:

Интерактив дарсларда: Тарих, адабиёт, тарбия ва тарбияшунослик дарсларида ушбу ҳикоятларни кейс-стади (муаммоли вазият таҳлили) сифатида муҳокама қилиш;

• **Этно-педагогика ва дала амалиётида:** Ўқувчи ва талабаларни ҳунармандчилик, тандирсозлик ва нонвойлик устахоналарига олиб бориб, мастер-класслар орқали жонли меҳнат муҳити билан таништириш.

«Нон ва нонвойлар ҳақида ҳикоятлар» ҳамда уларнинг манбашунослик, этнография ва педагогик потенциалидан таълим ва тарбия тизимида самарали фойдаланиш бўйича **амалий ва методик тавсиялар**:

1. Таълим тизими ва ўқув жараёнига татбиқ этиш.

• **“Тарбия” ва “Тарих” фанлари мазмунига сингдириш:**

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мактабларнинг “Тарбия” фанида нонвойлар ҳақидаги ҳикоятларидан меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва касбий этика мавзуларида кўргазмали манба сифатида фойдаланиш.

“Ўзбекистон тарихи” ва “Этнология” фанларида нон ва нонвойликни Марказий Осиё шаҳар маданияти ва этнографик жараёнларининг таркибий қисми сифатида ўргатиш.

• **Кейс-стади ва муаммоли муҳокамалар ташкил этиш:**

Ўқувчиларга очлик йиллари, нон қадри ва нонвойларнинг саховати ҳақидаги тарихий ҳикоятларни кейс (муаммоли вазият) сифатида ҳавола этиб, уларда эмпатия, қаноат ва шукроналик туйғуларини муҳокама қилиш.

2. Маънавий-маърифий ва ташқи таълим тадбирлари

• **“Устоз-шогирд” анъанасини ўрганиш ва маҳорат сабоқлари (мастер-класс):**

Талаба ва ўқувчилар учун миллий нонвойлик марказларига (Марғилон, Қўқон, Самарқанд, Бухоро) ва тандирсоз устахоналарига маданий-этнографик экскурсиялар уюштириш.

Ҳунарманд нонвойлар билан “Ҳалол меҳнат ва касб баракаси” мавзусида учрашувлар ташкил этиш.

• **Тадқиқотчилик ва дала-этнографик лойиҳалари:**

- Олий таълим талабалари ва магистрантларига ҳудудлардаги кекса нонвойлар, қадимий нон турлари ва нон билан боғлиқ маросимлар бўйича оғзаки тарих (oral history) ва этнографик дала тадқиқотлари мавзуларини топшириш.

3. Нон концептини тарғиб қилишнинг замонавий шакллари.

• **Рақамли ва мультимедиа контентларини яратиш:**

“Рисолаи нонвойлик” ва фольклор материаллари асосида касб одоб-ахлоқига оид қисқа вақтли видеороликлар, аудиоҳикоятлар ва инфографикалар тайёрлаб, таълим платформаларига жойлаштириш.

• **Музеология ва кўргазмалар:**

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таълим муассасалари ва этнографик музейларда “Марказий Осиё нон маданияти тарихи” ва “Нонвойлик риштаси” мавзуларида бурчак ёки доимий кўргазмалар ташкил этиш.

Нонвой аёл

Ҳикоя қилишларича, бир аёл ҳар куни оиласига деб ва яна битта ошиқчаси билан йўлдан ўтган кетган гадойга деб, нон ёпар экан. Оч~наҳор олар деган мақсад билан нонни деразасидан чиқариб, осиб қўяр экан. Букри одам ҳар куни шу дераза ёнидан ўтиб, нонни оларкану, уй эгаларига миннатдорчилик билдириш эвазига минғирлаб, "ёмонликни улашсанг ўзинг билан қолажак, яхшиликни илинсанг, ўзингга қайтажак!" деб кетар экан. Ҳар куни шу аҳвол, букри одам келиб нонни оларкану, шу сўзларни айтиб йўлида давом этар экан. Аёл, букри одамни нон учун миннатдорчилик билдирмаганига тоза жаҳли чиқа бошлабди. Аёл ўзига ўзи шундай деди:

- Бу букри деганлари ҳар куни тушунарсиз гапларини қайтаргани қайтарган, нимани назарда тутаётган экан, ~деб ҳайрон бўлибди. Кунлардан бир куни, аёл букрига қарши бир нарсаларни хаёл суриб, қарор қилибди. "Шундай қилсам, бу букридан қутиламан", дебди. Ўрнидан дарров туриб, букрига деб алоҳида нон қориб, хамирга озгина заҳар ҳам қўшиб юбориб пиширибди. Тайёр бўлган нонни тезгина шошиб деразага осиб қўйибди-ю, лекин қилган ишидан қўллари дир-дир қалтирай бошлабди. Дарров ўзига ўзи, "Бу нима қилганим" деб, нонни олиб оловга улоқтириб юборди. Сўнг бошидан хамир қориб, яна ўша-ўша жойга нонни осиб қўйибди. Одатдагидек букри келиб нонни олиб "ёмонликни улашсанг ўзинг билан қолажак, яхшиликни илинсанг, ўзингга қайтажак!" деб, аёлни дилидаги фикрларидан бехабар букри минғирлаб, йўлида давом этиб кетаверибди. Аёл ҳар куни

www.ziyouz.com kutubxonasi

нонини ёпар экан, узоқ узоқларга келажагини ўзгартираман деб кетиб қолган ўғлининг ҳаққига дуо қилар экан. Мана орадан ойлар ўтибдики, ўғлидан ҳеч бир дарак йўқ экан. Доим, “эсон омон уйга қайтсин” деб, дуолар қилар экан. Заҳарли нондан қутилган кун, кимдир аёлнинг эшигини ярим тунда тақиллатибди. Очиб қараши билан аёл даҳшатга тушади. Чунки унинг қаршисида ўғли турган эди. Ранглари ўчган, кўринишидан жудаям нимжон ва заиф эди. Кийимлари эса йиртилиб кетган, деярли гадойдан фарқи йўқ эди. Кўринишидан жудам оч ва толиққан. Бола уйга кириб, нафасларини ростлаб олиб онасига: - “менинг бу ердаги вужудим, мўъжизанинг ўзи онажон, бу ердан бир неча миллиард узоқликдаги масофада эдим. Мазам йўқ, жуда ночор аҳволда эдим. Йўллар шу даражада оғир эдики, жудаям қаттиқ толиққан эдим. Агар букри одам бўлмаганида, мени ўлишим аниқ эди. У менга ўзида бор таомини мени қутқариб қолиш учун, умид билан берди. Тақдиримга битилган бу яхши инсон мени ейишимга бир бутун нон берди. Нонидан бераётганида эса, бу унинг ҳар кундаги озуқаси эканлигини айтди. Менинг ҳожатим унинг ҳожатидан катта бўлгани учун, бугунги насибасини менга берди”. Она шўрлик бу сўзларни эшитиши биланоқ юзидан даҳшатга тушгани билиниб турар эди. Кўзлари эшикка қадалиб, эрта тонгда туриб тайёрлаган заҳарли нонини ҳаёлидан ўтказди! Агар заҳарли нонни оловга улоқтириб юбормаганида, айланиб келиб ўғлига насиб қилган бўлиб, ҳозир ёнида ўтирмаган бўлар эди. Ўша лаҳзада, букрини айтган маъноли гапларига тушуниб етди. “ёмонликни улашсанг ўзинг билан қолажак, яхшиликни илинсанг, ўзингга қайтажак!

Энди осмонга қара

Айтишларича, илгари Хожа Баҳоуддиннинг авлиёликлари ҳали эл орасида унчалик маълум эмас экан. Вақтеки, Самарқанддан уч ака-ука савдогарлар келиб Бухорои ша-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рифда макон тутишади. Улардан кенжаси нонвойлик, яна бири савдогарлик, тўнғич акаси дўкондорлик қиларкан. Бир куни Хожа ҳазратлари хаёлан ғайб оламига сайр қилганларида новвойнинг қазоси яқинлашаётганининг гувоҳи бўлибдилар.

Дарҳол келиб, нон ёпиб турган нонвойдан “Оллоҳ йўлига нонингдан биттагина бер!” дея сўрабдилар. Нонвой бермабди. Унинг қазоси анча яқинлашибди. Хожа иккинчи маротаба сўраганда ҳам новвой ўзини эшитмаганга олибди. Учинчи марта Хожа анча ялиниб-ёлворгандан кейин нонвойнинг энсаси қотиб яримта нон берибди. Хожа нонни қўлига олиб ўша заҳоти осмонга отибдилар-у, новвойга “Энди осмонга қара”, дебдилар. Нонвой осмонга қараса ўша яримта нон муаллақ турар, унинг орқасида эса бир бўлак қора булут — ажал шарпаси ер сари осилиб тураркан. Гўё уни осмонга отилган шу яримта нон ушлаб тургандек эди. Хожа пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини ўқибдилар: “Садақа расулуллоҳил — балойан” (бу ҳадисни айрим дарвишлар “Садақа радди бало” шаклида ҳам ишлатадилар). Ўша новвой ёқасини йиртиб, у кишига мурид бўлган экан.[137]

Нонвой ва Имом Аҳмад ривояти

Қадим замонда Имом Аҳмад ҳазратлари мусофир юртда йўлда кеч қолиб бир масжидда тунамоқчи бўлибдилар ва масжидга энди қадам босган ҳам эдики, масжидни қоровули Имом Аҳмад ҳазратларига: “Масжиддан чиқ. Бу ер сенга тунайдиган жой эмас” деб масжидга киритмабди. Имом Аҳмад ҳазратлари кўчада бир оз ўтирибдилар-да, яна масжидга кирибди. Шу пайт қоровул Имом Аҳмад ҳазратларини ёқасидан олиб, судраб бориб маҳалланинг четидаги бир нонвойхона олдига ташлаб қайтиб келибди. Бечора имом

[137] Аминов Н. Бир аср ҳикояти (Темирчидан қолган тиллолар) – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2016. 66-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қараса, нонвойхона ичкарисида бир нонвой нон ёпармишу оғзидан “Алҳамдуллиллаҳ” калимаси тушмас эмиш. Имом Аҳмад қизиқиб нонвойхонага кириб, салом бериб нонвойдан: “Анчадан буён сени кузатиб ўтирибман. Оғзингдан “Алҳамдуллиллаҳ” калимаси тушмас экан. Айткинчи, шу амалинг учун Оллоҳ таоло сенга бирон бир фазилат кўрсатдими?” деб сўрабди. Нонвой жавоб берибди: “Ҳа, мени шу амалим учун Оллоҳдан нима сўрасам, сўраганимни тезда беради. Фақат бир тилаганимни ҳали бергани йўқ”, дебди нонвой. Шунда Имом Аҳмад ҳазратлари “Нима у бермаган нарса?” деб сўрабди. Нонвой бир хўрсиниб жавоб берибди: “Мен бир умр Оллоҳдан сўрадим: “Қани энди Имом Аҳмад ҳазратларини бир кўрсам эди”, деб. Лекин Оллоҳ бу тилагимни ҳали мустажоб қилмади”, дебди нонвой. Шу пайт Имом Аҳмад ҳазратлари кўзларида ёш билан нонвойга қараб дебди: “Эй биродар хурсанд бўлавер. Оллоҳ таоло Имом Аҳмадни ёқасидан судраб олиб келиб, эшигин олдига ташлаб кетди” дебди буюк имом.[138]

“Нон келтир!” дединг

Ҳазрати Шайх Худойдод Валий соҳибкаромат авлиё бўлиб, ғайб асрорларидан огоҳ ва ўткирнафас зот бўлиб, лекин ҳуда-беҳуда каромат кўрсатмай, ўзларини камтарин тутар эдилар.

“Ламаҳот”га кўра, мухлислардан бири бўлмиш Мавлоно Ошубийнинг нақл қилишича, бир куни унинг отаси Шайх Худойдод Валийга шундай савол берган: “Устозингиз Шайх Жамолиддиндан кўп кароматлар содир бўлар эди, лекин негадир сиздан ҳеч бир каромат содир бўлганлигини кўрмаётибмиз?!” Шайх Худойдод Валий шундай жавоб берибдилар: “Сен ўзингни сўфийлардан деб билсанг-да, лекин ҳаром луқмани еб олдимга келгансан”. У киши сўради:

[138] Интернетдан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Қанақа ҳаром нарсани еб келибман?” Ҳазрати Шайх дедилар: “Зикрдан сўнг уйингга бориб хотинингга: “Нон келтир!” дединг. Хотининг нон пишириш учун ўтин йўқ, деди. Сўнгра ўғлинг Ошубийга ғазаб қилиб, нега ўтин келтирмадинг, деб уни сўкдинг. Шундан кейин Ошубий уйдан чиқиб, фалон кишининг боғига, эгасининг рухсатисиз кириб, бир боғ ток ўтинини ўғирлаб келтириб тандирга солди. Сўнг хотининг нон пиширди. Сен эса ўша ўғирланган ўтиндан пишган нонни еб олдимга келдинг ва мендан каромат талаб қилаётирсан”.[139]

Нон берди ота

Қўшработ Зармитани орқали Нурота тоғлари тизмаси кўксига сингиб кетган бағоят сўлим гўшалардан бири - Қувкалла қишлоғи. Бу ерда “Нонберди ота” номи билан аталган валий зотнинг қабри бор. Марқад жойлашган жой гўзаллиги ва муаззамлиги билан киши эътиборини тортади. Тоғ тўшидаги бу манзилда ақлни лол этарлик намоёнликни таърифлашга тил ожиз.

Қувкаллаликлар ўзларини валий Нонберди ота авлоди деб билади. “Нонберди” у кишига берилган лақаб бўлиб, чин номи унутилиб кетган.

Бу лақабни валий саховати сабабидан топган. Кимки уйи ёнидаги йўлдан ўтар бўлса, эндигина тандирдан чиққан битта нонни ҳадя этар эканлар. Шу-шу омма тилида “Нонберди ота” бўлиб ўзлашиб кетган экан. Қишлоқ номи – “Қувкалла” ҳам шу зот билан боғлиқ. Ривоят этишларича, қишлоқни ғайридин ёв босади. Қаттиқ жанг бўлиб, Нонберди ота саркардалик қилади. Жасорат ва намуна кўрсатиб, элдошларини жангга чорлайди. Шу қирнинг бағрида душман унинг бошини кесади. Танадан узилган бош пастга қараб думалаб кетади. Элдошлари калланинг орқасидан

[139] Каттаев К. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.22-223.

www.ziyouz.com kutubxonasi

югуриб, душманнинг қўлига тушмасин деб бир-бирини “Қув каллани” деб жасоратга ундайди. Бош айнан марқад ўрнида тўхтайди ва душман қўлига тушмайди. Энг асосийси, Нонберди ота илму динда дониш бўлиб, аҳдини тўғри ва ҳақ йўлига бошлаб валийлик мартабасини олган экан. Бу зотни “Хожа Нонберди ота” деб ҳам аташади.[140]

Нонвой фарзанди.

Халқ орасида, “Ҳазрат Домла”, “Хонақоҳий Ҳазрат”, “Муҳаммад Юсуфхон Домла”, “Ҳазрат Домлойи Хонақоҳий” номлари билан машҳур бўлган бу зот, манбаларда кўрсатилишича, 1262/1840 йилда Марғилоннинг Бачқир маҳалласида тақволи нонвой хонадонида таваллуд топганлар.[141]

Оталари нонвойлик касби билан машғул бўлиб, фарзандларини ҳалол, пешона тери билан меҳнат қилиб тарбия қилган эканлар. Ўз ўрнида илм аҳлига муҳаббатли киши бўлганлар.

Айниқса, Хонақоҳда фаолият олиб бораётган шайхларга эҳтиромлари айрича бўлган. Бунга ҳовлилари Хонақоҳга яқин жойлашгани сабаб бўлган. Бу ўз-ўзидан уларга ўз меҳнатлари билан хизмат қилиш имконини берган. Бу ерда бўладиган турли тадбирлар – хатмона, ифторлик ва бошқа анжуманларда улар каби ҳунармандларга эҳтиёж тушиб турган.

Ўрганиб чиқилса, ўз даврида Хонақоҳга нафақат илм-маърифат аҳли, балки барча соҳа вакиллари ҳам ўзини “урганини” кўриш мумкин. Бу ерда зиёлилардан ташқари

---

[140] Мустафоев С., Аблаев. Туронзамин азиз авлиёлари ва уламолари тазкираси. – Т.: Sano-standart, 2015.620-б.

[141] Бу ҳақда қаранг: Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: Sharq, 2013. – 544 б; Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий - XIX аср аср Марғилон маданий муҳитининг йирик сиймоси // ТИУ илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2013. – № 2. – Б.21-25; Абдулахатов Н. Ханак-и Хазрат // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том II.Москва, Наука – Восточная литература. 2018. – Б.397; Абдулаҳатов Н. Hanakai Hazrat Marginani // “Ҳозирги Ўзбекистон шароитларида илм-фан ва инновациялар” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. II бўлим – Нукус: “Илим”. 2020. –Б.69-70.

www.ziyouz.com kutubxonasi

хизмат қилиш учун келган оддий фуқароларни ҳам, молиявий томондан кўмак бериш учун келган кўнгилли кишиларни ҳам, талабаларга хизмат кўрсатувчи косиб-ҳунармандларни ҳам, ҳатто халқ орасида “хароботий” дея, аталадиган дарвеш-девоналарни ҳам учратиш мумкин эди. Бар-чага ”бағрикенг” бўлган Хонақоҳ уларни ўз ичига сиғдира олган. Энг қизиғи, бу ерда уларнинг ҳар бирига яраша “хизмат” топилиши эди.

Айниқса, ҳунар ва касб аҳлининг хизмати беқиёс бўлган. Талабаларнинг кавуш махсисини ямаш, китобларига муқова қилиш ва бошқа хизматлар улар зиммасига тушган. Қилинган самимий хизматлар кейинчалик ўз натижасини берган. Шу жиҳатдан Ҳазрат Домла оталарини бу ерда қилган хизмати зойеъ кетмаган. Китобларда, “Ким фарзандини олимлардан бўлмоғини истаса, уламоларга хизмат қилсин, фарзанди олим бўлади, борди-ю фарзанди бўлмаса, набираси бўлади”, дея, келтирилган ҳикматли сўз исботини топган.[142]

Ҳазрат Домланинг оналари ҳақида ҳам шу каби илиқ сўзларини айтиш мумкин. Айтишларича, оналари Ҳазрат Домлани гўдаклик чоғида эмизаётиб, ҳар гал “Ёсин” сурасини тиловат қилиб, эмизар эканлар. Бундан оналарининг оқила, доно ва шу билан бирга маърифатли аёл экани англашилади. Бу борада шогирдларидан Миряҳё қори поччадан[143] нақл қилинган қуйидаги воқеа ибратли.

Айтишларича, кунларнинг бирида Қўқондан имом Раббоний авлодларидан бўлган Миён Сотиболдихон эшон Ҳазрат Домла зиёратига келадилар. Дастурхон ёзилиб, обтаом берилгач, Миён Ҳазрат сўз бошлаб, “Бу ерда Ҳазрат дастурхонидан нон еб турган кишиларни осмонда учиб юрмаганига ҳайронман” –дейди.

---

[142] Имом Зарнужий. Таълимул муталлим». Карочи.1905. 22-б.

[143] Марғилонда қадимдан маҳаллий халқ ўртасида илм аҳлига ҳурмат юзасидан «қорипочча», «махдум почча» «охунд дада» тарзида мурожат қилинган. Биз ҳам китобда мазкур анъанага риоя қилдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай дейишларига сабаб, ўша пайтда Ҳазрат Домланинг оналари ҳаёт бўлиб, фарзандларига нонни ўзлари тайёрлаб берар ва ҳар гал хамир қоришдан аввал, бир ғусл ва бир таҳорат олиб, сўнгра қорар эканлар. Буни каромат йўли билан билган у зот шундай баҳо берган эканлар.

Ҳазрат Домла дастурхонда ҳеч қачон уч хил нарсани жам қилмасликлари, қора нон бўлса қанд билан, оқ нонни эса ўзини қўйишлари ва бу "зиёфат" барчага баробар эканидан исроф ва манманликдан сақланганларини билиб оламиз.[144]

Нақл қилишларича, ҳазрати Саййид Нурмуҳаммаднинг (вафоти милодий 1730 йил) пешоналарида нур аломати бўлиб, шариат ва тариқат илмларида пешво эканликлари, шунинг баробарида, сарф, наҳв, мантиқ, ҳадис ва тафсир илмларининг донишманди бўлганлиги қайд этилган. Ул зот тақводорлиги билан намуна касб этганлар: ўзларининг эҳтиёжи учун зарурат ноннинг унини ишончлари аниқ бўлган ҳалолдан топиб, ўзлари хамир қилиб, ўзлари нон ёпар эканлар. Нонни қоқ қилиб, ўта истеъмол зарурати туғилгандагина тановул қилар эканлар.[145]

Нонвойнинг ҳиммати

Турли тазкира ва маноқибларда кўплаб аллома ва авлиёлар ҳаётида юқоридаги каби турли сабаблар билан ризқлари кириб келгани ҳақида воқеалар келтирилган. Бу каби воқеалар марғилонлик алломалар ҳаётида ҳам бўлиб ўтганини гувоҳи бўлдик. Жумладан, "Чуқур мадраса"нинг[146] бош мударриси Бухорий Домла талабалик пайтларида

[144] Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: Sharq, 2013. –Б.171.

[145] Бу ҳақда қаранг: Мустафоев С., Аблаев. Туронзамин азиз авлиёлари ва уламолари тазкираси. – Т.: Sano-standart, 2015.

146 Марғилондаги машҳур мадрасалардан бири. Подшо Искандар зиёратгоҳининг кун чиқар томонида жойлашган. Мадрасанинг бундай аталишига сабаб унинг бошқа мадрасалардан чуқурроқда жойлашганидандир. Қадимдан бу каби ерлар шундай аталган. Бу ҳақда Исҳоқхон тўра Ибрат ҳам «Фарғона тарихи» асарида шундай маълумот келтиради: «Бир маҳалласини «чуқуркўча» дерларки, ул Наманганнинг ҳамма кўчасидан чуқурроқ учун «Чуқуркўча» тасмия бўлган».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бухорода бўлиб ўтган бир воқеани кейинчалик шундай эслаган эдилар:

“Бир куни ейишга ҳеч нарса қолмади. Очлик тинкамни қуритган эди. Дарсни такрор қилиш ҳам юрагимга сиғмади. Бирор егулик умидида ночор кўчага чиқдим. Нарироқда бир одам бошига бир сават нонни қўйганча шу томонга қараб келарди. Яқинлашганда иссиқ ноннинг ҳиди димоғимга урди. Сотиб олишга бир танга ҳам йўқ. Сўрагани эса, ботина олмадим. Бирданига ўпкам тўлиб, йиғлагудек бўлиб, ҳужрамга қараб югурдим...

Буни кўрган нонвой ҳам орқамдан югура бошлади. Мен эса, унга қарамай кетавердим. Охири қабристондаги ҳужрамга кириб кетдим. Орқамдан етиб келган, нонвой мендан: “Сен кимсан, нима учун йиғладинг, бу ерда нима қиляпсан”, деб, сўради. Мен ўзимни талаба эканимни, аҳволимни айтдим. Шунда у: “Ундай бўлса гапларимни яхшилаб эшит, мен нонвойман, дўконим ҳўв ана бу ерда. Сен ҳар куни ўша ерга бориб, мендан бир донадан нон олиб турасан, бўлмаса хафа қиламан”, – деди ва бир дона нон бериб, йўлига кетди”[147].

Меҳнатсиз келган нонни емайман

Марғилонлик уламолардан мулла Аҳмаджон охунд ҳаётида ҳам шу каби воқеа содир бўлган экан.

Охунд даданинг талабалик даврлари жуда қаттиқ риёзат билан кечган. Таътил пайтларида ҳовуз кавлаб кун кўрганлар. Кўпинча оч-наҳор қолар эканлар. Ҳатто бир куни мадрасада саккиз кун оч қолиб кетадилар. Ўзларининг эслашларича, ҳатто сичқонни инини қидириб ҳам, бир тишлам нон топа олмаган эканлар. Шунда емиш излашни тўхтатиб, намозга киришибдилар. Чунки ибодатнинг завқидан очликларини унутар эканлар.

[147] Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: Sharq, 2013. –Б.142.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай кунларнинг бирида мадраса ёнгинасидан Тошпўлат бой дастурхон ёзиб, талабаларни таклиф қилади. Охунд дада эса, зиёфатга кирмайдилар. Бундан хабардор бўлган бой Охунд дадани чақириб, оч қолибсан, нега менга айтмадинг, эҳсонга ҳам кирмадинг, деб сўрайди.

Охунд дада: "Мен бундай меҳнатсиз келган эҳсонни емайман", – дейдилар. Бой ўйланиб: "Нима қилсам, мени эҳсонимни ейсан" – дейди. "Менга бир юмуш айтинг, шуни қилай, эвазига менга нон беринг", – дейдилар. Бой: "Ундай бўлса, ҳар куни иккита қанор қопга пахта қоплайсан, эвазига битта патир нон бераман", – дейди. Охунд дада рози бўладилар. Шундай қилиб, Охунд дада ҳар куни ишлаб битта нон топар, уни ярмини ўзлари еб, ярмини оналарига олиб бориб берар эканлар...

Алломани кейинчалик халқ орасида "хатм карда мулла" унвонига сазовор бўлиб, беназир илм соҳиби бўлиши мазкур риёзатлар натижаси экани аниқ[148].

Тузсиз қотган нон

Бир куни улуғ саҳобий Абу Зарр Ғифорий бошқа бир машҳур саҳобий Салмон Форсийнинг меҳмони бўлди. Дастурхон ёзилди, Салмон Форсий унга бир кўзада сув ва бир бўлак қаттиқ нон келтириб қўйди. Абу Зарр сувдан ва тузсиз қотган нондан тотиниб деди:

- Қандай яхши, мазали нон, фақат озгина туз қўшиш керак экан.

- Рост айтасан, - деди мезбон ва ўрнидан туриб, кўзани бозорга олиб чиқди, эвазига туз харид қилди. Нонга туз сепиб ейишди. Нонушта тугагагач, Абу Зарр Ғифорий:

- Бизга қанот этган Аллоҳга шукрлар бўлсин! – деди.

[148] Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). – Т.: Sharq, 2013. –Б.142.

www.ziyouz.com kutubxonasi

- Албатта, Аллоҳга шукрлар айтамиз. Лекин қаноатимиз кўпроқ бўлганида эди, кўзани тузга алмаштирмаган бўлар эдик, - деди Салмони Форсий.[149]

Эдди мўъжизаси

Ўзининг ягона нонини бошқаларга берган бола: Буюк депрессия давридаги Эдди мўъжизаси.

1932 йилнинг қишида, Буюк депрессия энг авжида бўлган пайтда, тўққиз ёшли Эдди Брукс фақат икки нарса билан яшар эди — жасорат ва доимий очлик билан.

Унинг ота-онаси йўқ эди. Иссиқ ётоғи йўқ эди. Эртанги куни овқат топа олиш-олмаслигига ишончи ҳам йўқ эди.

Ҳар кеча Эдди Бирмингемдаги новвойхона орқасида ухлар, совуқ ғишт деворга суяниб, ҳеч бўлмаса бироз иссиқни сақлаб қолишга урар эди. Ҳар тонг эса қора эшик олдида жимгина кутиб турар, баъзан новвойхона эгаси мистер Харрис ташлаб юборадиган қотган нондан умид қиларди. Эдди учун бу нон шунчаки овқат эмас — умид эди.

Бир жуда совуқ кунда Эдди йўлакдан ўзига қараб турган бошқа болаларни кўриб қолди. Улар ундан ҳам кичик… янада озғин… ва худди у каби оч эди.

Эдди бу туйғуни жуда яхши биларди — қориндаги бўшлиқни, овқатсиз ўтадиган узун тунларни.

Навбатдаги сафар нон чиққан пайтда, у уни иккига бўлди. Сўнг яна бўлди. Яна бўлди.

Шу тариқа саҳарда оч болалардан иборат кичик навбат пайдо бўлди. Эдди эса… ҳар доим навбатнинг энг охирида турарди.

Агар нон унинг навбатигача етмай қолса, у шунчаки бош ирғаб, жилмайиб қўяр ва кетарди — ҳали ҳам оч, лекин энди ёлғиз эмас эди.

---

[149] Аҳмад Муҳаммад Турсун. Улуғлар шундай яшашган. – Т.: HILOL-NASHR, 2022. -Б.346-347.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир тонг мистер Харрис болаларни кузатиб қолди. Эдди кичикгина нон бўлагини бошқалар ўртасида бўлиб бераётганини кўриб, у ларзага тушди.

Эртаси куни у новвойхонани одатдагидан эртароқ очди ва болаларга иссиқ, янги нон тарқатди. Ва илк бор Эддига бутун бир батонни — фақат ўзи учун олишини талаб қилди.

Мистер Харрис паст овозда сўради:

— Нега сен қўлингдаги камёб нарсани ҳам бошқаларга беряпсан?

Эдди деярли эшитилмас овозда жавоб берди:

— Чунки мен оч бўлиш нималигини биламан.

Америка тарихининг энг қоронғу йилларида оч тўққиз ёшли бола битта ҳақиқатни исботлади: яхшилик бойларга эмас — жасурларга тегишли.[150]

Лойга ўхшаган нон

“1941-йил 23-ноябрдан бошлаб биз кунига бор-йўғи 200 грамм лойга ўхшаган нон оладиган бўлдик. Ва бошқа ҳеч нарса йўқ”. Бу — Евгения Рахковскаянинг кундалигидан олинган сатр. Ленинграднинг 900 кунлик қамални бошидан кечирган бу аёл ўша даҳшатли кунлар ҳақида шундай ёзади:

“Янги йил арафасида мен нон олишга бордим. Навбатда жуда узоқ вақт туришга тўғри келарди. Эркакларнинг кийимини кийдим, қандайдир кофткаларни, устимга адёлни ўраб, арқон билан боғлаб олдим. Энг муҳими — нон карточкаларини шундай яшириш керакки, ҳам қўрқмаслик, ҳам керак пайтда тезда олиш мумкин бўлсин. Кейин эса мана шу “шар” ҳолатида бешинчи қаватдан пастга тушиш керак, лекин зинадан қуламасдан. Тушдим. Бордим.

[150].https://www.facebook.com/profile.php?id=61558987837045&__cft__[0]=AZZH6EtfFGgoxFE6DIdYZM-QWEG5puaUjz2f2MioFLjgf5ECGojoZF5Z6dU6IJFZJO9YNg9n0WbL8kVvX0XfgPtHofB0L9SuGDxMVWArQcHXBukJYXyKaHu9C0H6ZxR8DYMpBjPJgOtkt7wqPUVNcydMxbqrukr3W33QTibZ0vW9235GVex5DZaayqw3Rne7jka1oUy-7sVDf758RGzdoY4b&__tn__=-UC%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо нонни олганимда, бўлакни сумкага эртароқ солишга улгурмадим. Тўсатдан қаердандир бир мавжудот учиб келди-да, қўлимдаги нонни тортиб олди ва дарҳол оғзига тиқди. Тўзиган кийимларидан бу болами ёки каттами — билиш мумкин эмас эди. Ўлим даражасига етиб, очликдан ақлдан озган бу "ўғри" оёғим остида ўтиради, жазо кутаётгандек ғужжайиб олди. Мен эса фақат алам билан йиғлаб уйга қайтдим...

Энг даҳшатли кунларда ҳам инсонлик шаънини йўқотмадик, бир-биримизни қўллаб-қувватладик. Лекин бошқа ҳолатлар ҳам бўлган: эр киши рафиқасининг карточкаларини ўғирлаб, унинг нон пайини еб қўйган. У хотинини ўлимга маҳкум қилди ва ўзи ҳам ҳалок бўлди. Унинг жасадини ошхонада кўрдик. Бизнинг кўз олдимизда она-изорга набирасига берилиши керак бўлган нон пайини ўзи ейиш учун болани озиқлантиришдан тўхтаган холани ҳам кўрдик. Лекин у ҳам тирик қолмади — аччиқ очликдан ташқари, набираси ўлиб бораётган манзара уни ичидан еб қўярди...

Биз омон қолдик, чунки бир-биримизга керак эдик. Биз омон қолдик, чунки мен уйга қайтганимда ҳар доим руҳлантирадиган янгиликлар олиб келардим. Агар янгилик бўлмаса, йиғлаб топиб чиқардим. Яна бизга ёрдам берган қўшнимиз бор эди — темир йўл ишчиси. У гўё йўқликдан пайдо бўлгандек, бизга ифлосланган бир бўлак шакар, ёки картошка по'стлоқлари олиб келиб қоларди. У ҳаётимизда энг қийин, энг охирги чегарага етиб қолган лаҳзаларда пайдо бўларди...

Ва энг асосийси — бизни муҳаббат қутқарди".[151]

[151].https://www.facebook.com/soldatpobedy?__cft__[0]=AZVMnaCDH_7y1Vnn4rDi1E6Zd8imrVnpWR9OP7itqHroWXVleXixL5Fpma5XM9zoFAm9HKbIZhpa6dyxdTLXA8n0ZEZqxk_VdcNNoLoXwl6WvwXKCGLnjh1SUVTLYF62lXnf49_8l2YPRKcGWZ4KuTULjxusNOsIlzNzucz0j1fOY7d9v_WxTZxBqVdUC4tvuAxuvVHJc-otAhMjbIJ5fbR&__tn__=-UC%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нон сотувчи қизнинг дуоси

Ўрта Осиёда ҳазрати Ҳожи Мавлавий – Ҳиндистоний номи билан машҳур Мавлоно Муҳаммаджон Қўқондийнинг (1892-1989) бу борадаги хотиралари ҳам ибратлидир.152 Бу ҳақда у зотнинг ўзлари шундай дейдилар:

“Ёшлигимда илмга ҳарис (иштиёқманд) эдим. Рамазондан илгари бир ой такрор Қуръон қилмоқ учун Шоҳимардонға борар эдим. Ул вақтларда ароба билан одамлар зиёратга борар эдилар. Менда кирага пул йўқ, ночор пиёда борар эдим. Бир мартаба кавушимни ечиб, халтага солиб, ялангоёқ юрдим. Шунинг учунки, кавшим йиртилиб қолса бозордан янги олиш қийин, пул йўқ, камбағалчилик...

Ман энди ўзумнинг аҳволимни ёзишға бошлайин. Қиссаи кўтаҳ (қисқаси), Шоҳимардонга етиб бордим. Ул жойда бир ой такрор қилиб турдим. Мени қўлимда ҳеч қандай маблағ йўқ. Фақат ҳоли таваккал эди, холос. Лекин зиёратчилар кўп келар эдилар. Баъзилар мени олдимга келиб: “Қори бир хатм қилиб қўйинг”, деб бирор нарса берар эди. Баъзилари пишғон овқат олиб келиб берар эдилар.

Таваккулни Худоға айлағон эр,
На талқону на қалқоннинг ғамин ер.

Хулоса шулки, уйимда муяссар бўлмағон лазиз овқатларни Худо еткузур эди. Эмди ҳовузнинг олдида нон сотувчи қизлар нонларини зиёратчиларға сотиб, асрда уйлариға кетур эдилар. Бир кун бир қиз кетмай ҳовузнинг олдида йиғлаб ўлтурубдур. Мен олдиға бориб сўрадим:

–Нимага йиғлайсан?

Ул қиз айтдики:

152 Қаранг: Бабаджанов Б.М. Муминов А.К., Олкотт М.Б Мухаммаджан Хиндустани и религиозная среда его эпохи (предварительные размышления о формировании «советского ислама» в Средней Азии) // Восток (Oriens), №5, М., 2005, с. 19-33; Бабаджанов Б.М., Муминов А.К., А.фон Кюгельген. Диспуты мусульманских авторитетов в Центральной Азии в XX веке. Алматы. «Дайк-Пресс». 2007.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Эртадан кечгача сотган нонимнинг пулини ушбу ҳовузга тушириб юбордим. Эмди мени уриб ўлдирадурлар. Онам ўгай, ўзимни онам ўлиб кетган.

Менинг раҳмим келди: Бечора етим экан. Сўрадим:

– Қандай ва қаерда тушурдунг? Қиз айтдики:

– Ҳамма пулимни ҳамёнга солган эрдим. Ўйнаб ўлтуруб, тушуруб юбордим.

– Қай жойга тушурдинг, менга кўрсат? дедим. Қиз тушган жойни кўрсатди. Мен кўйлакларимни чиқориб, ҳовузга ўзимни ташладим. Истаб юриб, охири ҳамённи топиб бердим. Етим қизнинг хурсандлиги бениҳоят эрди. Мен айтдим:

– Сан мени, Худо сизга илм берсун деб, дуо қилгил.

Қиз менинг таълим беришимга мувофиқ, қиблаға қараб туруб дуо қилди. Бу менинг учун ажойиб ҳодиса бўлди. Илгари фаҳмим олмасдан кўп қийналар эдим. Ушбу авқотдан кейин фаҳмим яхши бўлуб, ҳатто шерикларимга ҳам муколима қилиб берар эдим. Бу етимнинг дуоси зоеъ кетмади[153].

НОН БИЛАН БОҒЛИҚ ЭРТАКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЭСДАЛИКЛАР

Инсоният маънавий ҳаётида эртаклар алоҳида ўрин тутади. Болаликда эшитилган ҳар бир эртак, афсона ва достон инсон қалбида эзгулик, жасорат, орзу ва умид каби туйғуларни шакллантиради. Халқ оғзаки ижодининг энг қадимий ва таъсирчан жанрларидан бири бўлган эртаклар асрлар давомида инсонларнинг ахлоқий қарашлари, эстетик диди ва дунёқарашини тарбиялаб келган.

Халқ эртакларида доимо яхшилик ёмонлик устидан ғолиб чиқади. Қаҳрамонлар адолат, инсонпарварлик ва матонат рамзи сифатида гавдаланади. Шу жиҳатдан эртаклар

[153] Қиссаи Мавлавий – Ҳиндистоний. –Т.: Адолат, 2004. –Б.13-14.

www.ziyouz.com kutubxonasi

болаларнинг нафақат тасаввурини бойитади, балки уларнинг маънавий оламини ҳам шакллантиради. Дарҳақиқат болалик кезлари эшитилган ҳар бир эртаклар ўзининг бор сеҳри, мўъжизаси билан қалбни ларзага солади. Ёрилтош, учар гилам, уч оғайни ботирлар, Широқ ва Тўмарис, булбули-гўёлар, Дедал билан Икар, Синдбод ва Гераклнинг қаҳ-рамонликлари ҳақидаги халқ эртаклари ва афсоналари, А.С. Пушкин, Л.Н.Толстой, В.Гауф, Г.Х.Андерсен, Гофман, Перро, ака-ука Гриммларнинг эртаклари болалар оламини чексиз, гўзаллик, нафосат, тароват билан бойитади.

Халқлар орасида эртакларнинг эъзозланишига маълум сабаб бор. У ҳам бўлса Ер юзидаги барча халқларнинг эртакларига хос бўлган умумий хислатлардир. Бу уму-мийлик шундан иборатки, халқ эртакларининг ҳаммасида ҳам қаҳрамон ақлли, софдил, сахий, инсонпарвар, адолатни жон-жаҳди билан ҳимоя қиладиган, довюрак, курашувчан шахс бўлади. У ёвуз кучларга, одамийликдан маҳрум разил кишиларга қарши қарши жанг қилади. Баъзан ҳийла билан уларни аҳмоқ қилиб кетади, баъзида эса куч ишлатиб, тавбасига таянтиради. Гоҳ кураш жараёнида минг бир балога гирифтор бўлади. Ҳатто ўлим билан тўқнашади. Шунда ҳам у таслим бўлмайди. Кураша-кураша, ахир ғалаба қилади. Ҳамма халқ ҳам ана шу шунақанги матонатли қаҳрамонни севади.[154]

Эртакларнинг тарбиявий қудрати, унинг инсон ҳаётини гўзаллаштириши, маънавий бойитиши, уни камолотнинг энг юксак поғоналарига етказиши ҳақида А.С. Пушкин шундай деган эди: “Кечқурун эртаклар тинглаб, бу билан ўтмишдаги лаънати тарбиямнинг камчиликларини тўл-дираман. Эртаклар қандай гўзал! Ҳар қайсиси бир достон[155]”.

Дарҳақиқат, эртакларнинг тарбиявий аҳамияти катта. Эртаклар аввало, болани овутиш учун айтилади. Иккинчидан

[154] Пўлатов Ҳ. Эртак ҳақида икки оғиз сўз // Шарқ эртаклари. –Т.: Ўзбекистон, 1989. –Б.250.

[155] Пушкин. А.С. Эртаклар ҳақида // “Ўзбек фольклори очерклари”, II китоб. – Т., 1941. –Б.11.

www.ziyouz.com kutubxonasi

унга ҳовлидаги, даладаги, қирдаги, узоқ-узоқда – тоғлар орасидаги ҳайвонлар, паррандаларнинг номи, сифатлари, одатлари, овозлари таништирилади. Эртаклар йилнинг тўрт фасли, табиат ҳодисалари, кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам изоҳланади. Бола улғайган сари у тинглайдиган эртаклар ҳам, боланинг хотира ва тушунчаси ҳам "улғая боради". Ташқи дунё унинг кўз олдида тобора кенгайиб боради[156]. Эртаклар ортиқча жимжималардан холи бўлиб, бола диққатини асли моҳиятга йўналтиради, асосий ғояни унинг идрокига оҳиста ва ва изчиллик билан сингдириб боради[157].

Эртак туфайли бола дунёни ақли билангина эмас, балки қалби билан ҳам ҳис этиб ўрганади. Ўрганибгина қолмай, балки ташқи дунё воқеа ва ҳодисаларига жавоб беради, яхшилик ва ёмонликка нисбатан ўз муносабатини ифодалайди.[158]

Шу сабабдан адабиётшунос олимлар Маҳкам Маҳмудов ва марҳум устозимиз Баҳодир Саримсоқовлар шундай ёзишган эди:

"Инсон хаёлотининг уфқлари унинг руҳий олами қадар кенг ҳамда чегарасиздир. Шунинг учун эртак азал-азалдан кишилардаги яхши сифатларни камол топтиришнинг, уларнинг гўзалликни ҳис этиш қобилиятини ўстиришнинг, Ватан, эл-юрт ободлигини, осойишталигини таъминлаш ишқи билан яшашга тарғиб этишнинг қудратли воситаси сифатида кишилар хотирасида яшаб келади... Хуллас, инсон бор экан, у эртак билан ўсиб-улғаяди, ўзлигини, қалб қўрини эртак билан бойитади. Дунёда эртак бор экан, одамнинг хонадонидаги чироқ абадий ўчмайди, эзгулик ёвузлик устидан ҳамиша ғолиб чиқади. Онгида бадиий тафаккур булоқлари, қалбида нафис шуур ирмоқлари қурий бошлаган айрим одамлар эртакларни хушламайдилар, уларга ишонмайдилар. Бундай одамлар олис парвозларга чорловчи хаёлий

[156] Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1975. – Б.34.

[157] Қадам Саид Мурод. Бугун эртак керакми? // "Шарқ юлдузи". 2014. №1. –Б.123.

[158] Сухомилинский В. Тарбия ҳақида. – Т.: Ёш гвардия, 1977. –Б.108.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тафаккур қанотидан айрилиб, фақат кичик сўқмоқларда ўралашиб, ўрмалашиб қолган вужудларга ўхшайдилар. Улар эртаклар замирида улкан ҳақиқат жавоҳирларини кўрмайдилар.

Маънолар хазинаси эртакда, ҳақиқат дафинаси эртакда. Мураккаб ҳодисотлари орасида ҳақиқат бўлиб кўринган нарса – афсона ва, аксинча, афсона бўлиб кўринган нарса – ҳақиқат бўлиб чиқиши мумкин... Эртаклар олами шундай сеҳрли, ҳаётбахш чашмаки, бу чашманинг теран ва мусаффо булоқларидан бир бор тўйиб сув ичган киши умр бўйи ширин орзуларидан айрилмайди, ҳамиша яхшилик учун, эрк ва адолат учун курашдан чарчамайди[159]". Шу сабабдан эртаклардаги олийжаноб ғоялар қудрати уни узоқ замонлардан бери қадрли қилиб келади[160].

Хитойлик машҳур ёзувчи, Нобель мукофоти соҳиби Мо Янь мазкур мукофотни топшириш маросимида ўқиган маърузасида ҳам шундай фикрларни таъкидлаб ўтган эди:

"Қадимги Хитой донишманди Лао-цзи айтганидек, "муваффақиятсизлик замирида муваффақият ётади, бахтсизлик бахтга айланиши ҳеч гап эмас". Болалигимда мактабда тўлиқ ўқиёлмадим, очлик ва ёлғизлик нималигини эса ортиғи билан бошдан ўтказдим, китоб тақчиллигидан жон чекдим, бироқ бунинг эвазига бамисоли олдинги авлод ёзувчиси Шень Конгвенга ўхшаб, ҳаётнинг буюк китоби билан эрта ошнолашдим. Қиссагўйнинг ривоятларини тинглагани бозорга боришларим мана шу буюк китоб саҳифаларидан бири бўлиб қолди...Қаерда бўлмайин, бошқалар қаторида даладами, оғилдами ёки отхонадами ишлаган, бобом ва бувим билан иссиққина кангда ётган, ҳатто ҳўкизлар қўшилган аравада чайқалиб масза қилган дамларда ҳаддан ташқари кўп ажойибу ғаройиб ҳикоялар қулоғим остида жаранглайверарди: булар руҳлар ва алвастилар ҳақидаги

[159] Маҳмудов М., Саримсоқов Б. Нодир хаёлотнинг сўнгсиз осмони // Ўзбек халқ эртаклари. Жилд 1. – Т.: Ўқитувчи, 2012. –Б.10–11.

[160] Раҳмонов Б. Эртак ва замон // "Шарқ юлдузи", 2006. №3. –Б. 137.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳикоятлар, эшитганни бутунлай ром қилиб оладиган бир-биридан қизиқ достонлардир. Ўлкамиз табиати, хонадонлар ва насаблар тарихи билан чамбарчас боғлиқ бу ривоятлар менга воқеликнинг асл моҳияти ва қудратини танитар эди. Бир кун келиб булар барчаси асарларим учун манба бўлиб қолиши менинг етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди. Ўшанда мен бундай ривоятларни жондан ортиқ кўрувчи ёш болакай эдим, нимани ҳикоя қилсалар ютоқиб тинглардим”[161].

Дарҳақиқат, инсонларнинг билими, салоҳияти, маънавияти болаликда нимадан завқланиб, нимадан нафратлаганига боғлиқ. Агар бола эртакларнинг сеҳрли оламига ошно бўлмай, уларнинг мурғак қалби ва мияси ҳозирда намойиш этилаётган ғарбнинг даҳшатли роботлар ва турли махлуқлар ҳақидаги олди-қочди бузғунчи мультфилмлар ва киноларидан олинган таассуротлар билан тўйинса, шубҳасизки, улардан келажакда яхшиликни кутиб бўлмайди. Буюк донишманд Пифагор: “Жонзотларни ўлдиришдан сақланинг, чунки одам ўлдириш жониворларни ўлдиришдан бошланган”, деган эди. Демак, болаликда жониворларга азоб берганлардан келажакда қотилликка қўл уришларини ҳам кутиш мумкин.

Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино “Ёш бола сезгирлик қувватида катта одамга тенг келади”, дея таъкид-лайди. Дарҳақиқат, табиатан синчков, зеҳнли болалар одамларнинг муносабатидаги гўзаллик ва хунукликларни ҳам жуда тез пайқайдилар. Улар ўзларининг ҳар бир туйғу ва интилишига катталар қандай муносабат билдиришига ғоят қизиқадилар.

Бу ҳақда адабиётшунос олим Маҳкам Маҳмудов қуйидаги воқеани келтиради: “Бир мураббийнинг китобида тасвирланган ҳодисага эътибор беринг. Кўл ёқалаб мактабга кетаётган кичкинтой болалар ўрдакчаларни бемаҳал, бемавсум отаётган олғирларни кўриб, ниҳоятда қайғу-радилар.

[161] Мо Янь. Қиссағўй. Нобель маърузаси / Рус тилидан Амир Файзулла таржимаси // “Жаҳон адабиёти”, 2013.6. –Б.180.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чопқиллаб мактабга келиб, бўлган воқеани муаллималарига айтиб берадилар. Ана шу муаллима илгари уларга табиатни, қушларни ҳимоя қилиш керак, деб тушунтирган экан. Лекин бу пайтда у бир таниши билан қандай туфли сотиб олганлиги ҳақида гаплашаётган бўлади. Болаларнинг шовқинидан жаҳли чиқиб, уларни жеркиб ташлайди. Бундай муомаладан юраклари музлаган болалар йиғламсирашиб, синфга кириб кетадилар. “Энди ўша болалар жиноят юз бераётганини кўрганларида парво қилмай ўтиб кетаверадилар”, деб ёзади мураббий. Чунки бояги муаллима болалар қалбидаги энг ноёб, дурдона фазилатни оёқости қилган эди. Демак, кичик бир хато болаларнинг қалбини мажруҳ қилиб қўйиши мумкин. Шундай экан, болаларнинг эзгу интилишларига, ўй-орзуларига ғоят сезгирлик, меҳрибонлик билан қарайлик. Ана шундагина нозик ниҳоллар жамиятимизга кўрк бағишловчи улкан чинорларга айланади. Болалар табиатан катталарга, ота-оналарга тақлид қилади, улар изидан боради. Лекин, болалар катталарга кўр-кўрона эргашмайдилар, доимо катталар чизган чизиқдан юришни истамайдилар. Буни талаб қилиш ҳам ноўрин, чунки ҳар бир боланинг ўз шахсий маънавий олами бор. Гоҳо бу олам катталарнинг руҳий дунёсидан бойроқ эканлигини кўрамиз. Бу ҳолдан қувонишимиз керак. Чунки бу сеҳрга бой дунёнинг ранг-баранглигига биз ҳам ҳисса қўшганмиз.

Болалар эртак, афсоналарга реал ҳаёт ҳодисаларига ишонгандек ишонадилар, улар инсон қачондир қанот ясаб учишига ишонадилар. Аждодларимиз кашф этган нафосат, машаққат ва жасоратларга бой эртак, афсоналар оламида одамнинг энг жўшқин орзу-интилишлари аксини топган. Болаларга Широқ, Рустам ва Суҳроб, муромлик Илья каби баҳодирларни аслида халқ, шоирлар тўқиб чиқарган, деб тушунтириш ниҳоллар дунёсига улкан вайроналик келтиради. Болаларнинг буюк баҳодирларга, гўзал, эзгу ишларга, оламнинг чексизлиги, ранг-баранглигига ишончидан завқла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

найлик, биз ҳам улардек, нафосат сеҳрига ишончимизни йўқотмайлик. Ҳаётдаги ҳар бир буюмдан моддий манфаат, фойда изловчи рационалистлар ҳолига тушмайлик. “Мен ҳозир нима билан яшаётган бўлсам ҳаммасини болаликда топганман, — деган эди Лев Толстой. — Умримнинг қолган йилларида болалик чоғларимдаги нарсаларнинг юздан бирини ҳам олганим йўқ”. Шундай экан, болаликда топганимиз бой маънавий оламнинг қашшоқлашиб кетишига йўл қўймайлик”[162].

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино “*Болани безовта қиладиган нарса билан унга муомала қилинмасин, чунки у нарса уни ухлашга қўймайди ёки уйқусини ўчириб юборади*”, деб ёзган эди163. Шу боис қадим-қадимдан аждодларимиз кичкинтой фарзандларига ухлашдан олдин ажойиб эртакларни худди болалар тилида, образларга кириб сўзлаб берганлар. Бинобарин, Султон Валад айтганидек: “Ақлли инсон болакай билан гаплашар экан, ўз билим ва ақл ўрмонидан чиқади ва тушуна олиши учун боланинг ақлига мўлжаллаб гапиради. Зеро, инсонларга уларнинг ақллари қабул қилишига мослаб сўзлаши лозим”[164].

Демак, болалар қанчалик эртак китобларга ошно бўлса, уларда шу қадар руҳий дунёси бой бўлади. Халқ томонидан яратилган кўплаб эртакларда болаларнинг ўзига хос ҳаёти четлаб ўтилмаган. Ҳатто, турли ёшдаги болалар учун жуда кўп махсус эртаклар яратилган.

Эртакнинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири унинг ҳамиша халқ ҳаёти, қураши, тарихи, руҳий олами, дунёқараши, урф-одатлари билан чамбарчас боғланиши, инсонларга ахлоқий ва маънавий йўлдош бўлиб келишидадир. Я Немчинский таъкидлаб ўтганидек: “Мавжуд оламни ва

[162] Маҳмудов М. Аҳли дил. – Т.: Ўқитувчи, 1997. –Б. 182.

[163] Абу Али ибн Сино. Мен англаган дунё / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Sharq, 2015. –Б. 252.

[164] Султон Валад. Маърифатнома / Туркчадан А. Тилавов таржимаси // “Шарқ юлдузи”, 2011. № 1. –Б. 173.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фантазия дунёсини ҳар бир халқ ўзича тушунади. Инсон ўз атрофида кўрганлари билан чекланиб қолмайди, у орзу қилади, хаёл суради, бошқача афсонавий ҳаётни тасаввур қилишга уринади. Бу эса катта кучдир. Реаллик ва фантазия бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини тўлдиради".[165]

Эртаклар инсоннинг маънавий ва жисмоний кучига ишонч руҳи билан суғорилган бўлиб, ижобий кучлар табиат ва ижтимоий ҳаётда ўзига душман бўлган кучларга қарши курашда доимо ғолиб чиқади. Халқ эртакларида уни яратувчиларнинг дунёқараши, ахлоқ нормалари ва бошқа ижтимоий муҳим масалалар одилона ҳал этилади. Эртаклар содда ва тушунарли бўлгани учун ҳар қандай китобхонга тез етиб боради. Улар орқали ҳам инсоннинг ижтимоий ахлоқ нормалари шаклланади. Бу ҳол, айниқса, ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда акс этган. Ўтмишда яратилган эртакларда халқчиллик кураши ўзининг ҳаққоний бадиий ифодасини топгандир. Халқнинг келажакка бўлган ишончи, адолатнинг адолатсизлик устидан ғалабаси, ёруғликнинг зулматни енгиши, озод ва бахтиёр ҳаётга эришиш ғоялари ёркин образлар орқали тасвирланган.

Юқорида айтиб ўтилганидек халқ эртакларида эл-юртни кўз қорачиғидай авайлаб сақловчи ажойиб қаҳрамонлар улуғланади; аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинади; узоқ масофалар яқин қилинади; кишилар характеридаги ярамас одатлар, номаъқул иллатлар танқид остига олинади; мардлик, эпчиллик, довюраклик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, вафодорлик, сахийлик ғоялари улуғланади[166].

Дунё халқлари фольклорида нон ҳақидаги эртаклар алоҳида ўрин тутади. Бу эртакларда ноннинг муқаддас неъмат эканлиги, уни қадрлаш инсоннинг маънавий камолот белгиси сифатида талқин қилинади. Хусусан, Ганс Христиан

[165] Немчинский Я. Сўнгги сўз // Корнелия Добкевич. Илоншоҳнинг тожи. – Т.: Ёш гвардия, 1970.- Б.180.

[166] Жумабоев М. Болалар адабиёти.– Т.: Ўқитувчи, 1991. –Б. 18.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Андерсеннинг “Нонни босган қиз” эртагида нонни ҳурмат қилмаган кибрли қиз қисмати орқали тарбиявий ғоя илгари сурилади. Асарда инсоннинг такаббурлиги ва неъматга беҳурматлиги қаттиқ қораланади.Мазкур эртакда кавушим ифлос бўлиб қолмасин деб нонни ўзининг чиройидан мағрур бўлган эркатой, димоғдор қиз ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу эртакнинг долзарблиги бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, калондимоғ, тарбиясиз ёшлар учун бундай эртаклар ибрат вазифасини ўтайди.

Эртаклар инсон маънавиятини шакллантирувчи энг қудратли воситалардан биридир. Улар болалар қалбида эзгулик, адолат, меҳр-шафқат ва жасорат туйғуларини тарбиялайди. Халқ эртаклари миллий тафаккур, ахлоқий қадриятлар ва эстетик диднинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Замонавий жамиятда болалар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда эртаклардан самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки эртаклар инсонни нафақат орзу қилишга, балки эзгулик учун курашишга ҳам ўргатади.

Бугунги глобаллашув шароитида болалар онгига турли ахборот воситалари кучли таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, зўравонлик, даҳшат ва агрессияга асосланган мультфильм ҳамда кинофильмлар болалар психологиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қадимдан халқлар болаларни ухлаш олдидан эртак эшитиш орқали тарбиялаган. Бу жараён боланинг тинч уйқуси, соғлом руҳияти ва мусаффо хаёлотини таъминлаган. Бугун эса кўп ҳолларда миллий эртаклар ўрнини сунъий ва маънавий жиҳатдан қашшоқ контент эгалламоқда.

Шу нуқтаи назардан халқ эртакларини қайта тиклаш, уларни замонавий таълим ва тарбия тизимига кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юқорида келтирилган маълумотлар “**Эртак ва нон” (фольклордаги нон феномени)** концепцияси орқали монографиянинг муҳим бир боби сифатида академик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш мумкин.

Ушбу матнни монографиянинг асосий объекти — **нон ва унинг этномаданий, педагогик ҳамда ижтимоий-философик ўрни**га интеграция қилиш бўйича **илмий-назарий таҳлил ва хулосалар**:

1. Нон ва эртакнинг муштараклиги: “Тўқлик ва маънавий озиқ” феномени.

Келтирилган маълумотларда эртакларнинг инсон қалби ва тафаккурини бойитиши ҳақида сўз боради. Илмий-философик жиҳатдан **нон — жисмоний тириклик манбаи** бўлса, **эртак ва фольклор — маънавий ҳаёт ва руҳий озиқ**дир.

- **Интизом ва тафаккур:** Абу Али ибн Сино, В.Сухомлинский ва Л.Толстойнинг болалик хотиралари ҳамда руҳияти ҳақидаги қарашлари ноннинг жамият ҳаётидаги аҳамиятига бевосита боғланади. Бола очликдан ва маънавий қашшоқликдан бирдек ҳимоя қилиниши керак.

2. Андерсеннинг “Нонни босган қиз” эртаги: Нонга беҳурматлик — ахлоқий инқироз рамзи

Матнда алоҳида ажратилган Г.Х. Андерсеннинг **“Нонни босган қиз”** эртаги монография учун жуда ноёб этномаданий ва ахлоқий параллель беради:

- **Инверсия ва ахлоқий сабоқ:** Нонни маиший буюм ёки шунчаки озиқ-овқат деб билиб, уни оёқ ости қилган (кийимини ифлос қилмаслик учун) Ингер исмли қизнинг қисмати орқали жамиятдаги кибр, калондимоғлик ва неъматга кўрнакорлик қораланади.
- **Замонавийлик:** Бу сабоқ XXI асрдаги истеъмолчилик (консьюмеризм) маданияти шароитида нонга ва бошқа неъматларга бўлган муносабатни тарбиялашда энг кучли этно-педагогик восита бўлиб хизмат қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Эртаклардаги “Бир бурда нон” ва очлик-тўқлик қарама-қаршилиги.

Мо Яньнинг Нобель маърузасидаги ва матндаги бошқа иқтибослардаги “очлик”, “эҳтиёж” ва “ҳаётнинг буюк китоби” тушунчалари халқ эртакларидаги **“Нон” мотиви**га уланади:

- Шарқ ва ғарб эртакларида қаҳрамон олис йўлга чиқганда ёнига оладиган ягона озуқаси — **бир парча нон (ёки хамиртуруш, патир)** бўлади.
- Эртакларда нонни бўлишиш — саховат, меҳр-оқибат ва одамийликнинг энг юқори мезони (синови) сифатида талқин этилади.

4. Роботлар ва агрессив медиага қарши “Нон ва эртак” педагогикаси

Матнда замонавий сунъий, агрессив мультфильмларнинг бола психологиясига салбий таъсири тилга олинган.

- **Педагогик ечим:** Нон ҳақидаги эртаклар (масалан, “Бўғирсоқ”, “Нон ва олтин”, “Нонвай ва подшоҳ”, Андерсен эртаклари ва бошқалар) орқали болаларга **меҳнат, ҳалоллик, тупроқ ва сувнинг қадри** ўргатилади. Бу эса агрессия ўрнига яратувчанлик ва шукроналик ҳиссини шакллантиради.

Шундай қилиб, халқ эртаклари ва фольклор манбаларида Нон шунчаки маиший истеъмол маҳсулоти эмас, балки инсоннинг ахлоқий мезони, саховати ва нодонлигини (масалан, “Нонни босган қиз” образида) юзага чиқарувчи ижтимоий-маънавий лакмус қоғози вазифасини ўтайди. Болаликдан эртаклар воситасида нонни эъзозлаш, уни меҳнат эвазига яратилиш сирини англаш ёш авлодда инсонпарварлик ва маънавий баркамолликни шакллантиришнинг устувор омили ҳисобланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нон ва тилла

Бир бор экан, бир йўқ экан, Аббос деган бир камбағал деҳқон бор экан. Бир парча нон топсам, деб эртаю кеч ишлар экан, бўй қолса, қани энди давлат топиб олсаму бойиб кетсам, деб хаёл сурар экан.

Кунлардан бир кун ҳар сафаргидек жазирама иссиқда далада ишлаётган экан. Қаттиқ чарчаб, тинка-мадори қуриб-да, дарахт тагига ўтириб: "Худои таоло менга шундай сеҳрли бир куч ато қилса-ю, қўлимни нимага урсам, ўша ўша нарса тиллага айланиб қолаверса-да, ана ўшанда оғир меҳнатдан қутулиб, фаровон ҳаёт кечирган бўлардим", - дея хаёл суриб кетибди.

Тўсатдан унинг қулоғига:

Аббос! Ҳозир сен тилагингга етасан! Қўлингни бирон нарсага теккизгин, дарҳол тиллага айланиб қолади, - деган овоз эшитилибди.

Аббос ўз қулоқларига ишонмабди. Шундай бўлса ҳам, энгашиб кичкинагина бир тошни олибди, қўли тегар-тегмас, тош соф тиллага айланиб қолибди. Кейин Аббос яна бир тошга қўл теккизган экан, у ҳам тиллага айланиб қолибди.

Аббос ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетиб: "Ҳозироқ шаҳарга жўнайман, жамики тошларни тиллага айлантираман...Кейин катта ер оламан, дарёнинг лабига данғиллама иморат қурдириб, атрофини боғ-роғ қиламан... Чиройли от ва яхши кийим-бошлар сотиб оламан", деб ўйлабди.

У ўрнидан турмоқчи бўлганида, қаттиқ чарчагани ва қорни очиққанидан юришга дармони келмабди.

"Эрталаб уйдан олиб келган овқатларимни еб олай", деб дарахт олдига қўйган тўрвачасига қўлини чўзибди. Аббос нонни тишлаб кўрса, қаттиқ эмиш. Нон ҳам тилла бўлиб қолган экан. Тўрвачада пиёз бор экан. Аббос шоша-пиша пиёзни олса, у ҳам тиллага айланиб қолибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аббоснинг эсхонаси чиқиб кетибди. Энди қандай қилиб у еб-ичади? Бу тиллар билан қандай қилиб яшайди. Бу аҳволда у ҳатто осонгина топган тиллаларининг роҳатини ҳам кўролмай, очлик ва ташналикда ўлиб кетадик-ку!

Нимага қўлини теккизса, тиллага айланиб қолаётганини, азобланиб, очлик ва ташналикда ўлиб кетишини кўз олдига келтирган Аббос шуларни хаёлдан ўтказибди.

Шу пайт у кўзини очиб, дарахт соясида ўтирганини кўрибди-да, хомхаёл қилганини англабди. Чуқур нафар олган экан, елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортибди.

- Худога минг қатла шукур-а, ҳайтовур, буларнинг бари ёмон туш экан! – дебди у.[167]

Нонни босган қиз

Сиз кавушим ифлос бўлиб қолмасин, деб нонни босгани учун ёмон аҳволга тушиб қолган қизча ҳақидаги ҳикояни эшитгансиз. Бу ҳақда ёзилган ҳам, босилган ҳам. У камбағал, бироқ мағрур, кеккайган бир қиз экан. Унинг бемаъни қилиқлари кўп экан. Жажжигина қизчалик пайтларида пашшаларни тутиб олиб, қанотларини юлиб ташлашни яхши кўраркан; учадиган пашшалар ўрмалайдиган бўлиб қолганда жуда қувонар экан-да. У тиллақўнғиз ва гўнг қўнғизларни тутиб, тўғнағич санчиб қўяр ёки оёқларининг остига яшил япроқ ё бўлмаса бир парча қоғоз ёпиштириб қўяр экан. Бечора тармашиб, тўғнағичдан озод бўлиш учун айланиб букилаверараркан, Инге бўлса қотиб-қотиб кулаверараркан:

- Тиллақўнғиз ўқияпти! Саҳифаларни варақлашини қаранг!— деркан.

У катта бўлган сари ёмон қилиқлари кўпаяверибди, бахтга қарши, у жуда чиройли экан. Уни кўп уришишар экану, лекин яхшилаб танбеҳ бериб қўйишмас экан.

167 Шарқ эртаклари. –Т.: Ўзбекистон, 1989. –Б.8-9.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яхшилаб бир адабингни бериб қўйиш керак! —дер экан онаси. — Болалигингда пешбандимни роса топтаган эдинг, катта бўлганингда қалбимни топтамасанг гўрга эди деб қўрқаман. Худди шундай бўлибди.

Инге уйидан зодагонлар хонадонида хизмат қилгани жўнаб кетипти. Зодагонлар унга ўз қизларидай муносабатда бўлишибди. Инге янги сарполарда янада очилиб кетипти. Шу билан бирга, унинг димоғдорлиги ошгандан ошибди. У хўжайинининг уйида бир йил яшабди, кунларнинг бирида улар қизга:

— Инге, ота-оналарингни бир кўриб келсанг яхши бўларди— дейишибди.

Шундай қилиб, у йўлга чиқибди, бироқ ота-онасини кўриб келиш учун эмас, балки эгнидаги сарполарини кўз-кўз қилиш мақсадида уйга йўл олибди. У ҳадемай қадрдон қишлоғининг чеккасига етиб келибди. Мундоқ қараса анҳор ёқасида талай қиз ва йигитлар чақчақлашиб туришганмиш. Сал нарироқда эса тош устида ўрмондан йиғиб чиққан бир боғлам ўтинини қучоқлаганича қари онаси дам олиб ўтирганмиш. Инге шартта орқага қайтибди; шундай ясанган-тусанган ойимқизнинг мана шунақа жулдурвоқи онаси бўлиши, бунинг устига ўтинни ўрмондан ўзи териб келишидан у қаттиқ ор қилибди.

Инге ота-онаси билан дийдор кўришмаганига заррача афсусланмабди, қайтага зардаси қайнабди, холос.

Орадан яна ярим йил ўтипти.

— Инге, ота-оналарингни кўриб келишинг керак!— дейишибди яна хўжайинлар,— Мана сенга оқ нон, буни олиб бориб қарияларни бир хурсанд қилиб келгин, ҳаққингга дуо қилишади!

Инге энг яхши сарполарини, оёғига эса янги кавушини кийибди, этагини сал кўтариб, кавушим ифлос бўлиб қолмасин деб эҳтиёткорлик билан йўлга тушибди, бунинг учун уни койимаса ҳам бўлади. Бироқ йўлка ботқоқ томонга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бурилибди, лой босиб юришга тўғри келиб қолибди. Инге ўйлаб-нетиб ўтирмай қўлидаги нонни лойга ташлабди, уни босиб, кўлмак сувдан оёғини ҳўл қилмай ўтиб олмоқчи бўлибди. У нонга оёғини қўйиши биланоқ нон қиз билан бирга пастга чўка бошлабди, кўлмак сув устида қоп-қора пуфакчалар пайдо бўлибди, қиз билан нондан ном-нишон қолмабди. Ана шунақа хунук ҳодиса юз берибди.

Инге қаёққа ботиб кетди? У ботқоқлик алвастисининг пиво пиширадиган жойига чўкиб кетибди. Ботқоқлик алвастиси алвастилар ҳамда ўрмон девларининг холаси экан, бу ҳаммага маълум нарса: булар ҳақида китобларда ҳам ёзилган, қўшиқлар тўқилган, бир неча бор уларнинг суратлари чизилган, ботқоқлик алвастиси ҳақида эса ҳали кўп нарса маълум эмас, ёз ойларида ўтлоқлар устидан туман кўтарилса одамлар: “Ботқоқлик алвастиси пиво пиширяпти!” — дейишади.

Шундай қилиб, қиз ана шу пивохонага тушиб кетипти, у ерда узоқ туришга ҳеч ким бардош беролмас экан. Ахлат ўра ботқоқликдаги пивохонага қараганда ўлса ўлиги ортиқ, покиза экан! Пиво пиширадиган ҳар бир идишдан киши кўнглини беҳузур қилиб юборадиган бадбўй ҳид келиб турганмиш, идишлар бир-бирига зич жойлашганмиш; оралари сал очиқ жойларга йилтироқ, семиз бақалар ўрнашиб олганмиш. Инге ана шундай жойга тушиб қолибди! Қиз ўзини ана шунақа совуқ, ёпишқоқ, жирканч тирик қоришма ичида кўриб даҳшатдан титраб кетипти, бадани қота бошлабди. Нон унинг оёғига ёпишиб олиб, каҳрабо соққа хасни тортқилагандай ҳадеб пастга тортармиш.

Ботқоқ алвастиси уйида экан; ўша куни пивохонага меҳмонлар келишган экан, бу меҳмонлар шайтон билан унинг энг катта момоси заҳарли кампир экан. Кампир ҳеч қачон бекор ўтирмас экан, ҳатто меҳмонга ҳам бирорта эрмак олиб бораркан: теридан кавушлар тикаркан, бу кавушни кийган одамлар оромини бутунлай йўқотиб қўйи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаркан. Кампир яна туҳматларни ёки одамларнинг оғзидан чиққан бежо, шалоқ сўзларни тўқиркан, хуллас, унинг турган-битгани инсон зоти учун кони зиён экан! Ҳа, шайтоннинг момоси тикишга ҳам, тўқишга ҳам жуда чечан экан!

У Ингени кўриб қолибди, кўзойнагини тўғрилаб қизга қарабди-да, сўнг:

— Ие, бундан иш чиқадиганга ўхшайди-ку! Уни бугунги ташрифимдан хотира қилиб менга берилишини илтимос қиламан! Ундан чеварамнинг даҳлизи учун ажойиб бут чиқади,— депти.

Ботқоқ алвастиси Ингени кампирга берибди, у эса дўзахга тушибди, қўлидан ёмон иш келадиган одамлар дўзахга тўғри йўл билан эмас, балки айланма йўл билан тушаркан!

Даҳлиз охири йўқ жойда экан, қиз олдинга қараса ҳам, орқага қараса ҳам боши айланаверибди. Ҳамма ёқ ҳолдан тойган, шафқат эшигининг очилишини зориқиб кутаётган гуноҳкорлар билан тўлиб кетган экан. Улар анча вақтдан бери кутиб ўтиришганмиш. Жудаям баҳайбат, семиз, аранг лапанглаб юрган ўргимчаклар уларнинг оёқларини минг йиллик иплар билан ўраб ташлабди. Бу арқонлар уларни исканжадай маҳкам тутиб турганмиш, мис занжирлардан ҳам мустаҳкам кишанланганмиш. Бундан ташқари, гуноҳкорларнинг жонлари абадий азоб берувчи ташвишда қийналаётганмиш. Масалан, хасислар калитини пул соладиган яшиги қулфида қолдиргани учун қийналаётганмиш. Бошқа баъзилар... ҳамма гуноҳкорларнинг тортаётган азоб-уқубатларини санайверадиган бўлсак, адо бўлмайди!

Инге бут бўлиб туриш қанчалик қийинлигини тушунибди, оёқлари худди нонга парчинлаб қўйилгандаймиш.

“Мана, олифтагарчиликнинг оқибати! Кавушим ифлос бўлмасин деб шу аҳволга тушиб ўтирибман-а!—депти у ўзига-ўзи.— Ановиларнинг менга ўқрайишини қаранг!”

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чиндан ҳам гуноҳкорларнинг бутун ҳирсларн кўзларида чақнаб, баралла сезилиб турарди; уларга бир қарашнинг ўзи даҳшат эди!

“Хўш, менга қараганнинг баҳри дили очилади-ку!—деб ўйлабди Инге.— Гўзалман, кийимларим ҳам чакки эмас!”— Қиз кийим-бошига кўз қирини ташлабди. Чунки унинг бўйни қотиб қолган экан. Оҳ, у ботқоқ алвастисининг пивохонасида балчиққа буланиб кетибди-ку! Бу ҳақда ўйламаганди ҳам! Кийимлари бошдан-оёқ шилимшиқ бўлиб кетибди, сочларига илон чирмашиб олиб, думи билан бўйнига шапиллатиб ураётганмиш, кўйлагининг ҳар бир қатидан семириб кетган лайчадай ҳуриётган бақалар мўралаб турганмиш. Нақадар кўнгилсиз! “Бошқаларнинг аҳволи меникидан яхши эмас-ку!” деб ўз-ўзига тасалли берибди Инге.

Бироқ ҳаммасидан ҳам очлик азоби ёмон бўлибди. Наҳотки эгилиб ўзи босиб турган нондан бир бурда синдириб ололмаса? Йўқ, қадди эгилмабди, қўл-оёқлари қимирламабди, ҳамма ёғи тошдай қотиб қолганмиш. Фақат кўзлари у ёқ-бу ёққа қарай олармиш, холос. Кўз соққасини айлантириб орқа томонга ҳам қараб бўлармиш. Тфу, нақадар қабиҳлик! Бу ҳам етмагандай пашшалар пайдо бўлиб, унинг кўзидан у ёқ-бу ёққа юра бошлабди; у киприк қоқибди, лекин пашшалар учиб кетмапти,— уларнинг қанотлари юлиб олинган экан, фақат ўрмалай олишар экан, холос. Бундан ортиқ азоб борми? Бунинг устига очлик азоби! Бора-бора Ингега ичи ўзини-ўзи еб битиргандай, қорни жудаям бўм-бўшдай туюлибди!

— Агар бу аҳвол узоқ давом этса ортиқ чидолмайман!— депти Инге, лекин чидашга мажбур бўлибди; ҳеч нима ўзгармабди. Бирдан бошига иссиқ бир томчи томибди, юзидан думалаб кўксига, сўнг нонга тушибди; шундан кейин иссиқ томчилар дув-дув тўкилаверибди. Инге учун ким ҳам аччиқ-аччиқ йиғлаши мумкин?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахир, ер устида онаси қолмаганми? Онанинг боласи учун тўккан аччиқ кўз ёшлари ҳамма вақт фарзандига етиб боради. Бироқ уни азобдан халос қилолмайди, балки унинг азобига азоб қўшиб куйдиради. Энг ёмони даҳшатли, бардош бериб бўлмайдиган очлик эди! Нонни босиб туриш, ундан бир бурда синдириб ололмаслик қандай даҳшат! Назарида ичи ўзини еб битиргандай туюлибди, ўзи эса ҳар бир овозни ичига тортиб оладиган ғовак ингичка қамишдай бўлиб қолибди. У юқорида, ер бетида ўзи ҳақида айтилган гапларни рўйирост эшитибди, лекин ҳаммаси ёмон гаплармиш. Ҳатто унга чин юракдан куйиб-ёниб йиғлаётган онаси ҳам: "Димоғдорлик яхшиликка олиб бормайди! Димоғдорлик сени хароб қилди, Инге! Мени жудаям куйдирдинг-ку, қизим!"— деб зорланаётганмиш.

Ингенинг онаси ҳам, тепадагиларнинг ҳаммаси ҳам унинг қилган гуноҳидан, нонни босиб, ер тубига чўкиб кетганидан хабардор эканлар. Буларнинг ҳаммасини бир подачи тепалик устидан кўриб турган экан, ўша буни бошқаларга ҳам айтиб берибди.

— Онангни роса куйдирдинг-ку, Инге! — деб такрор айтибди онаси.— Бошқа нарсани сендан умид қилмагандим ҳам! "Дунёга келмаганим минг марта яхши эди!—депти Инге ўзига.—Эндиликда онамнинг мен ҳақимда куйиб-ёнишининг нима фойдаси бор?"

Инге бир вақтлар уни ўз қизидай кўриб муносабатда бўлган ҳурматли зотлар — хўжайинларнинг ҳам:—"У оғир гуноҳ эгаси. У парвардигорнинг насибасини беҳурмат қилди, оёғи билан эзғилади, унга марҳамат эшиги ҳали-бери очилмайди!" деган гапларини эшитибди.—"Менга қаттиқ туриб, яхши тарбия беришганда эди!—ўйлабди Инге.— ёмон қилиқларим қолиб кетарди!"

Инге одамларнинг ўзи ҳақида тўқиган "кавушим ифлос бўлмасин деб нонни босган димоғдор қиз ҳақида"ги қўшиқни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам тинглабди. Қўшиқни мамлакатнинг ҳамма ерида куйлашаётганмиш.

“Бу қулоқ ўлгур нималарни эшитмаяпти-я! Айбим учун қанчалар азоб чекяпман-а!—деб ўнлабди Инге.— Бошқалар ҳам қилмишига яраша жазолансалар эди! Анчагина одам қийналарди! Вой, жоним қийналиб кетди!”

Ингенинг жони янада дағаллашиб, янада шафқатсизланиб кетипти.

— Мановилар орасида яхши бўлиб бўпсан! Яхши бўлишни хоҳламайман ҳам! Буларнинг ўқрайиб қарашини кўринг!—депти у, ниҳоят ўша ердагиларни ёмон кўриб, зардаси қайнабди. Томоша топилди буларга, севинишларини қара. Вой, жоним қийналиб кетяпти!

Қиз ўзи ҳақида тўқилган қиссани болаларга айтиб беришганини ҳам, гўдаклар уни худосиз деб айтишганини ҳам эшитибди.

— У шунақаям жирканч, аблаҳки, асти қўяверинг! Энди жазосини тортсин!—дейишипти болалар.

Инге болаларнинг оғзидан ҳам фақат лаънатлар эшитипти.

Яна бошқа бир гал у очлик ва ғазабдан азоб чекиб турганида ўз номини ва ўзи ҳақидаги қиссани такрор эшитипти. Қиссани норасида бир қизчага айтиб беришаётган экан, қизча димоғдор, ҳовлиқма Ингега раҳми келиб, зор-зор йиғлабди.

— Наҳотки, у ҳеч қачон юқорига қайтиб чиқмаса?— деб сўрабди.

— Ҳеч қачон қайтмайди!—деб жавоб қайтаришибди унга.

— Бордию кечиришларини сўрасачи, энди ҳеч қачон бундай қилмасликка ваъда берса-чи?

— У умуман узр сўрамоқчи эмас! — Унинг узр сўрашини жуда-жудаям хоҳлардим!—депти қизча, анча вақтгача ҳеч

www.ziyouz.com kutubxonasi

овунмабди.— Агар уни ерга қайтаришса қўғирчоқ уйимни берардим! Бечора, шўрлик Инге!

Бу сўзлар Ингенинг қалбигача етиб борибди: кўнгли анча таскин топгандай бўлибди: “бечора Инге!” деган тирик жон энди топилди-я! Унинг гуноҳи ҳақида бир оғиз ҳам ломмим демади-я! Жажжигина бегуноҳ қиз йиғлаб, унинг гуноҳини кечирилишини тилабди! Ингенинг қалбини аллақандай туйғу эгаллаб олибди; йиғлаб юборгиси келибди, лекнн йиғлолмабди, чунки яна бир янги азоб бошланаркан-да!

Ер устида йиллар шамолдай тез ўта бошлабди, ер остида эса аҳвол аввалгидай қолаверибди. Инге ўз номини камдан-кам эшита бошлабди,— ер устида унинг номини тобора камроқ тилга оладиган бўлишибди. Бироқ кунлардан бир куч қулоғига: “Инге! Инге! Мени роса куйдирдинг-ку! Шундай бўлишини билдирдим-а!”—деган нидо келибди. Ўшанда онаси жон бераётган экан.

Баъзан Инге ўз номини қари хўжайинлари оғзидан ҳам эшитиб қоларкан. Хўжайиннинг хотини ҳамма вақт хокисорлик билан:—“Инге, эҳтимол сен билан яна дийдор кўришармиз! Ким қаёққа тушишини ҳеч ким билмайди!”—дер экан.

Бироқ Инге хўжайинининг хотини ўзи тушган жойга тушмаслигини яхши биларкан.

Вақт жуда секин ўта бошлабди. Ниҳоят Инге яна ўз номини эшитибди, тепасида иккита ёркин юлдуз чақнаб кетибди: ер устида бир жуфт маъсум кўз абадий юмилибди. Жажжигина қизча “бечора Инге!” деб бетиним йиғлагандан буён кўп вақтлар ўтипти; ўша қизча балоғатга етиб, қариб худонинг даргоҳига боришга ҳам улгурибди. Бутун умрнинг хотиралари жонланадиган охирги лаҳзада ўлаётган аёл Инге учун тўккан кўз ёшларини эслабди ва беихтиёр: “Э худоё худовандо, эҳтимол, мен ҳам Инге сингари сен ҳадя этган ризқ-рўзингни билмай оёқ ости қилгандирман. Эҳтимол,

www.ziyouz.com kutubxonasi

руҳим ҳам димоғдорлик билан заҳарлангандир. Фақат сенинг марҳаматинггина қўллаб-қувватлаб тубанликка тушишимга йўл қўймади! Умримнинг охирги дамларида менга марҳаматингни дариғ тутмагин!" — деб юборибди.

Ўлаётган аёлнинг кўзлари юмилибди, бироқ жонининг кўзлари Инге томон боқибди, чунки охирги лаҳзада унинг фикру хаёли Инге билан банд бўлган экан-да, натижада у ўзининг руҳий нигоҳи билан ердагиларга мавҳум бўлган манзарани, яъни Ингенинг қанчалик тубан тушганини кўрибди. Бу манзарани кўрган тақводор руҳ йиғлаб-сиқтабдн, худонинг даргоҳига бориб, гуноҳкор руҳнинг гуноҳидан ўтишни гўдаклигидагидай йиғлаб, ялиниб-ёлвориб илтимос қила бошлабди. Бу йиғи ва ёлворишлар азобдан қийналаётган жонни ўраб олган қобиқда акси садо бўлиб янграбди, унга бўлган тасодифий меҳру муҳаббатдаи Ингенинг руҳи қайта туғилгандай бўлибди. Худонинг фариштаси ҳам унинг ҳолига йиғлабди. У бундай марҳаматга қандай мушарраф бўлди? Азобланган жон бутун ўгган умрига назар ташлабди, ўз қилмишларини кўз олдига келтириб, тўлиб-тўлиб йиғлабди. Инге илгари бунақа йиғи нималигини ҳеч билмаган экан. У ўзига бўлган шафқат ҳисси билан тўлиб кетипти; назарида унинг учун шафқат эшиги мутлақо очилмайдигандай туюлибди! У худди ана шу нарсани чуқур англаши биланоқ ер қаърига болалар ҳовлида тиккайтириб қўйган қорбобони ҳам бир зумда эритиб юборишга қодир бўлган кучли қуёш нуридан ҳам ўткир, бир нур тушибди. Бу нур Ингенинг жонини ўраб турган қаттиқ қобиқни эритиб юборибди. Жажжигина қушча тубанликдан эркинликка ўқдай учиб чиқибди. Бироқ у ўзини ёруғ дунёда кўриб уят ва даҳшатдан қунишиб кетипти. Шоша-пиша ярим бузилган қандайдир деворнинг қоронғи ковагига кириб яширинибди. Ў ўша ерда кунини қунишиб, бутун вужуди титраб, ҳеч бир овоз чиқармай ўтираверибди, айтгандай, овози ҳам йўқ экан-да. У атрофни томоша қилишга журьат этолмай, ўша ерда

www.ziyouz.com kutubxonasi

узоқ ўтириб қолибди-да. Ҳа, атрофда баҳра олишга арзигулик манзаралар кўп экан! Ҳаво мусаффо, ёқимли экан, ой мўл-кўл кумуш нур таратар, дарахт ва буталардан муаттар ҳидлар анқиб тураркан. Қушча яшириниб олган жой бирам шинам, ўзининг пат ва парлари шунақаям тоза, чиройли эканки! Парвардигорнинг олами меҳр-муҳаббатга, гўзалликларга тўлиб-тошиб ётганмиш! Қушчанинг қалбида уйғонган барча ўй-фикрлар ташқарига қўшиқ бўлиб чиққиси келибди, бироқ у қанча чиранмасин сайрай олмабди; у какку сингари ку-кулолмабди ҳам, булбул каби тўлиб-тошиб сайрай олмабди! Бироқ парвардигор қуртларнинг ҳам унсиз ҳамду саноси, шукронасини эшитади. У қушчанинг ҳам шукронасини эшитибди. Бу шукрона Довуднинг қалбида жаранглаган дуодай сўзсиз, оҳангсиз етиб борибди.

Қушчанинг унсиз шукур қилиши кун сайин кўпая борибди, хайрли ишларга қўшилиш учун фурсат пойлабди. Рождество байрами арафаси ҳам келибди. Бир деҳқон деворга ёғоч қўйиб, унинг учига бошоғи янчилмаган бир боғ сули илиб қўйибди — қушлар ҳам рождество байрамини ҳузур қилиб ўтказишсин депти.

Рождество байрами тонгида қуёш чиқиб, бир тутам сулини ёритипти; унга сайроқи қушлар ёпирилишибди. Девор кавагидан ҳам чирқ-чирқ деган товуш эшитилибди. Қушчанинг фикрлари товушга қўшилиб кетибди, унинг ожиз чийилдоқ овози чинакам шодлик гимнидай жаранглабди; унинг фикрлари хайрли ишларда кўзга ташланиш учун ҳозирланибди, қушча ўз қароргоҳидан учиб чиқибди. Осмондагилар унинг қанақа қушча эканлигини яхши билишар экан. Қиш қаттиқ келибди, сув бети қалин муз билан қопланибди, қушлар ва ўрмон ҳайвонлари учун оғир кунлар бошланибди. Кичкинагина қушча чаналар юриб ўтган қорли йўл устида учиб юриб дон ахтариб топар, отхоналарда нон увоқларини топиб олса, ўзи бир дона увоқни еб, қолганларига оч қолган бошқа чумчуқларни чақирарди. У шаҳар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларга ҳам учиб борибди. Атрофни кузатиб бораркан, деразаларда сахий қўллар уқалаб қўйган нон увоқларини кўрибди, яна улардан фақат бир донагина еб, қолганларини бошқаларга берибди. Қиш давомида қушча жуда кўп нон увоқларини топиб, бошқа қушларга улашибди, агар уларнинг ҳаммасини жамланса, Инге кавушини авайлаб босган нон оғирлигига тенг келаркан. Энг охирги увоқ топилиб, бошқа бир қушчага берилгач, унинг кул ранг қанотлари оқариб, кенг қулоч ёйибди.

— Ана, денгиз қалдирғочи учяпти!—дейишибди оппоқ қушни кўрган болалар. Қуш гоҳ тўлқинларга шўнғиб, гоҳ қуёш нурлари томон учиб, бирдан ана шу нур ичида йўқолиб кетипти,- Унинг қаёққа йўқолганини ҳеч ким кўрмабди.

— У қуёшга учиб кетди!—дейишибди болалар[168].

Ўтинчининг нон бўлаги[169]

(Латиш халқ эртаги)

Қадим замонда бир камбағал одам бўлиб, бутун қишлоқда ундан камбағалроқ одам йўқ экан. Кунлардан бир куни у одатига кўра ўтин қилгани ўрмонга бормоқчи бўлибди. Хотини унга бир бурдагина нон тутқазибдию, бошқа ҳеч қандай егулик бермабди.

-Шу нон оз бўлса ҳам сизга етади,- у қорнингизни тўйғазмасада, очликдан ўлиб ҳам қолмайсиз.

Ўтинчи ўрмонга келиб, кўп ўтин қилса бўладиган маъқул жойни топибди. У каттакон қуриган дарахтни астойдил кесишга киришибди. Болтанинг ялтирашию пайраҳаларнинг ҳар томонга учишини кўрган одам унинг маҳорати ва ғайратига қойил қолар кан. Шу пайт ўрадан шайтонча мўралабди. Қарасаки, одам дарахт кесяпти. Ёнидаги тўнкада эса бир бўлак нон турибди. Шайтонча кўп ўйлаб ўтирмай

[168] Ганс Христиан Андерсен. Олтин бола (Эртаклар ва воқеалар). – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –Б. 50-57.

[169] Русчадан М.Кимсанбоев таржимаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шартта нонни олиб, жуфтакни ростлабди. Қавмдошларининг олдига чопиб келиб, мақтанибди: “Мана кўриб қўйинглар, мен одамни нонини олиб келдим!”

Жаҳллари чиқиб кетган шайтонлар бақир-чақир қилиб, уни ҳайдаб солишибди:

- Виждонсиз экансан! Камбағалнинг энг сўнгги нонини ўғирлаб, мақтангани уялмайсанми? Қани, кўзимиздан йўқол, ўтинчининг нонини қайтариб, айбингни ювадиган бирон иш қилмагунингча сафимизга қайта кўрма! Ҳозироқ жўнаб қол!

Шайтончанинг одамнинг ёнига қайтиб боришдан ва ундан кечирим сўраб, бирон-бир хизматини бажариш орқали гуноҳини ювишдан бошқа иложи қолмабди. Ўтинчининг олдига келиб, унга илтижо қилибди:

-Эй яхши одам, мени ўзингга ёрдамчи қилиб ол! Сени ишингга кўмак беришга тайёрман, нимани буюрсанг ҳаммасини бажараман!

Ўтинчи эса ўйлаб-ўйлаб, ундан сўрабди:

- Сендек тирранчага қайси ишни топширишим мумкин? Менга керагинг йўқ! Ўз ишимни ўзим бажара оламан.

Шайтонча бўш келмабди:

-Шошма яхши одам, мени ҳайдашга улгурасан. Сени олдингда гуноҳларим кўп. Уларни ювишимга изн бнр. Энг қийин ишни буюрсанг ҳам бажариш қўлимдан келади. Жуссамни кичиклигига қарама, мен ҳамма нарсани уддалай оламан!

Одам яна ўйга толибди ва бир қарорга келибди.

-Ўрмонда бойнинг ҳеч вақога ярамайдиган ботқоқ ери бор. Шу ботқоқни қуритиш қўлингдан келадими?

Келади, албатта келади, эй яхши одам,- шайтонча айбини ювиш имкони туғилганидан суюниб кетибди.

- Унда мен бойдан ўша ерни менга беришини сўрайман, эҳтимол рози бўлар.

- У ботқоқликда экин ўсадими, яхшилаб ўйлаб кўр, эй яхши одам,- дебди шайтонча.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-Агар яхшилаб қуритсак, тозалаб, ҳайдасак, буғдойдан мўл ҳосил олиш мумкин.

- Ҳа майли,- дебди шайтонча,- қани, бойни олдига боравер. У кўнса бўлди. Ботқоқликни қуритиш мендан.

Ўтинчи бойнинг ҳузурига бориб илтимос қилибди:

- Бой ота, ёнингизга сизга қарашли ўрмондаги ботқоқликни қуритиб, ҳайдаб, экин экишга рухсат сўраш учун келдим. Буғдой эксам дегандим...

Бой ҳайрон бўлибди. Қандай қилиб бу камбағал ботқоқликни экин майдонига айлантира оларкин-а? Қўлидан ҳеч вақо келмайди, вақтини ва кучини беҳудага сарфлагани қолади.

-Майли, ўзлаштирабер, қаршилик қилмайман...

Ўтинчи бойга қуллуқ қилиб, уйига жўнабди. Шайтонча уни бетоқатлик билан кутиб турган экан.

-Хўш, қандай янгиликлар олиб келдинг?

- Бой рози бўлди,- дебди ўтинчи.- бироқ уддалай оламизми? Негадир сира ишонгим келмаяпти...

-Асло ташвишланма,- унга далда берибди шайтонча,- уддалаймиз! Ҳаммаси яхши бўлади!

Улар ўрмонга келиб, ботқоқликни топишибди. Шайтонча ишга астойдил киришиб кетибди. Дарахтларни томир-помири билан суғуриб бир чеккага ота бошлабди. Ерни тозалаб, ботқоқни қуритибди. Ўзи ерни ағдарибди. Кейин икковлон буғдой сепишибди. Буғдой чунонам қалин, бошоқлари шунақаям донадор бўлибдики, яқин орада бундайин серҳосил буғдойни ҳеч кимса кўрмаган экан.

Тез орада бой бу ҳақда эшитибди. У ўрмонга келибди ва буғдойни кўриб дебди:

-Бу ерлар менга қарашли, демак буғдой ҳам меники бўлиши керак!

Шундай қилиб бой ўтинчининг буғдойни ўришига рухсат бермабди. Бой ишни хизматкорларига буюрибди. Улар буғдойни ўриб, боғлаб, бойнинг омборига олиб келиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

босишибди. Бой ўз қилмишидан жуда мамнун экан. Ахир у ҳеч нарса сарфламасдан катта ҳосилга эга бўлганди-да.

Ўтинчи ва шайтонча эса қаттиқ қайғуда қолишибди: улар очкўз бойнинг ишидан норози эканлар. Ахир ҳосилни етиштиргунча озмунча меҳнат қилишганмиди...

-Шошма, ўтинчи бобо,- деб қолибди шайтонча,- калламга бир фикр келди. Бойдан буғдойимизнинг бир боғини беришини сўрайман.

-Яхши,-дебди ўтинчи,- борақол, балки у кўнар Шайтонча бойнинг ёнига чопиб борибди.

-Бой ота, бизлар ботқоқликни қуритиб-тозалаб, буғдой етиштириш учун озмунча меҳнат қилмадик. Шунинг учун ҳеч йўқ бир боғ бўлса ҳам ундан олишга изн берсангиз.

Бой митти, ориқ шайтончага қараб масхараомуз оҳангда дебди:

-Ҳа майли, мен қизғанчиқ эмасман. Бир кўтаришда қанча олиб кетолсанг ўшанча олақол!

Шайтонча ўтинчининг ёнига югуриб келибди.

-Тезроқ каноп сотиб ол, қанча кўп бўлса шунча яхши. Мен ундан арқон эшаман ва бойникига бораман. Бой кўтарганимча буғдой олишимга рухсат берди.

Ўтинчи каноп сотиб олиб келибди ва иккови ундан узундан-узун арқон эшишибди. Шайтонча арқонни олиб, бойнинг омборига борибди. Бор буғдойни боғлаб, опичлаб ўтинчининг ёнига йўлга тушибди. Буни кўрган бой эсҳушидан айрилай дебди. Ҳатто тили калимага келмай қолибди. Ўзига келгач эса жон-жаҳди билан бақирибди:

-Ҳой хизматкорлар, тезроқ молхонани очиб, сузонғич буқаларни чиқариб юборинглар! Анави ярамаснинг адабини беришсин!

Хизматкорлар молхонани очиб, буқаларни чиқариб юборишибди. Буқалар шу қадар баҳайбат, сузонғич эканки, уларга биров яқинлашгани қўрқаркан. Буқалар ўкириб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пишқириб, учли шохларини ўқталиб, шайтончани қува кетишибди.

“Ҳозир буқалар шайтончани дабдаласини чиқариб ташлашади”- хурсанд бўлиб ўйлабди уларни кузатиб турган бой. Бироқ мутлақо у ўйлагандек бўлиб чиқмабди. Ёнига югуриб боришлари биланоқ шайтонча буқаларни шохларидан маҳкам тутиб, шартта кўтариб кетаётган буғдой ғарами устига жойлабди ва энди буқалар ҳам буғдойга қўшилиб ўтинчига тегадиган бўлибди. Бни кўрган бойнинг шу қадар ғазаби қўзғабдики, миясига қон қуйилиб, бечора шу заҳотиёқ тил тортмай жон берибди.

Шайтонча эса ўтинчининг ёнига эсон-омон етиб олибди:

-Қани хўжайин, буларни қабул қилиб ол, буғдой ҳам, буқалар ҳам бизники бўлди.

Ўтинчи шайтончага мингдан-минг раҳматлар айтиб, миннатдорчилик билдирибди. Шайтонча бўлса бундай дебди:

-Эй яхши одам, сен менга миннатдорчилик билдирма. Мен бунга лойиқ иш қилганим йўқ. Менга айтгинчи, ўрмонда ўтин қилаётган вақтингда сендан ўғирлаб кетганим-бир бурда нонни оқладимми?

- Нималар деяпсан, эй танти дўстим,- дебди ўтинчи,- сен ўша бир бўлаккина нон эвазига шундай кўп яхшилик қилдингки, мен бир умр сендан қарздорман!

Қарз ҳақида гапирма, менга сен хурсанд бўлсанг бас, агар чиндан ҳам мендан рози бўлсанг яна қавмдошларим ёнига бора оламан.

- Борақол,- дебди ўтинчи,- мен сендан албатта розиман!

-Унда мен ҳам бахтиёрман: энди қавмдошларим мени ўз сафларига қабул қилишади, камбағал одамни хафа қилгансан деб айблашмайди.

Шайтонча шу сўзларни айтиб, кўздан ғойиб бўлибди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нон қадри
(Рус халқ эртаги)

Дастурхон тузалган стол атрофида олти киши ўтирганди: отам, онам ва тўрт ака-ука. Мен кенжатойман, яқинда еттига тўладим.

Мен қовоғимни солиб ўтирганимча тирноғим билан нонни кавлаб, тешаётгандим. Онамдан хафа эдим. У карам шўрвадан олдин кисель ичишимга рухсат бермаганди. Бермаса бермас, кераги йўқ, карам шўрвани ҳам ўзи ичсин!

Уйда жимжитлик ҳукмрон, фақат ёғоч идишларнинг овқат идишларига урилиб тарақлаши эшитилар ва кончи бўлиб ишлайдиган отам аҳён-аҳёнда роҳатланганича томоқ қириб дерди:

- Онангиз жуда мазали карам шўрва пиширибди!

Мен нон бўлагини тешиб уни бармоғимга илиб олдим.

“Тарс!” кутилмаганда пешонамга қошиқ зарб билан урилди ва отамнинг ғазабнок овози янгради:

-Нонни нима қиляпсан?

Мен пешонамни ушлаб қолдим. Ўзидан-ўзи кўзимдан ёш оқиб туша бошлади.

-Нега уряпсиз? Нон ўзимники бўлгандан кейин ҳоҳлаганимни қиламан-да!

“Тарс!” Яна зарба, олдингидан кўра қаттиқроқ.

- Нималар деб валдираяпсан? “меники” эмиш. Нон “меники” бўлмайди. У фақат “бизники” бўлади. Тушундингми ё яна қошиқ егинг борми?

Уйқуга ётиш олдидан отам мени ёнига чақирди. Мен унинг баланд кроватига қийналиб чиқиб олдим. Бошимиз тепасида, деворда осиғлиқ керосин лампанинг пилиги ёниқ, кулбани сирли ғира-шира ёруғлик чулғаган. Акаларим пахмоқ бошларини эгиб, печкадан менга ҳавас билан боқишмоқда. Мен қулайроқ жойлашиб олиб, жим бўлдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отам жилмайиб, ғадир-будур, букилмас бармоқлари билан пешонамни пайпаслади:

- Оғримаяптими?

- Оз-моз.

- Нега калтак еганингни тушундингми?

- Тушундим,-жавоб бердим мен,-нонни тешиб бўлмас экан.

Шунда гапимни эшитиб турган онам жаврашга тушди:

- Тушунибди эмиш, эҳ, эси йўқ бола!..

- Онаси, бас қил! У бошқа бундай қилмайди,-деди отам ва қабариқ кафти билан сочларимни силаб қўйди.

- Шумтака, сенга бир афсона айтиб берайми? Жуда яхши, унда эшит.

...Бор эканда йўқ экан, қадим ўтган замонда бир мамлакатда бешта оғайни яшашган экан: ўзи мато тўқиб, кийим тикувчи Чевар, Деҳқон, Темирчи, Кончи ва Этикдўз. Улар аҳил дўстлар бўлиб, бир-бирлариникига меҳмонга боришар, ҳар хил пиширикдар тановул қилишар ва турли ичимликлар ичишаркан.

Бироқ ўша мамлакатда шайтон пайдо бўлиб қолибди. Шайтон қараса, одамлар тотув яшашар, ҳамма нарсалари, оёқларига пойафзалларим, эгниларига усти-бошларим, хуллас, турли-туман кийим –кечагу егуликлари бисёр экан. Шунда шайтон ўзига ўзи сўз берибди: “Буни шундоқ қолдириб бўлмайди. Одамлар аҳил яшамасликлари керак, мен уларни уриштириб қўяман!”

Шайтон дастлаб Деҳқоннинг ёнига келиб, қулоғига шивирлабди:

-Сен бундай ҳушёрроқ бўлсанг-чи: нонингни Темирчи ҳам, Чевар ҳам, Кончи ва Этикдўз ҳам еб кетяпти. Аслида сен уларнинг ҳаммасини боқяпсан, демак сен уларнинг бошлиғи бўлишинг керак!

Деҳқоннинг боши қотиб қолибди.”Шайтон тушмагур ҳақ гапни айтди,-ўйланиб қолибди у.-Нон ҳаммага керак,

www.ziyouz.com kutubxonasi

усиз ким ҳам кун кўра оларди! Ҳаммани боқаётган мен, демак, энг муҳим одам ўзимман!”

Шайтон Деҳқоннинг кўнглига ғулғула солиб бўлгач, Чеварнинг ҳузурига борибди:

-Сен матони тўқийсан, сўнг кийим-кечак тикасан. Хуллас, ҳаммани кийинтирасан, сен шерикларинг устидан бошлиқ бўлишга энг муносиб одамсан!

Чевар мағрурланиб кетибди ва ўзича тасаввур қилиб кўрибди: “Қани, бирдан барча матолар ғойиб бўлиб қолсин-чи, нима бўларкин... Вой-бў, ҳамма иштонсиз қолади-ку! Сўзсиз, мен бу мамлакатда энг керакли одамман!”

Шайтон Этикдўзнинг ёнига ҳам борибди ва уни ҳам энг муҳим одам эканлигига ишонтирибди. Этикдўз мағрурланиб, кеккайиб кетибди. Шайтон эса вақтни бой бермасдан Темирчининг уйида пайдо бўлибди. Гоҳ у қулоғига, гоҳ бу қулоғига пичирлабди:

-Сен омоч тишини қуясан, мих қиласан, пичоқ, болға, болта, арра, ўроқ ясайсан. Деҳқон ҳам, Чевар ҳам, Кончи ва Этикдўз ҳам сенинг меҳнатингдан фойдаланишади. Чор-атроф сеники, энг керакли одам сенсан!

Темирчи энсасини қашиб туриб, гап нимадалигини фаҳмлаб қолибди. Аста оташдонга қўлини чўзибди ва у ерда қип-қизил чўғ бўлиб турган қисқични олиб, бақирибди:

-Қани, жонинг борида бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол-чи, йўқса иккига бўлиб ташлайман!

Шайтон Темирчининг устахонасидан юнглари ёнган ҳолда қочиб чиқибди ва шу кетганича Кончининг олдига етиб борибди. Кончи чуқур ер остида чўкич билан тоғ жинс-ларини кўчириб, кўмир ва темир рудасини кавлаб олаётган экан. Шайтон унга юзланибди:

-Гапимни эшит, эй Кончи! Энг оғир меҳнатни сен бажарасан. Бироқ буни ким учун қилаяпсан? Деҳқон учунми, Чевар учунми, Темирчи ёки Этикдўз учунми? Агар сен бўлмасанг Темирчи рудасиз буюмлар ясай олмасди, Деҳқон

www.ziyouz.com kutubxonasi

омочсиз ер ҳайдолмасди, Чевар игна ва қайчисиз тика олмасди, Этикдўз бўлса болғасиз этикларни михлай олмасди. Бундан кўриниб турибдики, сен энг керакли одамсан! Бошқалар сенга бўйсунишлари шарт!

Кончи унинг сўзларини тинглаб бўлиб, чўкични ерга қўйибди ва пешонасидаги терни артиб, дебди:

-Ҳақ гапни айтдинг, Шайтонвачча! Барчанинг ичида энг асосий одам албатта менман. Аммо қани ўзинг айт-чи, бундан менга нима фойда? Бу унвон билан нима қиламан? Маслаҳат бер.

Шайтон ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетибди. Ахир Кончини осонгина алдайман деб ўйламаган экан-да. Думини ўйнатиб, кафтларини бир-бирига ишқаб, вайсай кетибди. Кончи бўлса шайтон уни лақиллатмоқчи бўлаётганини аллақачон англаган, бироқ буни сездирмаётган экан.

-Ҳой, Шайтонжон, бироз шошилмайроқ сўзлагин, гапингни мағзини чақолмаяпман. Эҳтимол қулоқларимга тер оқиб киргани учун яхши эшитмаётгандирман. Уларни тозалаб юбор.

Шайтон бир сакраб Кончининг яқинига борган экан, Кончи чаққонлик билан унинг думидан шартта тутиб олибди ва қўлига икки марта айлантириб ўрабди.

-Қалайсан? Қўлга тушдингми, иғвогар?

Шайтон чинқирибди, ялиниб-ёлборибди, агар кончи уни қўйиб юборса, эвазига катта нарсаларни ваъда қилибди.

-Менга сени ҳеч нарсанг керакмас,-дебди Кончи,-фақат мени айтганларимни бекаму кўст бажарсанг бўлди.

У шундай деб, шайтонга нима қилиш кераклигини тушунтирибди.

Кончи уйига келибди, ювиниб, кийимларини алмаштириб, Деҳқонникига меҳмонга борибди. Шайтонни чўнтагига солиб, думини қўлига ўраб, икки жойидан тугиб олибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Деҳқоннинг уйи эса меҳмонга, дастурхони пиширик ва егуликларга тўла экан. Идишлар кумушдан, пичоқлар, санчқилар энг зўр пўлатдан. Мезбон столнинг тўрида, ҳар галгидан кўра бошқачароқ, мағрур қиёфада ўтирган экан. Меҳмонлар қадаҳларда ўткир асал ичиб, ортидан газак қилишибди. Бир оз маст бўлиб қолган Деҳқон гап бошлабди:

-Кўпдан бери бизлар дўстмиз, аммо шу пайтгача ўзимизга бошлиқ сайлаганимиз йўқ. Бошлиқ эса керак! Усиз бир бўлолмаймиз!

-Ахир шу пайтгача ҳеч қандай муаммосиз яшаб келяпмиз-ку!- ҳайрон бўлибди Темирчи.

-Хато қиляпмиз,-дебди Деҳқон,-қонунга хилоф иш тутяпмиз...

-Тўғри гапиряпти,-дебди Чевар ўтирган жойида бақириб,-бошлиқ бўлиши шарт! Келинглар, ҳозирнинг ўзида орамиздан бошлиқни сайлаймиз!-шундай деб у ҳаммага беписанд нигоҳ билан бирма-бир қараб қўйибди.

-Албатта,-тасдиқлабди Этикдўз,- бошлиқ бўлиши керак, масалан мана мен ҳаммангизни оёқ кийими билан таъминлайман...

Унинг гапи охирига етмай, Чевар ўрнидан сакраб туриб кетибди:

-Нима, сен ўзингни одамларни бошқаришга муносибман деб ўйлайсанми? Устингдаги кийим-бош кимники? Уни ким бичиб, ким тиккан? Мен! Кўрдингми, бошлиқ мен бўлишим керак!

Деҳқон ўтирган жойидан жилмай дебди:

-Эй сизлар, ғирт аҳмоқ экансизлар-ку! Кимнинг нонини еяётганларингизни унутдингларми? Меникини!- шундай деб у ўз кўкрагига муштлаб қўйибди.

Темирчи ғазабдан қорайиб кетибди, овқат тўла идишни нарига итарибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-Эй сен, Деҳқон, нонни ўзимники дейишга уялмадингми? Ахир бу нонни етиштиришда ҳаммамизнинг ҳиссамиз бор-ку!

-Бекорларни айтибсан! Ҳар биримизнинг улушимиз бормиш-а!-бақирибди деҳқон,- агар билсанг, мен ўз қўлларим билан донни битталаб экиб, парваришлаганман. Демак, нон меники, қолганини билишни истамайман!..

Стол атрофидагилар бақир-чақир қилишиб, бир-бирларига ташланишларига оз қолибди. Темирчи уялганидан юзини қўллари билан яширибди. Ҳаммасидан бохабар, бу жанжалларнинг сабабчиси шайтон васвасаси эканини билган Кончигина илжайиб, товуқнинг сон гўштини мазза қилиб еб ўтираверибди. Ниҳоят қорни тўйгач, оғзини артиб ўрнидан турибди-да, Деҳқонга таъзим қилибди:

-Бизни яхши меҳмон қилганинг учун раҳмат сенга, биродар. Барча таомларинг жуда ҳам мазали экан. Берган нон-тузингга рози бўл.

Хурсанд бўлганидан Деҳқоннинг кўзлари ярқираб кетибди. Кончи эса Чеварга юзланиб, унга ҳам нон-туз учун миннатдорчилик билдириб, таъзим бажо келтирибди. Шунингдек, Этикдўз ва Темирчига ҳам миннатдорчилик изҳор этибди.

Стол атрофидагилар жим қолишибди. Ҳаммалари ҳайрон бўлганларича нимадир юз беришини кута бошлашибди.

-Мана ҳозиргина ҳаммаларинг ўз фикрларингни айтдиларинг,- дебди Кончи,-энди менинг фикримни ҳам эшитиб кўринглар.

-Гапир,-дебди Темирчи,-ичингдагини тўкиб сол.

-Менимча, ҳеч кимни хафа қилмаслик учун ҳаммага ўз нарсасини

қайтарганимиз маъқул. Деҳқонга нон ва ширинликларни, Чеварга мато ва кийим-кечакларни, Этикдўзга пойафзалларни, Темирчига темирни, менга эса рудани.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-Келишдик!-хурсандлик билан дебди Деҳқон,- мен розиман!

-Розимиз, розимиз!-бақиришибди қолганлар ҳам.

Кончи жилмайиб ўнг қўлини кўтарибди, чап қўли билан эса шайтоннинг думини чимчилабди:

-Худди шундай бўлсин!..

У шундай дейиши биланоқ чор-атрофда шовқин-сурон кўтарилибди, уй қарсиллаб, оёқ остидаги пол тебраниб кетибди. Нимаики темирдан ясалган бўлса, Темирчининг, тўқилган ва тикилган нарсалар Чеварнинг, жами тери, чарм буюмлар Этикдўзнинг, қолган нарсалар эса Деҳқоннинг ёнига учиб тушибди. Нималар бўлаётганини англаб етмасларидан уларнинг ҳаммаси даланинг ўртасида бўлиб қолишибди. Деҳқон қип-яланғоч, аммо ҳамма емишлар унинг олдида, Чевар уст-бошли, лекин оёғида пойафзали йўқ, Этикдўзнинг оёғида этиги бор холос, Темирчи онасидан янги туғилгандек ҳолда, шунга қарамай темир буюмлар билан. Кончининг ҳам эгнида ҳеч бир кийими қолмаган бўлиб, шайтонни орқасига яшириб олган экан. Шериклари қарашса, Кончининг ҳеч вақоси йўқ.

-Сени руданг қани?- сўрабди Деҳқон.

-Ҳозир руда ҳам бўлади,- жавоб берибди Кончи.- Ўзларингга яхшироқ қаранглар-чи, ҳамма нарсаларинг жойидамикан?

-Албатта жойида, менинг бари нарсаларим ўзим билан,- жавоб берибди Деҳқон.

-Меники ҳам,-тасдиқлабди Этикдўз.

-Йўғе, бекорларни айтишибсан,- жаҳл билан дебди Деҳқон.- Қандай қилиб матолар Чеварга ўтиб қолди? Улар нимадан тайёрланган? Ипдан, пахтадан, жундан! Булдарнинг ҳаммасини мен етиштирганман! Этикдўзнинг нарсалари ҳам ўзиники эмас, тери қишлоқ хўжалик маҳсулоти!

-Сени қараю,- хафа бўлибди Этикдўз,- этиклар кимники, эҳтимол уларни ҳам сен тиккандирсан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

-Жанжални бас қилинглар, лўттибозликни ҳам!- чидаб туролмай бақирибди Темирчи,- ҳаммамиз ҳам ўз нарсамиз устида эмас, балки барчамизнинг меҳнатимиз эвазига яратилган умумий нарсалар устида ўтирибмиз. Мана сени олиб кўрайлик, Чевар, матони нима билан тўқиб, кийимни нима билан тиккансан? Темир билан! Сен-чи, Этикдўз, тери ва чармга нима билан ишлов бергансан, этикларни нима билан тиккансан? Темир билан! Сен-чи, Деҳқон, дарахтларни нима билан кесгансан, тўнкаларни нима билан қазигансан, ерни нима билан ҳайдагансан? Текислаш ва экишни нима билан амалга оширгансан? Яна темир билан! Темирни эса Кончи қазган рудадан мен олганман! Бундан кўриниб турибдики, ҳаммамиз бир-биримизга боғлиқмиз. Барча ишни фақат бирлашибгина уддалаймиз, бир-биримизсиз ҳеч нарса қилолмаймиз. Бу ерда, на сеники, Деҳқон, на Чеварники, на Этикдўзники, на Кончиники ва на меники бор, ҳамма нарса бизники, барчамизники!. Қани, Кончи, мисол учун сен жами қазган рудангни ўзингга қайтариб ол-чи.

-Айтганингдек бўлсин!-дебди Кончи ва шайтоннинг думини чимчилаб қўйибди.- Қазиб олган рудаларим битта қолмай ер остига кириб кетсин!

Тўсатдан ҳамма ёқ гумбурлаб, ер титрай бошлабди. Осмонни қора булутлар қоплаб, чақмоқ чақибди. Бешовлон ерга юзтубан йиқилиб, нотаниш бир ерда ўзларига келишибди: унча катта бўлмаган майсазор, атроф улкан дарахтлар билан ўралган, ўртада гулхан ёняпти, ёнларида эса ғорга кириш йўли.

Сочлари елкасига тушган, соқоли ерни супургудек бўлиб ўсиб кетган Деҳқон ҳайрат билан ўртоқларига қарабди. Улар балчиқдан чиққандек кир-чир, соч-соқоллари ўсган, аъзойи баданлари бир амаллаб ҳайвонларнинг терилари билан ўралган, ярадор, яланг оёқлари олдида тошболталар ётганмиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

-Вой одамлар!...-фарёд чекибди Деҳқон,- менинг далаларим, дон тўла омборларим қани? Катта дарвозали уйим қаерда қолди?

-Ҳов ана уйинг,- кулиб дебди Кончи ғорни кўрсатиб.- Бу ерда, ўрмоннинг остида эса даланг. Ўрмонни кесиб, тўнгакларни кўчириш, ерни текислаш ва ҳайдаш, сўнг эса экин экиш лозим. Қани мана бу нарсани олгин-да, бир ҳунарингни кўрсат-чи!- деб унинг қўлига тошболтани тутқазибди.

-Нималар деяпсан, Кончи биродарим?- хўрсинибди Деҳқон,- тошболта билан бунақанги ўрмонни кесиб бўлмайди. Сен руда топиб, Темирчига тутқаз, у болта, арра, омоч ясасин, ана ундан кейин буғдойни экиш мумкин, кийим-кечак, пойафзал тикиш учун зиғир толаси ва тери ҳам бўлади.

Кончи Темирчи билан кўз қисишиб олгач, шайтоннинг думини қаттиқ чимчилабди:

-Қани, жинвачча, бизларни яна аввалги байрам столимиз атрофига қайтар!

Дарҳақиқат, бир зумда ҳаммаси аслига қайтибди. Деҳқон асал қуйилган идишни кўтариб дебди:

-бизлар жуда кўпдан буён қадрдонмиз. Маслаҳатлашиб иш қиламиз. Мана шу нонни, мана шу асални етиштиришда ҳам барчамизнинг ўз муносиб улушимиз бор. Келинглар, ҳаммамизнинг устимиздан ҳукмронлик қиладиган, исми Меҳнат бўлган нарсани шарафлайлик!

Йиғилганлар гулдурос қарсак чалишибди. Шу пайт Кончи ўрнидан турибди, эшикни каттароқ очиб айвончага чиқибди. Шайтонни қўлига олиб, белидан қуйироқ жойига шундай тепибдики, Шайтон то ҳанузгача ўша ерини қашигани қашиган эмиш. Чунки оғриқ ҳалигача давом этиб келаркан.

Нонни қандай бинога келишини энди тушуниб олдингми, ўғлим?

www.ziyouz.com kutubxonasi

-Тушундим,- жавоб бердим мен эртакнинг тезда тугаб қолганига ачиниб.-Нон кўпчиликнинг меҳнат маҳсули экан.

-Шундай, шундай,-деди отам хурсанд бўлиб,- қани бориб ухла, энди сени ақлинг ҳамма нарсага етади[170].

Биз ўша иккита нон бўламиз

Подшоҳлардан бири ўз фуқароларига садақа қилишни тақиқлаб қўйибди. “Агар кимда-ким садақа берадиган бўлса, унинг икки қўли кесиб ташлансин” - деб фармон чиқарибди. Шундан кейин бу мамлакатда ҳеч ким бировга садақа бермайдиган бўлибди.

Кунлардан бир куни қорни оч, ўзи яланғоч бир киши бир эшикни тақиллатиб, садақа сўрабди. Соҳибжамол бир қиз чиқиб, ҳарчанд:

- Бизда садақа берган кишининг қўлларини кесиб ташлайдилар, - демасин, ҳалиги бечора:

- Худо йўлида сўрайман, илтимос, бирор нарса бер, - деб туриб олибди.

Қизнинг унга раҳми келиб, иккита нон чиқариб берибди.

Бу хабар дарҳол подшоҳга етиб борибди - қизнинг икки қўлини кесиб ташлабдилар.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, подшоҳ онасига:

- Мен яна уйланмоқчиман, - дебди, - бирор чиройли қиз топсангиз.

- Яқинимизда бир қиз бор - ундан чиройлисини топиб бўлмайди, - дебди онаси. - фақат бир айби бор-да...

- Қанақа айб экан?

- Икки қўли кесилган.

Подшоҳ уни бир кўриш истагини билдирган экан, онаси бориб бошлаб келибди. Подшоҳ бир кўришдаёқ ошиқ бўлиб, унга уйланибди. Бу - гадойга иккита нон садақа

[170] Нон қадри. Ривоят ва эртаклар. Рус тилидан М. Кимсанбоев таржимаси. – Н.: Наманган, 2012. – Б.23.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилгани учун қўллари кесилган ўша хотин экан. Подшоҳнинг ундан ажралмай қолганини кўрган бошқа хотинлари ҳасад ўтида ёниб, турли фисқу фасодлар тарқатишибди, уни бузуқдан олиб-бузуққа солишибди. Тоқати тоқ бўлган подшоҳ уни боласи билан бир биёбонга элтиб ташлабди.

Боласини елкасига миндириб олган бечора аёл биёбон бўйлаб боши оққан томонга кетаверибди. Юра-юра бир дарёнинг олдидан чиқиб қолибди-да, чанқоғини қондириш учун соҳилга чўккалабди. Сув ичаман деб энгашган экан, елкасидаги боласи дарёга тушиб кетибди. У доду фарёд солганча қолаверибди.

Шу пайт ёнидан икки киши ўтиб қолиб, ундан:

- Нега йиғлаяпсан? - деб сўрашибди.

- Болам елкамда эди, сувга тушиб кетди - қутқаришга ожизман, - дебди йиғлаб аёл.

- Болангни олиб чиқиб берайликми?

- Жон дердим...

Икковлон Худои таолодан сўраб, дуо қилишган экан, шу лаҳзадаёқ бола соғ-саломат сувдан чиқиб келибди.

Улар яна:

- Қўлларингнинг аввалги ҳолига қайтишини хоҳлайсанми? – деб сўрашган экан, аёл:

- Илоё, мурод-мақсадларингга етинглар! - деб дуо қилибди.

Улар алланима деб дуо ўқишган экан, аёлнинг қўллари илгаригидан ҳам чиройли бўлиб ўз ҳолига қайтибди.

Шундан кейин ҳалиги кишилар:

- Бизнинг кимлигимизни биласанми? - деб сўрашибди.

- Оллоҳ билади, - дебди аёл.

- Биз ўша сен гадойга садақа қилган иккита нон бўламиз. Қилган садақанг қўлингнинг кесилишига сабаб бўлган эди. садақанг қўлингнинг кесилишига сабаб бўлган эди. Лекин

www.ziyouz.com kutubxonasi

шуни билиб қўйки, бировга яхшилик қилсанг, ҳеч қачон зое кетмайди, - деганча кўздан ғойиб бўлишибди[171].

Ноннинг уволи

Қадимда бир бойнинг арзанда ўғли бўлган экан. Бир куни у ёзилиб бўлганидан кейин ярим нондан кесак ўрнида фойдаланибди-да, ҳожатхона деворининг тирқишига тиқиб қўйибди. Орадан ҳафта ўтмай, шундай бир довул бошланибдики, ҳамма экинларни пайҳон қилиб ташлабди. Юртда очарчилик авж олибди. Одамлар очликдан ўла бошлабди. Бойнинг эркатой ўғли ҳам очдан ўлар ҳолда шишиб ётар экан, бирдан ўша ҳожатхона деворининг тирқишига ўзи тиқиб қўйган нон эсига тушиб қолибди. Судралиб бориб тирқишга қараса, нон ҳалигача ўша жойда турган экан. Олай деса, шишиб кетган қўли тирқишга сиғмай, тили билан олиш учун оғзини босганида, тирқишнинг нариги тарафидан бир илон чиқиб, унинг тилидан чақибди. Бола тил тортмай ўлибди. Ана шундан кейингина элда яна тўқчилик бошланибди[172].

Барча инсон ейдиган нон ейман

Искандар жаҳонни забт қилмоқ қасдида Чин мамлакатига кириб борди ва шоҳнинг саройи рўбарўсида ўз лашкаргоҳини қурди. Бир куни Искандарнинг хос ҳожиби Чин шоҳининг элчиси эшик орқасида кутиб тургани ва киришга рухсат сўраётгани ҳақида хабар қилди, Искандар элчини олиб киришларини буюрди.

Элчи Искандар ҳузурига киргач, унга таъзим қилди ва тик тураверди. “Нима гапинг бор?” сўради Искандар. “ Чин

[171] Шарқ ривоятлари. Биринчи китоб / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. – Т.”Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2013. –Б.170-171.

[172] Шарқ ривоятлари. Биринчи китоб / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. – Т.”Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2013. – Б.327.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шоҳи менга, Искандарга ниманики гапирсанг хилватда гапир, унинг олдида ҳеч ким бўлмасин, деб буюрган”, деди элчи. Искандар ҳамманинг чиқиб кетишини буюрди. Ҳамма чиқиб кетди. Фақат Искандарнинг хос қулларидан иккитаси қолдилар, холос. “Маҳрамлар олдида Искандарга айтадиган сўзим йўқ”, деди элчи. Искандар элчини тинтиб кўришни буюрди. Шундан сўнг маҳрамларига уни ҳоли қолдиришни буюрди ва элчига қараб: “Чин шоҳининг йўллаган хабари нимадир?” деди. “Чин шоҳи мен эрурман. Сенинг ҳузурингга келдим, токи қандай фармон берсанг, барчасини қабул қилгайман”, деди элчи. Искандар таажжубда деди:

- Нимага ишониб бунчалик журъат қилдинг? Билгинки, мен сени одил ва оқил подшоҳ деб билар эдим. Қадимдан то ҳозиргача ўртамизда ҳеч қандай кин ва адоват йўқ эди. Мен сенга ҳеч қачон қасд қилганим йўқ. Шунингдек бу ерга лашкаргоҳ қуриб, сенинг ҳам ниятинг бу мамлакатни озод қилиш эмас. Мабодо сен мени ўлдирганинг билан менинг ўрнимга бошқасини ўтқазадилар ва одам ўлдиришда бадном бўласан.

Искандар Чин шоҳининг оқиллигига таҳсинлар ўқиди ва: “Мамлакатингнинг уч йиллик хирожини хоҳлайман”, деди. Чин подшоҳи розилик билдирди. Искандар Чин шоҳининг дарҳол рози бўлганини кўриб “Бу хирожни тўлаб, адо қилганингдан сўнг аҳволинг не кечгай”, деб сўради.

- Шундай бўладики, ким мамлакатимга ҳужум қилса, албатта ҳалок қилади.

- Агар икки йиллик хирожингга қаноат қилсам-чи:

- У ҳолда, аввалги аҳволидан бир оз яхшироқ бўлади.

- Агар бир йиллик хирожингга қаноат қилсам-чи?

- У ҳолда мамлакатимга халал етмайди. Агарчи бу мол билан хазинам бўшаб қолса-да, аммо хушбахтлигим йўқолмайди.

- Мен ярим йиллик хирожингга розидурман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чин шоҳи шукр қилди ва: “Фалон куни дийдор кўришсак, ўз аркони давлатингиз билан бизнинг дастурхонимизга марҳамат қилиб, тановулдан кейин хирожни олиб, сўнгра қайтсангиз”, деди. Тайинланган куни Искандар ўз аркони давлати ва аскарлари билан бирга Чин шоҳи ҳузурига жўнади. Қарши томондан Чин шоҳининг беҳисоб аскарлари кела бошлади.

Оз фурсат ўтмай Чин аскарлари Искандар қўшинни ҳам ўраб олди. Чин шоҳининг аскарлари олдида Искандарники гўё дарёдан томчидек эди. Бу аҳволни кўрган Искандар ваҳимага тушиб, жанг тараддудига тушди. Шу пайт Чин шоҳи етиб келиб, Искандарга таъзим қилди. Искандар Чин шоҳига қараб: “Макр-ҳийла қилдингми?” деди.

- Кучли подшоҳлар макр-ҳийла қилмайдилар. Маккорлик ожизлар ишидир.

- У ҳолда ҳисобсиз аскарни йиғишнинг боиси нима?

- Бу ҳали ҳамма аскарим эмас, фақат ўрта (қалб) қисми холос. Маймана ва майсара қисмлари етиб келишмади. Мен ожизлигим туфайли сенга итоат қилаётганим йўқ. Сенга шунинг учун ўз аскарларимни кўрсатмоқдаман. Бироқ, шунга аминманки, сенга осмон давлати ёрдир. Кимки сен билан беллашса, у албатта йиқилажагини сездим. Шунинг учун ҳам сенга фармонбардор бўлдим.

- Сен иззат-эҳтиром ва эҳсонларга сазовор кишисан. Мен сендан олмоқчи бўлган молларнинг баҳридан кечдим, - деди Искандар. Шундан сўнг Чин шоҳи Искандарни қароргоҳига бошлади. Кенг сайҳон ерга гиламлар тўшалган, бутун аскарга етиб ортгудек ноз-неъматлар дастурхонга қўйилган. Майдоннинг юқори қисмига лаълдан гул солинган, атласдан чодир қурилган. Чодир қимматбаҳо зеб-зийнатлар билан безатилган эди. Заррин дастурхонлар устига қўйилган олтин косалар марварид ва жавоҳирлар билан тўлғазилган эдики, уларнинг қийматини баҳолаш амримаҳол эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чин шоҳи Искандарни дастурхонга ўтқазиб, тановул қилишни таклиф қилди. Искандар деди:

- Бу жавоҳирлар одамлар учун овқатлик қилмайди.

- Бўлмаса, сен нима ейсан?

- Барча инсон ейдиган нон ейман.

- Во ажаб, Румда нон топиш шунчалик мушкулмиди? Шунча машаққатлар чекиб бу ерларга келибсан?

Искандар йиғлади ва: “Менинг бу сафаримдан ҳеч қандай фойда бўлмаса-да, сенинг бу ҳикматли пандинг барча мақсад ва талабимга жавоб бўлди”, деди. Шундан сўнг Искандар ўз аскарларига орқага қайтишга фармон берди.[173]

Нон оқизишдан муддао

Қадимги “Аббосия” сулоласи халифалари Бағдод шаҳрида турардилар.

Уларнинг ўнинчи халифаси Мутаваккилнинг Фатҳ исмли бир ёш қули бор эди. Фатҳ ақлли, тарбияли ва зийрак йигит бўлгани учун Мутаваккил уни фарзандликка қабул қилиб, ўз фарзандларидан кўпроқ унинг тарбиясига аҳамият берарди. Фатҳ доимо сувда сузишга ўрганишни ҳавас қиларди. Кемачилар унга Дажла дарёсида сузишни ўргатдилар. Кунлардан бир кун Фатҳ Дажла дарёсида сузиб, ўз ҳунарини кўрсатмоқчи бўлди. Шу ният билан ҳеч кимга сездирмай дарё қирғоғига бориб, ўзини сувга ташлади. Сув жуда тез оқарди. Фатҳ қулоч отишга улгура олмади. Сув уни оқизиб кетди. Фатҳ сув юзида қалқиб кетавериб, ниҳоят сув уни қирғоқ яқинига оқизиб келтирди. Фатҳнинг дармони қуриган эди. Қирғоқ бўйидаги бир кичик ғорга кириб олиб, жон сақлади, бир неча кун у ерда умр ўтказди.

Фатҳнинг сувда оқиб кетганини кўрган одамлар бу воқеани дарҳол Мутаваккилга хабар берган эдилар. Мутаваккил

[173] Муҳаммад Авфий. Рашкчи эрни жазолаган хотин / Форс тилидан Илёс Низомиддинов ва Турғун Файзиев таржимаси. Нашрга тайёрловчи Лазиз Тангриев. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б.189-192.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамма кемачиларни чақириб, Фатҳни топиб келтиришга буюрди.

Фатҳни тириклигича ёки ўлган бўлса жасадини келтирган кишига инъом-эҳсон ваъда қилди. Ҳамма кемачилар Фатҳни излашга киришдилар. Бир кемачи Фатҳ ётган ғорга келиб қолди. Ғорда ўтирган Фатҳни кўриб, жуда шодланди, дарҳол уни қайиққа ўтқазиб, Мутаваккилнинг ҳузурига келтирди. Халифа жуда ҳам хурсанд бўлиб, топиб келтирган кишига кўп инъом-эҳсон қилди.

Мутаваккил, ўғлим неча кундан бери овқат емаган, оч ётган, деб ўйлаб овқат келтиришга буюрганди, Фатҳ қабул қилмай қорни тўқ эканини айтди.

Мутаваккил ҳайрон бўлиб, ўғлидан бунинг сабабини сўради.

Мен ғорда бир ҳафта турдим. Ҳар кун бир идиш ичига жойланган йигирматача нон сув юзига оқиб келарди. Мен ўша нонлардан уч-тўрттасини олиб қолиб, идишни яна оқизиб юборардим, Мана шу нонларни еб ҳаётимни сақладим. Қизиғи шунда-ки, ҳар бир ноннинг юзига “бу нонларни дарёга ташлаган киши Ҳасан кафшдўзнинг ўғли Муҳаммаддир” деган жумла ёзилганди,– деб жавоб берди Фатҳ.

Мутаваккилнинг буйруғи билан жарчи шаҳар халқига:

– Ҳар кун дарёга нон оқизадиган киши ўзини маълум қилсин, халифа унинг иззат-ҳурматини бажо келтириб, инъом-эҳсон билан хурсанд қиладилар – деб эълон қилди. Эртаси куни бир киши халифа ҳузурига келиб, ҳар кун дарёга нон оқизиб турган киши ўзи эканини айтиб, нонларга ёзилган жумлани далил этиб кўрсатди. Мутаваккил ундан: “Шу иш билан неча вақтдан бери машғул бўласиз? Нон оқизишдан муддао нима?”–деб сўради. У киши:

– Мен бобомдан: “Яхшилик қилиб, дарёга ташласанг ҳам албатта бир кун сенга фойдаси тегади” – деб эшитган эдим. Менинг қўлимдан бошқа хил яхшилик келмас эди, куч-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қудратим фақат нонга етарди. Шунинг учун сувда ғарқ бўлишдан ёки бошқа бир фалокатдан қутулиб дарё қирғоғи бўйида оч ўтирган одамлар олиб есинлар деб, ҳар кун дарёга нон оқизардим. Нонларимни олиб еганлар ҳаққимга дуо қилсинлар деб, нон юзига ўзимнинг ва отамнинг исмини ёзиб қўярдим. Бир йилдан бери шу иш билан машғулман. Бобомнинг сўзларига ишониб қилган яхшилигимнинг мукофотини кўрарман деб умид этаман,– деди.

Мутаваккил у кишига кўп илтифот қилиб:

– Бобонгиз жуда тўғри айтган, қайси йўл билан бўлса ҳам яхшилик қилган киши, албатта яхшилик мукофотини олади. Сизнинг қилган яхшилигингиз соясида ўғлим Фатҳ очлик заҳматини чекмаган, ҳаётини сақлаб қолган,– деб Фатҳнинг бошидан ўтган воқеани айтиб берди. У кишига кўп олтин ҳадя қилди, инъом-эҳсон қилиб, уни хурсанд этди

Нон билан ёғ

Амирал мўминин Умар ибн Хаттобнинг бир тўп ўғиллари бор эди. Лекин улар орасида Аблуллоҳ отасига бошқаларидан қуйиб қўйгандек ўхшарди. Абдуллоҳ ибн Умарнинг ҳам ўғиллари отасиникидан кўпроқ, лекин кам эмасди. Аммо улар ичида Солим ўзига қуйиб қўйгандек эди... Валид ибн Абдулмалик ҳажга борди. Одамлар Арафотдан қайтиб келаётганда халифа Солим ибн Абдуллоҳни эҳром кийган ҳолида Муздалифада учратди. Унга салом бериб, Аллоҳ сенинг мартабангга баланд қилсин, деб дуо қилди. Сўнг унинг яланғоч баданига кўзи тушиб, унинг келишган келбатини кўриб:

– Сен алпқомат йигит экансан, эй Абу Умар, – деди, — кўпроқ нима тановул қиласан?!

– Нон билан ёғ. Баъзан топсам гўшт ҳам ейман, – деди Абу Умар.

Нон ва ёғ дейсанми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

У бошини ирғаб тасдиқлади.

– Доим уни еяверасанми?

–То иштаҳам тортмагунча, баъзан уларни ҳам тарк қиламан!

Тарозида тортилган нонлар

Бир куни Баҳлул доно подшоҳ Хорун ар-Рашиддан бирор вазифага тайин қилишни сўради. Хорун ар-Рашид уни бозор тафтишчиси лавозимига тайинлади.

Баҳлул эса дарҳол вазифага киришди ва биринчи бўлиб бир новвойхонага борди. Бир нечта нонни тарозида тортиб кўрди ва барчасининг ўлчовида нуқсон борлигини кўрди. Новвойдан сўради:

- Ҳаётингдан мамнунмисан, топганинг оила боқишга етяптими?

Новвой саволларнинг барчасига нолиш билан жавоб берди, бирор нарсадан мамнун ҳолда эмасди.

Баҳлул унга ҳеч нарса демай кетди ва бошқа бир новвойхонага борди. У ерда ҳам бир нечта нонларни тортиб кўрди. Нонлар ўлчовда оғир эди, бирортасида нуқсон йўқ эди. Худди ўша саволлар билан бу новвойга ҳам мурожаат қилди ва ундан ижобий жавоблар олди. Новвой ҳеч нарсадан шикоят қилмади, аксинча барчасидан мамнун эди.

Шундан сўнг Баҳлул Доно бошқа бирор ерга кирмасдан Хорун ар-Рашиднинг ҳузурига борди ва бошқа вазифа сўради.

Подшоҳ унга:

- Баҳлул сенга яқиндагина бу вазифани бергандик, нима сабабдан бунчалик тез чарчадинг? - деди.

Баҳлул эса шундай жавоб берди:

- Подшоҳим, бозорнинг ўз тафтишчиси бор экан. Мендан аввал келиб нонларни ва виждонларни тор тиб, шунга кура

www.ziyouz.com kutubxonasi

барчанинг ҳисоб-китобини қили ди, менга эса эҳтиёж қолмабди.[174]

Одамлар босмасин деб

Қадим замонда бир бадавлат одам қозининг ёнига бориб, мол-дунёсининг кўплигини, камбағалларга ҳар қанча хайр-эҳсон қилса ҳам камаймаётганини айтиб, “Молу давлатимнинг, пулларимнинг ҳисобига етолмай қолдим, дуо қилинг ёки бирон та йўл кўрсатинг, давлатим озгина камайсин”, дея арз қилибди. Қози бу арздан ниҳоятда ҳайрон бўлибди, унга нима деб маслаҳат беришни билолмай боши қотибди.

Охири:

— Сиз туяга миниб, йўлда нон еб кетинг, шунда давлатингиз камаяди, — дебди.

Бой туяга миниб, йўлда нонни бурдалаб ея бошлабди. Нонни еб бўлай деганда, иттифоқо ноннинг кичкина ушоғи ерга тушибди. У дарҳол туяни чўктириб, нон ушоғини ердан қидира бошлабди. Кўп қидирибди, лекин тополмабди. Ахийри, нон ушоғини одамлар босмасин, деб шу ерга тупроқ олиб келиб, гумбаз қилиб қўйибди.

Бу одамнинг давлати кундан-кунга янада зиёда бўлибди. У яна қозининг ёнига борибди.

— Тақсир, айтганингизни қилдим.— Нима қилдингиз?

— Туянинг устида нон едим. Лекин, ноннинг охирги бурдасини еб бўлай деганимда, ушоғи ерга тушиб кетди. Ноннинг ушоғи ҳам нон-да. Нондан азиз нарса борми, дея туядан тушиб, кўп қидирдим. Лекин топа олмадим. Бу ушоқни одамлар босмасин, деб ўша жойга тупроқ солиб, гумбаз қилиб кўтариб қўйдим, — дебди.

Қози ўйланиб қолибди-да, “Сиз ноннинг ушоғини ҳам шунчалик азиз санаб, одамлар босмасин деб атрофини ўраб

[174] Мавлонодан қолган ҳикматлар. Тасаввуфий ҳикоялар. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2022 - Б.165.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйибсиз. Билингки, Аллоҳ сизни асло кам қилмайди. Давлатингиз тобора зиёда бўлаверади. Хайр-эҳсон қилиб юраверинг. Аллоҳ сиздан рози бўлсин", дебди.

Дастурхондаги ушоқлар

Миср Султони Қози Абу Абдуллоҳни Рим қиролига элчи қилиб юборди.

Қирол элчининг шарафига катта зиёфат берди. Дастурхонда овқат тугагач, Абу Абдуллоҳ ушоқларни териб ея бошладилар. Буни кўрган Рим қироли у кишининг қоринлари тўймади, деб ўйлади. Хизматкорларига янги бир дастурхон тузашларини буюрди. Қози Абу Абдуллоҳга ҳам:

- Ушоқларни териб ейишни тўхтат. Сенга ҳозир янги бир дастурхон тузашади, - деди. Абу Абдуллоҳ эса қиролга кулимсираб шундай дедилар:

- Бизга Расулуллоҳ (с.а.в.): "Дастурхонда қолган ушоқларни тўплаб еган кимса аҳмоқликдан ва фақирликдан қутулади", деганлар. Шуни эшитганимдан бери доим шундай қиламан. Бўлмаса, оч эмасман.

Абу Абдуллоҳнинг динидаги самимиятига тасаннолар айтиб Рим қироли у зотга минг олтин ҳадя қилди Абу Абдуллоҳ эса табассум билан:

-Пайғамбаримиз (с.а.в.) қандай ҳам тўғри сўзлар. Мана бир онда бой бўлдим. Ва ҳеч ким мени аҳмоқ демайди, - дедилар.[175]

Ушоқтепа афсонаси

Қашқадарё вилоятининг Косон туманида Ушоқтепа қишлоғининг бир чеккасида шу ном билан аталадиган кичик бир тепалик бор. Қишлоқ номи шу тепалик номидан юзага келган. Нега "Ушоқтепа" деб аталганини сўрасангиз, қишлоқ аҳли турлича, қизиқ-қизиқ ривоятлар сўзлайди. Ҳар бири

[175] Оилам билан ҳар кун бир ҳаёт дарси ўрганамиз / нашрга тайёрловчи: Меҳинбону Муҳаммадиева. -Т.: Sano-standart, 2017. –Б. 236.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзига хос. Ҳаммасида инсон меҳнати, нон, унинг инсон учун зарурлиги улуғланади...

Элда сайил куни экан. Ёшу қари, каттаю кичик яланглиққа йиғилган. Ким кураш тушиш билан, ким тош кўтаришу тош ирғитиш, ким камончиллик отиш билан овора. Ким отда улоқ чопиш, кимўзарга пойга билан банд. Ким ариқ қазиб, сув йўлини очмоқда, ким қанча қазиб, ниҳол ўтказиш билан машғул. Дала бўйлаб қўшиқ таралади. Дошқозонларда турли таомлар пишмоқда, дастурхонлар ноз-неъматларга бой. Ҳамма хурсанд шод. Ахир Наврўзи олам –эл байрами. Байрам шодиёнаси кечгача давом этибди. Охирида эл оқсоқоли тик туриб, фотиҳага қўл очибди. Қўлида бир бурда нони бор экан, ошиққанидан уни бармоқлари орасига қистирибди ва меҳнат қилган ёшлар, меҳрибон ота-оналар, қишлоқ заҳматкашлари шаънига илиқ сўзлар, панд-насиҳатлар айтибди. Аммо сўзини тугатолмабди. Сўзи узуқ-юлуқ, юзи ғамгин бўлиб қолибди. Эл катталари дарҳол оқсоқол ёнига тўпланишибди. Ни ҳол? Нима бўлди? Билишса, қўлидаги еб улгурмаган ноннинг бир ушоғи ерга тушиб кетган экан. Оқсоқол у ён-бу ён қараб тополмабди. Ҳамма ерни титкилаб, ушоқни қидирибди. Бахтга қарши, кеч кириб қолган экан, қоронғилик халақит қилибди. Оқсоқол буюрибди, катталар аҳдлашибди: эртага ҳамма бел, кетмон, элак, ғалвир олиб чиқади, ҳамма нон ушоғини қидиради, топилмагунча тиним йўқ. Оқсоқол уйига ҳам бормабди. Шу ерда тунабди. Элак, ғалвир кўтарган халқ эртасига яланглик ва унинг атрофини эринмай элаб чиқибди. Тупроғини бир жойга уйибди, бир тепа ҳосил бўлибди. Лекин ушоқ чиқмабди. Ҳориган халқ оқсоқолнинг ёнига келибди. Ушоқнинг қаердан, қандай тушиб кетганини билгиси келибди. Оқсоқол қайта тушинтирибди. Бирови топқирлик қилиб, унинг белбоғини ечса, енгига тушган ушоқ белбўғарига келиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўхтаган экан. Шундай қилиб ушоқ топилибди, тепага эса эл Ушоқтепа деб от қўйибди[176].

Дунёдаги энг яхши ҳидни келтиринг!

Ҳирот султони Ҳусайн Бойқаро “Дунёдаги энг яхши ҳидни келтиринг!” — деб қолибди бир куни. Сарой аҳли чор тарафга югуришибди. Унга қучоқ-қучоқ гул келтиришса ҳам, қалампирмунчоқни рўпара қилишса ҳам, ер юзидаги жамики хушбўй ҳидли нарсаларни муҳайё этишса-да султон:

– Мен истаган нарса бу эмас!— деб туриб олибди.Кейин:

– Уч кун муҳлат бераман. Шу муҳлатда топсаларинг, топтиларинг, бўлмаса, ҳаммангни жазога торттираман! – дебди.

Вазирлар нима қилишни билолмай, ўйлайвериб, тоза бошлари қотибди. Ҳусайн Бойқаро истаган ҳидни топиша олмай, охири Алишер Навоийнинг олдига боришибди. Бу кунлари шоир ижод билан банд бўлгани учун саройдаги ҳангомалардан бехабар экан. Вазирлару уламолар:

– Султонимиз айтган ҳидни топиб, бизни шу балодан халос қилинг,– дейишибди. Дўстининг кўнгли нимани истаб қолганлигини билолмай, Алишер Навоийнинг ҳам боши қотибди. У хаёл суриб, ариқ ёқалаб кетаётган экан, экин суғораётган деҳқон бобога дуч келибди. Салом-аликдан сўнг, “энг яхши ҳид ниманинг ҳиди?” – деб сўраган экан, янги ёпилган нонни олиб боринглар-чи, отам раҳматлик дунёда энг лаззатли ва ёқимли ҳид– қайроқи буғдой унидан ёпилган нон ҳиди, ҳеч қайси ҳид унга етолмайди, дегувчи эдилар, деб маслаҳат берибди деҳқон бобо.

Алишер Навоий хурсанд бўлиб, деҳқон бобо айтганидай, бир сават нон ёптирибди-да, саройга етиб борибди. Бир зумда саройга ажиб бир ёқимли ҳид таралиб, барчанинг дилини яшнатиб юборибди.

---

[176] Нафасов Т. Афсона ва ҳақиқат // “Ёшлик”, 1989. № 2. – Б. 69.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Раҳмат, дўстим,— дебди Ҳусайн Бойқаро қувониб,— кўнглим янги ёпилган нон исини истаётган экан, топиб келибсиз. Дунёда янги ёпилган нон исидан кўра азизроқ, ёқимлироқ ҳид йўқ экан.

– Султоним, раҳматни менга эмас, деҳқон бобога айтинг. Кўнглингиз хоҳишини шу киши топди,— деб жавоб берибди Алишер Навоий.

Дўстининг камтарлигига, донолигига яна бир бор таҳсин ўқиган Ҳусайн Бойқаро деҳқон бобога бош-оёқ сарпо беришни буюрибди[177].

Ўғирланган нон

Бир куни икки киши Робиятул Адавиянинг уйига меҳмон бўлиб келди. Иккисининг ҳам қорни оч эди. "Таоми ҳалол", деган ўй билан унинг уйидан қорин тўйдириш ниятида эдилар.

Шу пайт эшик тақиллаб, бир одам Аллоҳнинг ризолиги учун садақа сўради. Робия ҳазратлари уйида бор иккита нонни унга бериб юборди. Келган одам хурсанд бўлганча нонларни олиб кетди. Бир соатдан сўнг яна бир одам қучоғи тўла нонлар билан келди. Робия ҳазратлари эса нонларни санади, улар ўн саккизта эди. Сўнг ҳалиги одамга:

Нонлар йигирмата бўлиши керак эди, - деди.

Нонни олиб келган киши улардан иккитасини беркитиб олган экан, ёнидан чиқариб берди. Бўлаётган ишларни кузатиб ўтирган меҳмонлар ҳайрат билан сўрадилар:

Бу қандай синоат? Биз сизнинг нонингизни ейишга келгандик, бор нонингизни тиланчига бериб юбор- дингиз. Унинг ортидан келган нонларни эса иккита кам, деб айтдингиз.

Робиятул Адавия жавоб берди:

---

[177] Эл деса Навоийни: (Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар) // Тўпл. ва нашр. тайёрловчи М. Жўраев / –Т.: Чўлпон, 1991. –Б.27-28.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сизлар келганингизда қорнингиз оч эканини билдим. Ёнингизга қўйишим керак бўлган иккита нонимни тиланчига бериб юбордим. Аллоҳ таолодан бу нонлар меҳмонларимнинг қорнини тўйдиришга етмаслигини ва биттасининг ўрнига ўнтасини беришини сўрадим. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бирга ўн беришини ваъда қилган. Мен Унинг ваъдасига шубҳа қилмадим ва битта нон ўрнига ўнта келишини билганим учун ҳам улардан иккитаси кам эканини айтдим.[178]

Нон сеҳри

Самарқандда бир Али деган меъмор бўлган экан. У бир-биридан гўзал иморатлар қурар экан-у, усти кийимга, қорни нонга тўймас экан. Кунлардан бир куни Али қаттиқ касалга чалиниб, ётиб қолибди. Табибларга кўрсатибди, шифо топмабди, фолбинларга фол очирибди, бўлмабди, кушночларга қоқтирибди, тузалмабди.

Табиблардан бири Алини ўзи қурган томга олиб чиқишни маслаҳат берибди, у ерда ётса балки дардига даво топар деган гап қилибди. Алининг дўстлари уни ўзи қурган томга олиб чиқиб қўйишибди. Али у ерда кундузи Осмон билан Кунга, кечаси Ой билан Юлдузга қараб ётаверибди.

Кунлардан бир куни шаҳарга қароқчи ўғрилар бостириб келишибди. Шу шаҳарлик бир косиб Маърифат деган ҳусн-жамолда тенги йўқ қизини улардан қочириб, томга олиб чиқиб қўйибди. Томда касал ётган Алининг димоғига ёқимли ҳид кириб, анча-мунча енгил торта бошлабди. Бунинг сабаби, Маърифат олиб чиққан қопга онаси билан ўзи ёпган Самарқанд нонидан солинган экан-да! Алига нондан берибди. Нондан еган Алининг кучига куч қўшилиб, касали ҳам шифо топа бошлабди. Маърифатда Алига нисбатан илиқлик пайдо бўлибди. Али ҳам Маърифатга меҳр қўйибди. Бу илиқлик,

[178] Мавлонодан қолган ҳикматлар. Тасаввуфий ҳикоялар. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2022. -Б.135.

www.ziyouz.com kutubxonasi

меҳр бориб-бориб ишқ-муҳаббатга айланибди. Али аста-секин тузала бошлабди. Бу орада шаҳар қароқчи-ўғрилардан ҳам халос бўлибди. Кейин Али ҳам, Маърифат ҳам томдан тушишибди. Иккови бир-бирини қаттиқ севиб қолишгач, тўй қилиб оила қуришибди. Али қайтадан куч-қувватга кириб, янгидан-янги гўзал, чиройли бинолар қураверибди. Маърифат бўлса бир-биридан чиройли, ширин нонлар ёпаверибди. Али кўрган бир-биридан яхши биноларининг донғи оламга тарқалган бўлса, Маърифатнинг бир-биридан сертаъм, мазали нонларининг донғи етти иқлимга кетибди. Шундай қилиб, Самарқанд нони икки ёшни бир умрга қовуштириб, тинч-омон ҳаётга бошлабди, мурод-мақсадга етказибди. Али ҳозир ҳам кўркам бинолар қурармиш. Ишдан ҳориб-чарчаб келса, Маърифат иссиқ нон билан кутиб олар эмиш. Қуёшдан нусха олган нон Маърифат ва Али қалбини ҳамон бирлаштириб турармиш.[179]

Халққа нон берган одам ўлмайди

Ривоят қиладиларки, Мусо алайҳиссалом Фиръавнни роҳи ростга ундайди, аммо у кўнмайди, худолик даъвосини қилиб, дабдабали ҳаёт кечираверади. Фиръавннинг дастурхонига ҳар куни тўрт минг қўй, тўрт юз мол, икки туя сўйиларди. Миср аҳолиси ва лашкари шу дастурхондан ризқ топарди. Фиръавн яна тўрт юз йил шу тахлит ҳаёт кечиришни даъво қиларди. Буни кўриб турган Мусо алайҳиссалом Яратганга илтижо қилади: “Ё Раббим, Фиръавнни ҳалок эт!”. Фалакдан нидо келди: “Ё Мусо мен Фиръавнни ўлдираман”.

Орадан бир неча йил ўтади. Фиръавн илгаригидек дабдабали ҳаёт кечиришда давом этарди. Мусо яна Яратганга илтижо қилиб: “Эй Раббим, Сен Фиръавнни ўлдираман деб

[179] Жаҳон халқлари эртаклари: 10 жилдлик. [(Таҳрир ҳайъати: А. Ҳ. Бобохонов ва бошқалар:) Жилд 3. Ўзбек асотирлари, ҳикматлари, ривоятлари. Шифобахш чашмалар. чашмалар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б.163-164.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ваъда берган эдинг-ку? У ҳали ҳам кофирлиги ва шайтоний даъволардан қайтмаяпти. Қачон уни ҳалок этасан?” дейди. Шунда Ҳақ таолодан жавоб келади: “Эй Мусо, сен уни тезроқ ўлдиришимни истайсан. Бироқ у минглаб кишиларни боқяпти. Фиръавннинг таомини еган ҳар бир одам унинг умрини узоқ этишимни сўраб дуо қиляпти, шу боисдан уни ўлдиролмайман. Халққа нон берган ўлмайди” деган нидо келади. “Унда берилган ваъданг устидан қачон чиқасан?” деб сўрайди Мусо алайҳиссалом Яратгандан. Тангри шундай жавоб қилади: “Қачон халққа нон беришни тўхтатса, шунда ваъдамнинг устидан чиқаман. Халққа нон беришни камайтирса, билгилки, унинг ажали яқинлашяпти”.

Тангрининг айтгани бўлибди. Фиръавн хасисликка ўтиб, халққа берадиган нонни ва егизадиган таомининг миқдорини кундан кунга камайтира бошлабди. Мусо алайҳиссалом билибдики, Ҳақ таолонинг ваъдаси яқинлашмоқда.

Илло, хассислик ва зиқналик – завол аломати. Фиръавн денгизга ғарқ бўлган куни унинг ошхонасида иккитагина қўй сўйилган экан, холос.

Қиссадан ҳисса шуки, халққа нон берган одамнинг умри узоқ бўлади, хасислик эса заволга олиб боради.

Нонвойнинг қозига арзи

Бир қозининг олдига новвой келиб, бир фақир одамнинг устидан шикоят қилибди:

– Бу одам ҳамиша бозорда менинг дўконим олдида туради – мен ёпаётган нонларнинг ҳидини тўйиб-тўйиб ҳидлайди-ю, сариқ чақа бермайди.

Абу Нувас анча вақт ўйланиб қолибди. Сўнг новвойга дебди:

– Сен ҳақсан. Бу одам сенинг нонларингни ҳидлаб ҳузур қилган бўлса, демак, сенинг меҳнатинг самарасидан фойда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланибди. Бунинг эвазига у харажатларингни тўлаши керак. Сенга икки динор кифоя қилар-а?

Шодликдан новвойнинг кўзлари чақнаб кетибди, фақир одам эса йиғлай бошлабди.

– Нақадар қашшоқ эканим Аллоҳга маълум. Мени оёғимдан силкитганда ҳам жиринг этиб бир танга тушмайди. Туршакдан шарбат олиб бўлармиди?

Қози унинг сўзларини эшитиб, яна ўйланиб қолибди. Кейин шундай дебди:

– Сен қашшоқ бўлганинг учун пулни мен ёнимдан тўлаб юбора қоламан.

Шундай деб, у ёнидан икки тилла чиқарди. Новвой сабрсизлик билан пулни олгани қўл чўзди.

–Шошма, – деди унга Абу Нувас. – Бу одам нонингни едими?

–Йўқ, тақсир, – деди новвой.

–Нонингдан жиндай ушатиб олдими?

–Йўқ, тақсир.

–Бўлмаса, нонингга пуфлаб, уларни беўхшов қилиб қўйдими?

–Йўқ, ундай қилгани йўқ, тақсир.

– Ундай бўлса, нонларингни бемалол сотаверсанг бўларкан-да? Балки аллақачон сотиб ҳам бўлгандирсан?

– Ҳа, ҳа, тақсир.

– Бу одам нонингнинг ҳидига қаноат қилган бўлса, сенга ҳам танганинг жирингги кифоя қилар.

Ажойиб нонвой

Ажойиб бир нонвой бор эди. Харидорлар қалбаки пул беришаётганини била туриб ҳам уларнинг пулини олар ва сўраган нонларини берарди. Ён-атрофидагилар унинг бу одатини билишар ва ҳайрон бўлишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг нима учун бундай қилаётганини сабабини ҳеч ким билмасди...

Ниҳоят омонатини топширадиган фурсат етганда нонвой қўлларини очди ва Яратганга: "Эй Роббим, йиллар давомида одамларнинг менга сохта пул берганини ва уларни ранжитмай истакларини бажарганимга Ўзинг шоҳидсан. Мен ҳам бугун Ҳузурингга сохта тоат-ибодат билан бормоқдаман, мени хам ранжитмагин!!!"- дея илтижо қилди...[180]

“Нон олиб келинг”

Китоб туманининг тоғу қирлар пойида Қайнар қишлоғи жойлашган. Одамлари меҳнатсевар, лафзи ҳалол кишилар. Қишлоқ ўртасидан “Тошкент – Термиз” тракти - катта автомагистрал ўтган. Китобдан келаётганда, қишлоққа кераверишда ўнг томонда Ҳазрати Башир зиёратгоҳига қараб кетиладиган бурилиш ҳам бор. Ўша бурилишнинг ёнида қишин- ёзин бир девонасифат киши эшак-араваси билан туради. Ёнидан ўтсангиз, йўлнинг ўртароғига чиқиб олиб, дуога қўл очади, сизни тўхтатмоқчи бўлиб, қўл силкий бошлайди. Бордию, тўхтасангиз, бор-йўғи бир сўз айтади: “Қайтишингизда менга иккита нон олиб келинг”. Бўлди, бошқа лом-мим демайди.

Мабодо, жини суйган кишисини учратиб қолса, у билан бемалол суҳбат қуради. Кўпларнинг айтишича, агар тўхтаб ўтилмаса, сафарга кетаётганларнинг иши юришмасмиш ҳам. Буниси бизга қоронғу, лекин ушбу бир оғиз: “Қайтишингизда нон олиб келинг” калимаси замирида ётган маънога разм солайлик. Аввало, бу инсон бизга яхшилик илинмоқда. Иккинчидан, у бизни соғ-саломат манзилга етиб бориб, яна

[180].https://www.facebook.com/groups/1360913154496981/user/100005395561019/?__cft__[0]=AZW6DvJ_Q71HXFpkQZk5-WPp-kpB6VxIU_ubVnGN-yQYkUQLqHG1sPD9WqcPsqFPeocsVRw5D2vBnT5GvDb4-pmFUQvUbkHvtHIN5ouPkiHrE_b9NsNtYZYg8YDOIG8Vm9SHzcFfOnEoWU-ECDBW3xqlh8XWiUj4yjxghzHwXAEts9cUrfHAlzKMvnUaXk_d1eUzBdmSeqr_u6HG6tWr1bTV_yyZQX9thggo3YpEE9mC3NcPVo5IIfxtc4rwAl6pAks&__tn__=%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

омон-эсон ортга қайтишимизни дуо қилмоқда. Қолаверса, у бизнинг уйимизга нондек азиз неъмат билан қайтишимиз тарафдори.

Қаранг-а, биз девона деб писанд қилмайдиган бир инсон нияти ортидаги орзу-истакларга? Бу бизнинг билганларимиз, холос. Ушбу бир оғиз калима замирида яна қандай маънолар яширин, билмадик. Шуни айтсалар керак-да, "Кимни кўрсанг, Хизр бил", деб![181]

Генрих Бёлл. Нон таъми[182]
(ҳикоя)

Ертўладан ачимсиқ, бадбин ҳид келарди, у ёпишқоқ зинадан саримтир қоронғулик қаърида тимирскиланиб ўзига йўл мўлжаллаб, секин-аста пастга тушди. Қаердандир чакка оқаётир, чамаси ёки том тешилган ёки сув қувури дарз кетган. Чанг ва ахлат чиқиндилари сувга аралашиб зина поғоналари худди аквариум тубидаги қолдиқ каби шилим-шиққа айланиб, сирпанчиқ бўлиб ётибди. Орқадаги эшикдан хира ёруғ тушиб турибди, у ним қоронғулик ичида ўнг томондаги "Рентген хонаси, илтимос безовта қилманг" деган ёзувли тахтачани кўрди. Ёруғликка яқин келди, сариқ рангдалиги, хира ва милтиллаб турганидан тушундики, ёнаётган шам эди. Яна бироз юриб қоронғу хонага бир қур назар солди, бу ерда пала-партиш қалашиб ётган стуллар, чарм кушеткалар ва абжағи чиқиб ётган шкафларни кўринди.

Ёруғлик тушаётган эшик ланг очиқ эди. Баланд бўйли меҳроб шами ёнида мовий либосда руҳоний аёл турар, у ажабтовур косадаги салатни қўллари билан аралаштирар эди; коса тагидаги яшил барглар устига оқиш қайла қуйилганидан енгилгина шапиллайди. Аёл пушти рангга кириб қолган қўллари билан салатни айлантириб аралаш-

[181] Маҳмудов О.А. Фарзанднома. – Т.: "Ўқитувчи" НМИУ, 2020. – Б.278-279.

[182] Интернетдан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирар, косадан тушган баргчаларни хотиржамлик билан олиб яна косага солар эди. Шамдоннинг ёнида катта тунука бидон турар, ундан қайноқ шўрва, сабзи ва пиёзнинг ҳиди келарди. У баланд овозда:

— Кечки салом, деди. Руҳоний аёл ўгирилиб қаради, унинг пуштиранг сербар юзида қўрқув аломатлари ҳукмрон эди, у базўргина эшитиладиган овозда жавоб қилди:

— Эй Худойим, Сизга нима керак эди? Унинг бармоқларидан сутли қайла томиб турар, оппоқ, болаларникига ўхшаш қўлларига салатнинг майда барглари ёпишиб қолган эди.

— Эй, Оллоҳ, мени жуда қўрқитиб юбордингиз, сизга нимадир керакмиди?

— Менинг қорним оч, — оҳисталик билан тан олди у. У аёлга бошқа қарамади, унинг нигоҳлари ўнг томонда турган шкафда эди, шкафнинг эшиклари худди шамолдан синиб тушганга ўхшайди, чунки фанерли бўлаклари илмоқда осилиб турарди; ерга локнинг арчиб ташланган қипиқлари сочилиб ётарди. Шкафда тахлаб қўйилган нон анчагина эди. Думалоқ бўлка нонлар бир-бирига тартибсиз ҳолда қалашиб турар, уларнинг асосий қисми эзилган, суви қочган эди. У оғзида пайдо бўлган сўлакни қийинчилик билан ютар экан, ўйлади: ”Мен нон ейишни истайман, нима бўлишидан қатъи назар, нон ейишим керак…” У руҳоний аёлга қаради, аёлнинг болаларча боқувчи кўзларида қайғудошлик, шу билан бирга, қўрқув мужассам эди.

— Сиз овқатланишингиз керак, — шундайми? – савол аломати билан аввал косага, кейин таом солинган бидонга, сўнг нон тахланган полкага қаради аёл.

— Нон, деди у. – Илтимос, менга нон беринг. Аёл шкафдан бир булка нон олди ва уни столга қўйиб, кесиш учун пичоқни ахтара бошлади.

— Раҳмат, қўйинг, ҳеч нарсани излаш шарт эмас, ахир нонни бўлиб ҳам ейиш мумкин-ку! Руҳоний аёл салат

www.ziyouz.com kutubxonasi

солинган косани, шўрва қуйилган бидонни олди-да, чиқиб кетди…У нонни синдирди, у шундай аҳволда эдики, ияги қалтираётгани, лаблари қимирлаётгани, жағи қандай қилиб бориб келаётганини сезиб турарди. Ниҳоят, у ноннинг таъмини тотишга киришди, унинг тишлари ишга тушди. У нон ерди. Нон эски эди. Балки бир ҳафталикдир, суви қочган, кўкимтир, қанақадир фабриканинг маркаси бўлса керак, алвон рангли қоғоз лента билан ўраб қўйилган. У ноннинг юмшоқ жойидан то чарм қобиқдай қизариб пишган қиррасига етгунча тишлади, кейин нонни қўшқўллаб тутиб яна бир бўлагини синдирди; ўнг қўли билан синдириб олинган бурдани оғзига солди, чапи билан эса ноннинг қолганини маҳкам ушлаб олди; ноннинг ҳар бир синдирилган бўлагини юмшоқ жойидан тишлашга уринар, бунда у ноннинг юзига қадалишини, қуриб қолган бўлса-да, ёқимли тегаётганини ҳис қилиб турарди, бу орада эса тишлар тингани йўқ, улар ўз вазифасини бажарарди.

Куйган нон менга ёқади

Ҳиндистоннинг 2002 – 2007 йиллардаги собиқ президенти доктор Абдул Қалам ўз оиласи хусусида шундай ёзган эди: “Бола эдим. Онам ишдан қайтиб, ҳар кеч биз учун нон пиширарди. Бир куни вақт жудаям алламаҳал бўлиб кетди. Онам шоша-пиша кечки овқат тайёрлади. Сўнгра хижолат билан отамнинг олдига овқат ва нон қўйди. Икки кўзим отамнинг столи устига қўйилган нонда эди. Кимдир унинг сал куйганлигига диққат-эътибор берармикан, деб кутиб турдим. Аммо, отам индамай овқатланди. Сўнг мени ёнига чақириб, бугунги сабоқларим ҳақида сўраб қолди. Ўша куни унга қайтарган жавобимни эслай олмайман, аммо, онамнинг овқатдан кейин отамга нон бирозгина куйиб кетганини минг хижолат билан айтгани эса кечагидек қулоғим остида... Отам бўлса жилмайганича онамнинг қўлидан тутган эди: “Азизам,

www.ziyouz.com kutubxonasi

куйган нон менга жудаям ёқади-ку, нима эсингдан чиқдими, унутиб қўйдингми?!”

Ухлашдан олдинроқ отамга хайрли тун тилаш учун кирдим. Баҳонада эса куйган нонни ростданам яхши кўриш-кўрмаслигини сўраб олдим. Отам мени бағрига босиб, қаттиқ қучоқлади. “Ўғлим, онанг ҳам бутун кун бўйи ишлаб, жудаям чарчайди-да. Бир марта куйган нонни егудек бўлсам, ҳеч нима бўлмайди. Лекин, оғзимдан чиқиб кетган биргина хунук сўздан эса онангнинг дили оғрийди. Ахир у ҳаммамиз учун керак-ку. Бу ҳаёт хатоларимизни тушуниб етишимиз учун баъзан жуда ҳам қисқалик қилади”, деганди...”[183].

Битта арпа нон[184]

Рам дадаси ҳаётлигида ўргатган барча гапларни овозини борича айтар, кўзларидан дув-дув ёш қуйилар эди.

-Эй, парвардигор, еру осмонни яратувчи сен! Сендан бошқа ким менга ёрдам қўлини чўза олади. Меҳрибон Шива! Тоғларни тилка-пора қилишга, дарёларни ортга буришга қодирсан. – Рамнинг кийикникига ўхшаш қора кўзларидан ёш тинмасди. У Шиванинг булутларни ўпиб турган тоққа ўйиб ишланган баҳайбат ҳайкалига қараганча икки қўлини юзига олиб келиб, тиз чўккан ва эгилган ҳолда яна илтижо қила кетди: - Укамни очдан ўлдирдинг, отамга раҳм этмадинг, энди касал онамни ҳам ўтда куйдирайми? Сенга ишонаман, онажонимни паноҳингда асра, яна озгина сабр қил, муқаддас илонимни ўргатиб заҳарини олай, унгача онамни очликдан ўлдириб қўймагин, сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Онам омон қолса, сенга гуллар сочаман, мендек бечорага раҳминг келсин..

Барча илтижоларини совуқ ҳайкал тинглагандай туюлди унга. Эндигина саккиз баҳорни кўрган камбағал Рам бир йилдан ошибдики, очликдан шишиб ўлган дадаси ўрнига

[183] Исоқов Б. Манфаатлар мувозанати муаммоси. - Н.: Наманган, 2018. – Б.157.

[184] Дадабоев А. Битта арпа нон. // Шарқ юлдузи. 1985. № 8. 127-128-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

онасини не машаққатлар билан боқиб келади. Онаси Варма “тош шаҳри” деб аталмиш Мхамбулпурамга яқин қашшоқлар кўчасидаги кулбада туради. Уч кундурки, туз тотгани йўқ. Унинг рангида ҳаёт аломати қолмаган. Рам уйга кириб, онасига термилди. У “тузукман” дегандай илжайиш аломатини қилди. Бола ҳушини йиғиб олиб, қатъий бир қарорга келгандай бўлди.

-Нон топиб келгунимча уйга қайтмайман! – у кулба бурчагидаги илон ётган саватни қўрқибгина кўтариб қозиқдаги найни олиб, қўлтиғига қистирди.

- Рам, қайт орқангга. Болагинам, кел олдимга, дийдорингга бир тўйиб олай.

Рам кўзи жиққа ёшга тўлиб, унга бир муддат қараб турди-да, худди онасининг дийдорини сўнгги бор кўраётгандай, шартта бурилиб чиқиб кетди. Онанинг у томон чўзилган чиллакдай қўли бир оз кўтарилиб, кейин “шилқ” этиб ёнига тушди.

-Одамлар келиб қолинглар! Жаноблар, бери келинглар, заҳари олинмаган илонни ўйнатаман! Вишна ҳаққи, қасамёд қиламанки, илоннинг заҳари олинмаган, фақат биттагина арпа нонга яраша пул берсаларинг бўлгани, кела қолинглар!!!

Най овози баралла янгради. Семизликдан қорни осилиб тушган бананфуруш бой Рамни мазах қилиб, одамларга уни кўрсатиб, пичинг ота бошлади:

-Халойиқ, бу шумтакага ишонманглар, ёлғон гапиряпти, заҳари олинмаган эмиш, Сендақаларнинг кўпини кўрганмиз. Ёлғончи, муттаҳам!

Инсон хаёлини бир зум лол қолдирувчи най садоси юракни эзарди. Сават қопқоғи секин-аста қимирлаб кўтарила бошлади. 2-3 газлик кобранинг ноксимон калласи, сўнг танаси одам баравар кўтарилиб, у ён-бу ёнга тебраниб ўйнай бошлади. Боланинг кўзи жиринглаб тушаётган битта-иккита чақалардан узилмасди. “Ҳали битта нонга пича бор”, деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйди Рам фикран. Кўзи илонда, лекин хаёли онаизорида эди.

Илон тўлғаниб, боланинг оёғи, бели бўйлаб чирмаша бошлади. Нозик елкаларини бир бор ўради. Чордона қуриб ўтирган яланғоч ҳинди бир корҳолни олдиндан сезиб, бақириб юборди. Бирдан қий-чув бошланди, оломон тўрт томонга қараб тиракайлади. “Заҳари бор экан, қочинглар!” – деган овозлар эшитилди.

Тош йўл устида бўйнидан бир неча томч қон оққан, панжалари орасида эса бир неча чақа, Рам кўзи очиқ ҳолда Шива томон қараганча жонсиз ётар эди. Шива эса боланинг қисматига бепарво саккизта қўлини кўтариб, “Бутун оламни кўтариб турибман”, дегандай савлат тўкиб виқор билан илжайиб турарди...

Коломбо-Деҳли.

Нон бўлаклари

Одатий шаҳар мактабларидан бирида одатий ўқув куни. Ўқувчилар дарсда ўтирган вақтида қизлардан бири анчагина катта миқдордаги пули йўқолганлигини айтиб қолди. Ўқитувчи аёл синфда ўғри ўқувчи пайдо бўлганидан ниҳоятда ғазабланди. У хонадан ҳеч кимни чиқмаслигини ва ўқувчиларнинг сумкасини бирма-бир текшириб чиқишини айтиб қолди. Текшириш биринчи қатордан бошланди. Ўқитувчи асабий ҳолатда ҳамманинг сумкасини бирма-бир назоратдан ўтказа бошлади. Шу вақтда охирги қаторда ўтирган қизлардан бири хавотирлана бошлади. У ниҳоятда ҳаяжонланар, қўллари титрар, ҳадик билан ўқитувчига тикилганча ўйларди: “Навбат менга етиб келганида нима қиламан? Сумкамни очиб кўришса, шарманда бўламанку!” Ниҳоят ўқитувчи унинг қаршисига етиб келганида, қиз жуда безовта, кўзлари мунгли, ҳадикдан қалтираб турарди. Ўқитувчи ундан сумкасини очиб кўрсатишни сўраганида, қиз сумкасини

www.ziyouz.com kutubxonasi

беришдан бош тортди. Синфда ғала-ғовур кўтарилди. Ҳамманинг шу қиз ўғри эканлигига ишончи комил эди. Ўқитувчи бу сафар баланд овозда қиздан сумкасини беришни сўради. Қиз рад этгач, ғазабланган ўқитувчи унинг юзига тарсаки туширди ва нафрат билан пичирлади: "Ўғри!" Қизнинг лабларининг бир четида қон излари кўринди, юзларига ёш думалади. Ўқитувчи қизни мактаб директорининг хонасига олиб борди. Директор қиздан сумкасини унга беришни қатъий талаб қилди. Қиз сумкасини директорга узатаркан, йиғлаган овозда пичирлади. "… мен иложсизликдан…" Директор ва ўқитувчи сумкани очиб кўришдию бир муддат жим бўлиб қолишди.

Сумканинг ичида бир нечта нон бўлаклари ва овқат қолдиқлари бор эди. Қиз мунгли овозда ҳаммасини тушунтирди: "Мен сумкамни синфдошларим олдида очиб кўрсатишни хоҳламадим. Улар менга паст назар билан қарашларидан, устимдан кулишларидан қўрқдим. Мен доим синфдошларимдан ортиб қолган нон бўлаклари ва овқат қолдиқларини йиғиб юраман. Уйга борганимда эса онам, мен ва укаларим буларни биргаликда баҳам кўрамиз. Менинг отам ўлган… Онам касал… Укаларим оч… Бизнинг бундан бошқа тирикчилигимиз йўқ…" Устозларнинг юзига ёш сизди. Қиз ўксиб йиғлар, юзидаги тарсаки изи эса қизаришни бошлаганди.[185]

Бир бурда нон[186]

Ахлатни олиб чиққанимда, қорда ётган яримта бўлка нонни кўрдим. Мен уни олдим, у нон қуруқ ва тошдай қаттиқ эди. Олиб чиқиндихонадаги қоғоз қутига ташладим. Кетишим билан орқамдан қарғиш эшитилди. Мен ўгирилдим. Кекса бир киши эгилиб, қутини кавларди. Дайди одам... деб

[185] Косонсой тарихи музейи интернет сайтидан олинди.

[186] Муаллиф: Игор Шихов.Таржимон: Манзура Бахтиёр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўйладим. Гарчи у яхши кийинган. Чиқинди қутисида уни бунчалик қизиқтирган нарса нима экан? Қария қутидан ўша қотган нонни олиб, силкитиб, эҳтиёткорлик билан қопга солди. Ажойиб! - Мен ҳайрон бўлдим ва уйга қайтдим.

Эртаси куни мен бу қария билан яна учрашдим, бу сафар - автобус бекатида. У секин қопдаги нондан олиб, қушларга овқат берарди. Мен унинг ёнига скамейкага ўтирдим. Мен қушлар келиб, нон бўлакларини ейишаётганини диққат билан кузатдим. Улар эҳтиёткорлик билан ва секин нонни чўқишарди.

"Улар яхши овқатланиши керак. Қишда озиқ-овқатсиз қолиш қушлар учун жуда қийин, улар қирилиб кетиши мумкин, - деди чол базўр эшитилувчи овозда, - одамлар нонни қадрлашдан тўхтайдиган кун келади деб ўйламаган эдим. Ҳар куни кўчага, ахлатхоналарга ташланган нон бўлакларини йиғиб оламан. Сўнгги йилларда увол қилинган кўплаб нонларни кўрдим. Мана, бир қоп нон", - деди у, "Онамга бир бурда бўлса тирик қоларди, бу ерда эса бир қоп..."

Ичимдан қандайдир титроқ югурди. Мен ўтирган еримда жим қолдим ва қариянинг қопдан майда-чуйда нонларни олиб қушларга бераётган қари, қоқсуяк қўлларига қарадим. Автобусим келганини, эшикларини очиб, ёпиб кетиб қолганини ҳам сезмадим. Кейин негадир унинг ҳикоясига қулоқ солгим келди. Худди бу одамни бутун умр биладигандекман.

"Ўшанда бизни эвакуация қилишди, - деб гап бошлади у яна. - Биз бир неча кун давомида номаълум томонга қараб поездда юрдик. Мен саккиз ёшда эдим, укам Сашка эса олти ойлик. Онам бизни иситиш учун доим маҳкам қучоқлаб оларди. Жуда совуқ эди. Озиқ-овқат деярли йўқ. Онам бир бўлак қотган нонни иккига бўлиб, каттасини менга берди, иккинчисини эса оғзига солиб, узоқ вақт чайнаб, Сашкага берди. Худди мана шу қарғага ўхшаб..."

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қарасам, каттароқ қарға кичигини оғзидан овқатлантираётган экан. Чол каттароқ нон бўлагини чиқариб, қарғага ташлади ва давом этди: "Кейин бизни бомбардимон қила бошлашди ва поезд тўхтади. Йўлда давом этишнинг иложи йўқ эди. Қаерга келиб қолганимизни ҳам билмасдик. Атрофда ўрмон, далалар ва қиш... Ўшанда кўпчилик вафот этди. Ўлганларни тўғридан-тўғри қорга кўмишарди, одамларда умуман куч йўқ ва белкурак ҳам йўқ эди. Кучи борлар кетишди. Лекин ким қаерга кетганини ҳеч ким билмайди. Онам Сашкани қўлига олди ва биз ўрмон бўйлаб юрдик. Узоқ вақт юрдик, мен қанча вақт ўтганини ҳам билмайман. Йўлда фақат қор едик, у жуда мазали бўлиб туюлди. Онам бу жуда мазали оқ бўтқа эканлигини айтди. Қотган нонимиз ҳам тугади. Кейин ... Кейин онам йиқилди ва уйғонмади. Мен тўхтамай юришим кераклигини тушундим. Нима бўлишидан қатъий назар, юриш керак эди. Мен Сашани қўлларимга кўтардим ва биз юрдик, юрдик, юрдик ... Сўнгра йиқилганимни эслайман. Ҳамма нарса айланиб кетди. Мен Сашкага қарадим, у жилмайиб, қаёққадир ён томонга қаради. Охирги кучим билан бошимни кўтардим ва яқин атрофдаги улкан итни кўрдим, бу бўри эканлигини ҳали ҳам билмасдим. Мен бўриларни ҳеч қачон кўрмагандим. У ёнимизга келиб, бизни ҳидлади. Сашка унга қўлини узатди. Унинг кўзларида жуда таниш нарса бор эди. Бўри юрди ва тўхтади, худди мени чақираётгандек, яна юрди. Қаердан куч келганини билмайман, лекин укамни кўтариб, бўрининг орқасидан эргашдим. Икки даладан ўтгандан кейин қишлоқ келди, кейин яна йиқилдим. Кимдир мени силаганида уйғониб кетдим. Кўзимни очиб бақирдим – Онажон! Лекин бу онам эмасди. Рўпарамда бир аёл ўтирарди. Сашка беланчакда ётар, сут ичарди. Ўзимга келганимдан кейин бу аёлга ва катта ит ҳақидаги воқеани айтиб бердим. Шундагина у жилмайиб, уларнинг ҳудудида ҳеч қачон бўри бўлмаганини айтди... Бу аёл бизни қабул қилиб, онамиздек меҳр кўрсатди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо Саша ва мен узоқ вақтгача нонни каравот остига яширадиган одатимизни ташлай олмадик".

Охирги автобус! Кимнингдир овозини эшитдим. Ортга ўгирилдим, лекин яқин атрофда ҳеч ким йўқ эди. Мен уйга қайтдим. Лекин ҳар доим ўша қария ҳақида ўйладим. Умримда биринчи марта нонни қадрлай бошладим. Қотган нон топсам, мен ҳам ҳўллаб қушларга бердим. Шундагина очлик нималигини билганлар ҳеч қачон нонни ташламаслигини англадим.

Бир пайтлар нонни ҳамма нарсадан азиз дея қадрлашган ва бу ҳикояни ўқиб чиққанлар нонга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишади ва уни ахлатга ташлашмайди деб умид қиламан.[187]

Она меҳри[188]

Неча ойки, она бетоб. Аҳволи яна оғирлашиб бормоқда. Касалхонага эса бора олмайди. Катта-кичик олти нафар фарзанд унинг тўшаги атрофида чирқираб ўтиришибди. Каттаси ўғил – 13 ёшда. Кичиги нимжон. Ёшига етар-етмас сутдан чиқди.

Аввалига қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар иссиқ-совуғидан хабар олиб туришди. Кейин аста-секин улар қадами ҳам узилди.

Катта ўғил бир амаллаб овқат қилишни ўрганиб олди. Уйни супуриб-сидиради. Кичиклари унга ёрдам беришади. Бир-бирига жудаям меҳрибон, аҳил.

Уйда бирор бурда нон қолмаганди. У эрта туриб, нонга хамир қорди. Онасига, укаларига нонушта беришга тараддудланди.

---

[187] https://t.me/manzuruz/7122

[188] "Садо" газетасининг 2016 йил 17 мартида босилган Жамбул Қурбонбеков қаламига мансуб "Она меҳри"мақоласидан олинди.Бу ҳақда қаранг: Исоқов Б. Манфаатлар мувозанати муаммоси. - Н.: Наманган, 2018. – Б. 182-183

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўшни аёлга учраб, ундан нон ёпиб беришни илтимос қилди. Ўзи бўлса катта зувалачалар ясади. Лекин, қўшни аёлдан эса дарак бўлмади. Тағин кўмак сўраб, уникига борди.

– Жонимгаям тегиб кетдиларинг-ку! – қўшни аёл уни қаттиқ жеркиб берди.

У уйларига қайтиб келди. Очиққан укаларига қарагани-ча ич-ичидан хўрлиги келиб йиғлади: “Тандир ичига қўлим етмайди-да. Озгина каттароқ бўлганимда, бундай ялиниб юрмасдим. Укаларим ҳам ичикиб йиғлашмасди”.

Бемор она бўлса ўғлининг ғамгин ва сўлғин юзидаги маънони уқди. Туришгаям шайланди, уриниб кўрди. Лекин, тана мажолсиз эди. Яна, яна ҳаракат қилди. Гавдасини кўтара олмади.

Болалари бўлса тобора “нон-нон” деб йиғлашарди. Она чидай олмади. “Туришим керак. Ё, Аллоҳим, менга куч-қувват бер. Ёлғиз ўзинг мададкоримсан!” дея она кўзида аччиқ ёш билан ёлворди. У тағин туришга ҳаракат қилиб кўрди. Бу гал эса танида қандайдир куч-қувватни сезди. Қий-налиб, бир амаллаб ўрнидан туриб олди. Болалари эса қувончдан бор овозлари билан бақириб юборишди.

– Нима қиляпсиз? Ўрнингизга ётволинг, ойижон, – катта ўғил жуда қаттиқ хавотирда югуриб келди.

– Қани зувалаларни саватга сол-да, тандирга ўт қўйгин. Ўзим ёпаман. – Мажолсиз она тандирхона томон аста юрди. Орқасидан эса болалари ҳам чуғурлашиб аста эргашдилар.

Она астагина қадамлаб тандирхонага етиб келгунча қувватсиз баданидан чиқаётган тердан усти-бошиям жиққа ҳўл бўлиб кетди. У аранг энгашганича қиздирилган тандирга бирин-кетин нонларни ёпиштира бошлади. Тандирга ҳар сафар боши аралаш ўнг қўлини чўзган чоғида эса тер роса қуйилиб, қуйилиб келарди.

У нонларни ёпиштириб бўлди. Тандир тафти унга жуда ҳам ёқаётгандай эди. Она катта ўғил олиб келган тахтача-курсига аста ўтирди. Тандир ичидаги аста-секин қизариб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бораётган нонларга умид билан боқди: “Ҳозир узиб оламан. Болаларим очиқмайди”.

Она бу дам фақатгина болалари тўғрисида ўйларди. У пишган нонларни узиб олиш учун тағин тандирга яқинлашди. Баданидаги тер яна сув бўлиб оқди. Бу тер эмас, гўёки ғубор эди. Она касалдан фориғ бўлаётганди.

Ҳа, она соғайиб ҳам кетди. Болаларининг “нон” деб йиғлаши она юрагини жуда қаттиқ ларзага солганди. Қалб қўзғалиб, оналик меҳри устун келганди.

Нон воқеаси

Анчадан бери шу воқеани ёзаман дейману ҳеч вақтим бўлмасди, лекин бугунги бир ёш йигитни қилиғи ёзишга мажбур қилди. Нон олгани шундоққина йўлимда бўлган бозорчага кирдим. Энди олмоқчи бўлиб тургандим бир ёшгина йигитча келиб нонни титкилай кетди. Сотувчи аёл: “ай ука, нонни титманг унақа олмасангиз бошқалар олади” деганига жавобан у: “шуям нонми” деб таппа ирғитдию нари кетди. Эшитганларим, ўқиганларим нонни ҳурматлашга, эъзозлашга ўргатганди. Хуллас гап нонни ҳурматлашимга яна бир воқеа сабаб бўлганди, мана эшитинг.

Эр хотин иккаламиз Деҳлида 17 та мамлакат вакиллари иштирокида бўлаётган семинар тренингда иштирок этмоқдамиз. Танаффус пайти бизга энг сархил таомлар тортилганига қарамай аёлим сумкасидан астагина ўзимизни патирдан яримтасини олди. Меҳмонхонадан чиқаётганимизда сумкасига солиб олган экан. (маълумот учун: Тошкентдан учишда ўзимиз билан 10 та Қўқон патири ва 10 та Тошкент нонидан олволганмиз). Менга бир бўлак берди. Уни кўрган қирғиз қиз “Ўзбек ноними, менгаям озгина бер” деди. Озгина унга бердик. Кейин Удмуртиялик қиз сўради, кейин Афғон йигит, Конголик, Венесуелалик қизлар ….. Патир тугаб қолди. Конголик қиз: “бу нима?” – деб сўради. Мен инглиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида яхши тушунтира олмаслигимни билиб қирғиз қиз ўзи тушунтириб қўя қолди. “Наҳотки шундай овқатни ўзбеклар хар куни еса” – хайрати ошди Конголик қизни. Кейин ёнидагиларга ўзиникидан озгина бериб бир нималар деб чуғурлади. Қирғиз қиз эса “бу овқатмас, оддийгина нон. Ўзбеклар буни хар куни ейдику” – деб нонни таърифини олиб кетди.

Кечгача Деҳлини роса айландик. Ҳар нарсадан завқланиб, ҳайратланиб меҳмонхонага қайтдик. Меҳмонхонага қайтиб не кўз билан кўрайликки хонамизни эшигини тагида 15-20 киши туришарди. Ҳайрон бўлдик. Улар бизни кўришлари билан хурсанд бўлиб кетишди. Намибиядан келган қиз бор эди. Ўзини исми жуда узун бўлгани учун уни биз Лаки деб чақирардик. У: “мистер Муҳаммад, сенда мўъжиза нон бор экан, эшитиб келдик, бизга озгина берсанг” – деди. Гап нимадалигини тушундимда хонани очиб ичкарига кирдик. Улар гувиллаб ёпирилиб киришди. Ҳаммани ўтқиздим. Биров диванга, биров стулга, биров тикка турган холда “мўъжиза нон” ни кутишаяпти. Холодильникни очдимда, одамларни санаб туриб 10 та нон олдим (ўзимимизга 5 та қолдирдим). Ҳаммага яримтадан бўлиб бердим. Улар қуруқ нонни сув билан ерди. Ердики шундай мазза қилиб ерди. Хайрон бўламан. Наҳотки биз хар куни ейдиган нонни булар умуман емаган бўлса? Бошқа давлатларда хам нон борку, ҳайронман. Балки бу алоҳида буюртма қилдирилган нонлиги учун ширин чиққандир. Ёки ростдан хам бизни нонимизда бир сир бормикан. Озгина еб кўрдим, доимги нон. Ҳам-масини миннатдорчилигини эшитиб кузатиб қўйдим.

Ярим кечаси энди ётишга тайёрланаётганимизда эшик тақиллади. Очдим. 4 киши турибди. “мистер, мана пул сенга лекин бизга мўъжиза нондан бер”. Пулини олмасдан нонни таърифини келтириб 2 та нон бервордим. Эрталаб эрта тонгда эшик тақиллади. очдим. 3 та одам. Уларга хам 1

www.ziyouz.com kutubxonasi

та нон бердим. Ўзимиз қолган иккита нондан биттасини едикда, энг сўнгги нонни асраб авайлаб яшириб қўйдик.

Ҳа азизлар Аллоҳ таолонинг бизларга берган неъматлари беҳисоб бизлар ушбу неъматлар учун қанча шукроналар келтирсак оз Аллоҳнинг берган неъматлари учун кўп шукроналар келтириш лозим.

Яримта нон

Мамажон шаҳардаги савдогар тоғасининг ёрдами билан ўзини савдо-сотиққа урди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у босар-тусарини билмай қолди. Мол-дунёга ружу қўйиб, қинғир ишларга қўл урди. Бойликнинг олдида инсоф-у диёнатни, одамийликни унутди.

Мамажон бориб-бориб, тарозининг тошларини ҳам киши билмас ўзгартиришга аҳд қилди. Шу мақсадда у тарозининг ярим, бир ва икки килолик тошларини олиб, темирчининг устахонасига борди. Устадан тошларнинг тагини ўйиб, ўрнига алюмин қуйиб беришни сўради. Темирчи эса:

- Ака, ўзингиз туппа-тузук одамга ўхшайсиз. Аммо қилаётган ишингиз турган битгани гуноҳ-ку! Сиз мени ҳам гуноҳ йўлига бошлаяпсиз. Айбга буюрмайсиз, мен асло сиз айтган ишни қилмайман. Худодан қўрқаман. Шу кунгача болаларимга ҳаром луқма едирмаганман.

Шундай қилиб, Мамажон савдогар ўзининг тошларини кўтариб, бир нечта темирчи усталарга учради. Бахтга қарши, ҳеч қайси темирчи унинг айтган ишини бажаришга рози бўлмади.

Мамажон шунда ҳам ўз фикридан қайтмади. Баттар қайсарлиги тутиб, тошларни халтага солди-да, автобусга ўтириб, шаҳарга йўл олди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўраб-суриштириб, эски шаҳардаги темирчилик уста-хонасини топди ва қийинчилик билан ўзининг мақсадини ўрис темирчига тушунтирди.

Мижознинг сўзларини жимгина эшитган мовий кўзли темирчи қўлидаги болғачаси билан билан осмонга ишора қилиб:

- Сеники гуноҳни бўйнига олади, меники тошни сверлит этиб, ўрнига алюминий қуйиб беради. Ты согласен?

- Ҳа, ҳа, мен розиман. Сен айтганимни қилиб берсанг бўлди. Пулидан асло хавотир олма, сен билан савдолашиб ўтирмайман, айтганингни бераман.

Шундай қилиб, ўрис темирчи Мамажоннинг буюртмасини бажариб берди. Энди Мамажон ҳар сафар ярим килолик тошдан 50 грамм, бир килолик тошдан 75 грамм ва икки килолик тошдан эса, роса 100 грамм харидорлар ҳақидан уриб қоладиган бўлди.

Мамажон қинғир йўллар билан ҳисобсиз мол-дунё йиғди. Ялтироқ симу-зарларнинг олдида Аллоҳ ва охиратни батамом унутди. Унинг кўзларига бойликдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

Мамажон маҳалласида биринчи бўлиб, данғиллама уй-жой қурди. Энг зўр русумдаги машина ҳам сотиб олди. Хотини ва уч нафар фарзандининг егани олдида емагани кетида эди.

Мамажон маҳалласидаги икки оқсоқолнинг муборак Ҳаж сафарига бориб келишганидан сўнг, уларнинг обрўси анча кўтарилганини кўриб, унинг кўнглида ҳам, Ҳаж зиёратига бориш иштиёқи туғилди.

Кунлардан бир куни уст-бошлари бир аҳволдаги тиланчи аёл юпун кийинган икки боласини етаклаганча, тўғри Мамажон аканинг дарвозасини тақиллатди.

Мамажон ака темир дарвозасини қия очаркан, ижирғаниб, тиланчи аёлга дағ-даға қилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

-Оёқ-қўлинг бутун экан, ишласанг ўласанми, қанақа сурбет хотинсан? Бор йўқол, кўзимга кўринма! Сенларга берадиган нонимиз йўқ. Аслида сенларга бергандан кўра, итга берганимиз яхшироқ. Остонамизга қайтиб қадам босма.

Бечора аёлнинг хўрлиги келди. Аёл уй эгасининг ҳеч нарса бермаганидан хафа бўлмади, балки унинг қаттиқ ҳақорати дилини оғритди. Кўзларида ёш билан оёқларини зўрға судраб босаётган норасидаларини етаклаб, кўчанинг нариги бетидаги бир томонга қийшайиб ётган ёғоч эшикни журъатсизлик билан итарди. Эшикнинг ғижирлаганини эшитиб, ичкаридан озғин, новча аёл чиқди.

- Худо хайрингизни берсин. Болаларим оч. Бизга битта нон хайр қилинг. Сиздан ўтиниб сўрайман, ёрдамингизни дариғ тутманг.

- Эгачи, хафа бўлмайсиз. Мени ҳам еттита болам бор. Ўзи нон қутимизда атиги яримтагина нон қолибди.

- Майли, опа, хижолат бўлманг. Сизни фарзандларингиз меникидан ҳам кўп экан. Худойим сизга тўзим берсин, - дея чиқиб кета бошлади. Худди шу пайтда кўчадан хонадон соҳиби Обиджон ака келиб қолди.

Нима гаплигини билгач, хотинига қутидаги нонни олиб чиқишни буюрди. Хотини тезгина кириб, оппоқ сочиққа ўралган, яримта нонни олиб чиқиб, эрининг қўлига тутқазди. Обиджон ака нонни авайлаб оларкан, қўш қўллаб тиланчи аёлга тутди:

- Синглим, олинг, оз бўлса ҳам болаларингизга ош бўлсин

- Амаки, ҳимматингиз олдида сизга бош эгиб, таъзим қиламан. Бироқ, мен бу нонни ҳаргиз ололмайман. Сер-фарзанд оила экансизлар. Мен ҳатто шу иккитагина боламни ҳам боқолмай, роса қийналяпман.

- Кўриб турибман, болаларингиз жуда очиққан кўринади. Бизнинг болаларимизни ўйламанг, тортинмай нонни олаверинг. Уларнинг ризқини Аллоҳ беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Обиджон ака аёлнинг озғин болаларига қараб туриб, кўнгли бузилди. Беихтиёр кўзларига ёш келди. Болаларнинг бошини силар экан, нонни аёлнинг қўлига тутқазди. Болалар хурсандликдан қийқириб юборишди.

Аёл нонни олиб, кўзларига суртди. Кейин ўзини тутолмай ҳўнграб йиғлаб юборди.

-Илоҳим, умрларингиз узун, давлатингиз зиёда бўлсин. Тупроқ олсангизлар, олтин бўлсин. Аллоҳ сизларга мингни берсин. Аллоҳу акбар!

Тиланчи аёл болаларини етаклаб, хурсанд ҳолда чиқиб кетди. Обиджон ака ўзини қушдек енгил сезарди. Хотини эса, эрининг мардлиги ва тантилиги олдида ўзини худди гуноҳкордек сезиб, нонни сал олдинроқ бериб юбормаганидан афсусда эди.

Бу воқеадан икки ой ўтиб, Обиджон ака бир туш кўрди. Тушида у сон-саноқсиз одамларнинг ичида Каъбатуллоҳни зиёрат қилиб юрганмиш. Шу пайт олдига қўлида узун, ялтироқ асо тутган чол келиб, ўнг қўли билан Обиджон аканинг елкасидан қоқиб:

-Бўтам, Ҳаж сафаринг қабул бўлди. Ҳожилик муборак бўлсин! - деганча ғойиб бўлармиш.

Шундан кейин Обиджон ака уйғониб кетди ва гарчи тушида бўлса ҳам, ҳожилик мартабасига эриштирган Аллоҳга шукроналар келтирди.

Ҳаж сафарига кетишга бир ҳафта қолганда Мамажон ака ҳам туш кўради. Тушида бир мўйсафид: “Мамажон сен пасткашлик қилиб, тарозининг тошларини ўз фойдангга ўзгартирдинг. Сен қилган бу ишни ҳатто, шайтон ҳам қилмаганди. Жонингни жабборга бериб, топган мол-давлатингнинг ҳаммаси ҳаромдир. Билгингки, ҳаром пул эвазига ҳеч ким, ҳеч қачон Ҳаж амалини бажара олмайди. Эсингдами, бир тиланчи аёл оч қолган икки боласи билан уйингга битта нон сўраб келганида қути тўла нонинг бўлатуриб, уларни сўкиб, ҳақоратлаб, ҳайдаб солдинг. Аёл қон-қон

www.ziyouz.com kutubxonasi

йиғлаб, чиқиб кетди. Ўшанда рўбарангдаги қўшнинг Обиджон камбағал ва кўп болалик бўлишига қарамай, қутисида қолган охирги яримта нонини ҳам ўша аёлга берганди. Ўша тиланчи аёлнинг илтижолари билан Аллоҳ Обиджоннинг Ҳаж сафарига бориш ҳақидаги бир умрлик орзусини рўёбга чиқарди. Қўшнингга айтиб қўй, унинг Ҳажи қабул бўлди. Агар Яратганга ёқай десанг, қўшнинг Обиджон ҳожидан ўрнак олиб яша. Вақтинг борида қилган барча гуноҳларингни ювишга ҳаракат қил. Акс ҳолда, дўзах ўтида ёнгайсан".

Мамажон чўчиб, уйғониб кетди. У қўрққанидан терлаб-пишиб кетганди. [189]

Нон ўғирлаган қария

Бу воқеа Канадада бўлган...

Бир қария нон ўғирлагани туфайли суд қилиняпти.

Қария айбини инкор этмади, аксинча, тан олиб, фақат бу ишни оч қолгани сабабидан содир этганини билдирди.

Ҳакам унга:

- Сиз ўғирлик қилганингизни тан олиб турибсиз. Энди мен сизга ўн доллар жарима соламан ва бу пул сизда йўқлигини ҳам биламан. Шунинг учун уни сизнинг ўрнингизга ўзим тўлайман, - деди ва чўнтагидан ўн доллар чиқариб, жарима сифатида давлат хазинасига ўтказди.

Суд залида сукунат ҳукм сурарди...

Бироздан кейин ҳакам суд иштирокчиларига қарата шундай деди:

- Сизларнинг ҳаммангизга ҳам ўн доллардан жарима соламан. Чунки сизлар яшаётган шаҳарда нон ўғирлашга мажбур бўлган фақир яшаяпти!

Ўша онда 480 доллар пул йиғилди ва уни ҳакам қарияга берди.

[189] Али Нурмат. Бир мистовоқ тиллонинг қудрати. – Т.: Muharrir, 2020. –Б.150-153.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳакам “Қаерда бир фақирнинг қорни тўйиб овқат емаяпти, демак у ерда бошқанинг ҳаққини еб ўтирган кимдир бор” деб судни якунлади.[190]

Бўлка нон...

Қишлоғимизда нон сотилмас эди. Умуман нонвойхона бўлмаган.

Бирор сабаб билан уйда нон тугаб қолса қўшнидан сўраб турилади. Нон пиширганда дарров қарз узилади.

Бундай қишлоқда бўлка нон тансиқ ҳисобланади.

Чўлга (Жиззах, Сирдарё вилоятининг 60-йиллардан кейин ўзлаштирилган совхозлари, ҳалиям қишлоқ тилида "чўл" деб аталади) бирор қариндош, ака-ука, опа-сингилникига катталар билан меҳмонга борилса, дастурхонга бўлка нон қўйилишини интиқ кутардик.

Отам чўлга ёки шаҳарга бирор юмуш билан кета туриб, улум нима опкелай деб сўраса, буюртма рўйхат бошида албатта бўлка нон бўлар эди.

Қишда пахта терими тугаган кезлари бўлка нонга тўйиб қолар эдик. Пахтадан қайтишда ака ва опаларимиз ўзларидан ортиб қолган (балки ортмагану, биз болакайлар учун ўз ризқидан тежагандир) бўлка нон бўлакларини бир фартукка тугиб олиб келарди.

Нон бўлаклари албатта қотган бўлсаям, мурабболи чойга ботирса зўр живиб кетарди.

Баъзида туюнчакда икки-учта бутун, қотиб қолган бўлка нонлар хам учраб қолар эди. Биз учун жуда зўр совға шу бўларди.

Балки сизга бу хотираларим ғалати туюлсада, менинг болалигимда шунақа эди.

190https://www.facebook.com/Dilshod.Ahmad8?__cft__[0]=AZVkN5gtXwqpuGn8JzRM0in4cQOzhqOTt1YY6FXj7RHjuV_-CSICM-X1GOwMLxUkOn3rbi30_JPrykThrr1JzlXMM_e4aIl46Awt1j90tFdYz3fFfH7kPqCaRM_trgB8XET_q8MGKMUm3fdliww4ex7f_dxCc8EXlOMeSfA0lodRzljyGGucHGTGrQAQFWUMyjo&__tn__=-UC%2CP-y-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нонни ушоғини излаб саҳрода иккита тоғдай тупроқ уюмини пайдо қилган подшо ҳақидаги энам айтиб берган ривоят, ҳалиям ҳаёт шиорим:

Ноннинг ушоғиям -нон![191]

Онам ёпган нонлар

Дам олиш кунлари қишлоққа бордик. Онам ўз қўллари билан нон ёпиб берди. Умрлари узоқ бўлсин. Тандир чўғини сандалга солиб, исиндик. Ака-укалар ош дамладик. Ўчоқда пишган ош барибир бошқача тотли бўлади-да. Мазза қилиб едик, памидор қоқидан салат тайёрлаб.

Онам ёпган жиззали нонлар...

Ғўзапоя чўғида пишган тандир нонларининг таъми, кўриниши ўзгача бўлади.

Ёшлигимизда ёпилган нонга қараб қўни–қўшнининг нонини танирдик. Ҳар кимнинг нон ёпиш усули бўларди. Чекичларининг гулидан ҳам танирдик онам ёпган нонларни. Зоғара нонлар, лачира нонлар ёпиб берарди.

Тандирга ўт қалашни укаларим билан навбат қилиб олардик. Онам ҳар сафар нон ёпсалар албатта, кулча нонлар ҳам бўларди. Нимагадир ўша кулча нонларни укаларим билан талашиб ердик. Бугун қишлоқ ҳовлиларида тандирда нон ёпиш камайиб кетган. Нима бўлганда ҳам ўзинг нон ёпиб ейишнинг гашти бўлакча бўлади.

Бир тўғрам ноннинг яралишида қанча одамларнинг меҳнати борлигини, онангни иссиқ тандирга пешма-пеш кириб чиққанида пешонасидан дона-дона бўлиб оққан тернинг қадрини биласан.

[191].https://www.facebook.com/xayrullakilichev?__cft__[0]=AZVqa2Ort92zpI0RTsISREQiaZmK87yPBY_h9qKGeRY5zQtgsxUlXcon7VHavAVkq3XReBcfj2tAa-RHERООi5Mdp82B6FhmSWTfgnWx0ppTCeoJ6s0SVyqqry4fVWBsXaIM9ZctOeK9COrlYKfEBL_1jsNqyQn7KIlUTX_SeYmLNVKejza79LpC-53Xc9F8WsI&__tn__=-UC%2CPH-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

Онам ёпган нонлар менга ёшлигимни элатиб туради. Улғайиб, ота ҳовлидан узоқларга кетганда ҳам ўша нонларни қўмсар экансан.

Эркин Дорипов[192]

Қўмсаш[193]

Новвойхона олдида тумонат одам. Тандирдан чиққан нон қўл-қўлга тегмайди. Ҳар гал мен бу мўътабар даргоҳ ёнидан тўхтамай ўтолмайман. Навбатда турган харидорлар оқимига қўшиламан...

Хаёлан кўз ўнгимда сизнинг нуроний чеҳрангиз, хиёл эгик қоматингиз гавдаланади. Хотиралар ўз оғушига олиб, вужудимга ҳаяжон - ларза солади. Ана, сизнинг эгнингизда оқ яктак, бошингизда оқ қийиқча... Тандирда гуруллаб олов ёнади... Иссиқдан қизарган юзларингиз, қордек оппоқ соқолларингизда оловнинг шуъласи ўйнайди.

Мен эса – ҳали сочи ўримга кирмаган қизалоқ, сизнинг ортингиздан қолмайман. Сиз ясаган нонлар юзига оёқ учида чўзилиб, кунжут сепаман. Хамир юзи идишларни новвойхона орқасидан ўтган анҳорда ювиб келаман. Хамир увоқларини балиқчалар талашиб-тортишиб ейишини томоша қилиб, узоқ хаёл суриб ўтираман.

Қандай ажойиб дамлар эди-я ўша кунлар...

Бир томондан тонг отиб кела бошлайди ҳамки, сиз тандирдан нонни уза бошлайсиз. Иссиқ ноннинг ёқимли ҳиди атрофни тутиб кетади. Новвойхонага биринчи бўлиб қўшнимиз Омон михчи кириб келади.

---

[192]https://www.facebook.com/profile.php?id=100003606946327&__cft__[0]=AZWbANFaX9bdlvNH1yuj7f0QcTEu8fr_MmuC458dWbk6ORpYf5b-sDAX4dOnstLymjwX883psUR4mFoGEreC4gkm0fEtD5Oh2ttI5cVx1TDN0iz_-8YDDLjuhlzoUeatcEn3Dh8luqMnSSp_CZvGiPzDXBW9kF_Pu6IOZRhkezJfcAcWUw6sujjzwPPMs2skgYdYGFwp0ArkSiBLrSTNbXgXPOksT_wneNRoJQKU1VdxCw&__tn__=-UC%2CP-R

[193] https://t.me/ulug_el Сайёра Зоированинг "Яхшилари кўп дунё" китобидан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ҳазратқул бобо, нонингиз пишдими? Эрталаб сизнинг нонингиз билан қаймоқхўрлик қилмасам, кўнглим жойига тушмайди-да...

У ҳар гал нонни оларкан, “Новвойликнинг пири сизга кетганда”, деганча уйи томон йўналади.

Бирпасда икки юз-уч юзта нон сотилиб кетади. Сиз иккинчи хамирга уннайсиз, мен эса ҳар куни мен учун атайлаб тайёрлайдиган кулча нонларингизни сумкамнинг бир четига соламан-да, мактабга ошиқаман. Танаффус пайтида мен кулчаларни, Баҳром сумкасидан парварда-ҳолваларини олиб ўртага қўямиз...

Буларнинг ҳаммаси энди бир хотира, дадажон. Хотира бўлганда ҳам шундай ширин, шундай муқаддас хотираки, мен уларни умрбод унутолмайман. Чунки у хотиралар қатида барча шўхликларим, эркаликларимни малол олмайдиган, мени меҳри оғушида вояга етказган меҳрибон падарим, сизнинг нурли сиймойингиз бор.

Шундай кезлар бўладики, дадажон, сизни кўрмоқчи, дилдаги ҳасратларимни айтиб, кўнглимни ёзмоқчи бўламан. Қувончларимни, шодликларимни айтиб, менга тилаган тилакларингиздек оппоқ соқолларингизни силкитиб кулган кўзларингизни яна кўрмоқ истайман. Баъзан меҳрсиз, совуқ, сохта нигоҳлардан безганда сизни қўмсайман, дадажон...

Навбатим яқинлашади. Ёшгина новвой йигит қўли кўксида менга нон узатаркан, унинг эҳтироми менга эмас, сизга эди. Чунки, сиз унга энг муқаддас касбни, энг ноёб ҳунарни ўргатгансиз. Шогирдингиз қўлидан нонларни олиб, бағримга босаман. Ўзимни бир зум мен учун касбидек табаррук, пиширган нонларидек азиз дадагинамнинг иссиқ бағрида ҳис этаман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Заҳарланган нон

Бир аёл ҳар куни нон пиширарди. Ҳар сафар бир дона ортиқча нон ҳам қиларди. Сўнг уни дераза токчасига қўяр эди:

— Кимга керак бўлса, олиб кетаверсин, — дерди у ҳар доим.

Ҳар куни бир елкасида хуржуни бор одам шу йўлдан ўтар, нонни олиб кетар ва аёлга шундай дер эди:

— Қилган ёмонлигинг ўзингда қолади, қилган яхшилигинг эса ўзингга қайтади.

Бу ҳол ҳар куни такрорланарди. Аёл эса ғашланиб, норози бўлар эди:

— Ҳеч бўлмаса бир марта “раҳмат” деса бўлмайдими? Ҳар куни шу беҳуда гапни айтади, — деб ўзича ғудранарди.

У бир кун бу хуржунли одамдан қутулишга қарор қилди. Эртасига унинг учун ажратилган ноннинг хамирига заҳар солади.

Нонни дераза токчасига қўймоқчи бўлганида бирдан ўзига келди:

— Мен нима қиляпман, Эй Худо?

Нега кўнглимни бундай қоронғилик босди?!

Аёл заҳарланган нонни оловга ташлаб, ўрнига бошқа нон қўйди.

Ўша одам келди, нонни олди ва яна деди:

— Қилган ёмонлигинг ўзингда қолади, қилган яхшилигинг эса ўзингга қайтади. Шундай деб кетди.

Аёлнинг ўзга юртда ишлаётган бир фарзанди бор эди. У ҳар куни унинг эсон-омон қайтиши учун дуо қиларди. Оналик юраги тинмай Худо олдида ёлворар эди.

Ўша кеча кимдир аёлнинг эшигини тақиллатди. У қўрқиб эшикни очди — қараса, бу унинг ўғли эди... Ўғил даҳшатли аҳволда эди: кийимлари йиртиқ, юзи озиб-тўзиган, жуда ҳолдан тойган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менда ёмон хабар йўқ, она, — деди у. — Ниҳоят мамлакатимизга етиб олдим. Кўприкдан ўтаётиб очликдан ҳушим кетай деди.Бир елкасида хуржуни бор одам менга ёрдам берди. Сув берди. Сўнг ёнидан нон олиб чиқиб:

— Олиб е, менда ҳар куни бир дона ортиқча нон бўлади, — деди.

Мана шу нон менга куч берди, ҳаётимни сақлаб қолди.

Аёлнинг юраги музлаб кетди. Эрталаб ўша одамга заҳарланган нон бермоқчи бўлгани ёдига тушди. Сўнгги лаҳзада бу ишидан қайтгани учун ўзини Худога ҳам, ўзига ҳам шукр қилди.

Ҳар куни ўша одам айтадиган сўзлар қулоғида жаранглади:

— Қилган ёмонлигинг ўзингда қолади, қилган яхшилигинг эса ўзингга қайтади. [194]

Нон[195]

Халқимизнинг ажиб удумлари бор.

Бешикда ётган чақалоқнинг ёстиғи тагига бир бурда нон қўйиб қўядилар.

Бола йўлга кирса, оёғи орасидан кулча думалатиб, нишонлайдилар.

Бувиларимиз совчиликка нон тугиб борадилар.

Икки ёш тақдири қўшилганининг рамзи сифатида нон ушатилади.

Олис ва хатарли сафарга кетаётган одамнинг насибаси узилмасин деб нон тишлатиб қоладилар.

Чавандоз кўпкари тўдасига кираётиб, белига нон тугиб олади.

Дастурхонга энг аввал нон қўйилади.

---

[194].https://www.facebook.com/manana.gegia1?__cft__[0]=AZWKYD2WJwkAkB_g6RFF7nt2GDu_vmgYM7EkCzTiE6gmnjYgshnOq4TTVViN8KT_ef1qp1BV8X9jDzZ4Dkpmi__yKirOh1X-tPMHi3LaBObx6sVtcLT4frelA3tImURjAUt5KpHJlGWzoA2NJa92Ezb2YY3UnUwYUjmrGj4EOXMPA_1quEWFtirHeJ7myFF5RAfza1GpFHP1qN6oszSeuyJX&__tn__=-UC%2CP-R

[195] Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобидан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота-боболаримиз фарзандларига «кўчада ётган нон бўлагини кўрсанг, кўзингга суртиб, покиза жойга олиб қўй», деб ўгит берадилар.

«Нондек азиз бўл», деган дуо энг улуғ олқиш саналади.

Одам ўзининг ҳақлигини билсаю, ҳеч нима билан исботлай олмаса, «нон урсин!» деб қасам ичади!

Нега шундай?

Олимларнинг аниқлашича, нонда инсон ҳаёти учун зарур барча моддалар бор экан. Одам ҳамма неъматларни истеъмол қилсаю, нон емаса, барибир яшай олмас, аммо бошқа ҳеч нима емасаю фақат нон истеъмол қилса, бемалол яшайверар экан… Бундан чиқди халқ азбаройи оч қолишдан қўрқиб, юқоридаги одатларни ўйлаб топган экан-да!

Йўқ! Бу удумлар Аллоҳ томонидан инсонга берилган неъматни қадрлаш, уволдан қўрқиш, фарзандларига ҳалол луқма егизиш учун одат тусига киритилган…

Нонни иймон даражасига кўтарган халққа таъзим қилинг!

Онамсиз ёпилган нон…

Тандирда нон ёпишни жудаям яхши кўрардим, айниқса Онам иккимиз бўлганимизда “тандир “жағи”га 4 тагина (аслида 15-20 та) сомса ҳам ёпайлик”, деб астойдил уринардик..

Онамдан сўнг тандирни унутдим, кўнглим ҳам ҳафсалам ҳам қолмади.

Орадан йиллар ўтди. Бу сафар қишлоққа келиб, боғдаги сабзавотларни йиғаркан, келинимиз Моҳинур билан тандирдан сўз очдик ва бирданига унда нон ёпиш истагимиз туғилди. Моҳинур бир зумда дўкондан сут ва керакли маҳсулотлар келтирди. Хуллас, орадан бир неча соат ўтгач, дастурхонда хушбўй ҳидли сомса-ю нон пайдо бўлди. Ҳартугул, тандирда нон ёпишни унутмабман!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар Онамнинг ёпган нонларига ўхшамаган бўлса-да ҳартугул дедик. (Ҳатто Тошкентга шошилинч кетиши керак бўлган акам ҳам тандирда ёпилаётган нон ва сомса дарагини эшитиб, кутишга қарор қилди ва бир оз ухлаб ҳам олди).

Тушликдан кейин ва кечки овқатдан олдинги фурсат бўлса-да Онамнинг тандирида пишган нон-у сомсалар бир онга бўлса-да, Онамизнинг сийратини, сувратини, ҳидларини бизнинг хувиллаган бағримизга насиб этди!

Бунчалар тенгсизсан, тандиржон![196]

Нон ҳиди

Тошкентнинг машҳур Олой бозорида 1990 йиллар бошида юзаси катталиги росмана икки қарич келадиган патир нон бозорнинг энг мазали нонларидан ҳисобланарди. Фалакнинг гардиши билан бир гурунгда ёнимдаги нотаниш суҳбатдошим Олой бозорининг ўша машҳур патирини ёпадиган новвой эканини билиб қолдим. Маълум бўлишича, уларнинг нон ёпишдаги санъатининг мухлиси бўлган ва кейинчалик Тель-Авивга бутунлай кўчиб кетган бир неча ҳамшаҳаримиз ушбу новвойни ҳам яхши ҳақ бериш шарти билан кўндиришиб олиб кетишибди. Тель-Авивнинг тупроғи тандир ясаш учун яроқсиз чиққани учун у ерликлар Тошкентдан бир неча тандирни яшикларга жойлаб учоққа ортиб, машҳур новвойимизга етказиб ҳам беришибди. Ўшанда телавивликлар аксарият оилаларида кам жон бўлиб яшагани учун новвой патирлар ўлчамини кичрайтиришига тўғри келган экан.

Ҳар бир вилоят новвойлари нонларнинг сифати, мазаси, турли-туманлиги бўйича гўё бир-бири билан мусобақалашгандек... Наманганга борганда фақат бир кўча бўйлаб бозор дарвозаси томон етиб олгунингизча юздан ортиқ

[196]https://www.facebook.com/sabohatrahmon?__cft__[0]=AZWe_vEA8hJaq1epZt-Glb13Jl5K_kfxxspF9lyaK4-jM_cPWDo5tOcUyCZU5pR3ATJgAygKX1e_ezgsp-FRVEk-UtNDogDbpeRrhNv7V9U0iOq6inV49XVNQzUhllCDyMk&__tn__=-]C%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

новвойларнинг саватларга солиб қўйилган турли нонлари ўз жилваси билан кўзингизни қамаштиради, таратаётган ёқимли ҳиди иштаҳангизни очиб юборади.

Фарғона водийсида тайёрланадиган нонларнинг номлари: оби нон; оби жимжима; уй нони, кулча нон, жиззали нон, гўштли нон, ёғли нон, чап-чап нон, гижда нон, оддий патир, ёғли патир, қашқар патир, ёғсиз патир, қатлама патир, тўй патир, лўлда патир, қўшалоқ ширмой, пайванд, оби холи олчагули, ширмой кулча, ширмон патир, кунгирали ширмой, кунжутли бозор нони, седанали бозор нони, байрам безакли нони ва ҳоказо.

Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида тайёрланадиган нонларнинг номлари: оби, якқафо, гахсаки, нони заргарон, ҳиндуги, фатири қашқари, ширмоли дужуфт, тафтон, тафтори ду без, нони тароқи, осиёий, пўлодий, жаззаин, кулчаи равғанин, оби жимжима, турфон, нони хаман, кулободи, забони гов, сохта ширмол, ширмоли седана пайванд, ширмоли оби холи олчагули, нони саланг, лаваш, чурек, давра, совғатин нақшин, ун нони, қўшалоқ барака кулча, куёв кулча нон, паркуп нон, кунжутли оби нон, седанали оби нон, кунжутли патир нон.

Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳасида тайёрланадиган нон номлари: оби нон, тўй нони, Хоразм нони, катта патир, кичик патир, сутли чурек, ширмон, ширмон қўшалоқ, кунжутли нон, лаваш нон ва бошқалар.

Ҳазрат Ҳизр ҳассасини суқиб кетган азим Тошкент шаҳри ҳозир катта бир новвойхонага ўхшайди. Бу ерда ватанимизнинг турли вилоятларидан келган новвойлар, мана, бир неча йилдан бери кимнинг нони мазали, ким уста новвой мусобақасини ўтказаётгандек нонларнинг турларини кун сайин кўпайтириб боришяпти. Ноннинг биз учун азизлиги урф-одат ва анъана- ларимизнинг нон билан боғлиқлигидир. У ерда-бу ерда нон ушоғини кўрсак, дарров бир четга олиб қўйишга тарбияланганмиз: қушлар ёки ит-мушук еб кетар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

деймиз. Чунки бу бебаҳо неъмат инсоннинг пешона терию қалб қўри билан бунёдга келади. Альберт Эйнштейндан “Сиз дунё яратилганидан буён инсониятнинг қайси кашфиётини энг буюк деб ҳисоблайсиз?” деб сўрашганида у: “Нонни”, деб жавоб берган экан.

“Довуд алайҳиссалом бир ғорга кирди ва у ерда ўлиб ётган киши бошида бир лавҳага кўзи тушди. Унда бундай деб ёзилган экан: “Мен фалончиман, минг йил подшоҳлик қилдим, мингта шаҳар барпо этдим, ҳарамимда мингта маъшуқа тутдим, мингта қўшинни мағлуб қилдим. Шундай замон бўлдики, нон келтиргани бозорга бир халта дирҳам чиқардим. Нон йўқ экан. Сўнг бир халта динор чиқардим – нон йўқ. Ке¬йин бир халта гавҳар чиқардим – нон яна йўқ. Охири шу гавҳарни майдалаб оғзимга солдим-да, ўша жойимда тиришиб ўлдим. Ким тонгда уйғонса-ю, бир дона нони бўлса ва ўзини ер юзининг энг бой одами деб санамаса, Оллоҳ унга ҳам худди меникидек ўлим раво кўрсин”, деган ривоятни тез-тез эслаб тураман. Замахшарий келтирган бу ривоят кишини ношукурлик ва кибр-ҳаводан қайтаради

Мансурхон Тоиров

(«Ҳаёт» газетаси, 2007 йил 22 ноябрь)[197]

Одамларга ишониш керак!

Ишдан қайтишда нон олмоқчи бўлиб, бир нечта нов-войхоналардан ўтиб келдим. Ногоҳ йўл четида турган "Нон" ёзувини кўриб тўхтадим. Коляскада усти ўралган нон, 4000 деган ёзув бор. Аммо сотувчи йўқ. Шу атрофдаги тўрт бешта дарвозани тақиллатдим, ҳеч ким чиқмади, чиққаниям бизга тегишли эмас, дейишди. Нима қилишни билмай турсам, бир

[197].https://www.facebook.com/mansoorxon.tairov/posts/pfbid02LdLT8Ha7dSjjdkers7PHWR68yN6X4L1EJf3ND8vYXGBYBfDNhCDiQH2RipW7L7sfl?__cft__[0]=AZZBOP6jQzum2u8y_Z8vtcjUAv6JhNqoHRKvp3_Bog8vi733qiT1ce6i6BxUnsq-DSMrI0PGKWSiDe7KHJ8XLNypYVMDpfAk4MDfz__IxsBeCOKrB_tlOLbMZH_gqpEXYlglWpoYqPNyDG4JcmW_gPTnsKeK4_xKfE5jtCja1Yz6ES33imY-UMaxMk7YwxQ-5Es&__tn__=%2CO%2CPH-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

йигит: "ака нонни олиб, пулни қўйиб кетаверинг" деди. Нон ўралган адёлни кўтардим, димоғимга гуп этиб иссиқ нон тафти урилди. Боз устига ўзим яхши кўрадиган чапчак нон эканлиги учун гарчи эҳтиёж 4 та бўлса ҳам 10 та олиб, пулини адёл тагида қолдирдим. 10 та нонниng пули устига яна ўн минг қўшиб ҳам қўйдим. Уйга келиб энди кийим алмаштираман деганимда, бир дўстим телефон қилиб чақириб қолди. Зарур иш деди. Тезда етиб бордим, иш битгач яна ўша нон турган жойдан ўтишга тўғри келди. Қарасам, бир ўсмир йигитча турган экан. Нон тугаган. Мен унга ярим соат олдин нон олмоқчи бўлганимни, аммо ҳеч ким йўқлиги учун кетиб қолганимни айтиб, нега шу ерда турмайсан, дедим. Нонни биров индамай кўтариб кетса, нима қилардинг, дея танбеҳ ҳам берган бўлдим. У эса новвойхонада ўзи ва акаси ишлашини, нонни қўриқлаб ўтиришга вақти йўқлигини, ҳали шу пайтгача нонниng пули ҳеч кам чиқмаганлигини айтаркан, одамларга ишониш керак, деди.

Нонни сотиб бўпсан, нега кетмаяпсан, десам, э, ака, кимдир ўн минг ортиқча пул ташлаб кетибди, адашиб бергани эсига тушса, қайтиб келар, деб турибман, деди...

Ёш боланинг тоза қалби, ишончи, беғуборлигини кўриб, шубҳа гумонларга борганимдан, уни синамоқчи бўлганимдан уялиб кетдим. Аста мошина томон юрарканман, дунёнинг бузилиб кетишига йўл қўймайдиган бу йигитчанинг гаплари миямни, вужудимни эгаллаб олган эди: "Одамларга ишониш керак!"

Мақсуд Жонихонов[198]

[198]https://www.facebook.com/profile.php?id=100016646322512&__cft__[0]=AZVfuZwVCrf4FzesQKGy0CvkhfJrytrkOz56DvG1D9RKjAUxClQUAjUOtTGhAIoDueTPMqSNIWQJ8gbIVv5dwF8--eJhZ7RfzRN8cAC1x3O_UsusBAzC36inav2QTEWQ3f73DTe11ikdjMNw835_gGI9Ys9NAM7Fr7ARhbfUpWf-Xw&__tn__=-UC%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОН ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

Ўзбек ва шарқ поэтикасида **Нон феномени** нафақат маиший-маиший озуқа, балки фалсафий, ахлоқий, этнографик ва ижтимоий-сиёсий концепт сифатида нечоғлик теран илдиз отганини яққол кўрсатади.

Ушбу шеърлар асосида нон феноменининг **6 та асосий дидактик ва фалсафий-поэтик ракурси**ни таҳлил қилиш мумкин:

1. "Ноннинг таржимаи ҳоли": Метаморфоза ва инсоний камолот ташбиҳи

Биринчи манба классик **маснавий ва тасаввуфий ташбиҳ** усулида ёзилган. Бу ерда буғдойнинг нонга айланиш жараёни инсоннинг камолотга эришиш йўли (сулук)га қиёсланади:

- **Инсон нафси ва синовлар:** Буғдойнинг ерга кўмилиши, ўроқда кесилиши, тегирмонда янчилиши, муштланиб хамир бўлиши ва охири **ўтда куйиб нон бўлиши** — тасаввуфдаги "риёзат" (покланиш) ва нафсни тарбиялаш жараёнидир.
- **Фидокорлик:** Ноннинг *"Ўт аро куйиб бу хаста жон, Эл учун бўлдим муносиб тоза нон"* дейиши — бошқалар соғлиги ва ҳаёти учун фидо бўлиш, комиллик даражасига етишнинг олий рамзидир.

2. Маҳмуд Ҳасанийнинг "Қотган нон ва унинг хислатлари": Этно-тиббиёт ва суннат баёни.

Бу шерда нон феноменининг **маиший, тиббий ва диний-ахлоқий** жиҳатлари очиб берилган:

- **Тиббий ва этнографик жиҳат:** Халқ табобатида қотган ноннинг меъдани тозалаши, сафрони ҳайдаши ва инсонга қувват бериши дидактик шеърият тилида баён этилган.
- **Қадр ва суннат:** *"Нонни эъзозла деб буюрди Расул"* мисраси орқали нонга муносабат бевосита диний-маънавий қадриятларга ва Пайғамбар суннатига боғланади. Нонни эъзозлаш — инсоннинг ўз азизлиги кафолати сифатида

www.ziyouz.com kutubxonasi

талқин қилинади (*“Ҳар ким азиз тутса нонини агар, Ўзи ҳам жаҳонда азиз бўлади”*).

3. Ёнғин Мирзонинг “Нон исига тўлсин деб дунё”: Микро ва макродунё қарама-қаршилиги.

Бу шерда **Она — Тандир — Нон** триадаси тинчлик ва ҳаётбахшликнинг ягона кафолати сифатида гавдаланади:

- **Контраст (зиддият):** Ташқаридаги урушлар, қон тўкилиши, сиёсий низолар ва ғазабга қарама-қарши ўлароқ, ҳовлида Онанинг тандирга ўт қалаши тасвирланади.
- **Тинчлик ва она меҳри рамзи:** Она тандирга ўт қалаш орқали нафақат оиласини, балки бутун дунёни **“нон иси” (тинчлик ва ҳаёт)** билан тўлдиришни орзу қилади. Бу ерда нон ёпиш жараёни — ёвузликка қарши энг эзгу ва сукутли исёндир.

4. Алишер Назруллонинг “Нон”: Ижтимоий ташвиш ва масъулият кўзгуси.

Шеърда нон феномени XXI аср шаҳар ҳаётининг **ижтимоий ва психологик кўриниши** орқали очиб берилади:

- **“Уйда нон борми?..”:** Автобусдаги нотаниш аёлнинг шу бир оғиз саволи инсоният ҳаётининг энг фундаментал эҳтиёжини эслатади. Бу савол жамиятдаги сохта орзулар, ортиқча ташвишларни бир четга суриб, ҳаётнинг асл моҳияти — **тириклик ва оила масъулияти**га қайтаради.
- Лирик қаҳрамоннинг *“уйда нон борми?”* деган ҳавотири — оила тебратиш, масъулият ва одамзоднинг фундаментал эҳтиёжи олдидаги ожизлиги ва матонати аксидир.

5. Ўктам Муҳаммад Садиннинг “Нон таъми”: Генетик хотира ва Устоз-шогирд/Она-қиз анъанаси.

Бу матнда нон **авлодлар ўртасидаги маънавий кўприк ва маданий код** сифатида намоён бўлади:

- **Ностальгия ва хотира:** Онанинг тандирда ёпган нонлари таъми мангу хотирага ва қонга сингиб кетган қувватга айланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

• **Анъаналар давомийлиги:** *“Анъаналар инсоннинг оқар экан қонида, Энди қизим нон ёпар, ўғилчаси ёнида»* мисралари орқали нон ёпиш маданияти ва қадриятларининг авлоддан-авлодда давом этиши, миллий идентиликнинг йўқолмаслиги кўрсатилган.

6. Мухтор Худойқуловнинг “Ушоқлар”: Кичик деталдаги катта увол ва масъулият.

Сўнгги шеърда нон феноменининг энг кичик ва нозик зарраси — **ушоқ (урвоқ)** таҳлил қилинади:

• **Исроф ва эътиборсизлик:** Инсонларнинг кундалик ҳаётда ушоқларга эътибор бермаслиги, уларни теришдан чарчаши ва охир-оқибат ахлатга супирилиши орқали жамиятдаги **неъматга бўлган бепарволик ва маънавий танбал сустлик** танқид қилинади.

• **Увол ва ахлоқий мезон:** Ушоқ ҳам нон каби муътабар экани, уни териш ва қадрлаш инсоннинг маънавий тўкислигини белгилаши уқтирилади.

Шеърий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбек поэзиясида Нон феномени фақатгина биологик эҳтиёж ёки маиший рамз эмас. У босқичма-босқич покланиш ва фидокорлик (маснавий), тинчлик ва она меҳри (Ёнғин Мирзо), ижтимоий масъулият (А. Назрулло), авлодлар хотираси ва қадрият (Ў. М. Садин) ҳамда инсоний одоб ва увол мезони (М. Худойқулов) сифатида кўп қиррали бадиий ва фалсафий категорияга айланган.

Ноннинг таржимаи ҳоли

Сўнгра нон ўз ҳолин изҳор айлади
Ул кишини сиррига ёр айлади.
Айтди: “Жаннат боғида буғдой эдим,
Анбарин тупроғу сувга бой эдим.
Ногаҳон тушдим жаҳон омборига,
Ҳам қамалдим неча чоҳу ғорига.
Сўнг мени тупроққа пинҳон этдилар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўсту ёрсиз якка ташлаб кетдилар.
Кулди толе, бахт қушин ёр айлади,
Уйқудан дунёда бедор айлади.
Қаддимни кердим ғурурдан бўй чўзиб,
Менсимай боқдим ҳамма ўтдан ўзиб.
Бошима келди қаҳр боди етиб,
Қарилик етди, йигит даврим кетиб.
Узди деҳқон бошим ўроқ бирла хос,
Бошга сомон сочдиму ёпдим палос.
Сўнг ҳўкиз остига тушдим ногаҳон,
Қисқаси бўлдим эшакка юк шу он.
Айланиб бошимда тегирмон тоши,
Парчаландим, қолмайин жон бардоши.
Гоҳида омбор аро пинҳон эдим,
Гоҳ элаклар ичра саргардон эдим.
Бошима муштлаб чалажон қилдилар,
Охири мендан патир нон қилдилар.
Ўт аро куйиб бу хаста жон,
Эл учун бўлдим муносиб тоза нон".[199]

Қотган нон ва унинг хислатлари ҳақида

Қотган нон мазада нондан кам эмас,
Қуввати тан учун қондан кам эмас.
Юмшоқ нон томирда тоза қон бўлса,
Қотган нон баданда жондан кам эмас.

Қотган нон керакмас, қотибди, дема,
Тишим унга ўтмас, қотибди, дема.
Қотган нон шўрвада жамол очади,
Жон учун у дастрас, қотибди, дема.

[199]https://www.facebook.com/groups/526658197748321/user/100021757854301/?__cft__[0]=AZWLR7xrCyJI9A4vBDrECxLe421u8z4c5P5GaVLjSz5ntOLyBfm0XMjdwjIHq2FgYafrVtq4bQTQbn_37qXpq_euCf0RY3pernGloF1H1VdNWrNtYuJQvA-n96Fon6011JNPsMX86bMNWIGm0creaxCYTaxi3MkmMjuj62bHjCMCWCQfjju0MzCTjhxCqXHNCpejE0x1nINx1qG_UqFAMB5RTGE9qJHJCDfL0VDtG2X0bg&__tn__=%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаббат қачонки нонга сингади,
Ўша нон лаззати жонга сингади.
Қотган нонда бордир ажиб фазилат,
Сафрони уради, қонга сингади.

Нондан одам жони мазза қилади,
Нонни хор қилмаки, изза қилади.
Қотган нондан егин, меъда ичини,
Ёмон моддалардан тоза қилади.

Тузким, жойда бўлса, ошинг соз бўлар,
Ақл жойда бўлса, ишинг соз бўлар.
Қотган нон егинки, кўзинг ёшланса,
Иллатинг кетади, ёшинг соз бўлар.

Нон доим ёнингда, йўлдошга ўхшар,
Жони жонга фидо қардошга ўхшар.
Ноннинг иша, қара, қуёш кабидир,
Шунинг-чун шаклда қуёшга ўхшар.

Ақли бор соҳиби тамиз бўлади,
Сўзлари ширину лазиз бўлади.
Ҳар ким азиз тутса нонини агар,
Ўзи ҳам жаҳонда азиз бўлади.

Ҳар кўнгил шод бўлса, парвоз қилади.
Одобу ахлоқин пардоз қилади.
“Нонни эъзозла”[1] деб буюрди Расул,
Ақли бор, нон топса, эъзоз қилади.

Бу тинчлик юртида жонимиз омон,
Қонимиз тўкилмас, қонимиз омон.
Оч қолиб, кўз ёши тўкмасмиз асло,
Қопда буғдой, уйда нонимиз омон.

Шодликка ҳамиша жонимиз тўла,
Нозу неъмат ила хонимиз тўла.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тинчлик ила доим фароғатдамиз,
Невчунки, сандиқда нонимиз тўла.[200]

Нон исига тўлсин деб дунё

Ташқарида гуллаган очун,
Ташқарида қорайган олам.
Ҳовлимизда нон ёпмоқ учун
Тандирга ўт қалайди онам.

Шеър ёзаман келди деб баҳор,
Гоҳ ишқ дея ўрлайди нолам.
Бағримга ўт қалайди дилдор…
Тандирга ўт қалайди онам.

Ким кимнидир қилади қувғин,
Ҳақ йўлида кимдир чекар ғам.
Ким жимгина яшайди беун…
Тандирга ўт қалайди онам.

Қайлардадир тўкилади қон,
Жанггу жадал, ғазабу алам...
“Тангрим билар – ким яхши, ёмон...”
Тандирга ўт қалайди онам.

“Майли, ҳамма бандаи Худо,
Тинч бўлсин-да, ишқилиб олам”.
Нон исига тўлсин деб дунё,
Тандирга ўт қалайди онам[201].

Нон

Офтоб ботиб борар, шом яқин
нурлар хиралашган кун оғушида,

200 Маҳмуд Ҳасаний.
201 Ёнғин Мирзо. Ҳаёт илдизи.- Т.: TAMADDUN, 2015. – Б.65.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қулоқларим менинг ўрганиб қолган
сукунатнинг оғир, зил товушига...
Хиргойи қилмоқнинг эмас мавриди
толиққан вужудлар мудрайди аста.
Дам олмоқ фурсати келмоқда, ахир
қуёш ҳам ётоққа кирар бир пасда...
Суяниб бораман бир четда секин
йўловчиси тўла автобус елар.
Том битган қулоғим остида ногоҳ
ўкинч, ғам аралаш бир нидо келар:
– Алло! – Уйда нон борми?..
Ортимга қарашга қилмайман журъат,
ёғдуга кўмилган борлиқ ҳайратли.
Уйда нон борми, деб сўраган аёл
не-не марддан кўра эди ғайратли...
Бир оғиз сўз айтди телефонда у,
даданг келдими, деб сўрагани йўқ.
Мудраб бораётган йўловчиларни
билмадим, билмадим кўнгиллари тўқ...
Умр деганлари елда учган хас,
бекатларда бир-бир қолишар тушиб...
Дейман, бечоралар ташвиш ичида
боришар дунёни ҳатто унутиб...
Тушиб қолдим мана мен ҳам бекатда
кўнглимга қил сиғмас, ғам тоғча борми?..
Эшик қоқаяпман, яшириб нетай:
билмайман, билмайман...
уйда нон борми?..

Алишер Назрулло

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нон таъми
(қўшиқ)

Онам ўтин ёқарди,
Лойсувоқли ўчоққа.
Тандир тўла нонлари,
Сиғмас эди қучоққа.
Битта ўзи бутларди,
Рўзғоримиз камини.
Ҳамон думоқ қумсайди,
Нонларининг таъмини.
Ўша нонлар қуввати,
Қолиб кетган танимда.
Энди тандир,ўчоқ йўқ,
Онам ҳам йўқ ёнимда.
Кеча қизим нон ёпиб,
Бизларга ҳам илинди.
Эсладим ғўр ёшлкни,
Онам қадри билинди.
Анъаналар инсоннинг,
Оқар экан қонида.
Энди қизим нон ёпар,
Ўғилчаси ёнида.
Онам ўтин ёқарди,
Лойсувоқли ўчоққа.
Тандир тўла нонлари,
Сиғмас эди қучоққа.

Ўктам Муҳаммад Садин

Ушоқлар

Қўлу қўнжимиздан тушган ушоқлар,
Еса одам тўймас майда урвоқлар,
Сону саноғи йўқ, мунчаям кўпсиз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оёқлар остида ғиж-ғижсиз, тўпсиз.
Оре, ушоқ асли муътабар, увол,
Нон каби азиздир ушоқ ҳам мисол,
Аммо тушаверса қўллардан сакраб,
Қандайин чораси кўрилур, ё раб?
Биттасини олсанг – иккинчиси бор,
Ергача эгилиб такрору такрор,
Ғамингизни ейиш керак, албатта,
Териб олиш лозим биттама-битта.
Сиз эса қўллардан яна тушасиз,
Қайбир тирқишларга қараб учасиз,
Ҳадеб эгилишдан чарчайди одам,
Сизларни теришдан чарчайди одам,
Ноилож ахлатдек супирилурсиз,
Бирон бир нарсага арзимай эсиз...
Мухтор Худойқулов.15.02.26.[202]

НОН ҲАҚИДА МАҚОЛЛАР

Нон инсоният цивилизациясининг энг қадимий ва муқаддас неъматларидан бири ҳисобланади. У нафақат инсоннинг қорнини тўйдирувчи озуқа, балки меҳнат, барака, ҳаёт, ҳалоллик ва ризқ рамзи сифатида ҳам қадрланган. Айниқса, ўзбек халқининг маънавий дунёсида нонга бўлган ҳурмат алоҳида ўрин тутади. Шу боис халқ оғзаки ижодида, хусусан мақол ва маталларда нон мавзуси кенг акс этган. Мақоллар халқнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибаси, дунё-қараши ва ахлоқий мезонларини ўзида мужассамлаштирган қисқа ва сермазмун ҳикматлардир. Нон ҳақидаги мақолларда эса халқнинг меҳнатга муносабати, ҳалол ризққа эҳтироми,

[202].https://www.facebook.com/muhtar.hudajkulov?__cft__[0]=AZZ501r1iipWECKAqeo_5LBYolnmSy9P9H_UFVyLPifoBFe8kVa1xLWxgBO58IMDLY1_gi0JlcauTVsSWOF30xERMqvKcVkb0HYbVEU4v65ru_r74_FT1jfveStJf_wSgSsz39yG2pfgZiyH_IwZ3igDWkArqvS3bSB-79DBvCH47ELyLOTsNv0AL-KaxEUemSs&__tn__=-UC%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

исрофни қоралаши ва инсонпарварлик ғоялари ифодаланган.

Нон — ҳаёт ва барака рамзи.

Ўзбек халқ мақолларида нон аввало ҳаёт манбаи сифатида талқин қилинади:

“Нон — ҳар бир хонадоннинг жони”, “Нон ҳидида ҳаёт бор”, “Нон бўлса бас, ўзгаси — ҳавас”. Бу мақоллар халқ онгида ноннинг оддий озиқ-овқат эмас, балки тирикликнинг асоси сифатида қабул қилинганини кўрсатади. “Нон бор уйда — шодлик бор” деган мақол эса ноннинг хонадон тинчлиги ва фаровонлиги билан бевосита боғланганини англатади.

Бошқа халқлар мақолларида ҳам шу ғоя кузатилади. Масалан, озарбайжон халқида: “Нон — таомларнинг оқсоқоли”, деб айтилиши ноннинг барча таомлар ичида энг улуғ неъмат сифатида қаралишини англатади.

Нон ҳақидаги мақолларнинг катта қисми меҳнат тарбияси билан боғлиқ. Халқ ноннинг осонлик билан топилмаслигини таъкидлайди:

“Нон емоқчи бўлсанг, ўтин ташишдан эринма.”

“Нонни меҳнат топган, меҳнатни нон топган.”

“Ерга қанча кўп эгилсанг, нонга шунча яқин бўласан.”

Бу мақолларда инсон меҳнат қилмасдан туриб ризққа эришолмаслиги уқтирилади. Нон инсон пешона тери, деҳқон меҳнати ва сабр-қаноат маҳсули сифатида улуғланган.

Шунингдек, “Нони ҳалолнинг — ўзи ҳалол” мақоли ҳалол меҳнат орқали топилган ризқ инсон маънавиятига ҳам ижобий таъсир қилишини кўрсатади.

Ўзбек халқ маданиятида нонни эъзозлаш муҳим ахлоқий қадрият ҳисобланган. Бу ҳолат қуйидаги мақолларда яққол намоён бўлади:

“Нонни хор қилма, ушоғига зор бўласан”, “Нонни уватма, қадрини отма”, “Нонга ҳурмат — элга ҳурмат.”

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу мақоллар халқнинг нонга нисбатан эҳтиромини, уни исроф қилишни қаттиқ қоралашини англатади. Айниқса, нон ушоғини ҳам муқаддас билиш анъанаси халқ маънавиятида чуқур илдиз отган.

“Ноннинг увоғи ҳам нон, бурдаси ҳам нон” деган мақол ҳам ҳар бир бурда ризқнинг қадри баланд эканини таъкидлайди.

Кўплаб мақолларда очлик ва муҳтожлик орқали нон қадри англатилган:

“Нон қадрини оч билар, кийим қадрини — яланғоч”, “Очнинг тушига нон киради”, “Очликда ноннинг ушоғи ҳам олтиндан қиммат”.

Бу каби мақоллар инсон ҳаётида энг асосий эҳтиёж — ризқ ва озуқа эканини ёритади. Тарихдаги очарчиликлар, урушлар ва қийинчиликлар халқ хотирасида чуқур из қолдиргани учун нонга оид мақолларда ҳаётий реализм кучли намоён бўлади.

Жаҳон халқлари мақолларида ҳам нонга нисбатан умумий қадриятлар акс этади. Масалан: инглиз халқида: “Яримта нон йўқчиликдан афзал”. Фин халқида: “Мусибатдаги олтин қуймадан хурсандликдаги бурда нон афзал”.

Бу мақоллар турли миллатларда ҳам нон ҳаётнинг асосий неъмати сифатида қадрланишини кўрсатади. Демак, нон инсониятни бирлаштирувчи умумбашарий қадриятлардан биридир.

Нон ҳақидаги мақоллар халқнинг асрлар давомида шаклланган ҳаётий тажрибаси ва маънавий қарашларини ўзида мужассам этган муҳим фольклор намуналаридир. Уларда меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тежамкорлик, инсонпарварлик ва шукроналик ғоялари тарғиб этилади.

Ўзбек халқининг нонга бўлган юксак эҳтироми миллий маданият ва маънавиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу боис нон ҳақидаги мақолларни ўрганиш нафақат тилшунослик ёки фольклор нуқтаи назаридан, балки ёш авлодни

www.ziyouz.com kutubxonasi

миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Нон — авлиё, ош — машойих.

Нон — асли дон.

Нон боласи — нон ушоқ.

Нон бўлса бас, ўзгаси — ҳавас.

Нон бўлса, чайнашга тиш топилар.

Нон емаснинг ишига боқ.

Нон емоқчи бўлсанг, ўтин ташишдан эринма.

Нон мўллиги — эл тўқлиги.

Нон — нонда, калити – осмонда.

Нон пишгунча, кулча куяр.

Нон қадрини оч билар, Кийим қадрин — яланғоч.

Нон қийшиқ эмас, буғдойи қийшиқ.

Нон қон бўлса, қон — жон.

Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон.

Нонвойга нон азиз, Тегирмончига — ун.

Нон тиқилса, сувга чоп, Сув тиқилса, гўрга чоп.

Нонга туйилсанг, сув ич, Сувга туйилсанг, кафан бич.

Нонга эътибор — элга эътибор.

Нонга ҳурмат — элга ҳурмат.

Нонинг борида эл тани, Кучинг борида йўл тани.

Нонинг борида эл тани, Отинг борида йўл тани.

Нонни катта тишласанг ҳам, Гапни катта гапирма.

Нонни меҳнат топган, Меҳнатни нон топган.

Нонни тованинг қизиғида ёп.

Нонни уватма, қадрини отма.

Ноннинг икки кунлигини е, Гўштнинг — бир кунлигини.

Ноннинг увоғи ҳам нон, бурдаси ҳам нон.

Нонсиз яшаб бўлмас, Гапни ошаб бўлмас.

Нонсиз яшаб бўлмас, Қуруқ гапни ошаб бўлмас.

Номард нон устида нолишини қўймайди.

Ҳалол топган пулингга, олиб есанг ошу нон,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундагина иштаҳанг очилади бегумон.

Битта нон билан тўядиган киши яримта нон билан ҳам тўяверади.

Кимки оро кирмас жонингга,

Шерик бўлмасин у ширин нонингга.

Душманнинг нонидан, дўстнинг шапалоғи яхши.

Қорни очга нон қайғуси, совуқотганга — кийим.

Нон ва сув бор экан — ғам ема.

Нон чопон эмас, аммо иссиқ тутади.

Нон қўйилган дастурхон — тахт, бахтнинг ўзгинасидир.

Нон оёққа турғизади, вино йиқитади.

Жавдар нон — нонларнинг нони.

Жавдар нон кимнинг кўнглига тегибди.

Ноннинг номи улуғ, номидан ўзи улуғ.

Нон — асли дон.

Нон бор уйда — шодлик бор.

Нон емоқчи бўлсанг ўтин ташишдан эринма.

Нон қадрини оч билар.

Кийим қадрини яланғоч.

Нон қўйнимда, қувват илкимда.

Нон — ҳар бир хонадоннинг жони.

Нон ҳидида ҳаёт бор.

Ноннинг хоми гард пайдо қилар, Гўштнинг хоми дард пайдо қилар.

Нон қадрини билмаган, Ўз қадрини билмайди.

Ноннинг икки кунлигини е, Гўштнинг бир кунлигини.

Нонни хор қилма, Ушоғига зор бўласан.

Нонни эъзозласанг, эл эъзозлайди.

Нонга эътибор — элга эътибор.

Нони ҳалолнинг — ўзи ҳалол.

Нонсиз дастурхоннинг кўрки йўқ.

Нонсиз яшаб бўлмас, Гапни ошаб бўлмас.

Жавдар нон оқ ноннинг буваси.

Эй азизлар, нон танламанглар!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қанча ўйламагин, қанча югурмагин, барибир нон ва туздан аъло нарсани тополмайсан.

Ўзбек халқ мақоллари.

Нонсиз, тузсиз ҳеч ким овқатланмайди.
Нон бўлса кифоя, дастурхон шарт эмас.

Албан мақоллари.

Қорин нонсиз кун кечира олмайди.

Бошқирд мақоли.

Нон оёққа турғизади.

Украин мақоли.

Нон — таомларнинг оқсоқоли.
Нон отанг, сув онанг.
Нон ҳамма ерда азиз, бизда ҳам, нариги қирғоқда ҳам.

Озарбайжон мақоллари.

Нон ва сув—соғлом таом.
Нон ва сув бор ердан яхши жой тополмайсан.

Эрон мақоллари.

Суви қочган нон бир уйнинг қорнини тўйғазади ва обод қилади.

Молдаван мақоли.[203]

Қорин тўқ бўлса, нон хомга ўхшайди.

Адигей мақоли.

Битта нон билан тўядиган киши яримта нон билан ҳам тўяверади

Араб мақоли.

[203] Тиббиёт хазинасидан. – Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, 1992. -Б.95.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзимнинг қаттиқ ноним сизнинг ёғли ошингиздан афзал.

Нонингни ноним устига қўй, шунда тепадан ҳам, пастдан ҳам ейсан.

Девордан йиқилсанг - ўлмайсан, нонсиз - йўқоласан.

Мусофирда нон бўлиши керак, чўпонда - олов

Шакар ширин бўлса-да, ноннинг ўрнини босолмайди.

Арман мақоли.

Уйингдаги зоғора нонинг бировнинг мойли ошидан афзал.

Очнинг тушига нон киради.

Очга йўлбарснинг териси ҳам нондан бўлганга ўхшай- ди.

Афғон мақоли.

Ерга қанча кўп эгилсанг, нонга шунча яқин бўласан.

Белорус мақоли.

Жавдар нонни ҳам иштаҳа билан е.

Қийинчилик кўрмасдан нон тишлолмайсан.

Бошқирд мақоли.

Қимматбаҳо тошларнинг кичигини, ноннинг каттаси- ни ол.

Бурят мақоли.

Нон-туз ҳақини билмаган кўр бўлар.

Гагауз мақоли.

Уйдаги қаттиқ нон ўзга юртдаги барра гўштдан афзал.

Голланд мақоли.

Яримта нон йўқчиликдан афзал.

Инглиз мақоли.

Очнинг тушига нон киради.

Куба мақоли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нонсиз уйда ҳамма сўкинади ва ҳеч ким ҳақ эмас.

Португал мақоли.

Узингнинг қора нонинг бировнинг патиридан афзал.

Татар мақоли.

Мусибатдаги олтин қуймадан хурсандликдаги бурда нон афзал.

Фин мақоли.

Очликда ноннинг ушоғи ҳам олтиндан қиммат.

Қирғиз мақоли.

Очга қаттиқ нон ҳам мойдек ўтади.

Ҳинд мақоли.[204]

Ўзбек ва жаҳон халқлари фольклорида **“Нон феномени”** фундаментал маданий, ижтимоий, ахлоқий ва этно-психологик категория сифатида намоён бўлишини исботлайди. Мақоллар шунчаки маиший ҳикматлар эмас, балки инсониятнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибаси асосида шаклланган **когнитив ва қадриятлар тизимидир**.

“Нон феномени” контекстида қуйидаги **6 та асосий илмий-назарий ракурсда** таҳлил қилиш мумкин:

1. Онтологик ва Семантик жиҳат: Нон — Экзистенциал асос (Тириклик ва Ризқ).

Паремиологик бирликларда нон оддий озиқ-овқат даражасидан кўтарилиб, **ҳаётнинг ўзи (экзистенция)** билан тенглаштирилади:

- **Инвариант ва вариантлар:** *“Нон — ҳар бир хонадоннинг жони”*, *“Нон ҳидида ҳаёт бор”* каби ўзбек, *“Қорин нонсиз кун кечира олмайди”* (бошқирд), *“Нон ва сув — соғлом таом”* (эрон) мақолларида нон — биологик ва маънавий мавжудликнинг бош шартидир.

[204] Жаҳон халқ мақоллари. /Тузувчи ва таржимон Давронбек Тожиалиев. – Т.: “O‘qituvchi”, НМИУ, 2018.

www.ziyouz.com kutubxonasi

• **Этно-лингвистик асос:** *“Нон — асли дон”* тавтологик фигураси орқали инсониятнинг деҳқончилик цивилизациясига ўтиш тарихи, табиат билан уйғунлиги ва ризқнинг генезиси очиб берилади.

2. Праксиологик ва Дидактик жиҳат: Меҳнат ва ҳалоллик кодекси

Паремияларнинг салмоқли қисми ноннинг **пайдо бўлиш динамикаси (ишлаб чиқариш)** ва **ахлоқий қиймати** ўртасидаги боғлиқликни очиб беради:

• **Пешона тери ва ҳаракат:** *“Нон емоқчи бўлсанг, ўтин ташишдан эринма”*, *“Ерга қанча кўп эгилсанг, нонга шунча яқин бўласан”* (белорус) мақолларида нон — меҳнатнинг моддийлашган шакли сифатида кўрилади.

• **Антропологик трансформация:** *“Нонни меҳнат топган, меҳнатни нон топган”* ва *“Нони ҳалолнинг — ўзи ҳалол”* формуласи орқали нон инсоннинг маънавий қиёфасини шакллантирувчи ва ҳалолликни белгиловчи индикаторга айланади.

3. Этно-аксиологик ва табу жиҳати: Нонни эъзозлаш ва “Увол” концепти.

Ўзбек ва Марказий Осиё халқлари маданиятида нонга муносабат **сакрал (муқаддас)** характерда:

• **Урвоқ/Ушоқ аксиологияси:** *“Нонни хор қилма, ушоғига зор бўласан”*, *“Ноннинг увоғи ҳам нон”* мақоллари жамиятда микро-сатҳдаги (ушоқ) неъматни ҳам асраш ахлоқини шакллантиради.

• **Символик иерархия:** *“Нон — авлиё, ош — машойих”* мақолида традицион қадриятлар тизимидаги иерархия аниқ кўринади: ош (зиёфат таоми) машойих бўлса, нон (асосий неъмат) авлиё — яъни муқаддасликнинг энг юқори пиллапоясида туради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Гносеологик ва Психологик жиҳат: Қадр ва эҳтиёж контрасти.

Инсоннинг нонга бўлган муносабати унинг моддий ва руҳий ҳолати (тўқлик ва очлик) динамикасида таҳлил қилинади:

• **Кризис хотираси ва реализм:** *"Нон қадрини оч билар..."*, *"Очнинг тушига нон киради"* (афғон, куба), *"Очликда ноннинг ушоғи ҳам олтиндан қиммат"* (қирғиз) каби мақолларда инсоният хотирасидаги уруш, очарчилик ва синовларнинг тарихий-психологик излари сақланиб қолган.

• **Ноннинг психологик устунлиги:** *"Мусибатдаги олтин қуймадан хурсандликдаги бурда нон афзал"* (фин) мақоли ноннинг ҳар қандай бойликдан кўра инсонга руҳий ва жисмоний ҳаловат бериш кучини кўрсатади.

5. Ижтимоий-дипломатик ва коммуникатив функция: Тинчлик ва мезмондошлик рамзи.

Нон жамиятни бирлаштирувчи ва ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи воситадир:

• **Дастурхон ва тахт:** *"Нон қўйилган дастурхон — тахт, бахтнинг ўзгинасидир"*,*"Нон бор уйда — шодлик бор"* мақоллари ноннинг оилавий ва ижтимоий жипслик яратувчи функциясини очиб беради.

• **Сўз ва амал нисбати:** *"Нонсиз яшаб бўлмас, қуруқ гапни ошаб бўлмас"*, *"Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма"* мақоллари жамиятда қуруқ ваъдабозликка қарши ахлоқий чеклов (табу) ва прагматик дунёқарашни шакллантиради.

6. Компаративист ва умумбашарий (универсал) жиҳат.

Матндаги ўзбек, озарбайжон, албан, инглиз, араб, афғон, голланд, фин ва бошқа халқлар мақолларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики:

• **Маданий универсалия:** География, диний ва этник фарқларга қарамай, **"Нон = Ҳаёт = Тинчлик"** тенгламаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

бутун инсоният учун умумбашарий (универсал) қадрият ҳисобланади.

• **Маҳаллий колорит:** Муайян халқларнинг мақолларида маҳаллий нон турлари (патри, зоғора, жавдар нони) ва миллий турмуш тарзи (зоғоранинг ёғли ошдан, қора ноннинг патирдан афзаллиги) орқали «ўзлик» ва «садоқат» ғоялари илгари сурилади.

• Паремиологик манбаларнинг комплекс таҳлили шуни кўрсатадики, Нон феномени халқ оғзаки ижодида оддий физиологик эҳтиёж қондирувчи омил эмас, балки этноснинг маънавий-ахлоқий кодекси, меҳнат ва ҳалоллик мезони, ижтимоий барқарорлик ва умумбашарий тинчлик концептларини ўзида мужассамлаштирган универсал фольклор ва маданият феноменидир

НОН БИЛАН БОҒЛИҚ ҲИКМАТЛАР

Нон инсоният маданиятида энг қадимий ва универсал озуқа бўлиб, у фақат жисмоний эҳтиёжни қондирувчи маҳсулот эмас, балки маънавий, ахлоқий ва ижтимоий қадриятларни ифодаловчи рамз сифатида ҳам намоён бўлади. Турли халқлар оғзаки ижоди, диний манбалар ва мумтоз адабиётда нон ҳақидаги ҳикматлар инсон меҳнати, ҳалоллик, қаноат ва ижтимоий адолат каби тушунчалар билан узвий боғланган.

Нон ҳақидаги ҳикматларнинг катта қисми унинг меҳнат билан боғлиқ эканини таъкидлайди. Саъдий Шерозий, Сўфи Оллоёр ва Ризоуддин Фахриддин каби мутафаккирлар нонни “пешона теридан ундирилган ризқ” сифатида талқин қиладилар. Бу қарашга кўра, инсон қадри унинг меҳнат билан яратган неъмати орқали намоён бўлади.

Шу маънода нон — ижтимоий адолатнинг ҳам белгиси: ҳалол меҳнатсиз топилган нон маънавий қийматдан маҳрум ҳисобланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хусрав Деҳлавий, Умар Хайём ва Паҳлавон Маҳмуд ҳикматларида қаноат тушунчаси марказий ўрин тутади. Уларга кўра, инсон ўз меҳнати билан топган оддий нон ҳам бошқаларнинг миннатли неъматидан афзалдир.

Бу ғоя ахлоқий тарбияда муҳим ўрин тутади: қаноатли инсон нафс устидан ғолиб бўлади ва ижтимоий мустақилликка эришади.

Абу Мансур ал-Мотуридий, Юсуф Хос Ҳожиб ва Низомий Ганжавий ҳикматларида нон инсонлар ўртасидаги муносабат мезони сифатида талқин этилади. Миннат билан берилган нон инсон қадрини туширади, холис меҳр билан бўлишилган нон эса жамиятда ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди.

Ҳадис ва диний манбаларда нонга эҳтиром қилиш, уни исроф қилмаслик инсоний бурч сифатида кўрсатилади. Бу қарашда нон — илоҳий ризқ, инсон ҳаётининг асосий кафолати сифатида намоён бўлади.

Бетран Рассел ва Виктор Гюго каби мутафаккирлар эса нонни ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизликни кўрсатувчи мезон сифатида таҳлил қиладилар.

Нон ҳақидаги ҳикматлар турли давр ва маданиятларда шаклланган бўлса-да, уларни бирлаштирувчи умумий ғоя — инсон меҳнати, ҳалоллик, қаноат ва ижтимоий адолатдир. Нон фақат озуқа эмас, балки инсоний қадриятларни тарбияловчи маънавий категория сифатида ҳам аҳамиятга эга.

Шу сабабли, нон ҳақидаги ҳикматларни ўрганиш орқали биз нафақат озиқ-овқат маданиятини, балки инсониятнинг ахлоқий-фалсафий тафаккурини ҳам чуқурроқ англаймиз.

Нон ўрнига сўз билан тўйдирма.

(Аристофан)

Ҳар кимнинг нонини ема, аммо ҳаммага нон бер.

(Абу Мансур ал Мотуридий)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Очликда қолмаса чидам ва тоқат,
Баъзан арпа нон ҳам кўринар новвот.

(Хусрав Деҳлавий)

Хасиснинг нонига узатгандан қўл,
Филларнинг остида ўлган кўп маъқул.

Хасиснинг хонидан егандан ҳалво,
Уйингда қотган нон еганинг авло.

Бировнинг олдига боргандан нон деб,
Уйда жим ўтирган яхшидир жон деб.

(Низомий Ганжавий)

Тиш бўлмаса хам бор емоққа имкон,
Зўр мусибатдир гар бўлмаса нон.

Ўз манглай теридан нон еган киши,
Ҳотам миннатидан озод ёз-қиши.

(Саъдий Шерозий)

Борма айтмаганнинг дастурхонига,
Қўл узатсанг, қадринг тушар, нонига,
Қўшма ўзгаларнинг барра кабобин.
Қотган нону совуқ сувинг сонига.

(Паҳлавон Маҳмуд)

Ноннинг шарҳи пинҳон қоладиган нарса эмас, у ҳар бир бозорда айтиладиган достондир.

Ноннинг шуҳрати ва бозори ўлмайди.

(Абу Исҳоқ Ҳаллож)

Туз ва нонга феълингни кенг тут, одамларга едир; кишида нуқсон кўрсанг жим бўл, яшир!

(Юсуф Хос Ҳожиб)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Боқсанг дунёга дўстлар, тенги йўқ инсон азиз, Бу азиз инсон ҳаётин сақламоқда нон азиз.

(Ҳабибий)

Бўлса агар суву парча қотган нон,
Узга косасига кўз тикма инсон.
Бўлсанг агар тожу тахт учун муҳтож,
Заминни тахт деб бил ва қуёшни тож.

(“Махзан ул-улум”дан)

Кимники бор эса бир бурда нони,
Ўзига яраша уй-ошёни,
На биров унга қул, на у бировга,
Шод бўлса арзийди — шудир жаҳони.

Бир сўнгакка сордек қаноат қилғон,
Афзалдур нокасга бўлгандан меҳмон.
Нокаснинг шиннилик нонидан яхши,
Ўзинг топиб еган бурда арпа нон.

Бир нон топиб, агар есанг икки кун,
Синиқ кўзанг бўлса сув ичмоқ учун,
Ўзингдан пастларга ёлланмоқ нечун,
Ўзингдек хизматин қилмоқлик нечун.

(Умар Хайём)

Офтобда соя бўл, совуқда жома (тўн) бўл, Очлик да эса нон бўл.

(Исмоил ота)

Бу меҳнат бирла тобсанг парчаи нон,
Кишини миннатидин улдур осон.

(Сўфи Оллоёр)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Султондур ул гадоки бузуқ кулбаси аро,
Осудадур топилса бирор пора нон анго.

(Огаҳий)

Чўлда очлик машаққатин кўрмаган —
Уйда иссиқ ноннинг қадрин ҳеч билмас.

(Махтумқули)

Киши дунон[205] элидин нон егандин.
Уруб синдирса тиш сандона яхши.

(Камий)

Дунёда энг лаззатли нон одам боласининг ўз касби ва қўл кучи билан топган, пешона терини тўкиб қўлга киритган нони бўлади.

(Ризоуддин Фахриддин)

Яшаш учун нон топа олмаса, демак, ақлга эрк берилган эмас.

(Бетран Рассел)

Ейишга нарсаси бўлмаган одам сендан нон сўраб келса, унга раҳм қил, аммо гўшт сўраб келган одамга шафқат қилма. Биринчиси ҳақиқий ночор, иккинчиси эса нафс бандасидир.

("Оталар сўзи"китобидан)

Жигаринг қонини нон қилиб е, аммо текин нон учун бировларнинг эшигида ит каби изғиб юрма!

(Абдибек Шерозий)

Дастурхонга тўкилган таом ва ушоқларни териб ейдиган одамнинг гуноҳлари тўкилади.

(Ҳадис)

[205] Дунон- пасткашлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

Меҳнат ҳаёт қонуни эканини болалигиданоқ билиб олган, нон пешона тери билан ундирилишини ёшлигиданоқ тушунган одам жасорат кўрсатишга қодирдир, чунки зарур кун ва соатда у жасорат кўрсатишга ўзида ирода ҳам ва бунга куч ҳам топа олади.

(Жюл Верн)

Ўн тўрт ёшимда очликка чидай олмай, бир бурда нон ўғирладим. Мени тутиб, 6 ойлик қамоқ жазоси беришди ва ўша 6 ой текинга ош-нон беришди. Бу дунёнинг "адолати" ана шундай!

(Виктор Гюго)

Бахт зарралардан ташкил топади. Масалан: Эрталаб дастурхонимда нон туриши – бахт. Уни емай, исроф қилишлик эса худбинлик.

(Тоҳир Малик)

Эркак киши ҳар куни ташқарига чиқиб туриш керак. Нон олиб келмаган тадирда ҳам, ҳеч бўлмаса уйдаги нонга шерик бўлмайди.

(Урайимжон ҳожи Абдулаҳад охунд ўғли).[206]

Келтирилган ахлоқий, диний ва мумтоз-фалсафий ҳикматлар тўплами **“Нон феномени”** шарқ ва ғарб тафаккурида нафақат моддий-физиологик, балки чуқур **онтологик, аксиологик (қадриятшунослик), ижтимоий-сиёсий ва экзистенциал концепт** эканини тўлиқ намоён этади.

Ушбу манбалар асосида нон феноменини академик ва монографик тадқиқотлар учун зарур бўлган **6 та концептуал ракурсда** илмий манзарасга солиш мумкин:

[206] Урайимжон ҳожи Абдулаҳад охунд ўғли - ушбу китоб муаллифи, Нодиржон Абдулаҳатовнинг отаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Аксиологик жиҳат: Нон — Истиқлол, Номус ва Эътиқод ўлчови (Инсон қадри).

Мумтоз Шарқ тафаккурида (Саъдий, Паҳлавон Маҳмуд, Умар Хайём, Сўфи Оллоёр, Абдибек Шерозий, Камий) нон — инсоннинг **эркинлиги ва шаънини белгиловчи асосий омил**дир:

- **Миннат ва Нокаслик антитезаси:** *"Хасиснинг хонадонидан егандан ҳалво, Уйингда қотган нон еганинг авло"* (Низомий), *"Ўз манглай теридан нон еган киши, Ҳотам миннатидан озод ёз-қиши"* (Саъдий) каби мисраларда нон эркинлик манбаига айланади. Миннатли нон — инсон шаъни ва озодлигини топтовчи восита, ўз меҳнати билан топилган қотган нон эса маънавий мустақиллик ва "султонлик" (Огаҳий) рамзидир.
- **Табу ва шараф:** Абдибек Шерозийнинг *"Жигаринг қонини нон қилиб е, аммо текин нон учун бировларнинг эшигида ит каби изғиб юрма!"* ҳамда Камийнинг *"Киши дунон элидин нон егандин, уруб синдирса тиш сандона яхши"* деган кескин ташбеҳлари нон атрофида шаклланган миллий-ахлоқий табу (қатъий чеклов)ларни очиб беради.

2. Социал-критик жиҳат: Нон — адолатсизлик ва ижтимоий тенгсизлик индикатори.

Ғарб мутафаккирлари ва ёзувчилари (Виктор Гюго, Бертран Рассел, Жюл Верн) нон феноменига **ижтимоий ва сиёсий адолат мезони** сифатида ёндашадилар:

- **Прагматик ва сиёсий таҳлил:** Бертран Расселнинг *"Яшаш учун нон топа олмаса, демак, ақлга эрк берилган эмас"* ташхиси нонни жамиятдаги эркинлик ва ҳуқуқий тартибот кўзгусига айлантиради.
- **Ижтимоий трагедия ва парадокс:** Виктор Гюгонинг 14 ёшида бир бурда нон ўғирлагани учун қамалиши ва 6 ой қамоқда текин овқатлангани ҳақидаги иқрори — капиталистик жамиятнинг ахлоқий ва ҳуқуқий инқирозини, нон воситасида очиб берилган ижтимоий парадоксни кўрсатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Этно-философик ва Гносеологик жиҳат: Каноат ва Нафс психологияси.

Шарқ ахлоқий фалсафасида (Хусрав Деҳлавий, Юсуф Хос Ҳожиб, "Оталар сўзи") нон **нафсни жиловлаш ва инсонийликни сақлаш кафолати**дир:

• **Эҳтиёж ва Истак сублимацияси:** Хусрав Деҳлавийнинг *"Очликда қолмаса чидам ва тоқат, Баъзан арпа нон ҳам кўринар новвот»* мисраси ва "Оталар сўзи"даги нон ва гўшт сўраб келганларга раҳм қилиш тафовути инсон психологиясидаги **асосий эҳтиёж (нон)** билан **нафс/маишатпарастлик (гўшт)** ўртадаги фарқни кўрсатади.

• **Ижтимоий саховат:** Ал-Мотуридийнинг *"Ҳар кимнинг нонини ема, аммо ҳаммага нон бер"* ҳикмати нонни инсонлараро холис ҳамжиҳатлик ва манфаатсиз саховат кўприги сифатида талқин қилади.

4. Теологик (Сакрал) жиҳат: Нон — илоҳий неъмат ва покланиш воситаси.

Диний манбалар ва тасаввуфий қарашларда (Ҳадис, Исмоил ота, Тоҳир Малик) нонга бўлган муносабат **сакраллаштирилган (муқаддаслаштирилган)**:

• **Гуноҳлардан покланиш:** Ҳадисдаги *"Дастурхонга тўкилган таом ва ушоқларни териб ейдиган одамнинг гуноҳлари тўкилади"* ғояси нон ушоғини теришни содда маиший ҳаракатдан маънавий покланиш (эпистемик) даражасига кўтаради.

• **Экзистенциал нажот:** Исмоил отанинг *"Очликда нон бўл"* ва Тоҳир Маликнинг *"Эрталаб дастурхонимда нон туриши — бахт"* фикрлари нонни шукроналик, тинчлик ва илоҳий бараканинг моддийлашган шакли сифатида асослайди.

5. Поэтик ва Метафорик жиҳат: Ноннинг эстетик ва сублим образи.

Абу Исҳоқ Ҳаллож, Ҳабибий каби ижодкорлар асарларида нон метафорик ва эстетик таҳлил этилади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

• **Абу Исҳоқ Ҳаллож (Бобур даври сатира ва ошпазлик адабиёти намояндаси):** *“Ноннинг шарҳи пинҳон қоладиган нарса эмас, у ҳар бир бозорда айтиладиган достондир”* деган метафораси орқали нонни маданий-адабий сюжет ва жамият ҳаётининг марказий "поэмаси" сифатида талқин этади.

• **Ҳабибий:** *“Бу азиз инсон ҳаётин сақламоқда нон азиз”* мисрасида инсон азизлиги ва нон азизлиги ўртасида корреляцион ва фундаментал боғлиқлик ўрнатади.

Ҳикматлар ва мутафаккирлар қарашларининг систематик таҳлили шуни кўрсатадики, Нон феномени жаҳон ва миллий тафаккурда оддий озуқа доирасидан чиқиб, инсоннинг маънавий мустақиллиги (ор-номуси), ижтимоий адолат кўзгуси, нафс билан курашиш омили ҳамда сакрал-илоҳий ризқ концептларини мужассам этган кўп қатламли мураккаб фалсафий-ахлоқий категориядир.

“Эркак киши ҳар куни ташқарига чиқиб туриш керак. Нон олиб келмаган тадирда ҳам, ҳеч бўлмаса уйдаги нонга шерик бўлмайди”.

Ушбу халқона ва юмор билан суғорилган Урайимжон ҳожи Абдулаҳад ўғлининг айтган ҳикмати дастлаб содда маиший танбеҳдек туюлса-да, чуқур **этно-психологик, социологик ва гендер-роллик (социал фалсафий)** қатламларга эга. Унда марказий ўрин тутувчи **«Нон феномени»** эса эркак кишининг жамиятдаги ўрни ва оилавий масъулиятининг рамзий кўзгуси сифатида намоён бўлади.

Ушбу ҳикматни илмий-назарий жиҳатдан **5 та муҳим ракурсда** таҳлил қилиш мумкин:

1. Социологик жиҳат: Гендер роллари ва ролли кутиш (Role Expectations).

Ижтимоий психология ва социологияда традицион оила модели **“Боқувчи” (Breadwinner)** ва **“Уй тутувчи” (Home-maker)** функцияларига бўлинади:

• **Ижтимоий функция:** Эркак киши — ташқи муҳит (жамият, меҳнат бозори, ресурслар топиш) билан мулоқот

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилувчи субъект. Ташқарига чиқиш — актив ижтимоий ҳаётда иштирок этиш ва ресурс излаш демоқдир.

• **Символик нон:** "Нон олиб келиш" — оилани моддий ва жисмоний жиҳатдан таъминлашнинг анъанавий метафораси. Ҳикмат эркакнинг мантиқий ва табиий ўрни уйнинг ичи эмас, балки жамиятда — ресурс ва ризқ қидириш майдонида эканини уқтиради.

2. Психологик жиҳат: Деструктив пассивлик ва "Паразитлик" олдини олиш.

Психологияда узоқ вақт давомида фаолиятсизлик ва изоляцияда (уйда) қолиш эркак кишида фрустрация, ўз қадрини йўқотиш (девалвация) ва тушкунликка олиб келиши исботланган:

• **"Уйдаги нонга шерик бўлмаслик":** Бу психологик жиҳатдан **паразитар психологик ҳолат** (истеъмолчилик)ни қоралашдир. Ташқарига чиқмаган эркак нафақат янги қиймат (ресурс) яратмайди, балки мавжуд чекланган ресурсларни ҳам истеъмол қилиб, оилавий муҳитда салбий психологик юкка айланади.

• **Инсоннинг ўз-ўзини англаши (Self-actualization):** Ҳатто натижа дарҳол бўлмаса ҳам (нон олиб келмаса ҳам), ҳаракатнинг ўзи (ташқарига чиқиш) эркакка эмоционал активлик ва изланиш ҳиссини беради.

3. Этно-аксиологик жиҳат: Уят/Шараф маданияти ва "Нон" муқаддаслиги.

Ўзбек этно-маданиятида нон — ҳалол пешона тери билан топиладиган муқаддас манба.

• **Ҳалоллик ва номус:** Анъанавий жамиятда эркак кишининг меҳнат қилмасдан, бировнинг ёки оиланинг тайёр ризқига бефарқ шерик бўлиб ўтириши — ор-номус ва ахлоқий мезонларга зид ҳисобланади.

• Ҳикматда енгил кесатиқ (сатира) воситасида эркакдаги "масъулиятсизлик" туйғусига зарба берилади ва ушбу этно-ахлоқий табу (тайёр нонни еб ётиш) эслатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Оилавий-психологик жиҳат: Масофа ва ижтимоий микроиқлим

Оилавий тизимлар назариясига (Family Systems Theory) кўра, эр-хотин ўртасида соғлом масофа (personal space) бўлиши шарт:

- Эркак кишининг кун бўйи уйда қолиши маиший низолар, руҳий босим ва эҳтиёжсиз назоратнинг ортишига сабаб бўлади.
- Ташқарига чиқиб туриш орқали шахсий чегаралар тикланади ва уйга қайтганда оилавий иқлимнинг мувозанати сақланади.

5. Семантик ва Поэтик жиҳат: Ирония ва паремиологик реализм.

Ўзбек халқ ижодига хос бўлган **"аччиқ ҳақиқатни юмор ва ирония орқали етказиш"** усули қўлланган:

- *"Нон олиб келмаган тақдирда ҳам.."* иборасидаги ирония эркакни кескин айблаш эмас, балки уни ҳаракатга, изланишга ва ташқи дунё билан алоқани узмасликка ундашга хизмат қилади.

Ушбу ҳикматда **Нон феномени** эркак кишининг **ижтимоий масъулияти, гендер роли ва ахлоқий позицияси ўлчови** сифатида намоён бўлади. Ҳикмат халқ педагогикаси ва ижтимоий психологиянинг нозик тамойилига асосланган: у эркак кишини пассиллик, ижтимоий изоляция ва паразитар ҳаёт тарзидан асраш, уни доимо ҳаракат, изланиш ва масъулият манбаи бўлишга ундашнинг халқона ижтимоий-психологик механизмидир.

ТАНДИРИ БОР УЙДА БАРАКА БОР

Юртимизда нон махсус тандир усталари ясаган ва зарур жойга ўрнатилган тандир ўчоқда ёпилади. Тандир (тандур), одатда, яхши ишланган махсус хом лойдан катта, таги йўқ хум шаклида ясалиб, тик ёки ёнбошлатиб лойдан урилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

махсус супага, айрим жойларда текис ерга ўрнатилади. Ўрнатилишига қараб, тандирлар *“девор тандир”* ёки *“ер тандир”* деб номланади.

Тандир бу арабча от асли таннур(ун) шаклига эга. Ўзбек тилига иккинчи н товушини д товушига, чўзиқ у унлисини и и унлисига алмаштириб қабул қилинган: танур – тандир; араб тилида ўчоқ маъносини англатади. Ўзбек тилида эса нон ёпиш учун белгиланган махсус лой ўчоқ маъносини англатиш учун ишлатилади. Тарихан бу сўз шаклида ҳам ишлатилатилган.[207] Масалан, Сўфий Оллоёр шундай ёзган:

Уялма маърифатни ўрганурдин,
Танур жойинг бўлур, қолсанг танурдин.

Халқ орасида тандир ҳақида қизиқ бир ривоят ҳам бор

Ривоятда айтилишича “Қиёмат бошланганда Исрофил алайҳиссаломнинг сури чалиниб барча бандалар унинг ортидан эргашар, ҳатто қабрда ётган ўликлар ҳам тирилиб аршга чиқиб борар экан. Аллоҳнинг буйруғи ила ердаги жами мавжуд бинолар йиқилиб, тупроққа қоришаркан. Неҳолки, фақат тандиргина йиқилмай турар экан. Шунда Аллоҳдан вахий келиб бунинг сабабини сўраса:

– Бекам узоқ йиллар менинг тафтимга бағри куйиб, эри ва болалари учун ризқ пиширди. Бекамнинг гуноҳларидан кечсанг йиқиламан, – дея жавоб берар экан тандир.

"Тандир" сўзининг маъноси ҳам аслида "таън" – "дир", яъни: бекасининг гуноҳлари учун таъндир, деган сўзидан олинган" дейилибди.[208]

Ижтимоий тармоқларда ўшлик журналист Одилжон Дадажонов “Тандир билан бирга нималарни йўқотяпмиз?” номли мақоласини эълон қилди.

[207] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). – Т.: “Университет”, 2003. - Б.415.

[208] https://t.me/tarixdansaboqlarim/1437

www.ziyouz.com kutubxonasi

Одилжон Дадажоновнинг мақоласи шаҳарсозлик ва архитектуранинг модернизациялашуви фонида анъанавий турмуш тарзининг трансформацияси ва миллий ўзликнинг моддий маданият элементлари орқали деградацияга учрашини ўрганувчи **этносоциологик муаммога** бағишланган.

Муаллифнинг фикрига кўра тандирнинг йўқолиши шунки маиший-технологик ўзгариш эмас, балки миллий-маданий хотира, ижтимоий бирлик ва анъанавий қадриятлар тизимининг синиши демакдир.

Муаллиф янги маҳаллаларнинг инфраструктурасини тасвирлар экан, қуйидаги ижтимоий-фазовий ўзгаришларга эътибор қаратади: Замонавий қурилиш парадигмаси: Гараж, ёзги/қишки ошхона, мансарда ва бассейн каби элементлар инсонларнинг яшаш фазосини индивидуаллаштириш ва приватизация қилишга қаратилган.

Анъанавий маҳаллаларда тандир кўпинча жамоавий ёки ярим очиқ ижтимоий зонада жойлашган бўлиб, қўшничилик муносабатларини мустаҳкамловчи марказ бўлган. Тандирнинг йўқолиши микросоциумдаги интеграция функциясини заифлаштиради. Бу ҳақда Одилжон Дадажонов шундай ёзади:

“Яқинда Ўш шаҳрида янги қурилган маҳаллаларидан бирига бордим. Кўз қувонади. Чиройли уйлар, кенг дарвозалар, замонавий лойиҳалар... Ҳар бир хонадонда автомобиль учун гараж бор. Ёзги ошхона бор,қишки ошхона бор. Айримларида ҳатто дам олиш учун алоҳида мансарда ҳам қурилган.Айримларида ҳатто дам олиш учун алоҳида ҳовуз (бассейн) ҳам жойлашган. Ҳуллас,ҳамма шароит муҳайё.

Аммо кўзим беихтиёр бир нарсани қидирди.Уй эгасига билдириб қидирдим,билдирмай ҳам қидирдим.

Тандирни...

Бир ҳовлига қарадим -- йўқ. Иккинчисига қарадим -- йўқ. Учинчисида ҳам кўринмади.

Шунда беихтиёр ўзимга савол бердим:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нега ўзбекнинг уйидан тандир йўқолиб бормоқда?

Ўш шаҳридаги барча маҳаллаларида бир вақтлар ҳар бир ҳовлида тандир бўларди.Сойкўча,Шаҳидтепа, Темиркўча, Мажрумтол, Андижонкўча, Тошлоқ, Жийдалик...

Ўн-ўн беш йилнинг у-ёғида бундай эмас эди. Эрталаб маҳаллалар бўйлаб иссиқ ноннинг ҳиди кезарди. Бу ҳид одамларни уйғотарди. Бу ҳид маҳаллага ҳаёт бағишларди. Ҳар бир маҳаллада эрталаб тандирнинг тутуни кўтариларди. Чунки келинлар нон ёпса албатта эрта тонгдан тагоригини кўрар, тушгача нон тандирдан узиларди. Ҳар бир ҳовлидан иссиқ ноннинг ҳиди келарди. Нон ёпилаётган куни хонадоннинг ўзига ҳам, қўшниларга ҳам қандайдир ўзгача файз кириб келарди. Оналаримиз хамир қорарди. Бувиларимиз тандирга ғўзапоя ёқарди. Биз болалар эса сабрсизлик билан биринчи нонни кутардик. Чунки,нон ёпганда албатта кулча нон ҳам қилинар эди-да. Нон тандирдан узилиб саватга солинарди. Биринчи бўлиб икки ён қўшнига иккитадан нон улашилар ва шу билан қўшни ҳаққи адо этилган. Ҳатто кўпқаватли уйларнинг майдончасида ҳам тандирлар бор бўлган.

Бу оддий рўзғор иши эмас эди. Бу ўзбек хонадонининг ҳаёти эди.

Тандир минг йиллардан бери халқимиз турмушининг бир қисми бўлиб келган. Унда фақат нон пишмаган.Унда меҳр пишган.Барака пишган. Оила бирлиги пишган. Тандир атрофида фарзандлар меҳнатни ўрганган. Келинлар рўзғор сирларини ўрганган. Қўшнилар аҳил бўлган.

Катталар бекорга: “Тандири бор уйда барака бор”, демаган. Ноннинг ўзи ҳам барака.Уни меҳр билан ёпган қўл ҳам барака.

Бугун эса ҳаёт ўзгарди. Шаҳарлар катталашди. Вақт тезлашди. Дўконлар кўпайди. Иссиқ нонни истаган пайт харид қилиш мумкин. Бу — қулайлик. Лекин ҳар бир қулайлик ҳам қадриятнинг ўрнини босолмайди. Қишлоқларда ҳар бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

хонадонда тандир борлигига ишонаман, бироқ шаҳарларда бу аҳвол абгор.

Бугунги болаларнинг кўпи ҳаётида тандир қизиганини кўрмаган. Нон қандай ёпилишини билмайди. Хамирнинг ҳидини ҳис қилмаган. Тандирга ёпиштирилган ноннинг қизаришини томоша қилмаган. Улар учун нон — дўкон пештахтасидаги оддий маҳсулот, холос.

Бугун эса фарзандларимиз иссиқ ноннинг ҳидини эмас, супермаркетлардаги нон маҳсулотлари растасидаги ҳидини яхши билади. Бу айб эмас. Бу замон талаби. Аммо замон талабига мослашаман деб, ўзлигимиздан узилиб қолмаслигимиз керак. Мен ҳеч кимни ҳар куни тандир ёқишга чақирмаяпман. Бунинг ҳам имкони, ҳам шароити ҳаммада бир хил эмас. Аммо имкони бор ҳар бир ўзбек хонадони тандирини сақланиб қолса, бу ҳам миллий қадриятимизнинг давоми бўлар эди.

Бола бир марта бўлса ҳам онаси ёпган иссиқ патирнинг таъмини билса... Бувисининг тандир олдида қилган дуосини эшитса... Меҳнат билан пишган ноннинг қадрини ҳис қилса... Бунинг ўзи катта тарбия эмасми?

Мени энг кўп ўйлантирадиган нарса ҳам шу. Биз нондан айрилаётганимиз йўқ. Биз нонга бўлган муносабатдан айрилаяпмиз. Бугун эса бу манзарани топиш қийин. Хонадонларда тандирлар бузиб ташланмоқда ёки кўпчилиги йиллардан бери ёқилмаган. Айримларининг ўрнида омбор ёки бошқа мақсадда фойдаланилмоқда.

Тандир ўзбек хонадонининг муқаддас бурчакларидан бири бўлган. Унинг ёни доим тоза, покиза турган. Нон ёпишлик доим анъана бўлган. Тандир йўқолиши – фақат бир печнинг йўқолиши эмас. Бу бир маданиятнинг секин-аста чеккига сурилишидир. Биз миллий либосларимизни асраш ҳақида гапирамиз. Миллий таомларимизни тарғиб қиламиз. Лекин ана шу миллий таомларнинг юраги бўлган тандир ҳақида нега кам ўйлаяпмиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баъзан миллатнинг тақдири катта қарорларда эмас, ана шундай кичик одатларда сақланади.

Тил унутилса — миллат заифлашади. Урф-одат унутилса — миллатнинг руҳи заифлашади. Тандир совуса — хонадоннинг бир бурчаги эмас, миллий хотирамизнинг бир бўлаги совийди. Зеро, тандирнинг ўзи ҳеч бўлмаганда миллатнинг хотирасини, меҳрини ва баракасини қисман асраб туради.

Келинг, қадриятларимизни фақат тилда эмас,фақат китобларда эмас, ҳаётимизда ҳам сақлайлик. Имкони бор хонадонларда тандирлар яна қизисин. Маҳаллаларимизда яна иссиқ ноннинг ҳиди анқисин.

Фарзандларимиз дўкондан олинган ноннинг эмас, онаси меҳр билан ёпган ноннинг таъмини эслаб катта бўлсин. Чунки тандирда хамиртуришда пишган нонни таъми,завқи бошқача.

Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ўзимизга бир савол берайлик. Ўтмишимиздан ибрат олиб, миллий қадриятларимизни асрашга ҳисса қўшайлик.

Тандир совумасин. Чунки тандир совиса, қадрият ҳам совийди", [209]

Мазкур мақолада кундалик амалиётларнинг (практики повседневности) ритуал характере очиб берилган:

Иссиқ нон ҳидининг маҳаллани уйғотиши, тонги тутун, хонадонлар аро нон улашиш (қўшни ҳаққи) — булар Борис Поршнев ёки Мишель де Серто талқинидаги жамиятнинг ўзўзини қайта ишлаб чиқариш (социализация) механизмларидир.

Таомни истеъмол қилиш маданияти (Foodways): Ноннинг дўкон маҳсулотига айланиши озиқ-овқат билан боғлиқ

[209]https://www.facebook.com/groups/1588070282428076/user/100006830594469/?__cft__[0]=AZYcjQBZx8e8UNDereXx1mY0l27-8mxcU4Az8LM4EGl0Yb7zUwFr68jvOc3xfW0VH9qGtdHr5GIIeItKcF6btYaDk50znkPLCqiO7xZRI4Kfl-y_2jk4x4ogV8mcswEdkhw5qZcDy7VsfpuU1da970-d4wKA8L9PUhRzND54btomwE7jlnBOq4xQEA99vOg2lqjXFWAhRtHOn_fwaLmb7X25&__tn__=%2CP-R

www.ziyouz.com kutubxonasi

сакрал муносабатнинг прагматик товар муносабатига кўчишини англатади.

Болаларнинг тандирни ва хамир ҳидини билмасдан катташуви — бу маданий кодларнинг кейинги авлодга узатилиш (трансляция) занжирининг узилишидир.

Тандир атрофидаги жараёнлар (ғўзапоя ёқиш, хамир ёпиш, кузатиш) ёш авлодда меҳнатга ҳурмат ва эстетик дидни шакллантирувчи педагогик восита бўлган.

Тандир бу ерда оддий ўчоқ эмас, балки **ойкос** (уй, оила олами) ва коинот маркази (аксиологик маркер) сифатида намоён бўлади.

Метафоралар тизими: “Тандир совуса — миллий хотирамизнинг бир бўлаги совийди» деган ибора метафора орқали моддий маданиятнинг деструкцияси миллий ўзликнинг эрозиясига олиб келишини илмий тарзда исботлайди.

Одилжон Дадажоновнинг мақоласи илмий жиҳатдан "**Модернизация ва Традиция диалектикаси**" концепциясига тўла мос тушади. Муаллиф глобализация ва шаҳарсозлик қулайликларига қарши чиқмайди, балки **модернизация миллий идентиликни ёкиб юбормаслиги керак**, деган муҳим социал-философлик ғояни илгари суради.

Тандирнинг сақланиб қолиши — инсоннинг ўз тарихий илдизлари, маҳаллий ҳамжамият ва инсоний меҳр-оқибат муносабатлари билан ришта узвмаслигининг кафолати сифатида баҳоланади.

Тандирда ёнмаган бола

Халқ оғзаки ижоди ва мемуар адабиётида шахснинг болалик даврига оид ғайриоддий воқеалар кўп учрайди. Улар кўпинча муқаддаслаштирилган биографик ривоят шаклида намоён бўлиб, муайян шахснинг келажакдаги улуғлигини олдиндан “башорат қилувчи” рамзий воқеа сифатида талқин этилади. Шу жиҳатдан “Тандирда ёнмаган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бола” ривояти ҳам диний-маърифий ва тарихий хотира орасидаги чегарада турган манбалардан бири ҳисобланади. ва хотира шаклида келтирилади ҳамда Алихонтўра Соғунийнинг болалигига оид воқеа сифатида тарқалган.

Улуғларимизни болаликларидаёқ ғаройиб воқеалар содир бўлганликлари тўғрисида кўплаб ҳикоятлар мавжуд. Масалан, дин ва жамоат арбоби, уламо Алихонтўра Соғунийнинг (1885-1976) болалик даврида қуйидаги воқеа юз берган.

Айтишларича, беш яшар Алихонтўра она атрофида уймалашиб юриб қизиб турган тандирга тушиб кетади. Она бир зум уйга кириб чиққунча гўдак йўқолади. Бирданига томирда қонни тўхтатадиган фарёд эшитилади: “Вой дод, бола нобуд бўлди, куйди!” Оёқ яланг югуриб чиққан отаси Шокирхонтўра ер тандир томон отилади. Кўзига гўё туш аралаш қизиган тандир ичида, чўғ устида типирчилаб турган, ғужанак бўлиб олган фарзанди кўринади. Тортиб оладилар. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — бола соппа-соғ, куйганликдан деярли асорат йўқ эди. Воқеага шоҳид бўлган оқсоқоллар дейдиларки:— “Каромат содир бўлди, иншооллоҳ! Бу ўғил ўтда куймас, сувда чўкмас Ватан ўғлони бўлажак”.

Дарҳақиқат “ўтда куймас, сувда чўкмас ўғлон” башорат қилинган улуғ бобокалонимиз аллома Алихонтўра Соғунийнинг ҳаёти ҳар бир оқил кишига катта бир ибратдир. Ул зот умри давомида бошига тушган мусибатли кунларда бир бурда нонга қаноат қилиб яшади. Бу ҳақда ўзининг “Туркистон қайғуси” асарида шундай ёзади:

“Чирқиллаган қиш кунининг чилла совуғида, ости усти муздай ялтираб ётган ер ости зиндонига киргач, ўзимни ҳаёт оламидан бошқа бир дунёда тургандай бўлиб сездим. Бу каби даҳшатлик ўринга қиш чилласи рамазон ойида, рўза оғиз кирган эдим. Шу кундан бошлаб турма қозонидан ош ичмасга шарт боғлаб, оғиз очарда, саҳарда қуруқ нон, қайноқ сувга қаноат қилдим. Ўт кўрмай, иссиқ ичмай, рўза тутиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёлғиз ётар уйда шу каби қийинчиликлар билан 13 кун ўтказганим сўнггида, ленинградлик бир рус йигитини кечаси менинг устимга киргизиб қамадилар.

Қиш кунининг совиғи, ётоқ тўшак етишмаслиги, бунинг устига кўндаланг ётсак оёқ узалмайди, узунига ётганда икки киши сиғмайди, қиш чилласи бўлиб, оёқ совуққа чидамайди. Бу даҳшатли аҳволни кўргач, ўзи ҳам қийинчилик кўрмаган бой боласи бўлиши керак, ачинган кўзи билан менга қараган ҳолда: "Бу азобхонада турганингга неча кун бўлди?", деб мендан сўради. "13 кун бўлди", деганимда бошини чайқаб, менга ичи оғриганини билдирди. Шу билан қиш куни узун кечалари совуғига чидамай, ярим тунгача камера ичида икковимиз навбатлашиб юриб турдик. Бунга ўхшаган хўрлик азобини кўрганига чидаёлмаган бўлса керак, чой ўраган бир парча қоғозга хат ёзиб, қоровул аскарга топширди. Менга қараб: "Бундай оғир аҳволда турганимиздан ўлганимиз яхши. Мен очдан ўлишга розилик билдириб, ариза бердим", деди. Бир икки соат ўтар ўтмас камерага комендант бурутини (мўйловини) шоптай (тикка) қилиб, "Ким очлик билдирган киши?", деб ҳайбат билан устимизга кириб келди. "Мен эдим" деб ўрнидан тургач, шу ўхшаш кишиларга аталган ёлғиз ётоқ уйга уни чиқармоқчи бўлди. Менинг ётқанимга ҳам 13 кун бўлмиш эди. Бундай оғир ўринда 10 кундан ортиқ ушламаслигини эшитган эдим. Шунга кўра, совуқ қаттиқ-лигидан тан соғлиғим бузила бошлади. Шуни кўрсатиб: "Мени кўпчиликка қўшсанглар", деб комендантдан илтимос қилдим. "Юқоридаги сени қамаган кишилар билан сўзлашиб, сўнгра жавобини бераман", деди. Шу билан бир кечалик йўлдошимни олиб чиқиб кетдилар. Оз бўлса ҳам ғамхўрлик кўрсатган қайғудошимдан ажраб, яна совуқ хонада ёлғиз қолдим. "Ҳа, энди, бир баҳона сўз айтиб чиқиб кетган киши мени қайдан эсласин", деб ўйлаган бўлсам ҳам, хиёл ўтмай келиб, кўпчилик ичи саккизинчи камерага чиқазиб қўйди. Қарасам, бу ер кўзимга бошқа бир олам

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўриниб, муз хонадан мўнчага (ҳаммомга) киргандай бўлиб қолдим. Бу камерада менга йўлдош бўлғудек бир қирғиз, икки рус бўлиб, Тўқмоқлик бўлганликлари учун мени яхши танир эканлар. Улар билан сўзлашиб ўлтирдик. Шу куни ифтор вақти оғиз очаримда, топганимни олдимга қўйиб, қайноқ чой, юмшоқ нон келтиргач, "Ҳай, дунёда бундай жойни ҳам кўрар кунимиз ҳам бор эканку", деб шу ғурбатда роҳатланган бўлиб ўлтирдик. Бир неча кун ўтгандан сўнг мени ён қўшни камерага кўчирдилар. Қарасам, бу ерда ўзимнинг сафар йўлдошларимдан тўрт қирғиз ўлтиришган экан. Бир бирларимизга кўзимиз тушгач, туғишган қардошларча қувониб кўришдик. Чунки булар қор, музлик тоғлар, тошлар орасида қочиб юрган кунларимиздаги қайғу қардошларимиз эди"[210].

Хожа Қоралам

Олот шаҳридан унча олис бўлмаган Талқон фуқаролар йиғинидаги Хўжалар қишлоғида "Ҳожа Қоралам" номи билан юритилувчи зиёратгоҳ бор. Хожа Қораламнинг исмлари Миргузил бўлиб, соҳибкаромат ўтганлар. Асли зоту зурёди Косондан, Саййид Ато авлодидан.

Ҳозирда ҳам авлодлари шу қишлоқда истиқомат қилишади. Абулхўжа, Усмонхўжа, Олимхўжалар шулар жумласидан, улар ўзларини еттинчи авлод ҳисоблайди.

"Қоралам" – "Қора амомали", яъни "Қора салла ўраб юрган авлиё" деган мазмунни ифодалар экан. (қора; алам-амома.) Тахминий ҳисобларга кўра, милодий 1700 йилларда яшаб ўтган.

Бу зотнинг пуркаромат инсон бўлганини баён этувчи кўплаб ривоятлар оғиздан-оғизга ўтиб, турлича талқин касб этган. Қабрдан сал нарида кўҳна тут дарахти бор. Жуда

[210] Алихонтўра Соғуний. Туркистон кайғуси 47-б. **www.ziyouz.com** кутубхонаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадимий. Айтилишича, хожа Қоралам таҳорат сувига ҳассани суқиб қўйган ва шу тут дарахти униб чиққан экан.

Ривоят: Хожа Миргузил қишлоқларнинг бирида қаршилик бир хожа билан учрашиб қолади. Ҳар иккаласи қишлоқ аҳлининг пири ҳисобланар экан. Қаршилик суҳбатларнинг бирида:

- Хожам, бир қишлоққа икки пир кўплик қилар, дейди.

Хожа Миргузил:

- Муддаонгизни баён айланг.

Қаршилик:

- Ҳар ким каромат кўрсатсин, ўзи аён бўлади, - деб ўзида каромат борлигига писанда қилади ва хожа Қораламни мулзам этмоқбўлади...

Хожа Қоралам “Хўп” деб жойидан туради-да бир тандирга лойи қизариб оқаргунча ўт ёқтиради. Тандир тайёр бўлгач:

- Марҳамат қилинглар, - деб қаршилик хожани тандирга киришга даъват этади.

У тандирга киришга журъат этолмагач, ўзи кириб, устидан қопқоқ ҳам қоплатиб қўйиб, бир нон пишар муддати ўтиради ва соғ- саломат чиқади-да, дейди:

-Тақсир биз нафс йўлида эмасмиз...[211]

Тандир қуролмаган уй қуролармиди?

Алишер Навоийнинг Мамат ака деган қўшниси бўлар экан. Мамат ака умр бўйи ишлаб, биргина уй қура олган экан, холос. Бор бисоти ҳам шу бино экан. Унинг Худойберди деган ўғли бўлиб, ҳеч қаерда ишламас, туну кун тараллабедоддан бўшамас экан. Кунлардан бир куни Мамат ака шоирнинг ҳузурига келибди-да:

– Ҳазрат, ўзингизга аёнки, мен анча-мунча ёшга бориб қолдим. Бугун бўлмаса эртага омонатни топширадиганга

[211] Бу ҳақда қаранг: Мустафоев С., Аблаев. Туронзамин азиз авлиёлари ва уламолари тазкираси. – Т.: Sano-standart, 2015.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўхшайман. Сизга бир илтимосим бор, хўп десангиз айтай,— дебди.

– Бажону дил, бажарурмен,— дебди Алишер Навоий. Илтимосим шулки,— сўзини давом эттирибди Мамат ака, — мен бу дунёдан кўз юмган кунимоқ, боласи тушмагур Худойберди кулбани сотадиган кўринади.

Нима қилиб бўлса ҳам уни бу йўлдан қайтарсангиз. Ахир "Ватан гадоси — кафан гадоси", деб бекор айтишмаган. Мендан кейин Худойбердининг бундай унни тиклаб олишига ҳеч ака кўзига жиққа ёш олиб.

Айтганингиздек бўлади, менга ишонаверинг,– деб уни юпатибди Алишер Навоий.

Мамат ака уйига келиб ўғлини олдига чақирибди-да:

–Болам,— дебди унга қараб,— мабодо куним битиб қазо қилсам, уйни асло сота кўрма, кейин тиклай олмай ҳалок бўласан... Борди-ю, жудаям сотгинг келса, Алишер Навоий ҳазратларининг олдиларидан бир ўтиб кейин бу ишга қўл ур. Ишончим комилки, у киши сенга тўғри йўлни кўрсатиб берадилар. Мамат ака оламдан ўтибди. Худойберди уйни сотиш тараддудига тушиб қолибди. "Отам уйни сотадиган бўлсанг, Алишер Навоийнинг олдидан бир ўт", деган эли, ҳазрат қандай йўл кўрсатаркан", дебди-да, шоирнинг ҳузурига бориб мақсадини айтибди. Шунда Алишер Навоий:

– Яхши, аммо тандирларинг бир оз эскироқ кўринади. Бузиб янгисини қур. Уйнинг нархи икки баравар ортади,– дебди. Худойберди уйга келиб, тандирга қараса, ҳақиқатан ҳам жуда эски, бир томони нураган эмиш. "Ҳазрат тўғри айтди, буни бузиб янгисини қурсам, уйнинг нархи икки баравар ошади", дебди-да, тандирни бузибди. Сўнг қўшни қишлоқдаги тандирчиникига жўнабди. Ундан тандир сотиб олибди-да, орқага қайтибди. Йўлда ниҳоятда чарчабди. "Бир оз нафасимни ростлаб олай", деб бир дўнгликка ўлтирмоқчи бўлган экан, тандир ерга қаттиқроқ тегиб кетиб, синиб қолибди! Худойберди орқага қайтиб, ҳалиги устадан яна

www.ziyouz.com kutubxonasi

битта тандир сотиб олибди. Уйга етай деганда, уни ҳам синдириб қўйибди. Учинчи тандирни бир иложини қилиб уйига олиб келибди-да, эскисининг ўрнига қура бошлабди. Устига кўп лой бостириб юборган экан, эрталаб ўрнидан туриб қараса, тандир тушиб ётган эмиш. Худойбердининг жаҳли чиқиб: “Алишер Навоий нега мени бунчалик оворагарчиликка солиб қўйди!”—дебди-да, унинг олдига чиқибди.

Алишер Навоий супада ўтириб шеър битиш билан банд экан.

– Ҳазрат,– дебди Худойберди унга қараб,— тандирни қуролмадим. Майли, арзонроққа кетса ҳам, уйни тандирсиз сота бераман.

– Ҳовлиқмай сўзимни эшит,— дебди Алишер Навоий,— кўрдингми, биргина тандирни ҳам эплаб қуролмадинг, аммо уйни сотмоқчи бўласан. “Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр”, деб бекорга айтишмаган. Уйни сотиб, янгисини тиклай олмай, кўчаларда қолиб кетишни ўйламадингми?! Бор, ишла! Уй ҳам ёнга қолади, тирикчилигинг ҳам ўтади Балки яхши яшаб кетарсан. Алишер Навоийнинг ақлли тадбир ва доно сўзларига тан берган Худойберди уйни сотмай, ишлаб яхши кун кечира бошлабди.[212]

ТАНДИРЧИЛАР

Аланга тил билан лабларин ялаб,
Яна нон ҳақида куйларди тандир.
Жамол Сирожиддин

Тандирчилик ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятида муҳим ўрин тутади. Тандир фақатгина рўзғор асбоби эмас, балки ижтимоий ҳаёт, меҳнат маданияти ва

[212] Эл деса Навоийни: (Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар) // Тўпл. ва нашр. тайёрловчн М. Жўраев / –Т.: Чўлпон, 1991. – Б. 45-48.

www.ziyouz.com kutubxonasi

урф-одатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳунармандчилик туридир. Айниқса, Марғилон, Қува ва Бухоро ҳудудларида шаклланган тандирчилик мактаблари бу соҳанинг юксак анъаналарини намоён этади.

Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан ҳисобланган Марғилон шаҳрида ҳунармандчилигида ижтимоий ҳаётимизда муҳим бўлган тандирчилик ҳам алоҳида ўрин тутган. Бу ҳақда У Ҳошимов ва Н Алимовалар "Марғилон ҳунармандчилиги тарихидан" мақоласида қуйидагиларни келтириб ўтадилар:

"Марғилон тандирчилик мактабининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, улар асосан устоз-шогирд тизимига риоя қилишган. Марғилон тандирчилик мактабининг отахонларидан бири Фозилжон уста Мадраҳим ўғли (1889-1963й) ҳисобланади. Унинг устози отаси бўлиб, у киши ҳам тандирчилик ҳунарини ўз бобокалонларидан мерос қилиб олган эканлар.

Тандир ясаш технологияси анча мураккаб жараён ҳисобланган. Аввало тандир ясаш учун махсус тупроқ, лой зарур бўлган. Марғилонлик усталар бундай маҳсулотларни шаҳарга яқин Заркент, Хонобод деган қишлоқлардан олиб келишган. Олиб келинган тупроқ бир неча бор элакдан ўтказилган. Бу маҳсулотнинг тиниқлик ва пишшиқлигини таъминлаган. Қоришган лойга яхшилаб тозаланган, сўнгра савалаб ҳурпайтирилган қўй, эчки ёки туя жуни солинган. Шуни таъкидлаш жоизки, республикамизнинг айрим ҳудудларида тандир ясашда от қили, сомон ёки бошқа ўсимлик толаларидан ҳам фойдаланишади.

Марғилон усталари эса ўз анъанавий услубларидан воз кечмаган ҳолда жун хом ашёсини маоқул деб топганлар. Жун қўшилган лой янада пиширилгач, унга туз эритмаси – намакоб сепиб устини эски тўшак ёки шолча билан ўраб қўйишган. Тайёр бўлган хом ашё тандирчилар тили билан айтганда турли ўлчамдаги "пеш" бўлакларга ажратилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки пешли тандирлар кўпинча сомсапазлар учун, уч пешлиси якка хўжаликлар учун, уч-тўрт ва ундан ортиқлари тўй-маросимлар учун ишлатилган. Тайёр бўлган маҳсулотлар 7-12 кунгача офтобда қуритилган”[213].

Қувалик тандирсозлар

Фарғона вилоятида, шунингдек, Қува туманининг Чилон қишлоғи аҳолисининг ҳам ижтимоий ҳаётида тандирчилик алоҳида ўрин тутади. Чунки қуваликлар хонадонидаги ҳар бир тандир айнан чилонлик тандирчилар томонидан ишланган. Шу сабабдан бу борада айрим маълумотларни келтириб ўтсак.

Чилон тандирчилик мактабининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, улар асосан устоз-шогирд тизимига риоя қилишган. Чилон тандирчилик мактабининг отахонларидан бири Акбархўжа Саидаҳмедов (1910-1989) ҳисобланади. Унинг отаси ҳам тандирчилик ҳунарини ўз бобокалонларидан мерос қилиб олган эканлар[214].

Тандир ясаш технологияси анча мураккаб жараён ҳисобланган. Аввало тандир ясаш учун махсус тупроқ, лой зарур бўлган. Чилонлик усталар бундай маҳсулотларни айнан Чилон ва унинг атрофларидаги қишлоқлардан олиб келишган. Тандир ясаш жараёни қуйидаги тартибда амалга оширилган:

1. Соф тупроқ.

2.Тупроқни уютиш.

3.Лойга похол қўшиш ва яъни “похол қўшиб чопиш”.

4.Лойни пиширириш ва зувала ҳолига келтириш.

5.Пиширилган лойни маълум муддатга тўшак ёки шолча билан ўраб қўйиш.

---

[213] Ҳошимов У., Алимова Н. Марғилон ҳунармандчилиги тарихидан // “Марғилон шаҳри ўтмиши, бугуни ва эртаси” мавзусидаги Республика илмий семинар материаллари. Фарғона, 2007. – Б.44.

[214] Дала тадқиқотлари. 2015 йил. Фарғона вилояти, Қува тумани Чилон қишлоғида яшовчи Абдулазиз Акбархўжаевдан (1949 йилда туғилган) ёзиб олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Тайёр бўлган хом ашё тандирчилар тили билан айтганда турли ўлчамдаги “пеш” ёки “тахта” бўлакларга ажратиш.

7. Тахтани кўтариш, яъни тандирни биринчи қисмини доира шаклига келтириш.

8. Кўтарилган қисмини текислаш, “доғ териш”.

9. Тандирни оғиз қисмини қўйиш ва пардозлаш.

Тайёр бўлган маҳсулотлар 7-12 кунгача офтобда қуритилган.

Бухоро тандирсозлари

Ҳар бир халқнинг турмуш тарзи унинг рўзғор тебратиш фаолияти билан узвий боғлиқдир. Масалан, оила юритишда рўзғор учун жуда кўплаб ошхона жиҳозлари — асбоб-анжомлари керак бўлади. Тандир ана шу воситалардан биридир. Оилани тебратишда тандирнинг роли ниҳоятда катта. Табиийки, кўп болали оилаларда нон кўп истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам бундай оилаларда тандирдан жуда нозиклик билан фойдаланиб, унга маънавий эҳтиром билан муносабатда бўлишади.

Тандирнинг тарихи минг йилларга бориб тақалади. Халқимиз орасида тандирни биринчи бўлиб тандирсоз Саид Ҳазрати Мири кулол ясаганлиги, биби Фотиманинг тўйига Ҳазрати Момо унда патир пиширганликлари ҳақидаги ривоятлар кенг тарқалган.

Ўтмишда шаҳар ва қишлоқларда тандир ясайдиган махсус тандирсоз усталар фаолият кўрсатишган. Уларни тандир-созлар деб аташган. Чунки, улар фақатгина тандир ясаш билан шуғулланишган, ҳунарларини шогирдларига ўргатиб, тандирсозлик анъаналарини шакллантирганлар. Халқимиз, тандир худонинг юзини кўрган, шунинг учун ҳам унинг бандалари тандир ясаш ва қуришга алоҳида эътиқод билан интиладилар, деган ахлоқий ақидани кўп қўллайди. Бухоро

www.ziyouz.com kutubxonasi

воҳасининг кўпгина туманларида ҳам тандир олови устига тушган нонни худонинг дийдорини кўрган деб авайлайдилар.

Лекин биз бугунги кунда оловга тушган нонни эъзозлаш ўрнига унга беписандлик билан қараб, кўпинча уни уй ҳайвонларига бераётган кимсаларни ҳам учратамиз. Бу нонга ва ахлоқий-маънавий қадриятларимизга бўлган ўта ҳурматсизлик оқибатидан бошқа нарса эмас!

Янги уй қуришдан олдин, албатта, янги тандир олиб келиб қурилади. Тандирда инсон истеъмоли учун зарур бўлган нондан тортиб, тансиқ миллий таомларгача: ёғли патир, кўкат, ошқовоқдан тандир бичак, тандир сомса, тандир кабоб, тандир гўшти ёки тандир ширбозлар ёпилади.

Ривоятларга қараганда, бир бойнинг уйида нон ёпиш жараёнида нонлар нуқул оқиб тушаверган. Шунда оққан нонларни лўндалаб, яна тандирга ёпишган, пишгандан сўнг эса бу нонларни (гўё кўнгилдаги чиройли нонлар бўлмагани учун) бойнинг хизматкор боласига едирилган. Бу етим бола кейинчалик дунёга машҳур Луқмони Ҳаким бўлиб танилиб, турли мураккаб касалликларни ҳам осон даволаган. У бундай улуғ даражага шу тушик нонларни тановул қилиш оқибатида эришган. Бу воқеа ҳақиқатдан келиб чиқиб, оловга тушган нонни еган Луқмони Ҳаким худонинг юзини кўрган, деган хулосага келишган. Бу бир ривоят бўлсада, унинг қатида чуқур тарихий ҳақиқат мужассам: яъни, ноннинг ушоғи ҳам, урвоғи ҳам нон ёки куйса-да, чиройли шаклда пишмаса-да, у барибир энг эъзозли, муқаддас неъматдир!

Тандир ясаш қадимдан катта санъат ҳисобланган. Шунинг учун унга алоҳида эътибор берилган. Чунки, битта тандир 10—15 йил давомида оилани нон билан таъминлаш хизматини ўтаган. Айниқса, Бухоро воҳаси ҳудудларидаги Жондор, Шофиркон, Вобкент, Когон туманларида тандирсозлик ҳунармандчилиги кенг ривожланган. Ўзининг қулай ва ихчамлиги билан Жондор тумани Ушот қишлоғининг тандирлари энг сифатли ҳисобланади. Чунки, тандирсозлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

тандир ясаш учун махсус лойдан фойдаланадилар, бу лой гил деб ҳам аталади. Гилнинг шиш тури бўлади. Ушотликлар Мурғак чўлидан сариқ лой келтириб, тандир ясашади. Тандир тупроғига бегона тупроқ сира қўшилмаслиги керак. Бу учун эса ушотликлар тандир лойини махсус гилдонларда бир кеча-кундуз давомида ивитиб қўйишади. Шофирконда эса гилсар лойига 50 фоиз табиий тупроқ қўшилиб, лой қорилган. Тандир лойига гилдон ичида яхшилаб ишлов берилиб, унга эчки қили, ёки сомон қўшилади. Қадим- дан лойга яланг оёқ ҳолатда товон билан тепиб, ишлов берилган. Шунда унинг таркибидаги табиий тузлар бир-бирига яхши ёпишади, яхши пишган лойда ғовакчалар бўлмайди, зич ва пухта бўлади.

Тандирга ишов беришда махсус асбоблардан ҳам фойдаланишган. Булар таппонча (ёки шап- шап — у ёғочдан ясалган) ва ғунда (ёки тап-тап — тошдан ясалган)лардир. Таппонча ташқарисида, ғунда эса тандир ичкарисидан тенг ҳолатда ишлаши керак. Бу асбобларни қўллаш билан тандирга пардоз бериш якунланади. Тандирнинг асосий қисми битгандан сўнг оғзи алоҳида ясалган ва 3—4 соатдан кейин қурилган. Тандир, кўпинча сояда ясалган ва қуритилган. Унинг кули чиқадиган тешиги Ушотда канаг дейилса, Шофирконда турмуч дейилади. Бу канаг, турмуч — тандирнинг ичига ҳаво кирадиган ва оловнинг ёниши учун ёрдам берадиган воситадир.


Хўжаев А. Фарғона водийсининг Хитой билан савдо билан алоқалари // Moziydan sado. 1(25). 2005.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Холиқулов Ш.Т., Қураҳмедов А.Э. XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд шаҳар савдосининг ўзига хос хусусиятлари // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари Тошкент — Самарқанд: “Фан” нашриёти, 2007.

Хонназаров А. Меҳригиё табобат. -Т.: “Noshir”, нашриёти, 2015.

Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. – Т.: Akademnashr, 2017.

Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2013.

Шарқ ривоятлари. Биринчи китоб / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. – Т.”Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2013.

Эл деса Навоийни: (Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар) // Тўпл. ва нашр. тайёрловчи М. Жўраев / –Т.: Чўлпон, 1991.

Юсупов Э., Исмоилов Ф. Инсон баркамоллиги. –Т.: Ўзбекистон, 1990.

Я познаю мир. Санк-Петербург в вопросах и ответах. – М.: АСТ: Астрель, 2007.

Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (Сурхон вохаси мисолида). – Т.:YANGI NASHR, 2010.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти, 2007.

Қадам Саид Мурод. Бугун эртак керакми? // “Шарқ юлдузи”. 2014. №1.

Қиссаи Мавлавий – Ҳиндистоний. –Т.: Адолат, 2004.

Қодирий Ҳ. Қодирийнинг сўнгги кунлари // “Ёшлик”, 1989. № 5.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қори-Ниёзий Т.Н. Ҳаёт мактаби (Эсдалик лавҳалари). – Т.: Фан, 1970.

Ғойипов Т. Ўз юртида бегона. – Т.: Ёзувчи, 1998.

Ҳамроқулов С. Яйпан: ҳаёт ва тақдир. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013.

Ҳошимов О. Бир болангман, Бешболам. – Ф.: “Фарғона”, 2007.

Ҳошимов Ў. Танланган асарлар. VI. – Т.: “SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2012.

Ҳошимов У., Алимова Н. Марғилон ҳунармандчилиги тарихидан // “Марғилон шаҳри ўтмиши, бугуни ва эртаси” мавзусидаги Республика илмий семинар материаллари. Фарғона, 2007.

Ҳусайнхон Мушкин Тошкандий. Меҳригиё. – Т.: Мумтоз сўз, 2011.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЛОВА

“ТОШКЕНТ –НОН ШАҲРИ”

1966 йилнинг октябр ойида “Тошкент –нон шаҳри” фильми устида иш бошланди. Сценарий ёзувчи Александр Неверовнинг шу номли қиссаси асосида кинодраматург Андрей-Михалков-Кончаловсий томонидан ёзилганди.

Бу картинада биз учун энг муҳими – муаллиф қиссасида тасвирланган воқеалар кечган жойларни топиш эди. А. Неверов ўз қиссасида 20-йилларда Волга бўйида кечган оғир очарчилик асоратларини, улкан минтақа аҳолисини азоб-уқубатларини акс эттирган эди.

Рассом Э. Калонтаров иккаламиз эса суратга олинадиган жойларни кўздан кечириш учун Россиянинг Оренбург, Куйбишев, Горький, Саратов областларида бўлдик. Қишлоқларда бўлганимизда маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашдик, ўша воқеаларга шоҳид бўлганларнинг ҳикояларини эшитдик. Қаерга бормайлик, қайси уйга кирмайлик, меҳмондўст кишилар бизни ҳеч бўлмаса қайноқ карам шўрвасиз қўйиб юборишмасди.

Одамлар билан дилдан суҳбатлар асносида биз халқ бошига тушган кулфатлар, тирик қолиш учун одамларга ҳамма нарсани ейишга мажбур этган машъум очарчилик йиллари ҳақида кўпроқ ва бири иккинчисидан даҳшатли маълумотларни ола бошладик. Биз бу ерда уйлари дераза-ларига тахта қоқиб ташланган, кимсасиз қишлоқларни кўрдик: ўз умрининг якунини сабр билан кутаётган ёлғиз қарияларга дуч келдик. Улар ҳеч кимга керак эмас эдилар гўё. Уларга ҳеч қандай ёрдам беролмаслигимизни тушуниб, қайғуга ботардик.

Биз кўп жойларни кўрдик, суратга олдик ва аста-секинлик билан ўзимиз иш бошлаган мавзу ичига кира бошладик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу билан суратга олинадиган жойларни кўришнинг биринчи босқичи тугади ва биз Тошкентга қайтдик. Бу ерда режиссёрлик сценарийси устида иш бошладик.

Тасвирга тушириш жойлари географияси жуда кенг эди. Фильм воқеалари Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудларида бўлиб ўтарди. Режиссёрлик сценарийси тайёр бўлгандан кейин суратга олишнинг табиий жойларини топиш учун иккинчи бор ижодий сафарга чиқдик.

Бу сафарда биз қаҳрамонимиз Миша Додонов ўтган йўллардан юришга қарор қилдик. Қиш келиб қолганлиги сабабли сафаримиз анча мураккаблашди. Студиядан биз кигиз этик – пийма ва пўстинлар олдик. Сафаримиз чоғида улар бизга жуда асқотди.

Фильмда кўп воқеалар темир йўл билан боғлиқ эди. Шу сабабли биз олдиндан мамлакатнинг барча темир йўлларида юриш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатнома ҳужжатларни олдик. Бу ҳужжатга асосан биз тепловозлар кабиналарида ҳам, юк ва йўловчилар поездларида ҳам юришимиз мумкин эди.

Дастлаб Актюбинскда тўхтадик. Бу ерда меҳмонхонага мослаштирилган кўҳна француз вагонида яшашимизга тўғри келди. Актюбинскда биз эски икки ўқли вагонлар ва бўш темир йўл тармоқларини изладик. Омадимиз келган тақдирда шу ернинг ўзида қолган обеъктларни танлашимиз керак эди. Афсуски, Актюбинскда излаганларимизни тополмадик.

Бизни кейинги тўхташ жойимиз Бузлук станцияси бўлди, бу ерда қаҳрамонимиз Миша Додонов нон шаҳри Тошкентга қараб йўл оларди. Бу ерда фильмимиз учун мос келадиган объектларни топишимизга жуда ишониб тургандик. Ахир Александр Неверов ўз қиссасида айнан Бузлукни, уни одамларини, қашшоқ қишлоқларини қаламга олганди.

Темир йўлни, вокзални ва яқин-атрофдаги қишлоқларни диққат билан кўздан кечириб чиқдик. Ўша машъум очлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

йилларини бошидан ўтказган кексалар билан гаплашдик, уларнинг ёғоч уйларига кириб кўрдик.

Бизга алоҳида объектлар маъқул келди, бироқ барча кўрсаткичлар билан бизни қаноатлантирадиган объектлар мажмуасини тополмадик. Гуруҳимиз тасвирга олиш ишларини хотиржам олиб бориш мумкин бўлган бўш темир йўл тармоғи масаласида ҳам муаммолар пайдо бўлди.

Бизга Александров Гайга боришни маслаҳат беришди. У ерга поездлар кам қатнаркан, шу сабабли бемалол суратга олиш ишларини олиб бориш мумкин экан.

Александров Гайга юк состави кетаётганини билиб қолгач, шоша-пиша энди юра бошлаган поезднинг вагонига осилиб чиқиб олдик. Аммо тез орада бу ишимиздан афсусландик. Вагон ичи ифлос ва жуда совуқ эди. Муздай елвизизак охак қолдиқларини чанг қилиб кўтарарди. Тез орада уст-бошимиз оппоқ тус олди, ўзимиз Қорбобога ўхшаб қолдик. Бир-биримизга қараб кулардик, юзларимиз худди тегирмончиникидек эди.

Бир неча соатдан кейин состав қандайдир бекатда тўхтади. Вақтни йўқотмасдан, тепловоз томон чопдик. Машинистларга рухсатномаларимизни кўрсатиб, тепловозга чиқиб олдик.

Аввалига машинистлар бизни ташқи кўринишимизга ажабланиб, ҳайрон бўлиб қарашди. Ниҳоят бунинг сабабини билишга, дарҳол бизни кабинага ўтқазишди ва қайноқ чой билан сийлашди. Тез орада баданларимизга иссиқ югурди, ўзимизни тетик ҳис қила бошладик.

Тепловоздан ҳамма томон яхши кўриниб турарди. Йўл бўйи биз ўзимизга маъқул жой қидириб, ҳар томонга англаб келдик.

Кечга яқин Александров Гайга етиб келдик. Маҳаллий раҳбарият билан мулоқотда бўлгач, бизнинг талабларимиз бу ерда адо этилмаслигини тушундик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тунни вокзалда ўтказиб, эрталаб орқага қайтдик. Бизни темирйўлчилар учун жиҳозланган вагонга жойлаштиришди. Вагон юк составига тиркалган эди.

Вагонда ётиш мумкин бўлган полкалар бор эди. Қаттиқ совуқ туфайли вагоннинг бутун ойналари қиров ва муз билан қопланганди.

Қидирувлар бизни Пенза бекатига олиб келди. Чор-атроф оппоқ қор билан қопланган эди. Буюртма таксида ўзимизга мос қишлоқни изланиб Пенза области районларини айлана бошладик. Қалин ёққан қор, ўтиб бўлмас йўллар ва қаҳратон совуқ ишимизни қийинлаштирарди.

Шундай кунларнинг бирида Эмануэль Калонтаров ўзини ёмон ҳис қилди. У бурни ва қулоқларини совуққа олдириб қўйганди. Калонтаровни шифохонага ётқизишга мажбур бўлдик, ўзимиз эса объектларни қидиришни давом эттирдик.

Пенза бекатида бизга темир йўқ тармоғи бўйлаб Нижнее-Ломово шаҳарчасига боришни таклиф этишди.

Рассомимизни шифохонада ёлғиз қолдириб кетишга кўнглимиз чопмай турди. Шифокорлар Калонтаров яна бир неча кун муолажа олиши лозим деб айтишди. Мен Эмануэлнинг яқинда бирдан ўзига маъқул келган қандайдир манзарани кўриб қолиб, қувончдан қийқириб юборганча қияликдан чопиб келаётган маҳали қор уюми ичидаги чуқурликка тушиб кетганини эсладим. Ўшанда уни аранг қалин қор қатлами тагидан суғуриб олгандик. Тарашадий қотиб қолган, фақат тишлари таккилаётган шўрлик Калонтаров оёғида тик туролмасди. Уни қиздирадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Гуруҳимиздаги келишувга кўра ўзимиз бир грамм ҳам ичмасдик, ёнимизда ҳам спирти ичимлик олиб юрмасдик.

Пензадан биз Нижнее-Ломога йўл олдик. Шаҳарча мўъжазгина эди. Шаҳарча раҳбарияти билан учрашиб, ўз мақсадимизни баён қилдик. Улар рус ёзувчисини тилга

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушган асари бўйича фильм олаётганимиздан жуда мамнун эканликларини билдиришди.

Бизни бир колхоз раиси билан таништиришди. Унинг исмини эслаб қолмаганимдан афсусдаман. Раис жуда ажойиб одам экан. Бизга бундай ҳавода у ёқларга машиналарда бориб бўлмаслигини тушунтиришда ва отларга тиркалган катта-катта чаналарда йўлга тушишни таклиф этишди.

Қалин пўстинларга ўралиб олган кўйи қишлоқлардан бирига йўл олдик. Аниқ йўлнинг ўзи йўқ эди, қалин қорда узоқ юрдик. Қаҳратон совуқ. Кўзларимизга қадар бекитиб, ўраниб-чирманиб олганмиз. Атрофда фақат оппоқ ранг. Қор тагида телефон симёғочларини учлари аранг кўриниб туради.

Ниҳоят омад биз томонга юз бурди. Биринчи дуч келган қишлоқнинг ўзиёқ бизнинг тасаввуримиздаги қишлоққа мос келарди. Биз узоқ излаган, аммо сира тополмаган шамол тегирмони ҳам бу ерда бор эди. Энг ҳайратланарлиси, қишлоқда ёғочдан бунёд қилинган черков ҳам сақланиб қолинганди.

Биз енгил нафас олдик. Ахир узоқ вақт, азобланиб излаганларимиз олдимиздан чиқиб турганди-да. Қишлоқни ҳам тегирмонни ҳам, черковни ҳам ва ҳаттоки бўш темир йўл тармоғини ҳам топгандик.

Шаҳарчадаги кичкина меҳмонхонада суратга олиш гуруҳини жойлаштирса бўларди. Шаҳарча бозорида эса ўша пайтлари ҳам ўзбеклар турли-туман меваларни сотиб ўтиришарди.

Биз турли кулбаларга кирдик, уларнинг эгалари билан суҳбатлашдик, турмуш тарзи билан танишдик, суратга олиш учун кўчаларни танладик.

Қишлоқларда асосан кекса чол-кампирлар истиқомат қилишарди. Ёшларнинг ҳаммаси шаҳарга кетиб қолган. Кўплаб кулбаларда ҳатто оддийгина электр токи ҳам йўқ эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Электр токининг йўқлиги тасвирга олиш гуруҳимиз ишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин эди. Ахир техникамиз бевосита ток билан ишларди-да. Демак биз бу ерга ток ишлаб чиқарадиган ускуна билан келишимиз керак бўлади.

Колхоз раиси билан ёзда учрашишга келишиб олдик ва Пензага қайтдик. Бу ерда бизни кўз ёш билан рассомимиз Эмануэль Калонтаров қучоқ очиб кутиб олди.

Россияда натурани танлаб бўлганимиздан кейин биз Қозоғистонга йўл олдик.

Туркистон шаҳрига яқинлашарканмиз, вагон ойнасидан қадимий шаҳар харобаларини кўрдик ва машинада шу ерга боришга қарор қилдик.

Шаҳарда бўлганимизда ажойиб жойларни кўрдик ва каттагина объектни шу ерда тасвирлашга олишни, Қозоғистонда юз берадиган саҳналарнинг қолган қисмини эса Тошкентдан 30-40 чақирим узоқликдаги "Дарвоза" бекатида суратга туширишни режалаштирдик. У ерда ҳам бўш темир йўл тармоғи бор эди.

Тошкентдаги саҳналар учун пойтахтимиз биқинида жойлашган колхоз узумзори танланганди.

Шу билан жойларни танлаш бўйича давом этган узоқ ва машаққатли меҳнатимиз тугади.

Маълумки, суратга олиш гуруҳининг иши, ташвиши, елиб-югуриши - ҳамма-ҳаммаси актёр учун. Томошабин экранда актёрни, унинг ижросини кўради. Шу сабабли кинофильм яратишда актёрларни танлаш жуда муҳим босқич ҳисобланади. Актёрларни излаш билан иккинчи режиссёрлар ва уларнинг актёрлар бўйича ассистентлари шуғулланишади.

"Тошкент – нон шаҳри" картинасида рус миллатига мансуб персонажлар кўплаб учраши боис иккинчи режиссёрликка "Мосфильм"дан рус актёрларини яхши биладиган Константин Старостин таклиф этилди. Ўзбек актёрлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан эса бизнинг иккинчи режиссёримиз Эсон Каримов шуғулланди.

Актёрлик синовлари учун “Мосфильм” павильонларидан бирида ёғоч уйнинг бир қисми қурилиб, унда рус актёрлари синаб кўрилди.

Додоновнинг онаси ролига кинода дастлабки қадамларини қўяётган актриса Валентина Тализина синаб кўрилди.

Эркаклар ролларига Москва ва Ленинград театрлари ҳамда “Киноактёр” студияси актёрлари синаб кўрилди.

Актёрлик синовлари яхши натижалар берди ва фильмга А.Суснин, Е.Гуров, В. Кольпаков, Р. Куркина, Н. Аринбосарова, Н. Тимоеев, С.Чекан, Л. Калюжная ва бошқа қатор истеъдодли актёрлар жалб этилди.

Болалар роллари ижрочиларини топиш эса анча қийин кечди. “Мосфильм”га ҳам жуда кўплаб болаларни олиб келишди. Лекин улар орасида бизга керак бўладиган даражада салоҳиятли, бош ролни ижро этадиган бола чиқмади. Биз ваҳимага тушиб қолдик.

Тез орада болакай бувиси ҳамроҳлигида “Мосфильм”да пайдо бўлди. Ш.Аббосовга ҳам, гуруҳимизга ҳам у дарров маъқул келди. Болакайнинг юришидан, гапиришидан қишлоқда ўсганлиги кўриниб турарди. Ёши ҳам бизга тўғри келарди.

Володя иштирокидаги кино синовлар жуда муваффақиятли ўтди. Биз енгил нафас олдик.

Серёжа роли ижрочисини топиш эса янада қийинроқ кечди. Россия областларида қидирувни давом эттиришга қарор қилдик. Куйбишев (ҳозирги Самара)ни танладик. У ерда павильонли киностудия бор эди.

Бизнинг иккинчи режиссёрларимиз ва ассистентларимиз областнинг мактабларида, интернетларида, болалар ҳаваскорлик тўгаракларида Серёжа ролига мос болакайни излашга тушишди. Бу орада Шуҳрат Аббосов иккаламиз суратга

www.ziyouz.com kutubxonasi

олинадиган табиий жойлар – натура қидириб областни айланиб чиқа бошладик.

Йигирманчи йиллар очарчилиги Волгабўйи районларида бошланган ва Куйбишев шаҳри ҳамда унинг ён-атрофдаги қишлоқларга қаттиқ таъсир кўрсатган. Оч одамлар оломони Ўрта Осиёга нон излаб йўлга чиқди. Уларнинг кўпчилиги Қозоғистоннинг сўнгсиз чўлларида ўлиб кетди. Аммо манзилга етиб келганларга ҳам осон бўлмади. Худди ўша пайтлари Тошкентда майда ўғирлик пайдо бўлди. Агар аввалари кичик дўконларнинг эгалари ўз дўконларини бемалол очиб қолдириб кетадиган бўлишса, энди эшикларга мустаҳкам қулф ўрнатишга ўтишди. Ўзбеклар ўз болаларини "самарска (самаралик) келяпти" деб қўрқитадиган бўлишди.

Аммо ҳар қанча оғирлик ва машаққатларга қарамасдан, Тошкент халқи Россиянинг очарчилик ҳукм сураётган минтақаларидан келган бечора одамларга жой берди, уларни қорнини тўйдирди.

Куйбишев шаҳрида бўлганимизда Шуҳрат Аббосов билан ўлкашунослик музейига кирдик. Келишимиздан асосий мақсадимизни билганидан кейин музей директори бизга Волгабўйидаги очарчиликнинг даҳшатли манзаралари акс этган ноёб суратларни кўрсата бошлади. Бу фотосуратлар мени ларзага солди...

Музей директорининг рухсати билан мен фотосуратларни расмга тушириб олдим. Бу суратлар фильмимиз учун декорация, либос ва эскизлар яратаётган рассомларимизга жуда қўл келди. Афсуски, вақт ўтиши билан бу суратлар йўқолиб кетди.

То биз суратга олинадиган жойларни танлаб, музей материалларини ўрганиб чиққунимизга қадар режиссёрлик гуруҳи киносинов учун болаларни танлаб бўлганди.

Яхши, истеъдодли болалар саралаб олинганлиги кўриниб турарди. Киносиновларни киностудия павильонида ўтказдик. Синов натижаларига кўра болалар ичида Володя Куденков

www.ziyouz.com kutubxonasi

исмлиси энг яхши деб топилди. Фильмда у Миша Додонов билан бирга Тошкентга отланган дўсти Серёжа ролини ижро этди.

Биз маҳаллий актёрлар билан киносиновларни давом эттириш учун Тошкентга қайтиб келдик.

Ўзбек актёрлари бизга яхши таниш бўлишса-да, улар ичидан энг яхшиларни қунт билан синов ўтказибгина танлаб олдик.

Таниқли актёрлардан Ҳикмат Латипов, Жавлон Ҳамроевларни олдик. Ўзбек болакайи Раҳим ролини ижро этадиган актёрни узоқ изладик. Режиссёрлик гуруҳи саъй-ҳаракатлари билан ниҳоятда қобилиятли бола бўлган Бахтиёр Набиев топилди.

Апрель ойининг бошларида суратга олишни бошладик. Тасвирга туширишнинг биринчи объекти сифатида биз Тошкент яқинидаги колхоз узумзорини танладик.

Бу объектда Ҳикмат Латипов, Нурхон ака Эшмуҳаммедов, Жавлон Ҳамроев ва Володя Воробей суратга тушишлари керак эди.

Актёрларга мос либослар танладик. Додонов учун уст-бош топиш анча қийин кечди. Қаҳрамонимизнинг ташқи кўриниши унчалик ўхшамаётган эди. Болакайнинг хўб олис йўллардан, кўп машаққатлар ва азоблар тортиб келганини таъкидлаб кўрсатиб турувчи ғижим, кир-чир, йиртиқ-ямоқ камзул керак эди. Бизни картинамизнинг иккинчи режиссёри Эсон Каримов қутқарди – у қайдандир айнан шундай камзул топиб келди.

Биринчи кадрларимизни тасвирга тушириш учун бутун гуруҳимиз билан колхоз узумзорига келдик. Бироқ суратга олиш майдончасида Володя Воробей ҳам унинг бувиси ҳам йўқ эди. Улар тезликда етиб келишини айтиб, бизни тинчлантиришди.

Суратга олиш техникасини жой-жойига қўйиб чиқдик, мизансаҳнани аниқладик ва кадрни ўрнатдик. Одатда актёр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни чарчатиб қўймаслик учун уларнинг ўрнига дублёрлардан фойдаланарди. Дублёрлар билан кадр ва мизансаҳналар аниқланади, чироқ ўрнатилади, суратга олиш камерасининг ҳаракат мароми солиштирилади ва ҳоказо.

Мана, суратга олиш учун ҳаммаси тайёр бўлди. Ҳатто обҳаво ҳам бизга кўмак бераётгандай эди – қуёш чарақлаб турарди. Бор-йўғи болакайни кадрга олиб кириш ва "Мотор!" дея буйруқ бериш қолганди, холос.

Бироқ... Володя Воробейдан дарак йўқ эди. Уни ҳеч ким олиб келолмади. Ўша пайтлари телефон алоқаси ҳали тараққий этмаган. Шу сабабли зудликда Тошкент билан гаплашишнинг ҳам ҳеч қандай иложи йўқ эди.

Гуруҳимиз аъзолари асабийлаша бошлашди. Бошқа лавҳани ҳам суратга ололмасдик. Чунки барча кадрларда Володя Воробей бўлиши керак эди-да.

Кун бўйи бесамара куттириб ўтирганимиздан кейин ноилож орқага, Тошкентга қайтдик. Ўзимиз бўлса болакайнинг соғлиғидан хавотирда эдик.

Шаҳарга келган заҳоти Володя ҳам, бувиси ҳам соғ-саломат эканлигидан хабар топдик. Болакайнинг суратга олиш майдончасига бормаганлигига сабаб эса – меҳнатига тўланадиган ҳақ масаласи эди. Буви билан набира сметадагига қараганда анча кўп гонорар талаб қилишди.

Ўшанда менга уларнинг бу қилиғи юлғичлик ва ғайриахлоқий ҳаракат бўлиб кўринди. Жуда жаҳлим чиқиб кетди ва Володя Воробей ўрнига Куденьковни бош ролда суратга олишни таклиф этдим. Яна бир неча киши менинг бу фикримни маъқуллади.

Лекин Шуҳрат Аббосов бу ҳақда ҳаттоки эшитишни ҳам истамади. У бош ролда фақат Воробейни кўрарди. Бошқа бола уни мутлақо қониқтирмасди.

У пайтлари бозор муносабатлари ҳақида мамлакатимизда гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Биз аниқ белгиланган маошга қаноат қилиб ишлардик ва савдолашишни,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзимизга кўпроқ пул талаб қилишни тасаввур ҳам этолмасдик. Эҳтимол ўша пайтлари болакай билан унинг бувиси кино санъатида ҳозирги бозор муносабатларининг уруғларини экишгандир. Албатта, бу ҳазил.

Аммо ўшанда улар юзага келган вазиятдан фойдаланиб, ўзларининг моддий аҳволларини яхшилашга ҳаракат қилгандилар.

Савдолашиш давом этаркан, гуруҳимиз бир неча кун мобайнида суратга олишга чиқолмади.

Воробейлар оиласи ва "Ўзбекфильм" ўртасидаги савдолашиш оила фойдасига ҳал бўлди. Кайфияти кўтарилиб кетган болакай суратга тушишга розилигини билдирди.

Гуруҳ бутун таркиби билан суратга олиш майдонига етиб келди. Аммо ўша куни ҳаво айниб қолди. Кўкда енгил булутлар пайдо бўлди...

Куннинг иккинчи ярмида осмон булутлардан халос бўлади, қуёш чиқади деган умидда суратга олиш кунини бекор қилмаган ҳолда камераларни ўрнатиб, актёрлар билан саҳналарни машқ қилишни бошлаб юбордик.

Биз вақти-вақти билан осмонга илинж билан термулиб, булутларнинг тарқалиб кетишни кутардик. Лекин умидларимиз сира рўёбга чиқай демасди. Булутлар тарқалмай турарди. Кун дим. "Қилт" этган шабада йўқ. Осмоннинг биз "сут" деб атайдиган кўриниши эса гуруҳимизни қониқтирмасди.

Ўша куни ҳаво яхши томонга ўзгармади. Кечгача кутиб ўтиргач, ноилож студияга қайтдик.

Бир ҳол ҳафтадан кўпроқ давом этди. Гуруҳимиз очиқ кунни кутган ҳолда ҳар куни ишонч билан суратга олиш майдонига чиқарди. Аммо...

Ниҳоят бир ҳафтадан сўнг осмон артилган шишадай тиниқлашди, жилмайиб қуёш чиқиб келди ва биз ишлашни бошладик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кадрни тасвирга туширарканмиз, режиссёримиз Шуҳрат Аббосов картина қаҳрамонини танлашда янглишмаганига ишонч ҳосил қила бордик. Володя Воробей ўз ролини ўта ишончли тарзда талқин этарди. Биз ёш актёрнинг ҳар бир сўзига, ҳар бир хатти-ҳаракатига ишонардик. Буни кўриб, кайфиятимиз кўтарилиб кетди. Фильм яхши чиқишига ишонч пайдо бўлди.

Пенза областининг Нижнее-Ломово шаҳарчасида картинамизнинг кўплаб объектлари жамлаган эди. Биз қиш пайти келганимизда натура учун танлаб олган жойларимизга бордик.

Волгабўйи темир йўли раҳбарияти томонидан Нижнее-Ломовога эски кўринишдаги вагонларни юборишга буйруқ берилди.

Меҳмонхонага жойлашганимиздан кейин Аббосов, Калонтаров, картина директори ва мен тасвирга тушириш учун танлаб олинган қишлоққа йўл олдик.

Олдинги картиналаримизда ҳам болалар иштирок этганлиги сабабли, улар билан ишлаш борасида анчагина тажриба орттириб улгургандик.

Лекин "Додоновлар ҳовлиси" объектини суратга оларканмиз, кутилмаганда ёш болаларнинг фавқулодда ўжарлиги ва инжиқлигига дуч келдик.

Гуруҳимиз аъзоларидан кимдир уларга токи ўйинчоқлар беришмагунча режиссёр амакининг айтганларини қилманглар деб шивирлаб қўйган экан. Федька билан Яшка ролини ижро этаётган болакайлардан гоҳ бири йиғлайди, инжиқлик қилади, "кинога тушмайман" дейди, гоҳ иккинчиси. Режиссёрнинг ҳар қанча ялиниб-ёлворишлари ҳам уларга кор қилмади.

Бизнинг ҳовлилардан фарқли равишда, бу қишлоқда ҳовлилар ҳар куни супуриб-сидирилмайди. Қуёш кўкка кўтарилганидан сўнг барг ва ўт-ўланлар билан қопланган ҳовлидан қўланса ис тарала бошлади. Маълум бўлишича,

www.ziyouz.com kutubxonasi

юпқа ўт-ўланлар қатлами тагига чўчқа ахлати ташланган экан. Одамнинг кўнглини айнитиб юборадиган даражада бадбўй ҳид шундан келаётган эди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам биз ишлашимиз керак эди. Маъмурларимиз шаҳарга, болаларга ўйинчоқ олиб келишга кетишди. Болалар эса ҳамон йиғлар ва бизларнинг илтимосларимизга парво қилишмасди.

Тез орада ўйинчоқлар келди. Буни кўрган болакайлар бирдан қувониб кетишди ва режиссёрнинг айтганларини бажара бошлашди. Лавҳа катта қийинчиликлар билан суратга олиниб бўлинди.

Ўша ёз об-ҳаво тинмай ўзгариб турди. Гуруҳимиз тез-тез бирдан ёғиб қоладиган ёмғир тагида қоларди, шундан сўнг лойга айланган йўллардан аранг ўтиб, суратга олиш жойига минг машаққатлар билан етиб келардик. Биз соатлаб осмонга термулиб, унинг очилиб кетишини кутардик. Бу эса фильмни суратга олиш муддатини чўзарди.

Мен ҳар қандай об-ҳавода суратга ололмасдим, бу картина услубини бузган бўларди. Менинг биринчи навбатдаги вазифам табиий фактураларни, кайфиятни, ёритишнинг ўзига хосликларини экранда ифода этиб бериш эди.

Кейинчалик эса не-не машаққатлар, не-не азоб-уқубатлар билан олинган кадрларнинг ҳаммаси ҳам фильмимизга киритилмади.

Темир йўл билан боғлиқ эпизодларни суратга олиш жуда катта мушкулликлар туғдирарди.

Темир йўл билан боғлиқ эпизодларни суратга олиш жуда катта мушкулликлар туғдирарди. Зеро унда 20-йиллар кийим-бошни кийиб олган катта миқдордаги оммавий саҳна иштирокчилари ҳамда кўҳна вагон, паровоз иштирок этарди.

Кунларнинг бирида темир йўл бекатига эски вагонлар тиркалган составни олиб киришди.

Кўп сонли оммавий саҳна иштирокчилари тўпланишди. Улар кийинтирилгач, вагонлар томига жойлаштирилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Вагонлар деразалари ва зиналарида ҳам одамлар ўтиришарди. Уларга турли-туман қоплар, халталар, чамадонлар ва бошқа реквизитларни тарқатишди.

Сценарий бўйича состав рус даласи ичидан кетиши керак эди. Шу сабабли состав бекатдан бир неча километр нарига олиб чиқилди. Ҳақиқий рус даласи бошланди.

Вагонлар томларида ўтирган одамларни ҳамда йўловчилар билан лиқ тўла ҳолда кетаётган поезднинг умумий кўринишини суратга олдик. Тасвирга тушириш ишлари анчайин силлиқ кечарди, состав доимий ҳаракатда бўлгани учун йўловчилар ҳам ҳеч қаёққа кетиб қолишмасди. Қуёш ёрқин нур сочиб турарди. Қилаётган ишимиздан ўзимиз ҳам мамнун эдик. Охирги кадр – паровоз қувурини суратга олиш қолганди, холос.

Мен билан ассистентим паровозга чиқдик, камерани ўрнатдик ва қора тутун бурқсиб турган қувурни тасвирга ола бошладик. Мен машинистдан қора тутунни кўпайтиришни илтимос қилдим. Кадрни суратга оларканман, машинистларнинг бирдан ваҳимага тушиб бақир-чақир қила бошлашганини эшитдим. Мен аппаратдан нигоҳимни уздим ва уларга қарадим. Қуюқ қора тутун уларни биздан тўсиб турарди. Машинистлар жон-жаҳдлари билан қўлларини силкитганларича олдинга ишора қилишарди. Мен шу томонга қарадим ва бирдан даҳшатга тушдим. Темир изларга кўндаланг тортилган электр сими шиддат билан яқинлашиб келарди. Бирдан ўтириб қолдим ва худди шу сонияда электр сими худди ўткир пичоқдай киноаппарат ўрнатилган штативнинг юқори қисмини кесиб ўтди ва уларни далага улоқтириб юборди.

Агар бир лаҳзага ушланиб қолганимда эди, шубҳасиз, менинг бошим ҳам далага отилиб тушган киноаппарат ва штативнинг юқори қисми ёнида бўларди.

Ўзимни ёмон ҳис қилдим. Бутун вужудим дир-дир титрарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир неча юз метр юргандан кейингина поезд тўхтади. Тасвирга олиш аппаратини кўтариб келишди.

Тушлик пайти бўлди. Состав бекатга қайтиб келди. Ҳаммани гуруҳ маъмурияти ташкил этган таомлар билан меҳмон қила бошлади.

Менинг эса ҳеч нарса егим келмасди. Суратга олиш пайти бостириб келган ажал ваҳимаси ҳали бутунлай ўтиб кетмаган эди.

Оммавий саҳна иштирокчилари иштаҳа билан овқатланишарди. Гуруҳ аъзоларининг ташвишлари етарли эди, шунинг учун мен билан деярли ҳеч кимнинг иши йўқ эди.

Мен овқатланаётган одамларга қарардим ва агар мен билан фожиа рўй берганда ҳам булар ҳеч нарса бўлмагандай хотиржам ўтириб, бемалол овқатни тановул қилаверишармиди, деган ўйларга бордим.

Шу куни мен бошқа суратга ололмадим.

Эртаси куни эса тасвирга тушириш ишлари яна давом этди.

Бир куни кечқурун мен темир йўл бекатимга бориб, у кечаси қандай ёритилишини кўрмоқчи бўлдим.

Меҳмонхонадан станциягача бир неча километр келарди. Кечқурунлари салқин эди, шу сабабли устимга тўн кийиб олдим.

Бекатга торгина асфальт йўл олиб чиқарди. Йўл ўртасида кетиб борардим. Атроф жим-жит. Йўлда машиналар ҳам, аравалар ҳам учрамади. Бирор тирик жон йўқдай эди. Борлиқ ўлик сукунат оғушида. Станцияга қадар ҳали узоқ эди. Шошилмасдан кетиб борардим. Вақтим бемалол эди.

Кутилмаганда шовқин-сурон ва жанговар ҳайқириқлар билан йўлга узун таёқ-тўқмоқлар билан қуролланган икки йигитлар отилиб чиқишди. Мен қўрқиб кетдим. Яширишнинг ҳам иложи йўқ эди. Йигитлар “Ур аблаҳларни!” дея бақир-чақир қилганларича девордай жипслашиб бир-бирларига ташланишди. Мен уларнинг орасида қолдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энди тамом бўлдим, деган ўйга бордим. Бошимга тушадиган зарбани кута бошладим. Жанг эса авжига чиққан эди. Йигитлар бир-бирини аямай савалашар, атрофни оҳ-вой, сўкишлар, ингроқлар тутиб кетганди. Мен қочиб қолиб, қўрқоқ деган ном орттиришдан ор қилганча ҳамон калтаклашаётганлар орасидан ўтиб борардим. Нимагадир у томон ҳам, бу томон ҳам менга тегинмади. Ҳатто менинг руслар учун хос бўлмаган чопоним ҳам уларнинг эътиборини тортмади. Мен қочиб қолиб, қўрқоқ деган ном орттиришдан ор қилганча ҳамон калтаклашаётганлар орасидан ўтиб борардим. Нимагадир у томон ҳам, бу томон ҳам менга тегинмади. Ҳатто менинг руслар учун хос бўлмаган чопоним ҳам уларнинг эътиборини тортмади. Мен уришаётганларни хавфсираб айланиб ўтганча олдинга юришда давом этдим. Ногаҳон енгила бошлаган гуруҳдаги йигитлар қочишга тушишди. Ғолиб томон эса уларни бутунлай мағлуб этиш учун қочаётганларнинг ортидан чопди.

Мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Афтидан, ҳар кимнинг ўз душмани бор эди.

Темир йўл бекатига эсон-омон етиб олгач, тунги ёритиш қандай ташкил этилганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Суратга олиш учун қулай нуқталарни излаб кўргач ортга тинчгина, ҳеч бир саргузаштсиз қайтдим.

“Бекат” объекти жуда катта эди ва суратга олиш ишлари кун-тун давом этиши керак эди. Бу объектда кўплаб актёрлар, оммавий саҳналар иштирокчилари билан бир қаторда бир нечта поезд составлари ҳам тасвирга тушириларди. Кўплаб кадрлар ҳаракатда олинарди. Буларни бариси биздан аниқ ўйланган, пухта режаланган ишни талаб этарди.

Бу кадрлар актёрларнинг, оммавий саҳна иштирокчиларининг, поездга хизмат кўрсатаётган темирйўлчиларнинг, суратга олиш камераси ҳаракатининг, ёруғлик ва пиротехниканинг ўзаро мутаносибликда ишлашни тақозо

www.ziyouz.com kutubxonasi

этарди. Суратга олиш ишлари кучли зўриқишда кечди – болалар ҳам, катта ёшли актёрлар ҳам ўз ролларини жон диллари билан берилиб ижро этишди.Энг қийин вазифа Куденьков зиммасига тушди. Унинг кетаётган поезд орқасидан қувиб етишини бир неча дублда олдик.

Суратга олиш тугагандан кейин гуруҳимизни таниб бўлмай қолди – паровоз трубасидан чиққан қурумдан уларнинг ҳаммаси қоп-қорайиб кетганди.

Кўп объектларни суратга олдик, лекин ҳали суратга олинмагани кўпроқ эди.

Оғир, асабийлашиш ва зўриқишларга бой иш режиссёримиз Шуҳрат Аббосовнинг соғлиғига таъсир этди ва у касал бўлиб қолди. Киноэкспедицияни зудликда орқага қайтариш ва эпизодларнинг қолган қисмларини Тошкентга кўчириш масаласи кўндаланг туриб қолди. Шунинг учун Тошкентда тасвирга тушириш имконияти бўлмаган кадрларни бу ерда ошиғич тарзда суратга олиб бўлишимиз керак эди.

Тошкент бизни чидаб бўлмас даражада иссиқ билан қарши олди. Картинанинг ярмидан кўпроғини тасвирга туширишимиз керак эди. Бирон жойга чиқиб ёки павильонда суратга туширишни бошлаганимизга қадар Тошкентдаги натура объектларида ишлаб туришни режалаштирдик.

Эски шаҳар саҳналари объектлари Эски Жўва бозоридан унчалик узоқ бўлмаган жойдан топилди. Бу ерда тош тўшалган кўча, эски ўзбек уйлари ҳамда ярим вайрона ҳолида мачит сақланиб қолган эди.

Очлик ва чарчоқдан тинка-мадори қуриган Мишка беихтиёр сотувчи аёлнинг нонини олиб қўйиб, шоша-пиша ея бошлаши саҳнасини суратга олдик. Жаҳли чиқиб кетган аёл ёрдам сўраб бақиради ва болани калтаклайди. Болалар қочиб қолишади. Уларнинг ортидан оломон чопади. Болаларни милиционер тутиб олади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эски Тошкентни Миша Додоновнинг нигоҳида кўрсатишга қарор қилдик. Тутун бурсиқиб турган кабоблар, саватлардаги қайноқ нонлар, паранжи ёпинган аёллар, уюм-уюм қовун тарвузлар, мўл-кўл мева ва сабзавотлардан унинг боши айланиб кетиши керак эди. Мишани фавқулодда тор ва қийшиқ кўчатлар, узун чопон ва дўпи кийган эркаклар, паранжили аёлларга ҳайратга солиши аниқ эди. Бу эпизодни суратга олаётганимизда кадрнинг ўткир композицион тузилишига, динамикали ҳаракатларга ва контраст ёритилишига риоя этдик. Ғазабга минган оломондан қочиб кетаётган болаларни тасвирга олиш учун қўл камерасини елкамга қўйганча болалар ортидан чопишга мажбур бўлдим.

Биз Тошкентда суратга олиш ишларини давом эттираётган пайтимизда маъмурий гуруҳ бизга темир йўл билан боғлиқ катта объектни тайёрлаб қўйганди.

Темир йўл билан боғлиқ эпизодларни суратга олиш катта тайёргарликни ҳамда бу жараёнга боғлиқ барча тармоқларнинг ўзаро мутаносиб ишлашини тақозо этади.

Қозоғистон темир йўлининг “Дарвоза” бекатида бизга темир йўлнинг поездлар жуда кам ўтадиган участкасини ажратиб беришди. Бу тармоқ қандайдир завод билан боғланган бўлиб, кунига икки-уч марта юк поезди ўтиб қоларди, холос.

Гуруҳимиз билан “Дарвоза” бекатига етиб келдик ва бизга ажратилган эски поезд вагонларига жойлашдик. “Дарвоза”да бошқа бирон меҳмонхона, ҳаттоки рисоладагидай ошхона ҳам йўқ эди.

Биринчи кеча жуда ёмон ўтди. Тез-тез ёнимиздан ўтиб турган поездлар шовқинидан ухлаётганлар даҳшат ичида ўринларидан туриб кетишарди. Гўё қарши тарафдан келаётган поезд рельслардан чиқиб кетиб, бизнинг вагонларга уриладигандек эди. Бунинг устига нимагадир бекатга яқинлашиб келаётган поездлар албатта қулоқни батанг қилар даражада чинқириб гудок берарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин ҳам барибир бу шароитга кўниколмадик ва норозилик билдириб, ўзимизга бошқа жой талаб қилдик. Гуруҳ маъмурияти вокзал биносидан бир нечта хона топди. У ерга гримчиларни ва Сауле ролини ижро этаётган ёш актриса Наталья Аринбосаровани жойладик.

Бизга эса бекат ҳовлисида палатка таклиф этилди. Бу беш-олти ўринлик палаткаларда киши ўзини хотиржамроқ сезарди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Оқшомларнинг бирида қаттиқ шамол кўтарилди ва палаткаларимизни қулатиб-йиртиб ташлади. Бу ҳол бир неча маротаба такрорланди.

Бундай маиший муаммоларга қарамасдан, суратга олиш ишлари ўз маромида давом этарди.

Ёз ўртаси эди. Кунлар бениҳоя исиб кетган. Биз суратга олаётган жойда қуёшнинг қайноқ нуридан яшириниш учун лоақал биттагина дарахт ҳам йўқ эди.

“Поезд” объектини суратга олардик.

Эпизод каттагина эди. Уни суратга олиш мураккаб ва хавфли эди.

Қуёш оташидан вагонларнинг тунука томлари шу қадар қизиб кетгандики, истак туғилган тақдирда у ерда бемалол тухум қовуриб олса бўларди.

Гуруҳимиз оғир киноаппаратлари билан вагон томига жойлашди. Ҳаракатдаги поездда суратга олиш керак эди. Ҳеч қандай муҳофаза воситалари йўқ. Айниқса болаларни суратга олаётганда биз ўзимизни ҳам, уларни ҳам хатарга қўяётгандик. Болалар вагоннинг қайнаб турган томида яланг оёқда чопишлари, тиз букиб туришлари, қўлларини томга теккизишлари лозим бўларди. Болалар оғриқдан йиғлашарди, аммо уларнинг бундай ҳолати бизга керак эди. Бу уларга ўз ролларини ҳаққоний ва ишончли ўйнашларига ёрдам берарди. Биз тўхтатмасдан суратга олавердик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эпизод таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида биз тез-тез суратга олиш нуқталари ва ракурсларини ўзгартириб турардик.

Ҳаракатдаги поезднинг бир вагонидан бошқа вагонига сакраб ўтаётган актёрларни суратга олиш техник жиҳатдан жуда қийин эди. Қуйи нуқтадан тасвирга тушириш учун мен поезд вагонлари орасига боғланган осма кажавага жойлашиб олдим. Озгина ноаниқлик рўй берган тақдирда мен кино-камерам билан биргаликда пастга шиддат билан ўтиб бораётган рельслар устига қулаб тушишим мумкин эди.

Аммо биз таваккалсиз таъсирчан кадрларни суратга ололмаслигимизни яхши билардик, шу сабабли бундай онгли равишда ўз ихтиёримиз билан қўл урардик.

Шундай кунларнинг бирида бизнинг олдимизга студия директори Абдулаҳад Абдуллаев келди.

“Қозоқ чўли” эпизодидан кадрни суратга олаётгандик. Бу лавҳада Миша Додонов кетиб бораётган поезднинг охирги вагонига бир амаллаб осилиши керак эди. Поезд ортидан югураркан, у йиртиқ чипта кавушларидан айрилар ва энг сўнгги лаҳзада вагон зинасининг қуйи палласидан ушлаб қоларди. Шунда Мишанинг яланғоч оёқлари ерда судралиб,ўткир тошларга уриларди.

Бу кадрни бир нечта нуқтадан суратга олдик. Болакайнинг оёғи ўткир тошларга урилиб қонаб кетаётганини кўрган директор бир неча маротаба суратга олишни тўхтатмоқчи бўлди, лекин улгуролмади. Кадр тасвирга туширилди ва ҳаммаси яхши тугади.

Биз тез-тез чиройли кадрни суратга олиш учун таваккал қилиб турардик. Шундай воқеалар ҳам бўлдики, қийшиқ рельслар сабабли паровоз издан чиқиб кетди. Бир сафар эса шундай паровоз бизнинг – тасвирга олиб турганларнинг устимизга қулаб кетишига сал қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тошкентдан “Дарвоза”га жўнаб кетишимиз олдидан жуда чиройли саксовул омборини топгандик. Унга декорация ишлатиб, ажойиб манзара пайдо этса бўларди.

Рассом омборни ёғоч тўсиқ ва кузатув минораси билан ўраб, катта иш қилди. Саксовул тахланиб, катта-катта уюмлар ҳосил этилганди. Ерга қора кўмир чанги сепилганди.

Бу саҳнада Дунаев Миша билан Раҳимни ёғоч омборга олиб келиши керак эди. Бу ерда эса бир неча аёл ва жулдурвоқи болалар истар-истамасдан ўтинларни бир жойдан бошқа жойга таширдилар. Вазиятни баҳолагач, Раҳим аскар билан машғул бўлди. Унинг қаршисида рақс тушганча Раҳим алдаб-сулдаб аскарнинг картошкасини олиб қўйди. Мишка эса ҳалол меҳнаткаш сифатида ўтин ташишга киришди.

Оташин қуёш ва кўмир чанги актёрларга ҳам, гуруҳга ҳам ишлатишга халақит берарди. Болалар жуда чарчашди. Настенка ролини ижро этган актриса жон дили билан, жуда ишончли ўйнади. Унга қарашнинг ўзи ҳам қўрқинчли эди. Суратга олиб бўлганимиздан кейин унинг ўзига келишига, бутун танасини қоплаб олган кўмир қурумидан тозаланиб олишига анча вақт кетди. Кейинчалик бу кадр натуралистик кадр сифатида фильмдан олиб ташланди.

Тез ва кўп суратга олардик. Афсуски, суратга олинган кадрларнинг бир қисми фильмнинг якунловчи вариантига кирмай қолди.

Биз сценарий ҳажми катта эканлигини, суратга олинган материал бизга рухсат этилган тасма метрларидан кўпроқ бўлишини билардик. Лекин ўзимизни тўхтатиб қололмасдик. Ўзимиз ишлаётган материалга жон-жаҳдимиз билан берилиб кетгандик, уни яхши кўриб қолгандик.

Туркистонда суратга олишни режалаштирган каттагина объектимиз қолганди. Тасвирга тушириш объекти сифатида Туркистон шаҳридан унча узоқ бўлмаган қадимий қалъа харобаларини танлагандик. У ерда жуда баланд тупроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

деворлар сақланиб қолганди. Маҳаллий ҳудуд ва қалъанинг ландшафти ўзининг ибтидоийлиги билан катта таассурот қолдирарди.

Бизнинг қаҳрамонларимиз бу муҳитга табиий равишда сингишиб кетиб, яхлитликни ташкил қилардилар.

Бу саҳнада бир гуруҳ одамларнинг поездни кутиб ўтирмасдан, Тошкентга қараб пиёда йўлга тушишга қарор қилганликлари кўрсатилади. Уларга Миша Додонов ва Раҳим қўшилишади. Улар қуёш аёвсиз куйдириб ташлаган қозоқ ерларидан ўтишади. Кекса бобо Додоновга буғдойни қайдан экиш ва мўл ҳосил олиш йўлларини ўргатади. Улар Тошкент ва Тошкент замини ҳақида орзу қилишади.

Қалъанинг қуёш нурлари остида кўзни қамаштиргудай чақнаб турган қайноқ оқ томлари ва кўҳна тупроқ деворлар бағрида бу сўзлар ҳеч қачон амалга ошмайдиган орзудай янграрди. Бутун атроф-муҳит бор-йўқ истаклари нон шаҳри Тошкентга етиб олиш бўлган бир сиқим одамларни ғанимларча эзиб турарди.

Туркистонда охирги кадрларни суратга олгандик, шу билан тасвирга тушириш даври якунига етди. Гуруҳимиз Тошкентга қайтди.

Кейинги босқич бошланди – картинани монтаж қилиш ва овоз бериш. Бу ишлар бир неча ой вақтимизни олди.

Ўша йиллари рус тилига эътибор кучлироқ эди, шу сабабли бизнинг фильмимизга ҳам рус тилида овоз берилди.

Киностудия бадиий кенгаши ва киностудияда ишлайдиган кўп сонли қизиқувчилар учун фильм катта залда намойиш қилинди. Режалаштирилган бир ярим соат ўрнига фильм икки соату йигирма дақиқа давом этди.

Фильм тугагандан кейин бирдан зал сукунатга чўкди. Илк томошабинларимиз эсанкираб қолишган эди.

“Ўзбекфильм” бадиий кенгаши фаолиятида илгари учрамаган воқеа рўй берди. Бадиий кенгаш раиси фильм муҳокамасини кейинги кунга қолдиришни таклиф этди. Зеро

www.ziyouz.com kutubxonasi

фильмда кўп баҳсли ўринлар бўлиб, уларни юқорида турувчи раҳбарлар билан маслаҳатлашиб олиш керак эди.

Кейинроқ режиссёр Шуҳрат Аббосовга босим ўтказиш бошланди. Москвада фильмни бир серияга қадар қисқартиришни талаб қилишди. Қаршилик кўрсатиш ёрдам бермади. Бизни қўллаб-қувватловчилар ҳам бўлмади. Картинани беш қисмини қисқартириб ташлаб, ўн қисмини қолдиришди. Асаблари қақшаб кетган Ш. Аббосов касал бўлиб қолди ва юрак хуружи билан шифохонага тушди.

Картинанинг тўлиқ вариантли нусхасини зудликда йўқ қилишди... Аммо негатив сақланиб турарди.

Мен студия директори Абдулаҳад Абдуллаев ҳузурига кириб, картинанинг тўлиқ кўринишидан яна бир нусха тайёрлаб беришларини илтимос қилдим. Мен уни келажак учун, томошабинларнинг янги авлоди учун асраб қўймоқчи эдим.

Абдуллаев жуда ақлли ва журъатли раҳбар эди. У дарҳол ўринбосари Қаюм Абдураҳмоновни чақириб, унга картинанинг тўлиқ кўринишидаги нусхасини тайёрлаб бериш вазифасини топширди. Мен бунинг учун Абдулаҳад Абдуллаевдан бир умр миннатдорман, у кишининг ёрқин хотираси ҳамиша қалбимда.

“Тошкент – нон шаҳри” фильми кинотеатрларга чиқарилиб катта муваффақият қозонганидан кейин Шуҳрат Аббосов билан мени Давлат мукофотига тавсия этишди. Аммо мукофотни бошқалар олишди.

Картина ўз ҳаёти билан яшаб келмоқда. Одамлар ҳалигача бу фильмни эслашади.

Ҳотам Файзиев, “Тошкент – нон шаҳри”
фильмининг саҳналаштирувчи оператори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. [264]

264 Файзиев Ҳ. “Тошкент – нон шаҳри”. Ёшлик. 2010. № 2. -Б.33-39.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Муқаддима..... 3
Энг буюк кашфиёт 6
Нон қадри..... 16
Нон билан боғлиқ урф-одатлар..... 31
Нон билан боғлиқ хотиралар..... 55
Нонкўрлар 155
Нонвойлик касби..... 190
Нонвойлик рисоласи..... 199
Марғилон нонвойлари..... 213
Нон ва нонвойлар ҳақида ҳикоятлар 238
Нон билан боғлиқ эртаклар, ривоятлар, эсдаликлар..... 257
Нон ҳақида шеърлар..... 341
Нон ҳақида мақоллар..... 349
Нон билан боғлиқ ҳикматлар..... 359
Тандири бор уйда барака бор..... 369
Тандирчилар..... 381
Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида нонга оид маълумотлар..... 394
Величайшее открытие человечества — это хлеб!..... 405
The greatest discovery of humanity is bread!..... 419
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... 433
Илова..... 441

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОДИРЖОН АБДУЛАҲАТОВ

Нон китоби

Техник муҳаррир: *Рўзимурод Ахмедов*
Саҳифаловчи: *Мафтуна Узақова*
Дизайнер: *Тимур Мустафаев*

Тасдиқнома № 495679. 21.11.2024.
Босишга 28.08.2026-йил рухсат этилди:
Бичими 80x108 $_{1/16}$. Офсет қоғоз
— Тимес new Роман гарнитурасида офсет усулида босилди
Нашр табоғи – 29,25. Шартли босма табоғи –12,625.
Адади 100 нусха. Шартнома № 24.08.2026
Буюртма № 652



UNIDO халқаро ташкилоти сертификатига эга бўлган
“Classic” нашриётида нашрга тайёрланди

Оригинал макет Classic нашриётида тайёрланди.
150114, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар,
Авиасозлар кўчаси 2-уй.
Телефон: (93) 507-52-72

Полиграф Супер Сервис МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
150114, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар,
Авиасозлар кўчаси 2-уй.

www.ziyouz.com kutubxonasi